

ОДИЛ Ў ЎКУБОВ

Кўхна дунё

Сайланма

УЧ ЖИЛДЛИК

Биринчи жилд

Роман

Қисса, ҳикоялар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1986

Уз2
Е 93

Еқубов Одил.

Сайланма: 3 жилдлик. I-ж. Қўҳна дунё. Роман.
Қисса. Ҳикоялар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1986.— 512 б.

Одил Еқубовнинг уч жилдлик «Сайланма»си нашр этилмоқда.

Қўлингиздаги биринчи жилдга ёзувчининг тарихимиз саҳифаларини ёритувчи «Қўҳна дунё» романи ҳамда бугунги ёшларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Муқаддас», «Тилла узук» каби қатор машҳур қисса ва ҳикоялари киришди.

Якубов Адыл. Избранные произведения: 3-х т. Т. I.

Уз2

Я $\frac{4702570200 - 15}{М 352 (04) - 86}$ 8—86

КУҲНА ДУНЁ

Роман

Биринчи боб

Шоирнинг асли исми — Қутлуғқадам. Аммо ҳеч ким бунни билмайди. Ғазнада у Малик аш-шароб, авомчасига эса Маликул шароб, яъники, ғариб майхўрлар султони деган ном билан маълум ва машҳур.

Ғариб кулбаси эса, гарчи султон Маҳмуд Ғазнавий қасрлари билан тенглаша олмаса ҳам, доврўғи бутун доруссалтанатга¹ кетган. Шоирнинг кулбаи вайронаси шаҳарнинг энг чеккасида, Боғи Фируз ва Боғи Маҳмуд каби кўркам боғлар, Осмон маликаси каби мармар қасрлар, Кўшки давлат ва Кўшки маъмур каби тиллакори саройлар, ложувард гумбазли муҳташам маҷит ва миңоралар, сершовқин бозорлар, карвонсаройлар, бир-бирига тутшиб кетган обод расталар, қумуш фавворалар ўрнатилган гулзор ва майдонлардан йироқда, гадолар ва йўқсиллар макони бўлмиш Афшон шол² даҳасининг хилват бир бурчагида жойлашган. Лекин бу қашшоқ кулбанинг ўзига хос оҳанрабоси бор — у мулла мирқуруқ шоирлар, «чиқитга чиққан» хонанда ва созандалар, саройлардан қувилган мунажжимлар, амирлар қаҳрига йўлиққан сарбозлар, қочқин ғуломларнинг суюкли маконига айланган.

Кечалари бу маконга оқиб келадиган фақир-ҳақирлар гарчи чўнтагида сариқ чақаси бўлмаса ҳам, ўз доврўғи, ўз гурурига эга. Машшоқлар даврасидаги ситорчи, шунчаки ситорчи эмас, балки Бобо Сеторий деб чақирилади, ғижжакчиси оддий ғижжакчи эмас. Пири Ғижжакий, ҳофиз шунчаки ҳофиз эмас, Бобо Ҳофиз Булбулий, шоир бўлса назм аҳлининг султони ёхуд маликул калом, деб аталади. Ҳатто най бобида устаси фаранг, гурганжлик³ букри аттор ҳам оддий букри эмас, балки «Пири Букрий» номи билан донг чиқарган.

Бу ғариб кулба Маликул шаробга отасидан, фотиҳи

¹ Доруссалтанат — пойтахт.

² Афшон шол — қадимий Ғазна маҳаллаларидан бири.

³ Гурганж — қадимий Хоразм пойтахти.

музаффар амир Сабуктегиннинг содиқ надими Қорағулмоддан қолган.

Маликул шаробнинг ўзи ҳам ёшлигида султоннинг суюкли надими бўлган, аммо ўн тўрт яшар бир малак важдан ўсмирлик чоғларидаёқ оралари бузилган. Агар ўша офатижон санам бўлмаганида, ҳозир, эҳтимол, султоннинг суйанган тоғи ёхуд энг яқин лашкарбошиси бўлармиди? Хўш, шунда нима ютарди? Боши осмонга стармиди? Ё бу порасо дунёнинг устуни бўлармиди? Ундан кўра ҳозиргидай майини ичиб, кўнглини хушлаб юргани миш чандон яхши эмасми?

Маликул шароб шарбат ва май қилиш ҳунарини ҳиротлик кекса бир боғбондан ўрганган. Йиллар ўтиб, бу ишда шундай устаси фаранг бўлдики, унинг шарбатини ичгани нафақат юпун шоирлар ва йўқсиллар келишди, баъзан манман деган бек ва бекзодалар, ҳатто Абу Райҳон Беруний каби алломалар, гоҳи-гоҳи эса султоннинг суюкли мадҳиябози, шоир Унсурий ҳам қадам ранжида қилади, ҳатто амирал мўъминининг эркатой вазир, майпарастлик ва фоҳишабозликда ягона бўлмиш Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам унинг майнга пинҳона одам юборди...

Рост, баъзан бозор мутасаддилари, айниқса, Мозори калон шайхлари уни шаккокликда айблаб, Ғазнадан қувмоқчи ҳам бўлишди, бироқ Қутлугқадамнинг бахтига бундан қирқ беш йил муқаддам, ўша, ўн тўрт яшар соҳибжамол сабаб, ёш Маҳмуд содиқ ғуломини саройдан ҳайдаганида, унга «бошқа жазо берилмасин», деб амру фармон қилган. Шу фармон сабаб, собиқ қулбачча Маликул шароб ҳар сафар жон сақлаб қолади.

Маликул шаробнинг кулбасидаги суҳбатлар, одатда, шони ғарибонда бошланади.

Бугун майхўрлар барвақт оқиб кела бошлашди. Пойгак жойларни, одатга кўра, нашаванд гадолар, жулдурвоқи майиб-мажруҳлар, сержаҳл дарвешлар эгаллашди. Улардан юқориқда назм шайдолари бўлмиш бир гуруҳ толиби илмлар жойлашишди. Тўрга эса қайси бир шаҳардан келган икки сайёҳ таклиф қилинди. Сайёҳларнинг бири ёши элликларга бориб қолган, мошгуруч соқол-мўйловни ўзига хўп ярашган, эгнидаги кўк мовут тўни устидан оқ ридо кийиб, бошидаги мўрисимон кўк қалпоқчаси устидан оппоқ симобий салла ўраб олган алломанамо бир кимса, иккинчиси эса, дарвеш қиёфасидаги хушсурат йигитча эди.

Кўп ўтмай, майхонанинг содиқ майхўрлари — ғиж-

жак ва сеторларини қўлтиқлаб олган Бобо Сеторий билан Пири Гижжакий пайдо бўлишди. Улардан кейин, қариб қолган бўлса ҳам, соқол-мўйловларини бўяб юрадиган Бобо Ҳофиз Булбулий билан Пири Букрий деган, ўзи паканагина бўлса ҳам, боши хумдай, нимаси биландир катта қора ўргимчакка ўхшаб кетадиган кекса найчи кириб келишди.

Овлоқ Хоразмдан, Абу Райҳон Беруний юртидан келган Пири Букрий Ҳазнада атторлик қилади. Афшон шол бозоридаги атторлик растасида унинг ўз дўкони бор. Бу мажруҳ найчи тўғрисида шаҳарда ҳар хил мишмишлар юради. Гўё у ўғрилиқ моллар, олтин ва жавоҳирларни сотиб олар эмиш, ўзиям беҳисоб бойликлар соҳибни эмиш, деган гаплар бор. Бу мишмишларнинг қайсиси чин, қайсиси ёлғон — ёлғиз оллога аён. Ҳар қалай, Маликул шароб бу мишмишларнинг ҳеч бирига ишонмайди, билъакс, уни «худо урган, пайғамбар эса асо билан туртган» бир бандан ногирон, деб билади ва унга раҳм қилади. Пири Букрий ҳам унинг бу меҳри саховатини яхши қадрлайди. Ҳар қалай, тақдир тақозоси билан Гурганждан келибдики, Маликул шароб билан биродарлик қилади, салкам ўн беш йилдан бери ҳар оқшом унинг майхонасига келиб, най чалади, шундай чаладики, баъзан ўзи ҳам йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатади. Шундай пайтларда кекса атторнинг қалби аллақандай тизгинсиз дардларга тўла экани аён бўлади-ю, одамлар у тўғридаги мудҳиш мишмишларни унутишади...

Бундан яқин бир ой аввал Пири Букрий Маликул шаробга нозик бир илтимос билан мурожаат қилган, Маликул шароб эса, илтимоснинг нозиклиги сабаб, унга рад жавобини беришдан бошқа чора топмаган эди. Шундан бери Пири Букрий майхонадан оёғини тортиб қолган, Маликул шароб бўлса, эски қадрдонини ранжитиб қўйганидан пинҳона эзилиб юрарди. Бугун унинг Ҳофиз Булбулий билан бирга кириб келганини кўриб, шундай қувониб кетдики, ертўладан ўн йиллик шарбат солинган катта бир хумни кўтариб чиқишларини шогирдларига буюрди. Бу гапни эшитган фақирлар:

— Омад ёр бўлсин Маликул шаробга!

— Бири ўн бўлсин Маликул шаробнинг!— деган хитоблар билан ғира-шира мусофирхонани бошларига кўтаришди.

Бир маҳаллар май ичишда ҳеч ким Маликул шаробга бас келолмас эди. Бироқ сўнгги йилларда, ёши олт-

мишдан ошиб, кўздан нури, белдан қуввати кета бошлагандан бери, Маликул шароб кам ичар, у кўпроқ бошқаларни меҳмон қилиб, гулгун суҳбатлар қуришдан завқ оларди. Яхши ғазал ўқиган, яхши куй чалган ёки қизиқ ҳангома сўзлаб берган кимса бир коса текин шарбат билан тақдирланар, бу эса мушоирани завқ-шавққа тўлдириб юборарди. Лекин бугун нима ҳам бўлди-ю, Маликул шаробнинг ўзи ҳам бир ҳўплам, ярим ҳўпламдан олиб ўтириб, ширакайф бўлганини сезмай қолди. Авваламбор, бир ойдан бери аразлаб юрган эски қадрдони Пири Букрий ўз оёғи билан кириб келди, келди-ю, Пири Ғижжакийга жўр бўлиб, найда шундай-бир куй чалдики, шарбатхонада йиғламаган бир кимса қолмади. Қолаверса, меҳмон бўлиб келган икки сайёҳ Хуросонда, назм аҳлининг султони Абулқосим Фирдавсий юртидан экан, гап айланиб «Шоҳнома»га бориб тақалди. «Шоҳнома»дан Маҳмуд Ғазнавийга, ундан шоирнинг султони ҳақидаги машҳур ҳажвига ўтди-ю, суҳбат гўё шабада теккан гулхандай ловиллаб кетди. Биров шоирга ҳамду санолар ўқиб, «Шоҳнома»ни кўкларга кўтариб мақтаса, биров аксинча: «Агар Абулқосим Фирдавсий доно бўлса, нечун ижодининг гултожи бўлмиш «Шоҳнома»ни ўзи суймаган султонга инъом этди?» деб таъна қилди. Яна биров эса, шаккок гаплардан чўчиб, ўзини четга олди, ҳатто секин тисарилиб, кулбани шарпасизгина тарк этганлар ҳам бўлди.

Маликул шароб, бошида кулоҳсимон эски қалпоқ, эгнида эски бўлса ҳам, гард юқмаган тоза бўз яқтак, шоирона тўзгиган соқол-мўйловларини тутамлаб, майхона аҳлининг бетартиб баҳс-мунозараларига жимгина кулоқ солиб ўтираркан, кўз олдига лоп этиб устод Абулқосим Фирдавсий келди.

Ёдида бор: Абулқосим Фирдавсий,— олло ундан рози бўлғай!— Ғазнани тарк этишдан аввал унинг кулбаи вайронасига ташриф буюрган эдилар. Ташриф буюришларидан бир кун аввал эса, шаҳарда ажиб бир гап тарқалган эди. Биров султон Маҳмуд ул назм султони-га катта лутфу эҳсон кўрсатиб, «Шоҳнома»нинг ҳар мисрасига бир тилладан ҳақ тўлабди, деса, бошқа бировлар, билъакс, султон буюк шоирнинг қадрига етмабди, ҳатто эгнига сарупо ҳам ёпмабди, деган гапларни тэшиб келган эди. Устод эса, гўё султон берган пулни чўнтагига солиб, тўғри ҳаммомга борган эмишлар, ҳаммомдан чиққач, бор ақчасини гадоларга улашиб, ўзлари султонга ҳажв битган эмишлар!

Маликул шароб бу мипмишларни ҳақиқат қилиб улгурмасданоқ устод ўзлари уни йўқлаб келиб қолдилар. Устод кекса бўлсалар ҳам, бўй-бастлари келишган, опноқ соқоллари кўксига тушган, тийрак кўзлари-ю, ўткир сўзларига ҳеч ким дош беролмайдиган, тили аччиқ, қайсар одам эдилар. У киши гоҳо-гоҳо май истаб келганларида кайфлари чоғ бўлса «Шоҳнома»дан ҳикоятлар ўқиб берар, донолар бисотидан ривоятлар айтиб, ҳамманн хушнуд қилар, мабодо кайфлари бузуқ бўлса, қаланғи-қасанғи майхўрлар билан ўтиришни истамай, тикка турганларича бир пиёла май ичардилар-да, ўз йўлларига равона бўлардилар.

Ўшанда, сўнгги марта келганида, устод, худди бесабаб қамчи еган асов тулпордай бетоқат эдилар. Сочсоқоллари тўзғинган, юзлари бўғриққан, оппоқ қошлари тагидаги тийрак кўзлари аллақандай ички бир аламдан ёнар, ўзлариям одатдаги кимхоб тўн ўрнига одмигина қора чакмон кийиб, бошларига эски қалпоқни қўндириб олган, қўлларида асо, елкаларида хуржун, тарки дунё қилган бир зоҳидга ўхшар эдилар.

— Маликул шароб!— дедилар устод ўшанда, пойгакда тўхтаб.— Фақир у ҳақир сен билган назм султони Абулқосим Фирдавсий эмас, чўнтагида ҳеч вақоси йўқ бир гадомен. Олло йўлига бир пиёла шарбат тутсанг, дилимда сенга ҳамду сано ўқиб ичамен, бермасанг... лабимда кулгу, ичимда дуойи бад қилиб, майхонангни тарк этамен!..

Устод Маликул шароб турган бир коса шарбатни бир сипқаришда бўшатиб, косани қайтариб берарканлар:

— Йўқ!— деб хитоб қилдилар.— Йўқ, Маликул шароб! Фақир қорнимга эмас, қадримга йиғлаймен!.. Шу боисдан, бу гумроҳ султон Ғазнавий берган барча инъомларни гадолар ва йўқсилларга улашдим! Бир мирини қолдирмай улашдим у мана энди, фариштадай маъсум, гўдакдай қип-яланғоч, ўз юртимга отландим!.. Э воҳ! Бу гумроҳ шоҳлар олдида биздай фақир шоирлар қисмати шу экан! Не чора? Айб ўзимда! Билъакс, инсоф ва адолатни куйлаб, одил шоҳлар тарихини битган шоир, келиб-келиб шу мустабид султондан ҳақиқат қидириб келурменми? О, гумроҳлар, гумроҳлар! Камини гўёким Эрон билан Туронни бир-бирига қарши қўйган эмишмен! Гўёким форсий шоҳларни улуғлаб, туркийларни камситибмен!.. Йўқ!— дедилар у киши тўсатдан кулоҳли бошларини баланд кўтариб,— бир элни бошқа бир элга қарши қўймоқ — донолар иши эмас! Бу —

шоҳлар ва султонлар иши! Қаминна ўз асаримда фақат ҳақиқатни ёздим! Улим ҳақ! Вақтики келиб фақир ҳам бу оламни тарк этурмен. Аммо, иншоолло, «Шоҳнома» тоабад қолур! Ким ҳақ, ким ноҳақ, ҳар ким ўзи уқиб олур, ўзи билиб олур, Маликул шароб!

Устод шундай дедилар-да, иккинчи косани ичишдан бош тортиб, мусофирхонани тарк этдилар.

...Маликул шаробнинг хаёлини шарбатхўрларнинг жўр қийқириғи бўлиб юборди.

Унинг рўпарасида кир-чир соқоли кўксига тушган жулдурвоқи бир мўйсафид бўш косани чўзиб турар, кулбага йиғилган ғарибу ғурабо мўйсафидни қуршаб олган, ҳамманинг кўзи Маликул шаробда эди.

Маликул шароб бу мўйсафидни яхши танирди. Кўп-лар унинг насл-насабини билмаса ҳам, ўзини ҳамма танир, бировлар уни Бобо Хурмо деб чақирса, бироз-лар Бобо Савдойи дейишади.

Одамларнинг айтишича, бир маҳаллар ҳозирги Боғи Фируз ўрнида мўйсафиднинг катта хурмозори бўлган. Бундан йигирма йил муқаддам, султон Маҳмуд Боғи Фируз учун жой танлаганда мўйсафиднинг хурмозори маъқул тушиб, уни ўз мулкига қўшиб олгану, суюкли боғидан айрилган кекса боғбон хиёл савдойи бўлиб қолган. Шу-шу, кўчама-кўча юриб тиламчилик қилади.

Бобо Хурмонинг кечмишини билган одамлар унга раҳм қилишар, Афшон шол даҳасининг чурвақалари эса уни жонларидан ҳам яхши кўришар, доим:

Бобо Хурмо!

Қилгил дуо,

Бергил хурмо!—

дея чуғур-чуғур қилишиб, чолнинг орқасидан эргашиб юришарди.

Ҳозир ана шу Бобо Хурмо Маликул шаробнинг олдида нечундир кулимсираб, тавозе билан қўл қовуштириб турарди.

— Афв эт, Маликул шароб! Бу суҳбати гулгунда яхши шоҳу ёмон шоҳлар ҳақида баҳс кетди. Ижозат этсанг, каминна шу тўғрида бир ривоят сўзласам!

— Сўзла, Бобо Хурмо!

— Сўзлайман, аммо сўзим ҳақини ким тўлайди, Маликул шароб?

Кулба гадо ва йўқсилларнинг жўр қийқириғидан ларзага келди:

— Сўзлайбер, Бобо Хурмо! Бир пиёла эмас, ўн пиёла шарбат десанг ҳам йўқ демайди Маликул шароб!
— Оғзингни оч, хуми билан қуяди!

Маликул шароб кулимсираб, Пири Букрийга юзланди:

— Қуйиб бер, тўйгунча ичсин!

Бобо Хурмо, киприксиз кўзларини маскона ўйнатиб, бир эмас, икки коса шарбатни уст-устига сипқарди-да, гала-говур босилишини кутиб, ҳикоясини бошлади:

— Шундайким, қадим замонларда икки хеш, икки биродар сафарга чиқмиш. Йўл юрса ҳам мўл юриб, саҳрода ўсган бир сада тагига бориб қўнмиш. Топган-тутганларини баҳам кўриб, суҳбат қурмиш. Шунда бир дўст иккинчисидан: агар сенга саодат ёр бўлиб, пошшо бўлсанг нима қилар эдинг, деб сўрамиш.

— Агарчанд,— демиш биринчи сайёҳ,— саодат ёр бўлиб, пошшо бўлсам, юртимда инсофу адолат ўрнатар эдим. Одамлар нимаики орзу қилса, ҳаммасини рўёбга чиқарар эдим!

— Камина пошшо бўлсам,— демиш иккинчи сайёҳ.— Бани одам аталмиш бу нодонларни тавбасига таянтирар эдим. Қашлашга тирноқ ҳам қолдирмай, кафангадо қилардим буларни!

— Сабаб?

— Сабаби — на яхшилиқни биледи бу гумроҳлар, на ёмонлиқни!

Эртасига икки сайёҳ йўлларида давом этмиш. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир шаҳри азимга етиб бормиш. Қарасалар, арк олдидаги майдонда одам тирбанд, ҳамманинг қўлида бир парча гўшт, осмондаги қушга тикилар эмиш. Маълум бўлишича, бир кун аввал шаҳар ҳокими оламдан ўтган, ҳоким бефарзанд бўлиб, тахт вориси йўқ эмиш. Шу бонсдан, шаҳар донишлари йиғилиб, пошшонинг қари бургутини учирмоққа аҳд қилмиш, токи бургут кимнинг бошига қўнса, ўша одам пошшо бўлсин! Бургут эса, фалакнинг гардиши билан бемеҳр сайёҳнинг бошига келиб қўнмиш.

Шаҳар донишлари сайёҳнинг мусофир эканини эшитиб, бургутни қайта учирмиш. Бургут майдон узра учиб юриб, яна ўша сайёҳнинг бошига қўнмиш. Шу йўсин уч маротаба учирилиб, уч маротаба сайёҳнинг бошига қўнгандан сўнг, шаҳар аҳли уни тахтга ўтқазмиш. Сайёҳ эса тахтга ўлтирган ҳамон, ўз айтганини қилмиш: мамлакат аҳлини зир титратмиш, беҳисоб божу хирож солиб, ҳаммани кафангадо қилмиш. Шунда одамлар

пошшо бўлган сайёҳнинг дўстлиги қидириб топмиш, пошшо устидан арз қилиб, ундан нажот сўради. Фақир сайёҳ пошшо бўлган дўстининг ҳузурига бормиш. Пошшо уни шод-хуррамлик билан кутиб олмиш, аммо сўзини эшитиб: «Сен бу ишга аралашма,— деб танбеҳ бермиш.— Агар мен бу одамларга зулм қилган бўлсам, гумроҳлиги ва нодонлиги учун шундай қилдим. Агар булар нодон бўлмаса, худонинг ақлсиз бир махлуқига инониб, каминани тахтга кўтаришмас эди! Беақл махлуққа инониб мени пошшо қилишган экан, раҳм-шафқат не даркор буларга? Доно пошшо доноларга лойиқдур! Нодонларга нодон пошшо ярашур!»

Кулба жўр кулгу ва қийқириқлардан ларзага келди.

— Бу ривоятдан мақсаднинг не, Бобо Хурмо?

— Мақсади аён! Сендай нодонларга султон Маҳмуддай золим пошшо ярашур, демоқчи Бобо Савдойи!

— Уз сўзи эмас, султоннинг ғаними имом Исмоил сўзи бу!

— Офарин! Бетавфиқ исёнчилар маконига айланмиш бу макон!

— Оғзингни юм! Султон эшитсин бу сўзларни, оёғингдан дорга осиб, остингдан ўт қўяди, аҳмоқ!

— Во ажабо! Султоннинг айғоқчилари қайда?

— Кўрсат менга ўшал айғоқчингни! Ўзим дорга тортамен уни!

Маликул шароб қўлини кўтариб, ғала-ғовурни аранг босди-ю, Бобо Хурмога яна бир пиёла шарбат тутишни буюрди.

Шундан кейин нима бўлди, суҳбат давом этдими, ё навбат машшоқларга келдими, Маликул шароб яхши билолмай қолди. Бир маҳал кўзини очса... ичкарида, Наргизабонунинг торгина хонасида, тўғрироғи, хонани иккига бўлган парданинг бу томонида ётибди. Тепасида қўлида милтираган шам, Пири Букрий турибди.

Хонанинг ғира-шира қоронғилигида эгнига қора чакмон, бошига хоразмча чўғирма телпак кийган букри чиндан ҳам баҳайбат қора ўргамчига ўхшаб кўринди-ю, Маликул шароб сесканиб кетди, хаёлидан эса: «Тагин эски ғалми?» деган фикр ўтди.

Бундан уч ой муқаддам Маликул шароб қул бозоридан ўн беш-ўн олти яшар бир жория сотиб олган эди. Жориянинг исми Садаф бўлиб, ўзи Хоразмдан, кўп йиллик қадрдони Беруний юртидан эди.

Садафбиби қўл-оёғи чақонгина, ёқимтойгина қиз

экан, бйрпласда ҳаммага ёқиб қолди. кўп йиллардан бери дард чекиб, тўшак ёзиб ётган ногирон кампири Наргизабонуга ҳам жуда қўл келди. Лекин бундан бир ой муқаддам, Садафбибини кўриб, у билан суҳбатлашиб қолган биродари Абу Райҳон: «Жориянгни менга бер, менинг уйимда хизмат қилсин, жуда пок қиз экан, бу шилқим майхўрлар орасида унга жабр бўлибди», деб қолди.

Маликул шароб бошда Абу Райҳонга ҳам рад жавоб берди, бироқ кейин ўйлаб кўриб, унинг ҳақ эканига иқрор бўлди-ю, Садафбибини унга беришга рози бўлди. Аксига олиб, худди ўша кунлари бу букри ҳам Садафбибини сўраб келди. Маликул шароб Абу Райҳонга ваъда бериб қўйганини айтса ҳам, ялиниб-ёлвориб туриб олди, катта пул, ўз нархидан ўн баравар катта пул ваъда қилиб, оёғига йиқилди...

Абу Райҳон Садафбибини сўраб келганида бир нарсани рўкач қилган, яъни, уни бибининг хоразмча чучук тили ром қилганини айтган эди. Ажабо: бу букрини ҳам худди шу нарса мафтун этган эмиш! Бироқ мафтун бўлсин-бўлмасин, Садафбибини қайтаришининг иложи йўқ, у Абу Райҳоннинг ихтиёрига ўтган эди. Шундан бери Пири Букрий Маликул шаробдан аразлаб юарди. Наҳот бугун тагин ўша илтимос билан келган бўлса?..

— Хўш, хизмат, азизим?

— Маликул шароб,— деди Пири Букрий шивирлаб.— Бояги икки сайёҳнинг бири ғавго кўтариб, тўполон қиладур.

— Тўполон қилса, тўрт томони қибла! Не деб тўполон қилади?

— Жой сўрайдур, шоҳона жой!

— Шоҳона жой тиласа менинг кулбаи вайронамда не қиладу? Айт: султон Маҳмудга борсин! Шояд Осмон маликасидан жой берса?

Пири Букрий қўлидаги шамни баландроқ кўтариб, бурчакка тутилган парда томон ўғринча бир қараб қўйди.

— Сўзимга қулоқ солинг, пирим! Ёш сайёҳ айтадики, ёнидаги кекса сайёҳ ўшал... ҳакими даврон... ҳазрат Абу Али ибн Сино эмиш! Ул зоти шарифнинг ҳурматини бажо келтирмоқ даркор эмиш!..

— Не дединг? Ҳазрат ибн Сино?

— Шундай, пирим. Ўшал, донғи оламга кетган ҳакими даврон Абу Али ибн Сино ҳазратлари эмиш!

Маликул шароб қизарган кўзларини катта очиб, бир зум анграйиб қолди, сўнг, патак соқолини силаб мастона кулди:

— Ибн Сино ҳазратлари бўлса... султон Маҳмудга борсин! Мана, йигирма йилдирки, султон уни тополмай доғда юрмиш!

Пири Букрий негадир яна бурчакдаги парда томон кўз ташлаб:

— Пирим,— деб шивирлади.— Ёш сайёҳ бир сурат кўрсатдиким, мавлоно Беруний кўрсатган суратнинг баайни ўзи! Бу сайёҳ билан ўшал суратдаги ибн Синони ажратиб бўлмас, пирим. Бамисоли бир томчи сув!

Маликул шаробнинг юмуқ кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. У олача тўнини эгнига ташлаб, ўрнидан тура бошлади. Бироқ шу пайт парда ичидан аёл кишининг «мирзам», деган заиф овози эшитилди. Маликул шароб букрига «сен боравер», деб имо қилди-да, пардани кўтариб гўшага кирди.

Парда орқасидаги тўшакда... сочлари қордай оппоқ, кўзлари катта-катта, нимжонгина бир аёл ўтирар, унинг пешонасидаги мошдеккина қизил холи аёлнинг ҳинд юртидан эканини кўрсатиб турарди.

Маликул шароб тўшак четига тизза букаркан, ўзгача бир мулойимлик билан:

— Нечун ухламайсиз?— деб сўради.— Яна оғриқ бошландими, бону?

Наргизабону, икки бармоғи кесилган майиб қўли билан тўзғиган сочларини тузатаркан, катта-катта тимқора кўзлари аллақандай чарақлаб:

— Бу сўз ростми, мирзам?— деб сўради.— Ҳазрат ибн Сино...

— Шояд рост бўлса!— Маликул шароб аёлнинг бармоқлари ярмидан кесилган тўмтоқ кафтини қўлига олиб, лабларига босди, босаркан, одатдагидек, яна ўша йироқ, аммо ҳар эслаганда худди кечагина рўй бергандек вужудига титроқ уйғотувчи унутилмас бир манзара кўз олдига келди.

Ғазна чеккасидаги ҳиндлар даҳаси. Даҳанинг энг хилват жойидаги пинҳоний базмхона. Гўзал раққосалар, хонанда ва созандалар базмхонаси. Амир Сабуктегиннинг эрка фарзанди, ёш Маҳмуд ўзининг энг яқин ғуломи, болаликдан бирга ўсган тенгдоши Қутлуғқадам билан ҳар кеча шу хуфия базмхонага равона бўлишди. Тақводор отадан яширинча, гўзал раққосалар базмини кўргани боришади. Йўқ, амма раққосалар эмас,

офатижон раққосалар орасидаги энг офатижон Наргизабонунинг рақсларини томоша қилгани боришади. Наргизабону энди ўн учга тўлиб, ўн тўртга қадам қўйган, бироқ унинг ҳусни, тилла маъбудадек нозик бўйбасти, пешонасидаги мошдек қизил холи, айниқса доим кулиб тургувчи катта-катта тимқора кўзларини бир кўрган йигит тоабат унутмайди. Рақслари эса... унинг рақслари ҳам гўдак кулгисидай маъсум, ҳам бамисоли олов! Худди ловиллаб ёнган олов янглиғ бу рақс тирик жон борки ёндиради, ўликларга эса жон ато қилади...

Уша оқшом ҳам, икки пўлат қилич қинидан чиққан ўша машъум оқшом ҳам Наргизабону эгнида ҳарир ипак сари, бежирим оёқчаларида қўш-қўш тилла хол-хол, қўлларида ёқут қадалган қўш-қўш тилла узук, нозиккина ярим яланғоч танасини минг муқом билан қилпиллатиб шундай хиромон қилдики, амир Маҳмуд билан унинг содиқ ғуломи Қутлуғқадам раққоса олди-да баробар тиз чўкиб, унга чиний пиёлаларда баробар шарбат тутишди.

Тимқора кўзлари юлдуздай чақнаган ёш малак, лабларида маъсум табассум, серсоқол созандалар сози-га мос хиромон қилганича, икки машҳур меҳмонга яқинлашиб борди, сўнг таманно билан эгилиб таъзим қилди-да, тирноқларига хина қўйилган нозик қўллари билан амир Маҳмуднинг... йўқ, Маҳмуд эмас, унинг ғуломи Қутлуғқадамнинг пиёласини олди. Олишга олди-ю, пиёлага лаб теккизишга улгурмади. Ёш амир, қўлидаги шароб тўла косани шифтга қараб қулочкаш-лаб отди-да, ўрнидан сапчиб туриб, шартта қиличини қинидан суғурди. Ундан у ёғи бир зумда, кўз очиб-юм-гунча содир бўлди: Наргизабону қўлини боши узра кўтарганича фарёд чекиб, ўзини созандалар даврасига урди. Бироқ ғазабдан жазаваси тутган ёш амир икки ҳатлашда малакка етиб, унинг боши узра кўтарган нозик қўлларига қилич солди. Қўш бармоғи учиб кетган раққосанинг зорли фарёди базмхонани зир титратди. Бу фарёддан ўзига келган Қутлуғқадам ҳам сакраб туриб амирга ташланди. У жонҳолатда қилич тифини чангаллаб олган экан, унинг қўлидан ҳам тирқираб қон оқди. Лекин у оғриқни сезмади. Қўлидан тирқираб оққан қонни ҳам кўрмади. Унинг кўзи кесилган бармоқларда эди. Раққосанинг хина қўйилган нафис қорам-тир бармоқлари, худди жони бордай, ерда дик-дик сак-рар, боши узилган митти қушчалардай питирларди!..

...Эртасига уларни амир Сабуктегин ўз кўшига ча-

қиртирди. Кекса амир, бир ёнида бош вазир, бир ёнида қадрдон сарбози Қорағулом оятин тахтда қовоғини уйиб ўтирарди. У ўзига ярашган қалин кетмон соқолини тутамлаб, икки оғизгина ваъз айтди:

— Фақир сенларни ака-укадай иноқ, икки дўст, икки биродар бўлиб кетар, деб ўйлаган эдим. Надоматлар бўлғайким, ораларингда рақобат пайдо бўлибди. Рақобат бор жойда садоқат бўлмас! Шу бугундан бошлаб саройда сенинг қорангни кўрмайин, Қутлуғқадам! Сени ҳам, Қорағулом!.. Биламен; сен менга сал кам йигирма йил ҳалол хизмат қилдинг. Аммо букун мен сени фарзандингга қўшиб даргоҳимдан ҳайдамоқдан бошқа чорам йўқ.. Айб менда эмас, Қорағулом, айб такаббур зурриётингда! Берган тузимга розимен, Қорағулом!..

Валинеъмат падари Қорағулом,— олло унинг руҳини шод этгай,— чўяндай қоп-қора, алпқомат одам эди. Кекса амирнинг бу сўзларидан баттар қорайиб кетди. Бироқ лом-мим демади. Уғлига зимдан кўз қирини ташлаб: «Юр!» деб ишора қилди-да, индамай эшик томон йўналди.

...Маликул шаробнинг халелини Наргизабонунинг:

— Сизга не бўлди, мирзам?— деган овози бўлди.— Кўзингизда ёш...

Маликул шароб чандиқ қўли билан нам киприклари-ни силаб, истеҳзоли кулимсиради:

— Кечиргайсиз, бону, кайфим ошиб қолибди...

— Наргизабону, худди гўдакни койган онадай маъюс кулимсираб:

— О, мирзам, мирзам!— деб оппоқ бошини сарак-сарак қилди.— Қўйинг шу маю шарбатхонангизни! Пайгамбар ёшига бордингиз мана!..

— Афв этасиз, бону, фақир ўзи қариса ҳам, кўнгли қаригани йўқ. Май эса..

Май мен учун оҳу кўзли малакдур,
Бўса унинг жуфти, жонпарваридур,
Оҳу кўзлар порлар, нечун ўпмайин,
Олтин шарбат чорлар, нечун ичмайин.
Санам янгли... ул хаста дил ороми...

Наргизабону майиб кафтини юрагига босиб аста пи-чирлади:

— Боринг, ибн Сино ҳазратлари кутиб қолмиш!

— Шояд сизнинг бахтингизга бу гап рост бўлса!—
Маликуя шароб тоқчадаги шамни қўлига олиб, турти-ниб-суртиниб гўшадан чиқди.

..Майхона ҳамон боятгидай гира-шира эди. Икки сайёҳдан бошқа майхўрлар тарқаб кетган, фақат пойгакдаги бўйра устида ноталиш бир девона йиртиқ кулоҳини бошига қўйиб, гужанак бўлиб ухлаб ётарди.

Икки сайёҳнинг бири, соқол-мўйловлари ўзига хўп ярашган алломанамо кекса сайёҳ тўрдаги кўрпачада, қўш болишга суюнганича пинакка кетган, унинг шогирди эса, берироқдаги хонтахта олдида шокосанинг юзидеккина суратни Пири Букрийга кўрсатиб, гап уқтириб ўтирарди.

Маликул шароб пойгакда тўхтаб, бир қўш болишга суюниб пинакка кетган кекса сайёҳга, бир шогирдининг қўлидаги суратга кўз ташлади... Во дариг! Бу ўша, азиз биродари Абу Райҳоннинг уйида кўрган ҳазрат ибн Синонинг сурати эди! Чиройли мош-гуруч соқолини кўксига босиб пинакка кетган тўрдаги хушсурат сайёҳ эса... суратдаги ибн Синонинг ўзи, баайни ўзи эди!..

Ёш сайёҳ эшикда пайдо бўлган Маликул шаробни кўриб, мастона чайқалиб, ўрнидан турди.

— Жумлаи жаҳон дарвешларининг пири муршиди Маликул шароб ҳазратлари саломат бўлсинлар!

— Ташаккур, азизим!— Маликул шароб маст-аласт майхўрларни сира хушламас эди, бироқ бу ёш сайёҳнинг сармаст қилиқлари ёш боланинг эркалинишларидай самимий ва ёқимтой эди.

— Кечиргайсиз, пирим! Биз ҳақирлар сиздай пиримнинг шуҳратини эшитиб, шаҳри Тусдан чиқиб келган эдик. Минг афсуским, бу ерда камина у ёқда турсин, ҳақими даврон... устод Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳам ўз ҳурматига муносиб иззат-икром топмадилар!

«Шаҳри Тус? Абу Райҳоннинг айтишича, ибн Сино ҳазратлари Бухорон шарифда дунёга келган эди чоги?»

— Кечиргайсиз, азизим. Бу ҳақими замон ҳазрат ибн Сино... шаҳри Тусда таваллуд топганларми?

— Йўқ, тақсири олам! Ибн Сино ҳазратлари Бухорон шарифда таваллуд топганлар. Аммо Бухорон шариф илк хонлар тасарруфига тушибдики, улар хизматида бўлишдан бош тортиб, шаҳарма-шаҳар, элма-эл дарбадар кезиб юрадурлар! Аммо қаерга бормасинлар, аҳли мўъмин бу зоти муборакни бошларига кўтариб иззатладилар. Сиз Ғазна аҳли эса, ҳақими ҳозирнинг қадрини билмадингиз!— шогирдининг овози тўсат-

дан қандайдир таҳдид билан янграб кетди-ю, кекса сайёҳ чўчиб бошини ёстиқдан кўтарди. У бир мастона чайқалиб турган шогирдига, бир ҳайратда қотиб қолган Пири Букрийга, бир Маликул шаробга қаради, сўнг, ҳамма гапга тушунди чамаси:

— О, тентак, тентак!— деди куйишиб.— Қамина сенга неча марта айтдим, номимни сотма, кимлигимни ошкор қилма, деб! Неча марта айтдим...

Кекса сайёҳнинг аллақандай ички дард билан айтган бу сўзларида, хушсурат чеҳрасида, сервиқор нигоҳида кишини ўзига ром қилувчи шундай зўр бир иқтидор бор эдики, Маликул шароб бсихтиёр қўлини кўксига қўйиб, унга таъзим қылди.

— Узр, устод. Осий банда ғариб кулбамга сиздай табаррук зотнинг қадам раишида қилганларидан беҳабар қолибмен! Ҳой, ким бор? Дарҳол ичкарига жой қилинглар! Дарҳол!

Иккинчи боб

«Мен сенга султон Маҳмуд Ғазнавий қирғинлари тўғрисида гапирган эдим. Бироқ мен Маҳмуд даврининг бошқа бир буюк вакили тўғрисида ҳали гапирмадим. Бу — ал-Берунийдир. Чексиз қирғинбарот ва шафқатсизликлар даврида у ҳаётга чуқур разм солиб, ҳақиқатнинг тагига етишга интилган улуг олим сифатида ажралиб туради...»

Жавоҳарлал Неру

«Жаҳон тарихига бир назар».

1 жилд, 300- бет.

1

Бир ҳафтадан бери безгак хуруж қилиб, нохуш ётган Беруний бир лаҳза кўзи илинган экан, «Устод! Устод!» деган мулоҳим овоз қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди. Бу — ёш жория Садафбибининг овози эди. Вақт хуфтондан ошган бўлса керак, токчалардаги шамлар ёқилган, деворларига китоб жавонлари ўрнатилган торгина чорбурчак хона кундузгидай ёруғ эди. Садафбиби, чамаси, уни уйқуда деб ўйлаб, жавондаги китобларнинг чангини артмоқда эди.

Эғнида йўл-йўл кўк бахмал кўйлак, бошида қизил шойи дурра, оёғида учи эгик кўк сахтиён кавуш, қиз эшитилар-эшитилмас товушда қандайдир бир куйни

хиргойи қилиб, завқ билан ишлар, дам жавон чанглари-
рини артар, дам қизил, кўк, сариқ жилдли оғир китоб-
лардан бирини олиб, ҳайрат билан варақлашга тутинар
эди. Китоб варақлаганда хиргойи қилишдан тўхтар,
кулчадеккина юмалоқ юзида таажжуб ва ҳайрат акс
этар, китобни жойига қўйиши билан яна аста хиргойи-
сини бошлар эди.

Ҳар сафар Садафбибининг мана шу мулоғим овози-
ни, хиргойисининг нозик оҳангларини, айниқса, сал чу-
чук, ёқимтой тилда сўзлашларини эшитганда Беруний
ғалати бўлаб кетар, негадир болалик ва ўспиринлик
чоғлари ёдига тушар, лоп этиб, Жайхун¹ соҳиллари кўз
олдига келарди. Бу оҳанг, бу қўшиқ, бу чучук ва ёқим-
той тилни бир эшитишни орзу қилиб, соғиниб юрганла-
рига неча замонлар ўтди?

Бундан бир-икки ой муқаддам Садафбибини Мали-
кул шароб деган кўп йиллик биродарининг майхонаси-
да кўриб қолганида Берунийни қизнинг ҳуснидан ҳам
бурун мана шу майин овози, сал чучук, ёқимтой тили,
она сутн билан бирга қонига сингиб кетган Хоразм
лаҳжасида гапиришлари мафтун этган эди. Кейин су-
риштирса, Садафбиби чиндан ҳам унинг юртидан, Гур-
ганж билан Қиёт² ўртасидаги кичик қишлоқдан
экан. Қайси бир қулжаллоб уни ўша томонлардан олиб
келиб, Афшон шол бозорида сотган экан!.. Беруний бу
гапни эшитди-ю, қадрдони Маликул шаробга қаттиқ
ёпишди.

Садафбиби келгунча Беруний бу уйда ҳиндистонлик
шогирди Сабҳу билан бирга турарди, Сабҳу ҳам уй-
рўзғор ишларининг кўзини биладиган, қўл-оёғи чаққон
йигит, бироқ Садафбиби остонани ҳатлаб ўтган ҳамон
ҳамма нарса ўзгарди, гўё бу уйга ёш жория эмас, ма-
йин баҳор офтоби мўралади-ю, ҳаммаёқ аллақандай
илиқ нурга чўмилиб, чарақлаб кетди!..

Ажабо, ўша кундан бери аллақачон йигитлик даври-
дан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйган Беруний-
нинг кўнглида ҳам баҳор. У умрида фақат бир марта,
ўн олти-ўн етти яшар маҳалида мана шундай ёруғ кун-
ларни бошидан ўтказган эди. Баҳордай тез келиб, тез
кетган, лекин қалбида тоабат сўнмас нур қолдирган у
кунлар Райҳонабону билан боғлиқ эди.

Ўйқ, Садафбиби Райҳонабонуга ўхшамайди. Насро-

¹ Ж ай х у н — Амударё.

² Қ и ё т (К о т) — Беруний туғилган қадимий шаҳар.

ний¹ динига мансуб машхур Қиёт савдогарининг қизи Райҳонанинг кўалари баҳор осмонидай кўм-кўк, чўзинчоқ юзлари сундай оппоқ, елкасида тўлқиндай мавж урган сочлари эса, бир жом чўгдай қизғиш эди. Садафбиби эса қорамағиздан келган, юзлари юм-юмалоқ, қош-кўалари қоп-қора. Лекин бари бир, нимаси биландир Райҳонабонуга ўхшаб кетади. Нимаси билан?.. Буни Берунийнинг ўзи ҳам айтиб беролмайди, бироқ Садафбибини кўриши билан, унинг овозини эшитиши билан эсига Райҳонабону тушади-ю, кўнгли сув ичгандай ёришиб кетади... Мана, ҳозир ҳам...

Садафбиби, гўё унинг тикилиб қолганини сезгандай, «ялт» этиб қаради, кўзлари жавдираб, бир зум тикилиб турди, сўнг, аста юриб, хонтахта ёнига келди.

— Буюрган дорунгизни олиб келдим, устод.

Хонтахтадаги шарбат тўла кўзача ёнида илак тасма билан боғланган ўроғлик қоғоз турарди.

— Доруга ким борди? Сабҳуми?

— Йўқ, Сабҳу овқат бошлаган эди, ўзим бордим.— Садафбиби қизил шойи дуррасининг учи билан юзини ярим тўсиб, хонтахта олдига чўнқайди, чўнқаяркан, бирдан овози ўзгариб:

— Устод!— деди аллақандай синиқ товушда.— Агар ижозат берсангиз... энди атторлик растасига бормай-мен!

— Нечун?

— Анов букри... тўнкага ўхшаган букри аттор йўлимни тўсди.

— Не дейди?

— Ёмон сўзлар. Сиз сўраманг, мен айтмайин, устод...

Берунийнинг катта, қорамтир бармоқлари беихтиёр мушт бўлиб тугилди.

Кеча эрталаб у дори буюриш учун атторлик растасига ўзи борган эди. Таниш атторга учраб, уйга қайтаётган эди, муюлишдаги дўкондан, Садафбиби айтганидек, тўнкага ўхшаш бир кимса отилиб чиқди-да, пилдираб келиб, йўлини тўсди.

Бу ўша, Маликул шаробнинг майхонасида кечалари най чалғувчи, майхўрлар орасида «Пири Букрий» лақаби билан допг чиқарган букри аттор эди. Ҳаёт Беруний билан бу букрини бундан салкам қирқ йил муқаддам Қиётда, Райҳонабонулар хонадонида тўқнаштир-

¹ Пасроний дини — христиан дини.

ган эди. У маҳалда букри ҳам Беруний каби Қиётда яшар, Райҳонанинг отасига шогирд туттиган савдогар эди. Лекин устози ҳаёт вақтида инакдай мулойим, итдай садоқатли бўлган бу букри савдогар жон таслим қилган куни кечаси унинг қизига, эри ўлиб тул қолган қизи Райҳонабонуга тажовуз қилган, улар шу важдан қаттиқ тўқнашган эди. Шундан кейин Беруний уни кўрмаган эди. Тақдирнинг ғалати ўйинини қарангки, бу машъум воқеадан салкам қирқ йил ўтгач, ҳаёт уларни Ғазнада, тўғрироғи, Маликул шаробнинг майхонасида яна бир-бирига дуч қилди. Маълум бўлишича, букри ҳам фалакнинг гардиши билан дунё кезиб юриб, охир-пировардида Ғазнага келиб қолган экан. Бу ерда у атторлик дўкони очган, кечалари эса Маликул шаробнинг майхонасида машшоқлик қилар, Бобо Сеторий ва Пири Гижакийларга кўшилиб най чалар, шундай чалар эмишкки, ҳар сафар мажлис аҳлини сел қилар эмиш. Рост, орадан қирқ йил ўтган бўлса ҳам, Қиётдаги машъум воқеа ҳамон эсида тургани учун бўлса керак, Пири Букрийнинг ўзи ҳам, нодир санъати ҳам Берунийнинг кўнглига кўп ўтирмади. У кеча эрталаб атторлик растасида учрашганларида ҳам гаплашишга тоқати йўқ эди, бироқ қайдандир пайдо бўлган Пири Букрий пилдираб келиб, йўлини тўсди-да:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, мавлоно!— деб хитоб қилди.— Эслик одам эскини эсламас дерлар. Эски низоларни кўнгилдан чиқарайлик, мавлоно! Эшитишимча, сиз подир тошлар борасида пири комилсиз. Фалакнинг гардиши билан фақирнинг қўлига бир ноёб тош тушган эди, шуни бир кўриб баҳосини айтиб берсангиз, мавлоно!

Е тавба! Пири Букрий билибми, билмайми — Берунийни энг нозик жойидан ушлаган эди. У кўп йиллардан бери нодир тошлар ҳақида катта бир асар ёзишни орзу қилиб, жуда кўп илмий маълумотлар ва ҳатто ҳар хил ривоятлар йиғиб юарди!

Беруний индамай букрининг орқасидан эргашди. Улар торгина, пасқамгина, кўримсизгина дўконга киришди, ундан тагига бўйра ташланган хужранамо бир хонага, хонадан сичқон ҳиди анқиган нимқоронғи ертўлага тушишди. Токчасига биттаю битта шам қадалган ғира-шира ертўла ҳар хил катта-кичик сапдиқлар, алланаймалар солинган хум ва хумчалар, қути ва қутичаларга тўла эди.

Пири Букрий ертўланинг энг қоронғи бурчагига ўтиб, отнинг калласидай қулф осилган оғир темир сандиқни очди, унинг қопқоғини кўтариб, узоқ тимирскилангач, тошбақадай юм-юмалоқ бир темир қутичани олиб, Берунийнинг олдига келди.

— Бу қутичадаги тошни камина бағдодлик бир савдогардан харид қилдим, мавлоно. Қатта пулга харид қилдим... Аммо... олишга олдимۇ ҳануз иштибоҳдамен¹.

Пири Букрий шундай деб, қутичанинг тагидаги тугмани брсди. Босиши билан қугича даранг-даранг овоз чиқариб очилди-ю, ғира-шира ертўла гўё тўсатдан ўнларча шам ёнгандай чарақлаб кетди. Қутичанинг тагида.. каптарнинг тухумидек келадиган ва камалак рангида нафис товланган ажиб бир жавоҳир ярқираб ётарди!..

Беруний ўз кўзларига ишонмай қолди. У нафис рангларда жилоланиб, нимқоронғи ертўлани ёритиб юборган бу нодир жавоҳирни бир кўришдаёқ таниса ҳам, анчагача ўз кўзларига ишонолмади. Во ажабо? Бу ўша, бир маҳаллар Бағдод халифаси Хорун ар-Рашид хазинасида сақланган, сўнг қаёққадир йўқолиб, кўп низо ва қатлу қирғинларга сабаб бўлган, тарихий китобларда таъриф ва тавсиф қилинган машҳур жавоҳир эди!..

Беруний жавоҳирни қутичадан аста олиб, кафтига қўйди. Ёнғоқдеккина нодир жавоҳир унинг кафтида яна ҳам нафисроқ товланиб, гўё янги ранглар касб этгандек, ярқираб кетди.

«Ё тавба! Бу иблис букри шоҳлар хазинасини безаб тургувчи бу нодир зийнатни қайдан олди? Бундан чиқди, бу маккор тўғрисида юрган мудҳиш миш-мишлар тўғри экан-да?»

— Бу жавоҳирнинг баҳоси шундайким, ярим Ғазнани сотиб олишга қудратингиз етади!

Пири Букрий, гўё Абу Райҳоннинг бу сўзидан қўрқиб кетгандай, унинг кафтидаги жавоҳирни «шاپ» этиб юлиб олди-да, шоша-пиша юмалоқ қутичасига яширди.

Беруний индамай орқасига бурилди, бироқ ҳужрага ўхшаш ўртагича хонага чиққанида Пири Букрий уни қувиб етди:

— Мавлоно Абу Райҳон! Камина сизга бир илтимосим бор!.. Ўз кўзингиз билан кўрдингиз: фақир кўчада

¹ Иштибоҳ — шубҳа.

қолган бир гадо эмасмен. Қанча десангиз... хоҳ олтин, хоҳ жавоҳир... қанча десангиз олинг! Сиздан ёлғиз илтимосим бор!..— Букрининг аллақандай маъсум кўм-кўк кўзлари телбанинг кўзларидай чарақлар, иягидаги сийрак малла соқоли дир-дир титрар эди.— Бирдан-бир илтимосим... анов жориянгизни, Маликул шаробдан олган анов жориянгизни каминага инъом этсангиз, мавлоно!..

Беруний шартта бурилиб кетмоқчи эди, букри оғир ҳансираб унинг қўлига ёпишди.

— Мавлоно! Истасангиз анов жавоҳирни, баҳоси ярим Ғазнага тенг анов нодир жавоҳирни олинг!

Пири Букрий телбаларча ҳаракат қилар, тирқираб оққан кўз ёшлари юзини ювиб, сийрак малларанг соқолига қуйиларди.

— Фақирга раҳм қилнинг, мавлоно, раҳм!

Ё тавба! Салкам қирқ йил аввал ҳам ораларида худди шундай бир гап бўлиб ўтган эди. Ҳозир ҳам!

— Қўлингни ол, Пири Букрий! Мен қулжаллоб эмасменки, бир шўрликни сенга олтинга сотсам!— Беруний шундай деб, букрининг темир исканжадай қаттиқ, ёнишқоқ қўлидан қўлини базўр тортиб олди-да, ташқарига отилди.

Тақдирнинг ажаб савдоси: унда, Қиётда, Райҳонбонуга ёпишган эди бу иблис, энди Садафбибига!..

Беруний хаёл оғушидан базўр қутулиб, рўпарасида мунғайиб ўтирган Садафбибига қаради.

— Тўғри сўзладинг, бибим, кўча юмушларини Сабҳу қилсин...

Берунийнинг сўзи оғзида қолди. Тўсатдан ташқарида гурс-гурс қадам товушлари эшитилиб, хонага Сабҳу кирди. У нимадандир ҳаяжонланган, бошидаги оқ қалпоқчаси бир томонга оғиб кетган: қўлидаги жапкири дир-дир титрар эди.

— Устод! Сизни саройдан бир бека сўроқлаб келди!

— Саройдан? Бека?

— Ҳа, соябон аравада келди. Ёнида бир қанча суворилари ҳам бор!

Ажаб ҳол: кундуз саройдан чопар келганди. Чопар эртага саройда ўтадиган машваратда ҳозир нозир бўлиши тўғрисида амру фармон келтирган эди. Энди эса...

Беруний бир нарса дейишга улгурмади, эшик шитоб билан очилиб хонага беканинг ўзи кириб келди.

Эгнида... тириклар ва ғолиблар либоси: узун қора ипак кўйлак ва кўйлак устидан кийилган хипча бел қора кимхоб камзул, юзида зар сочилган узун қора дурра, оёқларида учларига дур қадалган бежирим қора кавуш, хина қўйилган бармоқларида ёқут кўзли йирик олтин узук, бека пойгакда тўхтаб, назокат билан бош эгди.

— Бевақт келганим учун маъзур тутасиз, мавлоно!..

«Хатлибегим! Султоннинг эрка синглиси Хатлибегим!»— Беруний шитоб билан қаддини ростлади, овози беихтиёр титраб:

— Қадамларига ҳасанот, бегим!— деди.— Каминани кечиргайсиз, сабаби хасталик, истиқболингизга чиқолмадим.

— Ташаккур!— Хатлибегим аста юриб хонтахтага яқинлашди-да, хонани нафис мушк-анбар бўйига тўлдириб, назокат билан кўрпачага тизза букди, букаркан, кескин ҳаракат билан юзидаги ҳарир қора пардани кўтариб, елкасига отди.

Беруний чеккада ҳайкалдай қотиб турган Садафбибига юзланди:

— Сен бора бер, бибим. Сабҳуга қарашиб юбор...

Садафбиби ҳуркак кийикдай чопқиллаб чиқиб кетди, Хатлибегим эшик ёпилгунча унинг орқасидан қараб турди, сўнг:

— Аёл зотини афв этасиз, мавлоно,— деди.— Бу санам ким?

— Бу санам... фақирнинг жорияси, бегим.

Хатлибегимнинг юпқа лабларига билинар-билинемас кулгу югурди.

— Офарин! Жория танлашни билар экансиз, мавлоно!

«О, аёл зоти, аёл зоти! Занфа деб бежиз айтмаганлар!»

Беруний кўнглидаги ғалаёни босиш учун мўрисимон қалпоқчасини тўғрилаб, бошини хам қилди. У рўпарасида ўтирган бу аёл султоннинг суюкли синглиси Хатлибегим эканига ҳам ишонгиси келар, ҳам ишонгиси келмас эди. Бироқ бу ўша, бундан ўн йил муқаддам Ҳиндистон йўлида, тўғрироғи, Синд вилоятидаги гўзал бир кўл соҳилида пинҳона учрашган Хатлибегимнинг ўзгинаси эди! Йўқ, ўзгинаси эмас, унда султон ҳарамига раҳнамолик қилгувчи бу шаддод, ўктам аёл хийла

ёш, хийла кўхлик эди. Ун йил ичида ўзини анча олдириб қўйибди. Чакка суяклари туртиб чиққан юмалоқ қорамтир юзида, ҳатто упа аралаш нозик бўёқ суртилган ёноқларида билинар-билинимас ажин нишонлари кўзга чалинади, бироқ сурма тортилган қийғоч кўзларида, қаттиқ қисилган юпқа лабларида ўша шиддат, ораси амирал муъмининга хос ўша совуқ бир ўктамлик бор. Еки бу ифода, қийғоч кўзларидаги бу совуқ шуъла ясамами? Ахир ўшанда, бундан ўн йил муқаддам, гўзал кўл соҳилига тикилган саропардада ўтган пинҳоний кечада ҳозир совуқ чақнаган бу кўзлар тамом бошқача порлаган эмасмиди?..

Беруний тўсатдан тошқиндай тошиб келган ғалаённи босиш умидида шоша-пиша қўлини чиний кўзага чўзди. Бир зум унинг кўз олдига қимматбаҳо шерозий гиламлар тўшалган ипак саропарда келди. Саропарданинг тўрида, қат-қат шойи тўшакда бетоқат тўлганиб ётган яримьяланғоч санам нигоҳи олдида намоён бўлди, унинг иссиқ бўсалари, бетоқат ҳаракатлари эсига тушиб, ҳорғин танасидан ўт чиқиб кетди. Уша маҳалларда сарой аҳли орасида бу тантиқ ва шаддоод беканинг номи ибрат маъносида тилга олинар, гўё у эркак юзини кўрмасликка қасам ичиб, гўшанишинликни ихтиёр этган, деган гаплар юрарди. Бу гаплар ростми, ёлғонми — бунинг ёлғиз олло билди ва лекин бу ўктам, эркатой бека ўшанда, кўл соҳилидаги кўкаламзор қирларга тикилган қоронғи саропарда ичида унга — ёш тилмоч Абу Райҳон Берунийга унутилмас гўзал бир оқшомнинг ном этган эди!..

Беруний шарбат тўла пиёлани таъзим билан бекага узатди, узатаркан, унинг юпқа лабларида ҳамон ўша билинар-билинимас кулгу аломатини кўрди. «Ё раб, у ҳам эслади!»

— Марҳамат, бекам!

— Ташаккур! — Хатлибегим пиёлани олиш ўрнига қора кимхоб камзулининг чўнтагидан оғир қахраб тасбеҳ олиб, битта-битта ўгиришга тутинди. Беруний ичида бир кулиб қўйди: «Хайрият, ёшлик чорларини эслагани келмапти, эслагани келганида не қилардинг, шўрлик Абу Райҳон?»

Хатлибегим қўлидаги тасбеҳини хонтахтага қўйиб, пиёладаги шарбатдан бир ҳўплади.

— Мавлоно! Мен шўрлик сизни йўқлаб келишдан муродим, хабарингиз бор, ул валинеъмат давлатпаноҳ, — илоё умри узоқ бўлғай! — оғир дардга чалинмиш. Са-

рой тўла аллома, маликул калом, доврўғи жаҳон ҳа-
кимлар, бироқ шўрлик оғам ўз ўтида ўзи қовурилиб ёт-
миш! Дардига даво, кўнглига ором бергувчи на бир ҳа-
биби бор, на бир табиби.— Хатлибегим ҳарир дурраси-
нинг учини кўзига босиб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.—
Олампаноҳнинг дардига даво қидириш ўрнига саройда
иғво, фисқи фасод! Инонган тоғлари Али Ғариб билан
Абул Ҳасанак бўлса мартаба талашишдан бошқани
билмас. Давлатпаноҳ оламдан ўтса,— илоё бичган ка-
фанлари ўзларига буюрғай!— тахтга ким ўлтиради?
Шундан бошқа ташвишлари йўқ уларнинг! Тўнғич ўғил
амир Масъуд қолиб, кичик ўғил, ақли норасо Муҳам-
мадни тахтга кўтармоқ режасини тузадурлар!

«Ҳаммасидан бохабар! Ер тагида илон қимирласа
билади бу хотин! Аммо... бу машъум сир-асрорни ай-
тишдан муроди не? Бу иғво, бу фисқи фасод ишларга
дахлим не менинг?»

Хатлибегим тўсатдан дуррасининг учини жаҳл би-
лан елкасига отиб, Берунийга тик қаради, сурма тор-
тилган кўзлари аллақандай совуқ чақнаб:

— Наҳот бу дарднинг давоси бўлмаса, мавлоно?—
деб сўради.— Кеча саройда назм аҳлининг султони жа-
ноб Унсурий бир сўз айтмиш. Ҳиндистон томонда, қайси
бир наҳр ўртасидаги оролда «неъмат илоҳий» деган
ғаройиб бир дарахт ўсар эмиш. Бу дарахтнинг мевасини
тановул қилган хастаи нотавон танасидаги барча дард-
ларидан фориг бўлур, чол бўлса қирчиллама йигит,
кампир бўлса... ёш малакка айланур эмиш. Жаноб Ун-
сурий бу сўзни эски китобларда ўз кўзи билан ўқиган
эмиш. Сиз ўша юртларда бўлгансиз, мавлоно, айтинг,
маслаҳат беринг, қайдан топса бўлур бу «неъмат ило-
ҳий»ни?

Беруний Хатлибегимнинг илтижо билан жавдираган
ғамгин кўзларидан нигоҳини узиб, ерга қаради, қараши
билан Ҳиндистонда шаҳарма-шаҳар дарбадар кезиб юр-
ган чоғларида кекса қоҳинлардан эшитган ғалати бир
ривоят эсига тушди...

«Ҳиндистон музофотларининг бирида донғи оламга
кетган бир пошшо бўлган эмиш. Унинг гўзал бир тўти-
си бўлиб, пошшойи олам унга чексиз меҳр қўйган эмиш.
Кунлардан бир кун ўша тўти қафасда туриб, пошшойи
олам билан сўзлашар экан. Ногаҳон осмонда яна бир
тўти пайдо бўлибди-ю, икки тўти сўзлаша кетибди.
Аммо сал ўтмай қафас ичидаги тўти бетоқат бўлиб қал-
тирай бошлабди, сўнг йиқилиб жон таслим қилибди.

Пошшойи олам кўп қайғу ва ҳасрат чекиб, тўтининг жасадини боққа олиб чиқиб ташлабди. Тўти эса қафасдан қутулган ҳамон учиб, дарахт шохига бориб қўнибди. Пошшойи олам ҳайрон бўлиб:

— Эй, қушларнинг сарвари!— дебди.— Мендан не ёмонлик кўрдингки, суҳбатимдан қочасен?

Тўти шакаргуфторлик қилиб:

— Шоҳим,— дебди.— Хизматинг ҳақини унутмай-мен. Аммо... мен ҳам тўтилар пошшоси эдим. Тақдир мени сенга гирифтор қилиб, қафасингга солгандан буён тобеларим менинг фироқимда мотам тутмишлар. Ёнимга келган бу тўти менинг инимдир, иним айтдики: «Э, оғам, пошшойи оламдан бир неча кунга рухсат ол, ёру биродарларинг ёнига бориб ул мажруҳларни ҳижрон азобидан қутқаз, сўнг яна қайтиб келиб валинеъматинг хизматини қил». Мен унга: «Пошшойи олам сўзимга кўнмайди», дедим. Иним айтдики: «Сен ўзингни ўликка сол, зеро, ўлмайин қутулмайсен!» Алқисса, мен шу тadbир билан ўзимни халос қилдим!— Тўти шу сўзни айтиб, иниси билан бирга учиб кетди.

Пошшойи олам кечаю кундуз йиғида бўлди. Бир неча кундан сўнг унинг висолидан умид узиб ўлтирган эди, қараса, ўша тўти қайта парвоз қилиб келди. Тумшуғида бир дарахт ниҳолчаси бор эди. Пошшо ниҳоятда хушвақт бўлиб деди: «Эй, тўти! Мени фироқ балосига ташлаб кетгани қандай журъат этдинг?»

Тўти айтдики: «Бир қошиқ қонимдан кечинг, пошшойи слам, зероким, кўп муддатдан бери хешу ақраболаримдан жудо бўлиб, кўнглим вайрон эди. Бордим, уларнинг дийдорини кўрдим ва мана қайтиб, даргоҳингизга келдим».

Пошшойи олам тўтини кўп эъозлади. Сўнг: «Бу олиб келганинг қандай ниҳол», деб сўради. Тўти айтди: «Шоҳим, мен сиздан кетиб ўз маконимга борганимда дўстлардан ҳазратимга муносиб туҳфа тайёрлашларини илтимос қилдим. Улардан бири: «Мен фалон оролда бир дарахт кўрганмен. Мевасининг хосияти шулки, агар қари еса дарҳол йигит бўлур, хастаи нотавон еса, шу замон сиҳат топадур», деди. Мен: «Оламда мундан яхши туҳфа йўқдир», деб мазкур дарахтдан бир ниҳолча олиб, даргоҳингизга келтирдим.

Бу сўздан мамнун бўлган пошшойи олам боғбонини чақириб: «Бу меваси навжувонлик ато қилгувчи мўъжиза дарахт ниҳолидур, уни яхшироқ парвариш қил!»— деди.

Боғбон ниҳолни боққа элтиб ўтқазди, меҳр билан парвариш қилди. Ниҳол тез фурсатда камолга етиб, бир неча йилдан сўнг мева қилди. Иттифоқо, унинг мевасидан ерга тушганини бир илон оғзига олиб, заҳар солди. Бундан беҳабар бўлган боғбон мевани товоққа қўйиб, пошшойи оламнинг олдига келтирди. Пошшо мевани емоқчи бўлди. Унинг бир вазири бор эди, деди: «Шоҳим, сиздай пошшойи олам учун бундай нарсаларни синаб кўрмай тановул қилмоқ жонз эмас!»

Алқисса бу мевани мулозимларидан бирига едирдилар. У одам мевани еган замон жон таслим қилди, Пошшойи олам ажаб ҳолатда қолиб, тўтига деди: «Эй, бадбахт! Сен менга душманлик азмида жонимга қасд қилдингми?»

Тўти ҳарчанд: «Шоҳим, бу ишни текшириб ҳақиқат қилгил. Бу ишда бир сир-асрор бор», демасин, пошшо унинг сўзига қулоқ солмади. Тўтини ўлдирдилар. Пошшо дарахтни ҳам йиқитиб, ўтин қилишни буюрди. Вазир айтди: «Шоҳим, бундай меваи бадҳазм сиздай пошшойи олам хазинасида бўлмоғи лозим. Душманни йўқотмоқ учун бундан аъло дору йўқ».

Иттифоқо, боғбоннинг бир ошнаси бор эди. Қарилик юки қоматини камондек эгиб қўйган эди. У боғбонни кўргани келиб, боғни сайр қилар эди. Боғбон йўқ эди. Ногоҳ ўша дарахт олдига келиб қараса, меваси фарқ пишган. Ундан бир дона тановул қилган эди, дарҳол навжувон йигит бўлди. Боғбон келиб қараса, бир ёш йигит хиёбонда юрибди. Дарғазаб бўлиб сўради:

— Сени бу боққа ким киргизди?

— Э, биродар, мен фалон дўстинг бўламан.

— Номаъқул гапни қўй, у кекса эди, сен қирчиллама йигитсен!

— Эй, биродар! Боғингда бир турлик мева кўрдим, ундан тановул қилдим, шу сифатга кирдим, ўзим ҳам ҳайронмен.

Алқисса, боғбон ўша мевадан бир товоқ олиб, ўз биродари билан пошшойи олам ҳузурига равона бўлди. Келиб бўлган воқеани арз қилди. Пошшо синаб кўриб амин бўлдики, тўти рост айтган экан. Шунда пошшо боғбондан: «Сен олдинги мевани дарахтдан олибмидинг ёки ердан?» — деб сўради. Боғбон ердан олганини айтди. Маълум бўлдики, унга илон заҳар солган. Пошшо тўтини ўлдирганига пушаймон чекиб, бутун умри қайғу билан ўтди...»

«Ғаройиб ривоят! Жоҳил ҳокимларни сабр-тоқат ва адолатга торловчи ибратли ривоят!»

Беруний бу ривоятни эшитган заҳотиёқ уни кўп йиллардан бери йнғиб юрган афсоналар ва ривоятлар дафтарига ёзиб қўйган, бир кун ўзининг «Ал-Осор ал-Боқия» деган тарихий асарига киритиш орзусида эди. Лекин ҳозир... ҳозир бу ҳикоят, ҳар қандай хастага сиҳат келтирувчи «неъмат илоҳий» тўғрисидаги бу ҳангома шунчаки бир чўпчак эканини, абадийлик орзусида ожиз банда яратган шунчаки бир ривоят эканини қандай айтади? Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, бир маҳаллар унга бир неча тотли дақиқа бағишлаган, ҳозир эса мудҳиш ҳақиқат олдида ундан нажот сўраб келган бу заифага не дейди? Юз амри иссиқ, унинг кўнглини қандай огритади?

— Бегим,— деди Беруний, кўзини ердан узмай,— минг йилларки, бани башар сиз айтган бу «неъмат илоҳий»ни қидиради, минг йилларки, уни топишни орзу қилади. Аммо уни топмоқ ҳеч бир кимсага насиб этган эмас, бегим!

Берунийнинг сўзини Хатлибегимнинг:

— Ё парвардигор!— деган фарёди бўлди.— Наҳот ҳеч бир нажот бўлмаса? Етти иқлимни забт этган фотиҳи музаффар, донғи оламга кетган пошшойи олам букун... жисмида уқубат, кўнглида таваҳҳум¹ нажотсиз тўлғаниб ётса? Наҳот суронли жангларга чек қўйиб, энди фарогат гулшанига етдим деганида... ногаҳон ёпишган бу дарди бедаво сабаб... шами шабистонни сўлса². Бечора оғам. Энди унинг бор умиди ҳазрат ибн Синода!

— Ҳазрат ибн Сино?

— Ҳа,— деди Хатлибегим.— Мана уч ойдирки, давлатпаноҳ ибн Сино ҳазратларига элчи йўлламиш! Минг таассуфким, ҳануз дарак йўқ! Яна бир умидимиз сиз билан амир Масъудда! Ул шаҳзодан валиаҳд Исфаҳонга юриш қилиб, уни забт этгандур. Бироқ, нечундир ундан ҳам дарак йўқ.

«Ибн Сино!..»

Бу икки сўз Абу Райҳоннинг дилига бамисоли илиқ бир нур бўлиб қуйилди-ю, кўнгли ёришиб кетди. Ё раб! Сўнг бор Гурганж сарҳадида, кўзларида ёш, қучоқлашиб видолашганларига неча йил бўлди? Ун саккиз, йўқ,

¹ Таваҳҳум — ваҳима.

² Шами шабистон — бу ерда умр шами маъносида.

салкам ўн тўққиз йил бўлибди! Ўн тўққиз йилдирки, бир-бирининг дийдорига зор! Гурганжда, Маъмун ибн Маъмун саройида ўтган қизгин баҳс-мунозаралар, дилрабо мушоиралар, тонготар суҳбатлар қайда қолди? Фақат кўнгилда! Улар худди тушдаги рўёдай ўтдикетди! Гоҳо-гоҳо келадиган узуқ-юлуқ хабарлар, ондасонда бўладиган ёзишмалардан бошқа алоқа йўқ... Ҳатто ёзган китобларини ўқишга ҳам зор! Абу Райҳон унинг донғи оламга кетган «ал-Қонун» асарининг фақат бир жилдини ўқишга муяссар бўлди, ибн Сино эса унинг «Ҳиндистон»ини ҳали кўрмади ҳам!

— Ҳа,— деди Беруний ҳушига келиб,— ибн Сино ҳазратлари келса кўп яхши бўлур. Ул ҳақими давронинг билмаган доруси, даволамаган дарди йўқ.

Хатлибегим тасдиқ ишорасида бошини ирғадида:

— Хабарим бор,— деди қовоғини уйиб.— Ул такаббур ҳақим бир маҳаллар Ғазнага келишдан бош тортиб, Журжонга қочган. Билишимча, сиз ул алломан даврон билан кўп мулоқотда бўлгансиз, мавлоно. Банияти шифо, яхши ният қилиб, ҳақим ҳазратларига бир мактуб ёзиб берсангиз. Тағин бир чопар йўлласак. Ул алломан даврон Ғазна саройида хизмат қилишни тиламаса тиламас, бироқ бир банди ожиз дардга чалинган да уни даволамоқ ҳақим учун ҳам фарз, ҳам қарз эмасму, мавлоно?— деди Хатлибегим, лаблари титраб.— Бечора оғам! На кўзида уйқу бор, на кўнглида таскин, ҳар оқшом саройда соя янглиғ танҳо кезиб чиқади!..

Хатлибегим, гўё ўз гапидан ўзи қўрқиб кетгандай, бирдан ҳушига келиб, юзига қора дуррасини тортди. Хатти-ҳаракатларида бояги шиддат, гап-сўзларида бояги қатъият зоҳир бўлиб, шитоб билан ўрнидан турди.

— Бу сирни мен сизга инониб айтдим, мавлоно!— деди у, чамаси, ортиқча гапирганидан пушаймон бўлиб.— Бу сўзларни тирик бир жон билмаслиги даркор! Офтоби оламга улуг мартабалар инъом этган худованди карим, иншоолло, ундан ўз меҳри шафоатини дариг тутмагай! Мактубни ёзиб қўйсангиз эрта-бурускун одам юборамен! Қўзғалманг, мавлоно, сиз ҳам бетоб экансиз, мен ўз дардим билан бўлиб, билмабмен. Хайр, оллога топширдим сизни!— Хатлибегим бошини баланд кўтарганича, виқор билан юриб, ҳужрадан чиқди. Беруний ҳолсизланиб, жойинга чўзилди.

Ҳақиқатан ажаб ҳол: кундуз фармони олий келтирган чопарлар! Оқшом эса... султон бўлмаса ҳам, ўктамликда султондан қолишмайдиган бу ўктам бегимнинг пинҳоний ташрифи!..

Беруний учлари жингалак, қалин мош-гуруч соқолини тутамлаганича ўйга толди. Токчадаги шамлар шуъласида унинг бир-бирига туташган ўсиқ қошлари, чўзинчоқ қорамтир юзи, чамбарак қалпоқчаси тагидан бўртиб чиққан дўнг пешонаси, узун қийғир бурни — бутун қиёфаси қандайдир жуда шиддатли кўринар, зотан, донғи оламга кетган алломалардан кўра суронли жанларда тобланган лашкарбошига ўхшаб кетарди.

Мана, бир неча ойдирки, доруссалтанат Ғазна, наинки Ғазна, бутун мамлакат нотинч. Амирал мўъминин аталмиш султон Маҳмуд Ғазнавий тўғрисидаги совуқ мишмишларнинг чеки йўқ. Биров уни аллақандай давосиз дардга йўлиққан деса, биров таваҳҳум касалига гирифтор бўлиб, васвас бўлиб қолган дейди. Бу мишмишларнинг қайси бири чин, қайси бири ёлғон — ёлғиз оллога аён. Фақат шуниси ростки, ҳамма таҳликада, айниқса, ҳакимлар ва алломаларнинг аҳволи оғир.

Султон бундан икки ой муқаддам Берунийни чақиртириб, зойича¹ тузиб беришни буюрган эди. Беруний ўшандаёқ султонни кўриб, қўрқиб кетганди. Азалдан новча, бўйдор одам, у худди ичини қурт еб, қуриб қолган улкан теракни эслатарди. Фақат кўзлари... ўймоқ тагидаги симобдай милтираган қисик кўзлари яраланган қушнинг кўзларидай мунгли эди. Султоннинг кўзларидаги бу тизгинсиз мунг сабаб, Беруний, гарчи умрида ҳеч қачон илми нужум² билан шуғулланмаса ҳам, султоннинг илтимосини қайтармади.

Саройдан қайтгач, мунажжимлар йўл-йўриғидан фойдаланиб, зойича тузди, ҳатто унга жиңдай тузатишлар киритиб, султоннинг кўнглига тасалли берувчи сўзлар ёзиб юборди. Қим билсин, эҳтимол, эртага машварат вақтида султон уни шу хусусда сўроққа тутар, эҳтимол, тузган зойичасидан бирор хато топиб, интиқом олар!.. Ҳайҳот, Беруний умрида бир марта, унда ҳам бир хастан нотавоннинг кўнгли учун, ўз эътиқодидан

¹ Зойича — гороскоп.

² Илми нужум — астрология.

хийёл чекинган эди, мана энди бу гуноҳи учун интиқом хавфи туғилди...

Эсида бор, ўша учрашув чоғида Берунийнинг сўзларидан тасалли топган султон бирдан чеҳраси ёришиб, ундай ўз ишларини, хусусан, Ҳиндистон тўғрисидаги асарини сўраб-суриштирган эди.

Беруний яхши билар: султон унинг бу асаридан кўп нарса кутар, бу китоб унинг Ҳиндистонда қилган жангу жадаллари тўғрисида, мажусий шоҳлар устидан қозонган улуғ зафарлари ҳақида битилган зўр қасида бўлишига ишонар эди. Беруний эса... Беруний буни ўйласа уйқуси қочади. Ҳар сафар ўн йилдан бери ёзаётган бу китобга нуқта қўйишни ўйлаганда, негадир Синд музофотида бўлган бир мудҳиш қирғин эсига тушади. Тушадигу, бутун фикр-хаёли ағдар-тўнтар бўлиб кетади...

Ушанда, Инд дарёси соҳилдаги кўркам қалъа ичидagi муҳташам ибодатхонага ўг қўйиш тўғрисида амру фармон берилганида, Беруний асир олинган ҳинд лашкарбошилари билан бирга султон олдига тиз чўкиб, ундан шафқат сўраган, маҳбусларнинг кўз ёши аралаш қилган илтижоларини таржима қилаётганида эса, ўзи ям кўз ёшини тиёлмаган эди! Лекин султон шафқат қилмади. Муаззам қалъанинг тўрт тарафидан ўт қўйишни буюрди. Қалъага яширинган эллик минг одам, баробар тиз чўкиб ибодат қилганча йўқ, ибодат эмас, юракларни тилка-пора қилгувчи мунгли бир қўшиқни айтганича, аланга ичида куйиб кул бўлди... Улимга маҳкум этилган эллик минг маҳбуснинг баробар тиз чўкиб айтган ва гўё мунгли қўшиқдай янграган бу ибодати ҳануз қулоғи остида турипти, эсласа ҳануз ларзага солади уни, гўё бу бешафқат қирғин султон Маҳмуд Газнавийнинг амри билан эмас, унинг амри билан бўлгандай, аъзойи бадани қақшаб кетади. Уни Ҳиндистонда қолишга даъват этган нарса ҳам мана ру гуноҳкорлик туйғуси бўлди. Ҳиндлар юртига жиндак хизмат қилиб бўлса ҳам, кўнглидаги бу ғуборини ювиш истаги бўлди.

Қўлида асо, елкасида хуржун, Абу Райҳон аввал бир ўзи, кейинроқ эса Лоҳур кўчаларидан топиб олган етимча Сабҳу билан бирга ярим Ҳиндистонни айланиб чиқди. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ яёв юриб, авваламбор бу халқнинг тилини, сўнг ёзувини, кейин кўҳна ибодатхоналари каби кўҳна тарихини ўрганди. Бозорларда, ибодатхоналар бўсағасида ўтириб кекса

ведачи қоҳинлардан қадим афсоналар ва ривоятларни эшитди, илми риёзиёт¹ ва ҳандаса ҳақидаги китоблари ва тақвимлари² билан танишди, «Маҳабҳарата» ва «Рамаяна» каби дostonлари, эртаклари, ҳикоятлари, қўшиқлари, ҳайитлари, улуғ айёмлари, ой ва йиллар ҳақидаги тушунчалари ҳатто кўҳна вайроналарга битилган кўҳна ёзувларигача ёд олди. Сўнгги бир неча йилни эса расадхоналарда ўтказиб, ҳинд алломаларининг фалакиёт бобидаги тасаввурларини, сайёралар ҳаракати тўғрисида тузган жадвалларини тўплади... Мана энди, ҳиндлар юртида тўпланган бу илмларнинг ҳаммасини жамлаб, «Китобу фи таҳқиқи мо лил ҳинд ми маъқулатин мақбулатин фил ақли ав марзулатин», яъники, «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» деган улкан асар ёзди. Ўзича эса уни қисқача қилиб «Ҳиндистон» деб атади.

Беруний суюкли асарининг ҳар бир бобини тугатганида шогирди Сабҳуга кўчиришга беради. Абу Райҳон уни топиб олганида Сабҳу етти-саккиз яшар бир норасида эди. Мана энди ниҳоятда зийрак бир муллавачча бўлиб етишди. Қариган чоғида унга ҳам дўст, ҳам шогирд, ҳам ёрдамчи бўлди... Бундан бир ҳафта муқаддам Беруний унга «Ҳиндистон»нинг сўнгги бобини кўчиришга берган, ўзи эса, кўп йиллардан буён ёзишга жазм қилиб юрган «ал-Ҳазиний» деган маъданлар тўғрисидаги китобини битишга тутинган эди. Лекин бирдан хурж қилиб қолган хасталик ўйлаган ишининг белига тепди. Боз устига, бир-биридан совуқ бу мишмишлар, телба султоннинг телба-тескари фармонлари!.. Ким билсин, васвас дардига дучор бўлган бу қаҳри қаттиқ ҳоким эрта машваратда не дейди? Уни не савдолар кутади?

Улим ҳақ! Беруний султоннинг қаҳри ғазабдан қўрқмайди. У фақат бир нарсдан — ниёт қилган ишларининг чала қолишидан, ёза бошлаган асарларининг ниҳоясига етмай қолишидан қўрқади, холос!..

Беруний, хонтахтадаги сопол кўзачадан бир ҳўллам шарбат қуйиб ичди-да, ёстиғи тагидан шақилдоғини олиб шақиллатди. Дарҳол эшик очилиб, Сабҳу кирди. Унинг катта-катта қоп-қора кўзлари болаларча бир саясимият билан порлаб турарди.

— Кел, ўғлим, ўтир!

¹ И л м и р и ё з и ё т — математика.

² Т а қ в и м — календарь.

Сабху кавушини пойгакка ечди, ерга тўшалган қалин жун наMATни товушсизгина одимлаб, устозиннинг рўпарасига келиб чўккалади. Шундагина Беруний шогирдининг аллақандай ички бир ҳаяжон ичида тўяғанаётганини сезиб қолди.

— Сенга не бўлди, Сабху! Қим сени ранжитди, болам?

— Ранжитди? Нечун?— Сабху кўз ёши аралаш жилмайди, жилмайганда оппоқ тишлари «ярқ» этиб, озғин қорача юзи нур тушгандай ёришиб кетди.— Мен ҳозир... устозимнинг китобини кўчириб бўлдим,— деди у ва «қулт» этиб ютинди.— Буюк китоб! Менинг юртимни бутун оламга машҳур қилғусидир бу китоб! Уни тезроқ кўчирмоқ лозим, ҳуснихат хаттотларга бериб, кўп нусхада кўчирмоқ даркор, устод!

Беруний индамай бошини ҳам қилди. У умрида жуда кўп дўсту биродар, жуда кўп шогирд орттирди, уларнинг яхшиларини ҳам, ёмонларини ҳам, омад кулиб боққанда атрофида гиргиттон бўлиб, омад кетганида хойнларча юз ўгирганларини ҳам — ҳар хилини кўрди. Лекин Лоҳур кўчасидан топиб олган бу етимчадай садоқатли шогирдини кўрмади... Бўй-басти келишган, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган, тол чивикдай нозик бу йигитчада ўз элининг ҳамма фазилатлари — мулоимлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги юз фоиз мужассам. Беруний у билан бир лаҳза суҳбат қурса гўё Ҳиндистонга қайтиб боргандай, босиб ўтган йўлларию, кезган шаҳарларида қайта кезиб юргандай бўлади, шунда юрагининг бир бурдаси ўша улуг маконда қолганини, бу маконнинг заҳматкаш, мўмин-мулойим халқи эса худди ўз элдошларидай қадрдон бўлиб қолганини ҳис этади. Ажабо! Нечун гоҳо бир эл иккинчи эл билан ошно бўлмасдан туриб ётсирайди, фақат ўз тилим, ўз куйларим ва ўз қўшиқларим яхши деб ўйлайди! Ўйлайди-ю, қатлу ом қилиб бўлса ҳам, ўз урф-одатларини бошқа юртларга ёймоқчи бўлади!.. Шоҳлар-ку майли! Унинг ўзи ҳам, оқу қорани таниган Абу Райҳон Берунийнинг ўзи ҳам бир маҳаллар шундай деб ўйлаган эмасмиди? Ўзи туғилиб ўсган Жайҳун заминидан яхши замин, туркий урф-одатлардан яхши урф-одатлар, туркий қўшиқ ва туркий куйлардан яхши куй ва қўшиқ йўқ, деб ўйламаганмиди?.. Хайриятким, бирда Журжон, бирда Ҳиндистондай буюк ва гаройиб юртларни кўриб кўзи очилди, ҳар бир мамлакат, ҳар бир эл ноёб ва гўзал бир олам эканини билди, билиб «Ҳин-

дистон»ни ёзди! Фақат... минг афсуски, бу асарини, ўн йил умри кетган бу суюкли китобини ҳозирча пинҳон тутишга мажбур.

— Раҳмат, азизим,— деди Беруний чуқур хўрсиниб.— Ҳозир бу китобни хаттотларга топшириб, алло-маларга тарқатиб бўлмас, ўғлим.

— Сабаб, устод?

— Сабаби... камина уни, авваламбор, султон Маҳмуд Ғазнавийга тортиқ қилмоғим лозим!

— Тортиқ қилинг! Кўп инъомлар оласиз, устод!

Беруний шогирдининг ҳайрат билан порлаган кўзларига тикилиб, мийғида бир кулиб қўйди: «Йўқ, илмда зукко бу йигит бу дунё юмушлари бобида ҳануз гўдак, она сути оғзидан кетмаган маъсум гўдак!»

— О, болам! Кўп инъомлар олмоқ учун бу китобда ул амирал мўъмининга ҳамду санолар ўқимоғим, сенинг юртингда қилган қатлу қирғинларни мадҳламоғим даркор эмасму, ўғлим?

Сабҳу гуноҳ иш устида тутилган ёш боладай қизариб:

— Буни ўйламабмен, афв этинг, устод!— деди бошини эгиб.

Беруний кўзачадаги шарбатдан яна бир қултум ичди-да, кўзини юмди. Назарида, мияси чўғдек қизиб, хаёли чувалашиб кетаётгандек эди, лекин шундай бўлса ҳам, кўнглининг бир четида енгиб бўлмас бир истак — қалбининг энг тупкарисида ётган дардларини айтмоқ истаги тобора авж олиб борарди. Ким билсин, бу телба шоҳнинг телба машваратидан соғ-саломат қайтадимми, йўқми? Васвас дардига йўлиққан ҳокимдан ҳар нарсани кутмоқ мумкин!

— Болам, Сабҳу,— деди Беруний, бошини ёстиқдан кўтариб.— Камина эртанги машварат не мақсадда чақирилган — буни айтолмаймен. Шу сабабдан бир нарсани сенга изҳор этмоқни лозим кўрамен... Ёдингда бўлсин! Фақир бу китобни... сен меҳр билан оққа кўчирган бу асаримни ёзишдан муродим — сенинг юртинг... Ҳиндистон олдидаги гуноҳларимни ювмоқ эди!..

Сабҳу бутун вужуди билан олдинга талпиниб:

— Сиз? Гуноҳкор?— деб сўради.— Сўзингизни англамадим. Ҳиндистонни топтаган сиз эмас, устод, сиз эмас!..

— Ҳа, камина ҳеч бир кимсанинг бурнини қонатганим йўқ!— деди Беруний. Унинг иситмадан бўғилган овози тўсатдан аллақандай оччилик, торгина чор бурчак

ҳужрани янградиб юборди.— Қон тўкса... амирал мўъминини аталмиш султон Ғазнавий тўқди, унинг лашкарлари тўқди! Шаҳарларни талаб, ибодатхоналарга ўт қўйди! Ҳаммаси тўғри! Ва лекин... бари бир, сенинг юртингда менинг элим тўғрисида ёмон таассурот қолди, болам. Йўқ, ул қатлу қирғинлар учун менинг элим гуноҳкор эмас! Асло! Аммо султон Маҳмуд янглиғ жаҳонгирлар, лашкарбошилар, мустабид шоҳларнинг разолати ҳам шундадурки, улар фақат ўз номлари эмас, балки ўз эли помига ҳам доғ туширишга қодирдурлар! Биз каби маърифатли зотлар эса лоақал эзгу ният ва яхши хизматларимиз билан бўлса ҳам, мазлум эллар юрагидаги бу ёмон асоратни йўқотмоғимиз даркор. Фақир сенинг юртинг ҳақида, Ҳиндистон ҳақидаги китобимни шу ниятда ёзганмен! Билиб қўй, болам!

Беруний бунинг ҳаммасини аллақандай ёниб, илҳом ва ҳаяжон билан гапирди-ю, бирдан ҳолсизланиб бошини ёстиққа ташлади, ташларкан, деҳқоннинг кафтидай катта, қорамтир кафтларида шогирдининг титроқ лабларини ҳис қилди.

Беруний кўнгли «шиғ» этиб, шогирдининг елкасини аста силди, хаёлидан эса негадир: «Кўзим тиригида бу шўрликни уйлантириб қўймоғим лозим», деган фикр ўтди. Ҳа, Садафбиби иккисини қовуштириб қўйса узукнинг кўзига солинган ёқутдай ярашмайдими? Ярашади! Бир фарзанди икки бўлади, у эса тинчиб, бус-бутун мутолаа ва мушоҳада дарёсига шўнғийди!

Беруний кўнглига келган бу гапни шогирдига айтмоқчи бўлди-ю, бироқ бир зум ўйланиб қолди. Қизиқ: у энди, бу икки ёшни қовуштириш фикри кўнглига келгандагина сизди: Садафбиби, юриш-туришларидан, сўзлари, ҳатто олган нафасидан ҳам Жайҳун нафаси уфуриб турган бу ёқимтой қиз унга жуда азиз бўлиб қолган эди! Йўқ, йигитлик давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйганида кўнглига эрк бермоқ гуноҳи кабирдур! Беруний ўз туйғуларини жиловлай олади. Юрагига эрк бериш вақтидан ўтган! Албатта жиловлай олади! Фақат... бу гапни қўзғашдан олдин Садафбидан сўз олмоқ, унинг кўнглини билмоқ лозим эмасму?

Беруний шу қарорга келди-да, Сабҳудан Садафбидани чақириб беришни илтимос қилди.

Зум ўтмай, эшик товушсизгина очилиб, Садафбиби кириб келди. Маъюс қуралай кўзларида аллақандай ҳадик, қиз ҳарир ипак дурраси билан юзининг бир томонини хиёл яширганича Берунийнинг ёнига келиб

ўтирди... Беруний юрагидаги ҳаяжонни босиш учун яна шарбат тўла кўзага қўл чўзди.

— Бибим, камина бир нарсани ният қилган эдим, шу ниятимни айтгани чақиртирдим сени!

Садафбибидан садо чиқмади. У гўё совуқ хабар эшитишдан кўрққандай ранги ўчиб, ўтирган жойида ҳайкалдай қотиб қолди.

— Бибим. Сен қизим бўлсанг, Сабҳу менинг ўғлим. Мана ўн йилдирки, Сабҳу фақирга хизмат қилади. Кўп олижаноб яхши йигит ул...

Берунийнинг сўзи бўғзида қолди. Садафбиби тўсатдан юзини кафтлари билан яшириб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

— Сенга не бўлди? Нечун йиғлайсен, бибим?

— Устод!— деди Садафбиби йнги аралаш.— Мен... мен шўрликка раҳм қилинг! Дийдорингизни кўрмоқ бахтидан жудо қилманг мени, жудо қилманг!

Садафбиби шундай деб, бошини эгди-ю, юзини Берунийнинг кафтларига яширди.

Беруний қизнинг бошини силамоқчи бўлиб, қўлини кўтарди, бироқ бунга кучи етмагандай қўли «шилқ» этиб тушди-ю, бирдан ҳолсизланиб ўзини ёстиққа ташлади.

Учинчи боб

Амирал мўъминин султон Маҳмуд ибн Сабуктегин Ғазнавий кўкраги тилла тасмалар билан зийнатланган жанговар фил елкасида, тепасига ипак соябон тутилган олтин тахтда ўтирибди. Фил атрофини арғумоқ ўйнатган лашкарбошилар, амирлар, вазиру вузаро қуршаб олган.

Қалин чакалакзор билан қопланган қир этагидан кенг ўзан ўтар, ўзаннинг у юзидаги тепаликда атрофи баланд девор билан қуршалган муаззам қалъа кўринарди. Қалъа ичида эса, юксак пештоқлари фалакка қадалган, учлик қуббалари соф тилла билан нақшланган гаройиб бир ибодатхона ял-ял ёниб, кўзни олар, йўқ, бу ибодатхона эмас, арши аълога бўй чўзган бир мўъжиза эди!..

Султон турган қир ҳам, пастдаги сой ҳам, сойнинг у юзидаги тепалик ҳам — ҳаммаёқ ҳисобсиз лашкарга тўлган, у ёқдан-бу ёққа от сурган суворилар ҳайқириви, қурол-яроғларнинг шарақ-шуруғи, отлар дупури, жанговар филлар наъраси еру кўкни ларзага солган. Лекин

султоннинг қонини жўштирган бу ёқимли суропни ҳазин қўшиққа ўхшаш бир овоз бузиб турар, бу — қалъадаги муҳташам ибодатхонага беркиниб, ибодат қилаётган маҳбуслар овози эди. Юракни зир титратгувчи бу ҳазин қўшиқ тобора авжга чиқиб, султоннинг юрагига гулув солмоқда эди...

Ё тавба! Узаннинг бу юзидаги улкан шаҳар кеча бир ҳамла биланоқ таслим бўлган. Ана, қароргоҳ тева-рагидаги қалин чакалакзорларда қўлларига кишан урилган ҳинд сарбозлари тўп-тўп бўлиб ётибди. Уларнинг қурол-яроғлари тоғ-тоғ бўлиб уюлган, жанговар филлари эса султон қўшинларига хизмат қилмоқда, лекин бу муаззам қалъа ҳамон таслимдан бош тортмоқда. Бу юриш чоғида ўнларча шаҳарларни бир ҳамла билан забт этган султоннинг музаффар қўшинлари эса бу қалъа рўпарасида ожизлик қилмоқда, не-не қалъа деворларига етган нарвонлар бу қалъанинг осмонўпар деворларига етмаяпти, бошқа қалъаларни қозғай тешган арродалар бу қалъанинг метин деворларига «тиши» ўтмай турипти. Улардан отилган тошлар, қалъа деворларига тегиб, бамисоли коптокдай қопчийди... Бу не ҳол? Наҳот не-не шаҳарларни бир ҳамла билан тиз чўктирган султони мунтасирнинг¹ музаффар қўшини бу қалъа учун тагин бир неча кун жанг қилса?

Султон Маҳмуд эрка вазири Абул Ҳасанак тутган тилла қадаҳни бир кўтаришда сипқариб, елкаси оша осмонга отди. Олтин қадаҳ ҳавода мўъжаз қушчадай ярқираб, ерга тушди-ю, мусаффо жаранглаб, ўсиқ майсалар орасига юмалаб кетди. Султон новча бўй-бастини ростлаб, ҳаммаси бир хил қора арғумоқларини ўйнатиб турган лашкарбошиларга юзланди, қаҳрли қи-сиқ кўзлари ўтдай чақнаб:

— Амир Нуштегин! — деб наъра тортди.

Сурмаранг салласига амирлик нишони қадалган йў-ғон, чорпаҳил лашкарбоши остида ёр депсинган қора арғумоғини ниқтади. Ўргатилган арғумоқ қасир-қусур бостириб келиб, фил рўпарасида чўккалади. Амир Нуштегин эса, эгардан тушмай, қўлини кўксига қўйди:

— Офтоби оламнинг хизматига мунтазирмен!

— Мунтазирсен! — деди султон аччиқ киноя билан. — Икки кундирки, кичик бир қалъани забт этолмай оворасен! Шаҳар таслим бўлмаса не қилмоқ даркор, амир Нуштегин?

¹ Султон мунтасир — енгилмас султон.

— Ут қўймоқ, офтоби олам!

— Ут қўймоқ бўлса нечун қўймайсен? Нечун?

«Ут» сўзини эшитганда яқиндаги чакалакзорда ғуж бўлиб ётган, ҳаммаси бир хил сариқ кўйлак, бир хил сариқ ипак шалвар кийган қора танли ҳинд зодагонлари орасида гала-ғовур кўтарилди. Сўнг, чеҳрасидан аллақандай шуур ёғилиб турган алломанамо бир кимса даврадан отилиб чиқди-да, оппоқ бошини эгиб, бир нималар деб илтижо қилди. Султон атрофига олазарак боқиб:

— Бу мажусий не дейди? Абу Райҳон қайда?— деб сўради. Чакалакзор орасидаги ҳаворанг чодирдан кўк банорас тўн кийиб, бошига оқ салла ўраган, калтагина учбўрчак соқоли узунчоқ қорамтир юзига ярашиб тушган новча бир аллома чиқиб, сиполик билан бош эгди.

— Яқинроқ кел, Абу Райҳон! Бу ғайридиннинг сўзини эшит! Арзи не — сенга сўзласин, сен бизга сўзла!

Беруний от туёқлари остида эзилган қалин майсаларни шип-шип босиб, нуроний чолнинг ёнига келди, бошини осилтирганича мўйсафиднинг ҳаяжонли, палапартиш сўзларини эшитди.

— Бу бандан ожиз сиздай амирал мўъмининдан меҳри шафқат тилайди! Дейдиким, бу қасрда эллик минг ғарибу ғурабо йиғилган!

— Ғарибу ғурабо!— деди султон овози момақалдироқдай қалдираб.— Ғарибу ғурабо бўлса... нечун лашкари музаффарга қаршилиқ қилади? Нечун таслим бўлмайди?

— Офтоби олам! Қалъа аҳлининг аксари ожизалар эмиш, бегуноҳ порасидалар эмиш, чоллар эмиш, давлатпаноҳ!

Беруний сўзини тугатмаган ҳам эдики, бояги нуроний чол юзтубан йиқилиб, қўллари билан ер тирнашга киришди. Беруний «ялт» этиб юқорига, фил елкасида оёқ кериб турган султонга қаради, беихтиёр олдинга талпиниб:

— Олампаноҳ!— деб хитоб қилди.— Шафқат қилинг, олампаноҳ!

Унинг сўзларини амирал мўъмининнинг:

— Амир Нуштегин!— деган бетоқат ҳайқирғи босиб кетди.— Таслимдан бош тортган қасрга ўт қўйгил, ўт!

Чакалакзорда бир-биринга суяниб, ғуж бўлиб ётган ҳинд маҳбуслари қорамтир қўлларини кўкка чўзиб, уввос тортиб йиғлашди, лекин пастга қараб от сурган

Пуштегин навкарларининг голибона қийқириғи маҳбуслар ноласини кўмиб юборди. Зум ўтмай, тўрт томондан кўтарилган алаңанинг қизғиш тиллари муаззам ибодатхонани аждаҳо янглиғ ялаб, офтобдай чарақлаган олтин қуббаларини ямлаб ютди...

Алаңанинг мудҳиш тиллари шундай шафқатсиз, олов ичида қолган муаззам ибодатхонанинг ярқираши шундай... гўзал эдики, қир ёнбағридаги беҳисоб лашкар, гўё бу манзарадан сеҳрлангандай қотиб қолди. Бу совуқ ва улуғвор гўзалликка фақат бир нарсая халақит берар, у ҳам бўлса қалъа ичидан, ёнғинда қолган ибодатхона туйнукларидан эшитилаётган бояғи ҳазин куй, юракларни тиндаловчи бояғи мунгли қўшиқ эди! Узоқдан келаётган бу ҳазин қўшиққа энди қаандайдир ёмон, кўнгилини оздирувчи қўланса ҳид ҳам қўшилган эди. Ажабо: қўланса ҳид кучайган сайин кўнгилини вайрон қилғувчи бу қўшиқ ҳам авжга чиқмоқда, гўё ер қаъридан келаётган ўликлар фарёдидай тизгинсиз мунг билан янграмоқда эди.

— Эй, яратган эгам!— деди султон юрағи увишиб.— Наҳот бу мажусийлар тириклайин ўтда куйиб кетадики, аммо тиз чўкмайди? Қўшиқ айтиб тириклайин ёнғувчи элни биринчи кўришим бу!

Султоннинг хаёлини Берунийнинг ғамгин овози бўлди.

— Йўқ, бу қўшиқ эмас, амирал мўъминини! Эллик минг бегуноҳ бандаларнинг ноласи бу! Улар тоат-ибодат ила парвардигори оламга нола қилмиш! Гуноҳимиз не, деб йиғламиш улар!

— Бекор айтасен, Абу Райҳон! Бегуноҳлар эмас, ғайридинийлар ноласи бу! Ғайридинийлар ноласи эса худованди каримга бориб етмас!

— Ғайридинийми, мажусийми — булар ҳам оллонинг бандасидур, олампаноҳ!

— Бас, Абу Райҳон! Такаббурлик сабаб, тағин мубоҳасага жазм этдингми? Мен сени ул мутакаббир ҳақим... ибн Синони топиб кел, деб йўллаган эдим. Сен бўлса уни топиб келмоқ ўрнига... ғанимларим ёнини олиб, мендай амирал мўъмининга сўз қайтарасен!— Султон шундай деб, қиличини шартта қинидан суғурдида, боши узра кўтарди, бироқ ногаҳон биқинига қадалган санчиқдан инграб юборди-ю... уйғониб кетди.

Шифтдаги олтин қандилларга терилган шамларнинг кўпчилиги сўниб қолган, деворларига сарғиш ипак пардалар тутилган катта танобий хона ғира-шира, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди.

Султон, гўё ўз хобхонасида эмас, совуқ гўрда ётгандай бўлиб, жисмидан совуқ тер чиқиб кетди. Юраги қоқсуяк кўкрагини ёриб чиққудек гурс-гурс урар, кўз олдида ҳануз аланга олган муаззам ибодатхона турар. қулоқлари остида ўт ичида қолган эллик минг маҳбуснинг мунгли қўшиғи янграрди...

Ё тавба! Унга не бўлди? Не сабабдан бундан кўп йиллар муқаддам ўтган бу жангу жадал тушига кирди? Аллақачон ёдидан кўтарилган бу воқеалар нечун қайта ёдига тушди? Наҳот амирал мўъмининдай фотиҳи музаффар лашкарига бўйсуннишдан бош тортган ғайридинийларни қирон қилмоқ гуноҳ бўлса?..

Султон безиллаб оғриган биқинини силаганича, узоқ хаёлга толди. Мана, бу дардибедавога гирифтор бўлганига бир неча ой бўлди, шундан бери кўнгли нотинч, жони беҳаловат, кечалари ёмон тушлар кўриб, ваҳима босяди. Нечундир эзгу ишлари, қурган қасрлари, яратган боғлари, барпо қилган мачит ва мақбаралари эмас, жанглар суронию отлар дупури, кесилган бошлар, дорда чайқалган мурдалар, ёнғинда қолган шаҳарлар ёдига тушади. Миясида илгари ҳеч қачон ўйламаган ёмон ўйлар чарх уради...

Ҳа, бунинг ҳаммасига мана шу дард, уч-тўрт ойдан бери ёпишиб олган мана шу давосиз дард сабаб. Рост, сўнги кунларда Чин¹ ва Ҳинд мамлакатларидан келтирилган икки ҳақимнинг қилган муолажаси ёқиб, биқинидаги оғриқ хиёл босилган, ҳар оқшом юрагини чулғаб олгувчи совуқ таваҳҳум сал кўтарилган эди. Кеча ҳатто содиқ вазири Абул Ҳасанакка айтиб, сарой мутрибларини чақиртирган ва озгина кўнгилхушлик ҳам қилган эди. Базмдан кейин эса эркатой вазири Абул Ҳасанак ёшлик пайтларини эслаб, султоннинг юрагини қитиқловчи бир гапни кўзгаб қолди. Гўё Бухоро ҳокими Алитегиннинг суюкли кенжа хотини султоннинг висолини кўриш ишқида ёниб, туну кун мотамда эмиш!

Султон Алитегиннинг бу кенжа хотинини бундан уч-тўрт йил муқаддам, Бухорога юриш қилганида асир тушириб олиб кетган, бироқ ўзини кўрмаган, кўришга ҳуши ҳам йўқ, уни тутқунда сақлашдан мақсад эса — бетавфиқ Алитегинни чўғдай қовуриш эди, холос. Лекин кечаси Абул Ҳасанак султоннинг ишқида ёнган бу хотинини шундай таъриф у тавсиф қилдики, султон ҳам

¹ Чин — Хитой.

погаҳон қитиги қўзиб, аввал май буюрди, сўнг, ишқ ўтида ёнган малакни кўриш истагини билдирди.

Осмон маликаси қасрининг энг хилват бурчагида султоннинг махфий гўшаси бўлар, гўша деворлари «Алфия-шалфия»² достонидан кўчирилган ҳаёсиз суратлар, яланғоч аёл ва эркак севгисини тасвирловчи рангдор расмлар ва ҳинд пошшолари қасрларидан олиб чиқилган яланғоч санамларнинг олтин ҳайкалчалари билан безатилган эди. Одатда, ҳарам бекалари инъомга келган ёш маъсумаларни ҳаммомга солишиб, пардоз-андозларини жойига қўйгач, шу гўшага олиб киришар, бу ҳаёсиз суратлар ёш гўзалларда шахвоний ҳирс уйғотиб, уларни султоннинг зиносига «шай қилиб» қўярди. Рост, сўнгги йилларда, пайғамбар ёшидан ўтиб, тақводорликни ихтиёр этган султон махфий гўшани тақа-тақ беркитган эди. Бироқ кеча унинг кутилмаган истагидан қувониб кетган ҳарам бекалари махфий гўшани ўзларича очтириб, Бухоро малагини шу ерга олиб келишибди.

Қисқаси, султон елкасида енгил банорас тўн, белига олтин камар, беҳолгина одимлаб, махфий гўшага кирганида... Бухоро санами, оппоқ дуркун танасини ҳаёсизларча очиб, қат-қат ипак тўшак устида чалқанча тушиб ётарди. Унинг кўзлари юмуқ, ҳарир гулдор рўмоли орасидан тошиб чиққан майин қўнғир сочлари ердаги қирмизи гиламда бетартиб сочилган, ўзи эса, худди оташ ичида қовурилаётгандай тўлғанар эди.

Султон остонани ҳатлаб ўтиши билан санам сапчиб турди, гиламга тиз чўкиб, унинг оёқларини қучди-да, тиззаларини, сонларини силашга тутинди. Султон ҳам суюлган қони бирдан кўпириб, санам томон эгилди. Бироқ худди шу пайт, Бухоро малагининг чўғдай иссиқ танасига қўли теккан пайт, сўнгги кунларда тинчиб қолган қорнидаги «типратикон» гўё тўсатдан «уйғониб» кетди-ю, оғриқнинг зўридан бўкириб юборди.

Султоннинг наърасини эшитиб, аввал Абул Ҳасанак, унинг кетидан ранглари қув ўчган ҳарам бекалари югуриб киришди...

...Мана, шундан бери тўлғаниб ётибди, ёлғиз оғриқдан эмас, нотинч ўйлардан, кўрган тушларидан, юрагини чулғаб олган совуқ ваҳима ва адолатсизлик туйғусидан тўлғаниб ётибди.

Ё парвардигори олам! Осий бандангни ўзинг кечиргайсен! Ва лекин... бу не кўргилик эканким, ожиз бан-

¹ «А л ф и я — ш а л ф и я» — Шарқнинг машҳур эротик достони.

данг султон Маҳмуд, ҳақ ва ҳидоят йўлида қирқ йил сурон солиб, машриқдан мағрибгача неки мажусийлар ва ғайридинийлар бор, барчасини қатли ом қилса, пойқадами етган эл борки, ҳамма ерда қуръони мажид сўзини ёйса, бу йўлда унга қирқ йил зафар устига зафар келтирсангу энди, роҳат-фароғатда кун кечирмоқ маприди келганда, уни бу бедаво дардга мубтало қилсанг? Ҳайҳот! Агар бу дард чиндан ҳам бедаво бўлса, унда амирал муслимин аталмиш гуноҳкор бандангнинг қирқ йиллик тоату ибодатидан не фойда? Наҳот у буткул рўйи заминни забт этиб, беҳисоб бойликлар орттирганида, ўз доруссалтанати Ғазнаи мунавварани жаҳонда энг кўркам шаҳарга айлантириб, унда масчити жоме янглиғ ўнлаб масчитлар, гўзалликда беназир жаннатмонанд боғлар яратганида, Осмон маликаси каби қасрлар қуриб, уларни ҳеч бир шоҳ кўрмаган зебу зийнатлар билан безатганида... наҳот охир-пировардида топгани бу бедаво дард бўлса? У ўз ҳарамига Чин ва Миср, Ҳиндистон ва Румдан ҳуснда ягона ҳурилиқоларни йигдирса, рақсда товусдек товлангувчи гўзал раққосалар, булбул янглиғ хушовоз хонанда ва созандалар, номи оламга кетган маликул калом ва воҳиди замон алломаларни тўпласа!.. Бу неъматларнинг ҳаммасини ўзинг инъом этсангу тагин ўзинг ҳаммасидан бенасиб қилсанг?

Йўқ, ноумид шайтон! Кеча назм аҳлининг султони, сарой шонри Унсурий яхши хабар топиб келди. Бу хабарни у мажусийлар тилида битилган эски бир рисолада ўқиган эмиш. Машриқ мамлакатларидан бирида, ҳудудсиз уммонлар орасидаги мўъжаз бир оролда, «неъмат илоҳий» аталмиш мўъжиза бир дарахт ўсар эмиш. Қимки бу дарахтнинг мевасини истеъмол қилса, ҳамма дардларидан фориғ бўлиб, чол бўлса навжувон йигитга, кампир бўлса бокира қизга айланар эмиш...

Рисоладаги сўз чинми, ёлғонми? Бу ёлғиз оллога аён. Аммо... чин бўлмоғи даркор! Зероким... наҳот буткул рўйи заминни зир титратган султон Маҳмуд янглиғ фотиҳи мунтасир... ногаҳон ёпишган бир дард сабаб, Афшон шол даҳасидаги ғарибу ғураболар янглиғ ўлиб кета берса? Йўқ, бунга инсониб бўлмас! Амирал мўъмининдай шоҳларни яратиб, уларни «ас салотин зуллаллоҳу фил арз», яъники, «шоҳлар менинг ердаги соямдур», деган ул сарвари коинот, улар учун Унсурий айтган неъмат илоҳий каби мўъжиза неъматлар ҳам

нратмоғи даркор! Фақат бу неъмат ўсган макон қайда? Шунн билмоқ ва топмоқ даркор, холос!

Султон рисолати эшитиб, дарҳол Чин ва Ҳинд табилларини чақиртирди. Лекин улардан кўнгил тўлади-ган бир жавоб ололмади. Бу янглиғ ривоятларни улар ҳам эшитганларини, демакким, бундай мўъжиза дарахт борлигига имонлари комил эканини баён қилишди, аммо ул неъмат илоҳий ўсган макон қайда? Бу жумбоққа жавоб беришга ожизлик қилишди. Султон, аввал даргазаб бўлди, кейин, хиёл ўйлаб кўриб, барча алломаларни эрталабки машваратга чақиртирди. Чақирилган алломалар орасида ҳозиргина тушига кирган Абу Райҳон Беруний ҳам бор. Ким билсин, Унсурий айтган неъмат илоҳий қайда ўсади, балки у билар. Ахир у кўп йиллар ҳиндлар юртида турган, шаҳарма-шаҳар кезган, уларнинг ҳамма илмларини ўрганган, ҳатто тилларини ўрганиб, қадимий китобларигача мутолаа қилган... Шояд ул неъмат илоҳий тўғрисида шу эски китобларда аниқ бир нарса зикр қилинган бўлса! Ҳар қалай, ҳеч ким билмаса ҳам, ҳақими даврон аталмиш апов такаббур ҳақим... ҳазрат ибн Сино билмоғи даркор! Не чора? Мана, уч ойдирки, султоннинг икки кўзи Хуросон йўлида, аммо юборган энг содиқ мушрифларидан¹ ҳануз дарак йўқ. Биров, ул ҳақими даврон йўлга чиққан, деса биров, Ғазнага келишни истамай бошини олиб қочган, дейди...

Аттанг, бундан уч ой аввал, султон ул бетавфиқ ҳақимга энг ишончли надими, ариз² Абулвафо Сариқни юбораркан, бу ишни ҳаммадан, ҳатто Хуросонга юриш қилиб, шу кунларда Исфаҳонда лашкар тортиб турган ўғли амир Масъуддан ҳам сир сақлашни илтимос қилган эди. Ким билсин, эҳтимол, элчиларни Ҳамадон ҳоқими Алоуддавлага эмас, ҳозир Исфаҳонда турган шаҳзода Масъудга йўллаганида... Йўқ... султон унга, ўз пуштикамаридан бўлган зурриётига инонмайди. Чунки билади: шаҳзода Масъуд, ўзи Исфаҳонда бўлса ҳам, икки қулоғи Ғазнада, падари бузрукворининг ўлими тўғрисидаги хабарни кутиб ётибди! Бу бемехр зурриёти ҳазрат ибн Синони бу йўлдан қайтарса қайтарадики, хаста падарига юбормайди, йўқ, зинҳор юбормайди!

Уғлини эслаши билан султоннинг кўкрагида алам аралаш исёнкор бир туйғу «лов» этиб ёнди-ю, қоқсуяк қўлларини гиламга тираб, аста ўрнидан турди.

¹ Мушриф — элчи, махсус давлат назоратчиси.

² Ариз — ҳарбий девон соҳиби, вазир.

— Астағфирулло, астағфирулло!..— Султон, қорнидаги «типратикон»ни уйғотиб юборишдан қўрқиб, кўзларини юмганича бир нафас қимир этмай ётди, сўнг, тоқчадаги шамлардан бирини олиб, йўлакка чиқди.

Шифтдаги биллур қандилларда милт-милт ёнган битта-яримта шам шуъласида ҳудудсиз йўлак бўм-бўш ва аллақандай сирли туюлди. Йўлакнинг охири кўринмас, икки томондаги тилла тасмалар билан қопланиб, дур ва забаржад қадалган беҳисоб эшикларнинг ҳаммаси берк, тик этган товуш эшитилмас эди. Во дариг! Сарой аҳли қайда? Унинг энг ишонган надимлари, вазиру вузароси, садоқати зоҳир лашкарбошилари қайга гумдон бўлди? Бош вазири Али Ғариб, суюкли надими Абул Ҳасанак нечун кўринмайди? У, кимсан амирал мўъминин, бедаво бир дардга мубтало бўлиб, ўз ўтида ўзи қовурилиб ётса-ю, унинг саховати ила юксак мартабаларга эришган бу вазиру вузаро, унинг ишонган тоғларини бўлмиш бу амиру умаро осойишта уйқуда ётса, ёхуд ёш канизлари билан ўз қарамларида ўйнашиб, кайфу сафо қуриб ўтиришса? Йўқ! Кайфу сафо қуриб ўтиришибдими ул иблислар ёхуд бирор хилватга яшириниб олиб, уни тожу тахтдан мосуво қилмоқ режаларини тузиб ётишибдими? Тириклигида унга кафан бичиб, бирор гўшада суятонга чоҳ қазмоқдами бу бетавфиқлар?

Амирал мўъмининнинг азалдан бир одати бор — йироқдан бўлса ҳам хатар шабадасини сезганда ғазабни шердай жўшиб, вужудида шер кучи уйғонади. Бу сафар ҳам шундай бўлди-ю, бир қўлида фил тишидан зеб берилган арғувоний асо, бир қўлида дир-дир титраган шам, нимқоронғи йўлак бўйлаб юриб кетди. У бир печа қадам босгач, асоси билан ўнг томондаги эшикни туртиб очди. Хона зим-зиё эди. Ундан қандайдир совуқ бир нафас келгандай, гўшанинг энг тупкарисида, зулмат ичида аллақандай бир нарса ғимирлагандай туюлди-ю, султон, юраги «шув» этиб, орқага тисарилди. Шуву, бошқа эшикларни очишга юраги дов бермай, бешўн қадам босди. Лекин ўнг қўлдаги дур ва садаф терилган икки тавақалли залварли эшикни кўрганида беихтиёр тўхтади ва бир зум иккиланиб тургач, уни асоси билан аста туртди. Бу — машваратхона эди!

Деворлари оқ мрамр билан қопланган ўрдадай кенг машваратхонанинг шифтдаги биллур қандилда бир неча шам ёнар, бу шамлар шуъласида тўрдаги суянчиқларига инжу қадалган олтин тахт ажиб жилю

сочиб ярқираб турарди... Қуббасимон ложувард шифти соф қизил тилла билан зийнатланган бу хонада энг муҳим машваратлар ўтар, давлат аҳамиятига молик масалалар ҳал қилинарди. Эртага бўладиган алломалар анжумани ҳам шу ерда ўтмоғи лозим.

Султон юраги алланечук бўлиб, ичкарига кирди. Жимжит. Тиқ этган товуш йўқ. Ана, тўрт томондаги меҳробсимон жойларда забт этилган юртларнинг кўк, сариқ, оқ туғлари турипти! Мағлуб туғлар! Мағлуб лашкарбошиларнинг олтин ва кумуш дубулгалари, тиллодан жило берилган совут ва қалқонлари осиб қўйилган. Уларнинг ёнида бандларига лаъл ва забаржад қадалган эгри қиличлар, ўқ терилган чарм садоқлар, суяк сопли ханжарлар, узун-қисқа тиғлар... Бу қуроллар, бу совгаларнинг ҳар бири бир дoston! Унинг, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг беҳисоб юришлари, суронли сафарларидан ҳикоя қилувчи бебаҳо дostonлар... Султон бу ўлжаларнинг қайси бирини қўлига олса лоп этиб ўша музаффар жанг кўз олдига келади, забун бўлган не-не лашкарбошилар, ман-ман деган амирлар, калондимоғ ҳоқимлар, ҳатто шаҳаншоҳлар эсига тушади. Буткул рўйи заминдан, ҳатто Чин ва Румдан келган элчилар бу бебаҳо ўлжа, ранг-баранг товланган бу мағлуб туғларни кўрганда дамлари ичига тушиб кетади. Мана, соф тилладан ясалиб, ҳошияларига ёқут, лаъл ва жавоҳир қадалган улкан қалқон. Унинг ёнида нозик олтин ҳалқалардан ясалган катта совут... Қашмир пошшосидан олинган совға!.. Эсида бор: ҳарамида мингдан ортиқ канизи бўлган бу алп қомат, калондимоғ шоҳ майдонга қутурган жанговар фил миниб чиққан эди. У эса қутурган филдан тап тортмай, қора қашқа арғумоғини ўйнатиб, майдонга мардонавор кириб борганди. На қутурган филнинг мудҳиш наъраси қулоғига кирган, на ваҳимали важоҳати кўзига кўринган эди ўшанда! Султон, қўрқувдан осмонга сапчиган қора арғумоғини аччиқ қамчилаганича, жанговар фил устига бостириб борган, боргану оёқларини узангига тираб, бир зарб билан калондимоғ шоҳни фил елкасидан учуриб юборганди ўшанда!

Ҳа, султон Маҳмуд шундай мард, шундай танти эди! У ҳеч қачон пистирмада туриб жанг қилмаган, энг шафқатсиз қирғинларда ҳам ўзини лашкар панасига олмаган! У машриқдан мағрибга чўзилган бу ҳудудсиз салтанатини ўз салоҳияти, куч-қудрати ва шер юраги билан орттирган... Ҳайҳот! Бу чексиз давлат, бу шон-

шуҳрат, бу ҳисобсиз хазина, «амирал мўъминин» деган бу улуғ мартабалардан не фойдаки, агар қариган чоғида бу аянчли аҳволга тушиб қолса? Дардига даво тополмай, кечалари тўлганиб чиқса? Унинг, амирал муслиминнинг ҳаром тукига арзимайдиган ибн Сино аталмиш бир табибни йўқласа-ю, уч ойдан бери икки кўзи тўрт, унинг йўлига тикилиб ётса? Унинг саховати ва туз-намаги билан одам бўлган муқарриблари эса бошига мушкул тушган бу оғир онларда аҳволинг не деб сўрамаса? Билъакс, пана-панада иғво ва фисқу фасод билан банд бўлса!..

Султон, тўсатдан кўз олди қоронғилашиб, қўлидаги аргувоний асои қулочкашлаб осмонга отди. Фил суягидан жило берилган оғир асо олтин тахт тепасидан учиб ўтиб, тўрдаги қурол-аслаҳалар устига бориб тушди. Жойидан кўчган совут ва қалқонлар бир-бирига тегиб, ўрдадай кенг машваратхонани даранглатиб юборди. Қўнғироқдай тиниқ бу мусаффо овоз машваратхонанинг қуббасимон ложувард шифтида акс садо бериб, узоқ янгради-ю, аста тинди. Тинган заҳоти йўлакнинг икки ёнидаги беҳисоб эшиклар шарақ-шуруқ қилиб очилди, йўлакда ваҳимали шивир-шивирлару тап-тап оёқ тсеушлари эшитилди. Сўнг, ранги қув ўчган, қизил банорас тўни остидан оппоқ лозимлари кўриниб турган, хушқад, хушсурат вазир Абул Ҳасанак кўринди, унинг кетидан бош вазир Али Ғарибнинг қип-қизил юмалоқ юзи бир зум кўзга чалинди-да, яна ғойиб бўлди.

Абул Ҳасанак пойгакка тиз чўкиб, ер ўпди.

— Офтоби олам!..

— Офтоби олам!..— деди султон, негадир лаблари аянчли титраб.— Ажалимдан беш кун бурун менга кафан бичиб, иғво йўлига ўтдингми, баттол?

— Валинеъмат!

— Утмаган бўлсанг... қайга гумдон бўлдинг? Ул мешқорин Али Ғариб қайда? Нечун инонган мушрифларимдан ҳануз дарак йўқ? Қачон келади ул бетавфиқ ибн Сино?

— Келадур, пушти паноҳ!.. Яқин кунларда етиб келмоғи даркор!

— Шу ҳафта етиб келмаса... дорга тортамен! Барчангни дорга тортамен. Тузимни ичиб, тузлиғимга тулурган нобагорлар! Уқдингми, муртад? Шу ҳафта!..

— Уқдим, пошшойи олам!

— Уқсанг, чақир алломаларни! Машваратга чақир дарҳол!

Тўртинчи боб

Беруний устига янги кўк бахмал тўн кийиб, бошига учли олача тақия устидан симобий салласини ўраб, шоғирди ёрдамида отга минганида офтоб энди чиққан эди. Кечаси шивалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо, ариқ бўйларидаги гиёҳлар, пахса девор ва ҳатто уйларнинг томларини қоплаган майсалар ювиб қўйилгандай ям-яшил, тиниқ.

Тундаги иситма пасайган бўлса ҳам, Беруний ўзини ҳамон нохуш сезарди. У кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олди-да, отини аста йўрттириб, шаҳарни иккига бўлган Афшон сой соҳилига чиқиб олди. Соининг ўнг юзидаги кенг сайхонликни беқиёс, беҳудуд Боғи Фируза эгаллаган. Тунги ёмғирдан сўнг боғ ҳам аллақандай яшнаб кетган, ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб гуллаган бодом ва шафтолилар эндигина куртак чиқара бошлаган ўрик, олма, нок ва беҳилар орасида худди оқ, қизил, нимпушти либослар ёпинган гўзал малакларни эслатади. Ҳудудсиз боғнинг машриқ томонида оппоқ мрамар қаср осмонга бўй чўзган. Нимаси биландир улкан оқ қушга ўхшаб кетадиган бу кўркам қасрнинг номи ўзига монанд — Осмон маликаси! Осмон маликасининг қуйироғида Қўшки давлат саройининг тиллакори гумбазлари ярқирайди, ундан нарироқда эса лашкар девони ва бошқа маъмурий бинолар саф тортган, лекин улар Боғи Фирузадан қуйида, соининг у юзида.

Бу ердан, соҳил бўйидан пастдаги шаҳар қафтдай кўринади. Сой бўйини бора-боргунча ям-яшил туташ боғлар эгаллаган. Бу боғлар ичида оқ, қизғиш, нафис ҳаворанг мрамардан қурилган кўркам бинолар, кўшклар, кичик-кичик саройлар кўзга чалинади. Бу ерда амирлар, лашкарбошилар, девон беклари, бой тижорат аҳли истиқомат қилади. Ундан йироқроқда карвонсаройлар, бозорлар, тимли расталар, ҳаммом гумбазлари кўринади, улардан авлороқда эса, бир-бирига туташиб кетган кулба ва кулбачалар кўзга чалинарди. Қандайдир бетартиб қурилган бу кулбаи вайроналар, дўкон ва дўкончалар Беруний келаётган дарё соҳилидан, худди «гардкам» деб сочиб юборилган ошиқларга ўхшайди.

Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган бу беқиёс шаҳарнинг ҳамма даҳа, ҳамма бурчакларида беҳисоб мачитлар қад кўтарган, уларнинг ранг-баранг кошнлар билан безатилган юксак гумбазлари, тиллакори пештоқ-

лари офтобда ажиб товланиб, тоғлар билан қуршалган Ғазнаи мунавварага ўзгача бир зеб бериб турибди.

Олдинда икки қирғоқни туташтирган улкан кўприк кўринди. Кўприк рўпарасида узундан-узоқ отхона биниси бўлиб, бино олдида ҳаммаси бирдай қизил чакмон ва қизил этик кийган ёш ғуломлар саф тортган, улар ҳар томондан оқиб келаётган амирлар, аён ва боёнларни отдан тушириб, тавозе билан хизмат қилишмоқда.

Беруний кўприкка яқинлашиб қолганида, ўнг қўлдаги боғ кўчадан хачир қўшилган икки ғилдиракли бир арава чиқди. Аравада эски кулоҳини бошига бостириб кийган бир кимса секин хиргойи қилиб келарди. Ажабо: бу кулоҳли дарвеш у ёқда турсин, унча-мунча асилзодалар ҳам юролмайдиган бу жойларда пачақ арава нечук адашиб юрипти?

— Э, э!— Беруний арава эгасини таниб, отининг жиловини тортди.— Э-ҳа, Ғазна фақирларининг султони Маликул шароб ҳазратлари! Қайси шамол учирди жанобларини?

Маликул шароб аравасини тўхтатди, рангини билиб бўлмайдиган патак соқолини силаб, ғалати ишшайди:

— Ўзларидан сўрасак, азизим? Фақир кулбамизга нечун қадам ранжида қилмай қўйдилар десак, эски қадрдонни тарк этиб, янгисини топибдилар-да, мавлонаи замон!— у кўзини қисиб, сарой томонга ишора қилди.— Янги дўст — султон Маҳмуд муборак бўлсин, мавлоно!

Беруний беихтиёр кулиб юборди.

— Маликул шароб аталмиш сиздай ғариблар султонини унутиб бўлурму? Гулгун шарбатхонангизга ташриф буюрмаган бўлсак, сабаби хасталик, азизим!

— Хаста бўлсалар... давоси бир қултум май!

— Офарин! Жаннатий шаробингдан жон-жон деб бир пиёла сипқарар эдим, аммо не чора, ҳозир саройда машварат бошланур!

Маликул шароб, бошидаги эски кулоҳини бир томонга қийшайтириб, калласини маъюс ликиллатди.— О, мавлоно-мавлано! Наҳотки шу ақлу заковатинг билган шоҳлар ва шерлардан йироқ юрмоқ лозимлигини билмасанг?

— Не чора?

— Офарин! Бор, йўлингдан қолма, азизим, шояд шоир Унсурий каби улуғ мартабаларга мушарраф бўлсанг!

Маликул шароб хачирига қамчи урди-ю, негадир яна тўхтади.

— Ҳаҳ, эсим қурсин, сенга айтадурғон бир янгилик бор, мавлоно!.. Кеча оқшом кулбаи вайронамга ажиб бир мусофир аллома ташриф буюрдиларки, кўрсанг бошинг осмонга етади!

— Ажабо! Қим экан ул аллома!

— Бу ёғи шундай сир-асрорким, уни ўзимга айтишдан ҳам қўрқамен!— Маликул шароб шундай деди-да, хачирини қамчилаб узоқлашиб кетди.

«Сирли аллома? Уни айтишдан қўрқамен? Епирай. Бу дарвиш не дейди? Бу сўзи ростми ё унинг кўнглига ғулув солиш учун айтдимиз?»

Одамлар ҳамон кўприк томон дарёдай оқиб борарди. Беруний кўприк олдида эгардан тушиб, отининг жилловини ҳозир у нозир турган ёш ғулумга тутқазди. Кўприкдан то Боғи Фирузнинг дарвозасигача, ҳатто боғ ичидаги Осмон маликаси қасрининг мармар зиналаригача қирмизранг ипак гиламлар тўшалган эди.

Беруний хиёбоннинг икки ёнида қилич ялангочлаб ғоз турган навкарлар орасидан ўтиб, саройга кириб борганида анжуман ҳали бошланмаган, бироқ ўрдадай кенг, сутдай оппоқ машваратхонада одам тирбанд эди.

Тўрда, нақшли суйанчиқларига дур ва жавоҳирлар қадалган олтин тахтнинг ўнг томонида вазири аъзам Али Ғариб бошлиқ сарой аъёнлари ва девон беклари, чап томонда амирлар ва саркардалар саф тортган, девон бекларининг оппоқ симобий саллаларига тигсимон тилла нишонлар қистирилган, кимхоб ва мовут тўнли амирларнинг қундуз телпак ва сувсар бўрқларига уч қиррали олтин жиғалар қадалган, белларидаги сербар камарларига кумуш ғилофли эгри қиличлар тақилган. Уларнинг кумуш тепки тақилган кўк ва қизил чарм этиклари юганда жаранг-журунг овоз чиқаради. Тахт ёнидаги вазиру вузаро ва девон бекларидан қуйроқда Унсурий бошлиқ бир гуруҳ шоирлар кўринар, улардан нарироқда эса бошига чамбарак қора қалпоқча кийган, иягида тўрттагина тук ўсган Чин ҳакими ўз тилмочига алланималарни бидир-бидир қилар, унинг ёнида сариқ ипак кўйлак ва кенг сариқ шалвар кийган ҳинд табиби камтарона қўл қовуштириб турарди. Чап қўлдаги калондимоғ амир ва саркардалар билан бир қаторда бошларига сурмаранг салла ўраган бир гуруҳ дин пешволари саф тортган, улардан қуйроқда эса уч-тўрттагина таниш алломалар кўринар, уларнинг ичида кекса

мунажжим мавлоно Фаррухий билан ёш тарихчи Абул-фазл Байҳакий ҳам бор эди. Ҳамманинг кўзи тўрда, олтин тахтнинг ортидаги фил суягидан жило берилиб, нолик тилла тасмалар қоқилган икки тавақали ўймакор эшикда... Йиғилган раият пичирлаб гаплашар, ҳамманинг чеҳрасида қандайдир таҳлика ва тараддуд муҳрланган, гўё ҳозир ёмон, мудҳиш воқеа содир бўлгуси эди.

Беруний ҳорғин одимлаб алломалар ёнига ўтди, улар билан кўришаркан, бош девон соҳибини Абу Наср Мишкон жанобларини кўриб қолди. Соч-соқоли оппоқ, миттигина, лекин зуваласи пишиқ Абу Наср Мишкон жаноблари ҳам уни кўриб, яқинроқ келди.

— Тағин безгак хуруж қилдими? Бай-бай-бай!

Беруний бош девон соҳибини билан кўришаркан, нарироқда, бир гуруҳ назм аҳли қуршовида турган шоир Унсурийнинг унга қараб қандайдир сирли жилмайиб қўйганини пайқаб қолди. Унсурий ён-верига алланечук виқор билан боқар, бошқаларнинг юзида таҳлика ва ҳадик аломати муҳрланган бўлса, унинг нақш олмай қип-қизил юзида вазиятга номуносиб бир мамнунлик барқ урарди. Шоир энг катта машваратларда киядиган зарбоф тўнини кийиб, сурмаранг салласига амирал мўъминининг бўлакча лутфи эҳсонини билдирувчи тилла нишонни қадаб олган, қўлида эса, зар қоғозга ўралган ёстиқдай китоб.

«Бу тилёғламачи нечун хушнуд? Нечун оғзи қулоғида?»— деди Беруний ичида, бироқ шу пайт, тўрдаги икки тавақали оғир ўймакор эшик аста гичирлаб очилди-ю, ҳамма бошлар баб-баравар ўша томонга ўгирилди. Бўсагада... эғнидаги кўк мовут тўн устидан қўш тасма осиб, салласига найзасимон олтин нишон қадалган саройбон кўринди. У эшикда қилич яланғочлаб турган икки сарбоз ёнидан ўтиб, тахт олдига келди-да, қўлидаги олтин шақилдоғини шақиллатди:

— Барча аҳли мўъминнинг пири бузруквори, салтанатимизнинг шони шуҳрати, тожу тахтимизнинг бахти саодати, фотиҳи музаффар, амирал муслимин султон Маҳмуд ибн Сабўқтегин Ғазнавий ҳазрат олийлари!..

Оқ мрамор машваратхонанинг қуббасимон шифтлари акс садо бериб, галати янграб кетди: «Султон... Ғазнавий ҳазрат олийлари...»

Машваратхонани тўлдирган оқ, кўк, сурмаранг саллалар, қундуз ва сувсар телпаклар эгилиб ерга тегди. Шу пайт... бир ёнида қоп-қора соқол-мўйлови ўзига

ярашган, хушқад, хушсурат Абул Ҳасанак, бир ёнида бири муршид, Қози имом Сайид ҳазратлари, султон Маҳмуд Ғазнавий пайдо бўлди.

Ҳамма билан баробар эгилиб таъзим қилган Беруний эшик томон ўғринча кўз ташлади, ташлади-ю, беихтиёр сссканиб кетди. Имом Сайид билан Абул Ҳасанак ўртасидаги султон... жонли одам эмас, гўё устига зарбоф тўн, бошига олтин тож кийдирилган бир кўлага, сариқ мумдан ясалган бир маъбуд эди! Азалдан жуда бўйдор, қора, қотмадан келган султон, гўё бурунгидан ҳам чўзилган, гўё яна сал чўзилса, тождор боши шифтга тегарди, кенг юзи худди сариқ чармдан ясалган ниқобга ўхшар, фақат кўзлари... мунг тўла қисиқ кўзлари аллақандай чарақлаб турарди. Бироқ, ажабо: йиғилган издиҳомни кўриши билан сариқ мумдан ясалган бу ҳайкал нечундир бир гижинди-ю, шитоб билан юриб тахт олдига ўтди, у ерда бир зум тўхтаб, эгилган бошларга, беҳисоб қабрлардай дўппайиб турган аёну боёнларнинг дўнг елкаларига қадалиб қаради, сўнг, оғир одимлаб, тахтга чиқди.

Тахтнинг ўнг томонидаги тиллакори курсига имом Сайид ҳазратлари ўтирди, чап томондаги худди шундай курсига собиқ суюкли надим, эндиликда эркатой вазир Абул Ҳасанак ўтириши лозим эди. Абул Ҳасанак ўтирмади. Элликдан ошган бўлса ҳам, ҳануз ёш кўринган хушқад, хушсурат Абул Ҳасанак, гўё рақс тушаётгандай, қилпиллаганича олдинга ўтиб, йиғилган рғиятга қарата ваъз айтди. Унинг овози худди сайроқи қушнинг овозидай ёқимли, сувдай тиниқ, бахмалдай майин эди. У парвардигори оламдан амирал мўъмининга сиҳат-саломатлик, салтанатга шону шавкат, тожу тахтга бахту саодат тилаб, ваъзини давом эттирмақчи эди, тўсатдан тахтда мунғайиб ўтирган султон вазирнинг сўзини кесиб:

— Ул маликул калом Унсурий қайда?— деб сўради. Унинг овози бўғиқ, ҳорғин, бироқ аллақандай пинҳоний таҳдидга тўла эди.

— Фақир офтоби оламнинг хизматларига мунтазирмен!— шоир Унсурий, ер супурган зарбоф тўнининг этагига ўралашиб бориб тахт олдида тизза букди.

Султоннинг сийрак мўйловли юпқа лабларига билли-нар-биллинмас кулгу югурди, таҳдидли овози хиёл юмшади.

— Биз салтанатимиз шон-шуҳратини мадҳ этгувчи ўз шуаромиздан миннатдормиз! Машварат аҳлига аён

бўлсин! Мана, подир салоҳият соҳиби, назм бўстонининг боғбони, жаноб Унсурий бизга изҳори ихлос этмоқ нстагида туну кун китоб кўриб, шундай бир жаннатий неъматдан дарак топмишким, ул неъмати илоҳийни таноувул қилган осий банда ҳамма дардларга даво топғусидир! Бу сўз ҳақиқатми, маликул калом?

— Филҳақиқат, давлатпаноҳ!

— Олтин! Оғзига сиққунча олтин ошатилин!

Дарҳол тўрдаги эшик очилиб, олтин динор тўла баркаш кўтарган таниш саройбон кўринди. Унсурий ҳаяжондан кўзлари чақнаб ён-верига қаради.

— Ол, назм бўстонининг боғбони, тўйгунингча оша Сеннинг хизматинг ҳалолдур!..

Унсурий, гўё олдида тилла эмас, энг лаззатли таом тургандай тамшаниб, оғзини катта очди-да, баркашдаги олтин динорларни ошашга киришди. Машваратхонани тўлдирган издиҳом «гур» этиб бир тебраниб олди.

Беруний бундай маросимларни, султоннинг лутфи карамига сазовор бўлган кишиларга олтин ошатиш маросимларини аввал ҳам кўрган, ҳатто олтинга тикилиб, ўлар ҳолатга тушганларнинг аянчли аҳволларига шохид ҳам бўлган. Аммо ҳозирги манзара... Ё тавба! Шоир Унсурий, ўймоқдеккина оғзини катта очиб, анжирдай-анжирдай юм-юмалоқ тилла динорларни худди энг лаззатли таомни ошаётган оч гадодай ошарди. Унинг юзлари бўғриқиб, лунжлари пуфакдай шишиб кетди, баркашга тикилган кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлади, бироқ оғзи олтинга тўлса ҳам, ҳамон ошашдан тўхтамас эди. Машваратхонага йиғилган издиҳом ҳам негадир Унсурийга қўшилиб тамшанар, лабларини ялар, ҳамма кўзларда ҳасад учқуни чақнар эди...

Ана, баркашдаги олтин яримлаб қолди. Лекин шу пайт назм бўстонининг боғбонига нимадир бўлди. У лаблари билан яна бир олтинни ҳимариб, оғзига олмоқчи бўлди-ю, кўзлари косасидан чиққудай олайиб... қаттиқ ўқчиди. Уқчиганда бир нечта динор оғзидан отилиб чиқди-да, даранг-дурунг қилиб юмалаб кетди.

— Офарин, маликул камол! Олтин қусган шоирнинг қусуғи ҳам ўзига дору! Териб ол олтинларни!

Султон гилам устида эмаклаб юрган Унсурийдан юз ўгириб ўрнидан даст турди. Турши билан Берунийнинг эсига яна ичини қурт еб, қуриб қолган баҳайбат терак тушди. Бироқ бу теракнинг вазоҳатидан кўрққулик, унда кишини зир титратгувчи пинҳоний бир куч бор эди!

— Биз салтанатимиз шавкатига шавкат, доврўғига доврўғ қўшган, музаффар юришларимиз мадҳини оламга таратган ўз шоиримиздан мамнун ва миннатдоримиз... Маликул калом Унсурий!

— Лаббай, валинеъмат.

— Агар янглишмасам, сиз айтган неъмат илоҳий машриқ мамлакатларининг биридадур?

— Шундай, давлатпаноҳ! Эҳтимолким, Чин ёхуд Ҳинд мамлакатининг машриқ томонида, уммонлар қаъридаги ороллардан биридадур. Бу рисолаи муборакада шундай дейилган! Не чораким, биз назм аҳли илм ҳикматдан йироқдурмиз. Шояд, машваратга йиғилмиш алломалару уламои забардастлар аниқ жойини айтиб берсалар, давлатпаноҳ!

Тахтнинг чап томонида қўл қовуштириб турган юмюмалоқ вазири аъзам Али Ғариб пилдираб олдинга чиқди:

— Чин ҳақимидан сўрамоқ даркор, пушти паноҳ!— деди у, тавозе билан бош эгиб.— Яна бир маротаба сўрамоқ даркор!

Султон бу сўздан афти буришса ҳам:

— Чин-мочин!— деб чақирди.— Тилмочлар қайда?

Чин ҳақими қора чамбарак қалпоқча қўндирилган муштдеккина бошини ликиллатиб аввал султонга, кейин барча машварат аҳлига таъзим қилди-да, ширин илжайиб, бир нималар деди. Тилмоч дарҳол таржима қилди. У яна илгариги гапини таъкидлади, яъники, шоир Унсурий айтган жаннатий дарахтни Чин ҳақимлари ҳам эшитган. Аммо, надоматлар бўлғайким, бу саволга аниқ бир сўз айтишга ожизлик қиладилар.

Чин ҳақимидан кейин навбат яна ҳинд табибига келди. Бироқ у ҳам эски жавобини такрорлаб, қандайдир ривоятлардан сўз очган эди, султон тўсатдан бетоқат қўл силтаб:

— Бас!— деб хитоб қилди.— Тагин мужмал жавоб! Тагин сафсата! Аниғини айтадурғон ким бор?

Беқиёс машваратхонанинг юксак қуббасимон шифти яна акс садо бериб янгради: «Аниғини айтадурғон ким бор? Аниғини!»

Берунийнинг назарида, машаваратхонани янгротиб юборган бу акс садо султонга қандайдир куч ва илҳом бағишлади. Мунг тўла қийғоч кўзлари қаҳр билан чарақлаб:

— Ҳазар, алҳазар!— деб хитоб қилди.— Бу не шуа-

ро, не алломай даврон, не илми урфонким¹, қирқ йил тузимни ичиб, жўн бир жумбоқни ечиб беролмаса. Наҳот меним салтанатимда бу сир-асрорни ечадурғон бир донишманд бўлмаса?.. Абу Райҳон Беруний қайда?— тўсатдан сўради у. Ложувард гумбаз учинчи бор тантанали ва таҳдидли акс садо берди: «Абу Райҳон Беруний қайда?»

Қайта кўтарила бошлаган ҳароратдан карахт бўлиб турган Беруний бир сапчиб тушди-ю, тавозе билан бош эгди.

— Хизматингизга ҳозирмен, давлатпаноҳ!

— Ҳозир бўлсанг, нечун сукут сақлайсен? Қим сени ўн йил Ҳиндистон юртида умри ўтган алломай воҳид дейди? Хужрангда каламушдай яшириниб, ёстиқдай-ёстиқдай китоб битасен. Ва лекин бизга лозим бўлган сир-асрорни ечмоққа ақлинг етмайди?

Беруний юрагининг гурс-гурс уришига қулоқ солиб:

— Офтоби олам!..— деди секин.— Фақир... шоир Унсурийга бир саволим бор...

— Шоир эмас, маликул калом!

— Маликул калом жаноблари ул неъмат илоҳий тўғрисидаги сўзни қайси китобда ўқиганлар?

Унсурий, қандайдир бесаранжом питирлаб, ён-верига қаради.

— Барча паррандаю дарранда тилини билган... ул Сулаймон пайгамбар алайҳиссалом,— олло унинг покиза руҳини шод этгай!— Ул табаррук зот ҳақида битилган ушбу муборак китобда зикр этилгандур бу дарахт!— деди шоир ва оғир ҳансираб қўйнидаги китобини боши узра кўтарди.

— Ижозат этсалар, бу табаррук китобни камина ҳам ўқиб кўрсам!

Унсурий, лўппи юзида зўр ҳаяжон, бир ёнидаги шерикларига, бир қовоғини уйиб турган султонга қаради.

— Бер, ўқиб кўрсин!

Беруний, машваратхонага чўккан чуқур сукут ичидан, қўлма-қўл ўтиб келган чарм жилдли оғир китобни олиб очди. Бутун ранят, машваратхонага йиғилган барча аёну боёнлар, амиру умаро, девон беклари, дин пешволари-ю, илм аҳли, ҳатто аллақандай мунғайиб қолган султоннинг ўзи ҳам унга қадалиб қолган эди. Машваратхона жим, фақат қўл қовуштириб турган одамларнинг ҳансираб нафас олишлари эшитилади, холос.

¹ Илми урфон—илм аҳли. Олимлар.

...Йўқ, Беруний янглишмаган, бу ўша, кеча Хатлибегим келганидаёқ эсига тушган кўҳна ривоятнинг ўзгинаси! Уз пошшосига яхшилик қилиш ниятида унга мўъжиза ниҳол инъом этиб, бошидан жудо бўлган тўтиқуш тўғрисидаги ибратли чўпчакнинг ўзгинаси!

Ё тавба! Султон-ку, чўкаётган чўпга тармашар дегандек, сабаби бедаво дард, бу қадим эртакка инонса инонгандур! Аммо... назм аҳлининг султони аталмиш бу шоир, бу вазиру вазаро, бу амирул умаро!.. Наҳот булар ҳам бу чўпчакка инонсалар? Ё булар ақлдан озган, ё... сабаби безгак, унинг ўзи ақли ҳушидан айрилган!

— Нечун оғзингга талқон солдинг? Сўзла, Абу Райҳон!..

«Сўзла, Абу Райҳон!»

Беруний юксак шифтда янграган акс садодан сесканиб кетди-ю:

— Ҳайҳот!— деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.— Йўқ, бу алломалар битган китоб эмас, давлатпаноҳ, чўпчак бу! Чўпчак!

...Машваратхонани тўлдирган оломон бирдан ҳаракатга келиб, «гурр» этди-ю, дарҳол жим бўлди. Бу мудҳиш жимликдан султоннинг аллақандай аянчли, титроқ овози эшитилди:

— Чўпчак?

Беруний бирдан бўшашиб, деворга суянди.

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, офтоби олам! Ва лекин, таассуфлар бўлсинким, чиндан ҳам эски чўпчак бу!..

У сўзини тугатмасданоқ шоир Унсурий, зарбоф тўнининг этакларига ўралашиб, қоқилиб-сурилганича тахт рўпарасига бориб юзтубан йиқилди.

— Офтоби олам! Бу нобакор Абу Райҳон... пайғамбар алайҳиссалом... Сулаймон пайғамбар сўзини чўпчак деб ёлғонга чиқарди! Инчунин, шаккоклик қилди бу гумроҳ!

— Гумроҳ!— деди султон, аллақандай чексиз бир алам билан.— Ҳамманг гумроҳ, ҳамманг нобакор! Қирқ йил тузимни ичиб, тузлиғимга тупурган нонкўрлар! Бошимга мусибат тушганида нажот топа олмаган ақли кўтоҳ алломалар! О, ўлмаган ҳолим менинг!.. Вазири аъзам!..

Тахт олдида ҳайкалдай қотиб турган Али Ғариб, худди биров оёқларига болта ургандай, муккасидан тушиб, ер ўпди.

— Анов бетавфиқ... ҳазрат ибн Сино қайда?

— Давлатпаноҳ! Иншоолло, худованди карим ўз иноятини дариф тутмас! Ул нажот фариштаси ибн Сино йўлга чиқмиш!

— Йўлга чиқмиш!— Султон бир юлқинишда белидаги оятин бандли эгри қиличини қинидан суғуриб олди.— Қайда юрмиш ул ҳакими мутакаббир? Қайда? Ё дарҳол топасен уни, ё ҳаммангни чопамен! Ҳаммангни!

У ёғи нима бўлди — Беруний яхши англамай қолди. Машваратхонани тўлдирган издиҳом бирдан ҳаракатга келди-ю, бир-бирини босиб, янчиб, кўчага қараб ёпирилди... Бир зумда ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетди, кимдир йиқилган эди, бир неча одам унга қоқилиб ўмбалоқ ошди... Зум ўтмай машваратхонада фақат икки одам қолди — бири қилич яланғочлаганича ҳамон тахтда тебраниб турган султон, бири кўз олди қоронғиланиб, деворга суяниб қолган Беруний эди!..

Бешинчи боб

«Буқун, тўрт юз йигирма биринчи йил ҳижрий, раб-биул аввал ойининг учинчи куни¹ намозшом олдида шайхнинг улкан чорхари хонасига қирқ нафар ҳуснихат хаттот йиғилди.

Шайх² хаттотларни «Аш-Шифо» китобининг наботот фаслини кўчириш мақсадида лутфан таклиф қилган эди, бироқ намози асрда баногоҳ Ҳамадон ҳокими Алоуддавла ҳазратларидан қўш чопар келиб, шайхни саройга олиб кетдилар.

Шайх отга миња туриб, саройдан қайтгунча мажлис аҳлини меҳмон қилиб туришни каминнага топширди. Каминна дастурхон ёзиб, уларни меҳмон қилдим, сўнгра қоғоз-қаламларни шайлаб, шайхни кутдик.

Шайх, одатда, тўрда ўтириб, ўйлаган асарини ўзи ёддан айтиб турар, ҳуснихат хаттотлар эса сўзма-сўз ёзиб борар, шу йўсин, бир кечада ўттиз-қирқ нусха матн тайёр бўларди.

Шайх «Ал-Қонуи»ни ёзиб тугатгандан кейин ҳам шундай қилган, Исфаҳонда ҳуснихат хаттот борки, ҳаммасини йиғиб, ўзи айтиб турган, хаттотлар эса сўзма-

¹ 1030 йил февраль ойининг охирига тўғри келади.

² Ибн Синони шайх ур-ранс, яъни, аляомалар ранси, деб атагандар.

ёўз ёзиб борган эди. Сўнгра ҳар бир хаттот ўз ёнига яна йигирма-ўттиз нафар толиби илмлардан йиғиб шайхдан ёзиб олган матнни ўқиб берар, толиби илмлар эса бунини ёзиб олар ва шу йўсин бир йўла бир неча юз нусха китоб тайёр бўларди. «Ал-Қонун»нинг эл орасида тез тарқаб, тез шуҳрат топганининг боиси ҳам шундадур.

Шайх саройдан хуфтондан кейин қайтди. Устод қаттиқ ҳаяжонда эди. Хаттотлар йиғилган хонага кириб, мажлис аҳлидан узр сўради-да, хаттотларга ижозат берди. Биз ёлғиз қолдик. Шайх дарҳол кийим-кечак ва учтўрт кунлик озиқ-овқат ғамлашимни илтимос қилди. Маълум бўлишича, Ғазна ҳокими султон Маҳмуд Ғазнавийдан Ҳамадонга элчи келибди. Элчи шайхни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, дарҳол Ғазнада ҳозир нозир қилиш тўғрисида султондан фармон келтирибди. Бу амру фармонни ўқиб, капалаги учган Алоуддавла аъло ҳазратлари шайх билан пинҳона учрашиб, унинг ўзига маслаҳат солибди. Шайх Ғазнага боришдан қатъий бош тортибди. Иттифоқо, элчи кетгунча шайхнинг бирор жойга яшириниб туришини маъқул топибдурлар.

Биз устимизга эски чакмон, бошимизга эски кулоҳ кийиб, хуржунларни кўтариб, тун ярмида уйдан чиқдик.

Шайх қаттиқ изтиробда эди. Бундан беш-олти ой муқаддам, амир Масъуд Исфаҳонни забт этганда шайх ундан қочиб, Ҳамадонга келган эди. Бундан бир ой муқаддам эса шайхнинг Исфаҳондаги ҳовлисига ўт тушгани тўғрисида кўнгилсиз хабар келганди. Айтишлари-ча, ёнғин чоғида шайхнинг нодир кутубхонаси ёниб кетган. Иниси Абу Маҳмуд эса, тирикми, йўқми, бу ёғи ҳам ҳануз қоронғи. Шайх бутун топган дунёсини шу кутубхонага сарф қилган, унда устоднинг кўп қўлёзмалари, «Ал-Қонун», «Аш-Шифо» каби китобларининг энг хушхат хаттотларга кўчиртирилган ноёб нусхалари сақланур эди. Ишқилиб, улар ҳам бошқа китоблар билан бирга ёниб кетмаган бўлсин!

Сўнгги йилларда шайх Исфаҳонда инсоф ва адолат ҳақида, одил ва ноодил шоҳлар тўғрисида «Китоб ал-Инсоф» деган бир асар ёзишга киришган эди. Исфаҳондан совуқ хабар келганда шайх бир инисини ўйлаб куюнса, бир кутубхонаси ва шу китобини ўйлаб эзилди, сабаби — бу асарнинг қўлёзмаси чала қолган эди. Энди эса Исфаҳондан қочган одам, Ҳамадонда ҳам ҳаммадан яшириниб, пинҳона кун кечирибдан бошқа чора қолма-

ди. Ё тавба! Кексайган чоғида бу не кўргулик! Устоднинг мутолаа ва мушоҳададан бошқа нияти йўқ. Шўрлик шайх қачон бу ниятга етади? Қачон осойишта кун кечиради?»

(Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан.)¹

Олтинчи боб

Бош вазир Али Ғариб саройдан кўнгли ғаш бўлиб қайтди. Тунов кунги машъум машваратдан кейин султоннинг аҳволи яна ҳам оғирлашди, инжиқлашди, на оғзидан тузук бир гап чиқади, на унга гап уқтириб бўлади. Ушандан бери султон фақат бир нарса билан қизиқади, у ҳам бўлса ҳакими даврон ибн Сино! Ҳаз-

¹ Устоз ибн Синонинг содиқ шогирди, ажойиб инсон Абу Убайд ал-Жузжоний хотиралари биз учун бебаҳо бир меросдир. Лекин, афсуски, бу бебаҳо хотиралар ҳанузгача тўлалигича топилгани йўқ. Қишлоғимизда мадраса таҳсилни кўрган, янгичадан ҳам яхшигина хабардор бир домла бўлардилар. Эллигинчи йилларнинг бошларида, университетнинг биринчи курсини тамомлаб, ёзги таътилга борганимда, шу домла бир кун мени уйларига таклиф қилдилар.

— Ҳозир Тошкентда буюк ҳаким Абу Али ибн Сино асарларига қизиқиш катта эмиш,— дедилар у киши.— Асарлари арабчадан ўзбекчага таржима қилинаётган эмиш. Бу савоб ишдан хабарнинг борми, болам?

Еш студент, мен бу ишлардан беҳабар эдим, бироқ кекса домланинг олдида «нодон»лигимни ошкор қилмаслик учун:

— Хабарим бор, домла,— дедим,— жуда катта ишлар бўляпти.

— Балли,— дедилар домла қувониб,— буюк ҳакимнинг Абу Убайд ал-Жузжоний деган кўп зукко бир шогирди бўлган. Менда ўша одамнинг ҳазрат ибн Сино тўғрисида ёзилган хотира дафтари бор. Истасанг ўқиб бераман.

Домла шундай деб, тоқча тўла эски китоблар орасидан қора жилдли бир китобни олди. Домла арабча китобни ўқиб, сўзма-сўз таржима қилар, мен эшитар эдим. Ғаройиб қўлёзма ҳақидаги бу суҳбат бир неча кун давом этди. Мен бошда унча қизиқмасам ҳам, кейин жуда қизиқиб кетдим, охир-пировардида домладан китобни сўрадим, агар домла истаса, уни тошкентлик шарқшунос олимларга элиб беришни ваъда қилдим. Домла менинг бу таклифимни қатъий рад этдилар. «Ёшим ва соғлигим имкон берса, ўзим таржима қилиб, ўзим элиб бераман», деб жавоб бердилар. Минг афсуски, сал ўтмай домла оламдан ўтдилар. Мен навбатдаги таътиллاردан бирида, домланинг хонадонига бориб, бу нодир китобни суриштирдим. Бироқ китоб қаёққадир йўқолган эди. Кўп афсус чекдим. Ушбу асарга киришганимдан кейин ўйлаб қарасам, анча нарса хотирамда қолган экан. Хотира нозик нарса, унга кўп ишониб бўлмайди, албатта, ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам дегандек, Абу Убайд ал-Жузжоний эсдаликларини ёнимда қолганча тиклашга уриниб кўрдим (муаллиф).

рат ибн Синодан дарак борми, йўқми— бир кунда ўн маротаба сўраб-суриштиради, бош вазир билан Абул Ҳасанак эса минг хил ёлғон-яшиқ гаплар билан кунни кеч қилишади, бироқ эртанги кунни ўйласалар, юрак ўйноғи тутиб, тонг отгунча тўлғаниб чиқишади.

Шу боисдан Али Ғариб гўзалликда беназир, лекин шу кунларда унинг кўзига жаҳаннам бўлиб кўринган Осмон маликаси саройидан қайтгач, «беш кунлик дунё», деб бор вужуди билан айш-ишратга шўнғийди.

Вазири аъзамнинг боғи Фируза боғи билан, саройи Осмон маликаси саройи билан рақобат қила олмаса ҳам, ўзига яраша файзи бор. Шу кунларда боғда шафтоли ва чиллаки ўриклар қийғос гуллаган, майин қизил қум сепилган хиёбонлар четидаги хушқад сарвлар нафис митти япроқчалар билан бурканган, ариқ бўйларидаги мажнунтоллар эса нозик сочлопуклар ёзиб, гўё сув бўйида соч тараб ўтирган санамлардай очилиб кетган, айниқса шомдан кейин, гулзор ва хиёбонлардаги кумуш фавворалар ишга тушиб, тош фонуслар ёқилганда боғ яна ҳам яшнаб кетади, чиройига чирой, файзига файз қўшилади.

Бош вазир, одатда, кечқурунлари саройдан қайтгач, эғнидаги зарбоф тўнни ечиб, энгил либосга ўранди, бошидаги олтин нишон қадалган сурмаранг салласи ўрнига шафтоли гулли духоба такия, оёғига энгил кавуш кийиб, ҳудудсиз боғда ёлғиз сайр қилишни яхши кўради. Ҳар бири ўз латофати, ўз кўрки, бетакрор гўзаллиги билан ажралиб турган бодомзор ва шафтолизорлар, хурмозор ва анорзорларни аста кезиб, давлат ишлари ҳақида танҳо ўйлашни, ҳовуз бўйларига қурилган шинам шийпонлар, тўрт тарафи очик, гумбазли болохоналарда ўтириб, энг мураккаб муаммолар, сержумбоқ юмушларни ҳал қилишни, ечилмас тугунларни ечишни маъқул кўради. Серғалва ишлар, хатарли юмушлар, ечилмас тугунлар эса кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу жумбоқларнинг энг чигали табиий, тожу тахтнинг вориси ким бўлади, султоннинг ўзидай жангари, қайтмас, бир сўзли амир Масъудми ёхуд мўмин-қобилгина шахзода Муҳаммадми, деган жумбоқдир. Чунки бошқа ҳамма чигалликлар, аркони ҳарб ва аркони давлат, вазиру вузаро, аъёну боёнлар орасидаги тарафкашликлар, низою нифоқлар, фисқу фужурлар — ҳаммаси шу чигал муаммога бориб тақалади. Чигал муаммолар эса ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни тақозо этади, чунки вазири аъзам билади: давлат ишлари — бу

жанг майдонн эмас, бу ишда бор куч билан камондан ўқ узиб бўлмайди!

Дуруст, султоннинг ўзи аллақачон кенжа ўғли шаҳзода Муҳаммадни валиаҳд деб фатво берган. Лекин, авваламбор, бу фатво ҳали хутбага қўшиб ўқилган эмас, тор доирада, вазиру вузаро даврасидагина маълум, қолаверса, амирал мўъминининг бу қароридан кўплар норози. Улар орасида заифа бўлса ҳам давлат юмушларига бош суқиб, сарой аҳлини ёт деб ётқизиб, тур деб тургазиб ўрганган, султоннинг суюкли синглиси Хатлибегимдан тортиб, бўйи муштдеккина бўлса ҳам, калласи хумдек, девон соҳиби Абу Наср Мишкан жанобларигача бор. Бош вазир билади — уларнинг ҳаммаси амир Масъуд билан пинҳона алоқада, ҳар он, ҳар дақиқа саройдаги ишлардан кўз-қулоқ бўлиб, «тиқ» этган товушга қулоқ солиб туришибди. Агар амир Масъуд бу хатарли кунларда Исфаҳондай овлоқ жойларда жангу жадал қилиб юрмаганида саройдаги фисқу фасодлар бундан беш баттар авж оларди.

Бош вазир, хиёбон ва гулзорларни аста айланиб, ечилмас жумбоқларни танҳо ечаркан, юришдан чарчаган чоғларида ҳовуз бўйларига қурилган шийпонларда ўтириб ором олади. Шийпонларда эса ҳамма нарса — бежирим биллур идишларда нафис товланган шафақранг маю шарбатлардан тортиб, жизиллаб турган бедана кабобларгача, тандирлардан ҳозиргина узилган иссиқ патирлардан тортиб, писта-бодомларгача — ҳамма нарса муҳайё бўлади. Али Ғарибнинг истагига кўра, бир жойда ҳали мўйлови сабза урмаган ёш ғуломлар хизмат қилса, бир жойда ҳарир ипак кўйлаклари ичидан оппоқ сийналари кўриниб турган, ҳали оналари ўлмаган гўзал канизлар назокат билан бош эгиб туришадди, бу паканагина, юм-юмалоқ одамнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ишорасини маҳлиё бўлиб кутишади...

Лекин бугун вазири аъзам саройдан юраги ғаш бўлиб қайтди-ю, сайр қилиш ҳам кўнглига сиғмай, дарвозадан тўғри икки ошёнали кўшкка ўтди.

Сўнгги пайтларда, айниқса амирал мўъминининг аҳволи оғирлашиб, васвас дардига дучор бўлганидан буён, бош вазир ўз кўшидаги барча қимматбаҳо буюмларни, Ҳиндистондан келтирилган олтин маъбудалар, биллур идишлар, ипак гиламлар, ноёб зеб-зийнатлар, қуйма тиллалар, хум-хум олтин қум ва беҳисоб динорлар, фил суягидан ясалган нодир қутичалар, ғаройиб ҳайвонлар ва қушларнинг мўъжаз ҳайкалчаларни — ҳам

ма-ҳаммасини хуфия жойларга яширган, кошона хоналарида энг оддий жиҳозларгина қолган.

Бугун бош вазир кўшкнинг ҳувиллаб қолган хоналаридан бирига кириб, кўрпачага ёнбошлади. У бир он кўз илинтириб, оғир ташвишлардан ғовлаб кетган миясига жиндаккина ором бермоқчи, сўнг таъзимга келган тижорат аҳлини¹, тунги суҳбатга чақирилган хуфиялар, мушрифлар, амиру умарони қабул қилмоқчи эди. Вазир аъзам уйқуга кетишдан аввал этикларини ечиб, оёқларини уқалатишни яхши кўрар, тўғрироғи, бусиз кўзига уйқу келмас эди. Бироқ бугун тўшакка чўзилиб, энди оёқларини узатганида, кўшк оғаси кириб, Афшон шол даҳасидан бир хуфия келганини, хуфия бош вазир жанобларига дарҳол изҳори ихлос билдирмоқ азмида бетоқат бўлаётганини арз қилди. Бош вазир, одатда биринчи галда тижорат аҳлини қабул қилар, чунки улар ҳеч қачон қуруқ келмас, айниқса, хорижий юртлардан ташриф буюрган савдогарлар катта инъомлар, қимматбаҳо совға-саломлар билан келишарди. Бироқ Афшон шолдан хуфия келганини эшитгач, тижорат аҳлини ҳам иккинчи галга қўйди.

Афшон шол — шаҳарнинг энг камбағал, энг серғалва даҳаси. Ундаги хуфияларнинг хабарлари алоҳида аҳамиятга молик.

Али Ғариб оёғини уқалаш учун кирган эрка ғуломига рухсат берди-да, айғоқчини чақиртирди. Сал ўтмай, бўсағада устига эски қора чакмон, бошига қора ағдарма телпак кийган бир кимса пайдо бўлди, пайдо бўлди-ю, улкан қора қуртдай ғимирлаб келиб, гиламга тизза букди.

Вазир аъзам, негадир, эҳтимол ўзига ўхшаб пилдираб юргани учундир, бир қарашда улкан қора қуртни эслатувчи бу эски хуфияни кўп хушламас эди. Бироқ Пири Букрий деган бу кекса айғоқчи донм муҳим хабарлар келтирар, Маликул шароб аталмиш анов шаккок шоир майхонасида бўладиган ножўя юмушлар, салтанатга қарши қаратилган иғво гапларни оқизмай-томизмай етказиб туришда бебаҳо эди!

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Пири Букрий қармоққа ўхшаш қийшиқ қўлларини кўксига қўйганича, бошини букри елкасига суқиб, ғалати бир гапни айтиб берди. Гўёки, ўша бетавфиқ шоир Маликул шароб мусофирхонасида икки сирли сайёҳ пайдо бўлган эмиш.

¹ Тижорат аҳли — савдогарлар.

Бирн ёш, иккинчиси эса чеҳраси бағоят нуруний, гап-сўзлари бағоят маъноли бир аллома эмиш. Ёш сайёҳнинг маст-аластликда айтган сўзига қараганда, юзидан ақл-заковат ёғилиб турган бу аллома... ҳақими даврон ибн Сино ҳазратлари эмиш!..

Вазири аъзам икки букилиб ўтирган Пири Букрийнинг аллақандай маъсум кўзларига тикилиб, мийиғида кулди:

— Шу сўзга инондингми, Пири Букрий? Офарин сенга! Бундан чиқди, сен... ўзларини ҳазрат ибн Сино деб, авомин алдаб, пулини тўнаб юрган муғамбирларни эшитмабсен! Чин ибн Сино бўлса нечун ул бетавфиқ майхўрнинг ипринди майхонасида ивирсиб юрадур!

Пири Букрий кўзини юмиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Билмам, тақсири олам, бошда камина ҳам инонмадим ва лекин суратини кўрдим?

— Не сурат?

— Анов... сураткаш Абу Наср Арроқ¹ чизган ва қирқ нусха кўчиртирилиб, қирқ юртга юборилган ҳазрат ибн Сино сурати! Пинҳона келган бу сайёҳ ўшал суратдаги ҳазрат ибн Синонинг баайни ўзи, тақсири олам!

— Баайни ўзи?— Али Ғариб юм-юмалоқ бўй-бастига зид бир чаққонлик билан қаддини ростлаб ўтирди. У бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, бироқ шу пайт яна кўшк оғоси кириб таъзим қилди:

— Тақсири олам маъзур тутсинлар. Тегинободдан² мушриф келди!

— Тегинободдан?

— Шундай, тақсири олам. Тегинободдан, ариз Абулвафо Сарикдан келмиш!

Вазири аъзам бир зум иккиланиб тургач, Пири Букрийга ташқарига чиқиб кутиб туришни буюрди.

— Чақир мушрифни!

Ё тавба! Ғалати ҳангома! Ҳангома устига ҳангома!

Бир ҳафта эгардан тушмай от суриб келган мушриф пойгакка тиз чўкди-да, белидаги носқовоғи ичидан вазири аъзамга нос ҳиди уфуриб турган бир мактуб олиб берди. Мактубдаги гаплар... во дариг! Пири Букрий топиб келган хабардан ҳам ғалатиноқ эди...

¹ Абу Наср Арроқ — ибн Синонинг замондоши, рассом ва тарихчи.

² Тегинобод — Сабуқтегин асос солган шаҳар.

Бош вазир билар: бундан уч ой муқаддам ибн Сино ҳазратларини ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келиш шарти билан узоқ Ҳамадонга юборилган ариз Абулвафо Сарик тарвузи қўлтиғидан тушиб, Ғазнага қуруқ қайтмоқда эди. Бош вазир бу хабарни бундан бир ҳафта муқаддам ўз хуфиялари орқали билган эди. Маълум бўлишича, Абулвафо Сарикнинг элчи бўлиб бораётганидан хабар топган ҳазрат ибн Сино Ҳамадонни тарк этиб, қаёққадир бош олиб қочган, уни ҳатто Ҳамадон ҳокими Алоуддавла ҳам топиб беролмаган. Исфаҳонни забт этиб, Ҳамадон яқинида лашкар тортиб турган амир Масъуд эса бу ишда Абулвафога ёрдам қилиш у ёқда турсин, аксинча, қаршилиқ кўрсатган. Хуллас, Ҳамадондан икки қўлни бурнига суқиб қайтган Абулвафо Сарик, амирал мўъмининга кўринишга юраги дов бермай, Тегинбодда туриб қолган!

Ғалати дунё экан бу дунё! Бундан уч-тўрт йил муқаддам Али Ғариб билан бош вазирликни талашган бу тўпори Абулвафо Сарик, мана энди боши деворга бориб «тақ» этиб урилгандан кейин, яна Али Ғарибга мурожаат қилган, бир парчагина мактубда унинг номига минг маротаба ҳамду санолар ўқиб, йўл-йўриқ сўраган эди!

Баттар бўлсин! Агар бу найнов аризнинг ақли бўлса, бундан уч ой муқаддам, амирал мўъминининг шарафли топшириғини олдим, деб ҳовлиқмасдан, йўлга чиқишдан олдин бош вазирга бир оғиз маслаҳат солса бўлмасмиди?

Ушанда, султон инъом этган аргумоқлар, энг довжурак навкарлар, олий ёрлиқлар, хуржун-хуржун олтинлардан маст бўлиб, бош вазирдан бир оғиз йўл-йўриқ сўрамаган бу бефаҳм ариз энди нечун уялмасдан ундан маслаҳат сўрайди? Нос ҳиди уфурган хатини кўз ёши билан ювиб, нечун изҳори ихлос қилади?

Абулвафонинг ўзидан ҳам бесўнақай дастхат билан ёзилган бу мактубнинг биринчи қисмидаги гаплар, шу ўйлар сабаб, вазирни аъзамнинг юрагидаги эски музни эрита олмади. Лекин хатнинг иккинчи қисми!.. Иккинчи қисмидаги гаплар... букри топиб келган бояги гаплардан ҳам ғалатироқ эди!..

Гўёким, Абулвафо Сарик, умидлари чил-чил синиб, узоқ Ҳамадондан Тегинбодга қуруқ қайтиб келган кунлари шаҳар бозорида ўзини ҳазрат ибн Сино деб, фуқарони даволаб юрган бир аллома пайдо бўлган эмиш. Табобат бобида ягона бўлмиш бу ҳакими давронни ўз

кўзлари билан кўрганлар, унинг дори-дармонларидан даво топган бедаво хасталар сон мингта эмиш!

Ариз Абулвафо Сарик бу хабарни эшитиб, ул ҳакими ҳозиққа дарҳол чопар юборган эмиш. Аммо чопардан хабар топган табиб дарҳол бор бисотини йиғиштириб, бир кечада қайгадир гумдон бўлган эмиш!..

Бурни тагидан шундай қуённи қочириб юборган ақли кўтоҳ ариз бу бемаъни хабарни етказар экан, кўз ёши тўкиб, бош вазирдан маслаҳат сўраган, маслаҳат орасида эса... Тегинободдан қочган бу ҳакими даврон мабодо Ғазна томон йўл олганмикин, деган мужмал бир гапни ҳам қистириб кетган эди.

Вазири аъзам бефаҳм аризнинг бемаъни мактубини ўқиб ниҳоясига етмаган ҳам эдики, тўсатдан, унинг миясида нимадир юлдуздай «ярқ» этиб ёнди-ю, ўрнидан туриб кетди.

Бош вазирнинг миясида «ярқ» этиб ёнган бу фикр... хатарли ва ғаройиб эди! Шундай ғаройиб ва шундай хатарли эдики, Али Ғариб, кўшк бўсағасида кутиб турган мушрифлар, музофотлардан келган дивсуворлар¹, изҳори ихлос маъносида ташриф буюрган савдогарлар у ёқда турсин, ҳатто мачит ва мадраса кавакларидан ўрмалаб чиққан шахсий айғоқчиларини ҳам қабул қилмади. Кўшк оғасига шароб келтиришни буюриб, уст-устига бир неча коса май сипқарди.

Йигирма йиллик қўлбола шароб ўз ишини қилди. Зум ўтмай ҳозиргина ғаройиб туюлган ғаройиб фикр жуда табиий, хатарли режа эса жуда дадил ва мардонавор режага айланди. Вазири аъзам, зеби зийнатлардан соқит бўлган хуфния гўшани аста айланиб, кўнглига келган бу фикр ва режаларни обдан пишириш ниятида эди, бироқ шу пайт эшик берухсат очилиб, шахсий қушчиси таъзим қилиб кириб келди.

— Афв этгайсиз, валинеъмат!.. Хешнингиз Абул Ҳасанак жанобларидан элчи келди. Кеча болалаган она кийикни берар эмишсиз!

— Она кийик?

— Ҳа, она кийикни боласи билан бирга сўраб келди!

— Во ажабо, тун ярмида она кийикни не қилади у?

— Билмам, тақсири олам, элчининг айтишича, офтоби олам... овга отланмиш!

¹ Дивсуворлар — чопарлар.

— Офтоби олам овга отланмиш? Бир неча ойдан бери васвас босиб, оёғини базўр судраб юрган давлатпаноҳ овга чиқармиш! Ажаб жумбоқ!

Амирал мўъминини сўнгги йилларда ёмон бир одат чиқарган, вазири аъзам бир четда қолиб, энг махфий юмушларни шу ҳезалак вазири Абул Ҳасанак билан маслаҳатлашадиган бўлган. Афтидан, ов ҳам шундай махфий юмушлардан бири эди. Али Ғариб шуни ўйлаб, тирноқларигача зирқираб кетди-ю, лекин Пири Букрийнинг гапи ёдига тушиб, кўнгли хиёл таскин топди.

Майли, улар овда юрганида Али Ғариб бу ишни ўйлаб олади, обдан ўйлаб, обдан пишитиб олади. Шу қарорга келган бош вазир Пири Букрийни чақиртирди.

Еттинчи боб

1

Кечаси бир гуруҳ навкарлар ногаҳон бостириб киришганда ўзини ҳазрат ибн Сино деб атаган кекса сайёҳ маст уйқуда эди. У дод солишга ҳам улгурмади, навкарлар унинг салласини оғзига тиқиб, қўл-оёқларини боғлашди-да, эгарга ўнгариб, қасир-қусур от суриб жетишди.

Кекса сайёҳ эгарда қимиз солинган мездай чайқалиб бораркан, ич-ичидан куйиниб:

«Бу кунингдан беш баттар бўл, миясиз тентак! — деди ўзи-ўзига. — Қим сенга ўзингни ҳазрат ибн Сино деб, доврўқ сол, деди, нодон? Ажалингдан беш кун бурун ўлишни тилаган бўлсанг тилагингга етдинг, маъна!»

Кўкда, тариқдай сочилган етти қароқчи тагида янги ҳилол янги зарб қилинган олтин динор парчасидай ярқираб турар, у негадир янги туғилган чақалоқни бўслатар, чақалоқдай ожиз, чақалоқдай ногирон эди. Кексагина баҳор гиёҳларининг ўткир ва хушбўй атрини сўзга эсан илиқ шабада бугун ташани жунжиктирувчи саво шамолга айланган, бу шамол остида йўл бўйидаги рахтлар — азим чинорлар, қулоч етмас оқ тераклар, садалар, арғувонлар асов дарёдай шовуллар, гўё кўкка талпинган улкан қора қушлардай талпинар, юлқинлар эди!..

Шаҳар маст уйқуда, кўчалар, расталар, гузарлар сув қуйгандай жимжит, ҳатто қоровулларнинг шаққил

доғи ҳам эшитилмас, гузарлардаги тошфонуслар ҳам ўчган, шаҳар зимистон эди!..

Қўл-оёқлари чандиб боғланган кекса сайёҳ от устида минг азоб билан тебраниб бораркан, негадир Бухоро ҳокими Алитегиннинг мудҳиш зиндонлари кўз олди-га келиб, вужуди қора терга тушди.

«О, нодон шогирд! Тентак шогирд! Агар у ўша кун кечаси Маликул шаробнинг бир пиёла майидан маст бўлиб, ноэҳтиётлик билан валдираб қўймаганида, эҳтимол, бу мудҳиш воқеа рўй бермас эди! Шогирднинг маст-аласт сўзлари сабаб, мана энди унинг ҳамма ўйлари, бир неча ойдан бери тузиб келган барча режалари барбод бўлди! Барбод!»

Ғазнаи мунавваранинг кимсасиз кўчалари, гузар ва расталаридан дукур-дукур от чоптириб ўтган навкарлар шаҳар ўртасидаги қандайдир баланд қўрғон олдида эгардан тушишди. Навкарларни қарши олган кекса дарвозабон қўлидаги тошфонусни кўтариб, эгар устида бир кундадай кўндаланг ётган кекса сайёҳга кўз қирини ташлади-да, қўрғонга киришга ижозат берди.

Қўрғон ичи ҳудудсиз боғ бўлиб, унинг ўртасида икки қаватли мрамор қаср оппоқ оқариб турарди. Қасрнинг даричаларида «милт» этган чироқ кўринмас, ҳаммаёқ зим-зиё, фақат иккинчи ошёнанинг энг чеккасидаги биттаю битта даричаси осмондаги янги ҳилолдай тоғиронгина милтирарди.

Ховлига киргач, навкарлар кекса сайёҳни эгардан тўрага тушириб оёқ-қўлларини ечишди-да, бўшаган белбоғи билан кўзларини маҳкам боғлаб, қаёққадир судраб кетишди.

Кекса сайёҳ худди бошига гурзи тушган одамдай, бохт бўлиб қолди. У на қаёққа кетаётганини ўйлар, қанча юрганини биларди. Бир маҳал шарақ-шуруқ билан қулфлар овозидан ҳушига келди. Димоғига «...» этиб каламуш ҳиди урди. Уни қандайдир зах, қўрқуқ бир ертўлага судраб киришди. Кетма-кет эшик тирақлаб ёпилди-да, яна илинаётган қулфларнинг шаққ-шуруғи эшитилди.

Кекса сайёҳ кўзига боғланган қалин белбоғни юлиб қолди, бироқ каламуш ҳиди уфурган ертўла шундай зим-зиё эдики, ҳеч нарсани кўролмади. У оёқлари қалтираб, турган жойига тиз чўкди-ю, алам ва оғриқдан тиримдалашга тутинди.

Унинг асли исми Абу Ҳалим эди, бироқ ёшлик — бошлик деганларидек, ёшликдаги шўхликлари сабаб, ёр-биродарлари унга Абу Шилқим ибн Шаҳвоний деган лақаб қўйишган эди.

Абу Ҳалим Бухорои шарифда, ўша, ҳазрат ибн Сино истиқомат қилган Жуйи Мўлиён¹ даҳасида, Бухоро ҳокими Нуҳ ибн Мансурнинг суюкли табиби Абу Файсал хонадонида таваллуд топди.

О, бу Абу Али ибн Сино! Ибн Сино!

Абу Шилқим эсини таниб, ёшлик тулпорига мнниб-дики, кўксини тизгинсиз бир ҳасад бамисоли очкўз каламушдай кемиради. Бу ҳасад, бу рақобат қачон бошланди — буни Абу Шилқимнинг ўзи ҳам билмайди. Бошда, ибн Синолар хонадони Бухорои шарифга кўчиб келганида, ҳеч ким уларни назарга илмаган эди. Гарчи, Абу Алининг отаси Абу Абдуллоҳ амир девонида мирзалик қилса ҳам, Жуйи Мўлиён даҳасининг казо-казолари уларни «келгинди», деб калака қилишарди. У маҳалда Абу Шилқимнинг отаси Абу Файсал Бухоро ҳокимининг бош табиби ҳисобланар, даҳада уларнинг қўш ошёнали кўркам кўрғони ва ҳудудсиз боғлари бўлар, бу боғлар Жуйи Мўлиён даҳасининг кўркига кўрк, савлатига савлат қўшиб турарди. Уларнинг боғлари ва муаззам қасрлари олдида Абу Алилар ҳовлиси шоҳона тўн ёнидаги дарвеш жандасидай ғариб кўринарди.

У маҳалда ўн бир-ўн икки ёшлардаги Абу Шилқим араб зодагонлари даҳасидаги мадрасаи калонда таҳсил олар, зарбоф либосларда юрадиган ёш муллавачча «келгинди» ҳамсояларининг «келгинди» ўғлини назарига ҳам илмас эди. Ҳатто бу озғин, қийғир бурун «келгинди» бола тўғрисида, унинг ақл бовар қилмас заковати тўғрисида ҳар хил миш-мишлар тарқалганда ҳам ёш Абу Шилқим пинагини бузмади. У пайтларда Абу Шилқим, бошида ўсмирликнинг хумо қуши, ёшлик гаштини сурар, Жуйи Мўлиён казо-казоларининг эркатой бийваччалари билан улфатчилик қилар, гулгун базми жамшидлардан боши чиқмас, боғларда яшириниб, мрамр ҳовузларда чўмилгувчи яланғоч санамларни пинҳона кузатиш, ёруғ, ойдин кечалари эса, хилват хиёбонларда уларнинг йўлларини тўсишдан қўли тегмас эди. Абу Али эса... Абу Алини у гоҳи-гоҳида бозорларда, ат-

¹ Жуйи Мўлиён — Бухорода ибн Сино яшаган маҳалла.

торчилик ва баққолчилик расталарида, фақир китобфурушларнинг ғариб дўконларида кўриб қоларди. Қаланғи-қасанғи атторлар растасида аллақандай гиёҳларни ҳидлаб, эски китобларни титиб юргувчи бу хаёлпараст ўспирин у пайтларда Абу Шилқимнинг кулгусини қистатарди, вассалом.

У маҳалда Абу Шилқим ва унинг дўстлари сахий Бухоро бозорларига фақат бир мақсадда боришар, у ҳам бўлса, донғи оламга кетган зеби зийнатлар растасига қатнайидиган малакларнинг чеҳраи шамсларини кўриб, орқаларидан гап отиш эди, холос.

Шаҳристон ичида жойлашган бу ҳашаматли дўконларда нодир зеб-зийнатлар, нафис тилла сирға ва билагузуклар, соф қизил олтиндан ясалган нозик балдоқлар, шода-шюда маржонлар, бебаҳо садафлар, кимхоб ёстиқчаларга қадалиб, офтобда ажиб товланиб тургувчи ёқут ва инжулар, лаъл ва дурлар, қўйинги, етти иқлимнинг ҳамма ганжлари топилар эди. Бу зийнатларни кўргани Бухоро зодагонларининг эркатой санамлари келишарди. Нозик оёқчаларидаги нозик кавушчаларидан тортиб, пешоналаридаги тиллақошларигача дур ва инжулар билан безалган бу офатижон санамлар машҳур заргарлик растасига одатда соябон араваларда келишарди. Улар кўк, қизил, пуштиранг парда билан тўсилган аравачаларидан гўё ранг-баранг капалаклардай лип-лип учиб чиқишар ва юзларини ҳарир дурралари билан тўсишиб, дўкон томон шошилишар, гўё нодир зеб-зийнатлардан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмас эди уларни. Лекин Абу Шилқим ва унинг такасалтанг биродарлари бунинг ҳаммаси муғамбирона бир ўйин эканини яхши билишарди. Чунки соябон аравалардан митти қушчалардай «пар-пар» учиб чиққан бу малаклар уларнинг ёнидан чопқиллаб ўтишаркан, бирлари ҳарир дурраларини тўғрилаган бўлиб, чеҳраи моҳларини бир кўрсатиб олишса, бошқа бирлари кўз уриштириб ўтишар, бу кўз уриштириш ва имо-ишоралар гоҳо-гоҳо Жуйи Мўлиён боғларининг энг хилват бурчакларида пинҳона учрашувлар билан тугарди!..

Қунлари мана шундай пинҳоний учрашувлар ва тотли бўсалар билан ўтган Абу Шилқим ва унинг дўстларига «хаёлпараст келгинди»нинг китобфурушлар растасида китоб титиб, ивирсиб юришлари чиндан ҳам кулгили туюлар, гоҳо-гоҳо улар Абу Алининг йўлини тўсиб, гап қотишарди:

— Ҳей, биродар! Бу ипринди ишларингни қўйиб,

биз билан юр! Арк ёнидаги балхлик савдогарнинг кеп-жа хотини алача чопонингга кўзи тушиб, ошиқу беқарор бўлиб қолибди! Истасанг, кечаси гузарга чиқ. Секин олиб бориб қўйнига солиб қўямиз!..

Улар шундай деб, қаҳ-қаҳ отиб кулишар, Абу Али эса, ранги «қув» ўчганича, лом-мим демай ёнларидан ўтиб кетарди.

Бир кун тонг чоғи қайси бир базмдан қайтиб, донг қотиб ухлаётган Абу Шилқимни кимдир тепиб уйғотди. Кўзини очса, тепасида падари бузруквори,— олло унинг тупроғини юмшоқ қилғай!— қаққайиб турибди. Бошидаги ҳакимлар киядиган оқ тақяси бир томонга оғиб кетган, кўзлари чақчайган, кўксига тушган оппоқ соқоли жонли махлуқдай дир-дир титрайди!

— Бефаросат ҳўкиз! Ана, келгинди мирзонинг сен тенги фарзанди давлатпаноҳни даволаб, беҳисоб инъомларга сазовар бўлди. Сен ҳўкиз бўлсанг... ётибсен, ҳаром-хариш ишлардан бошинг чиқмай!

Абу Шилқим кейин билса, эскифурушлар растасида китоб титиб юргувчи бу хаёлпараст муллавачча табобат илмини шундай ўрганибдики, Бухоро ҳокими Нўҳ ибн Мансурнинг оғир дардига даво топиб, унинг катта эҳсонларига сазовор бўлибди!..

Ким билсин, Абу Шилқимнинг юрагини каламушдек кемирган ҳасад ва рақобат туйғуси ўшанда, ғазабдан соқоли дир-дир титраган падари бузрукворининг илк тепкисини еган кечаси туғилгандир? Ҳар қалай, хаёлпараст муллаваччанинг табобат бобидаги шўхрати ортган сайин, падари бузрукворигина эмас, Абу Шилқимнинг ҳам ичи туз ичгандай ачишадиган бўлди.

Сал ўтмай, кекса Нўҳ ибн Мансур оламдан ўтди, унинг калтабин зурриётлари бир-бирлари билан тожу тахт талашиб, кўҳна сомонийлар давлатини батамом барбод қилишди. Фақат Бухоро ва Самарқанд эмас, бутун Мовароуннаҳр саҳронишин қорахонийлар ҳукмига бош эгди. Кечагина саҳройиларни мазах қилиб, устларидан кулиб юрган Бухоро зодагонлари энди сервиқор туркий беклар билан қиз бериб, қиз олишишни ўзлари учун улў бахт ва катта шараф, деб биладиган бўлишди.

Кунлардан бир кунни падари бузруквори Абу Файсал Абу Шилқимни отга миндириб, саҳрога олиб чиқиб кетди. Улар Ҳурмитон¹ боғларидан ўтиб, Афшона то-

¹ Ҳурмитон — ҳозирги Ромитон.

монга равона бўлишди. Илк баҳор эди. Афшона ортидаги бепоён дашт уюр-уюр йилқига, сурув-сурув қўй-қўзиларга тўлиб кетган, ҳаммаёқда оқ, қизил, жигарранг ўтовлар дўппайиб турар, уларнинг атрофида от ўйнатган бўз болалар, бошларига укки патлари қадалган қизил қалпоқча кийиб, сочларига кумуш зийнатлар тақиб олган қиз-келинчаклар чопқиллаб юришарди.

Абу Файсал энг баланд қирдаги энг кўркам оқ ўтов олдида отдан тушди. Ота-болани бошига оқ қалпоқ, эгнига узун оқ чакмон кийиб, белини кумуш камар билан боғлаб олган, узун бўйли, кекса бек кутиб олди. У, Абу Файсални оқ ўтовга бошлади, Абу Шилқим эса ўтов ёнида хизмат қилиб юрган қиз-келинчакларни томоша қилиб, ташқарида қолди.

Қиз-келинчакларнинг аксари қизил гулдор кўйлак кийган, оёқларида қизил, кўк, сариқ сахтиён этикча, бошларида эса ўша, учига укки пати қадалган қизил чамбарак қалпоқчаларни қўндириб олишган. Уларнинг юм-юмалоқ, кулча юзлари очиқ, қуралай кўзлари шўх чақнаб турар, юрганда сочларидаги кумуш зийнатлари ажиб овоз чиқариб жаранглар, бунга мулойим кулгулари қўшилиб, Абу Шилқимнинг юрагига жаз-жаз тегарди.

Уша кун кечқурун Бухорога қайтиб кетаётганларида отаси унга бир гап айтди. Гўё бу туркий бекнинг давлати Бухоро ҳокимининг давлатидан кам эмас эмиш... Бекнинг ўн олти яшар бир қизи бўлиб, у бетоб эмиш. Бироқ, иншоолло, тузалиб кетар, деди отаси. Отасининг бу гапларини эшитаркан, Абу Шилқимнинг кўз олдига ҳозиргина кўрган қиз-келинчаклар, кулча юзларини яширмай, мулойим кулиб турган шўх саҳронишин малаклар келиб, юраги баттар жазиллаб кетди...

Бир неча ҳафта ўтди. Бир кун кечаси, Абу Шилқим ўз боғларида ёр-дўстлари билан чақчақлашиб ўтирган эди, кўчадан отаси кириб келди. Унинг вазоҳатидан одам қўрққулик, ранги девордай оқарган, оппоқ қошлари тагидаги кўкимтир кўзлари қон талашган. У сармаст одамдай чайқала-чайқала шийпонга чиқди-да, дўстлар даврасида май ичиб ўтирган эрка зурриётининг орқасига бир тепди. Тепкига бир-икки мушт ҳам қўшмоқчи эди, бироқ, осмонга кўтарган серҳашам асоси тўсатдан қўлидан тушиб кетди-ю, бир қоп гўштдай лорсиллаган одам, бор вужуди билан ерга гурсиллаб йиқилди...

Абу Шилқим кейин билса, отасининг йўлини тағин ўша келгинди ёш табиб кесиб ўтган экан. У бек қизининг давосиз дардига даво топиб, катта инъомлар олган, бек қизи эса ёш табибга ошиқу беқарор бўлиб қолган экан. Рост, бек бу ишдан хабар топиб, машъум ишга тўғаноқ солибди, қизини олиб, бир кечада Афшонадан кўчиб кетибди...

Ким билсин, Абу Шилқимнинг юрагини оч каламушдай кемирган рақобат туйғуси ўшанда уйғонгандир!

Ёш табибнинг шон-шуҳратига дош беролмай, ҳасад ўтида куйиб кетган падари бузруквори эрка зурриётига икки тепки инъом этиб, ўша ернинг ўзида жон таслим қилди. Шундан кейин нима бўлди — бунини Абу Шилқимнинг ўзи ҳам билмайди. Чунки, «Сулаймон ўлди, девлар қутулди» қабилида иш тутиб, падарининг жисмини тупроққа бериб келган куниёқ кўзини чирт юмиб айшга шўнғиган Абу Шилқим отаси йиққан давлатни батамом созуриб битиргандагина кўзини бир очди. Сўнгги сомонийлар ҳукмдорининг бош табиби Абу Файсал жанобларининг дунёси эса беҳисоб эди. Олдин чуқур ертўлалардаги пўлат сандиқлар очилди, улардаги ганжлар, нодир олтин буюмлар кетди, кейин зеби зийнатлар, ноёб уй жиҳозлари, ипак гиламлар, биллур идишлар, тилла ва кумуш қандиллар, шамдонлар, отаравалар бозорга чиқди, кейин икки ошёнали нилий қаср, қасрдан кейин хиёбонларига кумуш фавворалар ўрнатилган беҳудуд боғ, боғдан кейин қаср олдидаги отхоналар, отхоналардан кейин молхоналар!.. Қўлдан кетган бу беҳисоб бойлик билан бирга Абу Шилқим ҳам юқоридан пастга қараб юмалаб тушаверди: икки ошёнали нилий қасрдан хизматкорлар уйига кўчиб ўтди, ундан боғдаги шийпонга, шийпондан отхонага, отхонадан молхонага.. Ахийри бир кун кўзини очиб қараса... боғ этагидagi хароба бир кулбада ётибди? На ичишга май қолган, на ейишга бир бурда нон! Эғнида гадолар ҳам жирканадиган эски чопон, тагида увада наमत, қолган битта-яримта сандиқ ва қутичаларда ҳеч вақо йўқ, могорлаб кетган қандайдир гиёҳлар, майда-чуйда шишачаларга солинган аллақандай сассиқ суюқликлар! Ёнида на онаизори бор, на ҳамтовоқ ёр-биродарлари ва на ака-укалари. Бари уни тарк этган, тўғрироғи, Абу Шилқим ўзи ҳаммасини кафангадо қилиб тариқдай сочиб юборган эди!

Не чора? Бошга тушганини кўз кўрар экан. Тирикчилик — тирриқчилик экан! Абу Шилқим йиғлаб-сиқтаб,

ёр-биродарларидан эгнига битта тўн, бошига битта дастор, тагига қирчанғи бир эшак сўраб олди, отасидан қолган-қутган гиёҳларни, суюқликлар солниган шишачаларни хуржунга жойлаб, табиб Абу Ҳалим ибн Файсал номи билан саҳронишинлар овулларини кезиб кетди... Шу-шу, бирда оч бўлса, бирда тўқ, бирда шоҳу бирда гадо, йиллар ўтди. Юзига ажин, соч-соқолига оқ оралади. У тақдирга тан бериб, бориға шукур қиладиган бўлди. Фақат бир нарса баъзи-баъзида тинчини бузиб, юрагини туз сепгандай ачитар, у ҳам бўлса, яна ўша эски рақибни Абу Али эди!

Абу Шилқим гоҳо-гоҳо бирор сабаб билан донгдор ҳакимлар ёхуд хорижий сайёҳлар мажлисига кириб қолгудек бўлса, аксар ҳолларда яна ўша, бир маҳаллар китобдорлар ва гиёҳвандлар дўконларида ивирсиб юргувчи ёш табибнинг номи тилга олинар, чексиз ҳурмат ва ифтихор билан тилга олинарди! Эмиш, гўё бу хаёлпараст табиб тиббиёт бобида тенгсиз аллома бўлган эмиш, ажалдан бошқа неки касал бўлса, ҳаммасига даво топар эмиш! Гўё «ал-Қонун» деган бир китоб битган эмишким, бу китобни олтинга ҳам топиб бўлмас эмиш!..

О, бу ибн Сино! Ёшлик чоғларидаёқ юрагида ҳасад ўтини ёқиб, ҳаловатини бузган, тинч, беғубор ҳаётини рақобат оғуси билан заҳарлаган ибн Сино!

...Абу Шилқим ибн Шаҳвоний пешонасини деворга гурс-гурс уриб, яна ер тирнашга киришди. Шу пайт тўсатдан Ғазнага келиб, бу зиндонга тушишга сабаб бўлган ғаройиб бир воқеа эсига тушди, тушди-ю, ўзи ҳам сезмаган ҳолда яна хаёл дарёсига шўнгиди.

...Бу ғаройиб воқеанинг содир бўлганига мана, ўн йилдан ошди. Худди ҳозиргидай илк баҳор эди. Абу Шилқим, тагида хачир, эгнида кўк мовут тўн, бошида янги симобий салла — бу маҳалда у Бухоро теварагидаги қишлоқларда анча-мунча ихлосмандлар орттириб, қорни тўйган, қирчанғи эшагини хачирга, эски чопонини кўк мовут тўнга алмаштирган эди! Ҳурмитон бозори қайдасен, деб йўлда йўртиб борарди.

Ҳурмитон — Бухоро асилзодалари, аркони давлат ва аркони ҳарб, вазиру вузаро, аъёну боёнларининг ёзги қароргоҳи. Айниқса, қафасдай тор шаҳар ҳовлиларига ўрганолмаган туркий беклар Ҳурмитон теварагидаги бепоён даштларни хуш кўришар, кўклам чиқиши билан мол-мулкларини туяларга ортиб, турнақатор бўлиб қир ва адирларга кўчиб чиқишар эди. Бу пайт Ҳурмитон бозорлари ҳам гуллаб кетар, Хуросону Шош,

Толос ва Олой томонлардан бой карвонлар азим дарёдай оқиб келарди!

Уша куни, туркий беклар овулида табиблик қилиб, хуржунининг икки кўзини инъомларга тўлдириб олган Абу Шилқим хушнуд кайфиятда Ҳурмитон анҳори бўйидаги бир карвонсаройга келиб тушди. Анҳор соҳили гавжум, ошхоналарда кабобпазлар кабоб пиширар, сомсапазлар сомса, новвойлар нон ёпишар, қовурилган пиёз ва гўшт, иссиқ нон ва қалампир ҳиди димоққа гуп-гуп урарди. Анҳор бўйидаги гилам тўшалган сўриларда зарбоф ва кимхоб тўнли асилзодалар, калонди-моғ тижорат аҳли ёнбошлаб ётар, йўқсиллар, дарвешлар, жулдур чопон гадолар эса қуйироқдаги кўм-кўк ўтлоқларда тўп-тўп бўлиб ўтиришар, ҳар ким топганини ўртага тўккан эди... Абу Шилқим хачирини бир четга тушовлаб, зодагонлардан настроқ, гадолардан юқорироқ бир сўридан жой олди-да, бир коса қимиз билан икки сих кабоб сўради.

У сопол косадаги қимизни бир кўтаришда бўшатиб, кабобга киришаркан, қуйироқда ўтирган, чап кўзи кўр бир дарвеш ёлғиз кўзини унга ўқдек қадаб, тикилиб-тикилиб қараётганини пайқаб қолди. У нечундир юраги «шув» этиб, кўзини кўр дарвешдан олиб қочди. Бироқ кўр дарвеш дарҳол ўридан турди-да, рўпарасига келиб, таъзим бажо келтирди:

— Ассалому алайкум, ҳакими даврон... Абу Али ибн Сино ҳазратлари!

Абу Шилқим оғзи очилганича дарвешнинг чўғдай ёнган ёлғиз кўзига ҳайрат билан тикилди.

— Ҳакими даврон... Ибн Сино? Сен фақирни бошқа бировга ўхшатдинг, дарвеш!

— Муборак номингизни яширмоқдан не фойда, тақсирим?— деди кўр дарвеш, негадир овозини пасайтириб.— Бундан бир йил муқаддам камина сизни Исфаҳонда, амир Алоуддавла даврасида кўрганмен. Исфаҳон аҳли сизга сажда қилиб, табаррук жуббангиз этакларини ўпганини ўз кўзим билан кўрганмен!.. Нечун ўз элдошларингизни бу саодатдан бенасиб қиласиз, тақсирим?

«Елирай! Бу телба дарвеш не дейди? Муроди не бунинг?»

— Ҳозир аҳли мўминни огоҳ қиламен, токи аҳли имон яхши дору дармонларингиздан баҳра олсин, хасталар даво топсин!

Юраги орқасига тортиб кетган Абу Шилқим, «ҳой-

ҳой», дегунча бўлмади. Кўр дарвеш кафтларини оғзига карнай қилиб:

— Ҳой аҳли имон, яхшилар!— деб хитоб қилди.— Эшитмадим деманглар, гафлат уйқусида қолманглар! Алломалар мукаммали ва ҳақимлар афзали ҳазрат ибн Сино таваллуд топган ўз юртига қадам ранжида қилмиш! Кимки бу ҳақими ҳозиқнинг юксак камоли ва нурли жамолидан баҳра олиб, давосиз дардига даво томоқ истаса — марҳамат қилсин!

Анҳор соҳилини тўлдирган «аҳли имон» бирдан «гурр» этиб кўтарилди-ю, Абу Шилқим билан кўр дарвеш томон ёпирилди. Рост, чинор соясида сўриларда ёнбошлаб ётган сервиқор асилзодалар орасида масҳараомуз кулиб қўйганлар ҳам бўлди, бироқ уларнинг кулгуси бирдан «гурр» этиб кўтарилган оломоннинг шов-шуви остида кўмилиб кетди. Ногаҳон ёпирилиб келган «аҳли имон» бир-бирининг гапига қулоқ солмас, ҳамма тўсатдан «ҳазрат ибн Сино»га айланган Абу Шилқимни кўришга интилар, биров жулдур киймини шартта ечиб, ириган-чириган оёғини намойиш этар, биров ярасини, биров чақасини дегандек, биров ногирон боласини кўрсатар, биров онасини! Хуллас калом, бир зумда бўлди тўполон, бўлди тўполон!

Кўр дарвеш зудлик билан чопиб бориб, хачир устидаги хуржунни судраб келди. Шундан кейин Абу Шилқим ҳам лом-мим демай хасталарни «даволаш»га, яъники, хуржундаги гиёҳларни улашишга тутинди. У оғзига келган гапни айтиб гиёҳ улашар, кўр дарвеш эса, ёмғирдай ёға бошлаган оқчани йиғар эди! Хуржуннинг икки кўзини тўлдирган гиёҳлар — туятовон, отқулоқ, ёввойи йўнғичқа, чўгиртиконлар талқони, райҳон ва кийвк ўти, бодом ва тоғ ялпизи, турфа гуллар аралашмаси, янтоқ ва шувоқ илдизлари, наша, кўкнори пояларининг қайнатмалари ва уларнинг уруғлари, қўйингки, Абу Шилқим кекса табиблардан ниманики эшитиб, тоғу тошлардан ниманики йиғиб олган бўлса, ҳаммаси кўз очиб-юмгунча кумуш ва ҳатто олтин тангаларга айланди... Шундан кейин кўр дарвеш «ҳақими даврон» чарчаганини рўқач қилиб, кимки чораси топилмас дард ва қутулиб бўлмас ажал балосидан қутулмоқни истаса, эртага Ҳурмитон бозорига марҳамат қилишларини тайинлади-да, йиғилган «аҳли имон»ни тарқатди... Лекин эртасига улар Ҳурмитон бозори эмас, сайқали рўйи замин Самарқанд қайдасен деб, Самарқанд томон равона бўлишди.

Шу-шу, фалакнинг гардиши билан ҳазрат «ибн Сино»га айланган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний фириб бобида устаси фаранг кўр дарвеш билан бирга бутун Мовароуннаҳрни кезиб чиқди. Улар Самарқанд ва Шош, Утзор ва Ясси, Гурганж ва Сигноқ — қўйинг-чи, борманган шаҳри, кўрмаган юрти қолмади. Аста-секин оддий чопонлар кимхоб ва банорас тўнларга, отлар соябон араваларга алмаштирилди, майда чақа ва кумуш тангалар олтин динорларга айланди. Кўр дарвеш камлик қилиб, қўл-оёқлари чаққон, дасти беминнат ёш ғуломлар хизматга олинди. Улар энди йўлга чиқса энг бадавлат тижорат аҳли билан, катта карвонлар билан бирга чиқишар, шаҳарларга борганда энг бой карвонсаройларни танлашар, энг кўркем, энг зийнатли хоналарга тушишарди. Эртасига, эгнига ғаройиб жанда, бошига ғаройиб телпак кийиб, кашкулига исприқ солиб олган кўр дарвеш, икки ёнида икки ғулом, бозорга чиқарди:

Ҳой, аҳли мўмин, яхшилар,
Эшитмадик деманглар!
Луқмон ҳаким дуогўй,
Пирларидан бообрўй,
Ибн Сино номи бор,
Етти иқлим донғи бор!
Дард йўқдир ул билмаган,
Чорасини қилмаган!
Бағони даф этади,
Қазони даф қилади.
Аҳли имон, яхшилар,
Эшитмадик деманглар!..

Бу орада кўр дарвешдан сабоқ олган ёш ғуломлар ўзларини оломон орасига уришар, бир тўпдан иккинчи тўпга ўтиб, ҳазрат ибн Сино тўғрисида ҳар хил ҳикоят ва ривоятлар айтишарди:

— Худованди карим бу зоти муборакка шундай салоҳият ато қилганким, тиббиёт бобида билмаган илми йўқдир. Биргина томир уриш ҳолатига қараб, саккиз юз саксон саккиз дардни топади. Яқинда ҳазрат ибн Сино ҳузурига Нишопурдан бир навжувон йигитни олиб келдилар. Олиб келгунча эса, етти иқлим ҳакимларига кўрсатганлар, аммо ҳеч бир табиб, на Чин, на Хинд ва на Рум ҳакимлари шўрликнинг жонига оро кирганлар, дардига даво топганлар!

Шунда ҳазратим бу фоний дунёдан ул боқий оламга рихлат қилишга чоғланган бу мажруҳнинг томирини

ушлаб, туғилган шаҳрини сўрадилар. Айтдилар. Сўнгра ҳазратим йигит таваллуд топган шаҳарнинг барча даҳаларини номма-ном санаб чиқишларини сўрадилар. Санаб чиқдилар. Сўнгра ҳакими даврон номи зикр қилинган даҳадаги ҳар бир кўчани бир-бир айтиб ўтишларини сўрадилар. Айтдилар. Шунда ҳакими ҳозиқ бу кўчада истиқомат қилғувчи барча хонадонларни номма-ном атаб чиқишларини сўрадилар. Атаб чиқдилар. Шунда тақсирни олам бу хонадоннинг ҳамма аъзоларини бир-бир санаб ўтишларини сўрадилар. Санаб ўтдилар. Бас! Санаш чоғида бир соҳибжамол исми тилга олинган эди, шўрлик йигитнинг юзига қизиллик югуриб, юмуқ кўзлари «ярқ» этиб очилиб кетди. Шунда хастанинг томир уришига қулоқ солиб ўлтирган ҳакими даврон унинг қўлини қўйиб юбориб кулдиларким:

— Йигитнинг дарди ошиқликдур! Дарҳол туғилган шаҳрингизга қайтинг! Хаста фарзандингизга ўшал соҳибжамолни олиб бериб, тўй-томоша билан уларни қовуштиринг, илло, йигит дардининг давоси висолдур!

Иккинчи ғулом сершовқин бозорнинг бошқа бир жойида атрофига бир гуруҳ бекорчиларни йиғиб, олло онасининг қорнидаёқ тенгсиз салоҳият ва чексиз заковат ато қилган алломаи замоннинг закийлиги тўғрисида ваъз айтарди:

Шундайким, ҳазрат ибн Сино ҳали тили чиқмаган чоғида уларнинг хонадонида бир ёш чўри хизмат қилган. Чўри гўдакни, гўдак уни яхши кўрган. Бир кун чўри уй бекасининг ёқут кўзли нодир узугини олиб, гўдакка кўз-кўз қилиб ўйнаб ўтирган экан, узук бир қоп тариқ ичига тушиб кетган, чўри эса, буни билмай қолган. Чунки шу пайт уни уй бекаси чақириб қолган.

Бир маҳал уй бекаси чўрисидан узугини сўрайдурким, узук йўқ. У узукни қайга қўйганини билмайди. Бас, чўрини ўғрилиқда айблаб, уйдан ҳайдаб юборадилар. Чўри йиғлай-йиғлай хонадондан чиқиб кетади. Буни кўрган гўдак ҳам чирқираб йиғлайди. У икки кун тинимсиз йиғлайди, нечундир бир қоп тариққа талпиниб йиғлайди. Буни кўрган гўдакнинг отаси бу қопда бир сир-асрор бўлса керак деб, қопдаги тариқни ерга тўкиб, уни титиб кўради. Қарайдики, тилла узук тариқ ичида! Ота-она гўдакнинг закийлигига лол қолиб, чўрини топиб келадилар ва ундан афв сўрайдилар!

Шаҳар бозорларининг энг гавжум жойларида, рас-

та ва гузарларда кўр дарвеш бошлиқ ғуломлар ҳазрат ибн Сино тўғрисидаги бундай ривоятларни тўқишда давом этар, Абу Шилқим эса, эғнида қимматбаҳо мовут тўн, бошида ҳақимлар киядиган кўк мовут қалпоқ, қўлида олтин баробарига сотиб олинган «ал-Қонун», серҳашам хонанинг тўрида савлат тўкиб ўтирар ва эшикда турнақатор тизилган хасталарни битта-битта қабул қиларди. У, кўзлари юмуқ, хушсурат, чўзинчоқ юзида виқорли табассум гоҳ хасталарнинг томир уришларига, гоҳ қорин ва кўкрак қафасларига қулоқ тутар, сўнг, гиёҳ тўла сандиқ олдида қўл қовуштириб ўтирган зийрак ғуломга мурожаат қиларди. Форсий кирса гиёҳлар номини туркий, туркий кирса форсча айтар, бу нарса нечундир хасталарни лол қолдирар, уларнинг қалбиди «ҳақими даврон»га нисбатан чексиз меҳр ва ихлос уйғотарди. Энг қизиғи, Абу Шилқим буюрган дорулар аксар ҳолларда бўлмаса ҳам, бот-бот хасталарга шифо келтирар, шунда басавлат ва бадавлат аъёнлар таъзимга келар, таъзим билан бирга лутфи эҳсон деганингиз ёмғирдай ёғилиб келаверарди. Бироқ, э воҳ! Пўлат сандиқларни тўлдириб юборган бу олтинлар охир-пировардида фақат яхшилик эмас, балои нафс аталмиш дарди бедавони ҳам етаклаб келди-ю, бир кун Абу Шилқим билан кўр дарвеш орасида ёмон ўт чиқди!

— Тўғри, тушган оқчаларда сенинг ҳам улушинг бор, шайтони басир!— деди Абу Шилқим.— Улушингни олиб турибсен, шукур қил! Бу эҳсонлар сенга келдими ё ҳақими даврон... яъники, каминагами?

Кўр дарвеш, ёлғиз кўзи совуқ чақнаб, заҳарханда қилди:

— Ҳақими даврон эмиш! Ҳали сен чин ибн Сино эканингга инониб ҳам қолгандурсен? Ёмон эшак ўз эгасини устига миндирмайди. Сени «ҳақими даврон» қилган ким экани ёдингдан чиқибди, хўкиз!

Лекин хўкиздан «ҳақими даврон» яратган кўр дарвеш нечоғлиқ янглишганини билмас, Ҳурмитон бозоридан топган бу «хўкиз» аллақачон қашқирга айланганидан беҳабар эди. Бу қашқир ўзи ёллаган катта карвон билан овлоқ Гурганждан Бухорога қайтаркан, бир кун кечаси жонига теккан «шайтони басир»ни содиқ ғуломларига ушлатиб, қўл-оёғини боғлатди-да, ҳадсиз қумликлар орасига ташлаб кетди. Қашқир қашқирлигини қилди. Унинг кўнглини на кўр дарвешнинг аччиқ фарёди эрита олди, на ёлғиз кўзидан тирқираб оққан обидийдаси!

Ким билсин, эҳтимол, Абу Шилқим ибн Шаҳвоний бу аёвсиз ишни қилмаганида бугун бошига бу савдолар тушмас эди. Зотан, кимсан ибн Сино номи билан шунча бойлик орттирганидан кейин бу қалтис ишни қўйиб, тинчгина кун кечирса бўлмасмиди? Шундай қилганида ҳозир, эҳтимол, бу совуқ қабрда ер тишлаб ётмас эди!

Ҳа, Абу Шилқим ўшанда она юрти Бухорога беҳисоб давлат билан қайтди. Ота мулкни совуриб, гадо кийимида чиқиб кетган Абу Шилқим ўн-ўн беш йилдан кейин бир карвон мол-дунё, ўнлаб ғуломлар, бир нечта гўзал канизлар ва хуржун-хуржун ганж билан қайтди. У нафақат Жуйи Мўлиён даҳасидаги боғу роғларини қайтариб олди, балки сарой табиблари даврасига киришга ҳам муяссар бўлди. Рост, Бухорои шарифда чин ибн Синони кўрганлар ва билганлар бўлгани учун ўзини ҳазрат ибн Сино деб аташга журъат этмади. Лекин бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Бусиз ҳам сал ўтмасданоқ Бухоро ҳокими амир Алитегиннинг энг яқин ҳабиби ва табибига айланди. Падари бузруквори Абу Файсал сўнгги сомонийлар даврида қандай иззат-эътиборга эга бўлган бўлса, Абу Шилқим ҳам сомонийлар давлатини зер-забун қилган илкхонлар саройида шундай иззат-икромга эришди. Аммо... бахтга қарши, бундан уч-тўрт йил муқаддам мана шу мустабид султон Маҳмуд Ғазнавий ўн минг жанговар фил ва ҳисобсиз лашкар билан Бухоро сарҳадига бостириб кирди-ю, Абу Шилқимнинг инонган тоғи амир Алитегин Бухорони ташлаб қочди. Ун минг туялик мол-дунёси, сандиқ-сандиқ олтину кумушлари, машҳур ҳарамни, ҳарамдаги кенжа хотини билан суюкли қизини ташлаб қочди. Алитегиннинг бу беҳисоб кўчи орасида Абу Шилқимнинг ҳам ўттиз-қирқ туялик мол-мулки, бир неча сандиқ ганжи ва бир неча гўзал канизлари қолиб кетди.

Майли, бош омон бўлса телпак топилар, деган гаплар рост экан. Абу Шилқим сал ўтмай султон Маҳмуд суворилари қўлида кетган қирқ туя дунёсини қайта тиклаб олди. Алитегин ҳам ўн минг туя дунёсини юз минг туя қилиб қайтариб олди. Султондан эмас, йўқ, жафокаш фуқародан қайтариб олди. Аммо султоннинг қўлида кетган ҳарамини, тўғрироғни, ҳарамдаги суюкли кенжа хотини билан суюкли қизини қайтариб ололмади.

Алитегин неча марта Ғазнага элчи юборди, хотини билан қизи ўрнига улардан минг чандон сулувроқ канизлар ваъда қилди, лекин султон Маҳмуд нечундир бу икки асирани қайтаришни истамади.

Ҳар сафар Ғазнага юборилган элчилар қуруқ қайтиб келганда амир Алитегин қафасга тушган йўлбарсдай ўкириб, султон Маҳмудга қарши лашкар тортишга чоғланарди. Бироқ ғазабидан тушиб, сал ҳушига келгач, баробар қадам ташлаганда Бухоро тупроғини ларзон-ларзон қилган ўн минг жанговар фил кўз олдига келар, хартумларни баробар кўтариб, баробар ўкирган-да осмони фалакни зир титратган наъралари қулоқлари остида қайта янграгандай бўларди-ю, дами ичига тушиб кетарди...

Бундан беш-олти ой муқаддам кутилмаган бир воқеа содир бўлди-ю, Абу Шилқимга бир умр тинчлик бермаган ҳазрат ибн Сино яна унинг ҳаловатини бузди.

Вақт тун ярмидан ошган эди. Кечаси билан айш қилиб чарчаган Абу Шилқим маст уйқуда эди. Баногоҳ саройдан чопар келиб уни уйғотди.

Абу Шилқим саройга етиб борганида амир Алитегиннинг машваратхонасига Бухорои шарифдаги барча уламои забардастлар, машҳур алломалар, сарой табиблари ва шоирлари йиғилган эди. Амирнинг ўзи, одатдагидай, қовоғи солиқ, бир маҳаллар Нуҳ ибн Мансур ўтирган олтин тахтда бир тутам сийрак соқолини силаб, хаёлга чўмиб ўтирар, унинг ўнг томонидаги курсини нотаниш, қийғир бурун бир кимса эгаллаган эди. Маълум бўлишича, сурмаранг салласига элчилик нишони қадалган бу кимса амирал муслимин султон Маҳмуд Ғазнавийнинг махсус ва мухтор элчиси бўлиб, ҳазрат ибн Синони қидириб юрган экан. Элчининг қўлида шоҳкосанинг юзидеккина юмалоқ сурат бўлиб, бу ибн Сино ҳазратларининг суратлари эди. Амир Алитегин, элчининг қўлидан бу суратни олиб, машварат аҳлига намоён қилар экан, пучуқ бурнини жийириб кулди:

— Эҳтимолким, ораларингда яшириниб юргандур бу ҳакими даврон? Ана, Абу Ҳалим ибн Файсалга қаранглар! Суратдаги ҳазрат ибн Синонинг баайни ўзи? Во ажабо! Нечун яшириниб юрибсиз, тақсири олам? Яширинманг! Токи, амирал мўъминин ибн Сино ҳазратларига бўйи баробар олтин инъом этмоқ азмида эмиш!

Амир Алитегин шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Лекин Абу Шилқимга ялт этиб қараган машварат аҳли орасида: «Е тавба, худди ўзи-я! Худди...»— деб шивир-шивир қилганлар ҳам бўлди... Султоннинг элчиси ҳам мушукнинг кўзларидай сарғиш кўзларини чақчайтириб, Абу Шилқимга қадалиб қолган эди. Бироқ Абу Шилқимни ҳар кунининг минг маротаба кўриб, у билан минг

Моротаба сўзлашиб юрган одамларнинг уни ҳазрат ибн Сино деб тан олишлари жезни олтин дейиш билан барбар эди!

Дарҳақиқат, машварат аҳлининг «Ё тавба! Худди ўзи-я! Худди!» деган шивир-шивирлари аввал кулгуга, кулгу пичинг ва кесатиқларга айланди-ю, Абу Шилқимнинг усиз ҳам ҳасад ва рақобат ўтида куйган юраги баттар куйди. У шундай ёниб кетдики, эртасига бор мулкани, канизлари ва ғуломларини Бухоро бозорига чиқариб пуллади, уй-жойини ишончли одамлар қўлига топширди, сўнг сарой мусаввирига элчи суратидан бир нусха кўчиртириб хуржунига жойлади-да, Балх томон отланган катта карвон билан бирга субҳи содиқ Бухоро дарвозасидан чиқди. Икки ҳафтадан кейин, кўр дарвеш билан бирга қилган ишнини Балхда такрорлади. Жарчи ёллаб жар солдирди. Бухоролик ёш шогирди эса ҳазрат ибн Сино тўғрисидаги ҳикоялардан сўзлади. Сино Абу Шилқим ибн Шаҳвоний кутгандан минг чандон яхши ўтди. Хаста борки, унга асалга ёпишган пашшайдай ёпишди. Пул деганингиз ёмғирдай ёғилди. Шундан кейин улар Тегинободга, Тегинободдан Ғазнага йўл олишди...

Хўп, у ёғи-ку шундай бўлди, энди бу ёғи не бўлади? Тақдир не кечади? О, қариб қуюлмаган подон! Бир оёғинг ерда бўлса, бир оёғинг гўрда турганида ҳазрат ибн Сино бўлишни орзу қилган миясиз эшшак!

Йўқ, нафсиламрини айтганда Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳазрат ибн Сино бўлиш учун қилмади бу ишнини. У фақат... омади келиб, султоннинг қалбига йўл топа олса, амир Алитегиннинг кенжа хотини билан суюкли қизини қутқазиб олиш ниятида жазм қилган эди бу юмушга! Уларни қутқазиб, Алитегинга инъом қилиш ва бу билан Бухоро ҳокимининг чексиз муҳаббатига эришиш ниятида бел боғлаган эди бу ишга! Мана, ниятига ҳам етди! Етди-ю, йиқилди! Энди бу совуқ гўрдан чиқиши амримаҳол унинг! Улиги чиқади бу гўрдан! Йўқ, ўлиги ҳам чиқолмайди, каламушларга ем бўлади ўлиги, ем!..

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний яна пешонасини ерга гурс-гурс уриб, ер тирнашга киришди.

Саккизинчи боб

Беруний гўё ёмон туш кўриб, босинқираган одамдай, юраги гурс-гурс уриб уйғониб кетди. У анчагача қаерга келиб қолганини англай олмай ётди, сўнг кўзи

шифтдаги дўппидеккина туйнукка, ғадур-будур девор тоқчасида милтираб турган мойчироққа тушиди, тушиди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

Субҳонлло! У таниш ҳибсхонада, буидан ўн уч йил муқаддам Ғазнага келган, тўғрироғи, мажбуран олиб келинган йили тушган зиндонда ётарди! Фақат унда бир ўзи эмас, ёнида кекса устод Абдусамад Аввал¹ ҳам бор эди.

Кеча Осмон маликаси қасрида бўлган машваратдан кейин Берунийнинг ҳарорати ошиб, аҳволи шундай оғирлашдики, бу совуқ тош қафасга қандай келганини бир эсласа, бир эслай олмайди.

У ҳамон ўз кўзларига ишонмас, назарида, ҳамон туш кўраётгандай эди. Йўқ, бу туш эмас, у чиндан ҳам ўн уч йил муқаддам тушган зиндонда ётарди. Ўн уч йил ичида зиндонда ҳеч нарса, ҳатто ерга тўшалган эски бўйралар ҳам ўзгармабди! Фақат устод Абдусамад Аввал йўқ, устод ётган жойда ҳозир қора қурум босган катта чўян қумғон турарди, холос.

Устод Абдусамад Аввал!..

Беруний аъзойи бадани зирқираб, аста кўзини юмди, юмган заҳоти нигоҳи олдига Кўшки давлат майдонига йиғилган беҳисоб оломон келди... Оломоннинг қоқ ўртасидаги очиқ жойга баланд сўри қурилиб, унга тўртта дор тикилган, дорлар тагида соқоллари кўксига тушган тўртта мўйсафид турар, улар орасида... устод Абдусамад Аввал ҳам бор эди.

Кўлларида оғир кишан, эгнида кафан янглиғ узун бўз яктак, яланг бош, яланг оёқ, осмонга тикилган кўзларида қўрқув эмас, йўқ, чексиз бир қаҳр, соқол босган шиддатли юзида мағрур сокинлик!

Ёнида бор, бу мудҳиш воқеадан бир ҳафта олдин уларни, яъни Гурганждан ҳайдаб келинган бир гуруҳ алломаларни Кўшки давлат саройига таклиф қилишган эди. Худди кечагидай ноёб зеби зийнатлар, ипак гиламлар, биллур қандиллар, фаройиб олтин маъбудалар билан безатилган машваратхонада уларни султон ўзи қабул қилган эди.

У маҳалда султон ҳали йигитдай навқирон эди, эгнида зарбоф тўн, бошида инжулар қадалган тож, сербар тилла камарида тилла шамшир, оёғида кумуш нағал қоқилган ғарч-ғурч этик, султон Маҳмуд ўшанда Хоразмдан келтирилган алломаларга, айниқса Абу Рай-

¹ Машҳур олим, Берунийнинг устозларидан бири.

ҳон билан устод Абдусамад Аввалга катта иззат-эҳтиром кўрсатган, уларни улуғлаб, олтин косаларда шароб сипқарган, зиёфатдан кейин эса, эгниларига кимхоб тўнлар ёпган, қимматбаҳо совға-саломлар инъом этган эди. Абу Райҳон зиёфат вақтидаёқ ғазналик шоирлар, хусусан, уламои забардастларнинг қовоқтумшуқлари осилиб қолганини пайқаб, кўнгли ғаш бўлган эди. Дарҳақиқат, уч-тўрт кун ўтмасданок, тун ярмидан ошганда унинг ҳужрасига бир гуруҳ навкарлар бостириб кириб, уни «Қалъаи қаҳр» деб донг чиқарган мапа шу тош қафасга олиб келиб тиқишган эди. Энг ёмони — уни олиб келишганда ҳозир қора қумғон турган жойдаги эски бўйрада... устод Абдусамад Аввал ётганди!

Кейин билса... машварат вақтида қовоқларидан қор ёққан Ғазна уламолари уларни даҳрийликда айблаган, бунга эса Берунийнинг қарматийлар¹ раҳнамоси имом Исмоил кечмишлари ҳақидаги бир рисола сабаб бўлган экан!..

Хоразмда, Маъмун ибн Маъмун саройида хизмат қилиб юрган чоғларида пинҳона ёзилган бу рисола дунёда фақат бир одам, у ҳам бўлса устод Абдусамад Аввал билар, тўғрироғи, рисола ўзи устоднинг илтимосига биноан ёзилган эди. Ешлик чоғларида бадавлат падарининг бадавлат хонадонини тарк этиб, табиблик билан кун кечирган устод Абдусамад Аввал ёлғиз имом Исмонлини тан олар, ҳақ йўлида эса тариқатдан бошқа ҳамма нарсани инкор этарди! У намозни бирда ўқиса, бирда ўқимас, рўзани ҳам бирда тутса, бирда тутмасаммо бир бурда нон топса йўқсиллар ва етим-есирлар билан баҳам кўрарди. У фақир ҳужрасида зоҳидлик қилиб, йўқлаб келган битта-яримта касалларни даволар экан, ҳеч кимдан тап тортмай:

— Худо недур?— деб хитоб қилар ва ўзи жавоб берарди:— Адлу ҳақиқатдур! Гуноҳи кабир недур? Зеби зийнат ва айши ишратдур! Савоби азим недур? Меҳри шафқатдур! Ўзинг янглиғ бандаларни суймоқдур! Балои нафси тиймоқдур!..

Устод Гурганжда, ўз кулбаи вайронасида ўтириб, келган-кетганларга ўз эътиқодини баён этаркан, бировлар унинг ваъзига қулоқ солса, биров қулоқ солмас:

¹ Урта асрларда диний ғоялар воситасида феодал зулмига қарши қаратилган курашчилар оқими.

кўплар уни таркидунё қилган бир девона деб ҳисоблар эди. Лекин бир қарашда ғариб кўринган бу чол фақат табобат эмас, бошқа илмлар бобида ҳам тенгсиз эди!

Тарки одат амримаҳол, деганларидек, устод Ғазнага келгандан кейин ҳам ўз одатини қўймади, ҳеч кимдан тап тортмай ўз сўзини сўзлайверди. У ҳатто ўша куни, Кўшки давлатда бўлган султон Ғазнавий машваратида иштирок этган куни ҳам, кетаётганларида, эгнига ёпилган кимхоб тўнини ечиб ташлаб кетган ва унинг зиндон қилинишига бу мислсиз «такабурлиги» ҳам сабаб бўлган эди!

Ушанда, мана шу зил-залвар эшик очилиб, Берунийни бу тор қафасга итариб юборишганларида, устод бўйрага тиз чўкиб, намоз ўқиб ўтирарди. Тоат-ибодатга бирда риоя қилиб, бирда риоя қилмайдиган устод эшикда Абу Райҳонни кўриб «ялт» этиб қаради. Осойишта серсоқол юзида кишини ром қилувчи бир шиддат, ўсиқ қошлари тагига яширинган синчков нигоҳида ўзгача бир қатъият.

— Ёдингда бўлсин, Абу Райҳон! Имом Муҳаммад Исмоил...— тангри унинг қабрини мунаввар этгай!— имом Исмоил тариқати тўғрисидаги рисолаи камина битганмен! Сен эмас, камина битганмен! Сўзимни англадингму, Абу Райҳон!

Беруний беихтиёр бошини ҳам қилиб:

— Бу сўзга ким инонади, устод?— деб сўради.— Ғисолага каминанинг номи битилган.

— Йўқ, фақир сенинг номингни ўчирганмен. Не чора? Гургаишдан келган мунофиқ бир ҳамюртимиз, сабаби бахиллик, иғво қилмиш! Ёдингда бўлсин— сен ёшсан, камина эсам, ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлганмен.

— Устод!

— Бас!— чол, тўсатдан олдидаги қора қумғонни олиб, ерга гурсиллатиб урди.— Агар бу тилагимни бажо келтирмасанг берган илминга рози бўлмасмен!

Беруний аранг бошини кўтариб, қора қумғондан бир қултум сув ичди, ҳамон кўз олдида турган тўртта дорни ҳайдамоқчи бўлиб, яна кўзини юмди, лекин бу воқеа гўё ўн уч йил аввал эмас, худди куни кеча бўлиб ўтгандай, сира нигоҳи олдидан кетмас эди.

Устод, эгнида оқ кафан каби узун бўз яктак, яланг бош, яланг оёқ баланд дор тагида турипти, тақир қирилган улкан бошини баланд кўтариб, кўкрак кериб

турипти, осойишта чехрасида, кўкка тикилган ўткир кўзларида на қўрқув бор, на изтироб!

Ана, осмони фалакни зир титратган ногоралар гумбурию карнай садолари остида дарвоза очилиб, саройдан... бир ёнида вазиру вазаро, бир ёнида қози имом Сайид, султон Маҳмуд кўринди. Қилич яланғочлаб, от ўйнатган юзларча сарбозлар қуршовида султон дор рўпарасидаги улкан мрамар супага чиқди, чиқиши билан Кўшки давлат майдонини зир титратган ногоралар гумбури, осмони фалакни ларзага келтирган карнай садолари тиниб, денгиздай гувиллаган оломон бирдан сув қуйгандай жим бўлди.

Ушанда ҳибсдан чиқиб, яна алломалар даврасига қўшилган Беруний икки кўзи устодда, карахт бўлиб турар, у бутун вужуди билан устод томон талпинар, у билан сўнг бор қучоқлашиб видолашгиси келар, аини замонда, қандайдир бир мўъжиза рўй бериб, дор тағида турган устоднинг афв этилишини кўкдан илтижо қиларди.

Иўқ, Беруний кутган мўъжиза рўй бермади. Карнай садолари ва ногоралар гумбури тўхтаб, йиғилган оломон сукутга чўмиши билан қози имом Сайид ўрнидан туриб, ваъз айтди. У адолат қиличини қўлида маҳкам ушлаб, барча ғайридинийлар ва даҳрийларни қатлу ом қилишга аҳду жаҳд этган, кулли мўъминлар мукаммали ва бани одамлар афзали амрал муслимин, султон Маҳмуд ибн Сабуқтегин аъло ҳазратларига ҳамду санолар ўқиди. Эғнида тириклар либòси бўлмиш қора либос, бошида офтобда ажиб товланган сурмаранг салла, имом Сайид ҳазратларининг овози тобора тиниқлашиб борар, йиғилган оломонни сеҳрловчи ажиб оҳанглар касб этиб, майдон узра бир текис оқарди. Лекин, баногоҳ, имом ҳазратлари энди илҳомга кириб, овози энди юқори пардаларга кўтарилганида дор тағида турган устод қўлини бетоқат силкитди-ю:

— Худо недур, эй бетавфиқ?— деб хитоб қилди.—
Худо — бу адлу ҳақиқатдур!

Кутилмаганда момақалдиरोқдай қалдираган бу овоз Кўшки давлат қасрининг юксак тиллакори пештоқларига урилиб, ўн баробар кучли акс садо берди:— Адлу ҳақиқатдур!.. Савоби азим недур?— Етим-есирлар бошини силамоқдур! Гуноҳи кабир недур?— Сен бетавфиқ янглиг айшу ишрат ва зеби зийнат ишқида инсофу диёнатни унутмоқдур!

Устод ҳар сафар овози момақалдироқдай қалдираб

хитоб қилганида сарой пештоқлари юз баробар кучли акс садо берар, бутун майдон — наинки майдон, ҳатто сойнинг у юзидаги шаҳар, беҳисоб кўчалар, кўчалардаги расталар, карвонсаройлар, гузарлар — бутун дорус-салтанат бу хитоб, бу акси садо сеҳрига маҳлиё бўлиб қолган эди. Гўё бу сўзлар тириклайин оқ кафанга ўралган яланг оёқ, яланг бош бир алломанинг ваъзи эмас, ғойибдан келаётган илоҳий нидо эди!

Бу нидо сеҳридан биринчи бўлиб султон қутулди:

— Сипоҳсолор қайда? Бу шаккок сўзларни эшитмоқ — гуноҳи кабир эмасму? Учир овозини бу даҳрийнинг! Учир!

«Учир! — садо берди тиллакори пештоқлар. — Учир!»

Дор тагида қандайдир кураш бошланди. Устоднинг бошига сиртмоқ ташланди, аммо шу пайт ҳамон денгиздай гувиллаган оломон узра яна ўша илоҳий овоз янгради.

— Ҳой, айшу ишрат азмида имону эътиқодини ёддан чиқарган бандаи ожиз Маҳмуд Ғазнавий! Сўнгги каломимни эшитгайсен!.. Худованди карим гуноҳларингни кечирмайди сенинг! Қиличидан қон томган сендай мустабидни...

— Чоп!

Султоннинг ҳайқириғидан ҳушларига келган сувори-лар оломон томон от сурди-ю, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетди...

...Мана, ўн уч йилдирки бу манзара, бу аламли туйғу Абу Райҳоннинг хаёлидан кетмайди, билъакс, ҳар эслаганида кўксига нина санчилгандай бўлади...

О, устод, устод!

Мана, Берунийнинг ўзи ҳам эсини танибдики, ҳақиқат излайди. Ҳақиқат йўлида кирмаган кўчаси, юрмаган йўли қолмади. Бирда уни кўкдан кутса, бирда илм ва ақлу идрокдан қидирди, яна бирда Қобус ибн Вушмагир, Маъмун ибн Маъмун ва султон Маҳмуд каби ҳокимларни йўлга солиб, ҳақиқатни қарор топтираман, деб ўйлади, бироқ, э воҳ, устоз айтган адлу ҳақиқат ҳамон ундан қочмоқда, шамол каби, ёввойи оҳу каби тутқич бермай қочмоқда. У бўлса умри бино бўптики, «ҳақиқат» деб аталмиш бу «оҳу»ни қувиб юрибди. Билъакс, тунов кунни Унсурий айтган «неъматин илоҳий»-ни инкор этмай, уни «бор» деб қутулиб кетса бўлмас-миди? Унсурий каби оғзи тўлгунча олтин ошаса бўл-

масмиди? У эса... ҳайҳот, ҳақиқатни айтаман деб, мана, совуқ гўрда ётибди!

Бундан уч-тўрт йил муқаддам, Ҳиндистондан энди қайтган маҳалларида, бир кун султон уни Кўшки давлат саройига чақиртирди. У пайтларда Абу Райҳон ўзи қурган расадхонадан чиқмас, кечалари сайёралар ҳаракатини кузатар, кундуз кунлари Ҳиндистондан олиб келган китоблари ва ёзган асарларини тартибга солиш билан банд бўларди.

Кўшки давлатга чақиришдан бир неча кун аввал Бухоро юришига ҳозирланаётган султон унга зойича тузиб, сафар учун саодатли онларни айтиб беришни топширган, Беруний эса, мунажжимлик илмига ишонмаслигини баҳона қилиб, бу ишдан бош тортган, шу сабабдан саройга отланаркан, кўнгли ғаш эди.

Беруний борганда, султон шоир Унсурий каби мадҳиябозлар даврасида ўтирар эди. Берунийни жуда совуқ қарши олди, ҳатто ўтиришни таклиф қилмай, дарҳол «мақсадга» ўтди.

— Мавлоно Абу Райҳон!— деди султон қовоғини уйиб.— Ер-биродарларинг сени воҳиди замон аллома деб, ҳамду сано ўқийдилар. Сен бўлсанг... осий банда неки топшириқ берса, ўзингни нодонликка олиб, илтимосимни рад этасен!..

Беруний қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, давлатпаноҳ. Ақли ожизим етгунча валинеъматимга хизмат қилмоққа бел боғлаганмен. Аммо ақлим етмаса.

Султон ўтирган жойида бетоқат тебраниб:

— Биз ҳам сенинг ақли заковатингни синамоқ азмида чақирдик!— деди заҳархандалик билан.— Бошингни кўтариб атрофингга назар сол, мавлоно. Бу машваратхонада қанча эшик бор?

— Тўрт эшик, олампаноҳ!

— Боракалло!— деди султон.— Ҳозир мен ўрнимдан туриб, шу эшикларнинг биридан ташқарига чиқамен. Сен эса... қайси эшикдан чиқишимни қоғозга битиб, ёстиғим остига қўясен. Топсанг, тўн киясен, топманг... эгнингдаги тўнингни ечиб берасен!— Султон шундай деб, Унсурийга юзланди:

— Қоғоз-қалам бер мавлонога!

Шоир Унсурий апил-тапил ўрнидан туриб, ҳамон ўртада қаққайиб турган Берунийга қоғоз-қалам тутди.

Беруний бир қовоғидан қор ёққан султонга, бир не-

гадир кинояли кулимсираб ўтирган давра аҳлига синовчан тикилди-ю, тўсатдан ҳамма нарсани англади: султон уни мот қилиш мақсадида чақиртирган! Қандай бўлмасин — мот қилиш мақсадида! Бас, шундай экан...

Беруний, гўё миясида аллақандай пинҳоний мурватлар ишга тушгандай, кўзлари ёниб, хонанинг тўрт эшик ва тўрт деворини кўздан ўтказаркан, хаёлига кутилмаган бир фикр келди-ю, шоирнинг қўлидаги қалам-қоғозни юлиб олди. У бир зум ҳам иккиланиб турмасдан жавобни тез ёзди-да, қоғозни тўрт буклаб, султонга узатди. Султон қоғозни олиб ёстиғи тагига яширди, бироқ ўрнидан туриб ташқарига чиқиш ўрнига:

— Усталар қайда? Чақиринг!— деб фармон берди.

Дарҳол бўсағада ойболта ва чўкич кўтарган бешолти одам пайдо бўлди.

— Анов қибла томондан туйнук очинглар! Дарҳол!

Усталар деворни тарақ-туруқ чопиб, бир зумда одам сиғадиган туйнук очишди. Султон мийиғида кулимсираганича ўрнидан туриб туйнукдан ташқарига чиқди-да, шу заҳотиёқ қайтиб кирди:

— Жавобни ўқи!— деди у Унсурийга қараб.

Унсурий ҳам кинояли кулимсираганича ёстиқ тагидан қоғозни олиб очди, очди-ю, ранги ўчиб, серрайиб қолди.

— Ўқи!

— Жа... жавоб тўғридур, олампаноҳ!

— Яъни?

— Яъни сиз валинеъмат тайёр эшиклардан чиқмай девордан туйнук очтирар эмишсиз ва шу туйнукдан ташқарига чиқар эмишсиз, давлатпаноҳ!

— Ё қудратингдан!— деб юборди даврадагилардан бири.

— Тўн ва шароб!— Султон шундай деб амр қилди-да, юзини тескари буриб:

— Истасанг... Ҳамма балога ақлинг етади, мавлоно!— деди ғижиниб.— Истамасанг... Зойича тузиб, саодатли онларни айтиб беришни ҳам хоҳламайсен!

— Олампаноҳ!

— Сенга ижозат, мавлоно!

Дарқоҳиқат, ўшанда ҳам Беруний қилмаган ишни шоир Унсурий қилди. Зойича тузиб, ғалаба келтиргувчи саодатли онларни айтиб берди. Сўнг, Бухорога бирга бориб, ҳисобсиз инъомлар, тиллик ва тилсиз бой-

ликлар орттириб қайтди. Беруний эса... анов мадҳия-
боз тўқиган чўпчакни ҳақиқат деб, оғзи тўла олтин
ошаш ўрнига уни инкор этиб юрипти! Ундан кўра ул
«неъмат илоҳий» Ҳиндистон ё Чин-мочин томонларда
ўсади, деб Унсурий каби улуг мартабаларга эришса
бўлмасмиди? Бўлар эди! Чунки... ул «неъмат ило-
ҳий»ни топиб келгунча ё султон ўларди, ё элчининг ўзи!..
Беруний бўлса... Майли, ҳамма инъом, ҳамма бойлик-
лар ўшал мадҳиябозларга буюрсин! У эса... унинг учун
битгаю битга тасалли қолди. У ҳам бўлса илм, битган
ва битмоқчи бўлган асарларини ниҳоясига етказмоқ.
Шундан бошқа орзуси йўқ унинг! Ёзишни ният қилган
бу китоблари орасида устод Абдусамад Аввалга бағиш-
ланган рисола ҳам бор. Аммо... наҳот унинг бу эзгу ор-
зулари рўёбга чиқмаса? Наҳот тақдири азал унга шун-
чалар бешафқат бўлса? Наҳот эътиқод ва ҳақиқат деб
бу совуқ қафасда тоабат қолиб кетса?

Тўққизинчи боб

1

Вазир Абул Ҳасанак кийик овига Гардиз қалъаси
яқинидаги тоғ оралиғини танлади. Бу ерда, атрофи қор-
ли чўққилар билан ўралган дараларда қоплонлар,
чиябўрилар, йўлбарслар макон қурган, юқорида, тоғу
тошлар устида ёввойи эчкилар, мугизлари қулоч-қулоч
архарлар гала-гала бўлиб изғиб юрар, тоғ этагидаги
қир ва сайхонликларда эса, ёш канизлардай ҳуркак,
гўзал оҳулар учрарди. Энг муҳими, султоннинг падари
бузруквори амир Сабуктегинга омад ва саодат келтир-
ган илоҳий кийик худди шу воҳада, Гардиз қалъаси
олдидаги сайхонликда учраган.

Амирнинг айтишича, ўшанда ҳам худди ҳозиргидай
баҳор фасли экан. Қайси бир жангда мағлубиятга уч-
раган амир Сабуктегин,— олло руҳини шод этгай!—
кўнгли вайрон, юраги ғаш, отда Ғазнага ёлғиз қайтаёт-
ган экан.

Амир Гардиз қалъасидан чиқиб, кенг сайхонликдан
ўтаётганида унинг йўлини улоқчасини эргаштириб ол-
ган бир она кийик кесиб ўтибди. Амир дарҳол қўлига
камонини олиб, отишга чоғланибди, бироқ жажжи
улоқчага раҳми келиб, болалик кийикни тириклай уш-
лашга аҳд қилибди-да, отининг бошини қўйибди. Ле-
кин она кийик тутқич бермабди, тошдан-тошга сакраб,

Бир зумда кўздан ғойиб бўлибди, митти улоқча эса, қочолмапти, ингичка оёқчалари майишиб, ора йўлда тўхтаб қолибди. Шунда амир одан тушиб, дир-дир титраган улоқчани эгарга ўнгариб олибди-да, ўз йўлига равона бўлибди. Бироқ сал ўтмай, орқада худди она йиғисидай зорли бир нидо қулоғига чалинибди. Ўгирилиб қараса, бояги она кийик тошлар орасидан чиқиб, амирнинг орқасидан маъраб келаётган эмиш. Амир уни тутиб олиш азмида яна от солибди. Лекин она кийик яна тошдан-тошга сакраб, қирларга чиқиб кетибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Шунда амир Сабуктегин она кийикка раҳми келиб, кўзига ёш олибди-ю, улоқчани қўйиб юборибди. Она кийик боласини эргаштириб чопқиллаганича тоғларга чиқиб кетибди...

Шу-шу, амирнинг бошида айланиб юрган қора булутлар тўзғиб, унга омад ва саодат ёр бўлибди...

Кеча оқшом султон бу ҳикояни гапириб бераркан, қилт-қилт ютиниб, кўзига ёш олди.

Улар султоннинг суюкли шабистонида ёлғиз суҳбат қуришар, шифт ва токчалардаги шамларнинг аксарияти ўчирилган, даричаларига шойи пардалар тутилган гира-шира хонада аллақандай сирли бир руҳ ҳоким эди.

Султон, қоқсуяк оёқларини Абул Ҳасанакка уқалатиб, тўрт қават шойи кўрпачада ёнбошлаб ётарди. Унинг чуқур ботган мунгли кўзлари бурчакдаги қорамтир сояларга тикилган, гўё бу соялар орасида падари бузрукворининг арвоҳи бор, гўё султон отасининг руҳи билан суҳбатлашар эди...

Абул Ҳасанак султоннинг аллақандай сирли ҳикоясига қулоқ солиб ўтираркан, аъзойи бадани гўё чумоли ўрмалагандай жимирлаб кетди. Кейин негадир яқинда бош вазирнинг боғида кўрган болалик кийик ёдига тушди-ю, бирдан кўнгли равшан тортиб:

— Офтоби олам!— деб хитоб қилди.— Ҳозир айни ов чоғи! Сиз валинеъмат ҳам кўпдан бери кўксингизга шамол тегмай, диққинафас бўлиб ётибсиз...

Султон, мунгли кўзларини бурчакдаги сирли соялардан узиб, содиқ надимига қаради:

— Ҳм... овга чиқсак... омадимиз келурми?

— Иншоолло, келур!— деди Абул Ҳасанак.— Айни баҳор, бир ўқ билан икки қушни урадурғон мерганлар бор...

— Бас! Қушчиларга фармон бер: суюкли қора ло-

чиним билан такатуркман қорабайиримни шайласинлар!
Абул Ҳасанак ўша кечасиёқ вазири аъзамнинг кўши-
кига одам юбориб, унинг болалик кийгини сўраб ол-
дирди. Рост, сўнгги пайтларда Гардиз қалъаси атрофи-
даги тоғларда имом Исмоил Ҳазрат деган бир бетавфиқ
макон қурган, деган мишмишлар тарқалганди. Қай-
дандир пайдо бўлган бу имонсиз имом Исмоил гўё дор-
дан қочган кулли қаламғи-қасанғиларни ёнига йиғиб,
султонга қарши ғазавот эълон қилган эмиш!

Аммо, бирламчи, қамчисини қадаб кетса не-не ҳо-
кимлар қирқ йил сажда қиладиган султони салотинга
қарши бир тўп жулдурвоқи гадоларнинг бош кўтариб
чиқишига инонмоқ қийин, иккиламчи, эҳтиёт чораларни
кўриб қўймоқ мумкин. Абул Ҳасанак шундай қилди
ҳам. Овга чиқишдан бир кун аввал Гардиз қалъаси
теварагига пинҳона икки юз нафар суворн юборди.
Султон билан овга чиқадиغانлар сонини эса ўн киши-
дан оширмади, улар орасида султоннинг энг яқин на-
димларидан фақат бир одам, шоир Унсурий бор эди,
холос.

Улар шаҳардан чиқиб Гардиз қалъаси этагидаги
кўм-кўк ясси қирларга етгунча султон соябон аравада
борди.

Бу қирлар тик қояларга, қоялар кўз илғамас баланд
тоғларга туташиб кетарди. Нилий осмон каби кўм-кўк
бу тоғлар тепасида, бургутлар макон қурган юксак-
ликларда Гардиз қалъаси элас-элас кўзга чали-
нарди.

Кун илиқ, терак бўйи кўтарилган офтоб пастдаги
заминга аллақандай илиқ бир меҳр билан нур сочар,
гўё ўзи ҳаёт берган олам гўзаллигидан завқланиб, унга
мулойим кулиб боқарди. Олам эса чиндан ҳам гўзал,
овлоқ тоғларгача чўзилган қир ва адирлар ям-яшил,
гуркираб ўсган ёвшан, шувоқ, кийик ўти ва ёввойи бе-
далар орасида митти-митти читиргуллар, нафармон
ранг нўхатаклар, бинафша ва чучмомалар ял-ял ёнар,
ўтлар орасида кўзга кўринмас қушлар сайрар, ҳавони
ялпиз, какра, шувоқ ва яна аллақандай гиёҳларнинг
сал тахир, хушбўй ҳиди тутган эди.

Султон ипак пардалар билан ўралган тепаси очиқ
аравада чалқанча ётар, ғир-ғир шабада унинг очиқ
кўксини, оқ оралаган сийрак соқол-мўйловларини си-
лаб-сийпар, бироқ султон буни сезмас эди. Унинг ғам-
гин нигоҳи артилган шишадай тиниқ осмон қаърида
кўз илғамас юксакликларда сокин сузиб юрган қора

бургутларда эди. Гўё бу майин офтоб, бу тиниқ нилий осмон, қорли тоғлар узра аста сузиб юрган бу бургутлар унинг қалбидаги аллақандай ҳасратли торларни чертиб, хаёлини қаёққадир олиб қочган, султоннинг ҳазин нигоҳида унга ёт бўлган тизгинсиз бир ғам муҳрланган эди.

Султоннинг қаршисида ўтирган Абул Ҳасанак унинг ҳолига юраги зирқираб, Унсурийга қаради: «Бир йўлини топиб, кўнглини кўтар давлатпаноҳинг!» деган маънода имо қилди.

Шоир Унсурий қизик қангомалар, кулгули воқеалар, аскиялар, кўнгил очгувчи нозик ривоятлар бобида устаси фаранг, шу боисдан амирал мўъминининг ҳамма сафарларида ҳамроҳ, ҳамма базми жамшидларида ҳозир у нозир. Лекин ҳозир, олампаноҳ унга ёт бўлган ғайритабиий бир маъюсликка чўмиб ётганда...

Шоир Унсурий вазир жанобларининг чертса қоч сачрагудек қип-қизил, чиройли юзига ҳадикспраб қаради-да, ҳарам канизларининг қўлларидек нозик, оппоқ қўлларини кўксига қўйди:

— Офтоби олам афв этсинлар! Каминанинг ёдига гаройиб бир ривоят тушди...

Султон сўник нигоҳини нилий осмондан узиб, Унсурийга қаради. Унинг чуқур ботган кўзлари яраланган қушнинг кўзларидай унсиз бир алам билан жавдираб турарди.

— Тўхта, шоир... Дейдиларким, назм аҳли худованди каримга яқин эмиш. Шу боисдан назм аҳлини пайгамбар алайҳиссалом сийлаган эмиш...

— Шундай, олампаноҳ!..

— Шундай бўлса... айт-чи, назм боғининг боғбони! Олло таоло бу осмон, бу олам, бу паррандаю даррандани нечун яратмиш? Қим учун, не мақсадда яратмиш бу гўзалликни?

Шоир Унсурий «ялт» этиб Абул Ҳасанакка қаради. Аммо вазирнинг қип-қизил кўҳлик юзида саросимадан бошқа ифода йўқ эди.

— Давлатпаноҳ!— деди Унсурий ҳаяжондан дудуқланиб.— Олло таоло бу осмон, бу қушлар, бу гўзалликни бани башар учун, яъники ўз бандаларининг кўзини қувонтириб, дилини шод этмоқ азмида яратгандир!

— Бандасининг кўзини қувонтирмоқ, дилини шод этмоқ азмида яратган бўлса... нечун унга ўлимни раво кўради?

Султоннинг мумдай сарғиш юзига қизиллик югуриб, мунгли кўзлари аллақандай ички бир исёндан чарақлаб кетди.

— Ҳукми олло шу эрур, бандаи ожиз уншиг ҳукмига итоат этмоқдан бошқа чорамиз йўқдир, олампа-ноҳ!..

— Ҳукми олло!— деди султон алам билан.— Узинг афв этгайсен, парвардигори олам! Ва лекин... Йўқ, шоир! Мен сендан бошқа бир жавоб кутган эдим, сен эсанг... қози имом Сайид сўзини сўзладинг!

Унсурий мадад тилаб Абул Ҳасанакка қаради, бироқ вазир ҳамон саросимада эди. Умри айши ишрат ва кайфи сафо билан ўтган Абул Ҳасанак бундай чигал, сержумбоқ гапларни биринчи эшитиши. Шу яқин кунларгача унга султон салотиннинг ҳамма гаплари, босган ҳар бир қадами, ҳатто ўйлаган ўйларигача — ҳаммаси равшан эди. Аммо бу давосиз дардга чалинибдики, султоннинг гап-сўзлари уни фақат чўчитади, юрагига аллақандай ноаниқ, совуқ ғулув солади, холос!

Боз устига бу ов, ўзи ўйлаб топган бу қалтис ов! Қим билсин, бу овчилар ҳамма ишни Абул Ҳасанак айтган тарзда қойилмақом қилиб бажо келтира оладиларми! Ёхуд «ов» чоғида қутилмаган бир ишқал чиқиб қоладими? Шайтонга устозлик қилгувчи бош вазирнинг қўлбола оҳуси-чи? Пистирмага қўйилган овчилар оҳуни мўлжаллаган пайтда пистирмадан ҳайдаб чиқара оладиларми ёки ҳайдаб чиқарамиз деб, ўзларини билдириб қўядиларми? Боринки, билдириб қўйишмаган тақдирда ҳам, бу қўлбола оҳу отлиқ султонни кўриб қочадими ёхуд одамга ўрганган, бефаҳм махлуқ қочмай, туриб оладими?

Гардиз қалъасига яқинлашган сайин бу ўйлар Абул Ҳасанакнинг миясида ғужғон ўйнаб, кўнглидаги таҳликага таҳлика қўшмоқда эди...

Мерганлар қуршовидаги соябон арава гоҳ кенг сайхонликлар, гоҳ кўм-кўк қирлар оша қалин арчазор тоғлар бағрига кириб борди.

Ҳалигина димоққа гуп-гуп урган ялпиз, кийик ўги ва ёввойи йўнғичқа атри энди биттаю битта шу хушбўй ҳид, арча ҳиди билан алмашди.

Ана, соябон аравага қўшилган йўрға отлар, аста йўртиб, тепасида бир туп сада ўсган баланд қирга чиқди. Қир ортида яна бир кўз илғамас кенг сайхонлик кўринди.

Машириқ томони қерли тоғларга бориб туташган бу

беҳудуд сайҳонликнинг ҳар жой-ҳар жойида тўп-тўп гу-
жумлар ўсар, овлоқда кумуш тасмалардек ярқираган
жилғалар кўзга чалинар, кеча пинҳона жўнатилган су-
ворилар кўринмас, улар, афтидан тоғу тошлар орасида
писиб ётишарди.

Тўсатдан султоннинг:

— Тўхта!— деган бўғиқ овози эшитилди.— Қораба-
йирим қани?— султон арава соябонига тирмашиб, ўр-
нидан даст турди. Туя жунидан тўқилган оқ чакмон
ичида унинг қуриган теракдай баланд бўй-басти яна
ҳам баландроқ кўринар, бирдан чарақлаб кетган қисик
кўзларида, бутун важоҳатида илгариги куч, илгариги
иқтидор барқ урар эди!

Елкасига қора лочин қўндириб олган бош қушчи
сийнаси қалдирғоч қанотидай ялтиллаган қорабайирни
етақлаб келди.

Пешонасига ипак попуқлар тақилган, ўмови тилла
тасмалар билан зийнатланган қорабайир олтин сувли-
гини чайнаганича, бетоқат ер депсиниб ўйноқлаб ту-
рарди.

Султон узун, қоқсуяк қўлларини қуйма тилладан
ясалиб, устига ипак гиламча ташланган эгарга қўйди,
кўзларини юмиб, узоқ пичирлаб турди, сўнг, қўлтиғи-
дан олмоқчи бўлган Абул Ҳасанакнинг қўлини силтаб
ташлаб, шахт билан ўзини эгарга олди.

— Илоё омин!— шоир Унсурий кўзига ёш олиб, оп-
поқ нозик қўлларини дуога очди.— Худованди карим
сиздай дини ислом ҳомийсидан ўз иноятини дариг тут-
мағай! Ниятингиз мустажоб бўлиб, овингиз ўнгидан
келгай, бу ишда падари бузрукворингиз руҳи сиз олам-
паноҳга мададкор бўлғай, омин!

— Илоҳи омин!— султон юзига фотиҳа тортиб, тў-
сатдан тирқираб оқа бошлаган кўз ёшларини сидириб
ташладн-да, қорабайирига қамчи босди. Усиз ҳам бето-
қат пишқириб турган қорабайир, осмонга сапчиди-ю,
қушдай учиб кетди.

Бир неча навкар султоннинг кетидан чопмоқчи бў-
либ, отларини ниқташди, бироқ Абул Ҳасанакнинг
«Тўхта!» деган ҳайқирғи билан отларининг жиловини
тортишди.

Султон тез узоқлашиб борарди. Эгнида туя жунидан
тўқилган оқ чакмон, бошида қора ҳошияли оқ қалпоқ,
султон, худди қорабайир устига қўниб олган катта оқ
қарғага ўхшар, узоқлашган сайин бу ўхшашлик ортиб
борарди... Ана, қорабайир йўл ёқасидаги бир тўп гу-

жумдан ўтиб, иккинчи гужумга яқинлаша бошлади. Ана, гужумга етиб ҳам борди. Шу пайт... Ё раб! Қорабайирга қўниб олган оқ қарғанинг олдида икки қора нуқта, бири каттароқ, бири кичикроқ икки қора нуқта пайдо бўлди-ю, тез узоқлаша бошлади.

— Оху!— деди Абул Ҳасанак, қувончдан энтикиб.— Оллога шукур! Амирал мўъмининнинг пок нияти мустажоб бўлди! Болалик оху!..

Шоир Унсурий тиз чўкиб, қиблага қараб ер ўпди.

— Файзи илоҳийнинг аломати бу! Худога шукур! Султон салотиннинг нидоси даргоҳи илоҳийга етиб бормиш!

Ана, қушдай учиб бораётган қорабайир олдинда липлип этган қора нуқталарнинг бирини қувиб етди. Отга қўниб олган «оқ қарға» пастга эгилиб, уни кўтариб олди, лекин сал ўтмай уни яна қўйиб юборди-да, аста орқага бурилди.

Абул Ҳасанак аравадан ирғиб ерга тушди, шатакда турган арғумоқлардан бирига сакраб минди-да, узоқдаги гужумлар томон от сурди.

«Э, яратган эгам! Наҳот унинг режалари рўёбга чиққан бўлса? У ўйлаганидан ҳам зиёдроқ, беками кўст, беҳатар тарзда рўёбга чиққан бўлса! Наҳот султон салотин бу ишлардан кейин ҳам Абул Ҳасанакни ул бетавфиқ Али Ғарибдан паст кўрса? Наҳот бундан кейин ҳам вазир аъзамлик лавозимини ул хомсемиз баттолдан унга олиб бермаса?»

Султон, отини аста йўрттириб, яқинлашиб келарди. Унинг кўзларидан тирқираб ёш оқар, бир-бирини қувиб оққан ёш томчилари кенг юзини селдай ювиб, оқ оралаган сийрак соқолига, соқолидан бўйнига томчиларди. Лекин султон буни сезмас, сезса ҳам яширмас эди. Султоннинг кўз ёшлари Абул Ҳасанакнинг дилида жўш урган қувончга қувонч, ҳайратга ҳайрат қўшди, шоир Унсурий эса, билъакс, амирал мўъмининни кўриб ҳўнграб юборди.

— Оллога шукур! Истиқболнинг хайрли фоли бу, офтоби олам! Хайрли фоли!

Султон қўлини кўтариб уни тўхтатди-да, томоғини бўғган йиғини «қулт» этиб ютди.

— Садоқати зоҳир вазирим! Дарҳол Али Ғарибга чопар йўлланг! Иншоолло, букунги файзи илоҳий сабаб яқин кунларда «Мозори калон»да ғарибу ғурабо ва етим-есирларга ош берилгай! Қирқ ҳўкиз, қирқ туя, қирқ бия, қирқ қўчқор сўйиб, қирқ ботмон гуруч

дамлангай!.. Ҳозир эса.. ҳозир барча мулозимларга!— султон яқинлашишга журъат этмай, узоқроқда тўхтаган қушчилар ва мерганларга имо қилди.— Барча мулозимларга чопон кийдиришг, қўй сўйиб зиёфат беринг!

«Садоқати зоҳир вазирим! Садоқати зоҳир!»— Абул Ҳасанак ҳамма билан баробар «илоҳи омин!» деб хитоб қиларкан, тўсатдан томоғи ёпп бўғилганини сезиб, бошини пастроқ эгди.

2

Пешнида бошланган зиёфат намози асрга яқин тугади. Қўй сўйилиб, ҳаммага чопон, шоир Унсурийга кимхоб тўн, Абул Ҳасанакка эса зарбоф тўн ёпилди.

Султон гужум тагига ўрнатилган тахтиравонда ёнбошлаб ётиб, бу шодиёнани жимгина кузатар, унинг билинар-билимас қизиллик югурган ялоқча юзида аллақандай сирли, илоҳий бир шуъла акс этарди. У гоҳогоҳ мизғигандай бўлиб, кўзларини юмар, шунда нигоҳи олдига дарҳол гужум ортидан югуриб чиққан онабола оҳулар келарди. Султоннинг кўнглини равшан қилган ички шуъла ҳам ўша дақиқада лоп этиб ёнган эди... Бошда, султон қорабайирини қамчилаб, бостириб борганида, она кийик гўё ундан қўрқмагандай улоқчаси атрофида гир айланиб қолди. Оёқчалари митти-митти, кўзлари катта-катта кулранг улоқча эса, от дупурини эшитгандаёқ пилдираб қочди-ю, онасидан ўзиб кетди. Она кийик аввал унинг кетидан аста чопқиллаб борди, бироқ от дупури кучайгач, шамолдай учиб, узоқлашиб кетди-да, улоқча орқада қолди...

Султон, дилида ажиб бир нур, қоқсуяк вужудида фавқулудда бир куч, ҳамон тасир-тусур от суриб борар, у билан улоқча ўртаси тобора қисқармоқда эди. Ниҳоят, улоқчани қувиб етди-да, дачиндай чанг солиб, кўтариб олди. Шу заҳотиёқ йироқлашиб қолган она кийик шартта тўхтади, бир зум жойида дир-дир титраб турди-да, аста-секин орқага қайта бошлади...

Ё раб! Худди падари бузруквори амир Сабуктегин айтган иш бўлди! Дарҳақиқат, истиқболнинг хайрли фоли бу! Хайрли фоли!

Султон ҳаяжон ичида аста эгилиб, дир-дир титраган улоқчани ерга қўйиб юборди, қўйиб юбориши билан дилида ажиб бир чироғ «лоп» этиб ёнди-да, вужудида ўзгача бир ҳолат, қандайдир сирли, илоҳий бир

ҳолат содир бўлди. Ҳатто ўнг биқинидаги оғриқ ҳам таппа тўхтаб, кўзига қоронғи кўринган олам бирдан ёришиб кетди. Шундан бери ўзини онадан қайта туғилган гўдакдай ҳис этмоқда. Тоғлар билан ўралган бу кенг сайҳонлик боягидан ҳам кенг, боягидан ҳам тиниқ, арчалар ҳиди боягидан ҳам хушбўй, қорли чўққилар боягидан ҳам юксак, одамлар эса бир-биридан яхши, бир-биридан меҳрибон кўриниб кетди султоннинг кўзига. Ҳатто пешиндан кейин севалаб ёға бошлаган ёмғир ҳам унинг кўнглини хира қила олмади, билъакс, бу илиқ, майин ёмғир ҳам бояги болалик оҳу каби истиқболнинг яхши аломати бўлиб туюлди. Ҳа, падари бузруквори Музаффар амир Сабуктегиннинг чеҳрасида валилик муҳри бор эди! Шошлик¹ лашкарбошининг ўғли Сабуктегин Сайхун² бўйларида бўлган бир жангда сомонийлар қўшинига асир тушиб, Бухоро бозорида сотилган. Уни сотиб олган қулжаллоб Бухородан Балхга яёв ҳайдаган. Савдогар шундай бераҳм-бешафқат эканки, отасининг оти йўл азобига дош беролмай йиқилиб қолганида, ўлган отининг эгар-жабдуқларини ҳам қулининг елкасига юклаган... Шунда, бу азоби уқубатлардан ҳолдан кетиб йиқилиб қолган падари бузруквори туш кўрган, тушида Хизр алайҳиссалом аён бўлиб, бу уқубатларга дош беришини, токи, охир-пировардида унга саодат ёр бўлишини айтиб, оқ фотиҳа берган. Хизр алайҳиссаломнинг бу фотиҳаси мустажоб бўлиб, Балх бозорида падари бузрукворини амир Алптегин сотиб олган. Алптегин,—олло унга ўз даргоҳидан жой ато қилғай!— ёш гуломи Сабуктегинга меҳри тушиб, уни ўзига маҳрам қилиб олган. Шу-шу падари бузрукворининг қора кунлари орқада қолиб, тақдир унга кулиб боққан. Ёш надимининг мардлиги ва салоҳиятига амин бўлган амир Алптегин бу бевафо дунёни етим қолдириб, у боқий дунёни мунаввар қилмоқ кунини келганда, уни, яъни суюкли лашкарбошиси Сабуктегинни ўз тахтига ворис қилиб қолдирган.

Агар амир Сабуктегин ўз хўжаси амир Алптегиннинг берган тузини оқлаган бўлса, султон Маҳмуд, ўз падари бузрукворининг тузини оқлади. Амир Сабуктегин тузган давлат сарҳадини ўн баробар кенгайтирди, мустаҳкамлади, унга мерос қолган Ғазнаи мунавварани бутун рўйи заминда гўзалликда тенгсиз бир шаҳрни

¹ Шош — Тошкентнинг қадимги номи.

² Сайхун — Сирдарё.

муаззамга айлантирди!.. Бас, падари бузрукворининг руҳини шод этгани учун, мана, бошига оғир кунлар тушганида, унинг арвоҳи султонни қўллади, оҳу тимсолида отасига аён бўлган файзи илоҳий унга ҳам аён бўлди. Шояд падари бузрукворининг тушида намоён бўлган Хизр пайғамбар унинг ҳам тушига кирса, унга ҳам оқ фотиҳа берса!..

Султон, ғоят хушвақт бир кайфиятда кўзи илинган эди, вужудига ором бериб, кўнглини мунаввар қилган бу эзгу ўйлар тушида ҳам давом этди. Ҳар қалай, аллақандай тиниқ куйлар, хушовоз хонадаларнинг дилрабо қўшиқлари қулоғига қуйилиб, кўнгли яна ҳам равшан тортди. Султон бу куй, бу дилрабо қўшиқларни тоабат эшитишга тайёр эди, бироқ тўсатдан уларга аллақандай дағал овозлар қўшилди, ўтирган тахтиравонни қаттиқ силкингандай бўлди-ю, афсус билан кўзини очди.

У тахтиравонда эмас, аравада ётар, арава ҳалиги бир туп гужум тагида эмас, баланд бир қир ёнбағридаги қўшалоқ чинор ёнида тўхтаб турарди. Ёмғир тинган, юксак қорли тоғлар устига ёнбошлаган офтоб чинор япроқларидаги биллур томчилар билан ўпишиб ўйнар, олам илиқ нур селига чўмилган эди!..

Султон ҳайрат билан ён-верига қаради. У соябон аравада ёлғиз ётар, ёнида Абул Ҳасанак ҳам, шоир Унсурий ҳам йўқ эди. Чинор тагидан эшитилаётган куй ва қўшиқ аста тинди, фақат танбур овози яна бир-икки марта диринг-диринг қилди-да, у ҳам ўчди:

— Ул зоти олий Маликул давлат бўлса, каминан камтарин Маликул шароб бўламен!

— Маликул шароб эмиш! Йўлдан даф бўл, тентак! Бўлмаса ҳозир навкарларга фармон берамен — оёқ-қўлингни боғлаб, чинор шохига осадилар!

— Офарин! Шу ақли фаросат билан султон Маҳмудга вазир бўлдиларми жаноблари? Маликул шаробни дорга осадурғон бўлса, ёлғиз Маликул давлат осадди.

«Қутлуғқадам!»

Ногаҳон султоннинг ёдига болалик ва ўсмирлик чоғлари тушди. Суюкли надими Қутлуғқадам билан Афшон сой соҳилида кураш тушиб, мерганлик ва чавандозлик бобида олишиб юрган онлари «лоп» этиб кўз олдига келди-ю, офтоб нуридай илиқ бир нарса юрагини ёқимли силаб ўтди. У бенхтиёр бошини ёстиқдан узиб, ипак парданинг четини кўтарди.

Арава олдида бошига эски қалпоқ, эгнига эски қо-
ра чакмон кийган, соч-соқоли ўсиб, патак бўлиб кетган
девонасифат бир кимса Абул Ҳасанак билан шоир Ун-
сурийнинг йўлини тўсиб турарди. Йўлдан нарироқда,
бир-бирига чирмашиб ўсган қўш чинор тагида эса бир
гуруҳ машшоқлар ўтиришарди. Уртага ёзилган дастур-
хонда иккита хум кўзга чалинади. Машшоқлар, би-
рининг қўлида ғижжак, бирининг қўлида сетор, бири-
нининг қўлида най, жулдур тўнли дарвеш билан Абул
Ҳасанак ўртасидаги «жангу жадал»ни жимгина куза-
тишар, бу даҳанакни жанг уларга катта завқ бераётган
бўлса керак, ҳаммаси тиржайган, ҳаммасининг оғзи
қулоғида.

Бу манзара султоннинг дилида ҳам фавқулодда бир
завқ уйғотди. У соябон араванинг ипак пардасини
шартта юлиб олди-да, аста ўрнидан турди:

— Ҳой, султони салотинга йўлтўсарлик қилишга
журъат этган ким? Қутлуғқадам? Ё тавба! Мен сени
аллақачон арши аёлода айш қилиб юрибди десам, ҳа-
нуз бу бевафо дунёда ивирсиб юрибсенму?

Ҳамма арава томон бурилиб қаради. Маликул ша-
роб беш панжаси билан соқол босган юзини ишқаб му-
ғамбирона ишшайди.

— Не чора, амирал мўъминин! Боғи Эрам ҳам биз-
дай ғарибу ғурабога эмас, сиздай султони салотинлар-
га аталган эмиш! Инчунин, у дунёга шошиб не қиламиз?
Ундан кўра фақирлар дунёси бўлмиш бу дунёда ивир-
сиб юрганамиз маъқул эмасми, амири калон? Букун
наврўзи олам! Қани, ғариб дастурхонимизга марҳамат
қилгайсиз, султони салотин!

Чинор тагидан «Наврўзи олам! Наврўзи олам!» де-
ган хушнуд хитоблар эшитилди.

«Наврўзи олам? Ё раб! Бундан чиқди ҳозир унга
аён бўлган илоҳий аломат бежиз эмас экан!»— Султон-
нинг мумдай сарғиш чеҳраси бирдан ёришди.

— Маликул шароб! Қани, ўшал донғи оламга кет-
ган шаробингдан бир коса келтир!

Маликул шароб дарҳол чинор тагига юзланиб:

— Ҳей, Бобо Сеторий!— деб чақирди-да, кўзини қи-
сиб, хушнуд кулди:

Қўлга олиб сеторинг, жон киргизгайсен,
Майи нобдин бу жомингни тўлғизгайсен!
Гулоб каби покдур гадоларнинг дили,
Сунгил султонимга, битсини, мушкулни!

Чинор тагидан кимдир ҳайрат билан:

— Тасанно, Маликул шароб! Тасанно!— деб хитоб қилди, кетма-кет най, сетор ва ғижжаклар баробар янграб, аллақандай шўх, ўйноқи куй бошланди.

Маликул шароб даврадагилар қўлидан май тўла косани олиб, ҳануз мийғида кулимсираганича аравадан тушган сўлтон томон юрди.

Гадо шоддир ҳар кун,
Жомдан узмас илкни,
Утар-кетар бу дунё,
Кетсин бадар у дунё!
Фурсат, умр ганимат,
Эртанг қилгунг азимат!
Беш кун даврон суриб қол,
Букуи ўйлаб-кулиб қол!

Шоир Унсурий тўсатдан оёқ остидаги ҳўл майсага тиз чўкиб, султоннинг этагини юзига суртди.

— Офтоби олам! Фаришталар омин деган шундай мунаввар кунда бу шаккокнинг сўзига кирманг!

Шоирнинг таваллосига Абул Ҳасанакнинг нидоси қўшилди:

— Ҳақ сўз бу, олампаноҳ!.. Бу тоғларда анов имонсиз имом Исмоил Ғозий макон қурган, олампаноҳ!

— Қайси имом Ғозий? Не деб валдирайсен?— Султон қўлини бир силтади-да, ногаҳон юрагини чулғаб олган аллақандай ёруғ туйғуга бўйсуниб, коса тўла шаробни бир кўтаришда бўшатди.

— Олло ўзи афв этгай! Олти ой бўлди, кўнглим қоронғи тундай зимистон эди, шу букуи бир чироғ ёнди!.. Абул Ҳасанак!— деди у, тўсатдан қийғоч кўзлари ҳайрат билан чарақлаб.— Ҳаммангга ижозат! От-арава билан икки навқар қолса бас! Фақир букуи шу дарвеш билан суҳбат қурамен!

— Дарвеш эмас, Маликул шароб!— деди Қутлуғқадам.— Аъло ҳазратлари Маликул давлат бўлсалар, камина Маликул шароб бўламен!

Шоир Унсурий «энди жазосини тортади бу шаккок» дегандек, умид билан султонга қаради. Бироқ султон ғалати кулимсираб тавозе билан бош эгди:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, валинеъмат! Ижозат этсалар, фақир сиз ҳазратимнинг бир оний суҳбатларида бўлсам!..

— Марҳамат! Маликул шароб даврасида шоҳу гадо баробар!

Ҳануз тизза букиб турган Унсурий кўзлари мўлти-раб Абул Ҳасанакка қаради, бироқ султоннинг одатини яхши билган Абул Ҳасанак лом-мим демай олисроқда турган навкарлар томон йўналди.

Кекса машшоқлар сурилиб, султонга жой беришди. Султон, дилида ҳамон ажиб бир шуъла, эски наMATнинг четига аста ёнбошлади.

Ё тавба! Осмон боягидан ҳам тиниқ, ҳаво боягидан ҳам мусаффо, гнёҳлар ҳиди — қоқилар, чучмомалар, булоқ бўйидаги ялпизлар, ёввойи райҳон ва арчалар, қирлар сатҳини қоплаган ёвшан ва шувоқларнинг аралаш-қуралаш атри боягидан ҳам ўткир, боягидан ҳам хушбўй!

Бирин оқ туяга, бирин бўталоққа ўхшаш икки оқ булут остида оқ елканларни эслатувчи улкан оққушлар жуфт-жуфт бўлиб сузиб юрар, улардан ҳам юқорида, нилий осмон тагида, улкан қора бургутлар кўзга чалинарди... Машшоқларнинг кечки офтобдай тиниқ ва ҳазин мусиқаси султоннинг ташна дилига сувдай ёқар, эшитган сайин эшитгиси келарди. Во дариг! Нечун у шу букунгача бу мислсиз гўзалликдан бебахра экан? Ажабо, салкам қирқ йил салтанат тебратиб, бундай гўзалликни кўрган эмас, бундай мусиқани эшитган эмас, бундай саодатли дамларни бошидан кечирган эмас!.. Ҳатто унга энг катта завқ берган онлар, Ҳиндистон ва Хуросон, Хоразм ва Бухоро тождорларини бир ҳамла билан забун қилиб, олдинга тиз чўктирган чоғларида ҳам бундай завқланган эмас у! Ҳа, у ҳиндлар юртидаги муаззам қалъаларни бир зарб билан забт этганида, таслимдан бош тортган шаҳарларга ўт қўйиб, тоғ-тоғ елтин ва жавоҳирларни ўлжага олган дамларида ёхуд Жайҳун бўйларига саропарда қурдириб, карнай ва сурнайлар садоси остида юз минглаган сувориларни битта-битта санаб ўтказган онларида мислсиз ифтихор туйғуси уни ўз қанотларига ўтқазиб, гўё осмонни фалакка олиб чиқиб кетарди! Уша дамларда унга дунёда энг ёқимли садо—жанговар филлар наъраси-ю, отлар дупури бўлиб туюлар, ғолиб қўшинининг «ур-ҳа, ур, сур-ҳа, сур!» деган суронли қийқириғи билан ноғоралар гумбуридан ёқимли садо йўқ деб ўйлар, оламда энг гўзал нарса эса қилнч-қалқонлару музаффар лашкарнинг ғолиб туғлари бўлиб кўринарди! Энди билса... у билган гўзалликдан аъло гўзаллик, у ўйлаган

бахтдан ўн чандон улуғ бахт, ғариб бўлса ҳам, қандайдир беғалва, беташвиш бир ҳаёт бор экан. Бундай тиниқ осмон, бири туя, бири жажжи бўталоққа ўхшаш оқ булутлар, бундай гиёҳлар, киши қараб тўймайдиган юксак нилий тоғлар бор экан!.. Ана, рўпарасида болалик ва ўспиринлик йилларининг шоҳиди бўлган бир шоир ўтирибди. Бошида эски телпак, эғнида эски тўн... Бироқ иккисининг қайси бири бахтлироқ? Бутун рўйи заминни тиз чўктирган султон Маҳмуд Ғазнавийми ёхуд ўзи янглиғ фақиру ҳақирлар даврасида дилхушлик билан умр ўтказган бу дарвешми?

Чашмадай тиниқ, дилрабо куй тобора авжига чиқмоқда, Бобо Сеторий бошлиқ хонандалар бошларини эгиб, гўё ўз куйларидан ўзларни эриб кетаётгандай кўзларини юмиб, тебраниб чалишар, кекса букри найчининг эса кўм-кўк маъсум кўзларидан тирқираб ёш оқарди.

Ана, ниҳоят, куй ҳам тугади, тугаши билан султон қорни очганини сезиб, қаддини ростлаб ўтирди.

Дастурхонда бирида май, бирида шарбат тўла икки хум, хумларнинг ёнида устига ёввойи пиёз тўғралган бир товоқ сузма, бир даста арпа нон ва бир лаган ялпиз сомсадан бошқа егулик нарса йўқ эди. Лекин ялпиз солинган тандир сомса асалдан ҳам ширин, сузма оғизда эриб кетар, ҳатто арпа нонни ҳам еган сайин егиси келарди киши.

Машшоқлар бир пиёладан шарбат ичишиб, яна асбобларини қўлларига олишди, бироқ шарбат ўрнига бир коса май ичган султон тўсатдан дилида суҳбатга мойиллик сезиб, Маликул шаробга юзланди.

— Агар тақсирим ижозат этсалар, мутрибларга ташаккур айтиб, бир он дам берсак!

Маликул шароб бароқ қошларини силаб, тавозе билан бош эгди.

— Олампаҳоқ букун бизга азиз меҳмондурлар. Амри меҳмон вожибдур биз учун!

Бу гапдан кейин машшоқлар асбобларини чинорга суяб, ўринларидан туришди.

Султон ҳақиқатан ҳам юрагида жўш урган туйғуларига эрк бериш истагида эди. Букун унинг кўнгли нечундир эзгу тилаклар билан тўлиб-тошган, шу топда у фақат яхши гаплар айтиб, эзгу ишлар қилгиси келар, ҳатто қилган гуноҳлари учун афв сўрашга ҳам тайёр эди.

Тўсатдан, ўсмирлик пайтларида ҳиндлар базмхона-

сида бўлган машъум жанжал султоннинг ёдига тушди, тушди-ю, нечундир юраги «шиғ» этди. Ким билсин, эҳтимол ҳинд малаги сабаб, ўша машъум жанжал бўлмаганда, ҳозир рўпарасида хаёлга толиб ўтирган бу дарвеш букун унинг қўли ёхуд энг салоҳиятли лашкарбошиси бўлармиди?

— Биродарим Қутлуғқадам!— деди султон, ногаҳон овози самимий қалтираб.— Сабаби ёшлик, камина сенга ўринсиз озор берганим ёдимдан чиқмайди...

Маликул шаробнинг серажин, серсоқол юзида ҳайратга ўхшаш бир ифода зоҳир бўлди. У султоннинг аллақандай васвас дардига мубтало бўлиб, ғалати одатлар чиқарганини эшитган эди. Бироқ... бу сўзи, бу қилиғи! Энг яқин надимларини ҳайдаб юбориб, у билан май ичиб ўтириши! Бу телба-тескари гаплари!..

— Майли, давлатпаноҳ, ўтган ишга салавот! Эски ярани тирнамоқдан фойда йўқ...

— Фойда борми, йўқми, ўшал иш учун узр сўраймен сендан. Бенуқсон парвардигор, дейдилар. Афв эт, биродар!

Маликул шаробдан садо чиқмади. Султон чиндан ҳам унинг юрагидаги битмас ярани қайта тирнади. Қўнгли кенг одам, у юрагида кек сақламас эди, бироқ бу яра, ҳануз жизиллаб турган бу эски яра!..

— Ажаб ҳол!— деди Маликул шароб, мийнгида кулимсираб,— камина бир нарсага сира фаросатим етмайди, амирим!

— Яъни?

— Яъни... олло таоло ўз бандасига шундай ақлзаковат ато қилибди. Бандаси эса... нечун ҳамиша ақлга зид ишлар қилади? Нечун фақат бошига мусибат тушган чоғларидагина яхшилик ва эзуликни ўйлайди? Нечун ўзи чоҳ ёқасига бориб қолгандагина қилган гуноҳларини, бошқаларга ўтказган жабр-ситамларини эслайди? Нечун!

Султоннинг шароб тапти уриб бўғриққан юзидан қони қочиб, ялпоқ бурнининг кенг парраклари асабий ширпиради.

— Мени чоҳ ёқасига борди деб, ким айтди сенга?

— Ҳеч ким! Телба шоир, хаёлимга келган телба гапини айтдим, холос. Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, пошшойи олам!

Амирал мўъминин чуқур тин олиб, болишга ҳолсизгина ёнбошлади, ёнбошларкан, яна артилган шиша-

дай тиниқ осмонга кўзи тушиб, кўнгли ёришиб кетди.

— Сен ҳам кечир, Қутлуғқадам. Букун фақир ғаройиб бир ҳодисанинг шоҳиди бўлдим... Гардиз қалъаси томон овга чиққан эдим... Ногаҳон йўлимни болалик бир оҳу кесиб ўтди. Камина она-бола оҳуга от солдим. Онаси шамолдай учиб, тутқич бермади. Уни қувиб отиб олсам бўлур эди, раҳмим келди. Боласи эса... қочолмади, уни тутиб олиб ортимга қайтдим. Бир маҳал орқамга бурилиб қарасам...— султон тўсатдан томоғи ғип бўғилиб, дағал кафти билан қуйилиб келган кўз ёшларини артди.— Бурилиб қарасам, она кийик фарёд чекиб, орқамдан эргашиб келур! Кўнглим вайрон бўлиб, улоқчани қўйиб юбордим у ўз йўлимга равона бўлдим...

Маликул шароб нима дейишини билмай талмовсираб қолди. Ажабо: не-не шаҳарларни зер-забар қилиб, сон-саноксиз маҳбусларни дор сиртмоғига осганда қўли қалтирамаган, не-не қалъаларга ўт қўйиб, норасида гўдаклар, бегуноҳ аёллар ва кексаларнинг кулни кўкка совурганда раҳм-шафқат нелигини билмаган бу фотиҳи музаффар битта оҳунинг зорли индосига кўнгли вайрон бўлиб, юм-юм йиғлайди!

Султон мунгли кўзларни юмди, гўё олдида собиқ кули Қутлуғқадам эмас, қўл бериб юкинган пири муршиди ўтиргандай, сирли овозда давом этди:

— Йўқ, бу она-бола оҳунинг фақирга дуч келиши бежиз эмас! Парвардигори оламнинг иноятдан аломат бу! Зероким, падари бузрукворим ҳам бошига мушкул тушган кунларда шундай бир оҳуга дуч келиб, уни қўйиб юборган экан. Шу сабаб, омад ёр бўлиб саодат офтоби кулиб боққан экан!

«Э воҳ! Нечун бу мустабид шоҳ бунчалар адли инсофга келиб қолди, десам, бўрк остида тақя бор эканда!»

Маликул шаробнинг хиёл юмшаган кўнгли қайта музлаб, бошини пастроқ эгди.

«Йўқ, агар бу дунёда инсоф ва адолат бўлса, сен тўккан дарё-дарё қонлар бир оҳу учун кечирилмас, сен етим қилган гўдакларнинг фарёдлари бир улоқ учун нутилмас, амирал мўъминин!»

— Насиб қилса, эрта-бурускун «Мозори калон» қабристонидан ис чиқарамен. Қирқ ҳўкиз, қирқ туя, қирқ бия, қирқ қўчқор сўйиб, қирқ ботмон гуруч дамлаб, юртга ош берамен. Барча бева-бечоралар, етим-есир-

лар, гадолар ва йўқсилларга оқча улашиб, валилар руҳини шод қиламен. Бегуноҳ парвардигор, Қутлуғқадам! Агар, осий банда ёшликда бировларнинг кўнглига озор берган бўлсам, эндиликда, иншооллоҳ, савоб ишлар ила ,олло йўлига хайр-эҳсон ила гуноҳларимни ювмоқ ниятидамен!

Маликул шароб тўсатдан қўллари қалтирай бошлаганини сезиб, ичда ўзидан бир кулиб қўйди:

«Ҳа, нечун плонга рўбарў бўлган бақадай қалтирайсен, Маликул шароб? Қариганда жонинг ширин бўлди-ми? Қўрқма, биродар! Қирқ йил кўнглингни кемриб ётган аламларни тўкмоқ мавриди келди. Тўк бу аламларни! Ё бошинг кетар, ё устингдаги увада тўнинг!»

Маликул шароб коса тўла шаробни олиб, бир кўтаришда бўшатди-да, ширакайф кўзларини сузиб султонга қийғир қараш қилди. Унинг илҳоми келиб жазаваси тута бошлаган эди.

— Камина бир нарсадан қўрқамен, амир! Амирим қилган гуноҳларини ювмоқ учун қирқ туя, қирқ бия эмас, қирқ минг туя, қирқ минг бия сўйсалар ҳам етмас, пошшойи олам!

— Қирқ минг туя, қирқ минг бия?— султон лом-мим демай қўлидаги косани тўлдириб май қуйди-да, гўё Маликул шаробга тақлид қилгандай, уни бир сипқаришда бўшатиб, дастурхонга отиб юборди.

— Лозим бўлса, қирқ минг эмас, юз минг туя ва юз минг бия сўямен, Қутлуғқадам!

— Йўқ, офтоби олам! Юз минг бия, юз минг туя сўймоқ тугул, бор давлатлари, Осмон маликаси янгли саройлари, Боғи Фируза янгли бўстонлари, хазиналари тўла ганжлари, ҳарамлари тўла канизлари ва ҳаттоки бутун салтанатини совурсалар ҳам гуноҳларини ювмоққа етмас, амирим! Илло, сиз кесган бошлар, жабру ситамларидан қон йиғлаган мўминлар манов қўш чинор япроғидан ҳам кўпдир!

Маликул шароб жаҳл устида бу гапларни айтмиша айтди-ю, бирдан ҳушёр тортиб, султонга ўғринча назар ташлади. Амирал мўъминин эса, ажабо, дарғазаб бўлиш ўрнига жимгина бош эгиб ўтирар, гўё собиқ қулининг сўзлари унинг дилида исён эмас, йўқ, чуқур афсуснадомат уйготган эди.

— Осий банда,— деди султон, хиёл овози титраб.— Мен сени тенгқурим деб, ёшлик чоғларимнинг шоҳиди бўлган азиз биродарим деб, яхши ниятларимни изҳори

ихлос қилсам, сен... тагин дилозорлик қилдинг, тагин густоҳлигинга бориб, дилимни оғритдинг, Қутлуғқадам!

Маликул шароб бир зум айтган сўзларидан пушаймон қилиб, довдираб қолди.

— Офтоби олам! Камина... сиз валинеъмат амиримнинг хазинаи давлати беҳуда исроф бўлмасин, деб қайғурдим, холос.

Султон, кўзлари ўт чақнаб, Қутлуғқадамга тикилди:

— Заҳарханда қилма, бетавфиқ! Жаҳонгирлик қилган бўлсам... дини ислом йўлида қилдим! Бошқа юртлар зер-забар бўлса, ўз юртим обод бўлди! Ҳа, бани одамда инсоф йўқ экан, инсоф! Ҳамма менинг қатлу қирғинларимни сўзлайди. Ва лекин... бу доруссалтанатни доруссалтанат қилган ким? Осмон маликаси янглиғ саройлар, Кўшки давлат ва Кўшки маъмур каби қасрлар қурган, Боғи Фируза янглиғ жаннатмонанд боғлар яратган ким? Бу кўшк, бу боғу бўстонларни ким учун қурдим мен?

— Ким учун? Фуқаро учун, ғарибу ғурабо учун қурганлар, валинеъмат!— Маликул шароб қўлини бигиз қилиб, тепадаги гужумни кўрсатди.— Анов гужум остида турган олача тўнлик гадога бир қарасинлар, амирим!

Султон кутилмаган бир нтоаткорлик билан Маликул шароб кўрсатган томонга қаради. У ерда, бир туп райхондай бежирим гужум тагида, бир нечта машшоқлар давра қуриб ўтиришар, давранинг ўртасида олача тўнлик кекса бир дарвеш қийшанглаб рақс тушарди.

— Бобо Хурмо Савдойи дейдилар бу гадони!

— Бобо Хурмо?

— Ҳа, Бобо Хурмо Савдойи! Пошшойи оламнинг Боғи Фирузи ўрнида бу гадонинг кўркама хурмозори бўлғуси эди. Амирим уни тортиб олиб, ўрнига ўшал жаннатмонанд боғларини қурдилар! Маконсиз қолган бу шўрлик эса, мана, йиғирма йилдирки, бемакон тентираб юрибди! Амирим эса... бу боғу роғларни ким учун яратдим, деб гердаядилар!

Султон бошини хам қилганича яна бир дақиқа жим қолди. Сўнг, гўё кимгадир арз қилгандай:

— Тилинг заҳар сенинг, заҳар!— деб ингради-да, бесаранжом бўлиб:

— Қайдасен, Абул Ҳасанак? Сарбозлар!— деб қичқирди.

Соябон арава ёнида қаққайиб турган икки навкар қиличларини яланғочлаганларича қўш чинор томон интилишди.

Маликул шароб, соқол босган серажин юзи лов-лов ёниб, султонга қаради-ю, тўсатдан «сан»сираб:

— Чоп, амирал мўъминин! Чоп!— деб хитоб қилди.— Ёдингдами, султон? Ёшликда, ўзинг билган Афшон шол даҳасидаги ҳиндлар базмхонасида айш қилиб юрган чоғларимиз хотирингда борми, амирал мўъминин! Сенинг косангни эмас, менинг косамни қўлига олгани учун ҳасад ўтида қовурилиб, ўн тўрт яшар маъсумага қилич кўтарганинг эсингдами? Эсингда бўлса, билиб қўй, султон: ўшал раққоса... Наргизабону ҳамон тирик!

— Наргизабону... ҳинд раққосаси Наргизабону?

— Ҳа, сен қилич кўтарган ўшал заифа ҳануз ҳаёт! Қўллари майиб, бир умр сени қарғаб ўтгусидир, амирал мўъминин!..

Султон ногаҳон «ҳмм» деб, ўнг биқинини чангаллади-да, худди бўрон синдирган кекса толдай икки букилиб қолди.

Маликул шароб буни кўрди-ю, юрагидаги ғазаб худди сув сепилган гулхандай сўниб, дилида пушаймонга ўхшаш бир нарса уйғонди. Ҳой, аттанг! Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, ҳар қалай, ёшлик йиллари бирга ўтган, энди эса... усиз ҳам оллонинг қаҳрига йўлиққан бир бандани ожизга бу сўзларни айтмоқ даркормиди?

Маликул шароб, тўсатдан юраги қаттиқ ачишиб, ҳануз икки букилиб турган султон томон интилди, бироқ шу пайт қаёқдандир тасир-тусур от суриб келган Абул Ҳасанак билан шоир Унсурий навкарларни у ёқ-бу ёққа суриб, султоннинг қўлтиғидан олишди. Султон секин инграб уларнинг қўлларида осилиб қолди.

«Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен, парвардигори олам! Нечун у боя вафодор вазирининг сўзига кирмади? Нечун Маликул шароб аталминг бу шаккокнинг гапига кириб, унинг куфр шаробини ичди?..»

Навкарлар ёрдамида аравага чиққан султон бирдан ҳолсизлашиб бошини ёстиққа қўйди, қўяркан, кўзи яна осмонга тушди. Лекин бояги артилган шишадай тиниқ, нилый осмон ўрнига тубсиз чоҳдай зимистон бўшлиқни кўрди.

Униячи боб

Беруний бир неча кун ҳарорат ичида алаҳлаб ётди. У худди узлуксиз ёмон туш кўраётган одамга ўхшар, бу тушдан қутулиш учун бир «силкиниб» уйғониб кетишга уринар, бироқ уйғона олмас, уйғонган пайтлари-

да эса, кўзини очишга мажолни йўқ, хаёл оқимида жимгина сузарди.

Хаёл эса, негадир, эҳтимол ёшлик давридан ўтиб, кексаллик манзилига қадам қўйгани учундир, кўпроқ аллақандай беғубор болалик чоғларига талпинади, ўз юрти томон, лойқа Жайхун соҳилида қад кўтарган Қиёт томон парвоз қилади. Кўзини бир зум юмса Қиёт чеккасидаги ҳаммоллар ва ўтинчилар маҳалласи, маҳалладаги пахсадан ясалган ғариб кулбалар нигоҳи олдида кўндаланг бўлади. Кичкина Абу Райҳон эсини танибдики, кундуз кунлари гузар дўкондорларининг хизматини қилади. Уларга қудуқдан сув ташийди, дўконларини супуради, ҳалвофурушларнинг ўчоғига ўт ёқади, сомсапазларнинг сомсаларини сотиб беради, кулолларнинг дастгоҳларини айлантиради, темирчиларнинг босқонини босади. Қўл-оёғи чаққон бу озғин, қорамтир болакайни ҳамма яхши кўради, чунки у араблар растасида юриб араб тилини, ҳиндлар растасида ҳинд тилини, ҳатто бидир-бидир сўзларини ҳеч ким уқолмайдиган чин савдогарларнинг тилини ҳам тез билиб олади ва бепул, беғалва тилмочлик қилади. Кечқурунлари, кун ботиб, қош қорайган маҳалда эса, Жайхун соҳилига чиқиб, саҳро томон тикилиб ўтиради. Бир маҳал уфқда чумолидай тизилган одамлар кўринади, кўриниши билан яланг оёқ, яланг бош Абу Райҳон улар томон қушдай учади. У на оёғига қадалган тикан, на чағиртошларни сезади, шамолдай учиб боради-ю, бир қучоқ сазоқ¹ тагида эгилиб, узун асосини дўқиллатиб келаётган қоқсуяк аёл бағрига ўзини отади.

— Моможон! Сазоқингизни менга беринг, мен орқалаймен, моможон!

Аёл юришдан тўхтаб, озғин қорамтир юзидан оққан маржон-маржон терни артади, сўнг, сазоқдай дағал, қоп-қора қўлларини ўғлининг бошига қўяди.

— Моможон, деган тилларингдан момонг айлансин, тойчоғим! Шу бир оғиз сўзинг билан елкамдаги юкимни енгил қилдинг, шунинг ўзи кифоя, тойчоғим!

— Йўқ, йўқ,— дейди Абу Райҳон, момосининг қоқсуяк дағал кафтларини ўпиб.— Энди сиз уйда ўлтирасиз, моможон, мен ўзим ўтинкашлик қиламен! Сазоқ ташиб, сизни боқамен, моможон!

Аёлнинг ҳорғин кўзлари тўсатдан жиққа ёшга тўлади.

¹ Сазоқ — саксовул.

— Ёўқ, тойчоғим, сен ҳеч қачон ўтинкаш бўлмай-сен. Кеча ҳалвофурушнинг дўконида бир аллома мени чақириб айтди: олло ўғлингга тенгсиз заковат ва мисл-сиз салоҳият ато қилган, деди. Ўғлингни менга бер, ўзимга шогирд қилиб оламен, сабоқ ўргатамен, деди. Сен ўқиб аллома бўласен, дўконларга мирза бўласен. Шунда момонг ҳам саҳродан сазоқ ташишдан қутулади. Сен ул алломанинг этагидан қаттиқ ушла, тойчоғим!

— Сиз Абу Саҳл Масиҳийни айтасиз! Улуғ алломе ул, моможон!

— Моможон деган тилингдан момонг айлансин, тойчоғим! Насроний диндан бўлса ҳам, яхши одам экан ул Абу Саҳл Масиҳий, этагидан маҳкам ушла унинг, тойчоғим!

Абу Саҳл Масиҳий!

Ажаб ҳол: устод Масиҳийни эслаши билан Бегунийнинг миясида гўё заиф шамдай милтираб турган нарса «лип» этиб ўчди-ю, «ярқ» этиб бошқа бир чироқ ёнди.

Авжи баҳор. Жайҳун соҳилига туташиб кетган ўлка боғ айни гулга кирган. Боғ ўртасидаги икки қаватли кўшк хиёбонларида камалак рангли товуслар товланади, дарахтлар орасида ёввойи кийиклар кўзга чалинади, четлари нозик чиний кошинлар билан безатилган ҳовузларда булутдай оппоқ оқ қушлар сузади.

Ёш Абу Райҳон устод Абу Саҳл Масиҳий билан оқ айиқларнинг момиқ терилари тўшалган зиналардан юриб, кўшкнинг иккинчи қаватига чиқади.

Устод, токчаларида куппа-кундуз беҳисоб шамлар ёнган узун йўлакнинг охирига бориб, турнақатор эшиклардан бирини очади...

Деворларига буғу мугизлари, олмахон ва сувсар мўйналари осилган, тагига оқ ва қора айиқларнинг юмшоқ терилари ташланган кенг хонанинг ўртасида малларанг соқоли кўксига тушган, кўзлари кўм-кўк бир чол парқу ёстиқларга суяниб ёнбошлаб ётибди. Унинг ёнида кўзлари худди чолнинг кўзларидай мовий, узунчоқ юзи бозордаги Хазор жорияларининг юзларидай оппоқ бир соҳибжамол ҳисобчўт қоқиб, дафтарига бир нималарни ёзиб ўтирибди. Меҳмонларни кўрган соҳибжамол дафтар-қаламини кўксига босганича, назокат билан юриб чиқиб кетади. Чол эса меҳмонларни дастурхонга таклиф қилиб, устод Масиҳий билан ўз тилларида узоқ суҳбатлашади, сўнг, Абу Райҳонни олди-га чақириб ҳисоб илмидан синов қилади. Синовдан ке-

йин устод кетади, Абу Райҳон эса савдогарнинг уйида қолади. У ҳисоб-китоб ишларидан қутулгач, тун ярмигача ўз ҳужрасида мутолаа билан шуғулланиб ўтиради. Ниҳоят, мутолаадан чарчаб, энди тўшакка чўзилганида кимдир эшигини гурс-гурс уради, кетма-кет аёл кишининг «Мирзам!» деган зорли нидоси эшитилади. Абу Райҳон ўрнидан сакраб туриб, эшикни очади. Остонада... оппоқ қўлларида дир-дир титраган шам, Райҳона деган бояги мовий кўзли соҳибжамол турарди! Соҳибжамол Абу Райҳонни кўриб:

— Отам! Меҳрибон отам!— дейди-ю, ерга тиз чўкиб, юзини кафтлари орасига яширади. Абу Райҳон мрамар зиналардан кийингдай сакраб тепага чиқади. Чол ўша, дарнчалари Жайҳунга қараган серҳашам хонада қават-қават шойи кўрпачалар устида чалқанча ётар, унинг очиқ қолган кўм-кўк кўзларида ҳаёт сўнган, даҳани осилиб қолган.

...Бошқа оқшом. Дафн маросимидан кейин савдогарнинг серҳашам кўшки мотам сукутига чўмган. Ўз ҳужрасида яна китоб мутолаа қилиб ўтирган Абу Райҳон қандайдир тарақ-туруқ овозлардан чўчиб бошини кўтарди. Бу товушлар иккинчи қаватдан, Абу Райҳоннинг ҳужраси тепасидаги Райҳонабону хонасидан эшитилди.

Тепада, Райҳонанинг хонаси олдида... савдогар ҳаёт вақтида унинг энг яқин маҳрами бўлган бош мирза билан... юмалоқдан келган, кўм-кўк кўзлари гўдакнинг кўзларидай маъсум бир букри турарди. Эгнига сувсар пўстин, бошига сувсар телпак кийиб, белини олтин камар билан боғлаб олган бу букри — ё раб!— кўп йиллардан кейин Ғазнада пайдо бўлган, ўзининг найи ва атторлик дўкончаси билан донг чиқарган Пири Букрий эди!..

Ёш Абу Райҳон уни танийди. У маҳалда букри Қиёт шаҳрининг энг машҳур савдогарларидан бири ҳисобланарди!..

Букри, қўлида қандайдир қалин дафтар, зулфини узилиб тушган эшикни зўр бериб ўзига тортар, Райҳона эса, дағ-дағ титраб унинг кўкрагидан итарарди.

Ёшлик экан, қайноқ ўспиринлик чоғлари экан, Абу Райҳон нима бўлаётганини сўраб-суриштириб ҳам турмайди. Райҳонанинг ёш билан ювилган юзини кўради-ю, аввал бош мирзани, кейин нималардир деб бақираётган букрини гирибонидан олиб, мрамар зиналар томон отади. Бош мирза оёқ остидаги сип-силлик айиқ

терисига сирғаниб йиқилади, чорпақилдан келган букри эса мрамр зинадан худди тўнкадай гумбурлаб юмалаб кетади.

Беруний кейин суриштириб билса Райҳонанинг отаси букридан қарздор экан, бироқ букрини бу қарз эмас, ҳатто чолдан беҳисоб давлат ҳам эмас, балки унинг ёлғиз қизи, гўзал Райҳона қизиқтирар экан!..

Уша кеча, Райҳона Абу Райҳоннинг қучоғида йиғлай-йиғлай ухлаб қолади, эрта тонг эса Райҳонанинг иссиқ бўсаларидан маст бўлиб энди уйқуга кетган Абу Райҳон ваҳимали қийқириқлардан уйғониб кетади.

Иўқ, бу — бош мирза билан айёр букри кўтарган тўполон эмас, Қиётга ногаҳон бостириб келган Хоразмшоҳ қўшинларининг қийқириғи эди!..

Уша тонг Қиёт ҳокими қалъасида бошланган ёнғин бир зумда бутун шаҳарга таралади, чунки саҳрода кўтарилган довул ёнғин учқунларини осмони фалакка олиб чиқиб, ён-ёққа сочади, улардан кўтарилган олов эса аждаҳо каби даҳадан-даҳага, уйдан-уйга, дўкондан-дўконга сакраб, бутун-бутун расталар, саройлар, қасрларни ямлаб ютади.

Абу Райҳон қўлида беҳуш Райҳонабону, боққа қочиб чиқади. Жайҳун соҳилида туриб, Қиёт бошига тушган мислсиз офатни, гўё бир боғ шувоқдай ловиллаб ёнган дўконлар, туташ расталар, уйлар, карвонсаройлар, қасрларни ўз кўзи билан кўради, жаҳаннам ичида қолган одамларнинг фарёдини, думлари ва ёллари ёнган отларнинг кишнаши, қўй ва эчкилар, мушук ва итларнинг одам боласи янглиғ зорли йиғинини эшитилади, кўзида ёш, юраги қон бўлиб эшитилади.

Қизиқ дунё экан бу дунё! Кейин билса... ўша кеча насроний савдогарнинг кўшкни билан бирга Райҳонабону ишқида ёнган букрининг кўшклари ҳам баробар куйиб, баробар кул бўлган экан!

Берунийнинг миясида базўр милтираган хира чироқ «лип» этиб ўчади-ю, бошқа бир чироқ ёнади.

Бепоен саҳро. Тун. Ҳаммаёқда гулхан, тўғрироғи, сўнаётган гулханларнинг заиф шуъласи, гўё осмон тўла юлдузлар ўша оқшом ерга ёмғирдай ёғилгану ҳудудсиз саҳрога тариқдай сочилиб кетган. Саҳрода, юлдуздай милт-милт этган бу гулханлар атрофида уводажувада одамлар. Булар мағлуб Қиётдан музаффар Гурганжга ҳайдаб кетилаётган беҳисоб маҳбуслар. Улар, Хоразмшоҳ сарбозлари қуршовида кундуз йўл юриб, кечалари саҳрода тунашади, гулхан ёкиб ичини

шади, сув қайнатишиб, сарбозлар улашган зоғора нонларни тановул қилишади. Райҳона тушгача бир амаллаб ўзи юради, тушдан кейин чағиртикон ва тошлар тилка-тилка қилган оёқларини босолмай, йиқилиб қолади, шунда Абу Райҳон уни опичлаб олади.

...Кўкда ҳам, ерда ҳам беҳисоб юлдузлар милтирайди. Фир-фир эсган совуқ шабадада сўнаётган гулханнынг заиф чўғлари ногиронгина жимирлайди. Абу Райҳон, устидаги увада чакмонини ечиб, беҳол дилдираб ётган Райҳонанинг устига ташлайди. Шу пайт қоронғида бўғиқ хириллоқ йўтал эшитилади.

— Олло йўлига бир тишлам нон!..

Зимистон қоронғиликда... эгнига жулдур чопон, бошига эски кулоҳ кийган паканагина бир кимса пайдо бўлади. Кимсанинг соқол-мўйлови, қош-киприклари куйиб, юзи совуқ бир ниқобга ўхшаб қолган.

Гулхан ёнида исиниб ўтирган Райҳона гадони кўриб, ўзини Абу Райҳоннинг қучоғига отади! Ё тавба! Соч-соқоли куйиб, қош-киприклари тўкилиб, арвоҳга ўхшаб қолган бу кимса... ўша, Қиёт шаҳрининг энг бадавлат кишиси бўлган букри савдогар эди.

Ҳа, тақдирнинг ўйини қизиқ экан!..

Кўп ўтмай, Абу Райҳоннинг кўз очиб кўрган севгилисидан Райҳонабону оламдан ўтади. Абу Райҳон Қиёт қирғинидан сўнг Гурганжни тарк этиб, Журжонга, Журжондан Райга, Райдан Ҳамадонга ўтиб, мусофир юртларда дарбадар кезиб юрганида оламдан ўтади. Илонинг ёғини ялаган бу букри эса ҳануз тирик, ҳануз оёқ остида ивирсиб юрибди! Ивирсиб эмиш! Дафъатан кўрган киши раҳм қиладиган бу айёр тунов кун кимсан Ҳорун ар-Рашид ғазнасидан йўқолган машҳур жавоҳирни кўз-кўз қилиб, ундан Садафбибинини сўради. Ким билсин, Абу Райҳон бу совуқ гўрда тириклай кўмилаб ётганида, у баттол букри ертўласига яширинган ҳисобсиз дунёсини сочиб, Садафбибинини олиб кетгандир ҳам!..

Ё алҳазар! Бу не? Тушим, ўнгим? Ана, эшик товушсизгина очилиб, Садафбиби кириб келди. Маъюс қуралай кўзларида аллақандай ҳадик, юмалоқ кулча юзи ҳаяжондан оқарган. У ҳарир ипак дурраси билан юзининг бир томонини хиёл яширганча Берунийнинг ёнига ўтирди.

Йўқ, ҳозир эмас, ўша кун, машваратдан бир куп аввал, Хатлибегим келиб кетган кун бўлиб ўтди бу воқеа, лекин гўё ҳозир бўлаётгандай кўз олдида турибди. Ўз сўзлари ҳам, Садафбибининг жавоблари ҳам —

хамма-хаммаси қулоқлари остида қайта янграётгандай бўляпти унга.

— Бибим. Сен қизим бўлсанг, Сабҳу менинг ўғлим.

— Устод! Мени... мен шўрликни қувманг! Дийдорингизни кўрмоқ бахтидан жудо қилманг мени, жудо қилманг!

Мана, ўшандан бери неча кун ўтди! Бироқ Беруний ҳамон кафтида қизнинг иссиқ лабларини ҳис этади, ҳамон унинг ҳазин, дардли овозини эшитади. Ё тавба! Унга не бўлди? Бу не ўй, не орзу? Билагидан кучи, белидан қуввати кетиб, бу совуқ гўрга тириклайин тиқилганда ўйлайдиган ўйми бу?

Беруний юраги ёниб кетаётгандай бўлиб, қора қумгондан бир қултум сув ичди... Йўқ, ҳозир аламли ўйлар пайти эмас, бундай ўйлар билан усиз ҳам ўртаниб турган юракни баттар ўртайдиган пайт эмас!

Беруний, бутун иродасини тўплаб, хаёлини бошқа томонга буришга уринди. Ҳақиқатан, сал ўтмай, миясидаги кўнгилни ғаш қилувчи хира чироқ ўчиб, шуъласи тиниқроқ бошқа бир чироқ ёнди.

...Яна бепоён саҳро. Яна серюлдуз, зимистон кеча. Яна гулхан ловиллаб ёнади. Бироқ гулхан ёнида Райҳона эмас, ибн Сино. Иккиси ҳам чуқур сукутда.

Қиёт қирғинидан кейин кўп йиллар ўтган, кўп сувлар оқиб кетган. Журжон ва Райда, Қобус ибн Вушмагир каби маъман, калондимоғ ҳокимлар саройида кечган мусофирлик йиллари орқада қолган, у ўз элига қайтган. Лекин ўз элига қайтгач топган иззат-иқромлари, Гурганж ҳокими Маъмун ибн Маъмун саройидаги «Мажлиси уламо»да кечган масъуд дамлар, ширин суҳбатлар, қизгин мунозара ва мушоиралар ҳам — ҳаммаси ўз интиҳосига етган. Чунки Ғазна ҳокими султон Маҳмуддан фармони олий келган. Маъмун ибн Маъмун саройидаги барча алломалар Ғазнага, султон саройига жўнатилмоғи лозим. Султон истаган алломалар орасида Абу Али ибн Сино билан устод Масиҳий ҳам бор. Лекин улар султон тилагини рад этиб, Журжон томон бош олиб кетишга аҳд қилишган.

Зим-зиё кеча. Осмон аллақандай мусаффо, оппоқ юлдузларга тўла... Жайҳун соҳилидан эсан ғир-ғир шабада ўртадаги гулханни гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга елпиб ўйнайди.

Беруний бир Журжон томонларда ўтган мусофирлик йилларини эслаб, хомушланади, бир бўлғуси жудоликни ўйлаб, уф тортади. Абу Али эса, қандайдир ях-

ши умидлар қанотида парвоз қилади, у Берунийни ҳам бирга кетишга ундайди. Бошга тушгани бирга кўрайлик, деб ёлворади.

— Бирга бўлишни мен ҳам истаймен!— дейди Беруний хўрсиниб.— Дил-дилимдан истаймен. Аммо тагин Журжонга бормоқ, тагин Қобус ибн Вушмагир янгли ҳокимлар хизматида бўлмоқ!.. Йўқ, камина уларни кўриб тўйганмен, азизим.

— Султон Маҳмуд-чи?— дейди Абу Али.— Қобус ибн Вушмагирдан неси афзал унинг? Ё Ҳиндистону Хуросонда қилган қирғинлари ёдингиздан чиқдимми, устод?

— Йўқ, азизим, ёдимдан чиққани йўқ. Камина Ғазна ҳокимини Журжон ҳокимидан афзал кўрмаймен. Оқ қарға, қора қарға — бари бир қарға. Ва лекин...

— Йўқ, устод!— дейди Абу Али қизишиб.— Ҳамма ҳоким бир хил эмас, сомонийларни эсланг!

— Во ажабо! Сомонийлар Бухоро ва Хуросонни қонга беламаганми? Аҳли мардумнинг бошига кулфат солмаганми?

— Солган! Аммо, биласиз, бу фоний дунёда ҳамма нарса нисбийдур. Сомонийлар...

— Ёшлик қиласен, Абу Али!...

— Хўп, мен ёшлик қилай, устод. Аммо... наҳот бутун оламни қирғинбарот қилган бу мустабид султон тўғрисидаги машъум ривоятларни эшитмагансиз, устод?

— Қайси ривоят?

— Ажаб ривоят!— дейди Абу Али сўна бошлаган гулханга саксовул ташлаб.— Шундайким, бир бойўғли ошносининг қизини ўз фарзандига сўраб борибди. Ошноси вайрона бир шаҳарни макон қилган экан, совчиликка келган биродарига маконини кўрсатиб кўп мақтанибди. Биродари ҳам ўз вайронасини таърифу тавсиф қилиб ошносидан ошириб мақтабди. Қизинини ўғлимга берсанг ана шундай вайронага тушади, деб керилибди.

— Хўп, бир эмас, юз қизим ҳам сенинг зурриётингдан садаға,—дебди ошноси.— Аммо бир шартим бор, биродар.

— Хўп, сўзла шартингни!— дебди совчи бўлиб борган бойқуш.

— Шартим шуки, қизимнинг қалини ҳисобига юзта вайрона шаҳар инъом этасен менга.

Шунда биринчи бойқуш қаҳ-қаҳ отиб кулибди.

— Ғам ема, ошна! Бахтимизга султон Маҳмуд омон бўлғай! Султон Маҳмуд омон бўлса, юзта эмас, мингта

вайрона шаҳар десанг ҳам топиб берамен!.. Наҳот бу ривоятни эшитмагансиз, устод?

— Эшитганмен. Сал бошқачароқ бир турини эшитганмен. Аммо Ғазнага бормасликнинг иложи йўқ, азизим. Султон Ғазнавийнинг вазири Хўжа Аҳмад Маймандий жаноблари лашкар тортиб, йўлимизни пойлаб турибди, Абу Али!

— Қочамиз. Пинҳона қочамиз, устод... Камина кичик бир карвон билан аҳдлашиб қўйганмен. Мавлоно Масиҳий ҳам кетмоққа бел боғлагандур, устод.

— Сизларга оқ йўл, азизим!— дейди Беруний.— Йўлларингиз бехатар бўлсин. Мен эсам... йўқ, бир борган жойимга иккинчи маротаба боришга на кўнглим чопади, Абу Али, на тоқатим етади! Чархи фалак ҳали неча бор айлашиб келур. Насиб этса тағин дийдор кўришгаймиз. Кўришмасак... рози бўл, азизим. Орамиздан яхши-ёмон сўз ўтган бўлса, кечиргайсен, иним!

— Сиз ҳам кечиргайсиз, устод!— дейди Абу Али. Қоронғида унинг «қулт» этиб ютингани эшитилади.— Гуноҳкор банда, густоҳлик қилиб кўнглингизни огритган бўлсам... кечиргайсиз, устод!

Йиллар ўтади. Ғазнага келган Беруний шаҳар чеккасида расадхона қуради. Султоннинг фармони билан қурилишга Исфаҳон ва Ҳамадондан бир гуруҳ меъморлар таклиф қилинади. Улар Берунийга ибн Синодан илк мактуб келтиришади, мактуб билан бирга совуқ бир хабар келади: Абу Али билан Гурганждан чиқиб, Журжон томон пинҳона йўл олган устод Абу Саҳл Масиҳий йўл азобига дош беролмай, саҳро қўйнида жон таслим қилган эмиш!..

Мана, бу машъум хабар келганига ўн беш йилдан ошибди. Бироқ Берунийни ҳануз тизгинсиз бир ўй эзди: нечун ўшанда Абу Алининг насиҳатини олмадим, насиҳатини олганимда, эҳтимол, чўл бағрида кекса устодга мадад берармидим, деган бетаскин бир ўй кўнглини хуфтон, дилини вайрон қилади.

Ибн Сино эса... мана, салкам йигирма йилдирки, Беруний уни бир кўрсам, деб орзу қилади. Айниқса, Ҳиндистондан қайтиб, унинг «ал-Қонун»ини ўқигандан бери бу орзу унга тинчлик бермайди, гоҳо уни тушларида кўриб чиқади...

Ким билсин, тунов кунни Хатлибегим айтганидек, ибн Синога махсус элчилар юборилган бўлса, эҳтимол, келиб ҳам колар... Йўқ, бўйи баробар олтин ваъда қил-

ганда ҳам султонга хизмат қилишга кўнмаган ибн Сино энди ҳам кўнмас. Борди-ю, кўнганда ҳам у етиб келгунча унинг ўзи тирик бўладими ё бу гўр азобига дош беролмай жон таслим қиладими? Уни кўрмай, унинг ўз қўлидан «ал-Қонун»ини олиб, «Ҳиндистон»ини унга инъом этиш бахтига муяссар бўлолмай оламдан ўтадимми?

Ё тавба! Бу ғам, туздай тахир бу кўз ёши қайдан келди? Бошингга бундан юз баробар катта мусибатлар тушганда ҳам бу қадар эзилмаган эдинг, бу қадар букилмаган эдинг! Сенга не бўлди, Абу Райҳон?

Беруний миясидаги хира шамни ўчариб, тиниқроқ шамларни ёқишга узоқ уринди, бироқ қайси шам ёнмасин, охир-пировардида бора-бора хиралашиб қолар, кўнглидаги ёруғ эсдаликлар оғир, нотинч ўйлар билан алмашарди.

Ун баривчи боб

Султоннинг тантиқ вазири Абул Ҳасанак амирал мўъминининг шабистонидан¹ ширакайф одамдай гандираклаб чиқди-да, саломхонадаги курсига ўзини ташлади. Кимдир йўталгандай бўлди. Саломхонага... қози имом Сайид кириб келди.

Қўлида оғир қаҳрабо тасбеҳ, эгнида бўй-бастига ярашган сафроранг жубба, бошида сафроранг салла, икки юзи анордай қип-қизил қози имом Сайид курсида бемажол ўтирган Абул Ҳасанакка қараб биллинар-биллинемас бош ирғади-да, боқма ғоздай кеккайиб, ичкарига кириб кетди.

Абул Ҳасанак базўр ўрнидан турди, базўр юриб саломхонадан чиқди. Шу топда у ҳеч кимга дуч келишни истамас, унинг кўнгли фақат бир нарсани тилар — тезда ўз кўшигига етиб борса-ю, уст-устига бир-икки пиёла май ичиб, хобхонада бўлиб ўтган совуқ гапларни хаёлидан чиқарса. Лекин қасдига олиб, саройдан чиқиши билан дунёда энг ёмон кўрган одами — вазири аъзам Али Ғарибга дуч келди.

Али Ғариб, сарой олдидаги хиёбонда, ўз ғуломлари қуршовида турар, улардан нарироқда яна тўрт нафар суворий кўзга чалинар, булар Абул Ҳасанакнинг шахсий ғуломлари эди.

¹ Ш а б и с т о н — ётоқхона.

Абул Ҳасанак дарвозадан чиқиши билан Али Ғариб, ёши улуғ ва мартабаси баланд бўлса ҳам, пилдираганича унинг истиқболига юрди.

— Иним Абул Ҳасанак! Маслаҳатли иш бузилмас, деган гап бор. Сиз билан маслаҳатлашадурғон бир юмуш чиқиб қолдиким, илтимос — ғариб кулбамизга илтифот этсангиз!

— Не маслаҳат?— Абул Ҳасанакнинг овози шубҳа аралаш совуқ таҳдид билан янгради. У бош вазирдан ҳаминша ҳадиксирар, бу қари тулки уни синаш мақсадида чақираётганини сезар ва бундан қўрқар эди. Али Ғариб бунни пайқаб чуқур хўрсинди.

— Олло шоҳид, иним, амирал мўъмининнинг бошидаги мусибат сиз билан меннинг бошимизга тушган мусибатдур. Илло, бу мусибатдан олампаноҳнинг душманлари шод бўлса, дўстлари қон йиғлайдур. Бас, бу сўз ҳақиқат экан, сиз билан биз бир-биримизга суяниб иш тутмоғимиз даркор. Отга мининг, иним!

Қош қорайиб қолган, шаҳар ҳарир нимқора парда билан ўралганга ўхшар, ҳар жой-ҳар жойдаги тошфонуслар хира юлдуздай элас-элас кўзга чалинарди. Шаҳар кўчалари кимсасиз, дўконлар ёпилган, фақат сой бўйидаги баъзи карвонсаройлардагина тунги сирли ҳаёт шионалари сезилар, қўрғонларда гулхан ёнар, ўчоқлар атрофида одамлар куймаланар эди.

Бош вазирнинг баланд қўрғон билан ўралган кўшк сойнинг чап соҳилида, Боғи Фирузадан бир чақиримча қуйида, зодагонлар даҳасининг бошида эди.

Кўшк дарвозасида гулхан ёқиб ўтирган ясовуллар баробар қилич яланғочлаб, йўл тўсишди, бироқ олдинда от чоптириб келган сардорнинг, «Вазир аъзам жаноблари!» деган хитоби билан дарҳол қиличларини шарақ-шуруқ қинларга уришиб, отларнинг жиловидан олишди.

Нафис ҳаворанг мармар билан зийнатланган икки қаватли муаззам кўшк дарвозадан анча йироқда, улкан боғнинг ўртасида эди. Ҳозир кўшкнинг фақат бир нечтагина даричалари ёруғ, қолганлари ўйиб олинган кўздай қорайиб турар, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит фақат боғда, дарэхтлар орасида қандайдир соялар ғимирлаб юрарди.

Али Ғариб худди бош вазир эмас, Абул Ҳасанакнинг итоаткор ғуломидай олдинда пилдираб: «Марҳамат, азизим, марҳамат», деганича, хиебон бўйлаб кўшкка йўл бошлади. У кўшк бўсағасида қўл қовуштириб

турган сертавозе гуломлар ёнидан ўтиб, иккинчи ошёнага кўтарилди-да, ўнг қўлдаги икки тавақали ўймакор эшикни очди. Бу — Абул Ҳасанак кутганидек, шоҳона жиҳозланган хона эмас, аксинча, фақирона безатилган чоғроқ хона эди. Хонанинг эшик ва даричаларига одмигина кўк дарпардалар тутилган, ердаги палослар устига қизил бўз кўрпачалар тўшалиб, қизил болишлар ташланган.

Хонанинг ўртасида нози неъматларга тўла саккиз қиррали катта хонтахта турарди. Оддийгина сопол тақсимчаларда писта ва бодом, асал ва шиннилар, мурабболар, улкан лаганларда тоғдай уйилган бедана қовурдоқлар...

Абул Ҳасанак тўрдаги қизил бўз кўрпачага ўтиб ўтираркан, вазири аъзамнинг хонасини яна бир кўздан кечирди, кечираркан, негадир бундан уч-тўрт йил муқаддам собиқ бош вазир Хўжа Аҳмад Маймандийга¹ тақилган айблар ёдига тушди. Собиқ бош вазирга тақилган энг катта айб — ўз мансабидан фойдаланиб, ҳисобсиз бойлик орттирганликда эди. Рост, унинг кимсан Хўжа Аҳмад Маймандийнинг тиллик² ва тилсиз бойликлари ҳеч кимга сир эмас эди, чунки собиқ бош вазир ақл ва макрда ягона бўлса ҳам, бойлигини ҳеч кимдан сир тутмас, аксинча. Осмон маликаси каби кўркам саройини, саройдаги ҳарамни, ҳарамдаги онаси ўпмаган канизларини, йиққан зеб-зийнатларини кўз-кўз қилишни яхши кўрар, тўй-ҳашамларда эса, топган дунёсини шамолдай совурар эди. Аммо бу сахийлик, бу ошкора намоёнларнинг оқибати нима бўлди? Собиқ бош вазирнинг ганимлари, жумладан, Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам Хўжа Аҳмад Маймандийни йиқитишда унинг кўркам қасрлари, ҳарамлари ва ҳарамларидаги ҳусида тенгсиз жорияларини рўқач қилмадимми?.. Рўқач қилди! Абул Ҳасанак ҳам, собиқ бош вазирнинг тагига сув қуйган бу маккор Али Ғариб ҳам Хўжа Аҳмад Маймандийга «салтанат хазинасига чанг солди», деган айб тақиб, уни ўз ёни, ўз ўқи билан отиб қулатишди... Аммо... илоннинг ёғини ялаган бу тулки Маймандий тақдиридан ўзи учун катта хулоса чиқарибди, у эса, ҳовлиқма Абул Ҳасанак эса... бу ншдан ҳеч бир сабоқ олмабди!

Абул Ҳасанак билар, бир қарашда чумолидай бео-

¹ Султон Маҳмуднинг машҳур бош вазири.

² Тиллик бойлик — қуллар маъносид.

зор кўринган бу юм-юмалоқ хомсемиз одам ҳамма шаҳар, ҳамма музофот ҳоқимларини қўлга олган, айниқса бой тижорат аҳли ундан зир титрар, бирорта хорижий савдогар катта инъомларсиз салтанат сарҳадини ҳатлаб ўтолмас эди. Ажабо! Унда ўз бўй-бастига зид пинҳоний бир куч, сеҳрли бир иқтидор бор эдиким, бу куч ва макрнинг ҳаммасини у фақат бир мақсадга, бойлик орттириш мақсадига қаратган эди. Абул Ҳасанак буни билар, ҳар қалай бу баттолнинг бойлиги Хўжа Аҳмад Маймандийнинг бойлигидан юз баробар ошиб кетганини сезар ва бугун бўлмаса эртага уни фош қилиб, бошига собиқ бош вазирнинг кунини соламан, деб юрарди. Аммо, э воҳ, бу қари тулки у ўйлагандан ўн чандон муғамбир экан, пинҳона ишларининг изини ҳам қолдирмай, ҳаммаёқни шипшийдам қилиб қўйибди. У бўлса...

Абул Ҳасанакни ёлғиз қолдириб қаёққадир гумдон бўлган Али Ғариб, лаҳза ўтмай, бўйни ингичка, қорни катта чиройли биллур идиш кўтариб кирди. Идиш олтиндай товланган шафақранг май билан тўлдирилган эди. Бош вазир мийнғида кулимсираб, биллур идишни токчадаги шамга тутиб томоша қиларкан:

— Қирқ йил ертўлада ётган бир хум майим бор эди,— деди тамшаниб.— Сиз азизим шарафига шу хумни очтирдим, иним...

— Во ажабо! Агар янглишмасам, жаноблари шароб ичмоқни гуноҳи азим, деб билур эдилар!

— Олло ўзи кечиргай! Букун офтоби оламнинг аҳволи руҳиясини кўриб жигар-бағрим эзилиб кетдики, кўнгил чигилларини жиндай ёзмоқ гуноҳ бўлмас, азизим. Қани, банияти шифо! Султони салотинга шифо бергай. Йлоҳи омин!

«Чамаси бу тили шакар, ичи заҳар қари тулкининг ёмон бир муддаоси бор. Эҳтиёт бўлмоқ даркор!»

Абул Ҳасанак олтиндай товланган шафақранг майдан бир ҳўплаб, пиёлани қайтариб бермоқчи эди, бироқ мусаллас шундай хушбўй, шундай хуштаъм эдики, томоғидан «култ» этиб ўтиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Бай-бай-бай! Филҳақиқат ,қирқ йил сақлаб-сиз!

Абул Ҳасанак бу паканагина, лўппи юз одамни жиндан ёмон кўрса ҳам, ундан доим ҳадиксираб юради. Рост, собиқ бош вазирни ағдаришда улар бир ёқадан бош чиқаришган, лекин Абул Ҳасанак бу ширин забон

тулки билан Хўжа Аҳмад Маймандийга қарши зимдан тил бириктирганида, уни вазири аъзам бўлади, деган ўй етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, акс ҳолда тил бириктирмас эди.

Тўғри, амирал мўъминин уни, Абул Ҳасанакни ўз фарзандидан ҳам яхши кўради, энг яқин надимим деб билади. Илгари, бу муҳҳиш васвас дардига гирифтор бўлишидан аввал, усиз бирор ўлтириш қилмас, Абул Ҳасанак султоннинг ҳамма анжуманларида бош-қош бўлар, базми жамшидларида соқийлик қилар, яхши сўзлари, мадҳиялари, лутфлари билан амирал мўъминини ҳам, бошқа аъёну боёнларни ҳам хушнуд этиб келарди. Шу боисдан ҳамма уни султоннинг энг яқин муқарриби деб биларди. Энди ўйлаб қараса, султоннинг бу илтифотига суяниб, кўп ҳовлиқибди, кўп душманларнинг додини берибди-ю, аммо-лекин оёқ остидан бу фалокат чиқиб қолишини хаёлига ҳам келтирмабди. Унинг назарида, суянган тоғи амирал мўъминин тахтада ўттиз-қирқ йил эмас, тоабат турмоғи лозим эди. Ҳайҳот, фақат ожиз бандалар эмас, султони салотиндай «метин тоғ» ҳам абадул-абад турмас экан бу дунёда.

Хумда қирқ йил асир ётган «шайтон» ўз ишини қила бошлади: Абул Ҳасанакнинг ичини ёндириб, томирларидаги қонини жўштириб юборди. Бош вазир ҳам митти кўзлари артилган сирғадай ялтиллаб, лўппи юзлари нақш олмадай тарам-тарам қизарди, бироқ иккала вазир ҳам гап бошлашга журъат этолмас, хаёлларида туғён урган фикрларни жиловлашга уриниб, ҳадеб нози неъматларга зўр беришар, «олинг, олинг»лашиб, иззат-икромда бир-бирлари билан мусобақалашарди.

Ниҳоят, Али Ғариб, лўппи юзнини силаб, чўзилиб кетган сукутни бузишга журъат этди.

— Шак йўқ, олампаноҳнинг тилагини ҳеч бир кимса тарки вожиб қилолмайдур. Амри пошшо вожибдур. Давлатпаноҳ катта ўғли амир Масъудни эмас, кенжа зурриёти шаҳзода Муҳаммадни валиаҳд деб фатво берган экан...— Али Ғариб тилининг учига келган сўзини ичига ютиб, рўпарасида ёнбошлаб ётган Абул Ҳасанакка кўз қирини ташлади, ташлади-ю, дарҳол нигоҳини узди. Абул Ҳасанакнинг мастона сузилган кўзларида қандайдир ёмон бир ҳадик жилва қиларди.

— Сўзланг, сўзлай беринг, тақсирим...

— Йўқ, менинг ортиқча сўзим йўқ,— деди Али Ғариб, дарҳол, ҳушёр тортиб.— Шаҳзода Муҳаммад диё-

натли, мўмин-қобил йигит. Ва лекин фақир амир Масъуддан қўрқаман. Давлатпаноҳ уни тожу тахтдан мосуво қилиб, шаҳзода Муҳаммадни валиаҳдим деб фатво берганда... сиз билан мен каломуллони қўлга олиб, қасам ичдик. Шак йўқ, қасамёд қилганимиз амир Масъуднинг қулоғига бориб етгандур!

Абул Ҳасанак тўсатдан шиддат билан қаддини ростлаб:

— Муддао?— деб сўради.— Бу сўздан мақсад не? Очиқ айтинг, жаноб бош вазир!

— Йў-йў-йўқ! Ҳеч бир ёмон ниятим йўқ!— Али Ғариб шоша-пиша пиёлаларга май қуйди, қуяркан, нимжонгина момик қўллари титраб кетди-ю, тилларанг шаробдан бир неча томчиси оппоқ дастурхонга томиб, пуштиранг нуқталар қўйди.

— Сиз ёшсиз, азизим, камина эса, кўп балоларни кўравериб, кўса бўлганмен, иним.

«Балли, ана энди ҳақ гапни гапирдинг!»

— Фақир сизни бу ғариб кулбамга таклиф қилиб, кўнглимни очган бўлсам, бошимизга қилич келганини сезиб қилдим бу ишни! Токи, бу қилич иккимизнинг бошимизда баробар турибди!— Али Ғариб тўсатдан кўзига ёш олди.— Такрор айтамен, иним, амри пошшо вожибдур. Ва лекин... амир Масъуд!.. Тожу тахт деганда ҳеч нарсадан қайтмайди у нобакор!

— Хўп!— Абул Ҳасанак май тўла пиёлани хонтахтага «тақ» эткизиб қўйди-да, кафтининг орқаси билан қоп-қора бежирим мўйловини силади. Унинг шаробдан бўғриққан чиройли юзида, ҳарам гўзалларининг кўзларидай катта-катта серкиприк кўзларида қандайдир кишини ўзига ром этгувчи шиддат ва қатъият зуҳур этди.— Бошимизга не мусибат келмасин... камина ул офтоби оламнинг нзми ихтиёридин чиқмасмен!

— Боракалло!— деди Али Ғариб, момик қўлларини кўксига қўйиб.— Аммо... амир Масъуд!

— Ота рози — худо рози! Падари бузруквори норози бўлгон зурриётдан худо ҳам норози!— деди Абул Ҳасанак, аллақандай жўшиб.— Бас! Амир Масъуддан қўрқмоқ эмас, қилич чархламоқ даркор, жаноби бош вазир, қилич!..

— Сўзингиз тўғри, азизим. Аммо-лекин, ўзингиздан қолар гап йўқ, иним, барча амир, барча лашкарбошиларнинг амир Масъудга ихлослари баланддур.

— Йўқ!— деди Абул Ҳасанак, бўғиқ таҳдидли овозда. Унинг учлари буралган бежирим мўйловни дикрайиб,

кўзлари ола-кула бўлиб кетди.— Балки лашкарбошилар орасида фитна бордур? Балки амирал мўминин оламдан ўтмасдан туриб, унга чоҳ қазिश пайида юрган нонкўрлар бордур? Балки бу фитнанинг бошида вазири аъзам жаноблари ўзлари тургандур?— Абул Ҳасанак, ўз сўзидан ўзи жунбишга келиб, ўнг қўлини қилич дастасига қўйди. Унинг ола-кула кўзларида телбалик аломатлари зоҳир бўлди.— Агар фитна бўлса, билиб қўйинг, вазири аъзам! Фақир тирик эканмен, кимки амирал мўмининга чоҳ кавласа, ўзи шу чоҳга қулайди!— Абул Ҳасанак, қиличининг бандини ушлаганича, ўрнидан тура бошлади, бироқ туриб улгурмади. Али Ғариб бақалоқ гавдасига зид бир чаққонлик билан ўрнидан сапчиб турди.

— Торт қўлингни қиличдан! Ё ҳозир ғуломларимни чақирамен! Қўлларингга кишан урдириб, зиндонга ташлаймен, тентак!

Абул Ҳасанак, гўё ўз қулоқларига ишонмагандай, кўзларини катта очиб анграйиб қолди, дикрайган мўйловининг учлари худди ўқ еган қушнинг қанотларидай пир-пир учди-ю, қиличининг бандини қўйиб юбориб, кўрпачага ҳолсизгина йиқилди.

— Ке... кечиргайсиз, валинеъмат!

У, гарчи бош вазирининг фириб бобида беназир эканини билса ҳам, кўнглининг тупкарисида уни писанд қилмас, назарида, агар астойдил киришса, уни вазири аъзамликдан афдариб ташлашга ҳам қурби етар эди. У эндигина бу юм-юмалоқ, бақалоқ одамнинг бутун мудҳиш қудратини ҳис этди.

Али Ғариб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, қайта жойига ўтирди, бўғиқ таҳдидли овози қайта мулоимлашиб, секин давом этди:

— Камина сизни ўз инимдай яқин тутиб, кўнглимдаги дардларимни изҳор этсам, сиз...

— Узр, валинеъмат. Ешлик қилдим!..

— Бошга қилич келганда киши юрак амрига эмас, ақл-идрок амрига таянмоғи даркор. Билиб қўйинг, иним, не кўп, сиз билан бизнинг душманамиз кўп. Қўлингизда қилич, белингизда қувват бор экан, улар сизга таъзим бажо келтириб, илжайиб туради. Қиличингиз қўлингиздан тушса ўзлари қилич яланғочлайди. Сиз билан биз амирал мўминининг қўлидаги қиличлари эдик. Ёдингизда бўлсин, янги шоҳ, аввалги шоҳнинг қиличларини тақмайди, билъакс, уларни синдириб ташлаб, ўз қиличларини таққусидир. Амирал мўминин, — олло унинг

умрини узоқ қилғай,— бу бебақо дунёни етим қилиб, ул даргоҳи илоҳийни мунаввар этадурғон бўлса, сиз билан биз ўша куниёқ эски қиличга айланурмиз. Бу мусибат фақат биз эмас, бола-чақаларимиз, насл-насабимизнинг бошига ҳам тушмаса деб қўрқаман. Қўрққанним сабаб, сизга кўнглимни очиб, дардимни айтдим, сиз эса... сўзимнинг «худо»сини эшитиб, «берди»сини эшитмадингиз, иним!

Во дариф! Бир қарашда ланж ва бесўнақай кўринган бу кўримсизгина хомсемиз одам, бир неча ойдан бери Абул Ҳасанакнинг кўнглига ғулув солиб, уйқу бермай келаётган гапларни гапирди. Баайни унинг ўйларини, унинг юрагини кемириб келаётган шубҳа ва ҳадикларни бир-бир санаб берди.

— Қиссадан ҳисса шулки, ул такаббур ҳақим ибн Сино ҳазратларига юборилган ариз Абулвафо Сарикдан мушриф келмиш!

— Мушриф? Қачон? Не мужда келтирди у?

— Мужда!..— Бош вазир ўймоқдеккина оғзини ялаб кинояли кулимсиради.— О, азизим, азизим! Мужда келса — камина сизни бу кулбага чақириб, бу сўзларни сўзлаб ўлтирмас эдим! Таассуфлар бўлғайким, ул бетавфиқ ҳақими даврон, элчининг дарагини эшитиб, қочибди! Бундан ўн саккиз йил муқаддам олампаноҳга хизмат қилишни истамай, Гурганждан Журжонга қочган бўлса, бу сафар ариз Абулвафонинг дарагини эшитиб, Ҳамадондан қочибди.

— Қайга?

— Қайга қочганини ўзидан бориб сўрайсиз, азизим!

Абул Ҳасанак бош вазирнинг заҳархандасини ичига ютиб:

— Вой тавба!— деб ёқасини ушлади.— Давлатпаноҳ унга бўйи баробар ганж ваъда қилган бўлса... тагин не керак ул такаббур ҳақимга?

— Сиз ҳақимни қўйиб, ўз аҳволнимздан сўзланг, азизим. Офтоби оламнинг сўзини эшитдингиз. Ул бетавфиқ ҳақимни бир-икки ҳафтада ҳозир у нозир қилмасак, сиз билан бизнинг бошимиз танимиздан жудо бўлғусидир. Сиз эса ҳақимни сўзлайсиз!

Абул Ҳасанакдан садо чиқмади. Унинг эсига ҳозиргина султоннинг хобхонасида бўлиб ўтган суҳбат тушди, амирал мўъминининг бўғиқ қаҳрли овози қулоқлари остида қайта янграб кетди: «Тилёғламалик қилма, Абул Ҳасанак, биласен — фақир ёлғон сўзга инонмай-

мен ё сен ҳазрат ибн Синони бир ҳафтада ҳозиру нозир қиласен, ё мен ҳаммангни дуон бад қиламен!»

Абул Ҳасанак эса кийинк овидан кейин юксак рутбалар кутар, ҳатто эски рақибн Али Ғарибнинг ўрнига вазири аъзам бўлишни умид қилиб юарди!

Абул Ҳасанак «май!» деб, пиёласини Али Ғарибга узатди. Бироқ Али Ғариб май қуйиш ўрнига пилдираб бориб, эшикни зичлаб ёпиб қайтди.

— Май ичишдан аввал сўзимнинг «берди»сини эшитинг, азизим!— вазири аъзам ён чўнтагини кавлаштириб, тўрт букланган бир қоғоз олди.

— Омадсиз элчимиз Абдулвафо Сарикдан келган мактуб: «Тожу тахтимизнинг кўрки, салтанатимизнинг зийнати, ул офтоби оламнинг сиҳат-саломатлигини олло таолодан ҳар лайлу наҳор тилаб турибмиз» ва ҳоказо, ва ҳоказо.— Бош вазир мактубни кўз олдига яқинлаштириб, бир зум лабларини пичирлатиб ичида ўқиди-да:

— Ҳа, мана!— деб ютинди.— Мана... «Ул сарвари салтанатнинг суянган тоғи, тожу тахтимизнинг ақли идроки бўлмиш сиз валинеъматимга етиб маълум бўлгайким, биз фақиру ҳақир Исфаҳондан умид офтобимиз сўниб, Тегинбод музофотига келиб қўнғанимизда ажаб бир ҳангоманинг шоҳиди бўлдик. Шундайким, шаҳар бозорида бир чеҳраси мунаввар зоти табаррук ўзини ҳакими даврон ҳазрат ибн Сино деб, таъриф қилганлар ва кўп хасталарнинг дардларига даво топиб, уларнинг дуон саодатларига мушарраф бўлганлар.

Бу ажиб ҳангома каминанинг қулогига етгач, ул ҳакими давронни ўз қароргоҳимга олдиришга жазм этдим. Аммо, афсуслар бўлсинким, каминанинг бу истагидан огоҳ топган ул алломай замон бир кечада қайгадир гумдон бўлмиш. Фақир ён-ёққа айғоқчиларни сафарбар қилиб, сўраб-суриштирдим ҳамки, аммо дарак топмадим. Ҳар ёққа от чоптириб кетган мушрифлар охир-пировардида тағин бир ажиб хабар топиб келдилар. Шундайким, ўзини Абу Али ибн Сино деб таъриф қилган бул ҳакими ҳозиқ машриқ сарни, инчунин, Ғазнаи муборақ томон йўл олган эмиш.

Алқисса, бу ғаройиб ҳангомани сиз олиймақом вазири аъзам жанобларига етказмоқдан мақсад шулким, эҳтимол, ўзини ҳазрат ибн Сино деб таърифу тавсиф қилган бу алломай давронни доруссалтанатдан сурштириб кўрсангиз ва лозим топсангиз, офтоби оламнинг қулоқларига етказсангиз. Камина эса, пошшойи одам-

нинг нигоҳига тушмоқдан қўрқиб, Тегинобод музофотида, шаҳар қалъаси ташида қўниб турибмен, кўзим йўлда, сиз валинеъматимнинг дуои саломларини кутиб ётмоқдамен...

Тоабад дуои жонингизни қилиб, ғариб қулингиз» ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Али Ғариб, мунчоқдай милтираган қисиқ кўзларини хатдан узиб, тўрда тошдай қотган Абул Ҳасанакка қаради.

— Хўш, сўзланг, азизим!...

— Сиз,— деди Абул Ҳасанак, тили офзияд зўрга айланиб.— Сиз... бу ёлғон ҳангомага инониб, ўзини ибн Сино деб таърифлаган сохта табибни ахтармоқ шиятидасиз?..

— Ахтармоқ! Камина уни аллақачон топиб, ҳибс қилдирдим!

Абул Ҳасанак чиройли кўзларини ола-кула қилиб:

— Инчунин,— деди ҳансраб.— Инчунин уни олам-паноҳга рўбарў қилмоқчисиз?

— Йўқ! Ҳазрат ибн Синони аввал қамоқ қилиб, кейин амирал мўъмининга рўбарў қилиб бўлмас!

— Хўш? Хўш?

— Бунинг учун ҳаким ҳазратларини мушрифларга қўшиб дарҳол Тегинободга, ул хумкалла Абулзафо Сарик ҳузуринга қайтармоқ даркор! Сўнгра...

— Сўзланг! Сўзлай беринг, тақсирим!

— Сўнг ул ҳакими ҳозиқни ўз мартабаларига муносиб асъасаяу дабдаба ила кутиб олмоқ лозим, эгинга шоҳона либослар ёпиб, иззат-икромини бажо келтирмоқ даркор. Ана шундан кейингина...

— Бас! Сўзингизни англадим. Ҳаммасини англадим!— деди Абул Ҳасанак негадир ранги ўчиб.— Мақсадингиз... Бу ёлғон дабдаба билан ёлғон ибн Синони чин ибн Синога айлантирмоқ! Чин ибн Синога айлантириб, султони салотинга рўбарў қилмоқ! Ё раб! Бу ёлғон ошкор бўлса...

— Ошкор бўлса!— Вазири аъзам қўлидаги пиёла тўла майин қаҳр билан деворга қараб сепди, нақш олмадай қип-қизил юзидан қон қочиб:— Бу ёлғон ошкор бўлса, чинини топинг!— деб ўшқирди.— Ё чин ибн Синони топинг, ёки бу қовоқ каллангизни суюкли раҳнамонгиз қиличига тутиб беринг!

Абул Ҳасанак қалтироқ қўллари билан бошини чангаллаб олди, сўнг, гўё бутун салобати, димоғ-фироғи,

ғурури — ҳаммаси ёдидан чиққандай, икки букилиб вазири аъзамнинг олдига тиз чўкди.

— Афв этинг, валинеъмат! Бефаросат инингизни афв этинг!

Ун иккинчи боб

Ношуд шогирд сабаб ҳибсга тушган «ҳакими замон» Абу Шилқим ибн Шаҳвоний бир-икки кундаёқ адойи тамом бўлди. Зах ва зимистон ертўлада, у ёқдан-бу ёққа тапир-тупур югуриб, кўзи илингудек бўлса оёқ-қўлларида ўрмалаб юргувчи ёвуз каламушлар «даврасида» ўтган ҳар бир кун минг кунга татирди. Учинчи куни Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳаётдан батамом умидини узди, «энди ўлдим, бу совуқ гўрга тириклайин кўмилдим», деган ўйга борди, борди-ю, қибла томонга сажда қилиб, узоқ йиғлади. Бироқ йиғи ҳам юрагига таскину тасалли беролмади, билъакс, кўнглидаги эски аламли ўйларни қайта қўзғади:

«Ким сенга ҳазрат ибн Сино бўламен деб, бу қиригир йўлга кир деди! Бу кунингдан беш баттар бўл, миясини еган эшшак!»— деди Абу Шилқим, ўз ёғида ўзи қовурилиб. У бир ўзини, бир мастона валдираб, унга панд берган шогирдини сўкиб, кўкка тавалло қиларкан, нечундир бот-бот кўр дарвеш эсига тушар, назарида, у баттол совуқ ертўланинг зим-зиё бурчагида туриб уни калака қилаётгандай бўларди. Гўё у ёлғиз кўзини ўйнатиб, қиқир-қиқир кулар: «Ҳа, ал қасосил миналҳақ! Қасосли дунё бу! Менга неки ёмонлик қилган бўлсанг ҳаммаси қайтгусидир, қайтиб ёқанга ёпишгусидур!» деб гўлдираб эди.

Қамалишининг учинчи куни бу васвас ва совуқ ваҳималардан ақли чувалашиб, ўтирган жойида йиқилиб қолди. Йиқилганда бир лаҳза кўзи илинди чоғи, тапир-тупур оёқ товушларини эшитиб; чўчиб кўзини очди. Зум ўтмай, эшик зулфинларининг шақир-шуқури эшитилди.

«Ё парвардигор!— пичирлади Абу Шилқим, тирноқларигача музлаб.— Ўз ҳифзи ҳимоятингда сақлагайсен!»

Қўш тавақали залварли эшик гўё кимгадир нола қилгандай узоқ ғичирлаб, базўр очилди.

Бўсағада... бошига ялтироқ мис дубулға кийиб, белига қилич тақиб олган новча бир сарбоз шам кўтариб турар, унинг орқасида зарбоф тўнли юм-юмалоқ бир

одам кўзга чалинарди. Эшик очилиши билан новча сарбоз орқага чекиниб, зарбоф тўнли юм-юмалоқ кимсага йўл берди, у эса қўл қовуштириб:

— Ассалому алайкум, ҳа... ҳаким ҳазратлари!— деб гудранди-да, юриб эмас, йўқ, аллақандай пилдираб келиб, Абу Шилқим ибн Шаҳвонийга таъзим бажо келтирди.— Ҳақими замон ҳазратлари афв этсинлар! Фақир вазири аъзам Али Ғарибмен!

«Вазирин аъзам Али Ғариб? Амирал мўъмининининг суянган тоғи Али Ғариб?»

— Бир қошиқ қснимдан кечгайсиз, тақсири олам!— деди вазири аъзам ҳамон қўл қовуштириб.— Навкар аҳлини биласиз. Бу ҳўкизлар бош олиш бобида устаси фарангу, аммо лутфи карам не, иззат-икром не — фаҳми фаросатлари етишмайди. Шон-шуҳратингизга муносиб иззат-икром кўрсатмоқ ўрнига бу совуқ ертўлага қамаганлар. Биз гумроҳлар эса бу юмушдан беҳабар қолибмиз!

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳар нарсани кутса ҳам, ҳозиргина тўккан кўз ёшлари арши аълога бунчалик тез етиб боришини кутмаган эди!

«Ё раб! Наҳот мунчоқ кўзлари анов шамдай заиф милтираб турган бу қари тулкининг сўзлари рост бўлса? Наҳот макр бобида беназир деб ном чиқарган бу қари иблис унинг, Абу Шилқим ибн Шаҳвонийнинг чин ибн Сино эканига инонса?»

— Тасанно сизга, алломаи замон, тасанно! Амирал мўъминин сиз ҳазратимни лутфан таклиф этиб, Ҳамадон ва Исфаҳонга энг мўътабар зотларни элчи қилиб юборган эди. Сиз ҳазратим бўлса... ўз оёғингиз билан юриб келибсиз. Офарин сизга, ҳазратим!

Абу Шилқим ибн Шаҳвонийнинг юраги «шув» этиб, аъзойи баданидан беҳисоб чумолилар ўрмалаб ўтди.

«Билади! Ҳамма сир-асрорини билади бу баттол!»

— Элчи... Элчингиз Ҳамадондан қайтдими, тақсири олам?— деди Абу Шилқим ва бош вазирнинг юзида билинар-билинимас заҳархандани кўриб, ичида сўкинди:

«Ҳўкиз! Ҳўкиз бўлмасанг бунини сўраб не қиласен, гумроҳ!»

— Элчи... Элчимиз шу фурсатда Тегинободда. Исфаҳондан сиз ҳазратимни тополмай, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтмиш!

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний енгил нафас олиб, вазири аъзамга дадилроқ боқди. Бош вазирнинг лаблари-

даги кинояли табассум сўнган, тўлин ойдаи юм-юма-лоқ, қип-қизил юзида чексиз ҳайрат ва чуқур эҳтиром ифодаси балқиб турарди.

— Ул офтоби олам ҳар он, ҳар дақиқа сиз шайх ур-раис ҳазратларини кўрмоқ ва иззат бажо келтирмоққа муштоқдурлар. Ва лекин... агар сиз ҳазратимга маъқул ва манзур тушса, бизда бир маслаҳат бор, мавлоно!

— Бош устига!

— Камина сиз ҳазратимга лутфи карам таманно айламоқдан бошқа мақсадим йўқдир. Бас, биз сизни шу букун яқин бир музофотга узатсак. Сиз ҳазратим эса бир-икки ҳафтадан кейин Ғазнаи мунавварга ўз номингизга муносиб шону шавкат ва иззат-икром ила ташриф буюрсангиз. Токи, биз фақирлар сиздай алломаи давронни ўз доврўфингизга лойиқ тарзда қарши ол-сак ва лутфи эҳсон ва иззату икром ила ул офтоби оламга тақдим этмоқ бахтига муяссар бўлсак!

«Чин сўзми бу ё бургага тузоқ қўйган бу қари шай-тоннинг ҳийлаи найрангими?»— Абу Шилқим ибн Шаҳ-воний вазири аъзамга ер остидан ўғринча назар таш-лади, аммо унинг ҳамон тавозе билан бош эгиб тургани-ни кўриб ўзи ҳам бош эгди.

— Вазири аъзам жанобларининг истаги биздай фа-қир ҳақимлар учун вожибдур, тақсири олам!

Ун учинчи боб

Ҳафганинг сўнгги кунларида Беруний ўзини хиёл енгил сезди. Иситмаси қайтди, кўнгли сал равшан тор-тиди, фақат ҳануз дармонсиз.

Вақт чошгоҳга яқинлашиб қолган бўлса керак, те-падаги туйнукдан ҳибсхонага бир жом нур қуйилмоқ-да, бу нур ғадир-будир харсангтошлардан қурилган тор қафасни бир нафасга бўлса ҳам ёритган эди.

Беруний бош томонидаги икки қумғонининг бирини олиб, юзини ювди, зиндонбон қўйиб кетган арпа нонни сувга ботириб бир бурда еди. У ўзини сал бардам се-зиб, ўрнидан турмоқчи эди, шу пайт тепадаги туйнукда нимадир питир-питир қилди. Беруний ялт этиб туйнук-ка қаради. Туйнукдан қандайдир бир қуш «пар этиб учди, учганда ёнғоқдеккина бир тош «чарс» этиб узилди-да, сув тўла қумғонга келиб «чўли» этиб тушди. Қумғондаги сув чайқалиб кетди-ю, жўмрагидан тирқи-раб сув оқди.

Беруний, гўё фавқулодда бир ҳодиса рўй бергандай,

юраги гурс-гурс уриб қумғонга, тўғрироғи, қумғон жўмрагидан оқиб чиқиб ерни ҳўл қилган сув томчиларига тикилиб қолди. Кейин, апил-тапил ўрнидан турди-да, қафасдай тор хонани гир айланиб, ёнғоқдай-ёнғоқдай бир нечта тош териб келди, сўнг, ерга тиз чўкиб, бу тошларни қумғондаги сувга битта-битта ташлаб кўрди.

Ҳар сафар тошни қумғонга ташлаганида унинг жўмрагидан бир неча томчи сув оқиб чиқар, каттароқ тош ташласа, томчилар кўпроқ тушар, кичикроқ тош ташласа сув камроқ оқарди!..

Жуда оддий, аммо... барибир ажаб ҳодиса! Нечун бу содда, аммо кундай равшан фикр унинг миясига азвалроқ келмади?

Беруний, худди ҳибсдан озод бўлиши тўғрисида фармони олий келгандай, юраги ҳаприқиб, тор хонани яна бир неча марта айланиб чиқди.

У гўё кўпдан бери миясини банд қилиб келаётган чигал бир жумбоқнинг калитини топгандай ҳаяжонланар, энтикар эди.

Иўқ: сув тўла идишга бирор жисм тушганда идишдан маълум миқдорда сув оқиб тушиши унинг учун янгилик эмас... Бу ҳодиса юнон олими Архимидус¹ асарларида қайд қилинган. Сувга ташланган жисм ўзи сиқиб чиқарган жисмдан сғир бўлса — чўкиши, баробар бўлса сузиб юриши унга аён. Аммо... туйнукдан ногаҳон узилиб тушган бу тош! Қумғон жўмрагидан оқиб чиққан бу бир неча томчи сув! Ажабо, жуда оддийгина бу ҳодиса Берунийнинг миясида кўпдан бери айланиб юрган мураккаб бир муаммога қутилмаган бир тиниқлик киритди!

Мана, ўн-ўн беш йилдирки, Беруний нодир маъданлар тўғрисида бир китоб ёзиш орзусида юрибди. У олтин, қумуш ва ноёб маъданлар тўғрисида кўп илмий маълумотлар, ғалати ривоятлар тўплади, улар келтирган фожиалар ҳақида кўп ғаройиб ҳангомалар йиғди, ҳам илмий, ҳам бани башар учун ибрат тарзида ёзилажак бу китобнинг номини ҳам топди. Унинг номи «Жавоҳирнома» бўлади! Энди энг қийин иш — ноёб маъданларнинг тузилиши, таркиби, қаттиқлик ва юмшоқлик даражаси, энг муҳими — солиштирма оғирлигини аниқлаш иши қолди! Бунинг учун эса нозик бир олат яшаш, тўғрироғи, бу олатни кашф қилиш лозим!

Беруний кўпдан бери бу нозик ва мураккаб асбоб

¹ Архимидус — Архимед.

ҳақида ўйлар, гоҳо уни кашф қилгандай ҳам бўлар, яна озгина бош қотирса, бас, ихтиро рўёбга чиқадигандек туюлар эди, бироқ сал ўтмай, калаванинг учи қайта йўқолар, ечиш лозим бўлган янги муаммолар пайдо бўларди.

Мана энди масала ойдинлашди!

У худди мана шу қумфонга ўхшаш бир идиш ясайди. Идишнинг таги кенг, бўйни ингичка бўлади. Шундай-ким, тариқдай нарса тушса, тариқ баробар, ёнғоқдай нарса тушса, ёнғоқ баробар сув оқиб чиқиши лозим. Жўмракнинг белига эса, кафтдеккина тақсимча ёпиштириб, унга нозик тарози ўрнатади. Бу тарози шундай нозик ва «сезгир» бўлсинки, бир мисқолнинг¹ ўндан бирини ҳам аниқлай олсин! Ўлчов бирлиги сифатида эса, маъданлар султони олтинни олади! Ҳа, бу ишда, олтиндан аъло маъдан йўқ! Масалан, юз мисқол олтин олиб, бошқа маъданларнинг солиштирама оғирлигини шу олтин оғирлигига нисбатан аниқлаш мумкин!

Беруний ҳаяжон ичида тор хонанинг у бошидан бу бошига узлуксиз бориб-келар, бояги дармонсизликдан асар ҳам қолмаган, хаёли эса тобора равшанлашиб борар, бир-биридан ўткир, бир-биридан ёрқин фикрлар турнақатор бўлиб тизилиб келарди!

Ҳа, ғалати нарса экан ҳаёт! Мана, тасодифан туйнукдан тушган битта тош сабаб, уни кўп йиллардан бери қийнаб келаётган мураккаб бир жумбоқ ечилди ҳисоб! Бундан бир неча йил муқаддам Ҳиндистонда, Нанда шаҳри теварагидаги баланд тоққа чиқаётганида ҳам худди мана шундай ғаройиб бир ҳодиса рўй берган, миясида нимадир «ярқ» этиб, ёшлик чоғларидан бери уни қийнаб юрган чигал бир муаммонинг учи топилган эди!

Беруний юришдан тўхтаб, деворга суянди, суяниши билан унинг кўп йиллик фаразини тасдиқлаб, улуғ ихтиро ато қилган Нанда тоғи «лòп» этиб нигоҳи олдига келди.

Тоғнинг тўрт тарафи ёнғоқ отса юмалаб кетадиган чексиз-чегарасиз сайҳонлик эди.

Беруний тоққа чиқишга аҳд қилиб, унинг этагига борганида кўнглида ҳали ҳеч нарса йўқ эди. Нечундир фақат бир нарса, олис уфқда қаққайиб турган ёлғиз дарахт унинг эътиборини жалб этган эди, холос. У тоққа аста-секин ўрмалаб, икки юз қадамча кўтарилгач,

¹ Мисқол — 4,5 граммга тенг оғирлик ўлчови.

нафасини ростлаш учун тўхтади, тўхтади-ю... беихтиёр бояги дарахтни қидирди. Ажабо: боя уфқда турган дарахт тоғ тагига келиб қолган, уфқ эса йироқ-йироқларга чекинган эди! Рост, бу ҳодиса ҳам Беруний учун янгилик эмас эди. Лекин баландлаб борган сари янги кўз илғамас уфқлар очилишини кузатаркан, худди бунунга, миясида алланарса «ярқ» этди-ю, уни йиллар давомида қийнаб юрган чигал бир муаммо бирдан равшанлашди: бу замин — гир айланаси осмони фалак билан чегараланган бу замин, ҳамма ўйлаганидек, тептекис эмас, йўқ, текис эмас!

Беруний ҳаёлига келган аллақандай фикрдан бугунгидан ҳам қаттиқроқ ҳаяжонга тушиб, олис уфқда ўсган бир жуфт чинорни кўз остига олди-да, яна уч-тўрт юз қадам ўрлади. Йўқ, у янглишмаган, уфқ боягидан ҳам олисроққа чекинган, бир жуфт чинор эса гўё тоққа яқинроқ сурилиб келган эди.

Беруний харсангга ўтириб, бирпас нафасини ростлади-да, яна тоққа ўрлади. Яна ўша ҳодиса! Уфқ яна йироқ-йироқларга чекинди, Беруний кўз остига олиб қўйган нарсалар эса гўё тоққа янада яқинроқ силжиб келгандай бўлди.

Рост, бу ҳодиса ҳам Беруний учун янгилик эмас эди. Лекин тоққа ўрлаган сари уфқ чекиниб, янгидан-янги кўз илғамас кенгликлар очилишини ҳаяжон билан кузатаркан, миясида нимадир ярқ этиб ёнди-ю, кўпдан бери унга тинчлик бермай юрган нотинч бир ўй, мавҳум, аммо ғаройиб бир фараз фавқулудда ойдинлашди.

Бу ўй, бу ноаниқ, аммо ғаройиб фараз Берунийга ёшлиқдан бери ором бермай келарди. Нечун қуёш эрталаб чиқиб, кечқурун ботади, нечун ой ҳар ўн беш кеча-кундузда бир янгиланади, нечун юлдузлар ҳолати фаслларга қараб ўзгаради? Нечун ёзда осмоннинг бир буржида бўлган юлдузлар қишда бошқа бир жойга ўтиб қолади?

Беруний туғилиб вояга етибдики, бу жумбоққа жавоб қидиради. Уни ечиш умидида ўзи қурган расадхонада кечани кундузга, кундузни кечага улаб расад ўтказди, араб, ҳинд, юнон алломаларининг китобларини сув қилиб ичди. Унинг кўнглида заиф шамдай милтираган бу фаразлар ўшанда, расадхонада бедор ўтган тунларда туғилган эди. Нанда тоғидаги кузатишлар эса худди бугун туйнукдан тушган тош каби, уни кўпдан бери қийнаб келган фикрларга ажиб бир равшанлик кiritди!

Шу-шу, Беруний тоғ ёнбағрига чодир ҳуриб, бир ҳафтагача ҳар хил ўлчовлар билан шуғулланди. Аввал тоғ этагидан кўринган уфқни одимлаб чиқди, кейин, аста-секин тоққа кўтарилди, кўтариларкан, ҳар юз қадамда «очилган» янги уфқлар оралигини ўлчади, сўнг олинган рақамларни тоғ баландлигига кўпайтириб, ҳосил бўлган бурчакларни аниқлади. Энг муҳими — топилган «марказ»ни ер куррасининг ҳар қандай нуқтаси билан бирлаштиргувчи тўғри чизиқни аниқлади, бу эса уни энг кўп қийнаган муаммони ҳал қилиш имконини берди, яъники, ер куррасининг теп-текис эмас, юмалоқ эканини рақамлар воситасида исботлаш имконини берди!.. Кейинчалик, Ҳиндистонда шаҳарма-шаҳар яёв кезиб юрган чоғларида Беруний ведачи қоҳинлардан ғалати бир ривоят эшитди: гўё олам яраллишидан аввал на қуёш бўлган, на ой ва на юлдуз! Биринчи бўлиб, зулмат, зулматдан сув, сувдан эса олов бунёд бўлган. Оловдан тухум барпо бўлиб, у уммонлар қаърида сузиб юрган. Сўнг, тухум ичидаги олтин ҳомиладан ҳиндлар худоси Бораҳим туғилган. Бораҳим тухумни ёриб чиққан унинг бир палласидан осмон, бир палласидан ер ҳосил бўлган, шунинг учун ҳам ҳиндлар бошда тухум шаклида яралган бу оламни Бораҳим тухуми деб атайдилар!

Едида бор, кекса қоҳинлардан эшитган бу ривоят ҳам, худди бугун туйнукчадан тушган тош каби, Берунийга ер курраси тўғрисидаги рисоласини ёзишга яхши бир туртки бўлган эди. Йўқ, бугун топган ихтироси ҳали-ҳозир фақат калласида, бу ихтирони ҳали ниҳоясига етказиш керак, кўнглида энди униб чиққан бу ниҳолни парвариш қилиб, ундан ҳосил олиш керак ҳали!

Ё раб! Наҳот бошлаган бу ишлари, ёзган ва ёзаётган китоблари — ҳаммаси чала қолса? Уларни ниҳоясига етказолмай, бу совуқ гўрда тоабат қолиб кетса?

Тўхта! Бу не? Эшик тақилладими ё унга шундай туюлдими? Ана, зулфинлар шақир-шуқур қилди, темир тасмалар билан қоқилган залварли эшикнинг бир тавақаси аста очилиб, қўлларида пайза, икки сарбоз, уларнинг орқасида эса... эғнида зарбоф тўн, бошида оппоқ симобий салла, кичкинагина, оппоққина бир мўйсафид кўринди. Бу — бош девон соҳиби Абу Наср Мишкан жаноблари эди!

Соҳиби девон қўлида найсмон ёрлиқ, бемажол деворга суяниб қолган Беруний томон юрди:

— Муҳтарам биродарим, Абу Райҳон! — Абу Наср,

кўзида ёш, пилдираб келиб Беруний билан кўришди-да, дарҳол кўлидаги ёрлиқни очди.

— Ул офтоби оламнинг меҳри муруввати чексиздур, азизим. Мана, сиздай алломаи давронни озод этмоқ тўғрисида фармони ҳумоюн битиб, фақирни ҳузурингизга йўлладилар!

Соҳиби девон қўлини кўтариб, ёрлиқни Берунийнинг кўзига тугди. Бироқ ёрлиқдан ҳам бурун Берунийнинг кўзи эшикдан кўриниб турган тоғларга тушди. Тоғ этагидаги кўм-кўк қирларда қийғос гуллаган бодомзорлар аниқ кўринарди. Тўп-тўп гуллаган бодомзорлар қир ёнбағрида эмас, юксак бўшлиқларда аста сузиб юрган нафис оқ-пушти булутларга ўхшарди.

Елирай! Наҳот бу совуқ гўрдан чиқиб, ўша ям-яшил қирларда юрмоқ яна насиб этса? Бу гўзал оқ-пушти бодомзорларни кезиб, уларнинг нозик ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидламоқ насиб қилса унга?

Абу Наср Мишкан жаноблари, гўё Берунийнинг хаёлидан ўтган фикрларни илғаб олгандай, чеҳраси ёришиб:

— Ул меҳри дарё Хатлибегим омон бўлсинлар!— деб хитоб қилди.— Бегим омон бўлсалар ҳамма нарса ўрнига тушадур, мавлоно.

Беруний беихтиёр нигоҳини тоғлардан узиб:

— Хатлибегим?— деб сўради.

— Офарин, мавлоно! Бегим сизни ул ҳакими даврон ҳазрат ибн Синога йўллашни олампаноҳга маслаҳат берганлар! Бегимнинг бу маслаҳати амирал мўъмининига маъқул ва манзур бўлгандур.

— Каминани ибн Синога йўлламоқчилар?

— Балли! Бундан уч ой муқаддам ул ҳаким ҳазратларига юборилган элчилардан ҳануз дарак йўқ. Сиз эса... ҳакими давроннинг энг яқин биродарисиз. Шу боисдан Хатлибегимнинг маслаҳати олампаноҳга маъқул бўлган!

Соҳиби девон унинг сукутнини аломати ризо, деб тунди чамаси, эшикда серрайиб турган навкарларга юзланди:

— Нечун қоққан қозикдай қаққайиб қолдинглар? Келинглар, қўлтигидан олиб ёрдам беринглар мавлонога!

Ун тўртинчи боб

Амир Масъуд кечаси томоғи қақраб уйғониб кетди. Махфий ишратхона токчаларидаги баъзи шамлар ўчган, баъзилари базўр милтираб турарди...

Амир, бош томондаги олти қиррали хонтахтани пай-паслаб, тоғ-тоғ ноз-неъматлар орасидан бир пиёла шарбат олиб ичди-да, ёнидаги тўшакка қаради. Кечаси ҳарам бекаси ёзган қалин шойи тўшак бўм-бўш эди. Бу бўш тўшак амирга кечаси олишавериб бўй бермаган ҳуркак малакни, унинг бўғизланаётган қўзичоқдай зорли нидосини эслатди-ю, юзи буришиб кетди.

Кўзлари бўталоқнинг кўзларидай жавдираб турган бу ёш, ҳуркак малакни (унинг исми ҳам жисмига монанд — Қоракўзбегим эди!) амирга Бухоро ҳокими Алитегин инъом қилиб юборган. Инъомдан мақсад эса: бундан уч-тўрт йил муқаддам султон Маҳмуд Бухорога юриш қилганида асирга олиб кетган суюкли кенжа хотини билан суюкли қизини амир Масъуд ёрдамида тутқундан қутқазиб эди.

Рост, Ҳиротдан Ҳамадон томон юриш бошлаган амир Масъуд бирда Исфаҳон учун бўлган қаттиқ жанглар сабаб, бирда Ғазнадан келаётган нохуш хабарлар сабаб, айш-ишратга унча ҳуши йўқ, кўнглига қил ҳам сиғмасди. Лекин Бухоро ҳокими Алитегин инъом этган бу санам... унинг минилмаган тойчоқдай ҳуркак қилиқлари, кўз ёшлари, оппоқ сийнаси... мана ҳозир ҳам амир кечаси бу ҳуркак тойчоқни жиловлай олмаганини эслади-ю, вужудида яна ўша тизгинсиз ҳайвоний ҳирс уйғонди. У ҳарам бекасини чақириш учун ёстиғи тагидан шақилдоғини қидирди, бироқ шу пайт ташқарида дукур-дукур оёқ шарпаси эшитилди. Зум ўтмай, кимдир эшикни бетоқат қоқди.

— Ким бу, тун ярмида беҳаловат қилғон?

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, амирим! Дорусалтанатдан мушриф келмиш!

«Сипоҳсолор Абу Тоҳир! Шаҳзоданинг инонган тоғи!»

— Ҳозир, Абу Тоҳир, ҳозир,— амир Масъуд сапчиб ўрнидан турди. Унинг хаёлига ҳаммадан бурун: «Наҳот... наҳот?» деган фикр келди. Мана, бир ойдан ошди, Ғазнадан махфий элчи Абулвафо Сарик келиб, ибн Сино ҳазратларини тополмай ноумид қайтиб кетди ҳамки, амир ҳар он, ҳар дақиқа Ғазнадан совуқ хабар кутиб (гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен, худованди карим!) бетоқат бўлади, кечалари мижжа қоқмай чиқади.

Абу Тоҳир, эғнида сарик банорас тўн, белида пўлат шамшир, ҳарамхона йўлагиди асабий одимларди.

— Не хабар? Валинеъмат қиблагоҳим...

— Оллога шукур, қиблагоҳингиз саломатдурлар!

«Е парвардигор! Валинеъмат падари бузруквори... бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда. Ва лекин ул боқий дунёнинг ғамини смоқ ўрнига бу норасо дунёнинг кмушларини ўйлайди. Ўз зурриётига инонмай, мушриф устига мушриф йўллайди!»

— Кеча мушриф, букун мушриф! Келтирган номан саодати қайда унинг?

— Номан саодатни фақирга инонмади, инонса, ами-
римнинг уйқусини беҳаловат қилмас эдим, шаҳзодан
валиаҳд!

— Хўп, ҳозир орқангдан етиб борамен!

Тонг яқин, кўкдаги юлдузлар хиралашиб қолган, боғда қийғоч гуллаган ўрик ва олмалар, хиёбон бўйи-
даги сарвлар субҳидам шабадасида аста чайқалар, ҳа-
вони баҳор гиёҳларининг нозик хушбўй ҳиди тутган
эди. Амир, боғ ўртасидаги хиёбонга тушиб,— бу хиёбон
тўғри саройга олиб борарди,— ишратхонадан узоқлаша
бошлади. Бироқ, сал юрмай нечундир юраги қаттиқ
увишиб, хиёбон ўртасида тўхтаб қолди. Негадир, эҳти-
мол ҳозиргина ишратхонадан чиққани учундир, бултур
Ҳиротда, худди мана шу пайтларда содир бўлган ёмон
бир воқеа амирнинг эсига тушди. Ушанда ҳам амир
Масъуд ўз ҳарамида худди бугунгидай ёш бир каниз
билан айш қилиб ётган эди. Тун ярмида мана шу сипоҳ-
солор Абу Тоҳир тўсатдан эшикни дук-дук урди. Маъ-
лум бўлишича, унда ҳам худди ҳозиргидай Ғазнадан,
бош девон соҳиби Абу Наср Мишкан жанобларидан,
мушриф келганди. Мушриф келтирган номада айтили-
шича, падари бузруквори султон Маҳмуд амир Ма-
съуднинг Ҳирот саройида қурдирган махфий ҳарами ва
бу ҳарам деворларига чизилган шаҳвоний суратлардан
огоҳ топган. Ва шаҳзоданинг бу ишидан дарғазаб бў-
либ, уни тафтиш қилиш мақсадида махсус мушриф
йўллашга аҳд қилган!

Устоз Абу Наср Мишкан амирни ўз хуфияси орқали
бу ишдан огоҳ қилар экан, унга дарҳол ҳарам деворла-
рига чизилган шаҳвоний суратларни йўқ қилишни мас-
лаҳат берганди.

Дарҳақиқат, амир ўз тасарруфига Ҳирот музофоти
теккандан кейин, Боғи Ҳиротнинг энг хилват жойига
махфий ишратхона қурдирган, қизил мрамрдан барпо
бўлган бу пинҳоний ишратхона унинг энг суюкли ором-
гоҳига айланган эди. Бино томида катта ҳовуз бўлиб,
тоғ чашмасидан келтирилган сув аввал шу ҳовузга, ҳо-
вuzдан юзларча майда қувурчалар орқали пастга шало-

ладай оқиб тушар, бийони ёмғирдай ювган бу шалола энг жазирама кунларда ҳам ишратхонани салқин ва баҳаво қилиб турарди. Ишратхонага амирдан бошқа ҳеч ким тумшуқ суқолмас, унинг деворларига ҳақиқатан ҳам «Алфия-шалфия» достонидан олинган позик суратлар чизилган эди. Энг нафис бўёқлар билан чизилган бу беҳаё суратларда қип-яланғоч соҳибжамоллар билан алпқомат яланғоч йигитларнинг ишрат ҳолатлари тасвир этилганди... Бу ишратхона қурилибдики, амир ундан чиқмас, энг ёш, энг гўзал канизлари билан кунини шу даргоҳда ўтказар эди. Шу сабабдан ҳам устози Абу Наср Мишканнинг махфий номасини олиб, аламдан «дод» деб юборди. Бироқ бош девон соҳибининг маслаҳатига кирмасдан иложи йўқ, падари бузруквори билан ҳазиллашиб бўлмас эди...

Амир ўшанда махфий номани олган кунгёқ усталарни чақиртирди, бир кечада суратларни ўчиртириб, ҳамма деворларни ганч билан қайта шуватди... Бу ишнинг аини вақтида қилдирган экан, эртасигаёқ султоннинг махсус мушрифиди етиб келди. У отдан сакраб тушди-да, бир қўлида нома, бир қўлида яланғоч қилч, амирга салом ҳам бермасдан тўғри боққа, боғдан ишратхонага ўтди. У ишратхонанинг калитини сўраб ҳам ўтирмади, эшикдаги қулфни қиличи билан бир уриб сивдирди-да, ҳарам бекаларини силтаб ташлаб, ичкарига кирди...

Э воҳ, мушриф кечиккан, ганч билан қайта шувалган ишратхонанинг деворларидаги ҳаёсиз суратлардан асар ҳам йўқ эди!

...Бу эсдаликлардан бўғилиб кетган амир Масъуд банорас тўнининг ёқасини очиб, оташ кўксини шабадага тутди.

Ҳа, нечун бўғилмасин? Пайгамбар ёшидан ошган қиблагоҳи ўзи ҳануз айшу ишрат қилсин! Осмон маликаси каби муаззам саройлар қурдириб, уларга машҳур мутриблар, хонанда ва созандалр, ҳуснда беназир раққосалар, доврўғи бутун рўйи заминга кетган маликул калом ва воҳиди замон алломаларни йиғсин. Ҳарамига у ёғи Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр, бу ёғи Хуросон пари-пайкарларини тўпласин. Унга эса, ўз пуштикамаридан бўлган зурриётига эса, бунинг ҳаммасини тақиқласин! Ахир, у — амир Масъуд, Ҳиротда ишратхона қурдирган бўлса, бунинг ўз падаридан ўрганиб қурдирди. Отасининг оламга машҳур кўшкларидан хилват гўшалар бор, бу гўшалар шаҳзоданинг ишратхонасидаги суратлардан юз баробар беҳаё суратлар билан безатил-

ган, яланғоч аёл ва эркакларнинг олтин ҳайкаллари билан зийнатлаган.

Пайғамбар алайҳиссалом ёшидан ошган падари бу пинҳоний гўшаларда совиган қонини кўпиртириб, беҳисоб видоятларидан инъомга келган ҳурилиқолар билан айшини сурсин, уни эса, ўз зурриётини, бу неъматлардан мосуво қилиб, машриқ томон отланишга даъват этсин! Майли, амир Масъуднинг ўзи ҳам сўнгги йилларда жанг-жадал ишқида кўп ёнар, мағрибда буткул Хуросон, Бағдод ва ҳаттоким Румгача забт этиб отаси янглиғ фотиҳи музаффар бўлиш орзусида яшарди. Бу тўғри. Аммо суюкли падари уни бу ишга даъват этаркан, нечун ўз ўғлидан оғир дардга чалинганини яширади? Ундан, ўз зурриётидан яширади-ю, ҳазрат ибн Синони сўроқлаб, пинҳона элчи йўллайди! Бу жумбоқ, бу сир-асрордан муроди не? Тўнғич фарзанди амир Масъудни Ғазна тахтидан мосуво қилиб, эркатой кенжатоийи шаҳзода Муҳаммадни тахтга ўтқазिशми? Эҳтимол, бевақт ташриф буюрган бу мушриф шу тўғрида фармони олий келтиргандир?

Боғнинг этагидаги ҳаворанг мрамардан қурилган икки ошёнали сарой бир-бири билан тахт талашиб келган икки ҳоким — Шамсуддавла билан Алоуддавларнинг ўзларидай совуқ ва кўримсиз эди.

Амир эшикда серрайиб турган найзадор суворилар ёнидан ўтиб, кўшкка кирди. Кечаси ёқилган шамлар ўчирилмаган, иккинчи ошёнага олиб чиқадиган тор йўлак ҳам, юқоридаги машваратхона ҳам ёп-ёруғ эди. Ҳавода куйган шам ҳиди анқир, деворлари ниллий кошинлар билан қопланган, тагига гулдор қирмизи палослар тўшалган кенг машваратхона кўшкнинг ўзидай файзсиз эди.

Амир кирганда мўйлови эндигина сабза урган саройбон ўртадаги дўнгалак хонтахтага дастурхон ёзмоқда эди.

— Абу Тоҳир қайда? Айт, мушрифни олиб кирсин!

Амир машваратхонанинг шаҳар майдонига қараган даричалари олдига бориб, оғир хаёлга чўмди.

Сарой олдидаги майдон бўм-бўш, фақат кунгурадор кўрғон буржларида битта-яримта соқчилар кўзга чалинарди. Кўрғон ортидаги шаҳар тонг қоронғисида элас-элас кўринар, Зарринруд дарёсининг у юзидаги тор кўчаларда қандайдир кўлагалар ғимирлар, ҳар жой-ҳар жойда, чамаси, гузарлардаги карвонсаройларда гулхан ёнарди.

Амир, қалъа ортидаги ғира-шира майдонларда ивир-сиб юрган сояларга, аллақандай жулдурвоқи гадоларга кўзи тушиши билан шаҳарда бир ойдан бери қора ўлат кезиб юргани эсига тушди, тушди-ю, кўнгли ғаш бўлиб, тескари бурилди... Ҳа, шаҳарда қандайдир мудҳиш касал бошланган, бу касал даҳама-даҳа, кўчама-кўча, уйма-уй даҳшат солиб кезиб юрар, шу боисдан сарой ҳам, шаҳар дарвозалари ҳам тақа-тақ бекилган.

Ажабо! Бу ғариб шаҳарга нечун юриш қилди у? Нечун Ғазнаи мунаввара туриб, қайсар, бентоат форсийлар юртига от солди?

Ё парвардигор! Бу падари бузруквори уни қачон, қайси гуноҳлари учун ёмон кўриб қолди? Ёзуғи не унинг?

Йўқ, бундан беш-ўн йил муқаддам Ҳиндистонга юриш қилган чоғларида султон уни ёнидан жилдирмас, беҳисоб қалъалар, қасрлар, муаззам шаҳарлар учун бўлган аёвсиз жангларда унга энг оғир қўшинларини ишониб топширарди. Ёш амирнинг суронли жанглардаги матонатини, ёв устига шердай наъра тортиб, бургутдай бостириб боришларини кўрганида кўзига ёш олиб дуо қилар, жангу жадаллардан сўнг бериладиган базми жамшидларда эса, уни бобоси амир Сабуқтегинга ўхшатиб, ифтихор билан сўзлар эди.

Ҳадсиз ўрмон ва ҳудудсиз чакалакзорларда бўладиган ов пайтларида-чи?

Ов чоғида жанговар филларга миниб олган филкашлар ўрмон ичида ноғоралр чалиб, йўлбарс ва қоплонларни очиқ майдонларга қувиб чиқишар, филга минган султон эса, қўлида камон, ўз лашкарбошилари қуршовида отишга шай бўлиб турарди. Бир маҳал, ноғоралар гумбури ва айюҳаннос солган овчилар қийқириғи остида ўрмон орасидаги очиқ майдонларга гўё алангадай лов-лов ёнган қоплонлар, мудҳиш ўкирган ёввойи йўлбарслар отилиб чиқарди. Эсида бор. Синд вилоятида бўлган шундай бир ов пайтида чакалакзордан қочиб чиққан икки йўлбарс ёмғирдай ёғилган камон ўқларидан ваҳшиёна ўкирганларича, султонни қуршаб олган лашкарбошиларга ҳамла қилди.

Амир Масъуд ўқ теккан йўлбарсларнинг бутун даҳшатини ўшанда биринчи марта кўрди! Султон минган фил наъра тортганича, хартумини карнайдай кўтариб, лапанглаб қочишга тутинди. Султонни қуршаган суворилар эса, гўё икки жуфт эмас, икки минг йиртқич ҳамла қилгандай, сепилган тариқдай сочилиб кетди. Қим-

нингдир оти дўмбалоқ ошиб, эгаси эгардан қалпоқдай учиб кетди, султон эса, бир қўли олтин тахтада, бир қўли билан жонҳолатда қилични суғуриб олмоқчи бўлар, бироқ шошганиданми ё филнинг лапанглашиданми, суғуриб ололмас, ола-кула кўзлари фил думига осилиб олган ярадор йўлбарсда эди!

Амир Масъуд буни кўрди-ю, даҳшатдан осмонга сапчиган қора бедовини султон томон бурди. Ушанда у қўрқув нималигини билмас, агар битта эмас, юзта йўлбарс ҳамла қилса ҳам тап тортмас, уни фақат битта ўй — остимдаги отим панд бермаса эди, деган ўй чўчитар эди, холос. Йўқ, амирнинг журъати, кўпирган қонининг тизгинсиз ҳарорати остидаги отига ҳам ўтди-ю, ярадор йўлбарсни думига миндириб олиб, лапанглаб қочиб кетаётган фил устига бостириб борди!..

Ҳа, ўз жони кўзига кўринмай от суриб борди-ю, фил устида ҳануз ўкириб кетаётган ярадор йўлбарснинг бошига қилич солди...

Гуноҳкор бандасини олло ўзи кечиргай! Аммо... баъзи-баъзида, айниқса, отасининг унга қилаётган адолатсизликларини эшитганида, амир Масъуд ёмон ўйларга боради. Нечун ўшанда, ярадор йўлбарс ҳамла қилган пайтда от солиб бориб уни ажал чангалидан қутқариб қолдим, деган куфр фикрларгача боради у! Йўқ, айб ёлғиз падарида эмас, ҳамма балога сабаб — унинг ёнидаги вазиру вазароси бетавфиқ Али Ғариб билан анов... ҳезбачча Абул Ҳасанакда. Бу икки иблис султоннинг энг вафодор надимлари, энг салоҳиятли лашкарбошилари, итдай содиқ ғуломлари, ҳамма-ҳаммасини ёмонга чиқариб, саройдан йироқлаштиришга муваффақ бўлишди. Шулар сабаб нафақат Ғазна, бутун салтанат фисқи фасод уясига айланди. Аммо султон буни билмайди, ё билса ҳам ўзини билиб билмаганликка олади, унинг кўзи кўр, қулоғи кар...

Амирнинг хаёлини Абу Тоҳирнинг:

— Валинеъмат, амирим!— деган овози бўлди.

— Мушриф қайда?

— Мушриф... икки ҳафта туну кун от суриб, ҳолдан кетмиш.

— Номаи саодат?

— Номаи саодатни унинг қўйнидан базўр топиб олдим, марҳамат, валинеъмат!— Абу Тоҳир чўнтагидан миттигина қора туморча чиқариб, таъзим билан амирга узатди. Устига учта митти кахрабо садаф тақилган бу қора туморчага кўзи тушиши билан амирнинг юра-

ги ҳаприқиб кетди: меҳрибон аммаси Хатлибегимнинг туморчаси!..

— Ҳқи!— Амир хонтахтадаги гулдор кўзачадан бир пиёла шароб куйиб бир хўплам ичди-да, ўзини ёстиққа ташлаб, Хатлибегимнинг номасини эшитишга чоғланди...

Оқлога минг қатла шукурким, доруссалтанатда амирии гўдаклигидан яхши кўрган бу азиз зот бор!..

Меҳри офтоб аммаи зори! У эрка жиянига чексиз изҳори муҳаббат ва беҳисоб дуои салом йўллаб, бирда кўз ёши билан, бирда қайғу-ҳасрати билан доруссалтанатдаги пинҳоний юмушларини баён қилибди.

Хатлибегимнинг хабар беришича, салтанатнинг шону шавкати, тожу тахтнинг зеби зийнати амирал муъминин, гарчи сабаби хасталик, ўз ёғида ўзи қовурилиб ётса ҳам, ноумид шайтон, олло таоло ўз бандасига шифо ато қилса ажаб эмас, фақат тожу тахтнинг тақдири қил устида турганда унинг, салтанатнинг ёлғиз умиди — амир Масъуднинг йироқ-йироқларда бўлиши ақлдан эмас. Сабаби, султонни авраб, унинг бағрига кириб олган Али Ғариб билан Абул Ҳасанак каби нобакорлар ёмон режалар билан машғулдирким, бу машъум ниятга кўра, султони салотин бу фоний дунёни етим қилиб, ул боқий дунёни муназвар этадурғон бўлса, улар субутсиз шаҳзода Муҳаммадни тахтга ўтказмоқ матлабидадур. Агар бани одам қиёфасидаги бу икки шайтон ўз муродларига етса, салтанатнинг аҳволи не бўлади? Зеро, салтанат бамисоли бир дарахт бўлса, Ғазна унинг илдизи, бошқаси япроғидур. Бас, амир Масъуд дарахтнинг япроғи эмас, илдизини ўйламоғи даркор.

Суюкли аммаи зори!..

Амир Масъуд Абу Тоҳирнинг бир меъёрда сокин оққан овозини эшитаркан, меҳрибон аммасининг чеҳраси кўз олдида намоён бўлди. Жуссаси чоғроқ, ўзи озғингина, қорачагина бўлса ҳам, юриш-туришлари шиддатли, гап-сўзлари ўткир, айни чоқда, сурма тортилган тимқора кўзларида ички бир иқтидор товланиб тургувчи Хатлибегим бобоси амир Сабуқтегинни эслатарди. Гўдаклигидан аммасининг бағрида ўсган амир Масъуд уни ўз волидасидан ҳам яхши кўради. Гўдаклиги эмиш! Мана ҳозир ҳам, кўзини бир зум юмса, кечалари аммасининг қўйнида чўпчак эшитиб ётган маъсум болалик чоғлари ёдига тушади, қулоқлари остида унинг «оппогим», «қўзичоғим», «бўталоғим» деб эркалагувчи мудоийим овози янграйди.

Амир, «ҳазрат ибн Сино», деган сўз қулоғига чалингандай бўлиб, хаёл оғушидан чиқди.

— Ибн Сино? Қайси ибн Сино? Қайта ўқи!

Абу Тоҳир кўзини мактубдан узиб, амирга «ялт» этиб қаради-да, итоаткорлик билан такрор ўқишга киришди:

«Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати, меҳрибони бошафқат жиянимга етиб маълум бўлсинким, биз доруссалтанатда ажаб бир савдоинг шоҳиди бўлиб турибмиз... Бундан уч-тўрт ой муқаддам валинеъмат қиблагонингиз ариз Абулвафо Сариқни Ҳамадон томон йўллаган эдиким, алломан замон ибн Сино ҳазратларини топиб кел деб. Падари покнингиз бу табиби давронга шундай ихлос қўйганким, бу ихлосни унинг дилга олло ўзи солмиш. Аммо элчи Абулвафо Сариқ ҳазрат ибн Синони топа олмай ўзи қайтиб келаётган эмиш, деган хабар келдиким, бу хабарни эшитиб кўп азият чекдик. Ажаб ҳолки, бу орада доруссалтанатда бошқа бир миш-миш тарқалди, гўё ул ҳакими ҳозиқнинг ўзи Ғазнаи мунавварада пайдо бўлган эмиш! Аммо биз бу мишмишларни ҳақиқат қилиб улгурмаган ҳам эдик, ул ҳакими ҳозиқ қайгадур гумдон бўлди. Қай йўсин сирли пайдо бўлган бўлса, шу йўсин сирли гумдон бўлди. Ахир наҳот ул такаббур ҳакимни топиб бўлмаса, бўтам? Қидириб кўр, шояд топсанг! Шояд ул ҳаким келиб, оғам шўрликнинг дардини даф қилса, шунда олампаноҳ ҳам ақли норасо шаҳзодадан кўнгли совиб, шояд меҳри сенга оғса, қулуним!..»

Ажаб мактуб! Ажаб савдо!

Ариз Абулвафо Сариқ бундан бир ярим ой муқаддам амир Масъуд ҳузурига ташриф буюрган эди. Икки қўли кўксида, кўзида мунчоқ-мунчоқ ёш, худди мана шу кўрпачада ўтириб, амирга ҳамма сир-асрорни сўзлаб берган эди. Аммо амир бу одамнинг на сўзига инонди ўшанда, на тўккан обидийдасига! Чунки амир билар: Ғазнада лашкар девонини бошқарган бу муғамбир ариз унга бош эгиб келишдан аввал ўз навкарлари билан пинҳона Ҳамадон ҳокими Алоуддавла ҳузурига ўтган, унга бирда ялғиниб-ёлвориб, бирда дўқ-писанда қилиб, ҳазрат ибн Синони топиб беришни талаб қилган. Ибн Сино ҳазратлари гумдон бўлиб, талаби рўёбга чиқмагандан кейин эса, тарвузи қўлтиғидан тушиб, амирнинг олдига юқиниб келган эди!

Падари султон Маҳмуд: «Менга Абулвафо Сариқнинг бўйи билан салласи ёқмайди», деб бежиз айтмаган

экан! Ушанда, катта сурмаранг салласи бошида хунук қўнқайиб турган бу бесўнақай одам унга ҳам ёқмади.

Авваламбор, валлакат қиблагоҳи, қолаверса, бу бесўнақай ариз бу ишларни ундан сир сақлашни лозим кўришган. Агар лозим кўришмаганда, Ҳамадонга пинҳона ўтишдан аввал унга мурожаат қилишар эди! Агар худо сахт-сумбат бериб, ақл бермаган бу эчки соқол ариз Ҳамадонга пинҳона ўтишдан олдин унинг олдига келганида эди, келиб ҳамма сир-асрорни баён этганида эди, амир Масъуд аллақачон ул ҳакими замонни топиб берган бўларди! Чунки кўпдан бери амир Масъуддан ҳадиксираб юрган Ҳамадон ҳокими Алоуддавла эндиликда сулҳ истаб, ҳар куни элчи юборади, элчилар билан туя-туя совға-саломлар йўллайди...

Бўйи билан салласи ёқмаса ҳам султоннинг ишончини қозона олган Абулвафо Сарик кўз ёшлари билан эчки соқолини юва-юва Исфаҳонни тарк этди! Амир Масъуд эса... бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйибди!

Амир юришдан тўхтаб, Абу Тоҳирга қадалиб қаради:

— Дарҳол Ҳамадонга, Алоуддавлага чопар йўлла! Дарҳол билмоқ даркор — ул ҳакими даврон Ғазнага кетганми ё ҳануз Ҳамадон теварагида яшириниб юрип-тими? Бор, девон бекларига фармон бер: дарҳол нома битсинлар!

Амир Масъуд шундай деб, кўрпачага ёнбошладиди, шароб тўла кўзага қўл узатди.

Ун бешинчи боб

1

«Буқун, тўрт юз йигирма биринчи йил ҳижрий, раб-биул охир ойининг тўртинчи куни бомдод чоғида Ҳамадондан чиқиб, намози асрда шаҳардан беш фарсанг жойдаги бир работ ёнига келиб қўндик. Шайх работга тушишни истамади, работдан йироқроқдаги бир қир этагига чодир тикиб, отлар билан туяларни тушовлаб ўтлоққа қўйиб юбордик.

Кеча тун ярмида яна саройдан чопар келиб, шайхга нома топширди. Номада айтилишича, Ҳамадон ҳокими Алоуддавлага Исфаҳонни забт этиб турган амир Масъуддан элчи келган. Элчи шайхни қидириб келган. Бундан икки ой муқаддам ҳам шайхни йўқлаб элчи келган, у Ғазнаи мунавварадан, султон Маҳмуднинг ўзидан келган эди. Шайх унда ҳам султон хизматига

боришни истамай, яширишига мажбур бўлган, бироқ шаҳардан чиқиб кетмаган эди. Бу сафар Ҳамадондан бош олиб чиқиб кетмоқдан бошқа чора қолмади, сабаби, султон Маҳмуд узоқда бўлса, амир Масъуд қўл чўзса етадиган жойда. Исфаҳонда. Боз устига, Ҳамадон ҳокими Алоуддавла амир Масъуддан балойи азимдан қўрққандай қўрқади, чунки Исфаҳонни бир ҳамла билан босиб олган амир, истаса, Ҳамадонни ҳам бир кунда забт этмоққа қодир.

Биз кечаси билан йўл ҳозирлигини кўрдик. Бир сандиққа китобларни жойладик, бир сандиққа ноёб доруларни. Ҳар эҳтимолга қарши мешларга сув тўлдирдик, дашти биёбонда бошпапасиз қолмайлик деб, чодир олдик. Қолган нарсаларни ёр-биродарлар эрта-бурускуни етказиб бермоқлари даркор.

Субҳи содиқ шаҳар дарвозасидан чиқдик. Мен шайхдан «Қайга борамиз», деб сўрадим. Шайх уф тортди: «Қайга бош қўйишни ўзим ҳам билмаймен, ўғлим,— деди.— Мана, таваллуд топган юртимни тарк этиб, мусофирлик жандасини кийганимга чорак аср бўлди. Аммо қайга муқим қўниб, қачон ҳаловат топамен, ўзим ҳам билмаймен. Эҳтимол, Бағдод томон равона бўлурмиз, болам».

Шайх шундай деб, отини чуқлади ва шу работга келиб қўнгуниimizча ундан садо чиқмади.

Шайхнинг аҳволи руҳияси менга аён. Мана, неча ойдирки, Исфаҳондан хабар йўқ. Елғиз иниси Абу Маҳмуд тирикми, йўқми — ҳануз қоронғи. Ёнғинда қолган кутубхонасидаги ноёб китоблари-чи? Нодир қўлёзмалари-чи? Ҳануз дарак йўқ. Шаҳар қамалда. Шайх шуни ўйлаб, кечаю кундуз изтироб оташида қовурилади.

Работ яқинига қўниб, чодирларни тикиб бўлгуниimizча намози аср бўлди. Намоздан кейин шайх, бир айланиб келамен, деб қирга чиқиб кетди.

Кун илиқ. Қир-адирлар кўм-кўк, кўрган кўз қувонади. Чамаси, бу ерларга амир Масъуд лашкарлари етиб келмаган, узоқ-яқиндаги кичик-кичик қишлоқлар осойишта.

Шайх кун ботиб, қош қорайганда қайтиб келди. У яна қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Ажаб ҳол!— деди шайх.— Бу дашт, бу адирлар худди Бухоро теварагидаги дашту адирларга ўхшайди. Анов қишлоқлар эса ё тавба!— худди камина таваллуд топган Афшонанинг ўзи. Баайни ўзи!..

Шайх шундай деб кўзига ёш олди.

— Таваллуд топган жойларингизни соғинибсиз, ус-
тод,— дедим.— Бағдодни қўйиб, Бухоро томон йўл
олайлик!

— Кошкийди, Бухорони кўрмоқ насиб этса!— деди
шайх маъюсланиб.— Сен билмайсен, болам, у ерда
Алитегин деган бир ҳоким бор, бу ҳоким олдида амир
Масъуднинг этагида намоз ўқиса бўлур!

Шайх шундай деб, қалам-қоғоз келтиришни илти-
мос қилди.

— Букун «Китоб ал-Инсоф»ни қайта тиклашга ури-
ниб кўрайлик,— деди шайх.— Мен айтиб турамен, сен
ёзасен!..

Шайх ҳамниша шундай қилади. Бошига бир мусибат
тушса ёхуд аламли ўйлар юрагини исканжага олса, ҳа-
миша ўзини иш билан овутади, ҳамма нарсани йиғиш-
тириб қўйиб, бирор асарини ёзмоққа киришади.

Букун ҳам биз тун ярмигача иш билан машгул бўл-
дик. Мен «Китоб ал-Инсоф»нинг қўлёзмасини ўқиган
ёдим, бироқ ёдимда яхши сақланиб қолмаган эди.
Шайх эса, ҳаммаси ёдида экан, чодирда у ёқдан-бу ёқ-
қа юриб, айтиб турди, мен айтганини ёзиб бордим. Шу
тариқа тун ярмигача йиғирма саҳифани тўлдирдик. Тун
ярмидан ошганда шайх иккимиз чироғни ўчириб, тў-
шак ёзиб ётдик. Каминна чарчаган эканмен, дарҳол ух-
лаб қолдим. Бир маҳал уйғониб кетсам, шайх уйқудан
турган экан. Шам ёқиб, эгнига қуроқ жанда, бошига
вски кулоҳ киймоқда эди. Мен ҳайрон бўлиб, ўрнимдан
турган эдим, шайх:

— Таваллуд топган жойларим ёдимга тушиб, кў-
вимдан уйқу қочди,— деди.— Сен ухлай бер, болам,
каминна атроф-теваракни бир айланиб келамен.

Мен ундан, нечун устингизга жанда, бошингизга ку-
лоҳ кийдингиз, деб сўрадим. Шайх: «Эҳтиёт шарт», деб
жавоб қилди.

Шайх шамни ўчириб, чодирдан чиқди, мен қайта
ётиб ухлаб қолдим».

(Убайд Жузжоний хотираларидан)

2

Ибн Сино тунги шудрингда ҳўл бўлган чодир этаги-
ни кўтариб, ташқарига чиқди.

Бепоеён дашт артилган тилладай тиниқ йирик юлдуз-
ларга тўла, гўё осмон билан дашт қўшилиб кетгану

оппоқ йирик юлдузлар баҳорги гиёҳлар орасига тариқдай сочилиб кетган, гўё уларни ҳовучлаб териб олса, ҳовучлаб сочиб юборса бўлади.

Иби Сино, тўсатдан юраги «шиғ» этиб, чодир ёнида тўхтади. Нигоҳи олдига худди мана шундай илиқ тун қўйнида, тупроқ йўлда кетаётган ҳўкиз арава келди, арава узра аста айланаётган тунги осмон ўшанда ҳам мана шундай оппоқ, мусаффо юлдузларга тўла эди.

— Бибижон!

— Ҳов, олтиним? Нечун ухламайсен?

Қоронғида тилла тақинчоқлар нозик жаранглайди, сўнг, уч-тўрт яшар гўдакнинг димоғига «гуп» этиб сут ва иссиқ нон ҳиди уради. Кичкина Абу Али онаси Ситорабонунинг илиқ кафтини тутиб, чўлп-чўлп ўпади, юзига, кўзларига суртади.

— Бу юлдузлар қайдан келган, бибижон?

— Уларни олло яратган, олтиним.

— Олло қайда, бибижон?

— Етти қават осмоннинг устида, арши аълода. Ухла, кўзинчоғим...

Сут ва иссиқ нон ҳиди уфурган майин қўллар гўдакнинг юзини меҳр билан силаб кўрпани ёпмоқчи бўлади, бироқ гўдак бетоқат типирчилаб, кўрпани очиб ташлайди.

— Бу юлдузларнинг оти борми, бибижон?

— Бор, олтиним, уларни уламолар билади. Катта бўлганинда сен ҳам уламо бўласен... Шунда ҳаммасини билиб оласен.

— Йўқ, бибижон, мен биламен. Хув анов, қоқ тепадаги катта оқ юлдузни Олтин қозиқ дейдилар. Олтин қозиқнинг остидаги етти юлдузнинг номи Банот наъш. Анов чеккада ялтираб турган юлдузни Уторид юлдузи дейдилар, бибижон!

Гўдак сўзини тугатолмайди. Тўсатдан юзида, пешонасида онасининг иссиқ лабларини ҳис этади, кўз ёши аралаш пичирлаб айтган гаплари арава ғилдиракларининг ғичир-ғичирини босиб кетади:

— Илоё бу зеҳни ато қилган тангрим ўз паноҳида асрагай сени! Илоё умринг узоқ, юлдузинг ёруғ бўлғай, болажоним! Энди ухла, кўзинчоғим. Ҳозир Афшонага етиб борамиз. Уриклар довучча туккандур! Гулрухсор опанг довучча териб, сени кутиб ўтиргандур? Ухла, олтиним!

Гулрухсор — тоғасининг катта қизи. Тўрт яшар Абу

Али уни ўз туғишган опаси Гулнорадан ҳам яхши кўради. Гулрухсорнинг қўллари онаси Ситорабонунинг қўлларидан ҳам майин, мулойим, чиройли. Кўзлари осмондай кўм-кўк, тили новвотдан ҳам ширин Гулрухсор ҳовуч-ҳовуч тут териб, Абу Алига тутади, Абу Али эса, худди охурдан ем еган тойчоқдай, унинг ҳовучига тумшугини тиқиб, садафдай-садафдай марварид тутларни битта-битта териб ейди, еб бўлиб, аллақандай хушбўй гиёҳлар атри уфурган нозик бармоқларини ўпади, битта-битта ўпади. Гулрухсор қотиб-қотиб кулади. Унинг кулгусидан завқланган Абу Али яна ўпади, қайта-қайта ўпади. Кечалари эса, Гулрухсорнинг райҳон ҳиди келган юмшоқ, силлиқ сочларини ўйнаб ётади, юзини унинг оппоқ майин сийнасига босиб ухлашни яхши кўради.

— Бибижон!— дейди Абу Али энтикиб.— Мен опажонимни яхши кўрамен, бибижон!

— У ҳам сени яхши кўради. Ухла, олтиним, ухлаб тур, опажонингни кўрасен!

Э воҳ! Гулрухсорни кўриш насиб этмайди. Абу Али эрталаб юракни тилка-пора қилғувчи йиғи ва фарёдлардан уйғониб кетади. Арава тоғасининг чорбоғи ёнида турипти. Эшик олдида тумонат одам. Онаси Ситорабону ўзини кўк мато ёпилган тобутга ташлаб, фарёд чекмоқда. Абу Али нима бўлганини англай олмайди, лекин кўк мато ёпилган тобутни қучоқлаб йиғлаётган онасини кўриб, аравадан сакрайди-ю, онасига қўшилишиб у ҳам фарёд чекади.

Тун. Тўрт яшар Абу Али ўз ҳовлиларида, катта шотут тағидаги супада ётипти. Тепасида иягини тиззаларига қўйганича Ситорабону мунғайиб ўтирипти. Гўдак кўзнини очиши билан онасининг ёш тўла кўзларини кўради.

— Бибижон! Нега йиғлайсиз, бибижон?

— Нега йиғламайин! Опажонингни бериб қўйдик, олтиним.

— Опажонимни кимга бердингиз, бибижон?

— Опажонингни фаришталар олиб кетди, олтиним!

— Фаришталар опажонимни қайга олиб кетдилар, бибижон?

— Жаннатга, олтиним, боғи фирдавсга олиб кетдилар, қўзничоғим...

— Опажоним жаннатдан қачон келади, бибижон?

— Қошқийди келса, олтиним! Қим билсин, Бухорода бўлиб яхши ҳакимлар кўрганида, шифо топиб, туза-

либ кетармиди опажонинг! Бу ерда на бир яхши табиб бор, на бир ҳабиб, не чора, олтиним?

— Яхши ҳаким деганингиз не, бибижон?

— Катта бўлганигда биласен, олтиним. Хасталарни даволагувчи алломаларни ҳаким дейдилар. Қим билсин, яхши ҳаким бўлганида опажонингдан айрилиб қолмасдик, олтиним?

— Бибижон! Катта бўлганимда ҳаким бўламен. Опажонимни даволаб, жаннатдан олиб келамен, бибижон.

Гўдак сўзини тугатолмайди. Ситорабону ўғлини бағрига босади-ю, кўз ёшлари билан гўдакнинг юзини ювиб, уни қайта-қайта ўпади.

— Илоё фаришталар омин дегай бу сўзингга, олтиним! Омин дегай!

Ажаб ҳол! Ошини ошаб, ёшини яшаб дегандай, эликдан ошиб қолганида маъсум гўдаклик чоғларини эслаб изтиробга тушса? Бу маъюс ўйларнинг сабаби не? Ҳамадон сарҳадидаги бу кўм-кўк дашт Бухоро даштларини ёдига солганиданми ё олисдаги анов қишлоқлар у таваллуд топган суюкли Афшонани эслатганиданми? Агар фақат эслатгани учун юраги шундай питирласа, она юртини кўрганда қай аҳволга тушади? Мусофирликда неча бор тушларига кириб чиққан Бухоро кўчаларидан қайта ўтса, Афсона боғларига кириб, гўдаклик чоғларидагидек, ўз кўли билан тут ва довучча териб еса не бўлади?

Тонг яқин. Ана, олис-яқинларда хўрозлар қичқирди, эшаклар ҳангради, ҳар жой-ҳар жойда чўкиб ётган туялар, тушовланган отлар кўзга ташланди, рабоб кўрғони томонда гулхан ёқиб, исиниб ўтирган сарбозларнинг гангир-гунгур овозлари қулоққа чалинди.

Ҳа, ибн Сино янглишмаган, ям-яшил майсалар билан қопланган бу дашт, кўкни тўлдирган бу оппоқ юлдузлар, гуркираб ўсган шувоқ ва ёвшанлар, какра ва янтоқларнинг ўткир бўйлари, уларнинг бетакрор атри, ҳамма-ҳаммаси Бухоро заминини, Бухоро гиёҳларини эсга соларди!

Ибн Сино гиёҳлар тўғрисидаги илк сабоқларни аввал машҳур араб алломаси Абубакр ар-Розий, кейин Букрот ҳаким билан Жолинус китобларидан ўқиб билган, бироқ энг катта илми Афсона қирлари ортидаги саксовулзор қумликларни яёв кезган чоғларида, авом бўлса ҳам гиёҳлар сирини яхши билган чўпон-чўлиқлар даврасида орттирган эди!..

Яна дард, яна бемор, яна доривор гиёҳлар! Қачон бу ўй хаёлидан кўтарилиб, бир он ором беради унга?

Даштни чулғаб олган ҳарир туман сал тарқаб, осмоннинг машиқ томони оқара бошлади, кўкда ғуж-ғуж ёнган юлдузлар сийраклашди, хиралашди. Оёқ остида гиламдай ястанган майсалар — тўпиққа келган ёвшан ва шувоқлар, митти шамлардай ялт-ялт этган чиропоялар, ер бағрини игнадай тешиб чиққан пиёзи анзуррийлар бу қирларни безаш орзусида, данакдай-данакдай мева туккан лолақизғалдоқлар, ўткир тиканаклар билан ўралган янгоқлар, мовий гулчаларга безанган нохатак ва читир гуллар, какра ва ёввойи бедалар эрталабки шудрингда чўмилиб, аллақандай яшнаб кетган. Ибн Сино уларнинг бетакрор муаттар ҳидларини ҳидлаб тўймас, назарида, гўё ҳамма гиёҳлар унга эркаланиб боқаётгандай, гўё, «мени танидингми, мен қайси дард, қайси касалга малҳам бўлишим ёдингдами», деб илтижо қилаётгандай туюлар, у ерга тиз чўкиб, бу гиёҳларни аста силаб қўйгиси, юзига, кўзларига суртгиси келарди!

Ибн Сино қир ёнбағрида ўсган сада тағида тўхтаб, тўйиб-тўйиб нафас оларкан, шогирди Абу Убайд ал-Жузжонийнинг бир сўзи ёдига тушиб, нчида кулиб қўйди:

— Устод! Сиздан бир сўз сўрасам майлими?

— Хўш?

— Айтадиларким, сиз ўт-ўланлар тилини билар эмишсиз. Қирма-қир, даштма-дашт юриб, гиёҳлар билан сўзлашар эмишсиз. Гиёҳлар сизга буй чўзиб, «мен фалон дардга давомен, мен писмадон касалга шифо бўламен», деб сир-асрорларини баён қилишар эмиш. Шу гап ростми, устод?

— Хўш-хўш?

— Айтадиларким, бир хастанинг дардига даво тополмай, кўнглингиз ғаш бўлиб, тоғларга чиқиб кетган эмишсиз. Тоғма-тоғ юриб гиёҳлар билан сўзлашган эмишсиз. Шунда бир гиёҳнинг сўзи сизни лол қолдирган эмиш. Бу гиёҳ ўша, бевақт оламдан ўтган хастанинг дардига даво экан. Шунда сиз қаттиқ куюниб:

— Нечун бу сўзингни аввал айтмадинг?— деб сўраган эмишсиз.— Ё кечлик қилмасмикин? У шўрлик ҳали дафи қилингани йўқ, сени олиб бориб, муолижа қилиб кўрсаммикин?— деган эмишсиз. Шунда гиёҳ ҳам таассуф билдириб:

— Йўқ, ҳакими ҳозиқ, мен ул шўрликнинг дардига даво бўлур эдим, бироқ ажалга даво бўлолмаймен! — деб жавоб берган эмиш. Шу сўз ҳақиқатми, устод?..

Ажал! Ҳаёт ва ўлим! Мана, салкам қирқ йилдирки, бу ечилмас тугун ибн Синонинг хаёлини бетиним банд этиб келади, бу чигал сир-асрорнинг тагига етиш орзусида у қай кўчаларга кириб чиқмади, не-не доруларни яратмади! Ажаб ҳол: ёшликда, Бухоро ҳокими Нух ибн Мансурни даволаб, унинг кутубхонасидаги Абу Бакр ар-Розий, Буқрот ҳаким ва Жолинус китобларини «чай-намай ютиб» юрган чоғларида, келгусида унинг учун ечилмайдиган жумбоқ бўлмаслигига, ҳатто ажалга ҳам даво топишига амин эди. Энди эса, минглаб гиёҳлар сирини англаб, сержумбоқ табиатнинг кўп ҳодисаларига тушунганида эса, ёшлик орзуларининг пучлигига ишонди. Ҳайҳот, табиат сирларини ўрганган сайин унинг таги чуқурлашиб бормоқда, бир жумбоқни ечса, иккинчиси, иккинчисини ечса, учинчиси рўбарў бўлади. Мана, соқолига оқ оралаб, кўзидан нури, белидан қуввати кета бошлади ҳамки, илм бобидаги бу қувди-қочдининг пштиҳоси кўринмайди.

Дуруст, у энди табиат сирларининг ибтидосини биллади. Тирик мавжудот борки, чумолидан тортиб бани одамгача — ҳаммаси тўрт унсурдан — тупроқ, сув, олов ва ҳаводан барпо бўлгани аён унга! Бу оламнинг яратилиши, табиат ҳодисаларининг бир-бирига чамбарчас боғланиб кетиши метин бир қонуниятга асосланганини, қонуният эса, ўз навбатида, буюк бир зарурат пойдеворида қурилганини англаб олди. Фақат бу қонуниятнинг тагига етмоқ, бу улуғ заруратни англамоқ қолди, холос. Англамоқ учун эса, ақл-идроққа суянмоқ зарур. Шунинг учун ҳам у, авваламбор, кўкка, иккиламчи, ақл-идроққа сиғинади, ақл-идроқ олдида бош эгади.

Ҳа, бу тафаккур, бу ақл-идроқ бани одамга фақат бир мақсадда, ўзи яшаган бу оламини билмоқ, табиат сирларини англамоқ ва ниҳоят, оқу қорани таниб, ўз ҳаётини инсоф ва адолат асосига қурмоқ учун ато қилинган! Бани одам эса, э воҳ, ҳануз чиркин истак ва тубан ҳиссиётлар тузоғидан чиқолмайди! Шу боисдан ўзи янглиғ одамлар устидан ҳоким бўлиш истагида ёнган султон Маҳмуд каби фотиҳлар қўлида қўғирчоқ бўлиб юрибди! Шу боисдан уларга донолар сўзида мустабид шоҳлар амри аъло туюлади, донолар қолиб, фотиҳлар сўзига юради!.. Умр эса, э воҳ, қисқа экан, ўлим, ҳайҳот, ҳақ экан!

«Ўлим» сўзи хаёлига келиши билан негадир яна ёшлик йиллари эсига тушди, «Жуйи Мўлиён» кўчасининг охиридаги «Доруш шифо» шифохонаси кўз олдига келди.

Зимистон тун. Шифохона уйқуда. Энг чеккадаги чоғроққина ҳужрада Жолинуc китобидан илми ташриҳга¹ оид бобини кўздан кечириб ўтирган ёш табиб Абу Али эшик тақиллаганини эшитиб, чўчиб бошини кўтаради.

Бўсағада... устига тўн устидан узун оқ ридо кийиб, оғзини оқ рўмол билан боғлаб олган устод Абу Мансур Қамарий²,— олло унинг руҳини шод этгай!— шогирди-га синовчан тикилиб турипти. Устод билан шогирд музхонага тушиб, ўша куни оламдан ўтган бир гадонинг мурдасини ёриб кўрмоқлари лозим. Абу Али буни билди. Шунинг учунми ё устоднинг устидаги оқ кийими сабабми, бўсағада турган устод — устод эмас, марҳумнинг арвоҳи бўлиб туюлади-ю, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетади.

«Доруш шифо» ҳовлисининг энг чеккасида, минг хил доривор гиёҳлар сақланадиган чоғроқ хона, хонанинг тагида эса, ёзда ҳам қишдагидай салқин турадиган катта ертўла бўларди. Хасталар у ёқда турсин, ҳатто қоровуллар ҳам чўчиб, четлаб ўтадиган бу «музхона»-да марҳумлар жасади сақланар, то қариндош-уруғлари келиб олиб кетгунча, жасадлар шу ерга қўйилар эди.

Зимистон кеча... Ҳамма уйқуда, ҳатто қоровуллар ҳам пинакка кетган, ҳовлида тик этган товуш эшитилмайди.

Устод, оёқ учида юриб, ҳовлининг машриқ томонига ўтади, у ердаги бостирма тагига киргач, тик зиналардан юриб, «музхонага» тушади-да, қўлидаги шамни ёқади.

Абу Али, ўша кунгача устод раҳбарлигида қўй-эчки ва ит-мушукларни сўйиб, ички аъзоларини ўрганиб юрган бўлса ҳам, одам мурдасини ёриб кўришни ўйламаган, шу боисдан бўлса керак, ҳамон аъзойи баданида чумолилар ўрмалайди.

Марҳумнинг жасади махсус қурилган баланд сўрига қўйилиб, устига бошдан-оёқ оқ мато ёпилган.

Устод, эшик занжирига ишонмай, уни ичидан тиргаклайди, сўнг, марҳумнинг бош томонига чўккалаб,

¹ Илми ташриҳ — анатомия.

² Абу Мансур Қамарий — бухоролик табиб, ибн Синонинг ялқ устози.

узоқ тиловат қилади. У «Сураи ёсин» нинг узун йўлини ўқийди, Абу Али эса пойгакка чўнқайиб, сураи сўзма-сўз такрорлайди. Ажабо, тиловатдан сўнг унинг кўнгли хиёл тинчигандай бўлади, гўё улар «бу куфр» ишлари учун марҳумдан афв сўрайдилару сўроқлари ижобат бўлади!

Музхонанинг даричаси йўқ, кундузлари фақат эшикдан шуъла тушар, эшик ёпилса ертўла зимистон бўларди. Устод ўзи олиб келган шамларни битта-битта ёқиб, токчаларга қадаб чиқади, тиловатдан сўнг сал ҳушига келган Абу Али эса, наштарларни, жом ва қумғонларни тайёрлайди. Ҳамма нарса тахт бўлгач, устод, ҳамон пичир-пичир дуо ўқиганича, мурданинг юзидан оқ матонн олади...

Бир кун аввал оламдан ўтган бу гадо сўрида чалқанча ётар, унинг кўзлари очиқ қолган, у гўё тиригу уларнинг ишини кўп хушламай жимгина кузатиб ётганга ўхшарди.

Йиллар ўтади. Илми ташриҳни мукамал билмоқ ниятида ибн Сино яна кўп мурдаларни пинҳоний ёриб кўради, ҳар бир аъзонинг ҳолати ва тузилишигина эмас, бу аъзоларнинг энг майда қон томирларигача текширади, ўрганади. Зотан, Буқрот ҳақимнинг: «Кимни дори тузатмаса, гиёҳ тузатади, кимни гиёҳ тузатмаса, пичоқ тузатади, кимни пичоқ тузатмаса, ўлим тузатади», деган нақлига амал қилиб, пичоқни шифо бобидаги ўзининг энг ишончли қуролига айлантиради. Лекин «Доруш шифо»даги бу ертўла, ертўланинг тўрида гўё тирик одамдай уларга жимгина тикилиб ётган кўзи очиқ бу гадо!.. Йўқ, кўнглига мудҳиш қўрқув солган бу оқшом ҳеч қачон эсидан чиқмайди унинг!

Устод эса... шогирдининг совуқ ваҳима оғушида титраб турганини кўриб:

— Олло ўзи кечиргай, болам!..— деб шивирлайди.— Камина ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлганмен. Бу ишини мен, авваламбор, сен учун қилмоқдамен. Худованди карим ўз бандасини қандай яратган — буни билмоқ гуноҳ эмас, болам. Билъакс, яхши табиб буни билмоғи даркор, даволаш борасида фойдаланмоғи даркор! Ҳамма нарса оллодан, болам, аммо яратгучи ўз бандасига ақл-заковатни шу матлабда инъом этганким, у ҳаммасини билмоғи лозим! Бас, даволаш йўлларини билмоқ — биз ҳақимлар учун ҳам фарз, ҳам қарзур! Қўрқма, болам, наштарни қўлингга олиб, яқинроқ кел!..

Устод шундай деди-да, ҳамон билинар-билимас қалтираган қўллари билан мурдаинг қорнига нашта қолди.

Ҳа, ибн Сино таботатга ихлос қўйибдики, оламда неки дард бўлса, ҳаммасини билишга ҳаракат қилди, уларга даво ахтариб, салкам уч минг гиёҳнинг шифобахш сирларини ўрганиб чиқди. Бу дардлар тафсири «ал-Қонун» китобининг беш жилдини, доривор гиёҳлар баёни эса «аш-Шифо» асарининг икки жилдини ташкил қилди!.. У касалликларни иккига, яъники, мураккаб ва содда касалликларга ажратди ва шунга қараб мураккаб ва содда дорулар яратди. Юзларча шифобахш гиёҳлар ва неъматлар бирикмасидан ясалган бу мураккаб дорулар ожизлик қилганида жарроҳлик санъатини ишга солди, ўнлаб жарроҳия асбобларини, ҳуқна¹ қилишнинг янги йўллариини ўйлаб топди. Ва шу йўсин минг-минг хасталарнинг давосиз дардларини даф қилиб, дуоларини олди. Фақат, ҳайҳот, ўлимга даво топмади!

Ҳаёт не? Улим не? Агар бу норасо оламдан бошқа олам, бошқа ҳаёт бўлмаса, бани одам нечун келиб, нечун кетди?

Ҳар сафар унинг дорулари кор қилмай, бирор ожиз банда қўлида жон таслим қилганида бу ноинишч ўйлар, бу шаккок фикр унга ойдаб тинчлик бермайди!

Ё тавба! Бу ғалати ўйлар қайдан келди? Ҳаёли нечун бунчалик паришон бугун? Бунчалик ҳазин? Наҳот бунга сабаб Бухоро қирларига ўхшаш бу кўм-кўк қирлар бўлса? Афшонани эслатувчи анов кўм-кўк қишлоқлар бўлса?

3

Қирлар устидаги оқиш туман тарқаб, дашг бутун латофати билан намоён бўлди. Ана, кўкдаги сийрак оқ булутлар ловиллаб ёна бошлади, қирлар ортидан кўтарилган офтобнинг сержилва ўйноқи нурлари гиёҳлар баргидаги шабнам билан ўпишиб, бутун даштни ажиб бир шуълага чўмилтирди-ю, йироқдаги боғлар боягидан ҳам яшнаб кетди.

Боғлар орасида пастак япасқи уйлар элас-элас кўринар, фақат қишлоқ ўртасидаги улкан масчитнинг қуббадор гумбази чарақлаб турар, у худди Афшона масчитини эслатар эди. Жума кунлари Афшона масчи-

¹ Ҳуқна — клизма.

тига яқин теварақдаги қишлоқларгина эмас, ҳатто Бухородан ҳам намозхонлар дарёдай оқиб келар, мачит олдидаги майдон ва чорраҳалар, турнақатор расталар, дўкон ва дўкончалар от сурган зодагонларга, ҳаммаси бирдай оппоқ кийинган уламоларга, зикр тушган қаландарлар, тиланчилар, гадолар, моховлар, оёқ-қўлларидан айрилган майиб-мажруҳларга тўлиб кетар, боғлар билан қуршалган Афшона қалъаси ари уясидай гувиллар эди.

Афшона! Яна Афшона! Мана, салкам ўттиз йилдирки, бир зум ёлғиз қолса лоп этиб кўз олдида туғилган жойлари келади, Афшонанинг боғлари, кўм-кўк қирлари, ҳадсиз сайхонликлари ёдига тушади.

Ибн Сино бир-бир босиб рўпарадаги қирга чиқди. Қир этагидан катта анҳор ўтарди. Анҳорнинг у юзида, бўз яқтак кийган бир неча болалар сизир боқиб юришар, олисроқдаги ялангликда омочларига ҳўкиз ва хачир қўшиб ер ҳайдаётган деҳқонлар кўзга чалинарди.

Ё тавба! Афшона чеккасида ҳам худди мана шундай анҳор ўтар, анҳорнинг чап соҳилида бепоён қовун полизлар ястаниб ётарди.

Бу полизларда ширин-шакар амирийлар, босволдилар, саҳар пайти тун сукутини бузиб карс-карс ёрилғувчи шакарпалак, тўрламалар, катталиги муштдеккина бўлса ҳам, шарбати тил ёрғувчи қора қовунлар битарди. Қичкина Абу Али кечалари қамиш қапа ёнидаги шоҳсупада илк устози Нотилийнинг пўстинига ўраниб ётиб, осмон тўла юлдузларни санашни яхши кўрарди. Субҳидам эса, карс-карс ёрилган тўрламаларнинг овозидан уйғониб кетар, совуқдан дир-дир титраб полизга тушар, шудрингда чўмилган муздай палакларни яланг оёқ оралаб, ёрилган қовун парчаларини териб ейишни севар эди!

О, болалик! Беғубор, беташвиш болалик! Кечаси учган юлдуз янглиғ «ялт» этиб, бир чақнадишгу ўтдингкетдиш!

Бир-биридан маъюс, аммо аллақандай тиниқ эсдаликлар худди тасбеҳ мунчоқларидай бир-бирига улашиб борарди.

Авжи баҳор. Афшона теварагидаги ям-яшил сайхонликда оқ жигарранг, қора-қизғиш ўтовлар саф тортган, анҳор ёқасидаги тепаликка эса ранг-баранг ипак тасмалар билан безатилган ўн икки қанотли улкан оқ ўтов тикилган. Ўтовнинг тўрида, баланд қилиб тўшалган оқ кигизлар устида, узун тимқора сочларига беҳи-

соб кумуш танга ва митти қўнғироқчалар тақилган бир қиз ётибди. Қизнинг кўзлари юмуқ, мажолсиз, нимжон қўллари баланд тўшакдан сирпалиб тушиб, ҳолсизгина осилиб қолган.

Ёш табибни ўтовга бошлаб кирган кулча юзли, бодомқовоқ канизак аста бориб тўшак олдига тиз чўкади. Шунда шарпани сезган қиз қалин киприкларини базўр очиб, пойгакда жимгина тикилиб турган ёш табибга қарайди, қарайди-ю, «қулт» этиб ютинади. Ютинганда гўдакнинг томоғидай нимжон, оппоқ томоғининг остидаги мошдек қора холи қандайдир ожизгина қимирлаб қўяди...

...Ибн Сино, гўё бу воқеа бундан ўттиз йил бурун эмас, ҳозир содир бўлгандай, юраги аллақандай жизиллаб кетди.

Ҳа, Бўтакўзбегим деган бу саҳронишин сулув ҳам унинг ҳаёт осмонида бир лаҳза ёнган ёруғ юлдуздай ярқ этди-ю, ўтди-кетди!

Не чора? Бани одам ҳаёти шундай қисқа экан, ҳам қисқа, ҳам ғурбатга тўла экан! Ҳайҳот! Унинг болалик йилларини ёруғ нурга йўғирган бу меҳри дарё инсонлардан кимлар қолди? Қимлар бор? Оллога шукур, падари бузрукворини ўз қўли билан Бухоро тупроғига дафн этди, онаизорини эса, дафн этиш насиб ҳам қилмади. Синглиси Гурганжда қолди, ёлғиз иниси Абу Маҳмуд эса... ўликми, тирикми, ёхуд унинг кутубхонасини асрайман деб, ёнғин ичида қолдими — мана, неча кундирки, бу нотинч ўй ибн Синога на уйқу беради, на ором!

Ота-она, қариндош-уруғларининг қисмати шу бўлди! Она юрти-чи?

Айтишларича, илкхонлар авлодидан бўлмиш амир Алитегин Бухорони кўп хушламас эмиш. Қишда шаҳарда турса ҳам, ёзда кўнглига яқин даштларга кўчиб чиқар эмиш, беҳисоб ўтовлар қурдириб, кунини ов билан, улоқ ва кўпкари билан, қўшни шаҳарларга қирон келтириш билан ўтар эмиш!

Алитегин ҳам майли, султон Маҳмуд-чи?

Машриқда Ҳиндистон, Мағрибда Хуросон етмагандек, султон бундан уч-тўрт йил муқаддам Бухоро ва Самарқандга ўн минг жанговар фил билан бостириб борган эмиш. Ўн минг жанговар фил баробар қадам ташлаганда Бухоро тупроғи ларзон-ларзон бўлган эмиш, бир жойда тўхтаб, баробар наъра тортганда эса осмону фалак зир титраган эмиш!..

Ажабо, мана энди у, кимсан ибн Сино, Бухорога қирғинбарот келтирган шу султонни даволамоғи даркор эмиш, бедаво дардига даво топиб, бошқа қирғинларга йўл очиб бермоғи лозим эмиш! Бунинг учун эса султон макон қурган Ғазнаи мунавварага бормоғи даркор эмиш!

Рост, ожиз банда, унинг ўзи ҳам одил пошшо қидириб кўп янглишди. Шамсуддавла ва маликаи Саида каби ақли кўтоқ гумроҳларни инсоф ва адолат йўлига соламан деб, умрининг энг масъуд йилларини йўқотди, шу ниятда ҳатто уларга вазирлик ҳам қилиб кўрди, бироқ, ҳайҳот, шон-шуҳрат ишқида ёнган бу жоҳил ҳокимларнинг тубан истаклари олдида унинг эзгу орзулари бамисоли тошга теккан ойнадай чил-чил синди. Ва лекин... бу дунёда ҳамма нарса нисбий! Биргина Ҳиндистонга ўн етти марта юриш қилиб, неча-неча шаҳарларни вайрон қилган, қалъалар ва ибодатхоналарга яширинган минг-минг заифалар, норасидалар, майиб-мажруҳлар устидан тириклайин ўт қўйиб юборган султон Маҳмуддай жаҳонгир олдида ибн Сино хизмат қилган гумроҳ ҳокимларнинг этагида намоз ўқиса бўлади!

Бундан беш-олти йил муқаддам Исфаҳонда ҳиндистонлик бир сайёҳ гапириб берган эди. Ҳиндларда «Жавоҳир» деган бир русум бўлар эмиш. Шундайким, эрлар жанг-жадалда ҳалок бўлсалар, хотинлар ўзларини ўтга ташлар эмиш. Султон Маҳмуд бостириб борганида, эрларининг жанг майдонларида ҳалок бўлганини кўрган минг-минг хотинлар, гўё жаҳонгир келтирган қатли бедод етмагандай, ўзларини оловга ташлаб ўлган эмиш!..

Ҳинд сайёҳи буни оппоқ соқолини кўз ёшлари билан ювиб гапириб берган, ибн Сино эса унинг мудҳиш ҳикоясини зир титраб эшитаркан, султоннинг юзини бу дунё, у дунё кўрмасликка ичида онг ичган эди!

Фақат бир нарса Ғазнани ўйлаганда унинг юрагини аллақандай жизиллатиб юборади — у ҳам бўлса устод Беруний билан дийдор кўришиш истаги! Улар сўнг бор кўришганларига, тўғрироғи, кечаси Гурганж дарвозасидан пинҳона чиқиб, қалин саксовулзор орасида сўнг бор видолашганларига неча йил бўлди. Мана, салкам йигирма йил бўлибди. Шундан кейин илмий муаммоларга оид уч-тўртта мактуб ва сайёралар орқали етиб келган узуқ-юлуқ гапларни ҳисобга олмаганда, устоддан дарак йўқ. Баъзи хабарга қараганда устод Беру-

ний Гурганжни тарк этиб, Ғазнага боргандан кейин у ерда катта расадхона қурган, расадхонаси султонга маъқул тушиб, уни ўзи билан бирга Ҳиндистонга олиб кетган. У ерда устод ҳиндлар тилини ўрганиб, аввал султонга тилмочлик қилган, кейин эса, бу юрт ҳақида, унинг тарихи, илми ҳикматлари, урф-одатлари, қўшиқ ва дostonлари, ҳикоят ва ривоятлари тўғрисида катта китоб ёзиш мақсадида Ҳиндистонда узоқ фурсат қолиб кетган.

Бу гапларнинг қайси бири рост, қайси бири ёлғон — ибн Сиво аниқ билмайди. Лекин ёшликдаги учрашувлари, суҳбатлари, айниқса Гурганжда, «Мажлиси уламо»даги баҳс-мунозаралари ёдига тушиб, қаттиқ соғинади. Шундай пайтларда китоб жавонидаги энг ноёб қўлёзмалар орасига яшириб қўйилган устоднинг мактубларини олиб ўқийди, қайта-қайта ўқийди. Рост, мураккаб табиат ҳодисалари ҳақида ёзилган бу мактубларда устод уни қаттиқ койиган жойлари ҳам бор, айниқса, муадлим аввал Арастунинг «Илоҳият»ига кўр-кўрона тақлид қилгансан, деб ундан норози бўлган сатрлари ҳам йўқ эмас, бироқ, барибир, нечундир уларни қайта-қайта ўқиркан, устоднинг қорамтир шиддатли чеҳраси нигоҳи олдига келиб, юрагида яна ўша соғинч туйғуси ловиллаб ёнади...

Яқинда, ҳар шанба Ҳамадонда бўладиган уламолар мажлисида, Ғазна томондан келган бир савдогар ғалати бир гап айтди-ю, унинг кўнглида чўғдай милтираган соғинч туйғуси баттар яллиғланди.

Шундайким, устод Ҳиндистондан қайтиб келгандан кейин султон уни Осмон маликаси қасрига таклиф этган эмиш!

«Эй, алломаи замон! Илми ирфон орасида шундай гап борким, гўё сен ечолмайдурғон муаммо, сен билмайдурғон сир-асрор йўқ! Бу гап ҳақми ё лофми, бунини синамоқ азмида ҳозир ўртага масала ташлаймен, ечасанг вазнинг баробар олтин оласен, ечолмасанг хумкаллангни танангдан жудо қиламен!

— Марҳамат, айтинг масалангизни!— деган эмиш устод.

— Масала шулким, сен ўлтирғон бу машваратхонанинг тўрт эшиги бор. Ҳозир фақир ўрнимдан туриб, шу эшикларнинг биридан кўчага чиқамен. Сен ақл-заковатда ягона бўлсанг, қайси эшикдан чиқишимни қоғозга ёзиб, ёстиғимнинг остига қўйиб кетасен. Орқангдан мен

чиқамен, сўнг, жумбоқни тўғри ечдингми, йўқми, ёзган қоғозингни олиб ўқиб биламен!

Устод узоқ ўйлаб турмай хат ёзиб султонга берган эмиш, султон эса қоғозни ёстиқ тагига яшириб, усталарни чақиртирган эмиш, уларга машваратхона деворини буздириб, туйнук очтирган ва шу туйнукдан ташқарига чиққан эмиш. Сўнг ёстиқ тагидаги қоғозни олиб алломаларга ўқиттирган эмиш.

Во дариг! Қоғозда шундай деб ёзилган эмиш: «Олампаноҳ тўрт эшикнинг ҳеч биридан чиқмайдур, деворни буздириб, туйнук очтирур ва шу туйнукдан ташқарига чиқадур!»

Бу ҳикояни эшитиб, бутун мажлис аҳли ёқасини ушлади, ибн Синонинг юрагидаги соғинч учқунлари эса баттар яллиғланди...

Ҳа, ибн Сино устодни бир кўриш, у билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашиш учун на йўл азобларидан кўрқади, на бошқақийинчиликлардан. Аммо бу султон!.. Алломаларга телба-тескари масалалар бериб, улардан доно жавоблар кутгувчи бу телба ҳоким!..

Ногаҳон қир этагида хачир етаклаган бир одам кўринди. У тўппа-тўғри ибн Синога қараб келарди. Ибн Сино негадир бу одам билан учрашгиси келмай, ўрнидан турди.

4

— Қайга шошасен, эй дарвеш?

Ибн Сино беихтиёр тўхтади. Унинг рўпарасида соқоли ўсиб кетган, очликданми, бетобликданми кўзлари ичига ботиб, узун бурни сўррайиб қолган бир мўйсафид турарди. Мўйсафиднинг эғнида қуроқ-қуроқ бўз кўйлак, бўз шалвар, оёғида чилвир билан чандиб боғланган эски чорик, хачирининг белидаги хуржуннинг бир кўзида катта сувқовоқ, бир кўзида бўйни чўзиқ сопол хум кўринар, афтидан, у яқиндаги работ мешкобчиси эди.

— Ассалому алайкум...

— Ваалайкум ассалом...— мешкобчи киртайган кўзлари билан ибн Синога бир дақиқа синовчан тикилиб турди, сўнг.— Муродинг қорин тўйдирмоқ бўлса... Э анов қишлоққа, ё работга бор,— деди ҳамон ибн Синодан нигоҳини узмай.— Оллога ҳамду сано ўқиб, ризқ-рўзингни териб е! Сабаб, бу қирларда дайдиб юрибсен, эй дарвеш?

Ё тавба! Соч-соқоли ўсиб кетган бу кекса мешкобчи кимгадир ўхшар, жуда-жуда ўхшарди!

Ибн Сино юрагига қуйилиб келган ички ғалаённи зўрға босиб:

— Пешонамга ёзилгани шу бўлса не қилай, эй бандан мўъмин?— деди.

Мешкобчи, гўё бир нимадан чўчигандай, сал орқага чекиниб: «Ёпирай!» деб пичирлади.

— Девоналик жонингга теккан бўлса бизнинг карвонга бор. Туякашлик қил! Устинг бут, нонинг ҳалол бўлур, фақир банда!

— Қайси карвон?

— Исфаҳондан чиқиб, Бухорон шарифга бораётган катта карвон!

— Бухорон шариф?

— Во ажабо! Бухорон шарифни эшитмаган гумроҳлар ҳам борми оламда? Донғи етти иқлимга кетган шаҳри мунаввардур Бухоро! Юра бер, ҳам зиёрат, ҳам тижорат бўлади сен учун!

«Астағфирулло! Мусофир юртида сув ташиб юрган бу мешкобчини қаердадир кўрган у! Ҳа, бухоролик... йўқ, афсоналик бир кимсани эслатади бу мешкобчи! Жуда-жуда эслатади! Йўқ-йўқ, кексайганда қаёқдаги ўйлар келади кишининг хаёлига!»

— Лутфу караминг учун ташаккур, биродар, аммо туякаш бўлишга кексалик қиламен!— Ибн Сино ҳаяжон ичида тескари бурилиб, пастга қараб йўналди, бироқ бир неча қадам юрмасдан мешкобчининг «Ё парвардигор!» деган хитобини эшитиб, беихтиёр тўхтади.

Кекса мешкобчи ҳануз ўз жойида турарди. Ибн Сино тўхтаб орқасига қараши билан унинг қўлидаги қамчиси ерга тушиб кетди, ўзи эса ёқасини ушлаб:

— Ё тавба! Абу Али?!— деб хитоб қилди.

— Шокалон?

— Абу Али?— мешкобчи қўллари қалтираб олдинга талпинди-ю, негадир журъати етмай, яна тўхтади.— Йўқ! Кўзларимга инонмаймен! Абу Али ибн Сино дарвеш бўлмиш? Донғи оламга кетган ҳақими даврон ибн Сино девона кийимида тиламчилик қилиб юрмиш? Бу не ҳол, ё парвардигор?

Ибн Сино ҳам ҳамон ўз кўзларига ишонмай лол бўлиб турарди.

«Ё раб! Телба тақдирнинг не ўйини бу? Ёшлик биродари Шокалон бу мусофир юртларда мешкобчилик қилиб юрган бўлса!»

Шокалон, патак соқоли дир-дир титраб, ибн Сино томон юрди. Икки дўст, кўзларида ёш, узоқ қучоқлашиб туришди.

— Астағфирулло! Наҳот бу кўриб турганларим туш эмас, ўнгим бўлса, Абу Али?

— Сен-чи? Сенга не бўлди? Бу мусофир юртга қачон келдинг? Фақирга терс қараган телба тақдир сенга нечун терс қаради, Шокалон?

— Сўрама, Абу Али!— хитоб қилди Шокалон.— Сен сўрама, мен сўзламай, сўзлаб бағримни тигламай!— Шокалон киртайган кўзларини уқалаб ибн Синога қаради-ю, учинчи бор:

— Йўқ, инонмаймен!— деб ёқасини ушлади.— Уз кўзларимга инонмаймен! Биз сени Ҳамадон ва Исфахонда вазирни аъзам деб эшитган эдик, Абу Али!

Ибн Сино маъюс бош чайқаб:

— Фарқи не?— деб кулимсиради.— Вазирни аъзамми, дарвешми, фарқи не, Шокалон?

— Йўқ! Ажаб дунё экан бу дунё, Абу Али! Таваллуд топган юртингда сенинг номинг одамлар тилида даври дoston, сен бўлсанг...

— Майли, Шокалон, мени қўйиб Афшонадан сўзла! Бухоро қалай? Эл-юртнинг аҳволи нечук?

— О, Абу Али, Абу Али!— деди Шокалон бошини ғамгин тебратиб.— Эл-юртнинг аҳволини сўрама! Сен билган Афшонадан ёлғиз култепа қолган! Билмам, эшитдингми, йўқми, бундан тўрт-беш йил аввал Бухорога султон Маҳмуд бостириб келди.

— Минг таассуф, эшитдим.

— Эшитсанг... Афшона хонавайрон бўлди, Абу Али, хонавайрон! Боғ-роғлар жанговар филлар остида топталди. Юртни эса қатли ом қилди ул бетавфиқ! Сен сўрама, мен юрагимни тигламай, Абу Али!

Ибн Сино бошини чангаллаганча узоқ сукутга толди.

— Э воҳ! Бундан чиқди, сен ҳам фақирга ўхшаб... султон Маҳмуд тазйиқидан қочиб юрибсен, Шокалон?

— Йўқ, Абу Али!— деди Шокалон уф тортиб.— Фақир бу мусофир юртга ёлғиз зурриётим Шоюсуфни қидириб келдим.

— Зурриётингга не бўлди?

— О, Абу Али, Абу Али!— деди Шокалон, ўтирган жойида оғир тебраниб.— Тақдирнинг ўйинига чора йўқ экан! Ўғлимнинг қисмати сенинг қисматингга ўхшади. Унинг ишқи Бўтакўзбегимнинг қизига тушди, Абу Али!

— Бўтакўзбегим!

— Ҳа, ғалати дунё экан бу дунё, Абу Али! Уғлим ҳам ўшал сен суйган бахтиқаро Бўтакўзбегимнинг қизини суйиб қолди. Ул ҳам сенга ўхшаб, маъшуқасининг висолига етолмай, «ёҳу», деб бу томонларга бош олиб кетди!

«Бўтакўзбегим? Унинг қизи? Ё тавба! Бу шўрлик мешкобчи не дейди? Ақли ҳуши жойидами бунинг ё бошига тушган мусибатлардан телбаланиб қолганми?»

— Ё тавба! Бўтакўзбегим тирикми?

— Йўқ, шўрлик бегим,— олло унинг қабрини чароғон қилғай,— оламдан ўтди. Ўзинг даволаган зотилжам дарди олиб кетди ул нотавонни. Бироқ ундан Қоракўзбегим деган бир ожиза қолган эди. Оллонинг қудрати билан қуралай кўзларидан тортиб, бўйнидаги қора холиғача марҳуманинг ўзи эди! Не чора? Қисмати ҳам шўрлик Бўтакўзбегимнинг қисматига тортди. Бултур кўкламда бек қўрғонини бир кечада қароқчилар босиб, Қоракўзбегимни ўғирлаб кетди. Уғлим эса... Уғлим мисоли бир шунқор эди, Абу Али! Қизининг отаси ўғлимни ўзига сарбоз қилиб олган эди!

Шокалон дам-бадам уф тортиб, ўғлининг бошига тушган мусибатни узоқ сўзлади. Унинг айтишича, бу сирни, бек қизини олиб қочган қароқчилар сирини ҳеч чим билмас эмиш. Бировлар, Қоракўзбегимни олиб қочган бебош саҳронини беклар, деса, бировлар, Бухоро ҳокими Алитегин дер эмиш. Бундан тўрт-беш йил муқаддам, султон Маҳмуд Бухорога бостириб борганда, Алитегиннинг кенжа хотини билан суюкли қизини асир қилиб олиб кетган эмиш. Алитегин уларни қайтариш умидида, бек қизини босиб олиб, уни Исфаҳонга, амир Масъуд ҳарамига инъом этиб юборган эмиш. Шокалоннинг ўғли эса, бу гапни эшитиб маъшуқасининг изидан Исфаҳон томонларга бош олиб чиқиб кетган эмиш. Ота экан, Шокалон ҳам бу мусибатга чндай олмамай, ёлғиз фарзандини қидириб келган эмиш...

Ибн Сино Шокалоннинг ҳикоясини бирда илғаса, бирда илғамади. Унинг хаёли худди уя қўйган жойларига талпинган қушдай яна Афшона томон парвоз қилди, кўз олдида эса улкан оқ ўтов тўрида ётган Бўтакўзбегим намоён бўлади! Йўқ, бу — илк бор кўрганида кўзлари жиққа ёшга тўлган ногирон Бўтакўзбегим эмас, бир ойлик муолижа сабаб, онадан қайта туғилган, худди бўталоқнинг кўзларидай қоп-қора серкиприк кўзларида шўх учқунлар пайдо бўлган тамом бошқа, латиф ва мулойим бир қиз эди!

Қандай дорулар ишлатган эди у ўшанда? Салкам ўттиз йил ўтган бўлса ҳам ҳануз ёдида турипти: оқ туянинг қимронига янтоқ шакарини, мўмиёга асалари сутини қўшиб берган, иштаҳа учун эса кўкноря пўстининг қайнатмаси билан Миср сабри¹сининг шарбатини ишлатиб, шафтоли ва аччиқ бодом ёнида қовурилган барра қўзи гўштини буюрган эди!

Бу — ўзи кашф этган мураккаб доруларни иккинчи бор ишлатиши эди! Биринчи марта Бухоро ҳокими Нух ибн Мансурни шифолаб, унинг бой кутубхонасига кириш бахтига эришган, иккинчи бор эса, Бўтакўзбегимни даволаб, унинг мулоим табассумига сазовор бўлганди.

Ҳануз нигоҳи олдида турипти. Бўтакўзбегим, ўтовга кирган ёш табибни кўриб, қаддини ростлаб ўтиради, ростлаганида узун тимқора сочларига тақилган кумуш қўнғироқчалар ва нозик тилла ҳалқачалар ажиб овоз чиқариб жаранглаб кетади. Бегимнинг хатти-ҳаракатларида, чеҳрасида, боқишларида нимадир ўзгарган. Абу Али сезади: қизнинг нигоҳидаги бу ўзгариш фақат соғлиғи яхшиланганидан эмас, йўқ, унинг юрагида қандайдир қайноқ бир эҳтирос пайдо бўлган!

Абу Али юраги «жиз» этиб, бўсағада тўхтади. Бегимнинг лабларидаги, бўталоқнинг кўзларидай катта-катта маъсум кўзларидаги сирли табассум уни саросимага солади. Бегим эса ёш табибнинг саросимага тушиб, «дув» қизарганини кўради-ю, мулоим кулади:

— Келинг, ўлтиринг, ҳаким ҳазратлари! — дейди қиз қўша-қўша билгузуқлар тақилган нозик қўллари-ни ёш табибга чўзиб.

— Нечун мендан қочасиз? — деб сўрайди у, сўрайди-ю, тўсатдан кўзига ёш олади. — Келасиз, бироқ ёнимда лаҳза ўтирмай, тагин қочасиз. Узун кун йўлингизга тикиламен... сиз эса... ёнимда лаҳза ўлтирмай қочасиз...

Бўтакўзбегим яна «қулт» этиб ютинади, ютинганда томоғидаги мошдеккина қора холи одатдагидай ожизгина қимирлайди. Бу қора хол, йўқ, хол эмас, «қулт» этиб ютинганда унинг аллақандай ожиз қимирлаши ёш табибнинг юрагидан ўт чиқариб юборади.

— Сизнинг меҳри шарофатингиз билан мен шўрлик бир ўлимдан қолдим, — дейди бегим. — Бу яхшилигингизни тоабад унутмаймен, ҳазратим!

«Ҳазратим» сўзи бегимнинг тилида жуда ғалат

¹ С а б р и — алоэ.

эшитилади. Абу Алининг назарида Бўтакўзбегим гўё ундан кулаётгандай туюлади-ю, «Бу сўзни бир айтдингиз, қайта айтманг!» дегиси келади, бироқ ҳаяжондан тили айланмай гўлдираб қолади.

— Энди ижозат этсангиз, ўрнимдан турсам,— дейди Бўтакўзбегим, аллақандай нозли ёлвориб.— Бу қафасдан чиқсам, дала-даштларни кезиб, тўйиб-тўйиб нафас олсам, чечаклар терсам...

— Йўқ, йўқ, дала-даштларни кезишга ҳали эртадур, бегим!

Қиз асабий ҳаракат билан тўзғиган сочларини орқага ташлайди.

— Бугун ижозат этмасангиз, эртага кеч бўлади, ҳазратим!

Бегимнинг сўзларида кишини чўчитадиган пинҳоний бир маъно бор. Бу сирли маъно Абу Алини ваҳимага солади.

— Майли, мен ижозат берамен, аммо отангиз...

— Амри табиб — вожиб. Отам сизнинг сўзингизни вожиб деб билади!

Ўшанда ҳам баҳор эди. Айни баҳор. Бепоён Чўли малик саҳронишин чеварлар тўқиган гулдор палосларни эслатади. Гуркираб ўсган гиёҳлар тўпиққа келади, ям-яшил янтоқ, шувоқ, ёвшан, бўзтикан, қўнғироқ гуллар орасида пиёладай-пиёладай лолақизғалдоқлар чўғдай ёнади. Бинафшаранг чучмомалар ипакдай эшилади, сачратқи ва нохатак гулларида асаларилар визиллайди.

Ҳадсиз-ҳудудсиз даштнинг ҳар жой-ҳар жойига оқ, қизил, қўнғир ўтовлар тикилган, гала-гала қўй-эчкилар, уюр-уюр йилқилар кўринади, бўталоқларини етаклаб олган туялар вазмин «бўх-бўх»лаб юрибди... Гоҳо-гоҳо саҳро тинчини уюр талашган айғирларнинг музаффар кишнаши бузади, қўй-қўзиларнинг аллақандай ёқимтой маъраши ва отлар дупури юракни қитиқлайди. Ўтовлар теварагида эса қизил қўйлак устидан қизил нимча кийиб, укки пати тақилган ғалати қалпоқчаларини бошларига қия қўндириб олган қиз-келинчаклар кўринади: уларнинг шўх қилиқлари, қалтис ҳазиллари, мулойим кулгулари юракка жаз-жаз тегади...

Кечалари, биялар тушовланиб, сигирлар соғилиб, ўчоқларда олов сўнгач, пана жойларга бўз йигитлар йиғилиб, қиз-келинчакларни кутишади. Ниҳоят, кексалар уйқуга кетгач, қиз-келинчаклар ўтовлардан чиқиб келишади. Улар тақинчоқларини майин жаранглатиб,

узоқдан пиқир-пиқир кулишиб, тўп-тўп бўлишиб келишади-ю, дарҳол ўз жуфтларини топиб олишади, сўнгра ғалати ўйинлар, тортишувлар, чўлп-чўлп ўпишишлар билан тугайдиган беркинмачоқлар бошланади, тараф-тараф бўлиб лапар ва ўланлар айтилади...

Бухорода юзлари очик қиз-жувонларни кўрмаган ёш табибга бу ўйин-кулгулар, бу эркин ва латиф муносабатлар, аллақандай ҳазин нурга йўғрилган ўлан ва лапарлар жуда ғалати туюлади. У гўё бу заминдан бошқа, гўзал бир оламга тушиб қолгандай сезади ўзини. Бўтакўзбегим эса... Йигитлар орасидан доим ёш табибни танлайди. Иссиқ лаблари билан Абу Алининг юзига жаз-жаз тегиб, беркинмачоқ пайтида қаерга яширинишини олдиндан шивирлаб айтади. Шунинг учун ҳам биринчи бўлиб бегимни Абу Али топади, қизнинг чўғдай иссиқ бўсаси ҳам аксар ҳолларда Абу Алига насиб этади! Ёш табибни фақат бир нарса қийнайди — у қиз-йигитларнинг ўлан ва лапарларига қўшила олмайди. Айтишувларда сўз тополмай қийналади. Лекин бу тиниқ, серюлдуз дашт оқшомларида Бўтакўзбегимнинг ёнида ёнбошлаб ётиб, бу ўланларни, дашт оқшомидай тиниқ, маъюс лапарларни тонг отгунча эшитгиси келади, ширин тушга ўхшаган бу масъуд дамлар тобад тугамаса дейди!..

...Иби Сино юзини илиқ баҳор офтобига тутиб, узоқ сукутга кетди. Шокалон ҳам негадир сукутга чўмган, афтидан, дарвеш қиёфасидаги ҳамюртининг хаёлини бўлишни истамайди.

Иби Сино бўлса ҳамон бир-биридан ғалати, бир-биридан ҳаяжонли эсдаликлар оқимидан чиқолмайди. Эсдаликлар эса гўё гулдан гулга учиб-қўниб юрган капалакларга ўхшайди, лип-лип этиб, бир воқеадан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига учиб ўтади.

Мана, келинчакдай яшнаб кетган дашт бағрида ўн чоғли қиз-йигитлар от суриб кетяпти. Олдинда Бўтакўзбегим. Унинг остида ёлига ипак попуқлар тақилган чиройли саман йўрға. Бегимни уч-тўртта отлиқ канизлар қуршаб олган. Орқароқда эса саҳройи бекнинг шахсий сарбозлари, улар орасида... мана шу Шокалон билан Абу Али ҳам бор. Бўтакўзбегим олдинда от чоптириб бормоқда. Абу Алининг икки кўзи қизда. У кўк қашқа бедовининг бошини қўйиб, қизни қувиб етгиси, унинг очик юзига, серкиприк бўта кўзларига тикилиб, ёнма-ён кетгиси келади. Бироқ сарбозларидан ийманади. Ана, улар дашт бағридан чиқиб, лолақизғалдоқлар

чаман очилган қумликлар бағрига шўнғийди. Шўнғишларни билан Бўтакўзбегим орқароқда келаётган Абу Алига қараб кўз қисади-ю, остидаги саман йўрғасига қамчи босади. Қизнинг «мен қочамен, сиз қувинг», деганини тушунган Абу Али ҳам, юраги гуре-гуре уриб, кўк қашқа бедовининг бошини қўяди, қўяркан, уларни бошлаб кетаётган кўса ясовулга кўзи тушади. Ясовулнинг кўзлари чақчайиб кетган. Бироқ Абу Али унга эътибор бермайди. Еш табибнинг фикри хаёли кумуш тангалар тақилган сочларини ёйиб, қумликлар орасида шамолдай учиб кетаётган Бўтакўзбегимда, Абу Алининг кўк қашқа бедови гўё унинг юрагидаги галаёни сезгандай, қумликларга шўнғиб кетган саман йўрға ортидан қушдай учади. Қийқириқ кўтарилади. От туёқлари остидан отилиб чиққан лолақизғалдоқлар гўё ярадан отилиб чиққан қон янглиғ ҳар томонга сочилади.

Тўсатдан, олдинда қушдай учиб кетаётган қиз отининг бошини қалин саксовулзорга буради, буради-ю, Абу Алига қараб шарақлаб кулади.

— Балли! От чопишни ўрганибсиз, ҳазратим!

— Йўқ, чавандозликда сизга бас келолмаймен, бегим!

— Бегим дедишгиз... тагин бир айтинг!..— дейди қиз эркаланиб. Унинг бўталоқнинг кўзларидай маъсум кўзлари аллақандай чарақлаб кетган, титроқ овозида, хатти-ҳаракатида яқиндагина тўшакдан турган хаста эмас, йўқ, саҳронишинларга хос бир қатъият бөр.— Билиб қўйинг, ҳазратим, отам... эрта-бурускин кўчиб кетмоқ нияти бор! Сиз унга айтинг! Муолижа фурсати тугагани йўқ, денг. Ҳали бир ой даволамоқ даркор, денг, ҳазратим, бир ой!

Бегимдаги ҳаяжон Абу Алига ўтади.

— Бир ой эмас, бир йил бор, бир йил!..

— Ростми бу сўзингиз?— дейди бегим титраб. Унинг юмук кўзларидан тирқираб оққан ёш томчилари ловиллаб ёнган юзини ювиб, бўйнига юмалаб тушади-ю, томоғидаги мошдеккина қора холида туриб қолади. Абу Али яқинлашиб келаётган от дупурини эшитилади, бироқ кўзига ҳеч нарса кўринмай, отини олдинга ниқтайди-да, қизнинг ингичка нозик белидан қучади. Қиз кўзини юмганича чўғдай иссиқ юзини унинг юзига босади...

От дупури, ваҳимали ҳайқириқ тобора яқинлашиб келади...

— Билиб қўйинг, ҳазратим! Сиз мени ўлим чангали-

дан халос қилдингиз. Энди сиздан айрилмоқдан ўлим афзал менга!

Абу Али қизнинг пир-пир учган шўртанг лабларидан, ёш тўла қуралай кўзларидан, томоғидаги мошдеккина қора холидан ўпади, шошиб, энтикиб, ёниб ўпади, сўнг... сўнг кимнингдир дағал ҳаракатидан ўзига келади. Тепасида... кўса ясовул! Унинг сарғиш кўзлари қисилган, чўқмордай қора мушти қаттиқ тугилган.

— Сен... табиб эмас, бек қизини йўлдан уриш ниятида юрган иблис экансен!

Ясовулнинг сўзини:

— Бас! Ҳаким ҳазратларини ҳақорат қилманг!— деган титроқ овоз бўлади. Бу — бегим. Унинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш!

— Ҳаким ҳазратлари?— кулади ясовул.— Уятсиз! Дашт ҳавоси баҳона, дийдор ғанимат! Қани, отингнинг бошини орқага бур, беҳаё!

Абу Али гаранг. У ҳам кўса ясовулга ўхшаб дағ-дағ титрайди, бироқ тилига ҳеч бир калима келмайди. Ясовул эса, фақат уни эмас, бегимни ҳам ҳақорат қилиб сўқади, саман йўрғанинг жиловидан олиб, орқага судрайди. Қиз, ҳамон киприкларида ҳалқа-ҳалқа ёш, канизлар ва ясовуллар қуршовида, орқага қарай-қарай узоқлашиб кетади...

Кавалакдек қўнимсиз хотира бу маънос манзарадан «лип» этиб учади-ю, бошқа бир мудҳиш манзарага боғлиб «қўнади».

Субҳи содиқ. Кечаси билан мижжа қоқмай қовурлиб чиққан Абу Али тонг пайти от дупурини эшитиб уйғониб кетади. Бу — бегимнинг канизи билан от суриб келган Шокалон! Мана шу Шокалон!

— Қароргоҳни ёв босди!— дейди каниз йиғлаб.— Шўрлик бекам! Шўрлик бекам!..

— Тез!— дейди Шокалон.— Отимга мингаш! Тезроқ бўл, Абу Али!

Ҳақиқатан, қаердандир овлоқдан, бек қароргоҳи жойлашган қир тёмондан, қандайдир ваҳший ҳайқириқлар келади, «Ур, ҳа, ур!», «Чоп, ҳа, чоп!» деган хитоблар эшитилади, отлар кишнайти.

Абу Али жонҳолатда Шокалоннинг отига мингашди. Бироқ, э воҳ! Улар оқ кўпикка чўмилган отларини шафқатсиз камчилаб, қароргоҳга етиб борганларида: «Ур, ҳа, ур! Чоп, ҳа, чоп!» деган ҳайқириқлар тинган, от дупури узоқлашган эди! Тепаликда фақат ағдарилган ўчоқлар, тутаб ётган ўтовлар қолган, ҳар жой-ҳар жой-

дан инграган овозлар эшитилар, саҳройи бекнинг сар-
бозларигина эмас, ўзи ҳам чавақланган, Бўтакўзбегим
эса... унинг излари ҳам йўқолган эди!..

...Ибн Сино гўё бу мудҳиш воқеа ўттиз йил муқад-
дам эмас, ҳозир рўй бергандай, юраги тинимсиз безил-
лаб узоқ ётди.

Ажабо: ўшанда тақдир унга кулиб боқиб, ўз суйга-
ни билан қовушганида нима бўларди? Саодат ёр бўлар-
миди уларга? Ёр бўлганда у ҳозиргидек «ҳакими дав-
рон» деган ном чиқарармиди? Табобат бобида қилган
ишларини, ёзган юзлаб асарларини ёза олармиди? Фа-
қат авом эмас, ҳатто жаҳонни титратган шоҳларгача
ундан шифо излаб, олдида бош эгиб туришармиди?—
деди ўзича ибн Сино, деди-ю, ичида бир кулиб қўйди.

«О, Абу Али, Абу Али! Доноликни даъво қиласен,
аммо нодонларнинг ўйини ўйлайсен! Ёшинг элликка
келганда ҳамон чиркин шон-шуҳрат ғамини чекасен?
Э воҳ! Бу доврўғ, бу шон-шуҳратдан ёшлик чоғларинг-
да ўша дашт санами билан ўтган масъуд висол онларни
афзал эмасмиди? Мабодо чарх бир айланиб, ўша бе-
такрор онлар қайтиб келса, қайси бирини танлар
эдинг? Ул беғубор муҳаббат дамлариними ёхуд бу бе-
вафо шон-шуҳратними?»

Ибн Сино кинояли кулимсираганича узоқ сукутга
толди, унинг юраги ҳамон безиллаб оғрир, назарида,
Шокалон айтган қиз унга ёт эмас, йўқ, жигарининг бир
парчасидан бунёд бўлган ўз зурриёти эди!

Едида бор: бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Ҳама-
донда, гумроҳ Шамсуддавланинг вазирлари тўқиган
фисқи фужур сабаб, бир беванинг хонадонида яшири-
ниб ётган чоғларида ҳам худди шундай бир воқеа со-
дир бўлган эди.

Эри ўлиб, тул қолган ёшгина, кўҳликкина беванинг
уч-тўрт яшар бир қизчаси бўларди. Ибн Сино беванинг
ташқи ҳовлисида турар, бева эса қизалоғи билан ичка-
ри ҳовлида яшарди. Аввал-бошда бева ундан тортиниб
ўзини олиб қочди, бироқ аста-секин уст-бошига, уй-рўз-
ғор юмушларига қарашиб юриб, ўрганиб кетди-ю, ора-
ларида аллақандай тиниқ самимий бир яқинлик вужуд-
га келди. Бу яқинликка беванинг уч-тўрт яшар қизало-
ғи ҳам сабаб бўлди. Тили чучук, кўзлари кўм-кўк бу
қизалоқ сал ўтмай уни ўз отасидай севиб қолди.

Ёзда, айни саратон чоғларида, ибн Сино Исфаҳонга
сафар қилди-ю, у ерда бир-икки ҳафта қолиб кетди.
Қайтиб келса, қандайдир таомдан заҳарланган қиза-

лоқ ўлим тўшагида қовурилиб ётар, ақли ҳушини йўқотиб қўйган бева эса нима қилишини билмас эди.

Ибн Сино дарҳол муолажага киришди. Ҳуқна қилди, ҳар хил дорулар берди. Унинг давосидан кейин беҳуш ётган қизалоқнинг юзига қон югуриб, кўзини очди, уни таниди чоғи, кўкарган лабларини базўр қимирлатиб: «Ота! Отажон!»— деб пичирлаган бўлди-ю, кўзини қайта юмди.

Шу-шу, ибн Сино қанча уринмасин, қизалоқ кўзини очмади.

Уша кеча, қулоқлари остида беванинг бетасалли ноласи, қўлида жонсиз қизалоқ, ибн Сино ҳовлида кўкка тикилиб тонг оттирди! Дилида кўкнинг қудратига шубҳа ва исён, хаёлида ўлим ва ҳаёт ҳақида эски нотинч ўйлар, у тонг отгунча мижжа қоқмади. Кейин эса гўё бегона қизалоқ эмас, ўз пуштикамаридан бўлган жигарбандидан айрилгандай бир неча ойгача изтироб чекиб юрди. Ҳозир ҳам... Бўтакўзбегим!

Ибн Сино осмондан кўзини узиб, қаддини ростлаб ўтирди. Шокалон патак соқолини тутамлаб, ҳамон ўйга чўмиб ётарди.

— У шўрлик... Бўтакўзбегимнинг қизи...

— Қоракўзбегим,— деди Шокалон.

— Қоракўзбегим... Исфаҳонда, амр Масъуд ҳарамиде экани аниқми?

— Мен қайдан билай, ўғлимнинг сўзини айтамен, Абу Али.

— Уғлинг қайда?

— Исфаҳон ёнида бир ғорни макон қилиб, кўксини захга бериб, зоҳидлик қилиб ётипти. Аммо бундан не фойда? Шаҳар дарвозалари берк. Шаҳарда қора ўлат дайдиб юрмиш!

Ибн Сино бир сапчиб тушди. Ранги қув ўчиб:

— Қора ўлат?— деб сўради.

— Ҳа, одамлар шундай дейдилар. Шаҳарда қора ўлат бошланиб, аҳли мўминларни тутдай тўкмоқда эмиш. Исфаҳонга ҳеч ким кира олмас, ҳеч ким ундан чиқа олмас эмиш. Ун икки дарвозанинг ҳаммаси тақа-тақ берк эмиш. Не чора? Уғлимнинг ёнида бир ой туриб, орқамга қайтдим. Мана шу карвон билан Бухорога қайтмоқ азмида карвонга мешкобчи бўлиб ёлландим, Абу Али.

Ибн Сино соқолини тутамлаб бир лаҳза ўйга толди-ю, тўсатдан шахт билан ўрнидан турди.

— Фақир... Исфаҳонга равона бўламен, истасанг бирга олиб кетамен, Шокалон!

Ариз Абулвафо Сариқ Тегинобод томон от чоптириб кетган сарбозлар орқасидан узоқ тикилиб қолди. Сарбозлар сариқ парда тутилган соябон аравани қуршаб олган аравада Ғазнадан келган ҳақими даврон... ибн Сино ҳазратлари бор эди. Рост, ариз Абулвафо ибн Сино ҳазратларини кўролмади, чунки, авваламбор, ҳазрат соябон аравадан чиқмади, қолаверса, аравада ўтирган ҳақими ҳозиқнинг юзига нечундир қора чарм ниқоб кийдирилган, ниқоб ичидан фақат чўғдай ёнган кўзларигина кўринарди.

Абулвафо Сариқ буни арава кўзғалиб, ипак парданинг бир чети хиёл кўтарилганида кўриб қолди, кўрди-ю, ваҳима босиб, тирноқларигача музлаб кетди.

Кеча юзи ғирт чўтир, сержаҳл бир мушриф Ғазнадан, вазири аъзам Али Ғарибдан махфий нома келтирди. Номада айтилишича, чўтир мушриф бошлаб борадиган ҳақим ҳазратларини токи Тегинобод бозорда жар солиниб, одамларга аён қилинмагунча ҳеч бир кимса кўрмаслиги даркор. Жар солиниб фуқарога аён бўлганидан кейин эса, махфий мушриф ҳақими давронни Абулвафо Сариқ ихтиёрига етказди. Абулвафо эса, ҳақим ҳазратларини зўр лутфи карам ва иззат-икром билан кутиб олмоғи, сўнг, Тегинобод ҳокимини бу ишдан бир оғизгина хабардор қилиб, Ғазна томон равона бўлмоғи даркор!

Абулвафо Сариқ гарчи ҳазрат ибн Сино тўғрисидаги пинҳоний гапни бошда ўзи чиқарган бўлса ҳам, вазири аъзамнинг махфий номасини ўқиб, юраги увишиб кетди, чунки Али Ғарибнинг режасида Абулвафо ўйлаганидан ҳам хатарли ва мудҳиш бир нарса бор эди! Лекин фақат буқун, юзига қора чарм ниқоб кийиб олган бу номаълум кимсани кўрганидан кейингина вазири аъзам режасининг бутун даҳшатини ҳис этди... Ана, соябон аравани қуршаб олган сарбозлар яқиндаги работ қўргони ёнидан ўтиб, олисдан элас-элас кўзга чалинган Тегинобод қалъаси томон от суришди. Сал ўтмай, соябон арава ҳам, уни қуршаб олган сарбозлар ҳам ғира-шира тонг қоронғилигида ғойиб бўлишди.

Абулвафо Сариқ, бир-бир босиб, қир ёнбағрига тикилган қизил саропардага қараб юрди. Бундан бир ой муқаддам, Абулвафо Ҳамадондан қайтганида атайин мана шу работни танлаган эди. Чунки амирал муслимин фармони билан шайланган унинг махсус карвони

ҳеч нарсага муҳтож эмас, карвонда ҳамма нарса мавжуд — озиқ-овқатдан тортиб от-уловгача, қурол-аслаҳадан тортиб кийим-кечагу хуржун-хуржун олтингача — ҳаммаси муҳайё эди.

Ариз Абулвафо бир-бир босиб тепасига зар популар тақилган қизил ипак саропардага яқинлашганда ундан ўн беш-ўн олти яшар, кўзлари катта-катта но-зиккина бир ўспирин чиқиб таъзим бажо келтирди. Бу — ариз жанобларининг суюкли ғуломи эди. Қизил ипак кўйлак ва қизил ипак шалвар кийиб, хипча белини ингичка кумуш камар билан боғлаб олган ёш ғулом уятчан канизлардай назокат билан бош эгиб:

— Мустаҳаб¹ қиласизми, тақсирим?— деб сўради.

Бошқа пайт бўлганда Абулвафо Сарик суюкли ғулومининг томоғини силаб эркалаган бўларди, лекин ҳозир кўнглига қил ҳам сиғмай:

— Хуфиялар қайда?— деб сўради.

— Чодир ортида. Тақсиримнинг хизматларига мунтазирдурлар.

— Чақир!

Ариз гапини тугатмаган ҳам эдики, чодир орқасидан тўрт нафар қаландар чиқиб келди. Ҳаммаларининг устларида жулдур чопон, бошларида кулоҳ, қўлларида асо, елкаларида хуржун.

Абулвафо Сарик сарғиш қошларини чимириб, уларнинг юзларига битта-битта қадалиб қаради:

— Тунда айтган сўзларим эсларингда борму?

Мўрсимон тўртта кулоҳ баб-баравар эгилди:

— Тоабад эсдан чиқмайдуру!..

— Ана!— Ариз қўлини ниқтаб, йироқда элас-элас кўринган Тегинобод кўрғонига ишора қилди.— Ҳозир кетган сувориларни кўрдинглар. Дарҳол орқасидан от сурунг! Кеча айтдим, тагин айтамен: бирор хато бўлиб, ҳақими давроннинг изи йўқолса, ҳаммангнинг калланг кетади! Сўзим аёнму?

Эски кулоҳли тўрт калла яна баравар эгилди.

— Аён, валинеъмат!

Абулвафо Сарик қаландарлар от суриб кўздан ғойиб бўлгунча орқаларидан тикилиб турди, сўнг, чодир панасига ўтиб, таҳорат қилди. Одатда, у бомдод намозига ўтиришдан аввал қароргоҳни бир айланиб чиқар, соқчилардан хабар олар, отлар, туялар, чодирлар, хуллас, махсус карвоннинг ҳамма икир-чикирларини бир-

¹ Таҳорат

бир нигоҳидан ўтказар эди. Бугун қароргоҳни айланишга ҳам ҳуши бўлмади, олисроқда гулхан ёқиб, овқат ейишга тутинган баковулларга бир кўз ташлади-да, ҳорғин одимлаб чодирга кирди, тўрдаги гилам жойнамозга ўтиб, икки ракат намоз ўқиди.

Мана, яқин уч ой бўлдики, ариз Абулвафо Сариқшу «ҳақими замон»ни деб, сарсонун саргардон.

Бундан уй ой муқаддам, тун ярмида уйига бостириб кирган икки мушриф уни иссиқ тўшагидан кўтариб, Ғузғанон қалъасига олиб боришди.

Осмонни қора булут қоплаган, совуқ зимистон кеча эди. Атрофи баланд девор билан қуршалган тош қалъада тиқ этган товуш эшитилмас, қалъа кўҳна мақбарай совуқ ва осуда эди. Тор йўлақларнинг мармар деворларига қадалган тилла шамдонларда битта-яримтагина шам ёнар, уларнинг ҳазин шуъласида қаср ичи, гарчи зарҳал безаклар ва ғаройиб ҳинд палослари билан безатилган бўлса ҳам аллақандай ғариб ва мунгли кўринарди.

Султон қасрнинг энг тупкарисида, деворлари ҳаворанг кошинлар билан қопланган улкан чорбурчак хонанинг тўрида, парқу ёстиқларга суяниб ёнбошлаб ётар, сддидаги олтин хонтахтада биттагина шафтоли гулли кўзача билан биттаю битта нозик чиний пиёла турарди.

Султоннинг азалдан қоқсуяк, бўйчан гавдаси бурунгидан ҳам чўзилган, саҳройиларга хос кенг, суякдор юзи сариқ чарм қопланган ниқобга ўхшар, таралмаган сийрак мош-гуруч соқол-мўйловлари пахмайган, фақат кўзлари, сийрак қошлари тагига яширинган қийғоч кўзларигина бурунгидай тийрак ва синчков эди.

— Жаноби ариз! Фақир сизни катта бир умид билан қақиртирдим. Аммо бу умидимни изҳор этишдан аввал, сизга айтадурғон бошқа бир сўзим бор.— Султон чўғир қовундай сўпоқ бошини ҳам қилиб, узоқ ўйга толди. Унинг овози ҳам таниш, ҳам аллақандай нота ниш, ногирон эди.

— Сўзим шулки, фақирни афв этинг, жаноби ариз! Мен сизнинг қирқ йиллик садоқати зоҳир хизматларингизни унутиб, беҳуда озор бердим... Бенуқсон парвардигор, бани одам, хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо, охир пировардида ожиз банда эканмиз...

Ё тавба! Ариз Абулвафо оламни зир титратган бу фотиҳи музаффарнинг қўлида қирқ йил хизмат қилиб,

бундай ногирон ва нотавон сўзларни биринчи эшитиши эди!

— Офтоби олам! Орадан неки сўз ўтган бўлса, айб сизда эмас, айб беадаб қулингиздадур!

Султон «ўтиринг», деб имо қилди-да, яна кўзини юмди. Унинг маржон-маржон терлаган кенг юзи бужмайиб, юпқа лаблари қаттиқ қисилди:

— Салтанат ғанимлари ёмон сўз тарқатганлар... Гўёким, фақир оғир дардга чалинганмен, гўёким танимдан куч, белимдан қувват кетган эмиш!— Султоннинг узун қорамтир бармоқлари аста йиғилиб, чўқмордай муштга айланди.— Елғон! Олло таолога минг қатла шукурким, тан-жоним саломат, тўрт мучам бут! Менга ўлим тилаган барча ғанимларим билан ошкора куч синашга қувватим етадур! Аммо... кўксимда бир армоним бор!— деди султон ва гўё у бу армон юрагини эзиб юбораётгандек, жундор кўкрагини аста силади.— У ҳам бўлса... ҳазрат ибн Сино деган ҳакими ҳозиқни бир кўрмоқдур!.. Дуруст, мана, йигирма йилдирки, бу такаббур ҳаким бизга хизмат қилишдан бош тортиб, элма-эл қочиб юрмиш! Аммо мен ҳам шу букунга қадар у билан ишим йўқ эди. Агар мен ул алломаи давронни ўз гулшанимда кўришни истаганимда, етти қават ернинг остидан бўлса ҳам топтириб келтирар эдим! Осмонга чиқса оёғидан тортиб туширар эдим, ерга кирса қулоғидан тортиб чиқарар эдим! Эндиликда эса... эндиликда кўрмоғим даркор уни!— Султоннинг овози ногаҳон момақалдироқдай қалдираб, улкан танобий хонани янгратиб юборди. Шундай бўлса ҳам ариз Абулвафо султоннинг руҳида қандайдир мажруҳлик борлигига, у тўғрида шаҳарда юрган гаплар, аллақандай васвас дардига мубтало бўлиб қолганлиги ҳақидаги мишмишлар ҳақ эканига инонди.

Ғазнада анчадан бери кезиб юрган бу совуқ мишмишлар султоннинг дўстларини даҳшатга солса, ғанимларини беҳад шод этмоқда, тарафдорлари оллодан унга шифо тиласа, душманлари туну кун унга ўлим тиламоқда эдилар. Шу туфайли доруссалтанат нотинч, ҳамманинг қулоғи саройда, машъум хабар тилагида эди. Унинг ўзи, бир неча йил аввал ҳарбий девондан четлаштирилган Абулвафо Сарикнинг ўзи ҳам, шахсий кўшқида ҳар кун, ҳар он бу машъум хабарни кутиб ётарди. Шу боисдан ҳам султоннинг сўзини эшитганда хаёлига келган биринчи фикр — қочмоқ бўлди! Дуч келган томонга бош олиб қочмоқ ва бу ишлар бир тараф

бўлмагунча яшириниб ётмоқ бўлди. Бироқ султоннинг олдидан чиққач, бу фикрининг ноўринлигини тушунди, ўзи ҳам тушунди, пинҳоний кенгашга йиғилган хешу ақраболари ҳам тушунтиришди. Бирламчи, қўл чўзса, қўли машриқдан мағрибга етгучи бу қора қузгундан қочиб қутулмоқ амримаҳол, иккиламчи, ҳамма нарса оллонинг иродасига боғлиқ. Олло таолонинг инояти билан амирал мўъминин шифо топса, унинг ҳоли не бўлади? Фақат ўзи эмас, барча зурриётлари, авлоду аждодларининг аҳволи не кечади, деган ўй, дуч келган томонга бош олиб қочиш фикридан қайтарди уни.

Хуллас калом, мана, яқин уч ойдирки, махфий элчи Абулвафо Сарик йўлда, йўқ, йўлда эмас, икки ўт орасида!

«Ўт» сўзи нечундир амир Масъудни ёдига солди. Амирнинг худди отасининг кўзларидай совуқ қийғоч кўзлари эсига тушди, қулоқлари остида унинг бўғиқ, таҳдидли овози янграб кетгандай бўлди. Дарҳақиқат, ўнгга юрсанг аждаҳога дуч келасан, сўлга юрсанг жаҳаннамга!

Абулвафо Сарик бу оғир ўйлардан чарчаб бошини ёстиққа қўйди, қўйган заҳоти пинакка кетган экан, бир маҳал аллақандай шов-шувни эшитиб, кўзини очди.

Кун пешиндан оққан, саропарда теварагидаги кўмкўк адирлар баҳор офтобининг илқ селига фарқ бўлган.

Сойнинг у юзидаги Тегишбод қўрғонлари томондан бир гуруҳ суворилар от суриб келар, уларнинг орқасида сариқ ипак парда ёпилган соябон арава кўринар. араванинг ортида яна бир гуруҳ навкарлар кўзга чалинарди.

Ана, олдиндаги гуруҳдан салласига элчи нишонни қадалган бир кимса узилиб чиқиб, Абулвафо томон от сурди.

«Мушриф! Кеча вазири аъзамдан махфий нома келтирган чўтир мушриф!»

Салласига элчи нишонини қадаб олган чўтир мушриф, оғзи қулоғида, от суриб келиб, эгардан сакраб тушди.

— Жаноби ариз! Сиз қидирган ҳақими даврон... Абу Али ибн Сино ҳазратлари топилмиш! Ҳазратим Ҳирот бозорида жар солдириб, ногирон ва нотавон бандаларни даволаб юрган эканлар, мана ҳузурларига ташриф буюрдилар!

«Бу ишинг учун бефаҳм каллангдан жудо бўлшинг»

ни билмай тиржаясен, аҳмоқ!»— деди Абулвафо ичида, деди-ю, ҳар тарафдан югуришиб келаётган ғуломлар, бақовуллар, сарбозларни кўриб:

— Ҳакими даврон... Ибн Сино ҳазратларининг қадамларига ҳасанот!— деб хитоб қилди.— Ё қудратингдан ўргулай, парвардигори олам! Буқун Хизр алайҳиссаломни йўқласак бўлур экан. Ниятимиз холис экан, мана, оллога минг қатла шукурким, ибн Сино ҳазрагарини етказди бизга!

У гапини тугатмаган ҳам эдики, сариқ ипак парда ёпилган соябон арава етиб келиб, ариз жанобларининг рўпарасида тўхтади.

Салласига нишон қистирилган чўтир мушриф чопқиллаб бориб, соябон араванинг пардасини кўтарди.

— Ариз Абулвафо жаноби олийларининг қароргоҳига хуш келибсиз, Абу Али ибн Сино ҳазратлари! Қадамларига ҳасанот!..

Арава зинасида олдин соқол-мўйлови эндигина сабза урган хушқомат бир ғулом кўринди. У саропарда олдида жимгина бош эгиб турган издиҳомга аллақандай синовчан назар билан тикилиб қаради-да, пардани очиб:

— Марҳамат қилгайсиз, шайх ур-раис!— деб таъзим қилди.

Бир оний сукутдан кейин парда ичидаги парда очилиб, эгнига кўк мовут тўн устидан сутдай оқ ридо кийган, бошидаги учли кўк тақия устидан оппоқ симобий салла ўраган «ҳакими даврон...» Абу Шилқим ибн Шаҳвоний кўринди. Бир қўлида саҳтиён жилдли ёстиқдай китоб, бир қўлида фил суягидан жило берилган арғувоний асо, Абу Шилқим, арава зинасига оёқ қўйиб, атрофига аллақандай виқорли қараш қилди.

Йўқ, бу Маликул шароб кулбасидаги Абу Шилқим ибн Шаҳвоний эмас, мош-гуруч соқоли ўзига хўп ярашган, бутун важоҳати — эгнидаги мовут тўнидан тортиб, бошидаги симобий салласигача, қўлидаги ёстиқдай китоб ва ҳатто арғувоний асогача — бутун борлигида аллақандай улуғворлик муҳри зухур бўлган бир донишманд, шайх ур-раис, деса дегудек, чеҳрасидан нур ёғилиб турган бир... «алломан замон» эди! Шундайким, йиғилган раият бир зум эсанкираб қолди. Фақат хушёр турган чўтир мушрифгина:

— Тақсири олам!— деб «алломан замон»га таъзим бажо келтирди.— Ул амирал мўъминининг ўнг қўли

Сўлмиш ариз жанобларининг мунаввар саропардасига марҳамат қилгайсиз! Қадамларига ҳасанот, тақсирим!

Ибн Шаҳвоний жойидан жилмади. У Абулвафо Сариқнинг бесўнақай бўй-басти билан қўпол сурмаранг салласига ижирғаниб қараб қўйди-да:

— Ташккур!— деди мийиғида кулимсираб.— Аммо қақирга алоҳида саропарда даркор! Қани саропарда? Чўтир мушриф ялт этиб аризга қаради.

— Ҳа, шайх ур-раис ҳазратларига алоҳида саропарда тикилмоғи даркор! Алоҳида!

Шу заҳотиёқ бир неча ғулومлар: «Саропарда! Саропарда!» деб қичқирганларича узоқдаги оқ ўтовлар тўмон югуриб кетишди.

Чўтир мушриф яна «ҳакими даврон»га қараб таъзим қилди:

— Тақсири олам! Сиз ҳазратимга саропарда тикилгунча ариз жанобларининг чодирига марҳамат қилгайсиз!

— Қадамларига ҳасанот!— деди Абулвафо Сариқ бесўнақай қаддини икки букиб.

Ибн Шаҳвоний хушсурат шогирдининг елкасига қўлини қўйиб, аравадан тушди, виқор билан ерни бир-бир босиб, қизил ипак чодир томон равона бўлди.

Ҳамма, ҳатто Абулвафо Сариқнинг ўзи ҳам, мартабаларига зид бир шошқалоқлик билан орқага тисарилиб, унга йўл беришди, ёлғиз салласига нишон қистирилган чўтир мушрифгина «ҳакими даврон ҳазратларини чодирга бошлаб киришга журъат эта олди.

«Ҳакими даврон» Тегинобод бозорида жар солиниб, оломон олқишига сазовор бўлгандан кейин нечоғли ўзгариб қолмасин, чўтир мушриф нечундир, эҳтимол, «ҳазратларини» Фазнадан ўзи олиб келгани учундир, уни унча назарига илмас эди. Гарчи, тўсатдан димоғфироғ пайдо қилган «алломай замон»нинг бемаъни қилиқларини кечиришга мажбур бўлса ҳам, ичида ундаи кулар, назарида, «шайх ур-раис» бир неча дақиқадан кейин ўзига келиб, мўминлашиб қоладигандек туюларди. Шунинг учун ҳам тўрдаги олти қирралли хонтахта атрофига жойлашиб, дуо ўқилгандан кейин, гапни яна чўтир мушриф бошлади.

У келгуси ишларни маслаҳатлашиб олмоқчи эди, бироқ энди оғзини очган ҳам эдики, «ҳакими ҳозиқ» бармоқларидаги қўша-қўша тилла узукларини кўз-кўз қилиб, оппоқ нозик қўлини кўтарди.

— Сафар ҳақида ҳали кўп сўзлашамиз, жаноби

мушриф! Биз ҳакимлар айтамиким, авал таом, баъдаз калом! Билиб қўйинг—бу нақл кўп пурҳикмат нақлдури!..

«Ҳақими даврон» шундай деб, қуйироқда камтарона бош эгиб ўтирган Абулвафо Сарикқа юзланди:

— Фақирни кечиргайсиз, жаноб ариз, биз ҳакимлар тановулга киришишдан аввал дастурхонга тортиладур-фон таомларни билмоғимиз даркор...

— Шўрва,— деди Абулвафо Сарик,— шўрваи шер номи билан донг чиқарган хўроз шўрва, ҳазратим.

— Бу шундай шўрваки!— деди чўтир мушриф.— Ичган хўроз бўлур, ичмаган макиён!

— Боракалло! Минг макиёндан бир хўроз аъло-дур!— деди «ҳақими замон».— Зотан, табобатда хўроз гўшти минг бир балога даводур. Яна?

— Кабоб! Эмчакдан узилмаган барра қўзичоқнинг жигаридан қилинган тандир кабоб, ҳазратим. Арча кўмирида пиширилган.

— Балли! Арча кўмирида пиширилган бўлса, ёмон бўлмас. Хўш, энди майдан сўзланг, жаноби ариз!

— Май!

— Ҳа, май!—«Ҳақими даврон» чиройли қайчиланган мош-гуруч соқолини силаб, тўсатдан қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Ё ариз жаноблари умрида шароб ичмаганларми, ё шўрван шердан бошқа неъматни истеъмол қилмаганларми?

Мушриф ҳам «ҳақими даврон»нинг кулгусига қўшилиб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— О, сиз жаноби аризни билмайсиз, ҳазратим! Ешликда ариз жанобларининг саройида бўлган гулгун ўлтиришлару бу ўлтиришларни безаган мутриблар, маликул каломлар! Дарё янлиғ оққан шаробу гулоблар!..

— Нозанинлар-чи? Ё хўроз шўрвани тановул қилиб макиёнлардан қочганларми, ариз жаноблари?

— О, сиз ариз жанобларининг канизларини кўрмагансиз, ҳазратим!— деди чўтир мушриф ва баркаш кўтариб кирган баковулларни кўриб:

— Бода! Бир хум бода!— деб букурди.

Зум ўтмай, ўртадаги олти қиррали хонтахта юз хил нози неъматларга тўлди. Нафис кумуш тақсимчаларда пўсти юпқа ғалвирак бодомлар, хурмо ва писталар, қора майиз ва кўк кишмиш, қаймоққа қорилган иссиқ патирлар, сомса ва бедана қовурдоқлар, буғи бурқираб турган шўрван шер, қўйингки, оламда неки неъмат мавжуд, ҳаммаси муҳайё бўлди.

«Ҳакими даврон» чўтир мушриф тутган пиёлани бир кўтаришда бўшатди-да, ариз Абулвафога қараб:

— Минг афсуски, жоноблари фақирнинг китобларини мутолаа қилмабсиз!— деди қўша-қўша тилла узуклар билан безалган оппоқ қўлини тиззасидаги ёстиқдай китобга қўйиб,— фақир бани башар гамида тунларни бедор ўтказиб, бундай бебаҳо китоблар битдим. Бани одам эса, бу ноёб дурдоналардан бенасиб, яъники, донлар фикридан беҳабардур. Агар баҳраманд бўлиб, бу бебаҳо дурдоналардан бохабар бўлгонингизда билур эдингиз: яхши шароб ҳам гўзая нозанин каби оллонинг бебаҳо неъматидур! Шундай неъматким, бу неъматни истеъмол қилмоқ гуноҳ эмас, билъакс, уни истеъмол қилмаслик гуноҳи азимдир! Алхусус, шўрван шердан кейин. Ё жаноблари бу бебаҳо неъматни истеъмол қилиш бахтидан мосуводирларми? Мосуво бўлсалар давосини қилурмиз!..

«Ҳакими замон» билан чўтир мушриф баробар қаҳқаҳ отиб кулишди. Абулвафо Сариқ эса, ҳамон-сигирнинг кўзларидай сарғиш кўзларини лўқ қилиб ўтирар, афтидан, у «ҳакими даврон»нинг тағдор сўзларини ҳануз яхши илғаб ололмас эди.

— Бас!— «алломай замон» тўсатдан шогирдига юзланди.— Биз ўз истакларимизни қоғозга битиб бермасак, ариз жаноблари тушушмас эканлар. Қалам-қоғозингни ол. Олдингми? Ёз!.. Авваламбор, ҳар лайлу наҳор тоғ оҳуси сутидан олинган бир коса қаймоқ муҳайё қилингай!

Абулвафо Сариқ маъсум кўзларини жавдиратиб, чўтир мушрифга қаради.

— Тоғ оҳуси?

— Оҳу эмас, сут! Яъники, оҳу сутидан олинган қаймоқ! Ё умрида қаймоқ тановул қилмаганларми жаноби ариз?

— Қилганмиз, тақсир, қилганмиз, аммо... тоғ оҳуси?

— Нечун ажабланасиз, жаноби ариз? Ё амирал мўъминининг вилоятларида тоғлар йўқми?

— Бор, тақсир олам!

— Ё бу тоғларда оҳу йўқми, жаноби ариз?

Бу сафар Абулвафо Сариқ ўрнига чўтир мушриф:

— Офарин!— деб хитоб қилди.— Сиздай алломай замон учун оҳу сути уёқда турсин, анқонинг уруғи десангиз ҳам муҳайё қилурмиз, ҳазратим!..

— Боракалло, иним!.. Балх тутининг шарбати!

Абулвафо Сариқ кўзлари пирпираб:

— Ҳирот тутининг шарбати бўлса-чи?— деб сўради.— Яъники, Ҳиротда пайванд қилниган Балх тутининг шарбати!

— Йўқ, йўқ! Балх тупроғида ўсган Балх тутининг шарбатидан бошқа шарбат истеъмол қилмаймен!..

— Бош устига!— деди чўтир мушриф, ҳайрат тўла кўзлари чақнаб.

— Пешянига... Бодом ёғида қовурилган оҳу боласининг гўштиким, унга кийик ўти билан райҳон талқони, зира ва қорақат уруғи солинмоғи даркор!.. Едингизда бўлсин, бу гиёҳлардан бирортаси бўлмаса бир чақирим йироқдан сезиб оламен!..

— Бош устига, ҳазратим!

— Кечки таом энгил бўлмоғи даркор! Бир жуфт бедана кабоб билан боя айтган хўроз шўрваким, бу шўрвани нозик бир макиён билан, яъники, онаси ўлмаган ёш бир малак билан бирга баҳам кўрсак нур устига нур бўлур!

— Тасанно ҳазратим, тасанно!— қичқирди чўтир мушриф мастона ишшайиб. Абулвафо Сарик эса, бошидаги беёўнақай салласи бир томонга оғиб, бир нуқтага тикилиб ўтирар, у худди пири муршиди олдида довдираб қолган муридга ўхшарди.

Қизиқ, боя эрталаб, юзига ниқоб кийган бу кимсани тасодифан кўрганида кўнглига ёпирилиб келган шубҳалар энди, «ҳакими даврон»нинг фаройиб талабларидан кейин, тамом тарқаб кетди. «Ҳаким ҳазратлари»нинг талаблари ортиб борган сарп, ажабо, ариз жанобларининг қалбидаги ҳурмат-эҳтиром ҳам ортиб борар, фақат биттаю битта талаби, яъники, онаси ўлмаган малак тўғрисидаги талаби уни хил довдиратиб қўйганди.

— Шайх ур-раис ҳазратлари фақирни афв этсинлар,— деди ариз кўрқа-писса.— Мавлонои замон айтган ул жаннатий малак... ҳар кун янғиси бўлмоғи даркорми ёхуд...

— О, жаноби ариз! Кошкийди, ҳар кун янғиси бўлса!.. Бу неъматининг янғисига не етсин, тақсирим?— «Ҳакими даврон» яна бояғидай қаҳ-қаҳ отиб кулди-ю, тўсатдан нимадир эсига тушиб, кулгусини тийди.— Ҳа, инчунин, каминна эшитган эдим... Бухоро ҳокими амир Алитегиннинг суюкли кенжа хотини Тегинобод қалъасида асира деб эшитган эдим!

Ариз кўзини лўқ қилиб, чўтир мушрифга қаради.

— Амир Алитегиннинг суюкли хотини?

— Ҳа, ул офтоби олам султон Маҳмуд бундан уч-тўрт йил муқаддам, Бухорон шарифга юриш қилганида амир Алитегиннинг суюкли хотини билан эрка қизини асир қилиб олиб кетган эмишким, эшитишимча, бу гўзал маҳбуслар Тегинобод қалъасида эмиш. Эҳтимол, уларни топтириб келурсиз?

— Йўқ, йўқ чораси йўқ бунинг!— деди ариз қўрқиб кетиб.— Бирламчи, гўзал асиралар Тегинободда эмас, бошқа жойда сақланур! Иккиламчи, улар амирал мўминининг қаттиқ назоратидадур!

— Офарин сизга, жаноби ариз!— «Ҳакими замон» учинчи пиёла шаробни сипқариб, чиройли мўйловини силади.— Гўзал асиралар олампаноҳнинг назоратида бўлса, олампаноҳнинг ўзлари, эрта-индин, фақирнинг назоратига тушгусидир. Чумчуқдай жони каминнинг қўлида бўлгусидир!— деди «ҳакими даврон», деди-ю, тўсатдан кўзлари бақрайиб бўсағага қараб қолди.

Саропарда бўсағасида, қўлида нози неъмат тўла кумуш баркаш, Абулвафо Сарикнинг ёш ғуломи турар, унинг қизларнинг кўзларидай қоп-қора серкиприк кўзлари ҳаё билан ерга тикилган эди.

— Кел, юлдузим, тортинма, келавер, оппоғим! Кўзларингдан оғанг айлансин!— деди «алломай замон», оғзининг таноби қочиб.— Сизларга рухсат, жаноби ариз ва жаноби мушриф! Фақир дам олмоғим даркор! Хизматимга шу чеҳраи шамсни қолдирсангиз бас. Сизларга рухсат, биродари азизлар!

Абулвафо Сарик нажот сўраб мушрифга қаради.

— Бул ёш ғулом...

— Даф бўл кўзимдан!— ибн Шаҳвоний қўлидаги пиёлани хонтахтадаги кумуш баркашга қараб отди.— Қимсан, «ҳакими даврон ибн Сино ҳазратлари»га сўз қайтармоқ!.. Кўзимдан йўқол, мияси айниган тентак!

Абулвафо Сарик бошидаги бесўнақай салласини тўғрилаб, бир нарса демоқчи бўлди, бироқ чўтир мушриф унинг қўлидан «шап» ушлаб, ташқарига судради.

— Вазмин бўлинг, жаноби ариз, вазмин бўлинг!

«Алломай замон», яъники Абу Шилқим ибн Шаҳвоний уларга қайрилиб ҳам қарамади. У ширакайф кўзларини мастона сузиб, ёш маҳрамни ёнига тортарди.

Абулвафо Сарик, худди бўталоғидан айрилган катта туядай, орқасига қарай-қарай чодирдан чиқди.

Берунийни «Қалъаи қаҳр»дан олиб чиққан Абу Наср Мишкан уни ўз навкарлари билан то ҳовлисигача кузатиб қўйди. Хайрлашаркан, саройдан шу бугуноқ чопарлар келиб, уни олиб кетишини, султон билан учрашишга ҳозир у нозир бўлиб туришини тайинлади.

Эшикни Сабҳу очди, очди-ю, устодни кўриб, саломлашиш ўрнига турган жойига тиз чўкди, гоҳ нигоҳини осмонга тикиб, гоҳ ер ўпиб, кўкка тавалло қилишга тутинди. Азалдан қоп-қора, озғин йигит, у бурунгидан ҳам озиб, чўп бўлиб қолган, ҳам чўккан кўзлари ичига ботиб, сўнаётган шамдай милтираб турарди. Беруний Сабҳуни ўрнидан турғазиб ҳовлига кирди. Ҳовлига сув сепилган, ариқ бўйларига гул ва райҳон ниҳоллари ўтқазилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта эди. Лекин Берунийга нимадир етишмаётгандай туюлиб, Сабҳуга қаради.

— Садафбиби қайда?

— Садафбиби... бибим!— Сабҳу эшик тутқичини қўйиб юбориб яна турган жойига тиз чўкди-ю, пешонасини ерга гурс-гурс урди.— Бибидан айрилиб қолдик, устод. Айрилиб қолдик!

— Қачон?

— Ушал... сиз ҳибсга тушган кунни тунда... тўрт нафар сарбозлар бостириб келиб, соябон аравага тиқиб олиб кетдилар.

Беруний деворга суянганича узоқ турди. Бу совуқ хабарни эшитиши билан негадир эсига лоп этиб Пири Букрий тушди. Нигоҳи олдига қоронғи ертўла келди, ертўланинг бурчагида улкан қора каламушдай гимирлаб, юм-юмалоқ қутичани топиб чиққани, унинг ичидаги бебаҳо жавоҳирни кўз-кўз қилиб, Садафбибинини сўраб ялиниб-ёлворганлари хаёлида жонланди-ю, аъзойи баданини совуқ тер босди. Уша! Букрий! Бироқ... букри бўлса, Сабҳу айтган сарбозлар қайдан келди? Йўқ, тунда бостириб келиш фақат сарой сарбозларининг қўлидан келади! Лекин ундай деса... наҳот султон, ҳарамни тўла каниз, ишқи шу шўрлик жорияга тушган бўлса?

Эҳтимол, бу жумбоқни Маликул шароб ечиб берар? Эҳтимол, бу сирдан воқифдур у, деди Беруний. Бироқ Сабҳу унинг бу умидини ҳам чил-чил синдирди. Маълум бўлишича, Беруний ҳибсга тушган кунлари Мали-

кул шароб ҳам зиндон қилинган, бунинг сабабини ҳам ҳеч ким билмас, бировлар шаккоклик қилиб, султонга қарши гапирган деса, бировлар уни зиндонга ташлаган султон эмас, вазиру вузаро дейишарди!..

Садафбидан жудо бўлган фақир кулба худди шамсиз ҳужрадай хиралашиб, ҳувиллаб қолган эди. Беруний ўзи ҳам энди билди: унинг кулбасини тўлдириб, офтобдай яшнатиб турган Садафбидан экан! Қизнинг кулгу аримайдиган кулча юзи, хоразмча сал чучук тили, бирда шўх, бирда мунгли, аммо ёқимтой кўшиқлари экан!

Не қилмоқ керак? Қайдан қидирмоқ керак? Бу ишда Хатлибегимдан бошқа бирор кимсадан нажот кутиш қийин эди. Шу боисдан Беруний, гарчи бу ўктам, шаддод хотинга рўбарў бўлишдан юраги безилласа ҳам, Абу Наср Мишкан айтган чопарларни сабрсизлик билан кута бошлади. Бироқ соҳиби девон айтган чопарлардан нечуғдир дарак йўқ эди.

Беруний гарчи уйдан чиқмаса ҳам шаҳардаги таҳлика баттар кучайганини, саройда бошланган пинҳоний кураш баттар авж олганини пайқар, шунинг учун ҳам бирда чопарларнинг келмаганидан суюнса, бирда шаҳардан бош олиб чиқиб кетгиси келар, аммо Садафбидан билан Маликул шаробнинг тақдирини уни бу фикрдан қайтарар эди.

Беруний уларни қутқариш чораларини ўйлаб, хаёлан минг бир кўчага кириб чиқар, бироқ ҳеч бир чора тополмай кўнгли хуфтон бўларди-ю, бу тизгинсиз ўйлар гирдобидан қутулиш умидида гоҳ «Ҳиндистон»ни қайта қўлга олиб, уни янги саҳифалар билан тўлдирар, гоҳ «Қалъаи қаҳр»да хаёлига келган ихтирони инҳоясига етказиш умидида расадхонага йўл оларди.

Расадхона «Гардиз» қалъасидан берирёқдаги «Кўҳшер» чўққисининг тепасида бўлиб, уни бундан ўн икки йил муқаддам, Ҳиндистон сафаридан аввал Беруний ўзи бош бўлиб қурдирган эди. Икки ошёнали муаззам бионинг юқори қаватида сайёралар ҳаракатини кузатувчи мураккаб олатлар жойлашган, хона деворларига тавқим ва жадваллар осилган. Биринчи қаватда эса илмий анжуман ва мушоиралар учун махсус хоналар, султонга аталган дoston ва қасидаларни кўп нусхаларда кўчирувчи ҳуснихат хаттотлар учун қурилган шинам ҳужралар бор. Илгари, расадхона қурилган дастлабки йилларда, султон бу ерга кўп келар, кечалари у мураккаб олатлар ёнида ўтириб, мунажжимлар билан

сирли суҳбатлар қуршини, айниқса, назм бўстонларининг боғбонлари битган достон ва қасидаларни эшитишни яхши кўрарди. Кейин хушхат хаттотлар султонга ёққан энг дабдабали қасидаларни юзларча нусхаларда кўчириб, қўл остидаги барча ҳокимларга, элчилар орқали эса хорижий элларга совға қилиб жўнатарди. Лекин кейинги йилларда, султон дунёвий ишлардан сая ўзини тийиб, тақвога юз тутгандан буён, айниқса касалга чалиниб, дабдабаю асъасалардан кўнгли совигандан бери расадхонадан файз кетган, кўп алломалар ҳам қадамларини тийган, фақат кекса мунажжим мавлоно Абу Толиб Фаррухий билан шоир Зийнатий, ёшлардан эса салоҳиятли тарихчи ва ноёб хушхат соҳиби Абу Фазл Байҳокийгина ҳамон келиб-кетиб туришарди.

Беруний илгарилари ҳам кўп вақтини расадхонада ўтказар, унинг тинч, осуда хоналарида ўтириб, мутқала ва мушоҳада билан шуғулланар, бу ишлардан чарчаган чоғларида эса, ўз ҳамкасб биродарлари билан илми нужум, ҳандаса ва фалсафа ҳақида суҳбат қуришни яхши кўрарди. Мана энди ҳам азиз дўсти Маликул шароб билан Садафбидан айрилиб, ўзини қўядиган жой тополмай қолган бу оғир кунларда ҳам расадхона унинг жонига ора кирди. У расадхона устахонасига махсус дастгоҳ ўрнатиб, «Қалъаи қаҳр»да хаёлан ихтиро қилган ғаройиб олатни ясашга киришди.

Обдаста шаклида ясаладиган бу олат ва унинг тупилиши Берунийнинг калласида обдан пишган эди, бироқ шундай бўлса ҳам, бу ихтиро уни кўп қийнади. Айниқса, обдаста жўмраги тагига ўрнатиладиган тарозуни ясаш мушкул бўлди, чунки бу тарозу ҳақиқатан ҳам ниҳоятда «сезгир», яъни, бир мисқолнинг юздан бирини ҳам аниқлай олиши лозим эди. Шундайким, сув тўла обдастага солинган маъдан ўз ҳажми баробар сув томчиларини сиқиб чиқарганида «нозик тарозу маъдан оғирлигини, тўғрироғи, маъдан оғирлигининг сиқиб чиқарилган сув оғирлиғига нисбатини аниқламоғи лозим. Бу нисбат, ўз навбатида, олтин оғирлиғига нисбатан солиштирилади ва шу йўсин табиатда неки маъдан бўлса, ҳаммасининг солиштирма оғирлигини аниқлаш нияти яралади!..

Беруний аввал бу «нозик» тарозуни топиш умидида растама-раста юриб, ҳамма таниш заргарларни айланиб чиқди, Пирн Букрийдан бошқа ҳамма атторларнинг тарозуларини кўздан кечирди, бироқ ўзи истаган «сез-

гир» тарозуни ҳеч кимдан тополмади. Ҳатто хазинадорларнинг олтин тарозулари ҳам у тилаган даражада «нозик» эмас эди!.. Аммо Берунийни кўп қийнаган бу муаммонинг яхши томони ҳам бор — у фикрни чалғитиб, кўнглида зил бўлиб ётган оғир ўйларни хиёл тарқатар эди. Шу бонсдан Беруний бир неча кун кечаю кундуз расадхонадан чиқмади. Бугун бир лаҳза ором олиш умидида шаҳар ҳовлисига келган эди, ғамандухда юрган Сабҳунни кўриб тағин кўнгли ғаш бўлди-да, яна тонг отгунча иш билан ўзини чалғитди. Тонг пайти ўтирган жойида кўзи илинган экан, Сабҳу кириб уйғотди.

2

Ташқарида тўрт нафар навкар от ўйнатиб турар, улар орасида бошига кўк салла ўраб, устига кўк мовут тўн кийган соҳиби девон кўринарди.

Тонг яқин, теварак-атрофда хўрозлар қичқирар, итлар ҳурар, гоҳо-гоҳо эшаклар ҳанграр, лекин осмон ҳануз юлдузга тўла, зодагонлар даҳасининг ҳар жой-ҳар жойига ўрнатилган тошфонуслар ҳануз ўчирилмаган эди.

Афшон сой ёқасидан тасир-тусур от суриб кетаётган суворилар Боғи Маҳмуд қўрғонига етгач, худди бир нарсани йўқотгандай, бир он тапир-тупур қилиб туришди-да, чап қўлдаги Кўшки давлат саройига эмас, ўнг қўлга, шаҳар ташқарисига қараб бурилишди. Сал ўтмай сойнинг у юзидаги уйлар, расталар, дўконлар, мачит ва карвонсаройлар орқада қолиб, олдинда бир-бирига туташиб кетган ясси қирлар кўринди, қирлар ортида «Мозори калон» қабристонини мачитининг тиллакори гумбази ярқираб кетди.

Беруний ҳайрон бўлиб, ёнида от чоптириб бораётган соҳиби девонга қаради. Девон бошлиғи кўзини юмиб, маъюс бош чайқади: «Сабр қилинг, мавлоно!»

Зум ўтмай, қабристон қўрғони ҳам ўнгда қолиб, олдинда қалин арчазор қирлар кўринди. Димоққа ёш арча ва ёввойи гиёҳларнинг нозик бўйи гуп-гуп урди, сўнг, қирлар орасида кенг сайҳонлик намоён бўлди. Ёш арчалар билан қуршалган бу сайҳонлик ўртасига, худди мўъжаз тилла қасрни эслатувчи сап-сарик ипак саропарда тикилган эди. Саропардадан йироқроқда на бир чодир кўринар, на чодир атрофида гимирлаб юрган аллақандай соялар кўзга чалинарди. Арчазор сув қуй-

гандек жимжит, овлоқдаги қабристон каби мунгли сукутда эди...

Соҳибн девон, навкарлар ёрдамида отдан тушиб, увишиб қолган оёқларини уқаларкан:

— Мавлоно,— деди аллақандай ёлвориб,— Олампа-ноҳнинг аҳволи оғир. Не истак билдирса йўқ демайсиз, азизим!

Шу пайт қаршидаги ипак саропардадан тўпигигича қора либосга ўраниб, юзини қора дурра билан тўсиб олган новча бир аёл чиқиб, юзидаги дуррасини сал кўтарди.

— Ассалому алайкум, мавлоно!

«Хатлибегим?»

Хатлибегим, қора дуррасини қайта юзига тортиб, ссоҳибн девонга юзланди:

— Кечаги сўзим ёдингиздадур? Бу суҳбат пинҳона қолмоғи лозим! Фурсат зиқ, тез киринг, тақсирим! Мен сизларни Осмон маликаси саройида — ўз хосхонамда кутамсн!..

Хатлибегим шундай деди-да, оёқ остидаги майин гиёҳларни шип-шип босиб, арчазор орасига кириб кетди.

Беруний бенхтиёр юраги увишиб, соҳибн девон орқасидан саропардага кирди. Биттаю битта шам ёқилган юз кишилик улкан саропарда бўм-бўш ва нимқоронғи эди. Саропарданинг чап томонида, баланд қилиб тўшалган оқ кигизлар устида... бошига қора телпак, эгнига узун қора жун чакмон кийган бир одам... (Ё раб!— бу одам султон Маҳмуд Ғазнавий эди) узала тушиб ётарди!

Саропардада олатдаги зеб-зийнатлардан асар ҳам йўқ, султоннинг кийим-бошидан тортиб, ерга тўшалган кигиз, мустаҳаб учун қўйилган жом ва қумғонлар, ҳаммаси эски ва аллақандай ғариб эди...

Султон саропардага кимдир кирганини сезиб, ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди, бироқ Абу Наср Мишкан жаноблари чаққонлик билан пилдираб бориб, боши остидаги ёстиқларни кўтариб қўйди. Султон ўймоқ тагидаги симобдай милтираган кўзлари билан Берунийга бир он синовчан тикилди, сўнг: «Яқинроқ кел!» деб имо қилди-да, кўзини юмди.

— Мавлоно Абу Райҳон! Не чора, ҳаммамиз ҳам ожиз бандамиз. Чумчуқдай жонимиз яратғувчининг ҳукмидадур. Ва лекин... худованди карим кўнглимга бир армон солмиш, ул ҳам бўлса... ибн Сино ҳазратлари-

ни бир кўрмоқдур!— Султон сийрак киприклари орасидан сизиб чиққан кўз ёшини «қулт» этиб югинди-да:

— Олло шоҳид!— деб хитоб қилди.— Олло шоҳид, бу армонни кўнглимга яратгувчим ўзи солмиш! Бас, сизни чақирмоқдан муродим шулким, бу сўнги армоним ўзим билан бирга гўримга кетмагай!

Соҳиби девон шоша-пиша чўнтагидан дастрўмолини олиб кўзига босди.

— Давлатпаноҳ! Иншоолло, ниятингиз мустажоб бўлур. Ариз Абулвафо Сариқдан хабар келди: иби Сино ҳазратларини олиб, бир ҳафта бурун Тегинободдан чиққан эмиш. Мана, мавлоно Абу Райҳон ҳам букун йўлга чиқур, ул зоти шарифни қарши олиб, тезда Ғазнага етказадур.

«Ё тавба! Наҳот бу сўзлар рост бўлса? Наҳот Абу Али, йигирма йилдан буён султон Маҳмудга хизмат қилишдан бош тортиб, мусофир юртларда дарбадар кезиб юрган Абу Али энди Ғазна томон йўл олган бўлса? Наҳот Абу Райҳон у билан дийдор кўришмоқ бахтига муяссар бўлса?»

Султон Берунийнинг юзид ақс этган ҳаяжонни бошқача тушунди, чоғи:

— Фақирни афв этинг, мавлоно,— деди чуқур хўрсиниб.— Тунов куни жаҳл устида сизга қаттиқ озор бердим. Не чора — салтанат юмушлари шундай эканким, тахт соҳиби бирда ўз фуқаросининг бошини силаса, бирда қаттиққўл бўлмоқдан бошқа чора йўқ экан!

Берунийнинг дилида бир зум «ярқ» этиб ёнган шам қайта сўнди. Унинг қалбида қат-қат бўлиб ётган туғёнлар, уйқусиз тунларда султонга айтишни армон қилган энг шафқатсиз сўзлар лоп этиб қайта эсига тушди. Ёшлик чоғларида, адолатсиз ишлардан юраги ловиллаб ёнган пайтларида Беруний бу сўзларни султон билан юзма-юз туриб гаплашишни орзу қилар, устоди Абдусамад Аввал каби дор тагида туриб бўлса ҳам, кўнглидаги дардларини тап тортмай айтиш умидида юрарди. Мана, ўша дамалр келди, юрагида йиғилган ҳамма дарду ситамлари, ҳамма алам, ҳамма исёнларини тўкса арзийдиган қасосли онлар келди. Ва лекин... бошига олтин тож ўрнига эски қалпоқ, эгнига заррин либос ўрнига қора чакмон кийиб, эски кигиз устида узала тушиб ётган бу ғариб султон!.. Унинг қудуқ тагидаги бир томчи снмобдай милтираган мунгли кўзлари!..

— Субҳонолло! Сўзимга инонинг, алломаи даврон! Осиё банда қилган гуноҳларимни биламен. Шу сабабдан мана, гўристонга келдим. Ниятим — валилар қабрини тавоф айлаб, уларнинг руҳини шод этмоқдур! Қайсики бандан мўминнинг кўнглига озор берган бўлсам ёхуд ноҳақ зулм қилган бўлсам, аҳдим — барчанинг кўнглини овламоқ, мулкига хиёнат қилган бўлсам, ўн баробар кўпроқ қилиб қайтариб бермоқдур. Зеро, фақирдан жабр кўрган ҳар бир бандан мўмин каминанинг гуноҳидан ўтиб, уни афв этгай!.. Мана, соҳиби девон шоҳид! Уч кун муқаддам шаҳри Тусга яна бир туя олтин, бир туя кумуш йўлладим. Муродим — ул маликул калом.. Абулқосим Фирдавсий ҳазратларининг мақбарасига мрамар сагана ўрнатиб, таваллуд топган шаҳрида яна бир масжиди жоме қурдирмоқдур!..

«Ё парвардигор! Бу инсоф, бу афсус-надоматларни бу гофил бандангнинг кўнглига ўттиз-қирқ йил муқаддам солсанг бўлмасмиди? Эл бошига мислсиз офат келтирган жангу жадаллар, илм аҳлига қилган хўрлик ва таҳқирлардан аввал инсофга келтирсанг бўлмасмиди? Нечун фақат умрининг сўнгида, кўзига Азроил алайҳиссалом кўринганда инсофу адолатга келтирдинг, бу қаҳри қаттиқ бандангни?»

Султон Берунийдан жавоб кутиб, бир даққиқа сукут сақлади, сўнг яна ўша маҳзун овозда давом этди:

— Сизга ёлғон, оллога рост, мавлоно! Мана, ўн йилдирким, мен ул назм султони Абулқосим Фардавсийни ранжитганимдан пушаймонмен! Нечун ўшанда ул маликул каломни ўз қанотимга олмадим, нечун ичиқора вазирлар сўзига кириб, уни Ғазнадан ҳайдадим? Нечун ёзган китобини олиб, бошидан олтину жавоҳир сочмадим?

Султоннинг овози тўсатдан тизгинсиз бир ўкинч билан янграб кетди-ю, Абу Наср Мишкан қуйилиб келган кўз ёшларини қулт-қулт ютиб:

— Офтоби олам!— деб зорланди.— Бу ишда пушаймон чекманг! Агар Абулқосим Фирдавсий,— олло унга раван ризвондан жой ато қилгай!— ўша дақиқада тақабурлик қилмай, сиздай амирал мўмининга изҳори ихлос этганида, агар назм аҳли бахиллик қилиб, сиздай слампаноҳни чалғитмаганида... сиз бу ишни қилмас эдингиз!..

— Ташаккур, азизим!

Беруний индамай бошини хам қилди. Шу заҳотиёқ Афшон шол даҳасидаги эски ҳаммом кўз олдида кел-

ди. Ҳаммом тўла кафангадо шоирлар, мутриблар, мискину мажруҳлар ўртасида, бир қўлида коса тўла кумуш танга, бир қўлида май, бўй-басти келишган, серсоқол, сержаҳл бир мўйсафид турар, у уст-устига қадаҳ кўтариб, косадаги кумуш тангаларни ҳовучлаб осмонга отар, бироқ ерга даранглаб сочилган тангаларга ҳеч ким қарамас, ҳамма унинг улғувор вазоҳати ва исёнкор сўзларига маҳлиё бўлиб қолган эди:

— Назм султони аталмиш камина ҳам «Шоҳнома»ни ёзгунча сенлар каби гадо эдим! Букун «Шоҳнома»ни ёзиб тугатганимда ҳам ўшандайни гадомен!.. Мана, «Шоҳнома»нинг пулини олинглар! Ярмини сенларга, ярмини султон Ғазнавийнинг ўзига инъом этамен. Токи, ул оҳибқирон ҳиндлар юртига юриш қилиб, ғазнаси бўшаб, камбағал бўлиб қолмишлар!

Серсоқол, сержаҳл шоир шундай деб, яна бир сиқим тангани осмонга отади, ерга тушган кумуш тангалар аллақандай шўх жаранглаб, ҳар томонга юмалаб кетади. Бу шўх даранг-дурунгни мискину мажруҳларнинг хуррам қийқириғи босиб кетади:

— Офарин, устод!

— Йўқ, сиз гадо эмас, гадолар пирисиз! Устод!

— Пири эмас, шоҳи де, тентак, гадолар шоҳи!

Бу воқеани эслаши билан Берунийнинг ёдига негадир Маликул шароб тушди-ю, энди оғзини очмоқчи бўлган эди, амирал мўъминин унинг сўзини бўлди:

— Ибн Сино ҳазратларига етказгайсиз, мавлоно! Ул зоти шариф Ғазнаи мунавварада энг юксак икром топғусидир. Саройга ташриф буюрган куни вазни баробар олтин инъом этамен. Табаррук бошидан жом-жом дур ва жавоҳир сочамен! Ғазнанинг энг баҳаво жойидан мраммар қаср қуриб, ҳарамимдан истаган канизини совға қиламен!..

«Ажаб дунё экан бу дунё! Куни кеча бутун рўйи заминни зир титратган, аркони ҳарб ва аркони давлат олдида илм аҳлини сариқ чақага олмаган бу мустабид шоҳ букун ибн Синонинг оёғига йнқилмоққа рози! Ҳақиқатан... ал-қассосу миналҳақ! Ҳақиқатан қасосла дунё экан бу дунё!»

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, мавлоно! Ибн Сино ҳазратлари қандай мартабага эришса, сиз ҳам шундай мартабаларга эришурсиз!..

Беруний Маликул шароб тўғрисида гапириш мавриди келганини сезиб, таъзим қилди:

— Бу яхшилигингизни тобад унутмаймен, давлатпаноҳ! Аммо... бир қошиқ қонимдан кечсангиз... сизга бир илтимосим бор!

— Сўзланг, мавлоно!

— Илтимосим шулки... давлатингиз соясида Маликул шароб деган бир ғариб шоир бор.

— Ғариб эмас... шаккоқ майпараст ул! Хўш?

— Каминани кечиргайсиз, давлатпаноҳ! Аммо... билмам нечун, кексалик манзилига қадам қўйган бу ногирон шоирни кимлардир зиндонга ташлабдур. Унинг кексалиги ҳурмати...

Султон ётган жойида бетоқат қимирлаб, қоқсуяк қўлини кўтарди.

— Бошқа пайтда арзингиз инобатга ўтмас эди, мавлоно! Зероким, ул бетавфиқ майпараст... Хўп! Мавлононинг арзи ерда қолмасин. Фармон ёз, Абу Наср!

Беруний икки қўлини кўксига қўйганича орқаси билан юриб, саропардадан чиқди, чиқаркан: «Садафни ҳам сўраб-суриштираман бўлур эди», деган фикр кўнгилдан ўтди, бироқ бу фикридан дарҳол қайтди.

«Йўқ, бу дунё устунларидан бир маҳалда икки нарсани илтимос қилиб бўлмас. Яхшиси, бу илтимос билан Хатлибегимга мурожаат қилмоқ жоиз!»

Ун саккизинчи боб

Беруний билан соҳиби девон саропардани тарк этгандан кейин султон аъзойи бадани аллақандай бўшашиб, узоқ ётди.

Кеча кунботиш олдида «Мозори калон» қабристонини яқинидаги бу қирларга келиб қўнганидан кейин биқинидаги санчиқ хиёл пасайиб, тинимсиз қақшаб оғриган жисми сал ором олган, бу ором қалбида умид шамини ёққан эди. Бу шам ҳамон милтираб турарди...

Ана, қабристон томондан азон овози эшитилди. Мўминларни бомдод намозига чақирган бу мунгли овоз тоғларда акс садо бериб, шундай тиниқ янградикки, султоннинг аъзойи бадани жимирлаб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Назарида, бу овоз қабристон масчитидан эмас, йўқ, ғойибдан келаётган илоҳий овоз бўлиб туюлади-ю, нечундир марҳум падари бузрукворининг бир гапи эсга тушиб кетди.

У маҳалда султон ҳали ёш эди. Падари бузруквор амир Сабуктегин,— олло унинг охиратини безавол, имо-

нини басаломат қилғай!— Нишопурга юриш бошлаган чоғлар эди.

Худди ҳозиргидай илиқ баҳор кунлари эди. Нишопур йўлидаги адирлар, қирлар, кўз илғамас сайҳонликлар ям-яшил гиёҳлар билан қопланган, қир ва даштларни тўлдирган ҳисобсиз лашкар ҳам қандайдир кўтаринки руҳда эди. Ҳар куни намози аср пайти қўшин бир жойга бориб кўнар, шунда улкан қароргоҳ чумоли уясидай ғимирлаб қолар, кечаси даштда беҳисоб гулханлар ёнар, қўйлар, отлар, ҳўкизлар сўйилар, дошқозонлар осилиб, марҳум қиблагоҳи учун қурилган юз кишилик саропардага барча амирлар, лашкарбошилар, вазирлар, вазаро тўпланар, уларга энг нозик таомлар тортилар, энг машҳур мутриблар, хонанда ва созандадар йиғилиб, тонготар базмлар бўларди...

Бир куни, эсида бор, Нишопур яқинидаги Хокисор деган жойга етиб боришди. Йўлнинг икки томони баланд адир эди. Бу адирларга етганда амир Сабуктегин тўсатдан бошқалардан ўзиб кетди-да, бир қирдан иккинчи қирга от суриб, узоқ айланиб юрди. Ҳамма ҳайрон, лашкарбошилар унга яқинлашишни ҳам, орқада қолишни ҳам билишмас, амир эса, лом-мим демай ҳамон от суради, ҳар қирга чиққанида атроф-теваракка узоқ тикилиб қолар, сўнг, яна лом-мим демай, олдинда кўринган бошқа бир қирга от суриб кетарди.

Ниҳоят, навбатдаги қирга чиққанида қидирган нарсасини топди чоғи, отдан сакраб тушди-да, тиз чўкиб қайта-қайта ер ўпди. Кетма-кет от чоптириб борган ёш Маҳмуд отасининг қўлида катта бир темир қозиқни кўрди. Падари бузруквори, кўзида ёш, бу қозиқни қайта-қайта ўлар, сўнг, қиблага юзланиб бот-бот сажда қиларди. Ҳамма ҳайрон, падари бузруквори эса, намоз ўқишда давом этар, бир ракаатдан кейин иккинчи ракаатга киришар эди. Ниҳоят, у юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди-да, қозиқ топилган тепаликка саропарда тикишни, қўйлар сўйилиб, бутун лашкарга зиёфат беришни амр қилди.

Уша куни хуфтон намозидан кейин падари бузруквори саропардага ҳамма лашкарбошиларни йиғиб, Бухоро бозорида қул бўлиб сотилганидан кейин бошига тушган мусибатларни сўзлаб берди. Уни сотиб олиб, Нишопурга ҳайдаган қулжаллоб шундай хасис эканки, остидаги оти йўлдан йиқилиб қолганида ўлган отнинг эгар-жабдуқларини ҳам унинг елкасига ортиб, бу бепоян чўли биёбондан яёв ҳайдабди...

— Елкамда эгар-жабдуқ,— деган эди ўшанда падари бузруквори.— Яланг оёқ тикан босиб, салкам бир ҳафта яёв юрдим. Шундайким, бу чўли биёбонда кўрган азоб-уқубатларим, чеккан заҳматларимни худованди карим ҳеч бир бандасининг бошига солмағай... Охир-пировардида, жоним ҳалқумимга келиб, юришга мадорим қолмай адо бўлганимда мана шу тепага, ҳозир саропарда тикилиб, сизлар ўтирган жойга келиб қўндик. Фақир ёлғиз соям қолган эди. Бир қултум сув ичишга мажолим йўқ, шу ерга келиб қуладиму тилим-тилим бўлиб кетган оёқларимни уқалаб, тонг отгунча нола чекдим. Ёзуғи не ожиз бандангининг, деб кўкка тавалло қилдим. Охири чарчоқ енгиб, кўзим илинган экан, туш кўрдим... Тушимда... қўлида асо, бошида салла, оппоқ бир қария тепамага келиб:

— Ҳей, бандан ғофил!— деб хитоб қилди.— Нечун парвардигори оламга бунчалар оҳу фарёд қиласен? Нечун бунчалар ғусса чекасен?

— О, валинеъмат, бузруквор! Фақир йиғламай ким йиғласун? Менинг бошимга тушган бу кўргулик ҳеч бир мўминнинг бошига тушмасин!

— Инналлоҳо маассобирин!— деди оппоқ чол.— Олло сабр қилгучилар билан биргадур. Сабр қил, бўтам. Фақир у ҳақир Хизр алайҳиссалом бўламен. Сабр қилсанг... бошингга тушган бу мусибатлардан яқин кунларда фориг бўласен, толенг баланд, истиқболинг ёруғ бўлғусидир. Улуғ мартаба ва тожу тахт кутадур сени! Шукрона билдириб, сабр қил, бўтам!..

— Уйғониб кетсам... кўрганларим туш экан,— деган эди ўшанда падари бузруквори кўзига ёш олиб.— Тонг яқин бўлса-да, карвон аҳли уйқуда эди. Дарҳол ўрнимдан турдим, таҳорат қилиб намозга киришдим. Карвон аҳли гафлат уйқусидан уйғонгунча камина эллик ракат намоз ўқидим. Ҳар ракаатдан кейин аъзойи баданимдаги оғриқ тарқаб охир-пировардида жисмимда шундай бир қувват сездимки, қолган йўлни отдай елиб-югуриб босдим. Нишопурга икки кун деганда кириб бордик. Нишопур бозорида тақдир каминани сомонийлар сипоҳсолори Алптегинга рўбарў қилди. Амир Алптегин,— олло руҳларини масрур қилгай!— салоҳиятли лашкарбоши, мард ва танги одам эди. Ул зоти шарифнинг фақирга меҳри тушиб, ўзига надим қилиб олди. Фақир ҳам унга ҳалол хизмат қилдим, жангу жадалларда от суриб, берган тузини оқладим. Шу-шу, бирламчи, олло таолонинг инояти, иккиламчи, Хизр алай-

ҳиссаломнинг дуои саодати мустажоб бўлиб, мана, соҳиби тож бўлдим!..

Султон падари бузрукворининг бу ҳикоясини эсларкан, кеча ҳам, бугун ҳам, негадир Хизр алайҳиссалом унинг ҳам тушига кирадигандай, унга ҳам шифо тилаб, оқ фотиҳа қиладигандай туюларди.

Султон кўзини юмиб, кўкка тавалло қилиб ётаркан, бир неча бор бурчакда, саропаданнинг шам шуъласи етмаган ғира-шира жойида, оппоқ бир чол унга тикилиб тургандай, гўё унинг мулоийм афсунгар овози қулоғига чалингандай бўлди. Бироқ ҳар сафар кўзини каттароқ очиб, ўша томонга тикилиб қараши билан нуроний қария қайгадир гумдон бўларди. Мана, ҳозир ҳам шундай бўлди. Назарида, чодирнинг пардаси кўтарилиб... қўлида асо... бошида оппоқ дастор, нуроний бир қария, йўқ, қария эмас, чеҳрасидан ажиб нур ёғилиб турган Хизр алайҳиссаломнинг ўзи кириб келди. Хизр алайҳиссалом пойгакда тўхтаб, унга бир нималар деб шивирлади. Ё раб! Наҳот тушида аён бўлган нарсалар тагин беҳуда рўёга айланса? Наҳот кўзини очиши билан бу меҳрибони бошафқат қария яна қайгадир гумдон бўлса?.. Йўқ, султон кўзини очмайди. Сўзланг, валинеъмат! Қўл очинг, бандаи ожизни ўз ҳифзи ҳимоятингизга олиб, бир дуои саодат қилинг, пири муршид! Фақир эса, туну кун истиғфор айлаб, қолган умримни тоат-ибодат билан ўтказгаймен!

Шу пайт қулоғига:

— Олампаноҳ!— деб аста шивирлаган овоз эштилди. Овоз султон тасавуридаги ҳазрат Хизр овозидай мулоийм ва сеҳрли эмас, сал хириллоқ ва ўктам эди. Лекин султон кўзини очмай: «Ё жаббор! Ё халлоқ!— деб шивирлади.— Ўзингга минг қатла шукурким, осий бандангнинг сўнгги тилагини вожиб қилдинг!»

— Давлатпаноҳ?— бу сафар овоз аниқроқ эштилди.— Кўзингизни очинг. Тонг отди. Барча аҳли мўъмин Мозори калон қабристониде ҳозир у нозир. Бомдод намози қазо бўлмасин!

Энди батамом аён бўлди — гапираётган Хизр алайҳиссалом эмас, пири муршид имом Сайид эди! Аммо султон бирдан кўнгли сув ичгандай ёришиб:

— Пирим,— деб хитоб қилди.— Сиз ҳозир фақирга ҳазрат Хизр алайҳиссалом тимсолида аён бўлдингиз. Пешонамни силаб, дуои саодат тиладингиз! Пири муршид дуоси — муҳри худодир! Худо хоҳласа, энди шифо топгусимен, пирим, шифо топгусимен!

Имом Сайид кўзларини кўкка тикди, қаҳрабо тасбеҳ ушлаган оппоқ қўлларини очиб:

— Илоҳи омин!— деб юзига фотиҳа тортди.— Иншоолло, ҳар лайлу наҳор такбир тушириб, машойихлардан сиз амирал мўъмининга кушойиш тилаб, дуо қилиб турибмизким, бу дуон хайримиз мустажоб бўлғай! Дард — меҳмон, шифосини берса ажаб эмас. Илоҳи балонг юкини тортмоққа, қувват ва муҳаббатинг меҳнатини тортмоққа сабр бергайсен. Қани, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Султоннинг чуқур ботган кўзлари зимистон кулбадаги шамдай ярқираб кетди-ю, қуриган теракдай қовжираган танасида аллақандай нотабий! бир куч сезиб, секин ўрнидан турди.

Ташқарида, арчазорга тикилган саропарданинг бир ёнида ҳаммаси бирдай сафроранг жубба кийган уламои забардастлар қўл қовуштириб турар, бир ёнида эса аркони ҳарб ва аркони давлат, вазиру вузаро ва аёну боёнлар саф тортган эди.

Офтоб ҳали чиқмаган, йироқдаги қорли тоғлар усти энди оқара бошлаган, бироқ теварак-атроф яшнаб-яшариб кетган. Оёқ остидаги бўлиқ майсалар орасида чигирткалар чириллар, Афшон сой томонда қурбақалар қуриллар, димоққа арча, наъматакул, явшан, бўзтикан ва ёввойи пиёз гуп-гуп урарди...

Султон бирдан қуйилиб келган қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, орқасига, Афшон сой ортидаги шаҳарга ўгирилиб қаради.

Суюкли шаҳри! Падари бузруквори амир Сабуктегин асос солган, лекин унинг, султон соҳибқироннинг пешона тери, меҳру муҳаббати, зар ва зўри билан камол топган... суюкли шаҳри Ғазнаи мунаввара!

Шаҳар туташ боғлар орасидан яхши кўринмас, фақат Боғи Фируз ортидаги Осмон маликаси қасрининг оқ мрамор пештоқлари билан Қўшки давлат саройининг ложувард гумбази элас-элас кўзга чалинарди.

Осмон маликаси!

Султон, негадир, Ғазнада қурдирган барча сарой, кўшк ва қасрлари, беҳисоб мачитлари орасида улкан оқ қушга ўхшаган мана шу мрамор саройни яхши кўради. Боғи Фируз билан маъсум келинчакни эслатувчи мана шу оқ қаср дилининг ҳуши, кўнглининг ороми! Боғи Фируздаги осуда йўлкалар, қишин-ёзин кумуш фавворалар сувига чўмилган мусаффо гулзорлар, чиний, кошинлар билан безатилган тиниқ ҳовузлар ва ҳовуз-

ларда сузиб юргувчи оққушлар, камалак рангли товуслар, хурмо ва ананас янглиғ нодир дарахтлар ўсгучи кўркем киебонлар!

«Э, яратган эгам! Наҳот бу гўзалликни, бу қасри муаззамлар, бу жаннатмонанд боғларни барпо қилиб, энди роҳату фароғатда яшайман деганида ҳаммасидан мосуво қилсанг? Наҳот унинг, амирал мўъминин аталмиш султон Маҳмуд Ғазнавийнинг тақдирини гўристонда тентираб юрган анов гадолар ва йўқсиллар тақдири билан баробар қилсанг? Борадиган жойи ҳам ўша гадолар борадиган беш газ совуқ гўр бўлса? Унда нечун қуръони каримда: «Ас салотин зулаллоҳи фил азр», яъники, «султонлар ердаги соямдур», дединг? Нечун уларни бандаларинг устидан баланд кўтардинг, э, сарвари коинот?»

Султоннинг хаёлини Али Ғарибнинг:

— Тахтиравонни келтиринг!— деган ўктам овози бўлди. Унга Абул Ҳасанакнинг аллақандай қувноқ, хурам товуши қўшилди:

— Шошманг, ҳазратим, мен, мен ўзим...

«Гур» этиб ёпирилиб келган катта оломон тахтиравонни даст кўтариб олди-да, талашиб-тортишиб қабристон томон йўналди.

Раиятнинг бошида имом Сайид борарди. Эғнида кенг сафроранг жубба, бошида сурмаранг салла, имом Сайид, қўлидаги асонни ерга дук-дук қадаб, тўйган ғоздай аста-аста қадам ташлар, унинг юришида, оппоқ қошлари тагига яширинган катта-катта сарғиш кўзларининг мамнун порлашида, кўксига тушган чиройли соқолнинг кумушранг жилосида ички бир виқор ва мамнуният барқ уриб турарди. Ҳа, у энди ўзидан мамнун бўлса арзийди. Ахир кимсан, буткул рўйи заминни зир титратган султон соҳибқиронни ўз иқтидорига бўйсундириб, ёт деса ётадурғон, тур деса турадурғон қилди! Рост, султон ҳеч қачон имом Сайидга қарши борган эмас. Пойқадами етган юрт борки, ҳамма жойда унинг истаги билан янги мачитлар қурдириб, барча пешвои дин ва уламои забардастларга ҳөмийлик қилган, юксак рутбалар билан кўнгилларини хушнуд этган. Ва лекин ҳеч қачон бунчалик тобе, бунчалик муте ҳам бўлган эмас! Гарчи, имомнинг панду насихатларини тардид¹ этмаса ҳам, пинҳона ўз билганини қилган, билъақс, анов алломаи мутакаббир Абу Али ибн Синога зимдан

¹ Тардид — рад қилмоқ.

элчи юбориб, кечаю кундуз унинг йўлини пойлаб ўлтир-мас эди! Имом ҳуфияларининг хабар беришича, султон ҳатто анов бетавфиқ Абу Райҳон Берунийни ҳам ҳибедан чиқариб, махсус дивсуворлар билан ибн Синога юборишга аҳд қилган. Шу бондан ҳам, имом ҳазратлари боя саропардага кирганда султондан норози эди, лекин бу ўртада, чамаси, султоннинг руҳида ногаҳоний бир ўзгариш рўй берди, у Хизр алайҳиссалом тўғрисида сўз очиб, имомнинг кўнглини чоғ қилди. «Сизни Хизр алайҳиссалом тимсолида кўрдим», деди. Бас: эндиликда имомнинг айтгани айтган, дегани деган! Эндиликда ҳеч бир кимса, ҳатто ул такаббур ҳаким ибн Сино ҳам султоннинг жиловини ўз қўлига ололмайд! Султон энди тоабад имом Сайид ҳазратларига мусалламдур¹.

...Султон, тахтиравон қаттиқ силиинганини сезиб, кўзини очди. Юсакда, боягидан ҳам тиниқлашган кўм-кўк осмон қаърида, ёлғиз оқ булут сузиб юрарди. Йўқ, бу булут эмас, булут шаклидаги бир одам, устида ҳакимлар ридоси, бошида ҳакимларнинг учли оқ қалпоғи, соқоли кўксига тушган нуроний бир кимса! Ё раб! Ҳакими даврон... ибн Сино эмасми бу?.. Ҳа, ҳа, ҳазрати ибн Сино! Худди ўзи! Боя Хизр алайҳиссалом кўзига кўрингани бежиз эмас! Хизр алайҳиссалом ҳакими даврон ибн Сино тимсолида аён бўлса ажаб эмас. Истиқболнинг хайрли аломати бу!

Султон бирдан томоғи ёп бўғилиб, кўзини юмди. Шу пайт дарёдай гувиллаган оломон овози қулоғига кирди.

«Имонсиз Маликул шароб! Буткул хазинангни садақа қилсанг ҳам қилган гуноҳларингни юволмайсен», деди. Йўқ, султон мардуми мўминга яхшилик қилгон экан, мана, бутун Ғазна кўчиб чиқмиш! Юришга қодир аҳли имон борки, бари истиқболига келмиш. Фақат... Қутлуғқадам айтган Бобо Хурмо қайда? Уни топмоқ даркор! Қимгаки озор берган бўлса, ҳаммасини қидириб топмоқ ва кўнглини олмоқ даркор. Э, яратган эгам! Нечун инсофу адолат тўғрисидаги бу ўйлар унинг хаёлига энди келмиш? Ногаҳон ёпишган жанов балон наҳс билан бирга келмиш?»

Азим дарё тобора кучлироқ гувилламоқда эди. Ана, зикр тушган дарвешларнинг ваҳимали «ҳув-ҳув»лари, навкарларнинг «пўшт-пўшт»лари ва ҳатто айрим хитоблар қулоғига чалина бошлади.

¹ Мусаллам — таслим.

— Бу не? Қимнинг тобути бу?
— Тобут эмас, тахтиравон бу, хумкалла! Пошшон олам!

— Худо раҳмат қилгай! Инсофли пошшо эди султон Маҳмуд!

— Инсофли пошшо? Ҳи-ҳи-ҳи! Гўрига ўт тушгай бундай инсофли пошшонинг!

«Ё халлоқ! Уни дафн этмоқ азмидадур бу каззоб вазиру вузаро! Валилар қабрини тавоф қилмоқ баҳонасида уни дафн этмоқ учун олиб кетмоқдалар. Тириклайин гўрига тикмоқ ниятида?»

Султон ногаҳон тахтиравонни ларзон урдириб, қаддини тиклади. У қабристон қўргони олдига йиғилган беҳисоб оломонни кўрди. От ўйнатган суворилар, зарбоф тўнларга ўралган аркони давлат ва аркони ҳарб, кашкулларини силкитиб, дуд ва тутун ичида зикр тушган дарвешлар, косов қўлларини чўзиб, садақа сўраган гадолар, увода тўнли моховлар, оқ ғоздай керилган уламои забардастлар!

Султон бебош дарёдай кўпириб-тошган бу оломонни кўриб, бир дақиқа ҳушидан айрилиб, гаранг бўлиб қолди. Сўнг, Мозори калон қабристонининг қўргонига кўзи тушди-ю, даҳшат ичида:

— Қайт орқангга! Қайт!— деб бақирди-да, тахтиравонга чалқанча йиқилди.

Ун тўққизинчи боб

Беруний билан соҳибни девон Абу Наср Мишкан навкарлар қуршовида Афшон сойга яқинлашиб қолганларида, қаршида Мозори калон қабристони томон йўл олган оломон кўрипти. Тўп-тўп дарвешлар, бир-бирлари билан сўкишган, алланималарни талашган гадолар, от ўйнатиб «пўшт-пўшт»лаган зодагонлар, асоларини дўқиллатиб, кўкка нола қилган мажруҳлар, нажот тилаган хасталар, соғлар, пиёда ва отлиқлар чиндан ҳам қирғоқлардан тошиб чиққан селдай ёпирилиб келарди. Фақат Афшон сой соҳили эмас, ғира-шира тонг қоронғилигига бурканган шаҳар ҳам чўп суқилган ари уясидай гувиллар, даҳаларда гулханлар ёнар, қоровулларнинг шақилдоғи шақиллар, уёқдан-буёққа чопган от тўёқларининг дупури осмони фалакка чиққан эди. Лекин ажабо: Осмон маликаси саройи ҳам, сарой ортидаги Хатлибегимнинг алоҳида кўшки ҳам сув қуйгандек

жимжит, қўрғон олдидаги улкан майдон кимсасиз, хиё-
бон ва гулзорларда тирик бир жон кўринмас эди...

«Меҳмон»ларни кўшк олдида кутиб олган ёш каниз бош девон соҳибини бир четга имлаб, қулоғига аллани-маларни шивирлади-да, зар сочилган шаффоф дурраси билан оғзини тўсганича, Абу Райҳонга қараб таъзим қилди.

— Марҳамат қилсинлар, мавлоно... Бегим сизни кут-моқдалар!

Канизнинг кўзлари нечундир кулиб турарди.

Беруний оқ мрамор зинадан чиқиб, баланд пешай-вон орқали узун йўлакка кирди. Йўлакнинг икки тара-фида қатор ўймакор эшиклар саф тортган, токчалари-даги тошфонуслар шуъласида эшикларнинг олтин тас-малари ва уларга қадалган дур ва жавоҳирлар кўк, қи-зил, нафармон рангларда нафис жило сочарди.

Олдинда бораётган ёш каниз тўрдаги эшикни очиб, тезгина ичкарига кириб чиқди-да, яна боягидай били-нар-билинимас кулимсираб, навозиш билан бош эгди:

— Марҳамат, мавлоно!

Беруний негадир хиёл юраги ўйнаб, ичкарига кирди. Хатлибегим деворларига шафтоли ва бодом гулли но-зик сўзана ва палаклар тутилган катта чорбурчак хонанинг тўрида, нози неъматлар билан тўлдирилган дўн-галак хонтахта орқасида қизил шойи болишларга суя-ниб ўтирарди. Шифтдаги чамбарак қандилга терилган ҳисобсиз шамлар шуъласида хонадаги ипак гиламлар, токчалардаги ёқут пиёла ва кумуш баркашлар, фил суягидан ясалган ғаройиб қути ва қутичалар, нодир зийнатлар, зийнатларгина эмас, заррин либосларга ўранган Хатлибегимнинг ўзи ҳам аллақандай нотабийй ярқираб кетган, гўё хона тўрида жонли аёл эмас, ток-чалардаги олтин маъбудаларнинг яна биттаси жой ол-ган эди.

Беруний кириб, таъзим қилиши билан «олтин маъ-буда»га жон кирди, ёқут кўзли тилла узук ва йирик олтин билагузуклар тақилган қўлларини узатиб, такал-луф билан ёнидан жой кўрсатди.

— Хуш келибсиз, мавлоно, тўрға ўтинг.

Беруний бегим кўрсатган жойга ўтиб ўтираркан, мушк-анбар ва упа-эликнинг хушбўй ҳиди димоғига «гуп» этиб урилди.

Букун бегимнинг либослари ҳам, пардоз-андозлари ҳам бошқача, зар сочилган кўк шойи кўйлак устидан қизил бахмал мурсак кийган, бошига ҳарир шойи дур-

ра ташлаб, дурра устидан инжу қадалган тож қўндирган. Қорача юзига қалин упа суриб, қийғоч кўзларига сурма тортилган, ҳатто тишига суркалган тишқолиси ҳам янгилангандек, гапирганда тишлари қора садафдай ялтиллаб кетарди. Беруний ихтиёрсиз суратда бегимнинг ҳаракатларини кузатаркан, бундан кўп йиллар илгари, синд музофотидаги кўл соҳилида пинҳона учрашганларида ҳам, димоғига мушк-анбарнинг худди шундай нозик ҳиди «гуп» этиб урганн ёдига тушди. Ушанда ҳам Хатлибегим мана шундай қимматбаҳо заррин либослар кийиб, юзига нозик бўёқлар суркаб олганди. Лекин унда, бегимнинг шахсий саропардасида пинҳона учрашганларида, бу ўктам қорача жувонга ҳаммаси ярашар, заррин либос ҳам, юзига суркалган упа-элик ҳам, қийғоч кўзларига тортилган сурма ва ҳатто тишқоли суртилган тишлари ҳам — ҳаммаси ёқимтой ва жозибали эди. Ҳозир эса унинг юзи... ҳинд коҳинлари ва афсунгарлари киядиган ниқобни эслатар, фақат сурма тортилган сузук кўзлари аллақандай чақнаб, хушомад аралаш илтижо билан жавдираб турарди...

«Қорамтир аёл юзига упа суртса... қора қозонга ун чаплангандай бўлар экан. Ақлли хотин, нечук бунга фаросати етмайди?»

— Шаробми ё шарбатми, мавлоно?

— Шарбат,— деди Беруний ва Хатлибегимнинг юпқа лабларида зуҳур бўлган истехзоли табассумни кўриб, қўшимча қилди.— Не чора, наҳр-ул ҳаёт шундай тез оқар эканким, шароб нчадурғон ёшлик чоғларимиз ўтди-кетди, бегим.

Бегимнинг сузук кўзларида фавқулодда шўх учқунлар жилва қилди, тишқоли суртилган қора садаф тишлари ғалати ярқираб кетди.

— Билъакс, энди кучга тўлгансиз, мавлоно!

— Ташаккур, бегим...

— Ёшлик пайғларим ўтган деб нола қиласиз, уйингизда эса... ўн гулидан бир гули очилмаган соҳибжамоллар хизмат қилади!

Беруний «ялт» этиб қаради. Упа чапланган ниқобли юз ҳануз совуқ кулимсирарди!

«Алвасти!.. Садафббининг бошига етган бу алвасти!»

— Аёл зотини маъзур тутасиз, мавлоно, сизга бир оғиз сўзим бор. Ун гулидан бир гули очилмаган ул соҳибжамол... сизга фақат жориялик қилган эдими ёки...

— Сўзингизни англадим, бегим. Ул шўрлик маъсу-

ма... Фақирнинг юртидан олиб келиб сотилган бир жориядур. Бу жория билан бизнинг элимиз бир, тилимиз бир!..— Беруний ҳаяжон пчида ўтирган жойида бир тебраниб қўйди.— Ҳибсда ётган чоғимда... кулбаи вайронамга бир гуруҳ сарбозлар бостириб келиб шўрлик маъсумани олиб кетмиш, бегим.

Хонага бир дақиқа чуқур сукут чўкди. Бу сукутни Хатлибегимнинг совуқ кулгиси бузди:

— Бир гуруҳ сарбозлар бостириб кириб, суюкли жориянгизни олиб кетган бўлса... буни мен ғарибга арз қилганингиз қизиқ, мавлоно!

— Фақирнинг гуноҳидан ўтинг, бегим, мискин кулбамга бостириб берган ул сарбозлар саройдан эмиш!..

— Билмам! Султони салотиннинг аҳволи сизга аён! Борингки, аҳволи яхши бўлганда ҳам, султон сизнинг жориянгизга зор эмас, мавлоно. Олло таоло унга шифо бергай! Шифо берса... ҳарам тўла парипайкар. Сизнинг жориянгиз бу гулрухсорлар олдида чўриликка ҳам ўтмайди, мавлоно...

Хатлибегимнинг заҳархандаси Берунийнинг юрагидаги шубҳани сўндириш уёқда турсин, баттар ўт ёқди.

«Шу жодугар! Шўрликнинг бошига етган шу жодугар!»

Ўртага чўккан жимликни Хатлибегимнинг бирдан ўзгарган таҳдидли овози бўлди:

— Офтоби олам сизга ўз тилагини изҳор этгандур, мавлоно!

— Изҳор этдилар, бегим. Ибн Сино ҳазратлари йўлга чиққан эмиш!

Хатлибегим бетоқат бош чайқаб:

— Сиз ул ҳажми ҳозик... ибн Сино ҳазратларини танийсизми?— деб сўради.

— Таниймен. Биз Хоразмда, Маъмун ибн Маъмун саройида беш йил бирга хизмат қилганмиз, бегим...

— Офарин! Танисангиз сиздан бир илтимос, мавлоно,— Хатлибегим тирноқларига хина қўйилган узун қорамтир бармоқларини Берунийнинг қўлига қўйди-да, яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Сиздан яширадурғон сири пинҳоним йўқ, мавлоно. Бир маҳаллар ўзингиз сабоқ берган шогирдингиз амир Масъуддан кеча ажаб бир мактуб олдим. Хабарингиз бор, ул шаҳзода валнаҳд Исфаҳонда лашкар тортиб турмиш!

Хатлибегим негадир кўзига ёш олиб, бир дақиқа жим қолди.

— Ул садоқати боқий шогирдингиз, амир Масъуд Ёзмишким, ҳакими даврон ибн Сино ҳазратлари Ғазнага боришдан бош тортиб, ҳануз Ҳамадон томонда қочиб юрган эмиш!..

Беруний ер остидан Хатлибегимга ўгринча қаради. Бегим, дастурхон тагидан икки букланган бир мактубни олиб, кўрсатди-да, қайта дастурхон тагига яширдн.

— Ҳа, шаҳзодаи валиаҳд худди шундай деб ёзмиш. Сиз билмайсиз, мавлоно, бу вазири аъзам Али Ғариб билан анов ҳез... мени афв этинг, мавлоно, анов хушчеҳра ҳезалак Абул Ҳасанак!.. Бу икки қузғуннинг ниятлари ёмон, мавлоно! Агар султон соҳибқирон бу фоний дунёни етим қолдириб, у боқий дунёни обод этса... бу икки баттол шаҳзодаи валиаҳдни тожу тахтдан мосуво қилиб, ўрнига анов бефаросат шаҳзода Муҳаммадни кўтармоқ ниятидадур... Сўзим аёнму, мавлоно?

— Вазирлар тўғрисидаги сўзингиз аён, бегим. Аммо ҳазрат ибн Сино!..

— Мен ҳам шунга ҳайронмен, мавлоно,— деди Хатлибегим.— Ул ҳакими ҳозик Ғазнага келишдин бош тортиб, Ҳамадон томонларда қочиб юрган бўлса... султон айтган бу ибн Сино қайдан келди? Бу ибн Сино Тегинободдан топилган эмиш, мавлоно!

Хатлибегимнинг сўзларида ақл бовар қилмас бир сир-асрор бор эди! Беруний беихтиёр ёқасини ушлаб:

— Ажаб жумбоқ!— деб юборди.— Сиз айтмоқчисизки, Тегинободдан чиққан бу ибн Сино бошқа ҳаким, яъники, сохта ибн Сино демоқчисиз, бегим?

Хатлибегим қаттиқ уф торгиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Билмам, мавлоно. Мен уни кўрмаган бўлсам...

Чин ибн Синоми, сохтаи — бу жумбоқни ёлғиз сиз еча оласиз, мавлоно!

— Дуруст. Аммо бу ишдан, яъники, чин ибн Сино ўрнига сохта ибн Синоми топиб, уни султони салотинга рўбарў қилмоқдан мақсадлари не бу икки вазирнинг?

— Мақсадлари? О, мавлоно, мавлоно! Алломаи замон деган номингиз билан бу икки шайтоннинг фириб юмушларига ақлингиз етмайди. Мақсадлари — амирал мўъмининнинг бошига етмоқ! Бу сохта ибн Сино қўли билан унга оғу бериб ўлдирмоқ!— деди Хатлибегим, деди-ю, ўз сўзидан ўзи қўрқиб, кўзлари олазарақ бўлиб эшикка қаради.

Беруний боши гаранг, тили лол, чурқ этмай ўтирарди. Боя ибн Сино тўғрисидаги хабарни эшитганида юра-

гига ёпирилиб келган қувонч энди тамом сўнган, унинг ўрнини яна ўша эски аламли ўйлар эгаллаган эди.

«Ҳақиқатан, нечун уни, фикри зикри китоб билан банд бўлган бир шўрлик алломани бу қабиҳ ишларга шерик қилмоқчи бўладилар? Ҳокимият учун, тожу тахт учун, бани одамлар устидан ҳокимлик қилмоқ учун ҳеч бир тубанликдан қайтмас эканлар, ўзлари қилсин бу тубанликни! Унинг ёлғиз тилаги — бу фитна-фасодлардан йироқ юриб, қолган умрини мутолаа ва мушоҳадага бағишламоқ эди! Наҳот бу разил ишлар сабаб, энг сўнгги ниятидан ҳам Мосуво бўлса?»

Хатлибегим, гўё унинг кўнглидаги ғалаённи сезгандек, шитоб билан ўрнидан турди.

— Қолган сўзни сизга соҳиби девон... Абу Наср Мишкан жаноблари айтар. Сиз учун от-улов, хуфиялар, навкарлар — ҳаммаси шай! Шояд Тегинободдан топилган бу ҳақими даврон ўшал сиз билган чин ибн Сино бўлса!..

— Шояд!— Беруний жимгина таъзим қилиб эшик томон юрди.

— Бир он сабр қилинг, мавлоно!— Хатлибегим учига инжу қадалган заррин шиппаги билан ипак гиламларни шарпасизгина босиб бориб, токчадаги олтин баркаш орқасидан бежиримгина бир қутича олди.

— Кеча саройга савдо аҳли ташриф буюриб, арзимас бир нарса ҳадя қилган эдилар. Кўриб қимматини айтсангиз, мавлоно.

Хатлибегим, аллақандай сирли кулимсираганича, қутичани очди. Фил суягидан ясалган бежиримгина қутичанинг тагида... кўк, қизил, нафармон ва яна аллақандай нозик рангларда жилоланган йирик бир жавоҳир ётарди! Ё тавба! Бу ўша, Пири Букрий кўрсатган, не-не шоҳу гадоларнинг қўлидан ўтган, не-не мудҳиш воқеаларга сабаб бўлган ва охир-пировардида Садафбиби учун ваъда қилинган машъум жавоҳирнинг ўзи эди.

Берунийнинг назарида, гўё бирдан офтоб чиқди-ю, кўз олдини тўсиб турган туман тарқаб кетди! Худди Ҳиндистонда, Нанда шаҳри ёнидаги тоққа чиққанида тўсатдан миясида нимадир «ярқ» этиб, ер куррасининг шакли аён бўлганидек, ҳозир ҳам ҳамма нарса аён бўлди: бу совға Хатлибегимга Садафбиби учун келган! Мунофиқ Пири Букрий Садафбиби учун инъом қилган бу жавоҳирни!

Беруний бирдан қути ўчиб, бегимга тик боқди.

— Бу жавоҳир... кўп ёвуз ишларнинг шоҳиди бўл-

ган, кўп шоҳу гадоларнинг бошини еган жавоҳирдур, бегим...

Хатлибегимнинг қисик кўзлари ҳайрат билан порлади.

— Ажаб ҳангома! Сўзланг, мавлоно!

— Бу жавоҳирнинг тарихи узоқ, бегим. Насиб бўлса бир кун сўзлаб берурмен. Бунинг баҳоси ҳам... бебаҳодур. Ва лекин, қанча бебаҳо бўлмасин, бир шўрлик ожизанинг ҳаёт-мамотини бу тошга боғламоқ... адолатдан бўлмас, бегим!

— Шўрлик ожиза?

— Нечун ажабланасиз, бегим? Бу жавоҳир... менинг жориям, шўрлик Садафбиби учун инъом қилингандур сизга, бегим!..

Хатлибегимнинг упа суртилган қорача юзи тўсатдан нафрат аралаш ғазабдан бужмайиб кетди.

— Жориянгизми ё ўйнашингизми у манжалақи?

— Бегим!..

— Бас! Сизга рухсат, мавлоно! Амри пошшо — вожибдур! Фармони олийни бажо келтиринг, мавлоно!

Беруний бегимнинг ўт чақнаган нигоҳидан кўзини узиб, бошини ҳам қилди.

— Қуллуқ, бегим! Аммо... Фақирнинг арзини ҳам инобатга олинг! Шўрлик жория саройда бўлса озод қилинг! Агар анов фирибгар букрининг қўлида бўлса — ул саттол букри қўйиб юборсин бегуноҳ маъсумани!..

— Маъсума!— Хатлибегим тескари бурилиб, девордаги ипак гиламни аста тимдаларкан:

— Э, яратган эгам!— деб нидо қилди.— Э, расули барҳақ! Қайси гуноҳларим учун бу хўрлик, бу ҳақорат?.. Тирноғимга арзимайдиган бир чўри! Кўчада қолган бир манжалақи!

Беруний индамай эшик томон йўналди.

«Ё тавба! Не-не бек ва амирлар турганда кимсан амирал мўъмининнинг суюкли синглиси бўлмиш бу хотиннинг ишқи фақирдай кекса бир алломага тушса...»

Беруний эшикни секин очиб, ўзини йўлакка олди. Ичкаридан ҳамон Хатлибегимнинг бўғиқ, аламли йнги-си эшитилиб турарди.

Иигирманчи боб

Ҳибсхона тўнтарилган қозондай зимистон эди. Маликул шаробни бошлаб келган сарбозлар унинг қўлидан кишанини, кўзидан қалин бўз белбоғини ечиб, эшикдан итариб юборишди. Маликул шароб оёқлари

остидаги тўнкага ўхшаш бир нарсага қоқилиб кетди-ю, бор оғирлиги билан юзтубан йиқилди, боши қаттиқ бир нарсага тегиб, анчагача ҳушини йиғолмай ётди. Унинг икки кўзи шифтда эди. Шифтдаги дўппидеккина туйнукдан тушган бир ҳовуч нур ертўланинг кафтдек жойини ҳам ёрита олмас эди. Энг ёмони — ертўлада бирор жонзот ўлган бўлса керак, зиндонни тўлдирган қана ва каламуш ҳидига ўлакка ҳиди қўшилган, кўнгилни оздирувчи бу қўланса ҳидга тоқат қилиб бўлмас, бироқ тоқат қилмай илож йўқ, бошини тошга уриб додласа, додини ҳеч ким эшитмас эди!

Йўқ, кимдир бор! Ҳибсхонанинг аллақайси бир бурчагида кимдир бетоқат питирлагандай, аста инграгандай бўлди.

Маликул шароб секин бошини кўтариб, қулоғини динг қилди.

— Ҳой, ким бор бу балои жаҳаннамда?

Қибла томондаги зимистон бурчакдан:

— Маликул шароб?— деган заиф овоз келди.

— Бобо Хурмо?— Маликул шароб оёқ остида юмалаб ётган заранг коса, жом ва қумғонларни ағдар-тўнтар қилиб, овоз келган томонга эмаклади.

Белигача қип-яланғоч Бобо Хурмо тақир бўйрада узала тушиб ётар, унинг соч-соқоли бурунгидан ҳам ўсиб кетган, кўзлари юмуқ, ҳарорати баланд, аллақандай хириллаб нафас оларди.

— Сув! Бир қултум сув!

Маликул шароб қоронғида ер тимирскилаб,— унинг кўзи зимистон ертўлага эндигина ўргана бошлади,— қора қумғонни топиб келди. Бобо Хурмо қумғон жўмрагига тишини шақ-шақ уриб, сув ичаркан:

— О!— деди безгак тутгандай қалтираб.— Қани энди ўша гулгун шарбатингдан бир пиёла бўлса, Маликул шароб! Лоақал бир пиёла! Ўт ичида қовруламен, азизим, ўт ичида!

Маликул шароб эндигина унинг баданида соғ жойи қолмаганини кўрди, қорни, кўкраги, бўйни, ҳатто юзлари ҳам қамчи изларидан тарам-тарам бўлиб кўкариб кетганди!

Маликул шароб чакмонини ечиб, унинг боши остига қўйди, белбоғини ёзиб, устига ёпди.

— Шўрлик Бобо Савдойи! Қайси гуноҳларинг учун сени қийноққа солдилар бу баттоллар?

— Гуноҳларим?— деди Бобо Хурмо ётган жойида

тўлганиб.— Бирдан-бир гуноҳим сенинг майхонангда айтган эртагим!

— Эртагинг?

— Ҳа, тунов кунни, туслик икки сайёҳ ташриф буюрган оқшом бешафқат бир кимсани тахтга ўтқазган нодон фуқаро тўғрисида сўзлаган эртагим ёдингдами? Ёдингда бўлса ўшал эртагим учун! Гўё бу эртақ билан камина султон соҳибқироннинг иззатини ерга урган эмишмен. Уни жоҳил ва бераҳм, Ғазна аҳлини эса нодонга чиқарган эмишмен!..

Маликул шароб бўғилиб кетаётгандай бўлиб, бўз кўйлагининг ёқасини шартта юлқиб очди-да, ҳолсизланиб деворга суянди.

Ё тавба! Неча марта унинг ўзига ҳам худди шундай бемаъни айблар тақишган, бирда шаккокликда, бирда даҳрийликда, яна бирда эса салтанат қудрати ва амирал мўъминини обрўсига путур етказишда айблаб, неча марта зиндонга ташлашган. Ўзлари тўқиган бўҳтонларга иқрор қилишга уриниб, не-не қийноқларга солишмаган уни! Яхшиям, султон Маҳмуд ёшлик чоғларида, юрагида инсоф ва адолат туйғуси тамоман сўниб битмаган маҳалларда, Наргизабону сабаб, собиқ ғуломи Қутлуғқадамнинг дахлсизлиги тўғрисида бирдан-бир адолатли фармон берган экан. Маликул шароб, ҳар сафар бошига қилич келганида, шу фармонни дастак қилиб, қутулиб кетарди. Аммо бу сафар... Бу сафар султонга бир бало бўлганга ўхшайди. Аввал Берунийни ҳибс қилдирди, ундан кейин ўзини ибн Сино деб атаган анов телба майпарастни! Майпарастдан кейин унинг шогирдини, шогирдидан сўнг манов шўрлик Бобо Хурмо Савдойини, Савдойидан кейин уни! Ҳатто Садафбиби ҳам қайгадир йўқолган. Беруний зиндон қилинган кунни кечаси бир гуруҳ навкарлар бостириб бориб, уни ҳам қаёққадир олиб кетишган! Ё алҳазар! Кимки Маликул шаробга яқин бўлса, ҳаммаси ҳибсда! Энди бу ҳибсдан, ўлакка ҳиди анқиган бу жаҳаннамдан тириклайин чиқа оладими, йўқми — буёғи ёлғиз оллога аён!

Майли! Унга барибир. Уни бу бевафо дунё билан боғлаб турғувчи на бир илинж қолди, на бир яхши умид! Фақат бир нарса қийнайди уни, у ҳам бўлса Наргизабону!..

Наргизабонунини эслаши билан ҳозиргина майхонада ўзини сарбозларнинг оёқлари остига ташлаб, фарёд чеккан кампири кўз олдига келди-ю, тирноқларигача вирқираб кетди.

Сарбозлар мажруҳ кампирнинг фарёдига қулоқ солишмади. Кампир, қилич кесган майиб қўллари билан сарбозларнинг этагига тирмашиб, бўсағача эмаклар борди ва ўша ерда юмалаб қолди. Қўлига кишан урилган Маликул шароб эса, ерда йиқилиб қолган кампир томон бир-икки талпиниб кўрди, бироқ сарбозларнинг қўллари темир кишанлардан ҳам маҳкам эди, яраланган қушдай питир-питир қилди-да, «шилқ» этиб йиқилди.

Йўқ, бу машъум юмушлар бежиз эмас, бу ерда теран бир сир-асрор бор. Анов телба сайёҳ ҳам бир балони бошлаб келди! Бошда, бу сайёҳ майхонага пинҳона кириб келганида, айниқса, хушсурат шогирдининг қўлидаги суратни кўрганида Маликул шароб унинг ибн Сино эканига чиппа-чин ишонди! Сайёҳ эса... сайёҳ бир ҳафтагача Маликул шаробнинг ертўласига яшириниб олиб, кечаю кундуз ичди, шундай ичдики, охир-пировардида ўз қусуғига ўзи булганиб қолди. Майдан ҳушига келган чоғларида эса, сарой ва султон ҳақидаги мишмишларни сўраб-суриштирар, майхона эшигини қия очиб, майхўрларнинг гап-сўзларига ўгринча қулоқ солар, сўнг, яна ертўлага тушиб, хумларни қучоқлаганича ичкиликка муккасидан кетарди!

Умрида муғамбирлик кўчасидан ўтмаган оқкўнгил одам, Маликул шароб шунда ҳам гумонсирамаган эди, бир куни тун ярмида ертўлада кўтарилган аллақандай ғала-ғовурдан уйғониб кетди. У ердан қаттиқ сўкинган бўғиқ овозлар, тарақ-туруқ товушлар эшитиларди. Тўсатдан, эшик тарақлаб очилиб, кимдир алпанг-талпанг юриб чиқди. Бу — ёш сайёҳ эди. Унинг юзлари тирналган, кўзлари ола-кула, ўзиям оёғида зўрға турарди.

— Бу не тўполон? Не бўлди? — деди Маликул шароб қаттиқ ранжиб.

— Анов... Абу Шилқим! — деди ёш сайёҳ йиғи аралаш ғўлдираб. — Ўзини ибн Сино деб, аҳли мўминларни тунаб юрган Абу Шилқим ибн ШШаҳвоний. ССирини очсам бугун ддорга ттортилади! — Шогирд шундай деди-ю, ўз сўзидан ўзи қўрқиб кетдими ёхуд сабаби мастликми, юзтубан тушиб, дарҳол пинакка кетди.

Маликул шароб ўзларини ибн Сино деб, оқкўнгил авомни тўнаб юргувчи қаллоблар ҳақида кўп эшитган эди. Бу сафар ҳам худди шундай фирибгарлардан бирига дуч келганини сезиб, уни ҳайдашга чоғланган эди, бироқ худди ўша кеча бир гуруҳ навкарлар майхонага ногаҳон бостириб келиб, «ибн Сино ҳазратларини» қўлоёғидан боғлаб олиб кетишди!

Маликул шаробнинг хаёлини Бобо Хурмонинг аста инграган овози бўлди.

— Сув берайми, пирим?

— Йўқ-йўқ... Камина сенга бир сўз айтмоқчи эдим, ёдимдан кўтарилди! Ҳм.. Ҳа, ёдимга тушди! Бу ёвузлар... ўша куни майхонангга меҳмон бўлиб келган икки сайёҳни кўп сўраб-суриштирдилар, Маликул шароб!

— Нечун?

— Билмам, азизим! Бу ерда не сир-асрор бор, ёлғиз олло билади. Аммо шу икки сайёҳ билан анов... имомни кўп суриштирдилар қузғунлар!

— Қайси имом?

— Қайси бўлур эди! Ушал биродаринг имом Исмоил Ғозийини айтамен. Оо!.. Қани энди безавол ёшлик чоғларим қайтиб келса! Имом Исмоил лашкарида от суриб, ё бу имонсизларни қирғинбарот қилсам, ё жанг майдонида шахид ўлсам!

Маликул шароб деворга суянганча кўзини юмди, юмган заҳоти дарҳол имом Исмоилнинг қилич теккан чандиқ юзи, лочиннинг кўзларидай тийрак, ўткир кўзлари ёдига тушди.

Маликул шароб ҳам неча марта имомнинг Кўҳишер дарасидаги қароргоҳига бош олиб қочмоқчи бўлган, лекин имом унинг бу истагини хушламаган эди. «Салтанатдаги аҳволни билиб турмоқ учун Ғазнада пинҳоний маконимиз бўлмоғи даркор, бу ишда сенинг майхонангдан яхши жой йўқ», деб, уни ниятидан қайтарган эди. «Наҳот илоннинг ёғини ялаган бу маккорлар бу сирдан ҳам огоҳ топган бўлсалар?»

— О, ёвузлар, ёвузлар!— деди Бобо Хурмо инграб.— Ҳамма нарсадан воқиф булар! Ер остида илон қимирласа — биладилар бу каззоблар!

— Нечун билмасинлар? Бир одамга ўн айғоқчи, ўн хуфия!..

— О, Маликул шароб! Бу малъун хуфиялар орасида инонган тоғингни кўрасен ҳали! Қил ўтмас қадрдонингни кўрасен ҳали!..

Маликул шароб беихтиёр юраги увишиб:

— Қил ўтмас қадрдоним?— деб сўради.

— Ҳа, таассуфлар бўлғайким, инонган тоғинг ҳам айғоқчи экан!

«Инонган тоғим? Қим экан у инонган тоғим! Епирай! Бир бало бўлди бу салтанатга! На давлат тинч, на султон!»

Маликул шароб пайғамбар ёшига кириб, не-не фо-

жиаларни кўрмади! Шўрлик мардуми мўмин ажал келса «ўлим ҳақ» деб, тақдирга тан бериб, бу норасо дунё билан бефиғон, бефарёд, безабонгина видолашади. Қирқ йил салтанаг тебратиб, давру даврон сурган бу султон эса... тилида «ўлим — оллонинг инояти», деса ҳам, дилида таваҳҳум, жунунлар ҳолига тушиб қолди!

Бундан уч кун муқаддам, майхўрлар тарқаб, майхона уйқуга чўмганида, Маликул шаробни бозор қоровули кириб уйғотди.

— Сени кекса бир девона йўқлаб келмиш!

— Неки аҳмоқ йўқлаб келса уйғота берасанми, нодон? Девона бўлса бир бурда нон садақа қил!

— Кечиргайсен, Маликул шароб. Девона айтадики, вазири аъзамдан келдим деб! Қўлида бир халта олтин! Мана, ўзи ҳам кирди...

Маликул шароб ялт этиб эшикка қаради, қаради-ю, ўз кўзларига ишонмай анграйиб қолди. Ё тавба! Бўса-ғада... амирал мўъминин султон Маҳмуд Ғазнавий турарди!.. Устида эски қуроқ чопон, бошида хоразмча эски чўғирма, белида қизил бўз белбоғ!

У: «Индама, овозинг чиқмасин!» деган маънода кафтини лабига босди, сўнг, бозор қоровулига юзланиб:

— Сен боравер!— деб гўлдиради-да, оёғини аранг судраб ичкарига кирди.

Қоровул қўлидаги тошфонусни токчага қўйиб, шоша-пиша хонадан чиқди, чиқиши билан султон, гўё кимдир оёғига болта ургандай, тиззалари қалтираб, ердаги эски наматга ҳолсизгина чўккалади, шунда белидаги халтаси ерга тегиб, даранг-дурунг овоз чиқарди.

«Қоровул айтган олтин! Епирай! Олтинларни не қилади? Девона сифатида тун ярмида не матлабда тентираб юрибди бу жунунсифат султон?»

Амирал мўъминин, кўзлари юмуқ, оғир ҳансираб анча ўтирди. Унинг юзи тунов кун тоғда кўрганидан ҳам баттар сарғайиб, бўйинлари бўш халтадай осилиб қолган, сийрак мош-гуруч соқоли чувалаб кетган, у чиндан ҳам ҳолдан тойган оч гадога ўхшарди.

— Биродарим Қутлуғқадам!— деди султон, аллақандай ногирон, маҳзун товушда.— Тунов кунги сўзларинг ҳануз ёдимда, ҳануз кечалари уйқу бермайди менга!

Сал ҳушига келган Маликул шароб ногаҳон юраги «шиғ» этиб:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсен, амирим!— деди.— Қуриб кетгур риндона кайфият сабаб, фақир ўша кун кўнглиннга озор бердим...

— Йўқ, йўқ!— Султон заиф чирогдай милтираган кўзларини бир очиб, қайта юмди.— Сўзимга инон, Қутлуғқадам, агарчанд олло таоло ўз иноятини дариф тутмай бу дарди бедаводан фориф қилса... мен ҳам дарвешликни ихтиёр этиб, бир тунда доруссалтанатдан чиқиб кетар эдим. Устимга жанда, бошимга кулоҳ кийиб, «ҳув» деб бошимни олиб чиқиб кетар эдим, тиламчилик ила кун кечириб, қилган гуноҳларимни ювар эдим! Э, яратган эгам! Узингдан ўзга ғамгузорим йўқ!— деди султон тўсатдан аллақандай фарёд чекиб.— Ва лекин... наҳот бу майпараст айтгандай савоб юмушларимдан қилган гуноҳларим кўп бўлса? Йўқ, инонмаймен бу гапга! Аммо... инонмасам ҳам, мана, бир халта олтин олиб келдим, Қутлуғқадам! Ушал ўзинг айтган етим-есирларга улашгайсен! Керак бўлса... юз халта десанг ҳам келтириб берурмен...

Султон сўзини тугатмаган ҳам эдики, эшик шарақлаб очилди-да, ғира-шира хонага... вазири аъзам Али Ғариб кириб келди.

Султон, гўё Али Ғариб эмас, кўзига балон азим кўрингандай талмовсираб:

— Али Ғариб?— деб хитоб қилди.

— Ё раб!— деди Али Ғариб, ёқасини ушлаб.— Султон соҳибқирон гадо кийимида? Бу не ҳол? Сизга не бўлди, олампаноҳ?

Султон, ногирон жисми қалт-қалт титраб:

— Йўқол кўзимдан, баттол!— деб бақирди. Бироқ вазири аъзам амирал мўъмининнинг ҳайқириғига бўйсиниш ўрнига ерга тиз чўкиб, султоннинг оёқларини қучоқлаб олди.

— Садоқати боқий қулингизни афв этгайсиз, олампаноҳ! Ва лекин... биров кўрса не дейди? Эл-юрт эшитса не бўлади, офтоби олам?

— Даф бўл, иблис!

— Майли, фақирни ўлдирсангиз ўлдилинг! Аммо... букун дарғазаб бўлсангиз эртага ташаккур айтасиз фақирга! Ҳеч бир кимса кўрмагай сизни, олампаноҳ!— Али Ғариб шундай деб, қўйнидан қизил шойи белбоғ чиқарди-да, султоннинг юзига ташлаб эшикка юзланди:

— Сардор!

Ташқарида тапир-тупур оёқ товушлари эшитилиб, хонага икки навкар кириб келди.

— Кўтаринг бу гадони! Олиб чиқиб, аравага солинг!

Юзи қизил шойи белбоғ билан ўралган султон бир-

икки марта питир-питир қилди-да, ўликдай узала тушиб ётиб олди.

То навкарлар султонни кўтариб олиб чиқиб кетгунча Али Ғариб бир чеккада қовоғини уйиб сукут сақлаб турди, сўнг, Маликул шаробга қараб:

— Сўзимни қулоғингга қуйиб ол, бетавфиқ!— деди паст, таҳдидли товушда.— Туя кўрдингми — йўқ! Бия кўрдингми — йўқ! Билъакс, пўстингни шилиб, ичига сомон тикамен, шайтон!

...Ҳа, бир бало бўлди бу салтанатга! Ҳаммаёқ хуфия! Ҳаммаёқ айғоқчи! Ҳаммаёқ ваҳима!..

— Қил ўтмас қадрдонинг дединг, Бобо Хурмо!

— Ҳа, ул қузғун сенинг тузингни ичиб тузлуғингга... Бобо Хурмонинг сўзи оғзида қолди, чунки шу пайт зиндоннинг қўш тавақали залварли эшиги ғичир-ғичир қилиб, базўр очилди-да, тошфонус кўтарган икки сарбоз кўринди.

— Осий банда Қутлуғқадам! Чиқ зиндондан!

Маликул шароб қоронғида Бобо Хурмонинг боши узра эгилди.

— Алвидо! Дийдор кўриш насиб этмаса рози бўл, Бобо Хурмо!— Маликул шароб бўғзига тикилган кўз ёшини ичига ютиб, ўрнидан тураркан, Бобо Хурмонинг: «Илоё каминанинг бошига тушган бу уқубат сенинг бошингга тушмагай, азизим!»— деб шивирлаганини эшитди.

Икки сарбоз бири олдинда, бири орқада, Маликул шаробни зиндондан олиб чиқишди-да, узун тор йўлакдан қаёққадир бошлаб кетишди.

Маликул шароб, текис йўлакда қоқиниб-суриниб бораркан, уни кутаётган қийноқлар тўғрисида эмас, ҳамон Бобо Хурмонинг сўзлари тўғрисида ўйларди.

Эпирай, ким экан у, Маликул шаробга қил ўтмас қадрдон тутиниб, боз устидан гап ташиб юрган? Тузини еб, тузлуғига туфлаб юрган у баттол ким? Пири Ғижжакийми ё анов кекса нашаванд Бобо Ҳофиз Булбулийми ёхуд... Пири Букрийми?... Йўқ, йўқ, ўз элидан айрилиб, мусофир юртида юраги қон бўлиб юрган бу мажруҳ машшоқ бундай тубанликка бормайди! Нафосат ва назокат аҳлидан бу ёвузлик чиқмайди!

Тўсатдан, тор йўлакнинг икки томонидаги турнақатор эшиклардан бири очилиб, ичкаридан... яланғоч қилич ушлаган эчкисоқол бир навкар чиқди. Сарбозлар уни кўришлари билан ўзларини четга олиб, Маликул шаробга йўл беришди. Навкар маҳбусга бошдан-оёқ ти-

қилиб қаради, бўз кўйлаги тагидан озғин танасини пай-
паслаб кўрди, кейин, қовоғини уйганича, ичкарига имо
қилди: «Кир!»

Маликул шароб, биринчи дафъа юраги алланечук
увишиб, қия очиқ эшикдан ичкарига кирди. Унинг кети-
дан серсоқол навкар ҳам кириб, эшикни зич ёпди.

Торгина чорбурчак хона, токчадаги тошфонусни ҳи-
собга олмаганда, деярли жиҳозсиз, унда фақат икки
курс турар, уларнинг бири бўш, иккинчиси эса... во да-
риғ! Қимсан вазири аъзам, Али Ғариб жанобларининг
ўзлари ўтирар эди!..

Маликул шароб шайтонга сабоқ бергувчи бу қари
тулкини ҳам, ундан аввал қирқ йил ҳукм сурган собиқ
бош вазир Хўжа Аҳмад Маймандийни ҳам яхши билар,
улар даврида неча марта ҳибсга тушган, бирда шаккок-
лик, бирда даҳрийлик, яна бирда салтанат шаънига
ёмон сўзлар айтдинг, деган кечирилмас гуноҳлар билан
виндонга солинган, аммо ҳеч қачон шахсан вазири аъ-
замнинг терговига мушарраф бўлмаган эди!..

У беихтиёр кинояли кулимсираб, пойгакда тўхтаган
эди, Али Ғариб:

— Насл-насабинг қул бўлса-да, Маликул шароб де-
ган номинг бор,— деди билинар-билимас кулимсираб.—
Марҳамат, курсига ўтир, Қутлуғқадам!

— Ташаккур!— Маликул шароб курсига ўтириши
билан вазири аъзам ўрнидан туриб кетди-да, қўллари-
ни орқасига қилиб, тор, шипшийдам хонани бир айла-
ниб чиқди. Унинг ҳаракатлари асабий, қовоғи солиқ,
укки кўзлари уйқусизликдан қизариб, баттар киртайиб
қолганди.

«Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ умр! Бош вазир бў-
лиш ҳам осон эмас! Аммо осон бўлмаса, бу азоб-уқубат-
ни елкасига ортиб не қилади, бу пакана фосиқ? Қўраси
тўла қўй, хазинаси тўла ганж, ҳарами тўла каниз! Ай-
шини уриб, кайфини суриб ётмайдими боғи бўстониди!
Йўқ, ётиб бўпти бу қари тулки! Ҳокимият керак бу иб-
лисга! Бани одам устидан, ўзи янглиғ бандалар устидан
ҳокимлик қилмоқ дардига мубтало бўлган бу дажжол!»

Али Ғариб, тўсатдан юришдан тўхтаб:

— Осий банда Қутлуғқадам!— деди секин, мулойим
товушда.— Бизга шу нарса аёнким, бундан чамаси уч
ҳафта муқаддам, сенинг майхонангга бир кекса сайёҳ
ўз шоғирди билан пинҳона келиб қўнмиш. Ва бир ҳаф-
та меҳмон бўлмиш. Қим эди ва не муддаода келган эди
бу сайёҳ?

Вазирни аъзам сўзини мулойим бошласа ҳам, охири-ни таҳдид билан тугатди-ю, Маликул шароб бир он аллақандай талмовсираб қолди.

— Бу сайёҳнинг не мақсадда юргани фақирдан кўра сиз жанобларига аёнроқ эмасму, тақсир?

— Сабаб?

— Сабаби... шу дақиқада жанобларининг қўлида-дур ул фирибгар!

— Фирибгар?

— Ҳа, ўзини ҳазрат ибн Сино деб, шўрлик авомни тўнаб юрган бир баттол экан ул сайёҳ!

— Ҳмм!— Али Ғариб, худди нохуш гап эшитган одамдай, юзи бужмайиб, қовоғини уйди.— Хўш, сохта табиб эканини қайдан билдинг унинг?

— Қамина ёмон одамни минг чақирим наридан би-ламен, тақсир! Кимсан, ҳакими даврон ибн Сино ҳаз-ратларига номуносиб юриш-туришларидан, маст-аласт қилиқларидан, телба-тескари гап-сўзларидан билдим, ҳазратим!

— Хулқи атворидан!— деди вазирни аъзам, негадир бирдан ғазаби жўшиб.— Ибн Сино ҳазратларининг фа-ришта деб ким айтди сенга?

— Фаришта эмасдур, ва лекин...

— Сен ул ҳакими даврон... ибн Сино ҳазратлари-нинг суратини кўрдингму? Ушал машҳур ва маълум су-раткаш, алломай замон Абу Наср Арроқ чизган сурат-ни кўрдингму?

— Кўрдим, тақсири олам.

— Хўш? Ўхшайдиму?

— Ўхшайди...

— Икки томчи сувдай ўхшайди!-- деди Али Ғариб. Маликул шароб вазирни аъзам жанобларининг мақ-садига тушунолмаб, бир лаҳза жим қолди.

— Ё сўзим нотўғрими, Қутлуғқадам?

— Тўғри ва лекин ул фирибгар...

— Фирибгар!— деди Али Ғариб, киртайган кўзлари-ни чақчайтириб.— Фирибгар бўлса нечун унга майхо-нанг тўридан жой бердинг? Азиз меҳмон деб, шоҳ-ларга кўрсатмаган лутф-карам айладинг, бошингга кўтариб эъозладинг! Эъозлаб туриб, салтанатга қарши пинҳона суҳбатлар қурдинг?— Вазирни аъзам оппоқ лўпчи қўлини мушт қилиб тугди-да, пошнаси баланд қизил сахтиён этиги билан ерда дик-дик сакраб, Мали-кул шаробга яқинлашди.— Ёлғиз бу сайёҳ эмас, мана, қирқ йилдирки, Ғазнаи мунавварада неки ипринди-

сиприндилар, неки гадо, неки қаланғи-қасанғи, дордан қочган неки қаллоблар бўлса ҳаммасига бошпана берасен! Улар билан куфр мажлислар қурасен! Ва бу мажлисларда салтанат шаънига бўҳтонлар ёғдириб, шаккоклик қиласен!..

Маликул шароб, қўлларини курси суянчиғига тираб, аста ўрнидан турди.

— Тақсири олам! Агар қирқ йилдан бери шаккоклик қилгон бўлсам, салтанат шаънига ёмон сўзлар айтиб, бўҳтонлар ёғдиргон бўлсам нечун фақирнинг тилини суғуриб олмадингиз? Нечун оёғимдан дорга осиб, остимдан ўт қўймадингиз, жаноби бош вазир?

— Заҳарханда қилма, бетавфиқ! Агар амирал мўъминин... сабаби ёшлик, фармон бериб қўймаганида, ўзим билар эдим не қилмоқни. Аммо... Бас! Энди пичоқ суякка бориб тақалди! Энди сенинг қилмишларинг аён бизга! Босган ҳар бир қадамнинг, айтган ҳар бир сўзинг аён бизга! Томчи сел бўлмас, душман эл бўлмас! Анов қузғун имом Исмоил билан тилинг бир сен имон-сизинг!

— Қайси имом Исмоил, тақсир?

— Ҳозир биласен қайси имом!— Вазири аъзам, уки кўзлари чўғдай ёниб, эшикдаги эчкисоқол навкарга юзланди.— Чақир ўргамчини!

«Ўргамчи» сўзини эшитиши билан Маликул шароб «шилқ» этиб курсига ўтириб қолди.

«Ўша! Пири Букрий! Одамлар уни нечундир «қора ўргамчи», деб кўп хушламас эди. Маликул шароб бўлса, мусофир деб, кўнгли ўксик, майиб-мажруҳ туғилган, юртдан айрилган бир ғарибу нотавон деб унга раҳм-шафқат қилган, уйининг тўридан жой бериб, бошини силаган эди!.. У иблис бўлса тузини ичиб, тузлуғига ту-пуриб юрган экан! Во дариғ! Наҳот бу гап рост бўлса? Наҳот ўз куйлари билан бир уй майхўрларни йиғлатиб юрган бу букри бундай тубан сотқинликка борса?»

Маликул шароб, ўтирган жойида ғужанак бўлиб, кўзини чирт юмиб олди. Шу пайт эшикда қандайдир бир шарпа эшитилди, сўнг Али Ғарибнинг:

— Қани, сўзла, ўргамчи!— деган таҳдидли овози қулоғига чалинди-ю, қўрқинқираб кўзини очди.

Пойгакда... Пири Букрий турарди. Йўқ, бу Маликул шароб билган Пири Букрий эмас, бошқа бир букри эди! У одатдаги қора чакмон ўрнига кенг зарбоф тўн кийиб, бошидаги эски кулоҳ ўрнига учига дур қадалган сувсар телнак қўндириб олган, ўзиям, соқол-мўйловлари қайчи-

ланиб, аллақандай ёшариб кетган эди. Фақат кўзлари, ўша, болаларнинг кўзларидай маъсум кўм-кўк кўзлари аллақандай бежо жавдирарди!

Маликул шароб Пири Букрийнинг чеҳрасига жирканиш аралаш таажжуб билан тикилиб қараркан, тўсатдан, «Садафбиби!» деган фикр миясида яшиндай ярқ этди. «Ҳа, бу букрининг ясаниб олгани бежиз эмас, шўрлик қизни қўлга туширган бу қари ўргамчи!»

Бу фикр Маликул шаробни шундай ҳайратга солдики, тили гапга келмай, бир он анграйиб қолди, сўнг, қаёқдандир олисдан вазири аъзамнинг товуши қулоғига чалинди:

— Ҳа, букри, нечун оғзингга талқон солиб олдинг? Сўзла! Бор ҳақиқатни сўзла! Ҳаммасини эшитсин бу нобакор!

Маликул шароб ялт этиб Пири Букрийга қаради. Букрий қўлтиғидан қора чарм жилдлик қалин бир китобни олиб, вазири аъзамга таъзим қилди:

— Тақсирим! Мана, марҳамат, ҳаммаси битилган бу дафтарга! Сўнгги йигирма йилда бу шаккок майпарастнинг куфр кулбасида неки сўз айтилган бўлса, салтанат шаънига, пошшойи олам ва сиз жанобларининг шаънига доғ туширгувчи неки фисқи фужур гап бўлган бўлса — ҳаммаси бу дафтарга битилган! Қунма-кун, сўзма-сўз битилган, тақсир!

Пири Букрий шундай деди-да, қалин дафтарни кафтларида тутганича, вазири аъзам томон юрди. У Маликул шаробдан ҳадиксираб, уни четлаб ўта бошлади. Бироқ Маликул шароб сапчиб ўрнидан турди-ю:

— О, қузғун, о нокас!— деб муштини кўтарди.— Салкам йигирма йил тузимни ичиб, тузлуғимга тупурган нонкўр! Нега ер ютмайди сен иблисни? Нега?

Пири Букрий кўзлари ола-кула бўлиб, даҳшат ичида орқага тисарилди. Аммо Маликул шароб бир ҳатлашда унга етиб, зарбоф тўнининг ёқасидан олди:

— Бу сотқинлигинг учун, йигирма йил бу қора дафтарга битган иғво сўзларинг учун не олдинг? Не шоншараф топдинг, не мартабаларга эришдинг, букри шайтон?— Маликул шароб шундай деб, букрининг қўлидаги қора чарм жилдли қалин дафтарни юлиб олди-да, қулочкашлаб бошига туширди. Пири Букрий «иҳ» деб, бошини ушлаганича ерга чўккалаб қолди. Маликул шароб унга қараб яна талпинди. Бироқ шов-шувни эшитиб, чолиб кирган эчкисоқол навкар унинг қўлларидан қайириб, эшик томон судради.

Маликул шароб навкар билан олишиб, эшикдан чиқаркан, тўрда ҳайкалдай қотиб қолган вазирни аъзам билан ерда инграб ётган букрига ижирғаниб қаради ва бsr кучини тўплаб букрининг юзига туфлади:

— Бу кунингдан бешбаттар бўл, баттол!

Иигирма биринчи боб

1

Беруний ҳеч нарсага тушунолмаётган қолди. Уни Ғазнадан олиб чиққан навкарлар гоҳ карвон йўлидан юрса, гоҳ пистирма жойларга бурилиб, тоғу тошлар, қир ва адирлар, жарликларни паналаб кетарди. Катта карвон йўлида эса қандайдир шубҳали чопарлар, қўш отли дивсуворлар, саллаларига найзасимон кумуш нишон қадалган мушрифлар бетиним от суришар, бири Тегинобод томон йўл олса, бири, билъакс, Ғазна томон от чоптириб ўтарди.

Берунийни бошлаб кетаётган мушриф худди искомучитдек, ҳамма нарсани олдиндан сезарди, йироқда одам қораси кўринган заҳоти унинг кимлигини билиб, гоҳ навкарларни пистирмага бошлар, гоҳ, аксинча, ўз йўлида дадил давом этар, чопарлар билан саломлашиб, ҳолаҳвол сўрашиб ўтарди.

Хатлибегим бошлиқ бир қанча аркони ҳарб ва аркони давлат бир томонда, вазирни аъзам Али Ғариб ва унинг тарафдорлари бир томонда, тожу тахт учун пинҳоний кураш кетаётганини Беруний яхши биларди. Аммо бу кураш бунчалик шиддатли тус олгани хаёлига ҳам келмаган эди. Боз устига, қаёқдандир пайдо бўлган бу сирли ибн Сино! Унинг номи билан боғлиқ бу қоронғи мишмишлар! Бу аёвсиз пинҳоний кураш!

Ҳар сафар, навкарлар махфий мушрифнинг имоси билан отларнинг бошларини пистирмага бураркан, Беруний ич-ичидан зил кетар, қай балодан бу тубан ишга араллашиб қолдим, деган фикр уни қаттиқ азоблар эди. Шундай пайтларда расадхонадаги сокин ҳужраси, хонтахтада қолган қўлёмалари, жавондаги китоблари ўз олдига келарди-ю, юраги баттар ачишиб кетарди.

Беруний сўнгги йилларда, ёшлик давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйганидан бери фурсат деб аталмиш неъматнинг қадрини жуда юксак баҳолайдиган бўлди. Беҳуда ўтган ҳар бир дақиқа уни қаттиқ изтиробга солар, ҳатто ҳордиқ онлари ҳам ҳузур ўрнига кўнглини ғаш қиларди. Айниқса, «Қалъан қаҳр»ни кў-

риш «бахтига муяссар» бўлгандан бери бу туйғу кучайиб кетди. Назарида, ўйлаб қўйган кўп режалари, хусусан, маъданлар ҳақидаги бош китоби билан наботот олами тўғрисидаги асарлари ёзилмай қоладигандай туюлиб, кўнглидаги ғашлик баттар кучаяр эди, айни замонда, бўлғуси учрашув ҳам уни тобора ҳаяжонга солмоқда эди. Тўғриси айтганда, Беруний қайдандир пайдо бўлган бу сирли табиб Хатлибегим айтганидек, ёлғон ибн Сино эмас, чин ибн Сино бўлиб чиқишини истар, жуда-жуда истарди. Султон ўз йўлига, улар эса... қани энди, сабаби бу қинғир иш бўлса ҳам, дийдор кўришмоқ насиб этса! Дийдор кўришиб, ёшлик чоғларини бир эслашса! Аввал Бухорода, Афшона қирларида ёнбошлаб ётиб, тўйиб-тўйиб дардлашган онларини, кейин Гурганжда, Маъмун ибн Маъмун саройидаги «Мажлиси уламо» йиғинларида бўлган баҳс-мунозараларни эслашиб, ажиб нурга йўғрилган ўша масъуд дамлар ҳақида суҳбатлашса, сабаби ёшлик, ораларидан ўтган низо ва нифоқлар учун кечирим сўрашиб, кўнгилларидаги ғуборларни ювишса!

Ибн Сино, сўнгги сомонийлар инқирозидан кейин Бухороки тарк этиб, Гурганжга келган маҳалда Беруний Маъмун ибн Маъмун саройидаги энг нуфузли алломалардан ҳисобланар, у «Мажлиси уламо»нинг доимий раиси эди.

Маъмун ибн Маъмун туғилишдан нимжон, касалманд, ҳадикчи одам эди. У, султон Маҳмуд сабаб, тожу тахти доим силкиниб тургани учун ҳамма нарсадан, ҳатто ўз соясидан ҳам чўчир эди. Ёмон туш кўрса тушидан кўрқар, осмонда, момақалди роқ қалдираса, момақалди роқдан, яшин чақнаса, яшиндан ваҳимага тушар, шунинг учун ҳам саройда нафақат шоир ва алломалар, ҳар хил фолбинлар, афсунгарлар, азайимхонлар ҳам ивирсиб юрарди. У бирда машҳур алломаларнинг мажлисларида иштирок этса, бирда бу «куфр иши» учун уламои забардастлардан узр сўраб, уларнинг этагида намоз ўқир, яна бирда эса, фолбинлар ва қоҳинлар «тилсими»га инониб, қабристонларда тунаб чиқарди. Шу бондан «Мажлиси уламо»нинг йиғинларида кўпроқ табиат офатлари — бот-бот бўлиб турадиган бўрсин ва довуллар, Жайхуннинг бебош тошқинлари, элга қирғин келтирувчи вабо ва чечак касаллари тўғрисида гап борарди.

Ибн Сино у маҳалда ёш эди. Бироқ ёш ҳақимнинг ҳар бир сўзи чуқур илм ва мантиққа асосланар, у тиб-

биёт пирлари — Уқлидус ва Жолинус, Абубакир ар-Ро-зий ва Буқрот ҳаким алломаларнинг китобларини ёддан билар, ҳатто Арастунинг илоҳият бобидаги машҳур асарини ҳам ипидан-игнасигача ўрганган, зотан, мажлисда қандай мураккаб масала кўтарилмасин, ҳаммаси тўғрисида фикр билдиришга қодир эди.

Беруний ҳар сафар ибн Сино ва унинг Гурганждаги обрўси ҳақида ўйлаганида кейинчалик унга ёзган хатлари, тўғрироғи, бу хатларда йўл қўйган густоҳликлари эсига тушади-ю, кўнгли ғаш бўлади. Хаёлидан эса: «Бу дағалликларга сабаб не? Инсон номига номуносиб рақобат дарди эмасми?» деган фикр ўтиб, дил-дилидан изтироб чекади.

Йўқ, ибн Сино ҳеч қачон манманлик қилган эмас, унга эса ҳурматсизлик аломатини кўрсатган эмас. Улар илк бор Бухорода учрашган маҳалларидаёқ ёш Абу Али Берунийни «устод» деб атаган эди, кўп йиллардан кейин Гурганжда учрашганларида ҳам «устод» сўзини оғзидан туширмади.

Йўқса, нечун Беруний кейинчалик, табиат сирлари тўғрисидаги ёзишмаларида, алхусус, Арастунинг «Илоҳият»и ҳақида, жисмларнинг иссиқлик ва совуқликда кенгайиши ва торайиши тўғрисида хат ёзишганларида ибн Синога нисбатан қўполлик қилди, алломалар шаънига ярашмайдиган густоҳликка йўл қўйди? Ёзишмалар ҳам майли, ибн Сино Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагирнинг қизи Зарринабонунинг илтимоси билан шаҳарлар орасидаги масофаларни ўлчаш тўғрисида рисола ёзганида Беруний унинг бу рисоласини камситди, ҳатто уни ерга урувчи мактублар йўллади? Нечун?..

Бунинг сабаби ҳам ўша дард, инсон шаънига, хусусан, алломалар шаънига номуносиб рақобат туйғуси эмасми?

Учрашув онлари яқинлашган сайин бу ўйлар Берунийни кўп қийнар, кўп эзар эди!

Ғазна — Тегинобод йўли кўм-кўк адирлар орасидан ўтар, дам кенг сайҳонликлар, ҳудудсиз ялангликларга чиқар, дам яна бир-бирига ўхшаш ям-яшил ясси қирларни оралаб кетарди.

Гоҳи-гоҳида узоқ-яқинда баланд тоғлар кўзга чалинар, йўл тор ва қоронғи дараларга шўнғир, шарқираб оққан сой ва дарёларни ёқалаб кетарди...

Сафарнинг иккинчи кунини кечқурун улар баланд қир ёнбағрида жойлашган катта бекатга етиб, қўнишди.

Бекатнинг улкан сардобаси бор, афтидан, у катта

карвонга мўлжалланган эди. Лекин сардобадан ҳам бурун Берунийнинг диққатини бекат ортидаги баланд қир жалб этди. Узоқдан улкан гумбазга ўхшаб кўринган бу қир нимаси биландир Нанда шаҳри яқинидаги юксак тоғни эслатарди. Беруний қирни узоқдан кўргандаёқ ғалати бўлиб кетди-ю, бекатга етиб, оддан тушишлари билан махфий мушрифдан ижозат сўраб, қир томон йўл олди.

Офтоб уфққа ёнбошлаган, бутун олам унинг илиқ нурига ғарқ бўлган. Қир ёнбағрида сурув-сурув қўй-қўзилар ўтлаб юрар, тушовланган отлар, сигирлар, тошдан тошга сакраб юрган оқ эчкилар кўринарди. Бекат кўргонининг ҳар жой-ҳар жойидан тутун кўтарилар, ҳавони тезак ва ёвшан ҳиди тутган эди!..

Ҳа, худди ўзи! Нанда шаҳри ёнидаги тоғ ҳам худди шундай кўм-кўк, худди шундай баланд, теварак-атроф эса бундан ҳам текис, бундан ҳам беқиёс, беҳудуд бир сайҳонлик эди!..

Ҳануз ёдида: у ҳар юз қадам кўтарилганда бир тўхтаб, уфққа қарар, уфқ эса яна бир неча чақирим чекиниб, янги кенгликлар, пастдан кўринмаган йироқ манзаралар намоён бўларди... Ҳар сафар янги баландликдан янги уфқ очилганда Беруний бу нуқтадан хаёлан чизиқ ўтказиб, турган жойига нисбатан ҳосил бўлган бурчакни белгилар экан, фавқулодда улкан бир кашфиёт олдида турганини сезиб, юраги гурс-гурс урарди!

Ҳақиқатан, ғалати яралган экан инсон ақл-идроки! У гўё хасис баққолдай илм деб аталмиш дурдоналарни битта-битта териб, миянинг энг хилват бурчакларига йиғиб қўяверар экан. Аммо нимадир туртки бўлиб, кечаси ёнган машъалдай «ярқ» этиб ёнмагунча бу хилватдаги дурдоналар ҳам жило бериб ярқираб кетмас экан!

Берунийнинг назарида, Нанда тоғидаги ҳодиса унинг учун ана шундай машъал хизматини қилди-ю, хаёлида йиғилиб юрган фикрларга ажиб бир тиниқлик киритди! Ҳа, бу воқеадан анча олдин, самовий ҳодисаларни кузатиб, машҳур расадхоналарда юлдузлар жадвалини тузиб юрган пайтларида ҳам ер куррасининг шакли ҳақидаги бу фикр унинг кўнглидан кўп маротаба ўтган эди! Лекин ўша куни, Нанда тоғидаги харсанг тош устида ўтириб, тоққа чиқиш жараёнида намоён бўлган ғаройиб ҳодиса тўғрисида хаёл сураркан, илгари қилган тахминлари аниқ ва мукаммал бир шаклга кирди!

Ўша оқшом, Беруний тоғ тепасида, осмон тўла юл-

дузларга тикилиб тонг отгирди. Мишжа қоқмай тонг отгирди! У дунёда энг бахтли одам эди! Чунки ўша кеча унга табиатнинг буюк бир сирин аён бўлганди!

...Кечки офтоб уфққа қўнди, қирлар устини қоплаган ҳарир туман орасида у худди эритилган бир жом олтинга ўхшарди. Ана, бу бир жом олтин гўё улкан наҳрга чўмгандай ер қаърига аста чўмиб кетди. Лекин Беруний билар, агар у бу қирдан баландроқ қирга чиқиб боқса, ботган офтоб ҳамон ботмаган бўлади, ҳамон жом тўла олтиндай балқиб туради!

Рост, Беруний бу улуғ кашфиёти ҳақидаги рисола-сини ҳали алломалар даврасида эълон қилмади, чунки билади: оддий алломалар уёқда турсин, энг катта мунажжимлар ҳам бу рисолаи идрок этишга ожизлик қилади!

Хайҳот! Унга беш қўлдай аниқ кўрниб турган ҳақиқат бошқаларга қоронғу, унга аён бўлган сир-синоатлар бошқалар учун жумбоқ! Уни эзаётган нарса ҳам шу! Унинг кашфиётларига ақли етадиган, фаразларининг мағзини чақа оладиган на бир йўлдоши бор, на бир сирдоши! Ҳаётда ақли ақлингга тенг бир ҳамдамнинг, қилган кашфиётларинг, ўйлаган ўйларингга тушунадиган, дардларингга ҳамдард бўладиган бир кимсанг бўлмаса ҳам қийин экан! Қани энди ёнида ибн Сино бўлса! Ибн Сино у қилган кашфиётлар, у ёзган китобларнинг мағзини чақа оларди, уларнинг қадрига етарди!

Уфқдаги бир жом олтин батамом ерга сингиб кетди, йироқ-йироқларда ловиллаб ёнган шафақ аста сўнди. Қора духобадай тиниқ осмонда илк юлдузлар ёнди, бекат ҳужраларининг даричалари ёришди...

Беруний асога суяниб, секин ўрнидан турди.

2

Ё, қудратингдан!

Хирагина мойчироқ аранг ёритган тор ҳужранинг тўрида... бошида эски қалпоқ, эгнида эски олача чакмон, кекса бир одам ўтирарди!..

— Маликул шароб!

— Офарин, алломаи замон! Танидинг-а! — Маликул шароб ёнидаги хуржунини бир четга суриб, ўрнидан турди.

Унинг соч-соқоли аввалгидан ҳам ўсиб кетган, ўзиям чўпдай озиб, аллақандай букчайиб қолган, бироқ ҳануз

илгаригидай хуррам кўринар, оғзидан билинар-билин-мас шароб ҳиди келарди...

Беруний азиз биродарининг аҳволидан юраги зир-қираб, қучоғини очиб кўришди.

— Епирай! Ҳибсдан чиқдингми ё майхонадан кел-дингми, азизим?

Маликул шароб, бошидаги эски қалпоғи билан юз-кўзларини артиб, кинояли кулимсиради:

— Ғалати сўзларни сўзлайсен, алломаи даврон! Ма-ликул шаробга зиндон ҳам майхона, майхона ҳам май-хона! Тиласанг сенга ҳам қуйиб берамен!— Маликул шароб шундай деб, эски чакмонининг белбоғини ечди, қўйнидан кичикроқ бир мешни суғуриб олиб, уни ша-лоплатиб чайқади:

Бу дунё бир ҳибсхона, билиб ол,
У дунё ҳам эмас жаннат, келиб қол,
У ҳам ортмас улуғлардан, кўнгил уз.
Қунийн битмай яйраб, ўйнаб-кулиб қол!

Маликул шароб мешнинг оғзидаги чарм ипни ечди, бошини орқасига ташлаб, қултиллабтиб бир-икки хўп-лам шарбат ичди-да, мешни Берунийга узатди.

Бу дунёни қўтир, ўтар-да кетар,
Қани, Абу Райҳон, ол, мешни кўтар!

Беруний ўзини тутолмай беихтиёр кулиб юборди-ю, дарҳол лаб-лунжини йиғиштирди.

Маликул шароб, гарчи бир қарашда жуда хушнуд кўринса ҳам, гап-сўзлари ва хатти-ҳаракатларида ил-гари унга ёт бўлган чуқур бир ногиронлик сезилиб ту-рарди. Зотан, у сўнгги йилларда май ичишни йиғишти-тириб қўйган, уни қанчалик улуғламасин, ўзи камдан-кам оғзига оларди. Энди эса...

Беруний гира-шира қоронғиликда қадрдонининг за-ҳил юзига, ичга ботиб кетган ғамгин кўзларига тикилиб-тикилиб қаради.

— Сенга не бўлди, Маликул шароб? Султон зиндо-нига тушган ҳеч бир банди мўмин ундан омон чиққан эмас. Мана, қутулиб чиқибсен, шукур қил, азизим!

— Йўқ, Абу Райҳон! Сен билмайсен! Каминанин-г юрагини қон қилган нарса султоннинг зиндони эмас! Зиндонда еган калтакларим ҳам эмас!— Маликул ша-роб шундай деб хитоб қилди-да, эғнидаги эски чакмо-

нини шартта ечиб, ерга отди. Унинг қовурғалари туртиб чиққан нимжонгина танасида соғ жой йўқ, ҳаммаёғи кўк бўёқ суртилгандай тарам-тарам бўлиб кўкариб кетган, чумчуқдай жон бу ожиз танадан «пир» этиб учиб кетмаганига ҳайрон бўларди киши.

— Йўқ, Абу Райҳон! Маликул шаробни қийнаган нарса зиндон азоби эмас, йўқ! Каминани қийнаган нарса... қил ўтмас қадрдонимнинг хиёнати! Ҳа, сен ҳақ экансен, Абу Райҳон! Камина раҳм-шафқат қилиб юрган Пири Букрий тубан бир сотқин экан! Анов малъун вазири аъзамнинг хуфияси экан! Йигирма йилдирки, кулбаи вайронамда не мажлис, не сўз бўлса — ҳаммасини дилига жо қилиб, китобига битиб, оқизмай-томизмай етказиб юрган экан бу фирибгар букри!..

Беруний индамай деворга суяниб турарди. У Пири Букрийни қанчалик ёмон кўрмасин, унинг бу тубан ишларидан беҳабар эди, Маликул шароб майхонасида майхўрлик қилиб, наю навоси билан ҳамманинг кўнглини олиб, зимдан гап ташиб юрган бир иблис эканини хаёлига ҳам келтирмаган эди!..

— О, бани одам! Бани одам!— деди Маликул шароб, фигони чиқиб.— Бани одамнинг бу тубанлиги олда нечун бу осмон ағдарилиб ерга тушмайди? Нечун асфаласофилинга кетмайди бу норасо олам? Ул тубан айғоқчи билмайдики, бу дунёда кимки вафо қилса вафо, жафо қилса жафо топғусидир! Камина эса, уни мусофир деб, фақиру ҳақир деб, раҳм-шафқат қилиб юрибмен! Май ичсам ул каззобсиз ичмас эдим, ош есам, ул қузғунсиз емас эдим! Ул баттол бўлса... сўзлаган ҳар бир сўзимга юз сўз қўшиб, яхши каломимни ёмонга йўйиб, анов маккор вазири аъзамга етказиб юрган экан!.. Ё тавба! Бу тубан юмушга қўл урган ул сотқинни бир кўрсанг эди, Абу Райҳон! Қуни кеча гадодай ивирсиб юрган бу азозил зарбоф тўнларга ўралиб олмиш, соч-соқолини қиртишлаб, яшариб кетмиш ул букри! «Садафбиби! Шўрлик Садафбиби!»

Беруний тишини тишига босиб ҳамон деворга суяниб турар, дилида эса илгарн ҳеч қачон ҳис этмаган аламли туйғулар жўш урарди. Қани энди, шу топда шартта чиқиб, Ғазна томон от суришнинг иложи бўлса! Ҳеч жойда тўхтамай, тўғри Ғазнага кириб борса, кириб борса-ю, бургага тузоқ қўйган бу иблиснинг дўконига бостириб кириб гирибонидан ушласа!

— Йўқ!— деди Маликул шароб.— На адолат бор бу осий бандаларда, на инсоф ва на ҳақиқат!.. Қирқ

йил элда қатлу қирғин қилиб, энди Азроил қўлида тўлганиб ётган бу султон эса... Ўзини «ҳақими даврон» деб, ҳаммани шилиб юрган бир қаллобни чин ибн Сино деб эълон қилса!

Беруний, гарчи бу гапни эшитган бўлса ҳам, беихтиёр бир сапчиб тушди:

— Ҳаммани шилиб юрган бир қаллоб? Сўзингни англамадим, Маликул шароб?

— Нечун англамайсен? Вазири аъзам топган бу ибн Сино — чин ибн Сино эмас, Али Ғарибнинг ўзи янглиғ бир маккор! Шаҳарма-шаҳар изғиб юрган бир майпараст, ўзини ибн Сино деб, авомни тўнаб юрган бир қаллоб! Вазири аъзам топган бу «ҳазрат» ибн Сино ўшал баттол! Лақаби Абу Шилқим ибн Шаҳвоний!

— Абу Шилқим ибн Шаҳвоний? Ажаб лақаб! Бу сирни қайдан билдинг?

Маликул шароб мақтов эшитган ёш боладай қиқирлаб кулди:

— Сирни айтдим, асрорини сўрама, Абу Райҳон! Аммо ёдингда бўлсин. Бу сирни бутун доруссалтанатда фақат икки киши билади. Бири — ул шайтони лайн Али Ғариб, бири — каминаи камтарин! Бас! Сен чин ибн Синони танисанг, камина бу сохта ибн Синони таниймен! Икковимиз ҳам бу мудҳиш сирдан воқифмиз! Ва лекин бу воқифлик бизга не келтиради — яхшилиқми ёхуд ёмонлик — буни ёлғиз олло билади, Абу Райҳон!..

Беруний жавоб бермади. Унинг кўнглига ҳозир на гап сизарди, на ҳазил-мутойиба!

Маликул шаробнинг гаплари, Садафбиби тақдири, чин ва ёлғон ибн Сино ҳақидаги мудҳиш ҳангома — бунинг ҳаммаси унинг кўнглидаги осойишталикни издан чиқарган, хаёли яна тўс-тўполон бўлиб кетганди.

3

Одатда тонг қоронғусида йўлга тушадиган навкарлар бу сафар кун чиқди ҳамки, ўринларидан қўзғалишмади. Беруний билан Маликул шаробни ҳеч ким безовта қилмади, улар гўё мушрифларнинг эсларидан чиққан эди. Фақат тушга яқин қаёқдандир икки сувори от чоптириб келди-ю, работ чўп суқилган ари уясидай ғувиллаб қолди. Фаррошлар бекат қўрғонининг ичи сиртини супуришга киришишди, турнақатор тизилган мешкобчилар сардобадан сув олиб, катта йўлга сув сепишди,

отбоқарлар отхоцалардан энг чопқир отларни олиб чиқиб, янги эгар-жабдуқлар уришди. Беруний билан бирга келган сарбозлар эса, гўё ибн Сино аталмиш ҳакими давронни эмас, аёвсиз душман лашкарларини қарши олишга ҳозирлик кўраётгандек, қиличларини қайраб, отларини шай қилиб қўйишди. Сал ўтмай Берунийлар жойлашган ҳужрага уларни бошлаб келган пучуқ мушриф ташриф буюрди. У эгнига янги зарбоф тўн кийган, белини оғир кумуш камар билан боғлаб, бошига кокил осилган дубулга қўндириб олганди.

Пучуқ мушриф бандига попук тақилган эгри қиличини этигига шақ-шуқ уриб, ерни тап-тап босиб кириб келди, қовоғини уйиб, ҳар бир сўзини қиличдай кесиб-кесиб гапирди, бироқ хатти-ҳаракатларида қандайдир ички бир ғалаён сезилиб турарди.

— Мавлоно!— деди у Берунийга мурожаат қилиб.— Ҳозир... ҳакими даврон... ибн Сино ҳазратлари етиб келадурлар. Ул офтоби оламнинг амру фармонлари шулким, биз ул мўътабар зотни ўз қанотимиз остига олиб, соғ-саломат доруссалтанатга етказмоғимиз даркор... Сиз ул зоти олийларини яхши танийсиз, мавлоно?

Беруний секин бош ирғади.

— Таниймен, агар бу ибн Сино фақир билган ўшал Абу Али ибн Сино бўлса...

Пучуқ мушриф Берунийнинг киноясига тушунмаган бўлиб, Малкул шаробга юзланди:

— Сиз ҳам танийсиз?

— Билмам. Камина Абу Шилқим ибн Шаҳвоний деган бир кимсани таниймен, холос!

— Ибн Шаҳвоний?

— Балли, жаноби мушриф! Яқинда Ғазнаи мунаварада Абу Шилқим ибн Шаҳвоний деган бир фирибгар пайдо бўлган эди, фақир ўшал фирибгарни таниймен, холос!

Пучуқ мушриф «бу одамнинг ақли жойидами», деган маънода қовоғини уйиб, Берунийга бир қараб олди-да, қўлини қиличининг бандига қўйди.

— Бу ишда қандай сир-асрор бўлмасин, каминадан бошқа бирор тирик жон билмаслиги даркор! Билъакс, бошингиз кетадур! Неки сир-синоат бўлса, доруссалтанатга боргач, девони давлатда сўзлаб берурсиз. Ҳозир эса шу нарса ёдингизда бўлсин: мавлоно Беруний ҳазрат ибн Сино билан бирга соябон аравада кетадилар. Сиз эса... навкарлар билан бирга бўласиз! Фармони ҳумоюн шу эрур!

Беруний жимгина бош эгди. Маликул шароб бир ни-
ма демоқчи эди, пучуқ мушриф «гап тамом», деган маъ-
нода кўлини кўтарди.

— Фармони олий — ҳукми худодур! Тамом, васса-
лом!

Кун чошгоҳдан ошиб, офтоб найза бўйи кўтарилган-
да, бекат минораларидан «Кўринди! Кўринди!» деган
садолар эшитилди.

Сал ўтмай уфқда, бир-бирига туташиб кетган кўм-
кўк адирлар ортида катта оқ булут кўринди. Бу — от-
аравалар кўтарган чанг-тўзон эди. Зум ўтмай, тўзон
орасидан отилиб чиққан бир гуруҳ суворилар кўзга ча-
линди.

Работ олдидаги катта йўлни пучуқ мушриф бошлиқ
навкарлар эгаллаган, йўл четнда отбоқарлар йигирма
чоғли отларни шай қилиб туришар, уларнинг орқасида
эса, сув тўла мешларини орқалаб олган мешкобчилар
кўринарди.

Беруний билан Маликул шароб қўрғон дарвозаси
олдида, негадир ранги ўчиб, дир-дир титраб турган бе-
кат назоратчиси ёнидан жой олишди.

Мешдаги майни ичиб тугатган Маликул шаробнинг
кайфи чоғ эди. У гоҳ ўзича секин хиргойи қилар, гоҳ:
«О, каззоб! О, қузғун!» деб сўкиниб қўярди. Беруний
эса... Беруний ҳамон ўша ғалати ҳолатда эди. Хатлибе-
гим билан Маликул шаробнинг гапидан кейин кўнгли-
да уйғонган ғалаён энди жунбишга келган, узоқдаги оқ
булут яқинлашган сайин унинг дилидаги ғалаён ҳам
тобора ортиб борарди.

Ана, уфқдаги оқ тўзон орасида бир гуруҳ навкар-
лар, навкарлардан кейин сариқ ипак мато билан ёпил-
ган соябон арава кўринди. Узоқдан катта чодирни эс-
латган бу арава тўрт томонидан ўттиз-қирқ нафар суво-
ри билан қуршаб олинган, гўё соябон аравада ибн Си-
но отли ҳаким эмас, бутун рўйи заминни тиз чўктирган
жаҳонгир сурон солиб келарди!..

Ана, аравани қуршаб олган суворилар аниқроқ кў-
ринди. Олдинда қора терга тушган кўк қашқа арғумоғи-
ни елдириб, ўша, Абу Шилқим ибн Шаҳвонийни Тегин-
бодга кузатиб борган чўтир мушриф келарди. Мушриф-
нинг қорамтир чўтир юзи бўғриққан, кўзлари чақчайган,
гўё бекат олдидаги катта йўлда амирал мўминининг
элчилари эмас, ёвуз қароқчилари йиғилган эди!

Ниҳоят, аравани қуршаб олган сарбозлар тасир-ту-
сур от суриб етиб келишди. Улар катта йўлни тўсиб

турган навкарларга беш-ўн қадам етмай тўхташди. Шу заҳотиёқ олдинда келаётган чўтир мушриф узангига оёқларини тираб, эгар устида қаддини ростлади-ю, бўғиқ, таҳдидли овозда:

— Бекат беги!— деб қичқирди.— Чарчаган отлар дарҳол алмаштирилсин! Қолганларига сув ва ем берилсин!

Чўтир мушриф сўзини тугатмаган ҳам эдики, соябон аравага ёпилган ипак мато гимирлаб, туйнук очилди-да, бошига кулоҳсимон кўк қалпоқча кийиб, устидан оппоқ симобий салла ўраб олган бир кимса кўринди.

Узунчоқ хушсурат юзи иссиқдан бўғриққан, калтагина мош-гуруч соқоли ўзига ярашган бу уламонамо кимса кўзлари хушнуд чарақлаб, теварак-атрофга қизиқсиниб қаради, қаради-ю, тўсатдан:

— Маликул шароб!— деб қичқириб юборди.

Маликул шароб негадир саросимага тушиб, Берунийга юзланди.

— Ўша! Худди ўзи! Абу Шилқим ибн Шаҳвоний!

— Маликул шароб!— хушнуд қичқирди аравадаги кимса.— Офарин! Фақирдай ҳакими давронга пешвоз чиққан шоири замон Маликул шароб дунё тургунча турсинлар!

Маликул шароб Берунийнинг биқинига туртиб, қичқирлаб кулди.

— Маст! Гирт маст, мутгаҳам!

Ибн Шаҳвоний қўлини кўтариб яна бир нарса демоқчи бўлди, бироқ кимдир унинг оёғидан ушлаб қаттиқ тортди чамаси, қўлини кўтарганича соябон арава ичига гумдон бўлди-ю, очилган туйнук қайта ёпилди.

Бир зум тилдан айрилиб, гунг бўлиб қолган оломон орасида пиқ-пиқ кулгу ва ғала-ғовур кўтарилди. Бу ғала-ғовур Берунийни бошлаб келган пучуқ мушрифни ҳушига келтирди чоғи, у остида ер депсинган отини чўтир мушриф томон ниқтади.

— Жаноб мушриф! Ул офтоби оламнинг фармони олийлари шулким, бу алломаи даврон... ибн Сино ҳазратларини каминанинг тасарруфига топширғайсиз!

— Қани ўшал фармони ҳумоюн?

— Мана!— мушриф бошидаги кокилли дубулғаси тагидан тўрт букланган зарҳал қоғозни олиб ҳавода силкитди, лекин уни чўтир мушрифга топшириш ўрнига тўсатдан қилични шартта қинидан суғуриб:

— Бўшат йўлни!— деб амр қилди.

— Лаббай? Бундай фармони олийдан фақирда юз-

таси бор!— чўтир мушриф ҳам қилични шартта қинидан суғурди. Мушрифлар билан баробар икки томондаги навкарлар ҳам қилич суғурдилару бир-бирларига ташландилар. Жанг ҳидини сезган аргумоқлар аччиқ кишнаб осмонга сапчиди, оламни ваҳший қийқириқ ва қиличларнинг шарақ-шуруғи тутди.

— Бўшат йўлни!

— Ўзинг бўшат!

— Бос!

— Ур!

— Ур, ҳа, ур! Сур, ҳа, сур!

Шундан кейин нима бўлди — буни ҳеч ким билломай қолди. Катта йўл бўйидаги қирғин қанчалик тез бошланса, шунчалик тез тугади. Беруний ҳатто ҳушини йиғиб ҳам ололмади.

У: «Тўхтанг! Бу не қабоҳат? Уртадаги низони ақлидрок билан ечмоқ даркор!» демоқчи бўлди, ҳатто ўзини отлар тагига ташлаб бўлса ҳам қирғинни тўхтатмоқчи эди. Лекин бунинг ўрнига негадир Маликул шаробни қучоқлаганича жойида қотиб қолди. Ҳушига келганида эса, қирғин тугаган, тегинободлик чўтир мушриф Хатлибегимнинг пучуқ мушрифини чопиб ташлаган, унинг навкарларидан фақат бир нечасигина омон қолган, улар ҳам узоқдаги адирлар томон лапанглаб қочиб кетмоқда эди.

Ўз рақибини чопиб ташлаган чўтир мушриф қонга ботган қиличини қинига солиб, осмонга сапчиган кўк қашқа аргумоғини катта йўлга бураркан, ёнидаги суворига Беруний билан Маликул шароб томон ишора қилиб бир нима деди. Шу заҳотиёқ бир нечта сувори от чоптириб келиб, Маликул шаробга тармашишди, унинг оёқ-қўлларини боғлаб, арава томон судраб кетишди.

Ҳамон карахт бўлиб турган Беруний шундагина ҳушига келди-ю, чўтир мушриф томон интилди.

— Жаноб мушриф! Бу дарвеш — фақир бир шоир! Султони салотиннинг фармони бор! Дахлсиздур ул!

Чўтир мушриф Берунийга қайрилиб ҳам қарамади. Қон ҳиди ва жанг суронидан қутуриб, ҳамон осмонга сапчиган қора аргумоғига қамчи уриб:

— Кетдик!— деб хириллади-да, отининг жиловини қўйди. Унинг орқасидан бошқалар ҳам тасир-тусур от суришди.

Беруний бекат дарвозасига суянганича жойида қотиб қолди.

«Букун субҳи содиқ чодирдан чиқиб кетган шайх пешиндан кейин хачир етаклаб олган серсоқол бир мўсафидни бошлаб келди. Шайх ғайритабийй бир ҳаяжонда эди. У серсоқол кимсани чодирда қолдириб, каминани чодир ортидаги тепага бошлаб чиқди, эғнидаги чакмонини гиёҳлар устига ёзиб, ёнбошлади. Мен унинг сўзига мунтазир бўлиб, ёнига чўнқайдим.

Шайх кўзлари юмуқ, узоқ хаёлга толиб ўтирди, сўнгра:

— Ҳамадондан дарак йўқми?— деб сўради.

— Дарак йўқ,— дедим.

— Ҳамадондан от-улов, озик-овқат келса... Исфаҳонга йўл олурмиз...— деди шайх.

Ажаб гап! Қуни кеча Исфаҳондан амир Масъуд элчилари келганини эшитиб, Ҳамадондан пинҳона қочиб чиққан шайх, букун энди Исфаҳонга йўл олурмиш!..

— Исфаҳонда... қора ўлат кезиб юрган эмиш,— деди шайх.— Уйма-уй, кўчама-кўча, даҳама-даҳа қора ўлат кезиб юрган эмиш!..

Бошимга бир хум совуқ сув қуйилгандай вужудимни қалтироқ босди.

— Қора ўлат кезиб юрган шаҳарга бориб, ўзини шамга урган капалак ҳолига тушмайлик, устод,— дедим.

Шайхнинг нигоҳида совуқ қаҳр, лабларида кинояли табассум зоҳир бўлди.

— Балли, ўғлим! Исфаҳонда қора ўлат чарх урсин! Аҳли мардум бошига оғир мусибат тушсин, «ҳакими даврон» номини олган фақир эсам, жон ширин, бошимни олиб қочай! Балли, азизим!

Уйламай сўзлаганимдан қаттиқ ўсал бўлдим. Боз устига, шайхнинг Исфаҳонда қолган иниси Абу Маҳмуд ёдимга тушиб, қора терга тушдим. Сўз нишабини бошқа томонга буриш муродида шайхдан вабо ва қора ўлат янглиғ балои офатларнинг сабабини сўрадим.

— Сабабини ўлат хуруж қилган шаҳарнинг ўзига бориб аниқламоқ даркор.— деди шайх.— Ва лекин, Буқрот ҳаким, Жолинус, Абубакир ар-Розий каби табиблар, қадимий Рум, Қоҳира, Ҳинд ва Чин тарихчиларининг гувоҳлик беришича, жангу жадаллар сабаб, Исфаҳондай гавжум шаҳарлар қамалда қолиб, очлик,

яланғочлик хуруж қилган чоғларида вабо янглиғ балон офатлар авж олғусидир. Ул муътабар алломанинг китобларида зикр қилинишича, бундай мусибатли кунларда ер қаъридаги барча инсу жинс юзага чиқиб, ўлат ейишга тутунадур, ўлат ҳиди ва ўлат қониши уйма-уй ташийдур. Биласен: касал борки, юкмайди, касал борки, кишидан кишига ўтади. Қора ўлат ҳам сичқон ва каламушлар билан уйдан уйга ўтиб, ўлим судраб юргувчи нуқс офатдур. Ажаб эмаски, Исфаҳон бошига тушган бу қора кунларни ўшал махлуқлар бошлаб келган бўлса!

Заррируд дарёсининг чап соҳили ёдимга тушди. Шаҳристондан чиқиб, дарёдан ўтиш билан йўқсиллар даҳаси бошланади. Қинғир-қийшиқ кўчалар, кулбаи вайроналар, бостирмалар, ғариб карвонсаройлар, темирчилар, чилангарлар, тақачилар, бешиксозлар, эгарчи ва сангтарошлар, тобутсоз ва пичоқчиларнинг хароба дўконлари нигоҳим олдиға келди. Назаримда, ҳаммаёқда мурдалар қалашиб ётгандай, улар орасида дайди итлар, оч мушуклар, сичқону каламушлар изғиб юргандай бўлиб, жисмим музлаб кетди.

— Билмам,— деди шайх,— қўрққанга қўша кўринур, дейдилар. Гоҳо офат келтирувчи бошқа касалликларни «вабо» деб ваҳимаға тушадилар. Билмам, агар бу йўловчининг «қора ўлат», дегани рост бўлса — унинг давоси ҳам мушкулдир. Бориб кўрганда аён бўлур. Аммо неки дори-дармон, неки доривор гиёҳ бўлса — ҳаммасини сандиқларға жойламоқ даркор, ҳаммасини олиб кетмоқ даркор! Шокалон деган анов йўловчи сенға ёрдам беради.

— Бу йўловчи ким? Исфаҳонликми?— деб сўрадим.

Бу саволимдан шайх ғалати аҳволға тушди.

— Йўқ, бу йўловчи Исфаҳондан эмас, Бухорои шарифдан,— деди шайх.— Камина таваллуд топган Афшондан. Болалик чоғларимизда бир даҳада бирға ёнғоқ ўйнаб катта бўлганмиз. Камина Бухородан кетганимдан кейин бу шўрликнинг бошиға ҳам кўп савдолар тушибди.— Шайх шундай деб, ажаб бир севги ҳангомасини сўзлаб берди.

Афшоналик серсоқол йўловчининг зурриёти билан Исфаҳонға, амир Масъуд саройиға инъом қилиб юборилган туркий санам ўртасидаги бу ишқ ҳангамаси шайхни нечундир қаттиқ изтиробға солган эди.

— Мен бу шўрлик йигитни кўрмоғим даркор,— деди шайх.— Албатта кўрмоғим даркор!.. Ёшсан, ўғлим,

муҳаббат жафоси бошинга тушмаган. Муҳаббат жафосини тортмабсен, бу фоний дунёга келмабсен!

Камина: «Бу не жафо экан, сўзлаб беринг, устод», деб кулган эдим, шайх маъюс бош чайқаб: «Йўқ, ишқ дostonини сўзлаб бўлмас,— деди.— Бу дostonни ёзмок мумкин, назмга солиб куйламоқ мумкин, ammo уни бировга сўзлаб бўлмас, кимки сўзласа қадрини ерга урар, азизим!»

Шайх шундай деб, узоқ фикрга толди. Мен устоднинг маҳзун чеҳрасига қараб дилидан нелар кечганини, юрагида не дардлар борлигини ўйладим. Шайх ёшлигида бўй-баста келишган, бағоят хушсурат йигит бўлган. Не-не санамлар унинг васли орзусида оҳ чекиб ўтганлар. Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагирнинг қизи Зарринабону шайхга шаҳарлар орасидаги масофаларни ўлчаш усули ҳақида китоб ёздириш баҳонасида уни лутфан саройга таклиф этган. Шайх Зарринабону айтган рисола ни ёзиб берган, бону эса рисола буёқда қолиб, шайхнинг ўзига муҳаббат изҳор қилган. Рай ҳокимаси маликаи Саида ҳам шу аҳволга тушган. У шайхни молихулия¹ дардига мубтало бўлган ўғлини даволатиш матлабида чақиртирган. Ammo шайхни кўриб, ўзи ошиқ бўлиб қолган. Шайх ёши бир жойга борган бу маликанинг изҳори ишқидан зўр-базўр қочиб қутулган. Зотан, шайх аёл зотининг дардини ҳам, кўнглини ҳам бағоят чуқур туяди. Мен буни бундан беш-олти йил муқаддам «Ал-Қонун»нинг олтинчи жилди битилганда билдим. Бу жилднинг бир неча фасли² ожизаларнинг касаллари ва уларни даволашга бағишланган.

Шайх бу фаслларда аёллар жисми, уларнинг олатидаги энг қалтис касалликлар, ёмон шишлар, ҳайз кўриш ва кўрмаслик, фарзанд бўлиш ва бўлмаслик сабаблари ҳақида, бу касалликларни даволаш йўллари, алхусус, бу ишда жарроҳия усулларини қўллаш тўғрисида шундай билимдонлик ва шундай нозик тафсилотлар билан баён қилганким, камина ўқиб лол қолдим, токи бу фаслни ёзмок учун оғир дардга чалинган нечанеча ожизаларни кўрмоқ ва уларни даволамоқ лозимдур. Боз устига, бу шундай дардки, Азроил алайҳиссалом эшикдан кириб келмагунча аёл зоти табибга кўринмайдилар. Бир сафар Исфаҳонда бадавлат бир савдогар ўз маҳбубини беҳуш ҳолда тун ярмидан ошганда

¹ Молихулия — асаб касаллиги.

² Фасл — боб маъносида.

олиб келгани ёдимда. Шайх буни билгани учун бу иш-ни катта одоб ва ибo билан қилар эди, бу боисдан кўплар унга пинҳона мурожаат қилар эдилар.

«Ал-Қонун» китобининг яна бир фасли — ошиқлар вужуди ва уларнинг севги алоқаларига бағишланган. Шайх бу нозик масалада ҳам ажиб зуккоклик ва майинлик билан фикр юритганким, маҳбубларнинг шайхга бу йўсин меҳр қўйишининг боисини каминна шу фаслни ўқиганимда англадим. Шайх уқтирадики, севгида руҳ билан вужудни бир-биридан ажратиб бўлмас, ошиқ-маъшўқлар висол онларида бағоят мулоийм бўлмоқлари лозим, алхусус эр, токи маҳбуб жисми шундай яралганки, ул майинликка ташнадур. Шайх бу нозик муаммоларни шундай шарму ҳаё ва ибo билан баён этадики, унинг дилнавозлиги ва назокатига таҳсинлар ўқидим.

Шайх ҳануз маҳзун ўйлар оғушида эди. У менинг бетоқат бўлганимни сезиб: «Мен ул шўрликни, амир Маъсудга инъом қилиб юборилган ул бахтиқаро ожизани кўрмоғим лозим»,— деб қаттиқ уф тортди.

Мен шайхдан: «Ул шўрликни танийсизми», деб сўрадим. «Йўқ, мен ул бечоранинг онасини танир эдим», деди шайх. Мен бошқа савол беришга журъат этмадим.

Кун ботиб, қош қорайганда чодирга қайтдик. Хуфтон намозидан кейин шайх чодирга шам ёқтириб, қоғозқалам сўради. Мен шайхнинг кўнгли назм ва наво ишқида эканини англадим.

Шайх куй ва назм бобида қалам тебратишга аҳд қилса, танҳоликни кўнгли тусаб қолади. Илм бобида бир нарса ёзишга жаҳд қилганида эса, билъакс, шогирдларини йиғади, ўзи айтиб туриб, уларга ёздиришни яхши кўради, аммо шеър ишқида ёнган чоғларида танҳоликка майл билдиради.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мен шайхнинг хаёл оғушида аста тебраниб, лаблари пичирлаб ўтирганини кўрдим-да, унинг хаёлини ҳуркитишдан ийманиб, бир чеккага жой солиб ётиб олдим.

Қаттиқ уйқуга кетибмен, бир маҳал қулоғимга ҳазин бир овоз киргандай бўлди. Қимдир юракни эзиб, сув қилиб юборгувчи бир товушда нола қилар, дарду ҳасратларини айтиб йиғлар эди. Уйғониб кетдим.

Шайх чодирнинг тўрида бошини хам қилиб, ўзи ясаган гижжакда мунгли бир куйни чалиб ўлтирарди. Унинг ёнида Шокалон деган бояги серсоқол мўйсафид болишга ёнбошлаб ётарди. Ёниб бўлаёзган шам шуъ-

ласида шайхнинг мишжаларида ёш томчилари симоб зарраларидай милтираб турарди. Билдим — шайх ҳозир чодирда эмас, хаёлан ўзи чалаётган ҳазин куй қанотларида бошқа бир оламда парвоз қилиб юрибди...

Куй тинди.

Шайх мишжаларидаги ёш томчиларини кафти билан артиб, ҳамшаҳарига қараб жилмайди.

— Қариганда кўнгли бўш бўлиб қолар экан киши, Шокалон!

— Айб қариликда эмас, асли кишини йиғлатадиган куй бўлибди,— деди Шокалон,— битган байтнинг ҳам юракни тилка-пора қилади, басталаган куйнинг ҳам. Яна бир ўқи, Абу Али!..

Шайх бир хўрсиниб олди-да, кўзларини юмиб секин ўқиди:

Дилмда она юрт доғи,
бу дарднинг борми давоси,
Эрам боғидан афзалдир
она юртингни саҳроси.
Кўзимга тўтиё қилгум
агър бир кун гузар этсам,
Мусофир хирқасни ташлаб
диёрим васлига этсам.

— Ҳайҳот!— деди шайх бошини сарак-сарак қилиб.— Мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас, деганлари рост экан. Жудолик не, туғилган юртидан айрилиб, мусофир бўлмоқ не, фақирдан сўр, Шокалон! Кўзимни бир дақиқа юмсам... нигоҳим олдига Афшона қирлари келади, болаликда чўмилган ариқлар ва булоқлар келади. Кўзим уйқуга кетса... Бухоро кўчалари, Жуйи Мўлиён даҳаси тушимга киради. Уйғониб кетиб, тонг отгунча тўлганиб чиқамен...

— О, Абу Али! Абу Али!— деди Шокалон уф тортиб.— Афшона ҳам, Бухоро ҳам сен билган Афшонаю сен билган Бухоро эмас!..

— Не чора?— деди шайх,— не чора; Шокалон! Сенинг сўзларингга инонмай иложим йўқ. Аммо... не бўлмасин, кўзимни бир он юмсам, нигоҳим олдига болалик чоғларим келади. Ушал боғлар, ўшал қирлар, ўшал сувлар эсимга тушади. Қариган чоғимда бир кўрсам, Афшона боғларини бир кезсам, Бухоро кўчаларидан бир ўтсам, надарим қабрини бир зиёрат қилсам, шундан бошқа тилагим йўқ, Шокалон...

— Иншоолло, тилагинг қабул бўлғай, Абу Али!— деди Шокалон.

— Майли,— деди шайх,— сен ётиб дамингни ол, менинг уйқум қочди, далага чиқиб, бир айланиб келамен...

Шайх шамларни ўчириб чодирдан чиқди.

Эртасига Ҳамадондан келадиган юклар етиб келди. Биз работни тарк этиб, Исфаҳон томон йўл олдик».

(Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан.)

2

Сипоҳсолор¹ Абу Тоҳир тонг чоғи от чоптириб келганида бутун сарой оёққа турган, ҳовлидаги тошфонуслар, қандиллардаги шамлар ёқилган, қиличларини шарақ-шуруқ қилган навкарлар, ранглари қув ўчган ҳарам бекалари, тасбеҳ ўғирган уламолар ва яна аллақандай қора кўлагалар уёқдан-буёққа изғиб юрар, шам шуъласи ёрнотолмаган ғира-шира бурчаклардан: «Симоб! Симоб!— деган шивир-шивир овозлар эшитиларди.— Бухоро санами амирнинг қулогига симоб қуймиш!»

Иккинчи ошёнадаги саломхонада, табиблар бўлса керак, узун оқ ятакли уч-тўрт одам қақшаб-қалтираб турар, тўрдаги шабистон эшиги берк, ичкаридан секин инграган бўғиқ овоз эшитиларди.

Саломхонага шитоб билан кириб келган Абу Тоҳир шитоб билан юриб бориб эшикни очди. Ичкаридан келётган бўғиқ нола эшик очилганда қаттиқроқ эшитилди-ю, эшик ёпилиши билан сўнди.

Амир Масъуд, не-не жангларда ёвга аёвсиз қирон келтирган, Ҳиндистон чакалакзорларида қутурган йўлбарслар билан яккама-якка олишган амир Масъуд, бошини зарбоф тўннинг этагига ўраб, ерда юмалаб ётар, унинг аламли инграши улкан чорбурчак хонанинг қуббасимон шифтида акс садо бериб, совуқ янграрди. Амирнинг тепасида қўрқувдан қўлидаги косаси дир-дир титраган нотаниш бир табиб билан рангида ранг қолмаган эшик оғаси турарди.

Абу Тоҳир тез юриб бориб амирнинг ёнига тизза букди.

— Валинеъмат.

¹ Сипоҳсолор — бош қўмондон.

Амир тузоққа тушган қушдай питир-питир қилиб, зарбоф тўни этагидан бошини соқит қилди. Худди отасининг кўзларидай қийғоч кўзлари қонталашган, ёноқлари бўртиб чиққан чўяндай қоп-қора юзи аллақандай кўкариб кетган.

— Абу Тоҳир!— деди амир Маеъуд, тўсатдан кўзларида ўт чақнаб.— Ул маккор саҳронишин Алитегин падари бузрукворим учун каминадан ўч олмоққа қасд қилибди! Инъом этган фоҳишаси симоб қуйди қулоғимга, симоб!.. Қани фаришта ниқобидаги ул жодугар?— деди амир, қонталашган кўзларини эшик оғасига қадаб.

Эшик оғаси икки букилиб таъзим қилди.

— Ул жодугар ақлидан озмиш, амири калон!

— Ақлидан озган бўлса... тириклайин гўрга тикмоқ лозим ул ёсуманни! Ҳмм...— Амир яна қулоғини чангаллади-ю, юзтубан тушиб боши билан ер сузишга киришди.

Абу Тоҳир бетоқат бўлиб:

— Иншоолло, шифо топасиз, валинеъмат!— деб хитоб қилди.— Фақир амиримга ажаб бир хабар топиб келдим! Тобаристон дарвозасининг дарвозабони... дарвеш кийимида уч нафар номаълум кимсаларни тутиб-дур.

— Номаълум кимсалар? Мен ажалдан сўзласам, сен номаълум кимсадан сўзлайсен!..

— Амири калон!— деди Абу Тоҳир зорланиб.— Сўзимнинг «берди»сини эшитинг. Бу дарвешларнинг бири ўзини... ҳазрат ибн Сино деб атармиш!..

— Ҳазрат ибн Сино?

— Баайни шундай!

— Э, яратган эгам! Валинеъмат падари бузрукворим бўйи баробар олтин ваъда қилганида ҳам боришдан бош тортиб, қочиб юрган ҳазрат ибн Сино энди дарвеш қиёфасида ўз оёғи билан юриб келмиш!— Амир, қонталашган қисик кўзларини лўқ қилиб, бошини ликиллатди, ликиллатганда бир он тинчиган оғриқ қайта хуруж қилди чоғи, қулоқларини шап ушлаб:

— Ибн Сино бўлса қайда?— деб ингради.— Олиб кел уни дарҳол! Ё халлоқ! Шояд бу ҳақимни ҳозик сабаб, ўзининг берган бу дарди бедавонни ўзинг даф қилсанг!

Абу Тоҳир апил-тапил ўрнидан туриб, ташқарига отилди.

Бу пайт Сино билан Абу Убайд саройнинг боғ томо-

нидаги ҳовлида, бир маҳаллар ҳавзи кавсар номини олган мрамр сарҳовуз бўйида ўтиришар эди.

Ҳали кун чиқмаган, бироқ ҳовлидаги чинор ва садалар нафис лоларанг шуълага чулганган, офтобни соғинган қушларнинг куйи авжига чиққан. Тонг ели овлоқ қир гиёҳларининг сал тахир, ўткир ҳидларини уфуларди. Қаердандир яқиндан қилич-қалқонларнинг шарақ-шуруғи, «Хаҳ, ур! Хаҳ, чоп!» деган бўғиқ хитоблар эшитилар, афтидан, сарой ортидаги ҳовлида сарбозлар машқ қилишмоқда эди.

Ибн Сино ғалати бир ҳолатда эди.

У кеча намози асрда Абу Убайд ва Шокалон билан бирга Табаристон дарвозасига етиб келганида кимлигини ошкор қилмоқчи эмас эди. У ўз шериклари билан дарвеш қиёфасида дарвозадан ўтиб, шаҳарни даҳамадаҳа, кўчама-кўча айланиб чиқмоқчи, қора ўлат тўғри-сидаги мудҳиш гапларнинг рост-ёлғонлигини сўраб-суриштирмоқчи ва шунга қараб бирор тadbир кўрмоқчи эди. Кейин ҳовлисига ўтиб, иниси Абу Маҳмуддан хабар олиш ниятида эди. Унинг ҳовлиси саройдан йироқ эмас, Зарринруд дарёсининг машриқ томонида, Шаҳристон маҷитининг ортидаги Куйи Гунбаз даҳасида, сердархт, серсоя, осойиштагина бир кўчада.

Бухорога ўхшаш Исфаҳоннинг ҳам ўн икки дарвозасини бўлар, устига тоғда юк ортилган филлар ҳам бемалол ўта оладиган бу дарвозалардаги ҳамма дарвозабонлар уни яхши танир эди. Агар Тобаристон дарвозасида илгариги дарвозабон бўлганида «ибн Сино» деган калиманинг ўзи кифоя қиларди, бироқ амир Масъуд тайинлаган янги дарвозабонлар «ибн Сино» деган номни эшитганларида ҳам пинакларини бузишмади, ё ишоншмади, ё ишоншса ҳам парво қилишмай, кечаси билан ушлаб ўтиришди. Фақат тонг чоғи оғиз-бурнини қора мато билан боғлаб олган бир сардор бориб, уларни отга миндириб олиб кетди.

Шаҳар ҳали уйқудами ё барча мардуми мўмин уни тарк этганми, қалъа узра қандайдир совуқ сукунат ҳоким эди. Фира-шира кўчалар, чорраҳалар, гузарларда қандайдир қора соялар, йўқ, соя эмас, ўлик йиғиб юрган сарбозлар кўзга чалинарди... Ҳа, ибн Сино янглишмади, устларига қора либос кийиб, оғиз-бурунларини қора мато билан ўраб олган сарбозлар, қўлларида паншаха, кўчама-кўча ўлик йиғиб юришарди...

Улар дарё соҳилидаги гузарлар, тор кўчалар, хароба кулбалар бўсағасида чўзилиб ётган мурдаларни

худди тўнкани тепгандек тепиб кўришар, сўнг, қўлла-
ридаги паншахани ерда чўзилиб ётган мурдага пичан-
га санчигандек санчиб, даст кўтаришарди-ю, орқалари-
дан келаётган аравага отишарди.

Нимқоронғи кўчаларда ўлик йиғиб юрган қора соя-
лар, айниқса Пули Шаҳристон кўпригидан ўтиб, Нақши
жаҳон майдонига яқинлашганларида кўпайиб кетди.

Во дариг! Шокалон айтган машъум гаплар рост
чиқди, рост!..

Ибн Сино, юраги тинимсиз зирқираб, бир-икки жой-
да тўхтамоқчи бўлди. Бироқ уларни бошлаб бораётган
сардор, қамчи ўқталиб, тўхташни қатъий ман қилди.

Нақши жаҳон майдонидан ўтишлари билан ўнг қўл-
да, дарёнинг у юзиди «Ҳисор» кутубхонасининг юксак
пештоқлари кўзга чалинди.

Суюкли маскан! Сўнгги йилларда руҳига сафо, кўнг-
лига тасалли бериб келган бирдан-бир оромгоҳ! Алло-
малар, шоирлар, толиби илмлар қароргоҳи!.. Ибн Сино-
нинг ўз ҳовлиси ҳам кутубхонага яқин. Қуйи Гунбаз
дахаси кутубхона ортидаги гузардан бошланади. Лекин
бу не? Кутубхонанинг баланд тиллакори гумбази ўпи-
рилиб тушган, атрофдаги дўкон ва расталарга ўт кет-
ган бўлса керак, улкан култепага айланган эди!

Ибн Сино юраги қаттиқ сиқилиб, отининг бошини
беихтиёр ўнгга бурди, бироқ олдинда кетаётган сардор
яна қаҳр билан бурилиб: «Орқамдан қолма!» деб ишора
қилди... яна озгина юрса ҳовли-жойини, ёру биродарла-
рини кўрарди, иниси Абу Маҳмуд тирикми, йўқми —
бохабар бўларди. Не чора? Кўролмади. Билолмади!

Мана энди, кўнгли хуфтон, сарой ҳовлисида, мар-
мар сарҳовуз соҳилидаги мрамар суида ўтирибди. Рў-
парадаги икки ошёналик ҳаворанг мрамар сарой мовий
осмондай тиниқ ярқирайди, боғда булбуллар сайрайди,
дала гнёҳлари нозик атир уфуради, нессиқ нон ва қову-
рилган гўшт ҳиди димоққа гуп-гуп уради, гўё шаҳарда
на қора ўлат бор, на очлик-яланғочлик!

Ибн Сино ичида аччиқ кулимсираб, кўзини юмди!

Ҳа, нечун бунга ажабланасен, Абу Али? Ўзинг бил-
ган Шамсуддавла даврида ҳам, бу шаҳарда кўп йил-
лар ҳокимлик қилган Алоуддавла чоғларида ҳам шу
аҳвол эмасмиди? Мана шу баланд деворнинг у томони-
да биров оч бўлса, биров тўқ, бировнинг усти бут бўл-
са, биров яланғоч эмасмиди? Бу томонда эса, мана шу
сарҳовуз ўртасидаги ана у гумбазли шийпон тагида ҳар
оқшом мисли кўрилмаган базми жамшидлар бўларди.

Бу ерга барча аркони ҳарб ва аркони давлат йиғилар, тиниқ, хушбўй шароб фавворалардан оққан сувдай оқар, энг машҳур созада ва навозандалар ўлтириш аҳлининг кўнглини хушлар, гоҳи-гоҳида эса, ҳовузнинг у чеккасидаги сўри олдига ҳарир парда тутилиб, унга ёш, гўзал канизлар таклиф қилинар, улар ярим-яланғоч бўлиб рақсга тушишар эди...

Ҳамадонда-чи? Алоуддавладан аввал Шамсуддавла ҳокимлик қилган чоғларда-чи?

Бир кун соғ бўлса, ўн кун хаста, бир кун ҳушёр бўлса, ўн кун сармаст — Шамсуддавла мешдай қорнини майга тўлғазиб, телба-тескари ишлар қилар, жунбишга келган чоғларида ўзини улуғ саркарда деб ҳис этар, фақат қўшни шаҳар ва қўшни давлатлар эмас, машриқда султон Ғазнавий, мағрибда Румгача забт этиш ҳақида ақл бовар қилмас режалар тузарди. Саройга йиғилган аъёну боёнлар эса, қўлларинда лиммо-лим қадаҳ, маст-аласт ҳокимга ҳамду санолар ўқишар, ўзини амрал мўъминин, деб атаган саҳронишин султон Ғазнавийни калака қилишиб, тентак Шамсуддавлани кўкларга кўтариб мақташарди, уни бирда фотиҳи музаффар дейишса, бирда бўлғуси амрал муслимин, деб айюҳаннос кўтаришарди...

Шон-шуҳрат орзусида ёнган телба ҳоким эса бу мадҳиялардан баттар шишар, шу он, шу дақиқа қўшин тортишга чоғланарди. Ҳа, у тунги базми жамшидларда жўшиб жунбишга келар, эрталаб эса, мешдай қорнини чангаллаб, дод-фарёд чекар, кечаги «фотиҳи музаффар» эрталаб кучала еган итдек тиришиб, илтижо тўла кўзлари билан ибн Синонинг кўзларига мўлтираб қарарди. Уни бирда «ҳазратим», деса, бирда «тақсири олам», деб чақирар, унинг айтганини тарки вожиб қилмасди. Ибн Сино эса, сабаби ёшлик, адолатли шоҳ ҳақидаги кўнглидаги эзгу орзусини рўёбга чиқариш истаги билан ёнар, ўлим даҳшатидан қўйдаи ювош бўлиб, кўзлари мўлтираб ётган «фотиҳи музаффар»ни инсофли ва диёнатли ҳокимга «айлантириш»га тутинарди. Шу ниятда телба ҳокимга ҳар куни ҳуқна қилар, огзига дору қуйса, суюлган миясига эзгу истаклар, адолатли шоҳлар ҳақидаги эртак ва ривоятлар, буюк алломаларнинг буюк орзуларини «қуйишга» тутинарди. Шунда яна бир ажаб ҳол содир бўлар, ибн Сино доруларидан енгил тортган гўдакфейл, телба ҳоким унинг эзгу ўйларини, етимпарвар, гадопарвар шоҳлар ҳақидаги эртак ва ривоятларни жон қулоғи билан эшитарди. «Ҳазра-

тим»нинг ҳар бир сўзини маъқулларди, ногаҳон ёпишган бу бедаво дарддан даво топса, иншоолло, ўзи ҳам шундай эзгу ишлар қилишга қасам ичарди. Ибн Сино эса, яна сабаби ёшлик, оқкўнгиллик, мешқорин Шамсуддавланинг берган ваъдалари, ичган қасамларига оппа-осон инонарди. Инонгани учун ҳам унга вазир бўлишга розилик берган, кейин вазирлик мансабига суяниб, девони лашкарга ажратилган пулларни девони давлат ихтиёрига ўтказган, қўшин сонини камайтириб, мадрасалар, карвонсаройлар қуриш, ариқлар қазиб, дашти биёбонларга сув чиқариш режаларини тузган эди. Лекин, э воҳ! Унинг режалари амирлар қиличини қинидан чиқарган, инсофга юз тутган «одил шоҳ!» эса... қорнидаги оғриқ сал пасайиб, кечалари кўзига кўринган Азроил алайҳиссалом даф бўлиши билан ҳазрат ибн Синога берган ваъдалари ҳам ёдидан чиқарди! Ваъдалар ўрнига Ҳамадон боғидаги худди мана шундай гумбазли шийпон тагида яна илгариги базми жамшидлар бошланар, яна май ва шароб фавворалардан оққан сувдай оқар, яна созанда ва хонандаларнинг куй ва қўшиқлари осмони фалакка кўтарилар, яна бурунгидай ҳамду санолар ўқилиб, кечагина игна ютган итдай инграб ётган «оддий шоҳ» яна жаҳонни тиз чўктириш орзуси билан ёнар эди! Бу ҳол неча марта такрорланди! Э воҳ, фақат амир Шамсуддавланинг пуч орзулари эмас, ибн Синонинг маърифат ва эзгулик ҳақидаги орзулари ҳам — ҳамма-ҳаммаси пуч хаёл бўлиб чиқди!

Ибн Синонинг хаёлини:

— Ҳазратим?— деган овоз бўлди.

Ҳовузнинг олдида сипоҳсолор Абу Тоҳир қўл қовуштириб турарди.

— Марҳамат! Амири калон лутфан кўрмоқ истайдур сизни!— Абу Тоҳир Абу Убайднинг эғнидаги қуроқ жандасига шубҳа билан қараб қўйди. Буни пайқаган ибн Сино:

— Бу йигит шогирдим бўлур,— деди.— Каминага ёрдам берур. Йўл бошланг, жаноби сардор!

Таниш кошонанинг беҳисоб шамлар зўрға ёритган тор ва узун йўлаклари кимсасиз эди. Икки ёнда саф тортган икки тавақали беҳисоб ўймакор эшиклар берк, мрамар зиналардаги гиламлар йиғиштириб олинган, йўлак шипшийдам ва кўримсиз эди.

Иккинчи қаватдаги улкан саломхонанинг бурчагида бир гуруҳ оқ жуббали уламолар ғуж бўлиб туришар, уларнинг кўзларида қўрқув ва ташвиш акс этарди.

Абу Тоҳир билан кириб келган икки дарвешни кўрганда улар «гур» этиб, бир қўзғалиб олишди-ю, яна жим бўлиб қолишди. Уртага чўккан жимликда:

«Ибн Сино дарвеш қиёфасида? Вой тавба! Қай бири ибн Сино?»— деган шивир-шивир овозлар эшитилди.

Абу Тоҳир икки тавақали нақшинкор эшикни аста очиб, ибн Сино билан Абу Убайдга йўл берди.

Шифти ва деворлари нозик пуштиранг кошинлар билан зийнатланган кенг, бироқ аллақандай файзсиз хона ғира-шира эди.

Боя Абу Тоҳир кирганда гилам устида юмалаб ётган амир Масъуд бир маҳаллар Шамсуддавла, кейин Алоуддавла ўтирган сержило олтин курсида ўтирар, у ўнг қулоғини маҳкам ушлаб олган, кўзлари юмуқ, кўкимтир кенг юзида чексиз бир изтироб муҳрланган эди.

Амир, Абу Тоҳирнинг «Валинеъмат!» деб шивирлаганини эшитиб, кўзини очди-ю, эшикда таъзим бажо келтириб турган икки қаландарга узоқ қадалиб қолди. Унинг кўкимтир юзидаги изтироб таажжуб билан, таажжуб шубҳа билан алмашди.

— Ҳазрат ибн Сино?.. Узини ибн Сино деб даъво қилган ким?

— Фақир, давлатпаноҳ!

— Во ажабо!— деди амир.— Сен ўшал... ҳакими даврон ибн Сино бўлсанг... у амирал мўъминин элчи юборганида нечун яшириндинг? Нечун менинг мушрифларим борганда Ҳамадонни тарк этиб, бош олиб қочдинг? Нечун қочдингу, нечун энди ўз оёғинг билан юриб келдинг?

Ибн Синонинг лабларига билинар-билинемас табассум югурди.

— Агар амири калон каминадан норози бўлсалар, Исфаҳонни дарҳол тарк этишга ҳозирмен, давлатпаноҳ!

— Йўқ-йўқ! Мен ташрифинг сабабини сўрадим, холос!

Ибн Сино чуқур хўрсиниб, бошини пастроқ эгди.

— Амири калъон! Каминани Исфаҳонга олиб келган бирдан-бир сабаб — вабодур!

— Вабо?

— Маъзур кўрасиз, амирим, вабоми ё кавсусми¹, ҳозир бир нарса дейишга ожизмен. Ва лекин шаҳарда

¹ Кавсус — тиф.

уйма-уй қора ўлат кезиб юрмиш, деган машъум хабар қулоғимга етиб борди. Бу машъум хабар...

— Шаҳарда қора ўлат кезиб юрган бўлса... инчунин, ҳукми олло шу эрур!— деди амир, деди-ю, тўсатдан юзи қаттиқ бужмайиб, ўнг қулоғини чангаллаб олди.

— Симоб! Маккор Алитегин юборган жодугар симоб қуймиш қулоғимга. Симоб!

«Маккор Алитегин юборган жодугар?»— Ибн Сино юрагида кўтарилган ғалаённи зўрға босиб, тахтга яқинлашди.

— Симоб? Қандай симоб?

— Ул фирибгар Алитегин...

— Аввал оғриқдан сўзланг, амирим! Бетўхтов оғрийдими ё?..

— Йўқ-йўқ... дам оғриб, дам тўхтайдур. Бигиз суққандай безиллаб оғрийдур!

— Тўхтаганда-чи? Дарҳол тўхтайдурми ё оғриқ давом этадурми?

— Дарҳол тўхтайдур, дарҳол! Мана, тўхтади, оллога шукур, тўхтади... Йўқ-йўқ, тагин бошланди. Миямга ўтди. Қулоқ пардамни тешиб миямга ўтди! Симобнинг ўзи эмас, оғу қўшилган симоб бу, оғу! Э яратган эгам! Ёзуғим не меннинг, ёзуғим?

«О, қаттол! Бераҳм-бешафқат қаттол! Сен келтирган бу қатлу қирғин, бу очлик-яланғочлик, бу офат — ёзуғинг эмасми, дажжол?»

Ибн Сино бўғзига келган аламни зўрға ичига ютиб:

— Камина ул канизни кўрмоғим даркор,— деди.— Ул каниз...

— Кўрмоғи даркор! Субҳонолло! Аввал бу азобдан қутқар мени! Агар чиндан ўшал ҳакими даврон... ҳазрат ибн Сино бўлсанг, бу балои ногаҳонийдан қутқар аввал! Кейин... керак десанг, ҳасмингга ол ул жодугарни!

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, қулоғингизни даволаймен, амирим. Аммо... даволашдан аввал сизга бир арзим бор...

— Аввал давола, сўнгра айтасен арзингни!

— Сабр қилинг, амири калон! Арзим шулки, шаҳар дарвозалари дарҳол очилмоғи даркор. Бу балон офат оғушида қолган шўрлик аҳли мардум қир-адирларга чиқиб, баҳор гиёҳларидан баҳраманд бўлмоғи лозим. Шу букун барча жарчи ва барча табибларни саройга йиғмоқ жонз! Фақир доривор гиёҳлар номини айтиб

берамен. Жарчилар ва табиблар жар солиб, бу гиёҳларни мардуми мўминга айтмоқлари лозим! Гузарларда дошқозонлар қурдирмоқ даркор. Доривор гиёҳларни қайнатиб, сувни уйма-уй улашмоқ лозим. Билъакс барча аҳли мўмин қирилиб кетур, амири калон!

— Ё халлоқ!— амир қўлини қулоғидан олиб, қон-талашган кўзларини Абу Тоҳирга қадади.— Сен... қай гўрдан топиб келдинг, бу телба дарвешни?— деди у, қалтироқ босиб, лекин бир дақиқа тинган оғриқ қайта хуруж қилди чамаси, курсидан секин сидирилиб тушиб, ердаги гиламга юзтубан ётиб олди.— Ҳақими ҳозик ибн Сино эмас, маккор бир шайтон бу! Билъакс... неки арзи бўлса, аввал даволаб, кейин айтса ўлурму бу хунрез?

— Ҳозир даволаймен, амирим, ҳозир... Фақат фақирнинг шартин ёдингизда бўлсин!— Ибн Сино шундай деди-да, Абу Тоҳирга юзланди.— Учинчи шеригим қайда? Дарҳол топинг уни! Туяда дори-дармон солинган сандиқлар бор. Фармон беринг. Дарҳол келтирсинлар!..

— Дарҳол!— деди амир инграб.— Дарҳол!

Абу Тоҳир апил-тапил юриб хонадан чиқди, ибн Сино оёқ учида юриб, Абу Убайднинг ёнига борди.

— Сен ҳовлига тушиб, қизил сандиқни оч!..

Абу Убайд унинг сўзини эшитишга сабри етмай:

— Устод!— деб шивирлади.— Устод! Чиндан амирнинг қулоғига симоб қўйилганму?

Ибн Сино кафтини оғзига қўйди.

— Йўқ, чамаси, қулоғи йнринглаб, қурт тушган...

Абу Убайднинг кўзларидаги қўрқув ваҳимага айланди.

— Қурт?

— Ҳмм!— ингради амир.— Қайдасен, ҳақими ҳозик? Даф қил бу балон офатни! Бўйнинг баробар олтин берамен, олтин!

Ибн Сино амирга жавоб бермай, Абу Убайдга юзланди.

— Қизил сандиқни очсанг, кўк шишачада миср боқиласининг ширасини кўрасен. Унинг ёнидаги қора халтада янчилган куст, сариқ халтада назли ўти бор. Тўхта! Нафармон шишачада ковул уруғининг қайнатмаси ҳам бор. Чопиб тушиб, ҳаммасини олиб кел!

— Дарҳол!— деди амир, боши билан ер сузиб.— Ҳой, ким бор? Саройбон? Дарҳол келтир доруларни, дарҳол!..

Амир Масъуд уйқудан уйғонса ҳам қимир этишга кўрқиб тўшагида узоқ ётди. У қаттиқ ухлаган бўлса керак, офтоб машриқдан мағрибга кўчган, хилватхонанинг кунгай томонини қоплаган шерозий гиламлар, фақат гилам эмас, бутун хона — нозик ложувард кошинлар билан зийнатланган шифт, шифтдаги жимжимадор биллур қандил, қандилга терилган шамдонлар, деворларга осилган қилич ва қалқонлар — ҳаммаси гўё қонга бўялгандай тиниқ қирмизи рангга кирган эди.

Амирнинг қулоғига қадалган санчиқ тақа-тақ тўхтаган, хаёли равшан, ҳорғин жисми ажиб бир ором ва фароғатда эди. У кўпдан бери вужудда бундай роҳат-фароғат сезмаган, фақат болалик чоғларида, кечалари суюкли аммаси Хатлибегимнинг қучоғида ётиб, унинг майин сийнасини ўйнаб эркаланган маъсум болалик чоғларидега шунга ўхшаш ажиб бир ҳолатда бўларди, холос.

«Ё карим! Бу кўрсатганингга минг қатла шукур! Осий бандангдан ўз иноятингни дариг тутмадинг. Емонлар йўллаган балои офатни ўзинг даф этдинг!..»

Ҳа, кечаси қулоқ-миясига ништардай санчилган оғриқдан уйғониб кетганида, амир бу фоний дунё билан видолашиш онлари келди, деб ўйлаган эди. Йўқ, оллонинг меҳри карамига қарангки, ибн Сино тимсолида бу ҳақими балогардонни етказди!

Бу ҳақими ҳозиқ сафро рангли уч-тўрт томчи малҳам томизиб, майиздеккина бир нарсани ичирди ҳамки, амир кўзи уйқуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди... Мана, энди, толиққан вужудда ғалати ором, хаёли офтобдай мунаввар, осуда хилватхонада ёлғиз ётибди.

Ажаб савдо! Наҳот эгнига қуроқ жанда, бошига эски қулоқ кийиб олган бу кекса қаландар чиндан ҳам ҳақими даврон аталмиш ҳазрат ибн Сино бўлса?.. Агар чиндан ҳам ўшал ибн Сино бўлса... нечун дарвеш кийимида келди? Нечун эрмиш! Ўз ихтиёрим билан келишимга сабаб — шаҳарда уйма-уй кезиб юрган қора ўлат демадими бу дарвеш? Вабоми — кавсусми, хуллас калом, аҳли мардумнинг бошига тушган балои офат сабаб, раҳм қилиб келдим, демадими у? Ҳа, шундай деди! Шаҳардаги барча жарчи, барча табибларни чақирмоқ керак, деди. Доривор гиёҳларим бор, даҳа-даҳаларга дошқозонлар ўрнатмоқ лозим, бу доривор гиёҳ-

ларни қайнатиб, аҳли мўминга улашмоқ даркор, деди. Шаҳар дарвозаларини очиб, мардуми мўминни қир ва адирларга чиқармоқ лозим, токи мен айтган доривор гиёҳларни териб есинлар, деди.

Вабо! Қора ўлат!

Мана, бу ойдан ошдики, бу балои азимдан амирнинг ўзи ҳам қаттиқ васвасада. У сарой дарвозаларини тақа-тақ ёптирган. Одам боласи уёқда турсин, пашша ҳам киролмайди. Лекин пашша киролмаса ҳам бир-биридан совуқ хабарлар қулоғига етиб келмоқда. Уйма-уй кезиб юрган қора ўлат тўғрисида, очликдан ит, мушук ва ҳатто каламушларни ея бошлаган йўқсиллар тўғрисидаги мудҳиш мишмишлар амирни ҳам ваҳимага солмоқда, кечалари кафанга ўралган ўликлар, жулдур чопон гадолар, қоқсуяк тиламчилар тушларига кириб, оромини бузмоқда. Шу боисдан ҳам довруғи оламга кетган бу алломай замоннинг ўз оёғи билан кириб келгани яхши бўлди. Яхши бўлди-ю, бироқ унинг келиши билан бошқа бир ғоят нозик ва ғоят қалтис муаммо туғилди. Агар дарвеш қиёфасидаги бу кимса чиндан ҳам ўшал ҳакими даврон ибн Сино бўлса, амир уни дарҳол, шу бугуноҳ доруссалтанатга, падари бузрукворининг ҳузурига жўнатмоғи лозим! Чунки ҳазрат ибн Сино Исфаҳонга, амир Масъуд саройига ташриф буюргани тўғрисидаги бу хабар Ғазна мунавварага етиб борса, давосиз дард оташида қоврилиб ётган валинеъматини не дейди? Усиз ҳам ўз пуштикамаридан бўлган фарзандидан ҳадиксираб, уни тожу тахтдан мосуво қилиш ниятида юрган отаси қаҳр қиличини яланғочламасмикин? Яланғочлайди! Бас! Бу хабар овоза бўлмаслиги даркор, уни ҳеч ким, алхусус, танийдиган одамлар кўрмаслиги жонз! Агар лозим бўлса бошқа табиб ва жарчилар жар солсинлар, дошқозонларда доривор гиёҳларни қайнатиб, фуқарога улашсинлар, ибн Сино эса... Йўқ, уни ҳеч ким кўрмаслиги маъқул, саройда турганини ҳеч ким билмаслиги даркор!

Амир шу тўхтама келди-ю, ёстиғи остидан шақилдоғини олиб шақиллатди. Эшик оғасини йўқ бўлса керак, Абу Тоҳир кириб, амирнинг қаршисига тизза букди, букаркан:

— Оллога шукур!— деб кулимсиради у.— Ранг-рўйингиз яхши, амири бузруквор!

Амир қовоғини уйиб:

— Анов... Дарвеш қиёфасидаги табиб қайда?— деб сўради.

— Табиб... Ижозатингиз билан ҳамадонлик жодугарни кўргани кетди, валинеъмат.

— Ҳмм...— амир, парқу ёстиқларини қўлтиғига тортиб, оёқларини кўрпачага узатди. У ҳам отасига ўхшаб, энг яқин надимларига оёқ уқалатишни яхши кўрарди.

Буни билган Абу Тоҳир бенхтиёр амирнинг оёқ томошига силжиди. Лекин шу пайт эшик берухсат очилди-ю, эшик оғаси кириб, таъзим қилди:

— Бир қошқ қонимдан кечгайсиз, амирим, дивсувор!

— Қайдан?

— Доруссалтанатдан, амири калон! Ул меҳри дарё Хатлибегимдан мактуб келтирмиш!

Амир шитоб билан ўрнидан турди-да, тўрдаги йўлбарс териси билан қопланган нақшинкор курсига бориб ўтирди.

— Ижозат эт, кирсин!

Эшик оғаси чиқиши билан бўсағада бошида дивсуворлар нишони қадалган қундуз телпак, эғнида қалин жун чакмон, белини кумуш камар билан боғлаб олган, кўзлари уйқусизликдан қонталашган бир навкар кириб, пойгакка тиз чўқди-да, лом-мим демай қамчисининг дастасини бурашга киришди.

— Мактуб!

Дивсувор ҳамон индамай қамчисининг дастасини бурар эди. Тўсатдан, дастанинг бош томони ажралиб, қолган қисмида ингичка кавак кўринди. Дивсувор кавакдан найча қилиб ўралган бир қоғозни олиб амир ўтирган курси томон эмаклаб кела бошлади.

— Кимхоб тўн! - -

Амир қалтироқ қўллари билан найсимон мактубни ёзиб, ўқишга киришди. Унинг қийғоч кўзлари қоғоз сатҳидаги чумоли изи янглиғ майда сатрлар устида югураркан, ҳаяжондан бўғриққан қорамтир юзида таажжуб аломати зоҳир бўлди, таажжуб ҳайрат билан алмашди-ю:

— Субҳонолло!— деб ўрнидан туриб кетди.

Абу Тоҳир ранги ўчиб:

— Не мужда бор?— деб сўради.— Ул валинеъмат амирал мўъминин, иншоолло, саломатдурлар?

— Саломат! Иншоолло, саломат!— Амир тўсатдан асабий хахолаб кулди.— Ул ҳакими даврон... ҳазрат ибн Сино доруссалтанатда... эмнш!

— Ё тавба! Ҳазрат ибн Сино доруссалтанатда?

— Ҳа, ҳакими даврон ибн Сино Ғазнаи мунаввара-

да пайдо бўлган эмиш! Уни ўша, икки ой муқаддам келиб кетган ариз Абулвафо Сарик Тегинободдан топиб борган эмиш. Вазири аъзам Али Ғариб билан анов... ҳезбачча Абул Ҳасанак асъасаю дабдаба билан кутиб олган эмиш ҳазратларини!

— Валлоҳу аълам!— деди Абу Тоҳир ёқасини ушлаб.

— Сен эрса... бу дарвешга инониб юрибсен!

— Амири калон! Давлатпаноҳ!— Абу Тоҳир кимнинг олдида тургани ёдидан чиқиб ёқасини ушлаганича уёқдан-буёққа юрди.— Йўқ, йўқ, бу сўзга инонманг, валинеъмат! Яъники, доруссалтанатда пайдо бўлган ул ибн Сино... чин ибн Сино эмас, ёлғон ибн Сино!

Амирдан садо чиқмади. У тўрдаги курсьга суянганича узоқ ўйга толди. Туйнукдан қуйилган қизғин шуълада унинг отасининг юзидай дағал кенг юзи нақобдай совуқ, сийрак қошлари қаттиқ чимирилган, тақасимон мурти тагидаги юпқа лаблари алланималарни пичирлар, у гўё ўз-ўзи билан гаплашар эди.

— Ёлғон ибн Сино нечун керак у икки корчалонга?

— Нечун?— деди Абу Тоҳир, кинояли кулимсираб.— Ҳар қалай, яхши ният учун эмасдур, амирим!

— Инчунин?

— Инчунин амирал мўъминининг ишончини қозонмоқ, сўнг даволаш баҳонасида шу сохта ибн Сино қўли билан...— Абу Тоҳир ўз гумонидан ўзи қўрқиб кетиб «ялт» этиб амирга қаради.

Амир, қисик кўзлари баттар қисилиб, унга тикандай қадалиб турарди.

— Қўли билан не? «Худо»сини айтдинг, «берди»сини ҳам айт, Абу Тоҳир!

— Валинеъмат, сиз айтган ул икки маккор ҳеч нарсадан қайтмайди! Ул сохта ҳаким қўли билан оғу беришдан ҳам қайтмайди ул икки шайтон!

Амир белидаги эгри қилични кўзгудай ялтираган эттигига шақ-шақ уриб, уёқдан-буёққа юра бошлади. Унинг тор пешонаси тиришиб, юзида кўпдан бери юрагини кемираётган чуқур бир изтироб акс этди.

Абу Тоҳир ҳақ! Суюкли аммасидан келган хуфия мактубда ҳам шунга ўхшаш бир фикрнинг шабадаси бор. Хатлибегим ишончли дивсуворга ҳам унча инонмаган бўлса керак, бунни очик айтмаган, лекин барибир, мактубида шу гапга ишора бор. Амир эса.. йўқ, амир ўз падарига ёмонликни раво кўрмайди... Аммо... валламат падари бузрукворининг бу мислсиз адолатсизлиги!

Тўнғич зурриёти, шаръий валиаҳд шаҳзода Масъуд турганда анов телба кенжатоини валиаҳд деб овоза қилгани!..

«Йўқ, ёлғиз отаси эмас, анов икки вазир, шайтонни авраб ўз ноғорасига ўйнатган анов икки қузғун айбдор бу хўрлик, бу ҳақорат, бу адолатсизликка! Кекса падарини илондай чирмаб олган ўшал икки иблис айбдор ҳамма балога! Бас, бул ҳазрат ибн Синони юбориб кўзини очмоқ даркор падарининг, кўзини очиб, пўстини шилмоқ лозим анов икки баттолнинг! Пўстини!»

— Сўзимга қулоқ сол!— деди амир, тўсатдан юришдан тўхтаб.— Сен шунга иқрорсанким, доруссалтанатда пайдо бўлган ул ибн Сино, чин ибн Сино эмас, бул ибн Сино — чин ибн Синодур!

— Шундай, амирим!

— Агар бу сўзга имонинг комил бўлса не қилмоқ даркор, Абу Тоҳир?

— Уйлаб кўрмоқ даркор, валинеъмат!

— Уйлаб кўрмоқ эрмиш! Ҳозир, шу букун энг чопқир отлар билан ўн нафар навкар шайлагайсен! Озиқ-овқат, кийим-кечак — ҳаммаси тахт бўлсин! Субҳи содиқ ҳазрат ибн Синони шул навкарлар билан Ғазнаи мунавварага йўллайсен! Шундайким, кўпи билан икки ҳафтада доруссалтанатда ҳозир у нозир бўлғай! Сўзим аёнму, Абу Тоҳир?

Абу Тоҳир лом-мим демай бош эгди:

— Аён, амири калон!

Иигирма учинчи боб

Мана, икки кундирки, вазири аъзам Али Ғариб Осмон маликаси саройининг саломхонасида султон ҳузурига киролмай сарғайиб ўтирипти.

«Ҳазрат ибн Сино» яъники, Ҳиротдан дабдаба ва асъаса билан олиб келинган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний икки кундан бери султон ҳузуридан чиқмайди.

Али Ғариб «ҳақими даврон» ҳазратларини фақат бир маротаба, Тегинободдан келиб сарой олдида соябош аравадан тушаётганида кўрди, холос.

Аравадан тушган «ҳазратлари» дарвоза олдида турган хўроздай қип-қизил, юм-юмалоқ вазири аъзам билан бош ирғабгина кўришди-да, унинг ёнида турган хушқад, хушсурат аёнга мурожаат қилди:

— Маъзур тутасиз, агар янглишмасам, жаноблари... вазири бузруквор Абул Ҳасанак ибн...

Абул Ҳасанак мийиғида кулимсираб Али Ғарибга ишора қилди:

— Вазири бузруквор жаноблари — бу киши бўладилар.

Лекин «ҳазратлари» бош вазирга қайрилиб ҳам қарамади. Унинг мастона сузилган кўзлари Осмон маликасининг юксак мрамор пештоқларида эди.

Бош вазирга «ҳазратлари»нинг мана шу қилиғи, уни таниб танимаганликка олгани айниқса алам қилди. Во дариф! Унинг олдида тунов кунги қўрқувдан дир-дир қалтираган сохта «ҳакими даврон» эмас, гўё чин ҳазрат ибн Синонинг ўзи, балки ундан ҳам сервиқор, ундан ҳам басавлат бир кимса турарди!

— Билишимча,— деди бу кимса, овози вазмин дўриллаб.— Билишимча, ул офтоби олам фақирни шу қасри беназирда кутмоқдалар. Қани, бошланг вазири аъзам!—«ҳазратлари» бошидаги симобий дастори ва эғнидаги оппоқ ридосини тўғрилаб, сарой томон йўл олди. Унинг оғзидан «гуп» этиб май ҳиди келди. Бунини сезган Али Ғариб ялт этиб ариз Абулвафо Сарикқа қаради. Найнов Абулвафо икки букилиб таъзим қилди:

— Не чора, тақсирим? «Ҳазратлари» айтдиларким, яхши май яхши дору эмиш..

Вазири аъзам Абулвафо Сарикнинг гапидаги кинояни ичига ютди-да, «ҳазратлари»ни ҳаммомга солиб, янги либослар кийдиришларини буюрди. Унинг «ҳакими замон»га онд берган биттаю битта буйруғи шу бўлди. Чунки ҳаммомдан янги либослар кийиб чиққан Абу Шилқим ибн Шаҳвоний вазири бузрукворнинг ёнидан виқор билан юриб ўтди-да, саломхонага нозик мушк-анбар атрини сепиб, султоннинг шабистонига кириб кетди. Ҳаммомга уни Абул Ҳасанак олиб кирган эди, султоннинг ҳузурига ҳам Абул Ҳасанак олиб кириб кетди. Икки қарға төпишди. У эса, бу ишга бош-қош бўлган вазири аъзам эса, мана икки кундирки, саломхонада, икки кўзи шабистоннинг дур ва садафлар билан зийнатланган нақшинкор эшиғида амирал мўъминининг бир оғиз сўзига зор бўлиб ўтирибди...

Кечадан бери хилватхонага кимлар кириб, кимлар чиқмади! Айниқса хазинадорлар билан баковуллар серқатнов бўлиб қолишди. Хазинадорлар баркаш-баркаш олтин динорлар, ёқаларига инжу, ёқут ва марварид қадалган зарбоф тўнлар кўтариб ўтишар, баковуллар эса позик доривор гиёҳлар атрини сочган тоғ-тоғ

бедана кабоблар, арча кўмирида пиширилган барра қўзилар ва яна минг хил нозик таомларни бетиним ташишар, шафақранг шароб солинган биллур идишларни кўтариб ўтишарди... Бир неча ойдан бери гўристон сукунатига чўмиб, улкан мақбарага ўхшаб қолган Осмон маликасига тўсатдан жон кириб, ари уясидай ғувиллаб қолди. Қалондимов эшик оғалари, чаққон, серҳаракат ёш маҳрамлар, баковуллар, ранг-баранг капалаклардай лип-лип учиб юргувчи ҳарам бекаларининг юзларига табассум, лабларига кулгу юрган, ҳамма-нинг оғзида офтоби оламга шифо келтирган «ҳакими ҳозиқ ибн Сино ҳазратлари»нинг муборак номи, алломан эгон»нинг мўъжизакор дору дармонлари, ажални даф этувчи сеҳргар муолажалари!..

Гоҳо-гоҳо икки тавақли ўймакор эшик аста очилиб, Абул Ҳасанакнинг боши кўринар, шунда остонада амру фармон кутиб қўл қовуштириб турган хазинадорлар, баковуллар, вазирнинг сўзини имо-ишорасиданоқ илғаб олгувчи содиқ маҳрамлар унга қараб талпинишар эди. Четроқдаги юмшоқ курсида ўтирган вазири аъзам ҳам шоша-пиша ўрнидан турар, у ҳам Абул Ҳасанак томон умид билан талпинар эди. Лекин Абул Ҳасанак қовоғини солиб, ҳақоратомуз бир ҳаракат билан уни тўхтатади-да, хазинадор ва баковулларга берадиган фармонини бериб, аста орқасига қайтади. Бош вазирнинг султоннинг саломатлиги тўғрисидаги саволига эса:

— Алҳамдулилло, яхши, алҳамдулилло!— деб доимо бир хил ва доимо ноаниқ жавоб қайтаради.

Вазир аъзам кеча шу тариқа намози асргача ўтирди, кейин шабистонга киришдан умидини узиб, Қўшқи маъмурга қайтишга мажбур бўлди, сўнг кечаси, сарой уйқуга кетганда, шахсий айғоқчиси бўлмиш бош баковулни олдириб, бўлаётган ишларни сурништирди.

Бош баковулнинг айтишича, «ҳакими даврон»нинг пойқадами ёққан, султоннинг вужудидаги санчиқ тўхтаб, анча енгил тортган. Шу сабабдан давлатпаноҳ «ҳакими замон»га бир неча баркаш олтин инъом этган, боз устига, хилватхона билан машваратхона ўртасидан «ҳакими даврон»га алоҳида бир хона ажратилган. Пошшойи олам кўзи илинган чоғларида «ҳакими ҳозиқ» билан Абул Ҳасанак шу хонада истироҳат қилишар эмиш.

Вазир аъзам хуфиянинг сўзини эшитиб, тонг отгунда мижжа қоқмади, худди қават-қават шойи кўрпаларда эмас, тиканда ётгандек ағанаб чиқди.

Йўқ, Али Ғариб ҳеч қачон худованди каримнинг қудратига шак келтирган эмас. Ва лекин, ўзини кимсан «ҳазрати ибн Сино» деб, аҳли мўминни чалғитиб юрган бу фирибгар табибнинг дорулари султоннинг давосиз дардига даво бўлиши! Бу дорулардан шифо топган офтоби оламнинг у маккорга баркаш-баркаш олтину вабоҳирлар инъом қилиб, устига зарбоф тўнлар ёпиши! Еу баттол табибни топган Али Ғариб бир четда қолиб, барча эҳсонларни яратган эгам жамол бериб, ақл бермаган анов ҳезалак вазирнинг олиши! Дарҳақиқат, тескари дунё деганлари рост экан бу дунёни!

Бугун пешинда саломхонага тўсатдан Хатлибегим кириб келди. Эгинда узун қора бахмал кўйлак ва тугма ўрнига ишжулар қадалган қора духоба мурсак, бошида зар сочилган қора ипак рўмол, Хатлибегим чеккадаги юмшоқ курсида ўтирган Али Ғарибга бир ўқрайиб қаради-да, унинг саломига алик ҳам олмасдан, шабистон томон йўналди. Бироқ эшикда турган икки маҳрам ақл бовар қилмас бир бетакаллуфлик билан бегимнинг йўлини тўсишди.

Хатлибегимнинг упу суртилган қорамтир юзидан қони қочиб, сурма тортган қисқ кўзлари чарақлаб кетди.

— Мени танидингларму итбаччалар ё кўзларинг кўрму?

— Танидик, олийҳиммат она бегим, танидик. Ва лекин... ижозат йўқ, она бегим...

— Ижозат бўлмаса кириб арз қил!..

— Арз қилиб бўлмас, она бегим!

— Ким бор хилватхонада? Дарҳол хабар бер: офтоби оламдан ҳол сўргани Хатлибегим қадам ранжида қилмиш, деб айт, итбачча!

Нимаси биландур Абул Ҳасанакка ўхшаб кетадиган хушсурат эшик оғаси ранги оқарганича хилватхонага кириб кетди. Хатлибегим эса кескин бурилиб, вазири аъзамга қаради, гўё уни эндигина кўргандай, шитоб билан юриб, олдига борди.

Али Ғариб саломхонанинг тўридаги кичкинагина ўймакор эшик томон чекиниб, чоғроқ хонага кирди. Орқасидан Хатлибегим ҳам кирди, эшикни зич ёпиб, бош вазирнинг кўзларига тик қаради:

— Бу саройда... бу салтанатда не юмушлар содир бўлмоқда, жаноби вазири аъзам?

— Фақир... фақир ҳам ҳайрону ҳайратдамен, бегим!

— Ҳайратдасен! Ҳамма балога бош бўлиб, энди ҳайратдасен, вазири аъзам! Қим бор хилватхонада?

— Анов... Абул Ҳасанак.

— Абул Ҳасанак? Анов хотинчалиш ҳезалак вазир? Тагин ким?

— Тагин... ҳақими даврон... ҳазрат ибн Сино!

— Ибн Синоми ё... ўзини ибн Сино деб, аҳли мўминни чалғитиб юрган бир муттаҳамми?

— Она бегим! Олийҳиммат бегим!— деди Али Ғариб зорли илтижо билан.— Авваламбор, яратган эгам, қолаверса, шу ҳақими давроннинг муолажаси сабаб, офтоби оламга ёпишган балойи офат, иншоолло, даф бўлмиш. Амрал мўъмининнинг аҳволи руҳияси яхши, кўнгли равшан топмиш. Иншоолло...

— Яхши бўлса... нечун бу ит эмган қулбаччалар йўлимни тўсади? Ё Хатлибегим билан султон Маҳмуд бир қурсоқдан тушмаганму? Яминуддавла амир Сабуктегиннинг пуштикамаридан бўлган зурриёт эмасму Хатлибегим?

— Бегим! Олийҳиммат бегим!..

— Олийҳиммат!— деди Хатлибегим масхараомуз.— Агар бу табиб ўша... ҳаммага маълум ва машҳур ибн Сино ҳазратлари бўлса... нечун уни аҳли мардумдан пинҳон тутасиз?

— Бегим!

— Нечун мавлоно Абу Райҳон Берунийдан яширдингиз уни? Ё бу икки аллома дўсту биродар эканидан хабарлари йўқму жанобларининг?

— Олло шоҳид!— деди бош вазир мунчоқ кўзларини шифтдаги туйнукка тикиб.— Улимдан хабарим бор ва лекин бундан хабарим йўқ, бегим.

— Маликул шароб қайда?

— Маликул шароб?— Бош вазир жавоб бериб улгурмади, шу пайт эшик очилиб, бўсағада ранги оқарган эшик оғаси пайдо бўлди.

— Олийҳиммат бегим, афв этсинлар. Қиришга ижозат бўлмади!

Хатлибегим, худди бехосдан зарб еган одамдай, турган жойида чайқалиб кетди-ю, юмшоқ курсининг нақшинкор суянчиғини чангаллаб олди. Афтидан, эшик оғасининг сўзи умрида рад жавобини эшитмаган бу шаддод хотинга маломат тошидан ҳам қаттиқ теккан эди. Бегимнинг тирноқларига хина қўйилган узун қорамтир бармоқлари курси суянчиғида дир-дир титрар,

юпқа лаблари худди яраланган қуш қанотларидай пир-пираб учарди.

— Бу сўзни ким айтди сенга, эшик оғаси? Анов ҳез... ҳезбачча вазирми ё...

— Ҳар иккови, бегим. Вазир ҳам, ул ҳақими замон... ҳазрат ибн Сино ҳам! Олампаноҳнинг ўзлари ҳам бегимни кўришга рўйхушлик бермаган эмишлар!

— Ёлгон! Ёлгон сўз бу, эшик оғаси! Даф бўл кўзимдан!— Хатлибегим шартта бурилиб, вазири аъзамга қаради. Бурилганда бўйнидаги қат-қат зебигардон ва марварид шодалари, қулоқларидаги ёқут кўзли олтин сирғалари нафис жаранглаб кетди-ю, юксак қуббасимон шифтга ғалати акс-садо берди.

— Вазири аъзам!— деди Хатлибегим. Унинг овози бирдан ўзгариб, вазмин ва совуқ оҳанг касб этди.— Ул ҳезалак вазир билан сенинг бахтингга амирал мўъминин шифо топғай! Агар мабодо бу қабиҳ юмушларинг, бу ҳийлаи найрангларинг сабаб... бир фалокат юз берса!..

— Она бегим!— Али Ғариб қўлларини кўкка чўзиб тўсатдан ерга тиз чўкди.— Сизнинг қаҳрингиз фақирни чўчитади, бегим! Олло таоло ўзи етказган бу нажст фариштасини маккорга чиқариб, фақирни найрангбоз дейсиз! Ёзуғим не менинг? Ёзуғим етти иқлимни оёққа турғазиб, чопар устига чопар, элчи йўллаб топтириб келганимми бу ҳақими ҳозиқни?

Эшикка борган Хатлибегим кескин ўгирилиб қаради:

— Шу сўзларинг рост бўлса... каломуллон шарифни ўпиб қасамёд қиласен!

— Ё жаббор! Ё халлоқ!— деди Али Ғариб, ҳамон кўкка қўл чўзиб.— Қасамёд қиламен!

— Қасамёд қилсанг... эртага мавлоно Абу Райҳонни саройга йўллаймен. Мавлоно бу ҳақими даврон билан суҳбат қуриб, изҳори ихлос қилажак! Мен оғамнинг, бир қурсоқдан тушган ёлғиз оғамнинг аҳволи руҳиясини билмоғим даркор, унинг дийдорини кўрмоғим лозим.

Хатлибегим, қора рўмол ўралган такаббур бошини баланд кўтарганича, шитоб билан юриб хонадан чиқди. Вазири аъзам эса, ўрнидан туришга мажоли етмай, ўтирган жойида ўтириб қолди. Бу ўктам, эркакшода хотин уни ёмон кўришини, унинг биттаю битта мақсади оғаси ўрнига суюкли жияни амир Масъудни тахтга кўтариш эканини вазири аъзам яхши билади. Амир

Сабуктегиннинг, — олло унинг гуноҳларини кечиргай! — ёлғиз қизи, султони салотиннинг суюкли синглиси бўлмиш бу такаббур бегимнинг бош суқмаган иши йўқ, саройда соҳибн девон Абу Наср Мишкан каби ўз одамлари, аркони ҳарб ва аркони давлат орасида ўз тарафдорлари, ўз хуфиялари бор. Вазири аъзам бунн билади, жуда яхши билади, бироқ шундай бўлса ҳам, унинг бунчалик қаҳри қаттиқ эканни биринчи кўриши!

Мавлоно Абу Райҳонни юборар эмиш! Топган сўзини қаранг бу фариштасиз алвастининг!

Али Ғариб билади: бу занжибашара алвасти билан ўша даҳрий мавлоно Беруний орасида пинҳоний бир сир бор. У такаббур алломанинг бошига мушкул тушса, бас, бу жодугар дарҳол ҳозир у нозир бўлади, дарҳол уни ўз паноҳига олади. Мана, яқинда ул бетавфиқ мавлоно султоннинг ғазабига дучор бўлиб, «Қалъаи қаҳр»га тушганида ҳам уни шу ёсуман қутқариб олди, қўлига фармон тутқазиб, мажзий мушриф билан «ҳакими даврон»ни қарши олгани жўнатди. Ёлғиз Беруний эмас, анов шаккок шоир Маликул шаробни ҳам қўлга олди. «Матти тулки», деб ном чиқарган бош девон соҳибн Абу Наср Мишканин ишга солиб, у майнараст шоирни зиндондан чиқарди ва Абу Райҳоннинг орқасидан югуртирди!

Яхшиямки, вазири аъзамнинг хуфиялари бу жодугарнинг хуфияларидан чаптастроқ экан, ҳамма ишнинг олдини олишга муваффақ бўлишди. «Ҳакими даврон» аталмиш бу сохта ибн Синони таниб қолиши мумкин бўлган одам борки, ҳаммасининг қайта ҳибсга солди. Энди бу «ҳакими замон»ни танийдиган бирдан-бир одам қолди, у ҳам бўлса мана шу алвасти айтган имонсиз Беруний!

«Осий бандангни ўзинг кечиргайсен, э яратган эгам! Али Ғариб не қилмасин, сенинг ердаги соянг бўлмиш амирал муслиминга меҳру садоқат азмида қилди. Мана ҳозир ҳам изҳори ихлос аҳдида унинг остонасида тиз чўкиб ўлтирибди. Фақирдан фақат яхшилик кўрган бу кўрнамаклар эса, уни хор қилиб, устига чиқиб олдилар! Ахир бу не ҳақорат? Не кўргулик? Қайси гуноҳлари учун бу интиқомни раво кўрасен, э худованди карим?...»

Вазири аъзам яқинлашаётган оёқ товушларини эшитиб апил-тапил ўрнидан турди. Эшикка, кўзлари ҳадиқ билан жавдираб... Абул Ҳасанак турарди.

— Анов... қарн ёсуман даф бўлдиму?

— Даф бўлди.

— Хайрият!— Абул Ҳасанакнинг лабларига аллақандай истеҳзо аралаш шўх кулгу югурди.— Фақирни кечиргайсиз, тақсирим! Ул ҳакими даврон, «ибн Сино ҳазратлари»нинг хоҳиши шу эди!

— Каминага «ҳакими даврон» эмас, офтоби оламдан сўзланг, жаноб вазир!

— Офтоби олам отдайдурлар!

— Отдай?

— Шундайким, кўнгиллари май ва моҳ¹ тиламиш! Ҳозир машваратхонага қирқ гулидан бир гули очилмаган соҳибжамоллар, созанда ва навозандалар йиғилур!

— Созанда ва навозандалар? Ҳазил-мутойибанинги ўрни эмас, жаноб...

— Ҳазил-мутойиба?— Абул Ҳасанак мастона қиқирлаб кулди-да, эшикни ёпиб шивир-шивирга ўтди.— Бу ҳакими ҳозик сиз топган сохта ибн Сино эмас, ўшал, оламга машҳур ва маълум чин ибн Сионинг ўзгинасидур, тақсири олам. Шундайким, бу алломаи замон минг бир дардга даво топғусидир, ҳаттоким (олло ўзи афв этгай!) ўликни тирилтирмаққа қодирдурлар. Инон-масангиз орқамдан юринг, тақсирим!

Абул Ҳасанак билан Али Ғариб саломхонага, саломхонадан хилватхонага, ундан машваратхонага ўтдилар.

Баланд қуббасимон шифтига беҳисоб биллур қандиллар осилган ўрдадай кенг, муаззам машваратхонанинг тўридаги сержило олтин тахт ўрнига улкан сўри ўрнатилиб, унга лоларанг ипак гиламлар, гиламлар устига қат-қат шойи кўрпачалар ёзилган эди. Бу кўрпачаларда... офтоби олам оқ парқу ёстиқларга ёнбошлаб ётарди... Султоннинг ўнг томонида эғнида банорас тўн, бошида мўрисимон кўк духоба тақя устидан симобий салла ўраб олган «ҳакими даврон»... ибн Шаҳвоний чордана қуриб ўтирар, чап томондан эса шоир Унсурий жой олган. Уларнинг олдидаги дастурхонда нозик гнёҳлар бўйини таратган қип-қизил бедана кабоблар, арча ҳиди уфурган қовурмалар, нафис ёқут ва фируза ликопчаларда олтиндай товланган шиннилар, гулдор чиний тақсимчаларда юз хил ширинликлар, шафақранг май, гулоб ва шарбатлар тўла биллур идишлар саф тортган.

Машваратхонанинги тўрт бурчагидаги тўртта ёқут косалардан ҳарир кўкимтир тутун кўтарилар, тутун билан бирга мушк-анбар, арча, кийик ўти, райҳон ва яна

¹ Ой юзли малак маъносида.

қандайдир доривор гиёҳларнинг ўткир ва хушбўй ҳиди димоққа гуп-гуп урарди.

Султон, эшикда пайдо бўлган бош вазирни кўриб, фавқулодда чаққон ҳаракат билан қаддини ростлаб ўтирди, қовоқлари шишган киприксиз кўзлари аллақандай сузилиб:

— Офарин сендай вазири аъзамга!— деб заҳарханда қилди.— Сенга ўхшаш суянган тоғларим камнага гўр қазиб, кафан бичиб юрган эдинглар. Мана, яратган эгам ўз иноятини дариг тутмай, ҳакими даврон... ибн Сино ҳазратларини етказди...

Султоннинг ранг-рўйи унча ўзгармаса ҳам, қуриган теракдай қоқсуяк гавдасида қандайдир пинҳоний бир куч, кишини таҳликага солгувчи аввалги шиддат пайдо бўлган, кунни кечагина пилиги пасайтирилган чироғдай милтираб турган қисик кўзлари бугун қайта чақнаб-чарақлаб кетганди.

Али Ғариб, вужудини совуқ тер босиб, сўри олди-га чўккалади.

— Офтоби олам! Иншоолло, арзи ихлосингиз яратганнинг қудрат қулоғига бориб етгай! Ҳазрат ибн Синони етказган ул сарвари коинот сиздай амирал муслиминни ўз ҳифзи ҳимоятига олиб, барча балои наҳсларни даф қилгай! Умри саодатингизга саодат қўшгай! Ғанимларингиз куйиб, хешу ақраболарингиз хушнуд бўлгай! Илоҳи омин...

— Омин!.. Урнингдан тур, Али Ғариб! Фақирга ўз садоқатингни изҳор қиладурғон саодатли онлар келди!

Али Ғариб, қўли кўксига, журъатсизгина ўрнидан туриб, шойи кўрпачалар тўшалган сўри чеккасига омонатгина ўтирди. Утираркан, шоир Унсурийнинг лабларида билинар-билимас табассум жилва қилганини кўриб қолди. Соқол-мўйловини қайчилаб, аллақандай яшариб кетган Унсурий Абдул Ҳасанак билан негачир ўғринча кўз уриштириб олди.

«Ё раб! Бу не имо-ишора! Не савдо?»

— Садоқати зоҳир қулингиз тоабад хизматингизга мунтазирмен, олампаноҳ!

— Мунтазир бўлсанг... бир хизмат борким, уни сидқидилдан отқарсанг тоабад миннатдор бўламен. У дунёбу дунё бу яхшилгингни унутмаймен.

— Бош устига, давлатпаноҳ!

— Бош устига бўлса... ул неъмат, яъники, маликул калом Унсурий айтган неъмат илоҳий ёдингдами, Али Ғариб?

— Неъмати илоҳий?

— Ҳа, мана бу китобда битилган неъмати илоҳий!— шоир Унсурий хонтахта остидан кўк сахтиён жилдли оғир китобни қўлига олиб Али Ғарибга юзланди.— Ёдингизда борми, бундан бир ой муқаддам шу масалада машварат чақирилган эди. Ҳеч бир аллома бу жумбоққа жавоб топмаган, анов алломай гумроҳ Абу Райҳон эса бу китобда битилган сўзларни чўпчакка чиқарган эди...

— Чўпчак? Ҳазар, алҳазар!— Боядан бери қандайдир улуғвор сукутга чўмиб ўтирган «ҳакими даврон» ўйчан нигоҳини ердан узиб, шифтга тикди.— Ҳиндлар юртида неча йил юриб, ул «неъмати илоҳий» қайда ни билмаса? Ҳазар, алҳазар ундай алломай замонга!

Миттигина чиний пиёлага «қулт-қулт» шароб қуяётган Абул Ҳасанак ялт этиб «ҳакими даврон»га қаради.

— Чақирмоқ керак уни! Чақириб адабнинг бермоқ даркор унинг!

— Йўқ-йўқ,— деди «ҳакими даврон», нимадандир ҳадиксираб.— Камина ундай гумроҳлар билан юз кўришишдан ҳазар қиламен! Ёдингизда бўлсин, жаноби вазир! Ул «неъмати илоҳий» Кўҳи Сарандипда ўсадур! Ҳа, ўшал, Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан кейин макон қилган Кўҳи Сарандипда ўсадур!.. Кўҳи Сарандип эса Ҳиндистон билан Чин ўртасидадур. Яъники, Ҳиндистон сарҳадидан ўтгач, ҳамиша машриққа юз тутиб, отда қирқ кечаю қирқ кундуз юрасиз. Қирқ шаҳар, қирқ наҳр ва қирқ тоғдан ошиб тушасиз. Шунда нигоҳингиз олдида бир уммон намоён бўлурким, кемага тушиб, яна қирқ кун сузасиз. Сўнг кўз олдингизда қирқ орол намоён бўлур. Қирқ оролнинг ўртасида гўзалликда тенгсиз бир орол, оролда эса одам алайҳиссалом макон қурган Кўҳи Сарандип зуҳур бўлурким, унда ўшал мўъжиза дарахт, яъники, ул сарвари коинотнинг қудрати билан яралган «неъмати илоҳий» ўсадур!

— Отда қирқ кун, кемада қирқ кун — ҳеч вақо эмас!— Абул Ҳасанак қўлидаги пиёлани бўшатиб, шоир Унсурийга ер остида ўғринча бир қараб қўйди.— Вазир аъзам жаноблари бундай сафарларга ўрганиб қолгандурлар!

— Балли!— деди шоир Унсурий.— Тожу тахтимизнинг шону шавкати, динул исломнинг дасти шамшири, салтанатнинг фахри ифтихори офтоби оламнинг саломатлиги йўлида чекилган ҳар қанча заҳмат ҳар бир сadoқати боқий маҳрам учун роҳату фароғатдур!

«Во дариг! Нечун мен бу ширинзабон тўтиқушнинг шакар тилини ўз вақтида суғуриб олмадим, суғуриб олиб, итларга ташламадим! Нечун?»

«Ҳакими даврон» ҳазратлари виқор ва салобат билан ўтирган жойида бир тебраниб:

— Офарин сизга, маликул калом!— деб хитоб қилди.— Баҳодирлигу диловарликда ягона бўлмиш офтоби оламнинг сиҳати йўлида ҳар қанча гурбат чексак — оз! Зероки, ул неъматини илҳоний шундайким...

— Уликни тирилтирадур!..

— Йўқ!..— деди Абу Шилқим ибн Шаҳвоний аста бош тебратиб. Унинг аллақандай виқорли, хушсурат чехрасида сокин ва хиёл ғамгин бир ифода зуҳур бўлди.— Улим — ҳукми оллодур! Ва лекин, тупроқдан лой қориб Одам Атони яратган, сўнг, нафасидан уфуриб жон ато қилган худованди карим шундай неъмат ҳам яратмишким, бу неъматини боқийни қирқ кун ҳар лайлу наҳор истеъмол қилган бандаси... хаста бўлса минг бир дардига даво топадур, кекса бўлса қирчиллама йиғитга айланадур.

Шоир Унсурий негадир кўзига ёш олиб

— Офарин сизга, ибн Сино ҳазратлари!— деб хитоб қилди.

— Офтоби олам!— деди Абул Ҳасанак,— қирқ яшар чоғингиз ёдингиздаму?

— Фақирнинг ёдида!— шоир Унсурий ўрнидан туриб, таъзим бажо келтирди.— Қирқ ёшида олампаноҳ Ҳиндистонни забт этиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрни тиз чўктирганлар!

Абул Ҳасанакнинг мастона сузилган кўзларида шўх учқунлар жилва қилди:

— Ҳиндистон эмас, ҳинд паривашларининг қалбларини забт этганлар! Хуросон эмас, Хуросоннинг оҳу кўзли соҳибжамолларини, Мовароуннаҳр эмас, Мовароуннаҳрнинг бодомқовоқ ҳуриликларини ром қилганлар дег, маликул калом!..

Вазири аъзам кўз остида султонга ўғринча назар ташлади. Султон, сийрак мўйловининг учлари пастга осилиб, кўзлари сузилиб ётар, бир қарашда беҳол йиқилиб қолган ширакайф одамга ўхшарди.

Али Ғарибнинг ўғринча назар ташлаганини кўриб қолган «ҳакими даврон» негадир безовталаниб, банорас тўнининг чўнтагидан тўрт букланган зарварақ қоғоз олиб ёзди-да, ундан майиздеккина бир нарсани олиб, султонга узатди.

— Банияти шифо, давлатпаноҳ! Яхши ният қилиб, бу доруни ичиб юборинг. Инчунин, бу дору «неъмат илоҳий»нинг айни ўзи бўлмаса ҳам, унинг инсидури! «Ё тавба, доруми бу ё афюнми?»

Султон Абул Ҳасанак тутган бир пиёла шарбат билан дорини ичиб юборди-да, бир неча дақиқа кўзларини юмиб қимир этмай ўтирди. Султон билан бирга «ҳакими даврон» ҳам унга тикилганича қотиб қолди. Ниҳоят, султоннинг кўкимтир сарғиш юзига сезилар-сезилмас қизиллик югурди. Буни кўрган ибн Шаҳвоний енгил тортиб, Абул Ҳасанакка қаради. Абул Ҳасанак ҳам «офарин сизга» дегандек унга қараб бир жилмайиб қўйди.

Ниҳоят, султон қисик кўзларини очди. У худди бошқа бир оламга парвоз қилиб қайтган одамдек атрофига аллақандай ҳадик ва қўрқув билан қаради-ю, кўзи вазири аъзамга тушиб:

— Ҳа!— деди ниманидир эслаб.— Сенга уч кун муҳлат, қари тулки! Истаган ғулом, истаган от-улов, истаган ганжингни ол! Девони давлатнинг номидан барча вилоят ва музофот ҳокимларига фармони олий йўлла! Кўҳи Сарандипга бориб ул неъмат илоҳийни олиб келмоқ учун неки ёрдам даркор бўлса — барини муҳайё қилсинлар сенга! Сўзим аёнму?

— Аён, валинеъмат!..

«Э худо! Иблисни жиловлаб минган бу баттол табибни қай гўрдан топдим? Бир балон ногаҳондан қутуламен деб, бошимга минг балон ногаҳон орттирдим».

— Аён бўлса, дарҳол йўлга чиқ! Қирқ кечаю қирқ кундуз уёққа, қирқ кечаю қирқ кундуз буёққа, жамики саксон кунда ҳакими даврон ҳазратлари айтган неъмат илоҳийни дастурхоним устига қўясен!

Вазири аъзам, тили лол, қулоғи кар, ҳайкалдай қотиб қолди. У тўсатдан тиз чўкиб ёлворгиси, неъмат илоҳий ҳақидаги бу гапларгина эмас, рўпарада савлат тўкиб ўтирган «ҳакими даврон»нинг ўзи ҳам авомни чалғитиб юрган сохта табиб эканини айтгиси, бунинг ҳаммасини ўзи ўйлаб топганига иқрор бўлгиси келди. Лекин бу фикр хаёлига қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тез даф бўлди. Э воҳ, энди бу гапларни гапирмоқ тугул учини ҳам чиқариб бўлмас эди!..

Тўсатдан, султон ёстиғи тағидан тилла шақилдоғини олиб шақиллатди:

— Тағин бир баркаш олтин, тағин бир зарбоф тўн! Али Фарибнинг вужудини зирқиратган оғриқ хиёл тар-

қади. У умрида кўп зарбоф тўнлар кийган, беҳисоб олтинлар олган, бироқ ҳар сафар, офтоби оламнинг табаррук қўлларидан янги тўн кийиб, янги инъомлар олганида аъзойи бадани яйраб, кўзидан ёш чиқиб кетарди...

Зум ўтмай, эшик оғаси елкасида зарбоф тўн, қўлида бир баркаш олтин, таъзим қилиб кириб келди. Буни кўрган вазири аъзам вужудига иссиқ ҳаяжон югуриб ўрнидан турди, турди-ю, келтирилган инъомлар унга эмас, «ҳақими даврон»га аталганини сезиб, суратдай қотиб қолди.

Абул Ҳасанак, ўрнидан сакраб туриб, эшик оғасининг қўлидан зарбоф тўнни олди-да, таъзим билан «ҳақими даврон»га тутди. Шоир Унсурий эса, худди кумуш баркашда олтин эмас, «неъмат илоҳий» уйиб қўйилгандай тамшана-тамшана лаганни қўлига олди.

— Олтин муборак, ҳазратим!

— Сарупо муборак, ҳазратим!

Ибн Шаҳвоний елкасига ташланган зарбоф тўнни тўғрилаб, олтин баркашни оларкан, ҳамон ўша виқор ва ўша салобат билан бош эгди.

— Тоабат миннатдормен, олампаноҳ!

— Ташаккур, ҳазратим! Хаста жисмимга ёпишган бу балои наҳсдан фориг бўлган куним олтину жавоҳирга кўмамен сизни! Зеро, итингизнинг товоғигача олтин бўлсин! Тағин не тилагингиз бор, сўзланг, ҳазратим, ҳаммаси муҳайё бўлур!

«Ҳақими даврон» сирли жилмайиб, сиполик билан бош эгди:

— Фақир... сиз офтоби оламнинг саломатлигидан бошқа тилагим йўқдур, олампаноҳ. Ва лекин бани одамнинг саломатлиги ёлғиз унинг жисми эмас, руҳига ҳам боғлиқдур, валинеъмат! Инчунин, кўнгил нечоғлиқ равшан, дил нечоғлиқ сафо бўлса, жисм ҳам шунчалик тек дўлғусидир. Шу боисдан фақир ҳақир истар эдимки, бу қасри олийда ҳеч бир ғам-андуҳ макон қурмаса! Билъакс, Ғазна мунавварада неки машҳур ва маълум хонанда ва созанда бўлса, барчаси шу даргоҳи муаззамга йиғилса! Соз чалиб, сиз олампаноҳнинг кўнглини хушласа! Ҳарамингизда неки ёш канизлар бўлса, бу давран саодатда гул-гул яшнаб, хиромон айласа! Токи, уларнинг чехран шамсларини кўриб, қалбингизда йигитлик истаги жўш урса! Томирларингиздаги қонингиз кўпириб, васлингиз ишқида ёнган ул офатнжонларга саодат ато қилсангиз!

Абул Ҳасанак ширакайф кўзларини сўзиб:

— Офарин, ҳакими даврон!— деб хитоб қилди. Унга шоир Унсурий жўр бўлди:

— Тасанно сизга, ҳакими ҳозиқ! Фақат илми ҳикмат бобида эмас, шакаргуфторлик бобида ҳам фақир сиздан мот бўлдим, мот!

Али Ғариб султонга яна ўғринча назар солди. Султон, кўзлари сузилиб, сирли ишшайиб ўтирар, афтидан, бояги майиздеккина нарса уни ғалати бир ҳолга солиб қўйган эди. «Э, яратган эгам! Бу не ҳол, не ҳодиса! Мен ақлимдан оздимми ё ғафлат тузоғига тушган бу телбалар ақли ҳушларидан айрилиб, ғирт тентак бўлдимиз?»

— Дарҳақиқат, май ва маҳбубда сир кўп!— «Ҳакими даврон» кўзлари ҳайрат ва илҳом билан порлаб султонга юзланди:— Офтоби олам ижозат берсалар, ибратли бир ривоят сўзлаб берсам. Инчунин, бундан бешолти йил муқаддам эски ганимингиз, Бухоро ҳокими Алитегин фисқи фасод гзпларга инониб, каминани зиндонга ташлади. Зиндонким, унга қирқ зина билан тушилади! Садоқатли қулингиз бу жаҳаннамда қирқ кун илону чаёнларга ем бўлиб ётдим. Аммо олло таоло фақирга раҳм қилди. Яъники, қирқ кун деганда ул саҳронишин амир шундай бир давосиз дардга чалиндиким, ноилож тағин каминаи камтаринга ёлвориб келди! Шунда фақир унга шарт қўйдим: зиндонга тушадурғон қирқ зинанинг ҳар бирида онаси ўпмаган бир соҳибжамол турсин! Ва ҳар бирининг қўлида бир пиёла май бўлсин! Не чора, давосиз дард сабаб, ул баттол фақирнинг шартларини рад қилиш чорасини топмади. Камина эса, қирқ кунда адои тамом бўлғон камина эса... қирқ зинанинг ҳар пиллапоясида бир тўхтадим, соҳибжамол тутган майдан бир ҳўплаб, гулғунча лабларидан бир бўса олдим. Ва шу йўсин май ва бўса ёрдамида зинама-зина кўтарилдим. Сизга ёлғон, оллога чин, олампаҳо, қирқ ҳўплам май билан гул ёзли нозанинлар лабидан олган қирқ бўса сабаб, беҳол жисмимга шундай бир қувват ато бўлдиким, қирқинчи пиллапояга етганимда отдай бўлиб, зиндондан ўзим сакраб чиқиб кетдим, олампаҳо!

— Ақли шуурларига тасанно ҳазратимнинг!— Абул Ҳасанак билан шоир Унсурийнинг кетма-кет хитоблари машваратхонани янграб юборди.

Султон ҳам ўрнidan қўзғалиб:

— Қани ўшал офатихон нозанинлар?— деб сўради, сўради-ю, нигоҳи бош вазирга тушиб, қийғоч кўзлари тўсатдан чексиз бир қувонч билан чарақлаб кетди.—

Келдингми, вазири аъзам? Олиб келдингми ул неъмаги илоҳийни?

Ҳамма баробар бурилиб султонга қаради, ҳамма-нинг, ҳатто ширакайф Абул Ҳасанакнинг кўзларида ҳам қўрқув ва саросима акс этди. Машваратхонага бирдан жимлик чўкди, бу жимликда эшик орқасидан чилдирманинг даранг-дурунги, сетор ва ғижжакларнинг ғит-ғити эшитилди, аёлларнинг пиқ-пиқ кулгуси, зеби зийнатларнинг нозик жаранги қулоққа чалинди.

Вазири аъзам, тирноқларигача музлаб, ерга тиз чўкди.

— Олампаноҳ! Бир қошиқ қонимдан кечинг, олампаноҳ!

— Ҳануз топиб келмадингми ул неъмати илоҳийни? Ҳануз ивирсиб юрибсенми бу ерда? Йўқол! Даф бўл кўзимдан, баттол!

Абул Ҳасанак ўрнидан сакраб турди-да, гиламда юмалаб ётган вазири аъзамнинг кетига бир тепди.

— Даф бўл, маккор!

— Даф бўл!..

Вазири аъзам, кўзида ёш, апил-тапил ўрнидан туриб, эшик томон пилдиради. Саломхонада чилдирманинг гижбанги авжга чиқмоқда, дотор ва сеторларнинг даранг-дурунги, раққосаларнинг шўх кулгуси янграрди.

Йигирма тўртинчи боб

1

«Амир Масъуд фармон қилганидек уч ҳафта эмас, тўртинчи ҳафтанинг чоршанба кунин намози асрда Ғазна яқинидаги бир бекатга келиб тушдик. Айтишларича, Ғазнага ярим кунлик йўл қолган эмиш. Ҳар кунгидек, эртага субҳи содиқ йўлга чиқсак, пешинга қолмай Ғазна мунавварага кириб борар эканмиз.

Ёпирай! Босиб ўтган йўлни ўйласам... ҳайратдан ёқамни ушлаймен. Салкам тўрт ҳафта туну кун баббаробар от сурибмиз. Бахтимизга, фасли баҳор яхши келди, оллонинг инояти билан кунлар илиқ бўлди. Фақат ғурийлар юртининг чуқур даралар ва қорли тоғларидан ўтиш чоғида кўп азият чекдик.

Бу тоғлару тубсиз дараларда қор кетмаган экан, шундай жойлар бўлдики, отлар қоринларигача қорга ботиб қолди. Агар навкарлар ғайратли, отлар ярамли бўлмаганда, эҳтимол, жисмимиз бу тоғу тошлар ора-

сида яхлаб, руҳимиз у боқий дунёга парвоз қиларди. Аммо ойнанинг ярми қоронғу бўлса, ярми ёруғ деганларича бор экан. Бу уқубатлар эвазига узоқ йўлда шундай фусункор жойлар учрадики, бу кўм-кўк қирлар, чаман гуллаган боғу роғлар, ҳадсиз-ҳудудсиз яйловларни кўриб, бу фоний дунёнинг кўрку жамолига лол қолдик. Алхусус, Ҳирот теваараклари гўзалликда беназир экан. Бу музофотнинг машриқ томонидаги Боғдис водийсидан ҳисобсиз серсув тиниқ дарёчалар оқиб ўтар экан. Бу дарёчалар оралиғидаги ўтлоқларни кўриб кўзингиз тўймайди, боғлар, тоқзорлар, экинзорлар бир-бирига туташиб кетган, ҳаммаёқ кўм-кўк, мусаффо, ҳар қадамда зилол чашма. Шундайким, бу тиниқ чашмаларга ҳавзи кавсар ҳам тенг келолмас.

Боя ғурийлар юртининг қорли тоғларини айтдим. Дарҳақиқат, бу тоғлар бизга кўп азоб берди. Аммо осмони фалакка тиралган бу тоғлар оралиғида Бомиён деган бир воҳа бор эканким, уни бамисоли боғи фирдавс дейсиз.

Воҳанинг узунлиги нари борса уч-тўрт фарсанг, кенглиги кўп бўлса бир фарсанг келар. Бироқ унинг қоқ ўртасидан серсув дарё шарқираб оқиб ётар экан, дарёнинг икки қирғоғи гўзалликда тенгсиз, бепоён бир боғким, кирсангиз чиққингиз келмайди. Бу кўркам боғларга шундай тартиб берилганким, унда шафтолзордан хурмозорга, хурмозордан бодомзорга, бодомзордан узумзорга ўтасиз. Ҳаммаёқда булбуллар хониш қилади, ҳар қадамда ранг-баранг, ғаройиб қушлар пир-пир учади, ҳар бир дарахт тепасида лайлақлар қўниб ўтирибди.

Бу воҳанинг яна бир ғалати томони шундаким, дарёнинг икки ёнидаги харсангтошларга Будда деган ҳиндлар маъбудининг икки баҳайбат ҳайкали ўйиб ясалган. Бирининг бўйи камида юз газ келади, иккинчисиники 60 — 70 газ. Тошга ўйинган бу маъбудларнинг ёнларида беҳисоб ғорлар бўлиб, улар ҳам ғаройиб суратлар билан безатилган.

Хуллас калом, йўл азоби эвазига кўп ажойиб нарсаларни кўришга муяссар бўлдик.

Айтишларича, султоннинг энг чопқир дивсуворлари ҳар кун ийгирма-ўттиз фарсанг¹ йўл босиб, Ғазнадан Исфаҳонга икки ҳафтага қолмай кириб борар эмишлар. Улар тезчопар отларининг ёнига яна бир сара от-

¹ 150 — 180 километрга тўғри келади.

ни шатакка олиб, уларни навбатма-навбат минар экан, бекатларда эса, дивсуворлар учун махсус отлар шай турар эканми, етиб боришлари билан отлар алмашинар экан.

Бизга ҳам шу тартиб жорий этилди. Тартиб шундай эдиким, биздан олдин кетган дивсуворлар бекатларда энг сара отларни шай қилиб, кутиб турар эдилар. Биз етиб боришимиз билан чарчаган отларни топшириб, янги отларга минар эдик. Бир неча музофотларда эса от ўрнига югурук туялар бердилар. Шайх югурук туяларга илгари ҳам минган экан, камина минмаган эдим, бу ажаб ҳолни қаранги, югурук туялар югурмоққа киришса энг чопқир бедовларни ҳам ортда қолдириб кетар экан. Бедов чарчаса чарчар эканки, югурук туя чарчамас экан. Аммо, сабаби кексалик, югурук туялар бу сафар шайхга тўғри келмади. Зотан бу олис, сермашаққат йўл шайхни қаттиқ қийнаб, тамом ҳолдан тойдирди.

Гарчанд, шайх учун от ва туяларга махсус кажав ва маофа¹ ўрнатиб берсалар ҳам, гарчанд, йўлнинг бир қисмини соябон араваларда ўтса ҳам, сабаби кексалик, устод кўп азият чекди. Боз, вужуд қийноғига руҳий азоб қўшилиб, шайх кўп қийналди.

Дарҳақиқат, яхшиликка ёмонлик, деган кўҳна матал рост экан. Билъакс, шайхнинг муолижасидан шифо топган ноинсоф амир Масъуд лоақал уйига бориб, иниси Абу Маҳмуд тирикми, йўқми, хабар олишга ижозат бермасмиди? На иниси билан дийдор кўришишга ижозат этди, на симоб қуйди, деган тухмат билан зиндонга ташланган Бухоро малагини кўришга рухсат берди!..

Бу ерда не сир-асрор бор — ҳануз билмаймен, аммо бу шўрлик санамни кўришга ижозат бўлмагани шайхга айниқса қаттиқ тегди. Исфаҳондан Ғазнага кетадиган куни кечаси шайх мижджа қоқмай тор хужрада юриб чиқди. Субҳи содиқ ўн нафар навкарлар қуршовида йўлга чиқдик. Пули Шаҳристон кўпригидан ўтиб, Ҳирот дарвозаси томон йўл олдик. Қимсасиз кўчаларда ҳануз қора ўлат шарпаси ҳоким эди. Юзлари ва оғизларини қора мато билан ўраб олган қора кўлагалардан бошқа тирик бир жон кўринмас эди, улар ҳар жой-ҳар жойда юмалаб ётган мурдаларни араваларга ортиб юрар эдилар...

¹ Маофа — чармдан ясалган курсига ўхшаш ўриндиқ.

Биз Пули Шаҳристон кўпригидан ўтиб, ўнг қўлга бурилганимизда Қуйи Гунбаз гузарининг масчити ва масчит орқасидаги «Ҳисор» кутубхонасининг муаззам биноси кўринди. Кутубхонанинг юмалоқ гумбази ўпирилиб тушган, шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам бинонинг фақат баланд пештоқлари омон қолган эди, холос.

Шайх, икки кўзи гузарда, отининг жиловини тортиб тўхтатди. Унинг ҳовлиси кутубхонанинг орқасида, Қуйи Гунбаз гузарининг бошида, қўл чўзса тегадиган жойда эди. Бироқ олдинда бораётган чағиркўз шопмўйлов мушриф шайхнинг тўхтаганини кўриб, унинг ёнига бостириб келди-да, отининг сағрисига уст-устига қамчи урди. Шайх мушрифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди, гўё чағиркўз мушрифнинг қамчиси зарбидан тили соқов, қулоғи кар бўлиб қолди. Фақат ўн кунлар ўтиб, Ҳирот тоғлари ва гурийлар дарасидан чиқиб олганимиздан кейингина, чеҳраси хиёл ёришди. Кечалари кенг сайҳонликларда ёхуд улкан бекат чеккаларида тўхтаб, гулхан ёқиб пича ҳордиқ чиқарган чоғларимизда, унча-мунча гаплашадиган бўлди.

Биз ҳар куни камида йигирма фарсанг йўл босар эдик, аммо қанча йўл юриб, қаерга етиб қўнмайлик, ўшал жойга биздан олдин узунқулоқ гап етиб борар эди. Шундайким, биз етиб борган жойда бир қанча хасталар, майиб-мажруҳлар пайдо бўлиб қолар эди. Улар шайхнинг келаётганини қайдан билди, бу сир-асрорни кимдан эшитди — бу нарса ёлғиз оллога аён, аммо довосиз дардга мубтало бўлган бу шўрликлар дод-фарёд билан шайхнинг оёғига йиқилиб, нажот сўрар, навкарлар уриб-сўксалар ҳам кетмас эдилар. Шунда шайх навкарларни тўхтатиб, уларни даволашга киришар эди.

Зотан, шайх сафар чоғида ҳам ором не, ҳордиқ не — билмади, бир зум имкон бўлса, бас, йўлда учраган дашт гиёҳларини йиғар, парранда ва даррандаларни кузатар, гоҳида кўнглидаги ғам-андух хиёл тарқаб, дили равшан тортган чоғларида йўлдаги тоғ ва даралар ҳақида фикр юритар, чамамда, бу оғир йўлда ҳам у бўлгуси китобларини ўйлар эди!

Дарҳақиқат, шайх ҳатто рақиблар иғвоси билан «Фараж» қалъасига қамалганида ҳам фурсатни бекор ўтказмаган, туну кун мутолаа ва мушоҳада билан банд бўлган эди.

Қалъа беги ибн Яқзон инсофли, адолатли, диёнатли одам эди.

У шайхга «Фараж» қалъасидаги энг тинч, энг осулда хонани бўшатиб бериб, ош-сувидан хабар олиб турган, қоғоз-қалам — ҳаммасини муҳайё қилиб берган эди. Камина ҳар бомдод қалам-қоғозларни олиб шайхнинг ҳузурига кирар эдим. Шайх айтиб турар, мен эса ёзиб олар эдим, шу йўсин тўрт ой бу қалъада ётганимизда шайх ўзининг энг баркамол шеърӣ ва насрий асарларини ёзиб тугатган эди. «Ҳайӣ ибн Яқзон», «Қушлар рисоласи» ва «Саломон ва Ибсол» деган қиссаларини, кўп шеърлари, мусиқа бобидаги рисоласининг бош қисми ва мантиққа оид бир қанча асарларини шайх ўша қалъада, маҳбусликда битган эди. Кейинчалик шайх: «Бу дунёда бир ёмонликнинг бир яхшилиги ҳам бўлади, рақибларим иғбоси сабаб, «Фараж» қалъасига қамалмаганимда, эҳтимол, бу асарларим ёзилмас эди», деб кулиб юрган эди!..

Лекин «Фараж» қалъасида маҳбус бўлиб ётганида, шайх бир дақиқа ҳам ғам-андуҳ чекмаган эди. У маҳалда шайх ҳали ёш эди. Ҳар субҳи содиқ бошланган суҳбатларимиз гоҳо тун ярмигача, гоҳо тонг отгунча давом этар, кунлар қандай ўтганини билмас эдик. Энди эса шайх қаттиқ изтиробда эди. Унинг юрагини аллақандай пинҳоний бир алам, ҳеч кимга айтиб бўлмайдурган интиҳосиз бир дард туну кун каламушдай кемирар эди.

Бу пинҳоний дард сирларини эҳтимол ҳамшаҳари Шокалон билса, бироқ Шокалон Исфаҳонда қолиб кетди, шайх қанча ялғиниб-ёлвормасин, Шокалонни бирга олиб кетишга ижозат бўлмади.

Ҳар оқшом, саҳрода тўхтаб, гулхан ёқиб дам олишга чоғланган пайтларимизда, шайх йироқ-йироқларга кетади-да, танҳо узоқ айланиб юради.

Шайхга ором бермаган бу ғам-андуҳларнинг сабаби не? Буни мен кўп йиллардан кейин билдим. Маълум бўлишича, шайх ёшлик чоғларида амир Масъудга инъом қилиб юборилган бухоролик малакнинг онасига муҳаббат қўйган экан. Аммо тақдир азал сабаб, севгилиси билан қовуша олмаган экан. Шу боисдан ҳам Исфаҳонда, амир Масъуд зиндониде қолган шўрлик қизнинг қисмати унга ором бермай кўп қийналган экан.

Шояд энди шайхнинг омади келиб, султон сиҳат топса! Шайх эса юзи ёруғ бўлса! Шунда султон ҳам, эҳтимол, лутфи эҳсон кўрсатиб, тила тилагингни дер,

шайх эса ул бахтиқаро малакнинг жонини тилаб олар!..
Шояд шундай бўлса!..

Шайх қаттиқ чарчаган эди, бекатга келиб қўнишимиз билан ўз ҳужрасига кириб ётиб қолди, мен таом тайёрлашга киришдим».

(Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан.)

2

Йўл азоби — гўр азоби, деганлари бежиз эмас экан. Боз устига, Исфаҳондан чиққандан бери юрагини қий-малаган нотинч ўйлар, Шокалон айтган гаплар, амир Масъуд зиндонидан қолган Бўтакўзбегим қизининг тақдири — бунинг ҳаммаси дилига бир зум ором бермай тамом ҳолдан тойдирган экан, ибн Сино ҳужрага кириб чўзилди-ю, кўзи уйқуга кетди. Бироқ бу не? Кўзи илиниши билан қулоқлари остидан мунгли куйдай ҳазин бир овоз янгради:

«Мен шўрликни кечиргайсиз, ҳақим ҳазратлари! Кўз ёшимга раҳм қиладиган, зоримни эшитадиган бир кимсани тополмай, тағини сизга бўзлаб келдим!»

«Ё тавба! Бўтакўзбегим! Камина сени оламдан ўтган десам!..»

«Ҳа, мен оламдан ўтганмен, ҳазратим. Суягим Олой тоғларининг этагига қўйилмиш, Ўғуз тоғининг бағрига кўмилмиш!»

«Ё раб! Улган одам тирилиб келса! Бўтадай бўзлаб юрса!»

«Не қилай? Елғиз қизимнинг бошига тушган мусибатни билурсиз. Онаизор, бу мусибатни эшитиб, гўримда тинч ётолмадим, оҳ чекиб, оллога илтижо қилдим. Билмам, оҳим арши аълога бориб етдимми ё тошни эритган кўз ёшларим кўкни ҳам эритдимми, яратган эгам қайта жон ато қилди. Гўримдан чиқдимми бўтасидан айрилган оқ туядай бўзлаб, қизимни излаб Исфаҳонга бордим. Бироқ додимни эшитадиган тирик бир жон топмадим. Шу-шу, дилим вайрон, кўзим гирён, тагин ортингиздан қувлаб келдим, ҳазратим. Мен уни оллодан тилаб олган эдим. Сизнинг пуштикамарингиздан бўлмаса ҳам, сиздан бўлгандай суяр эдим уни!»

«Айтмасанг ҳам англадим буни. Ўзинг билган Шокалон айтди. Аммо не чора, бегим?»

«Не чора? Ушал машъум фироқ онлари ҳам «не чора», деб нолиган эдингиз, бугун яна нолийсиз. Бу не

бадбахт дунё экаики, ёмонликка чора бўлмаса? Мен ғарибнинг бошидан нелар кечгачини ҳеч бир кимса билмаса?»

«Сен ҳам билмайсен, бегим!..»

«Ўўқ, биламен. Мен шўрликни кўнглингиздан ўчириб, ўрнига китоблар битдингиз. Ҳақими даврон, деган ном чиқардингиз. Мен ғариб эсам... Дунёда Олой тоғларидай улкан тоғлар йўқ экан. Унинг қорларидай оппоқ қорлар кўрмадим, сувларидай ширин сувлар ичмадим, Олой яйловларидай кўркам яйловлар йўқ экан сламда! Мен эсам... кўзим йўлда, хаёлим Афшона қорларида, эрта кўклам сиз билан от суриб ўйнаган лолазор даштлар ишқида ой-йилларим ўтди, ой-йилларим ўтди! Кундуз кўзим тўрт: карвон йўлларига тикилдим, туяларда унсиз бўзлаб тонг оттирдим, сиз эса...»

«Сен ёзган китобларимни санайсен, орттирган шоншухратимни сўзлайсен. Мен эсам... сени бир кўрмоқ учун ёзган барча китобларим, орттирган барча шоншухратимдан воз кечар эдим! Бир дақиқа иккиланмай ҳаммасидан воз кечар эдим, бегим, азизим, кўз очиб кўрган севгилим!»

«Севгилим дедингиз! Шу сўзингиз рост бўлса... оллодан тилаб олган ёлғизимни сизга топширдим! Мана, султон Маҳмудни даволаш муродида Газнага йўл олибсиз. Мен ҳам ортингиздан бўзлаб келдим. Омадингиз юриб, султон шифо топса, додимни унга етказгайсиз! Ёдингизда бўлсин: сизнинг пуштикамарингиздан бўлмаса ҳам, сиздан бўлгандай севар эдим уни! Агар қизим бир нарса бўлса... суягим Олой тоғларида, арвоҳим қарғиш теккан Исфаҳонда, тоабад бўзлаб ўтамен, ҳазратим, бўзлаб ўтамен!..»

Ибн Сино аллақандай босинқираб уйғониб кетди. У деворларига қизил ипак гиламлар тутилган серҳашам ҳужрада ётар, тоқчалардаги шамларнинг аксари ўчирилган, ҳужра ғира-шира, фақат шифтдаги дўппидеккина туйнукдан оппоқ ёруғ юлдузлар чарақлаб турарди.

Ё тавба! Бу не? Тушими, ўнгими?

Ибн Сино туш кўриш ҳодисаси ҳақида кўп ўйлаган, унинг сирларини ўрганишга кўп уринган. Аммо... йўқ, бу туш эмас, назарда, у ҳозир тирик бегимни кўрган, унинг алам тўла таниш, мулойим овозини эшитган эди!..

...Ҳа, ўша куни, Исфаҳонга келиб, амир Масъуднинг қулоғини даволаган куни, у Бўтакўзбегимнинг қизини

кўриш умидида эди. Оғриқ азобидан қутулган амир уйқуга кетишдан аввал зиндон қилинган шўрлик малакни кўришга ижозат берган ҳам эди. Бироқ зиндонбон уни кўрсатиш учун амирнинг муҳри босилган фармони олий талаб қилди, бироқ амир уйқудан уйғониб, бу фармон олингунча саройда қандайдир бир воқеа содир бўлди, чамаси, ҳибсда ётган Қоракўзбегимни кўрсатиш у ёқда турсин, унинг ўзини ҳибсга олишди. Бир кеча ҳибсда сақлаб, эртасига тонг қоронғусида... қўл-оёқларини боғламасалар ҳам, боғлагандан бешбаттар қилиб буёққа олиб келишди!

Ибн Сино юраги қаттиқ сиқилганини сезиб, ёстиққа ёнбошлади-да, аста кўзини юмди. Юмиши билан нечундир нигоҳи олдига яна Афшона ортидаги ям-яшил қирлар келди. Қир устида улкан оқ ўтов. Пастда, қир атрофида эса, бошқа кичикроқ ўтовлар, оқ, қизил, қора ўтовлар... Баҳор. Далалар, далаларгина эмас, ҳатто жонсиз қумликларга ҳам жон битган, ҳаммаёқ тилларанг чучмомалар, бўзтиканлар, бахмалдай майин ёвшан ва шувоқлар билан қопланган, тиниқ қўзигуллар, равоч ва хушбўй кийик ўтлари, митти читиргул ва сариқбош гуллар орасида беҳисоб лолақизғалдоқлар чўғдай ёнади, ўтовлар ёнида бошларидаги қизил қалпоқчаларига укки патлари қадалган хипчабел, бодомқовоқ қиз-келинчаклар сочларига тақилган кумуш тангаларни майин жиринглатишиб, чопқиллашиб юришади.

Кечалари, тиниқ, серюлдуз Афшона кечалари, беҳисоб ўтовлар олдида гулханлар ёнади, қароргоҳдан йироқда, поёнсиз даштнинг хилват жойларида қизийгитлар йиғилишади, сўнг, бирда шўх, бирда хиёл маъюс қўшиқ ва лапарлар чексиз-чегарасиз дашт узра сокин дарёдай оҳиста оқади.

Еш Абу Али бу ҳазин лапарларни эшитиб, қир бағрида ёнбошлаб ётаркан, назарида, қандайдир улкан кемага тушиб, бошқа бир гўзал оламга сузиб кетаётгандай бўлади. Тўсатдан, унинг қўлига кимнингдир майин, илиқ кафти аста тегади, гўё мулойим бир қушча келиб қўнгандек туюлади.

— Тақсир, бекам йўқлайдур сизни!

Бодомқовоқ, қийғочкўз каниз митти қушчадай мулойим қўлини Абу Алининг қўлидан узмай уни қаёққадир бошлайди. Атроф зим-зиё. Абу Али ҳеч нарсани кўрмайди, бироқ абжир каниз ҳеч нарсага қоқинмай қалин саксовулзор томон бошлайди-да, қаёққадир етаклаб кетади.

Ана, юқорида, юлдуз тўла осмонга қўшилиб кетган қир устида улкан оқ ўтов кўзга чалинади.

Ўтовга яқин қолганда танниш бўрибосарларнинг ваҳимали ириллаши эшитилади-ю, зимистон тун қаъридан икки ясовул чиқиб келади.

— Бу ким тун ярмида санғиб юрган?

— Ҳаким ҳазратлари!— дейди каниз.— Ҳаким ҳазратларини бекам йўқламишлар!..

Абжир каниз Абу Алини секин туртиб, ўтов томон йўллайди.

Ўтовнинг қанотига осилган қандилда биттаю битта мойчироқ милтирайди. Унинг заифгина шуъласида ўтов бурчагига тutilган чимилдиқ кўринади.

Абу Али кириши билан чимилдиқнинг бир чети кўтарилиб, гўё оққушнинг бўйнидай оппоқ нозик қўллар кўринади-ю, бетоқат ҳаракат қилади: «Бери келинг!»

Абу Али юраги тузоққа тушган қушдай питирлаб, чимилдиққа яқинлашади. Шу пайт чимилдиқ очилиб оппоқ нозик қўллар унинг бўйнидан қучиб, пастга тортади.

— Ҳазратим!

Ерга тиз чўккан Абу Али юзида Бўтакўзбегимнинг чўғдай иссиқ юзини, ҳаяжонли нафасини ҳис этади. Бегимнинг сочларидан дала гиёҳларининг хушбўй нозик бўйлари, лабларидан аллақандай тотли ва шўртанг таъм келади...

— Устод!

Ибн Сино, хаёл оғушидан зўрға қутулиб, рўпарасида қўл қовуштириб турган шогирди Абу Убайдга қаради.

— Овқат келтирайми, устод?

— Ташаккур, азизим.

— Сизга не бўлди, устод? Кун бўйи туз тотмадингиз!..

— Зарарн йўқ, табобатда гоҳо очлик тўқликдан фойдалироқдур,— ибн Сино шундай деб бир кулимсираб қўйди-ю, шогирдининг йўл азобидан киртайиб қолган кўзларидаги ташвишни кўриб, кўнгли хиёл юмшади.

— Майли, азизим, камина ҳовлига чиқиб, бирпас нафас олиб келай. Кейин овқатни бирга баҳам кўрамиз.

Кеча ойсиз, бироқ серюлдуз эди. Бекат ҳали уйғоқ, беҳисоб хужраларнинг даричалари беҳисоб митти юлдузлардай милтирайди, бироқ ҳовлида одам сийрак, фақат қаердадир олисда, дарвоза томонда гулхан ёнар,

у ердан ғала-ғовур овозлар, асабий хитоблар, гоҳи-гоҳи-да эса «гур-гур» кулгу эшитиларди.

Ибн Сино бир-бир босиб гулхан томон юраркан, даврадан келаётган овозлар қулоғига чалинди:

— Топиб бўлибсен адолатни, хомкалла! Бу дунё тугул, у дунёдан ҳам тополмайсен уни!

— Ҳамма баробар эмас, тентак! Ақлли пошшолар ҳам ўтган бу дунёда!

Ақлли пошшони ўз кўзинг билан кўрдингми, нодон?

— Ўзинг нодон!

Ғала-ғовур, кулгу, асабий хитоблар авжига чиқди. Ибн Сино ичида кулимсираганича қадамни жадаллатди, шу пайт орқасида қандайдир соя пайдо бўлиб:

— Ҳазратим!— деб шивирлади.— Борманг уёққа, бетавфиқ қарматийлар йиғилган у ерда!

Бироқ ибн Сино тўхташ ўрнига қадамни тезлатди-да, гулханга яқинроқ жойда юмалаб ётган тўнкага кўзи тушиб, унга чўнқайди. Уни таъқиб этган соя тўхтаб орқага чекинди ва чўкка тушиб кавш қайтараётган туялар панасига ўзини олди.

Ибн Сино тўнкага чўнқайган заҳоти гулхан ёнида ёнбошлаб ётган, эгнига кўк чакмон, бошига кўк кулоқ кийган, бўй-баста келишган, фақат ўнг қошининг устида катта чандиғи бор бир қаландар:

— Ҳой, мўминлар!— деб хитоб қилди.— Каминна бу жумбоқни ечиб бергувчи бир ривоят эшитганмен. Қимки бу ривоятни тингламоқни истаса... бир танга-ярим танга садақа қилсин!

Даврада пиқ-пиқ кулгу эшитилди.

— Ривоятни ҳам ақчага сотасенму, ноинсоф!

— Охир замон келганидан нишона бу!

— Кўп валдирамай, ақчанг бўлса бер — эштайлик ривоятни!

Ибн Сино пешонаси чандиқ бу хушқад барваста қаландарни қаердадир кўргандай бўлди, бироқ ҳарчанд уринмасин, қаерда кўрганини эслай олмади-ю, чўнтагидан уч-тўрт дирҳам топиб, унинг кулоғига ташлади.

Қаландар чандиқ пешонасини силаб, унга бир зум тикилиб қаради-да, йиғилган хайр-эҳсонни белбоғига туғиб, ҳикоясини бошлади:

— Шундайким, бир пошшо кунлардан бир кун туш кўрмиш. Тушида етти ориқ ҳўкиз етти семиз ҳўкизни еб қўймиш. Уйқудан уйғониб кетган пошшо кўрққанидан дарҳол донишмандларни йиғиб, улардан тушининг

Таъбирини сўрмиш. Шунда энг кекса бир донишманд ай-тибдики, мамлакатда етти йил тўқчилик бўлади, одамлар фаровон турмуш кечиради, сўнг қаттиқ қурғоқчилик бошланиб, етти йил кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган очлик ва қаҳатчилик юз беради.

— Бунга қарши не чора кўрмоқ даркор?— деб сўрабди пошшо.

— Бошда бўладурғон етти йил фаровонлик чоғида кейин келадурғон етти йиллик қаҳатчиликка етадурғон дон-дун ва етти йиллик сув ғамламоқ даркор!

Алқисса, донишманднинг таъбири рўёбга чиқиб, етти йил оби ҳаво яхши келмиш. Ҳаммаёқ тўкин-сочин, мамлакат обод бўлмиш. Шундайким, донишманднинг таъбири ҳатто хотирдан кўтарилмиш. Бир кун пошшойи олам донишмандни чақириб: тақсир, таъбирингиз рост бўлса сиз айтган очлик ва қурғоқчилик қайда?— деб таъна қилибди.

Шунда донишманд:

— Шошманг, пошшойи олам,— дебди,— бир кун уйқудан қаттиқ қорнингиз очиб уйғонасиз. Шу кунни мен айтган қурғоқчилик бошланиб, мамлакат очлик ва қаҳатчиликка юз тутади.

Филҳақиқат, эртасига пошшо уйқудан қаттиқ қорни очиб уйғонибди. Шу-шу, қаттиқ қурғоқчилик келиб, очлик ва қаҳатчилик бошланибди. Бу бахтсизлик етти йил давом этмиш. Йўғонлар чўзилиб, ингичкалар узилмиш. Агар тўқчилик йиллари донишманд айтган сув ва ғалла ғамланмаганда, барча аҳли мўмин қирлиб кетар экан. Шунда пошшойи олам яна кекса донишмандни чақириб, қачон бу қурғоқчилик ва қаҳатчилик тугайди, деб сўрабди. Донишманд айтибдики, пошшойи олам, бир ҳафта сабр қилгайсиз. Бир ҳафтадан кейин қурғоқчилик тугаб, қаттиқ ёмғир ёғади. Аммо, демиш донишманд, барча аҳли мўминга хабар қилгайсиз. Биринчи ёмғир сувини ҳеч ким ичмасин, токи кимки уни ичса, ақлдан озадур!

Пошшо жарчиларга фармон бериб, донишманднинг сўзини элга етказибди. Лекин бу гапга қулоқ солгувчи бир кимса бўлмабди. Пошшодан бошқа ҳамма ёмғир сувини ичиб, ҳамма баб-баробар ақлдан озибди. Шу-шу, ҳеч ким пошшонинг амри фармонларига итоат этмайдиган бўлибди. Шунда пошшойи олам кекса донишмандни учинчи бор чақиртириб, бу балога қарши не чора кўрмоқ даркор, деб маслаҳат сўрабди. Донишманд жавоб бермишки, бу балонинг бирдан-бир чораси —

сиз ҳам ўшал сувдан ичасиз, фуқаро шундагина амри олийларнингизга итоат қиладур, дебди.

Чорасиз қолган пошшойи олам ҳам ўша ёмғир сувдан ичиб, ўзиям ақлдан эзибди. Ақлдан озиб, телба-тескари фармонлар бера бошлабди. Шунда телба фуқаро телба пошшодан мамнун бўлиб, унинг телба-тескари фармонларига жон-дилдан итоат этадиган, амру фармонларини шак келтирмай вожиб қиладиган бўлибди.

Қаландарнинг сўнги гаплари зўр қаҳқаҳа ва захарханда хитоблар остида кўмилиб кетди:

— О, ҳо, ҳо! Баайни Ғазнадаги ишлардан сўзладинг, дарвеш!

— Балли! Агар биз ҳам нодон бўлмасак қиличидан қон томган бу телба султонга қуллуқ қилиб юрармидик?

Ғала-ғовур ва қийқириқ баттар авжига чиқди. Шу пайт гулхан ортидаги зим-зиё қоронғиликдан:

— Ушланг бу қарматийларни!— деган таҳдидли хитоб янгради.— Бу карвонсарой бединлар уясига айланмиш! Даҳрийлару қарматийлар йиғилмиш бу уяга! Ушланг бу муртадларни!

Чўкка тушган туялар панасидан, гўё шу таҳдидли овозни пойлаб тургандай, қилич яланғочлаган беш-ўн нафар навкар ёпирилиб чиқди.

Ибн Сино уёғи нима бўлганини яхши англамай қолди. Чамаси, гулхан теварагида ўтирган гадолар сапчиб турдилару «қоч!» деган хитоб билан ўзларини ҳар томонга уришди. Ибн Сино ҳам сакраб ўрнидан турди, бироқ ҳали жойидан жилмаган ҳам эдики, кимдир келиб, унинг қўлидан ушлади.

— Бу шаккок қарматийлар сизга не керак, ҳазратим? Ҳужрангизга кириб дам олинг! Субҳи содиқ йўлга чиқамиз!

Ибн Сино индамай орқасига қайтди. Тўс-тўполонни эшитган Абу Убайд ҳам ҳужрадан югуриб чиққан эди, биргалашиб ҳужрага қайтди.

Ажабо! Доруссалтанат остонасида қарматийлар тўғрисидаги бу гаплар! Пешонаси чандиқ бу хушқад, барваста қаландар ва унинг ғалати ривояти!..

Ибн Сино уни қаердадир кўрган, эҳтимол даволаган. Салкам қирқ йил табиблик қилиб, у мингларча, балки ўн мингларча хасталарни даволаган. Шундай бўлса ҳам, одатда, даволаган кишиси ёнида турар эди. Бу қаландарни ҳам эслагандай бўлди, уни қаердадир

дағолагани аниқ, аммо қаерда? Гурганждами, Жур-жондами ёхуд Ҳамадон ва Райдами? Қаерда?.. Қаерда?..

Ибн Сино кўзи илиндими, йўқми — ўзи ҳам билмай қолди. Қулоғига яна аллақандай шов-шув, қиличларнинг шарақ-шуруғи, кимларнингдир инграган, сўкинган овози, от туёқларининг дупури эшитилгандай бўлди, сўнг, зулфинлар шарақлаб, ҳужранинг икки тавақали ўймакор эшиги тарақлаб очилди. Бўсағада... қўрқувдан дағ-дағ титраган Абу Убайд, Абу Убайднинг орқасида эса, бошига ағдарма телпак, эгнига кўк чакмон кийиб, белига эгри қилич тақиб олган норғул бир йигит кўринди.

— Устод!— Абу Убайд, негадир, кўзига ёш олиб ибн Синони қучоқлаб олди. Норғул йигит эса, тавозе билан бош эгиб, салом берди.

— Қўрқманг, ҳазратим! Бизнинг лашкаримиз... «ҳақ ва адолат» лашкаридур, тақсирим!

«Ҳақ ва адолат лашкари!»

Ибн Сино ҳайрат билан йигитнинг шиддатли қорам-тир юзига тикилди.

«Допишлар ва алломалар тилидаги бу муқаддас сўзларни қайдан билади бу йигит?»

— Ҳозир бекатни босган ҳам шу... «ҳақ ва адолат» лашкарими, ўғлим?

— Йўқ!— йигит бошини мағрур кўтарди.— Биз кар-воисаройни эмас, султон Маҳмўд сарбозларини босдик, тақсир! Матлабимиз — бу мустабид султонни тахтдан ағдариб, юртда ҳақ ва адолат тикламоқдур!— Йигит шундай деб, яна қўл қовуштириб таъзим қилди.— Сиздан илтимос: «Кўшки қасос» аталмиш қароргоҳимизга ташриф буюргайсиз! Каминанинг сўзи эмас, «ҳақ ва адолат» лашкарининг сардори имом Исмоил Ғозий ҳазратларининг илтимосидур бу!

— Имом Исмоил Ғозий?

— Шундай, ҳазратим!

Норғул йигит ибн Синонинг жавобини кутмай, орқасига ўгирилди-да:

— Отлар қайда?— деб қичқирди. Қаердандир яқиндан:

— Отлар шай, сардор!— деган овоз эшитилди.

Тонг отган, уфқдаги қорли чўққиларнинг тепаси оқариб қолган, артилган шишадай тиниқ мовий осмоннинг у ер-бу ерида сўнгги юлдузлар сўнаётган шамдай заиф милтирарди.

Қўрғон ўртасида, кечаси гулхан ёнган жойда, қўллари орқасига боғланган бир нечта исфаҳонлик сарбозлар ётар, бироқ улар орасида шопмўйлов мушриф кўринмас, дарвоза олдида эса «ҳақ ва адолат» лашкарининг суворилари бўлса керак, бошларига кўк ёпинғич ташлаб, эгниларига кўк чакмон кийган беш-ўнта отлиқлар кўзга чалинарди.

Сардор айтган «Кўшки қасос» бекатдан бир-икки фарсанг йироқда, кичикроқ сой ёқасидаги қалин арчазор орасида экан. Ибн Сино бир гуруҳ суворилар қуршовида ўрмондай қалин чакалакзор ва қамишзорлар орасидан отини елдириб бораркан, миясида ҳамон ўша нотинч ўйлар гужғон урарди.

«Ҳақ ва адолат» лашкари!.. Бошларига кўк ёпинғич ташлаб, устларига кўк чакмон кийиб олган бу суворилар қарматийлар экани энди унга аён! Аммо... имом Исмоил Ғозий ким? Исмоил Ғозий... Исмоил Ғозий Исфаҳонда, телба амир Шамсуддавла даврида, «ярлғувчи олдида шоҳу гадо баробар», деб чиққан ва бу даъвоси учун масчитни жомеда ўқилган хутбада «шайтонни лайн» деб қораланиб, юз дарра еган, девқомат бир қаландар бўларди. Агар ибн Сино янглишмаса, унинг исми ҳам Исмоил, ҳа, имом Исмоил эди!

«Йўқ, Исфаҳон қайда-ю, Ғазна қайда? Имом Исмоил доруссалтанат остонасида не қилади?»

Ана, олдинда ўт ўйнатиб бораётган суворилар чуқур жарликдан от суриб ўтишди-ю, ўнг томондаги арчазорга шўнғиб кетишди. Сал юрмасдан, арчазор сийраклашиб, олдинда қатор кўк чодирлар, ҳисобсиз қамиш қапа ва бир неча ўтов тикилган кўкаламзор майдон кўринди.

Майдоннинг ҳар жой-ҳар жойида сарбозлар тўп-тўп бўлишиб қиличбозлик ва найзобозликдан машқ қилишар, дарахтларга камонлардан ўқ узишиб, кураш тушишар, ўтовлар ортидаги ўчоқлардан паға-паға буғ ва тутун кўтарилар, афтидан, у ерда овқат пишириларди.

Ибн Синони бошлаб келган сардор орқасига ўгирилиб, «кетимдан юринг!» деган маънода имо қилди-да, отининг бошини машриқ тарафдаги катта кўк чодир томон бурди. Кўк чодирнинг икки ёнида икки сарбоз қилич яланғочлаб турарди. Сардор шартга ёқасини очиб, бўйнидаги учбурчак кўк туморчасини кўрсатди-да, ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай, чодирдан қайтиб чиқиб, отда ўтирган ибн Синога таъзим қилди:

— Пири муршид сизни сўрайдур. Марҳамат қилгайсиз, ҳазратим!

Ибн Сино Абу Убайд ёрдамида отдан тушди, чодир бўсағасида бир лаҳза тўхтаб, уст-бошини тузатди, сўнг, негадир юраги гурс-гурс уриб, ичкарига кирди.

Тагига бўйра тўшалган катта саропарданинг тўрида чап қўлини кўк мато билан ўраб, бўйнига осиб олган повча бир қаландар қиблага қараб чўккалаб ўтирарди. Қаландарнинг олдида кўк жойнамоз, орқасидаги илгакда кўк чакмон ва кўк ёпингич осиглиқ турар, уларнинг ёнида қилич-қалқон ва камон ўқлари терилган кўк чарм садоқ кўринарди.

Ибн Сино пойгакда тўхтаб, жойнамозда чўккалаб ўтирган серсоқол қаландарга тикилиб қаради-ю, беихтиёр юраги «шиғ» этди.

Кўзларини юмиб, қиблага қараб тиловат қилиб ўтирган бу барваста қаландар... ё раб!.. кечаси ғалати чўпчак айтиб, ҳаммани кулдирган, бундан ўн йил муқаддам эса, Исфаҳон масчитида уламои киромлар лаънатига учраган... қоп-қора, барваста қаландар имом Исмоил Ғозий эди! У, афтидан, бомдод намозини ўқиб бўлиб, тасбеҳ ўгириб, ўтирар, бошида кўк салла, эгнида кўк бўз кўйлак, чуқур хаёлга толган эди.

Ибн Сино ҳамон тили лол, намоз ўқиб ўтирган имомга жимгина тикилиб тураркан, кўз олдида Пули Шаҳристон кўпригининг ортидаги чилангарлар даҳаси келди.

Ойсиз, зимистон кеча. Ибн Синони бошлаб борган одамлар уни торгина бир ҳовлига, ҳовлидан кичкинагина, зах ҳужрага бошлаб киришади. Токчадаги мойчи-роқ шуъласида ибн Сино ҳужранинг тўрида узала тушиб ётган ярим-яланғоч бир кимсани кўради, кимсанинг қамчидан тилим-тилим бўлган тақир боши, юзи, бўйни, елкалари қоп-қора қон, кўзлари юмуқ.

Ибн Сино беҳуш кимсага яқинроқ бориб, бўйрага тиз чўкади-ю, ўшандан уч-тўрт кун аввал масчити жомедаги хутбадан кейин юз дарра еган новча қаландарни танийди.

Дарҳақиқат, бу ўша, «яратғувчининг олдида шоҳу гадо баробар», деб чиққан ва бу даъвоси учун хутбада лаънатланиб, аёвсиз калтакланган қоп-қора барваста қаландар эди!..

Ибн Сино ўшанда беҳуш ётган бу қаландарни бир ой пинҳона даволаб оёққа турғазган, аммо ундан кейин, қисмати не бўлди, бундан беҳабар эди!

Дунёнинг ишлари ғалати экан. Мана, тақдири азал уларни яна дуч қилди! Келиб-келиб Ғазнаи мунаввара остонасида дуч қилди!

Имом Исмоил жойнамозини йиғиштириб, тавозе билан қўл қовуштирди:

— Фақир кулбамизга хуш келибсиз, ҳаким ҳазратлари, қадамларига ҳасанот, марҳамат, тўрга ўтсинлар!

Ибн Сино имом кўрсатган жойга ўтиб ўтираркан, унинг синовчан тикилиб қолганини пайқаб, яна бояғидай ғалати бўлиб кетди. Имомнинг пешонаси ва ўнг қоши устидаги чандиғи, сал қисилган кўзлари, ўзига ярашган соқол-мўйлови, бутун важоҳатидан аллақандай сеҳрли бир куч ва пинҳоний бир иқтидор ёғилиб турар, ҳар бир ҳаракатида ўзига ишонч ва қатъият сезиларди.

Бошига кўк ёпинғич ёпинган бир навкар кириб, ўртага бўз дастурхон ёзди, дастурхонга сопол кўза билан икки сопол пиёла ва иккита арпа нон қўйди-да, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Имом Исмоил соғ қўли билан сопол кўзадан арпа гўжа қуйиб ибн Синога узатаркан, билинар-билимас кулимсиради:

— Чамамда, ҳазратлари тунда каминани танимадилар?

— Тунда танимаган эдим, аммо...

— Танимаганингиз ажабланарли ҳол эмас, ҳазратим. Исфаҳонда кечган ул воқеаларга салкам ўн йил бўлмиш. Аммо фақирни бир ой пинҳона даволаб, жонсиз жисмимга қайта жон ато қилганингиз тоабад ёдимдадур, ҳазратим!

— Ташаккур!— деди ибн Сино ва имомнинг кўк мато билан ўраб, бўйнига осиб олган қўлига зимдан кўз ташлади.— Чамамда, тақсирим яна муолажага муҳтождурлар!

— Ҳа,— деди имом, ўнг қўли билан ярадор қўлини аста силаб.— Минг таассуф, тундаги тўқнашувда бир неча йигитларимиз жароҳатландилар.

— Марҳамат, ёрдам бермоқ лозим бўлса — каминани хизматларига ҳозирмен!

— Миннатдормен, тақсир. Аммо сизнинг ёрдамингиздан ҳам зарур бир гап бор.— Имом тўсатдан қовғини уйиб, ибн Синога синовчан тикилди.— Сўзимга қулоқ солинг, ҳазратим. Биз бу қароргоҳдан дарҳол кетмоғимиз даркор. Сабаби — ҳазратларини излаб доруссалтанатдан ногаҳон лашкар бостириб келиш хавфи

бор! Бас, ҳазратимдан бир нарсани сўраб олмоғим лозим.

— Бош устига!

— Камина эшитган эдимки, ҳазратлари бу бераҳм мустабид султонга хизмат қилишдан тоабад бош тортиб, қочиб юрмишлар деб! Бу сўз рост бўлса... нечун бу аҳдишгиздан қайтиб, уни даволагани келдингиз, тақсир?

Имомнинг хиёл бўғиқ овозида аллақандай норози ва таҳдидли оҳанглар янгради.

— Не чора,— деди ибн Сино чуқур хўрсиниб.— Биз ҳақимлар учун шоҳу гадо баробардур. Хаста борки, хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо — уни даволамоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздур, тақсир! Аммо...

— Билмам, ҳазратим. Бу бетавфиқ султонга ёнишган бу дарду бедаво... тақдири азалининг хайрли ҳукми эмасму? Қирқ йиллик қатлу қирғинлари, жабру ситамлари, тўккан дарё-дарё қонлари учун кўк юборган интиқом эмасму? Бас, бундай бешафқат мустабид шоҳни даволамоқ гуноҳи кабир¹ эмасму, ҳазратим?

Ибн Сино имомнинг аллақандай қаҳр ва илҳом билан порлаган кўзларидан кўзини олиб қочди. Ажабо! Қаҳрли кўзларидан ўт чақнаб турган бу имомнинг сўзларида донишмандларга хос бир мантиқ ва адолат бор эди!

Имом Исмоил гўё унинг ўйларини илғаб олгандай:

— Ҳа,— деб хитоб қилди.— «Ҳақ ва адолат» лашкарининг ғозийлари бугун-эрта ғазоват туғи остида бирлашиб, юртимиз тупрогини бул мустабид шоҳ зулмидан фориг этмоқ азмидадур!

«Ғазоват туғи? Ё тавба! Агар «ҳақ ва адолат» лашкари деган сўз рост бўлса... нечун бу кураш ғазоват туғи остида бошланадур?— деди ибн Сино ичида. Лекин дарҳол бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Мисрда, имом аз-Зоҳир бошчилигида бўлиб ўтган занжилар исёни лоп этиб ёдига тушди. Бу занжи қуллар исёни ҳам ғазоват туғи остида ўтганини ибн Сино яхши билар эди. Бироқ яхши билса ҳам, шафқатсиз қон нафаси совуқ шаббода бўлиб тегди-ю, кўнглини ёритиб турган илқ нур сўнди-қолди. Имом эса буни сезмай:

— Тасанно!— деди чеҳраси очилиб.— Сукут — аломати ризо! Агар каминанинг сўзига рози бўлсангиз, бизнинг лашкаримизга қўшилгайсиз, ҳазратим!

¹ Катта гуноҳ.

Ибн Сино базўр ҳушини йиғиб:

— Ташаккур,— деб қўлини кўксига қўйди.— Аммо... тақсиримнинг лашкари султон Маҳмуд лашкарига тенг келурму?

— Султоннинг таянчи — беҳисоб лашкар бўлса, бизнинг таянчимиз ҳақ ва адолатдур! Маконимиз осмон баробар тоғлардур! Бас! Фурсат зиқ, ҳазратим, Ё «ҳа» дегайсиз, ё «йўқ!»

Ибн Сино ҳамон нима дейишини билмас эди. Унинг кўз олдига яқиндагина не машаққатлар билан босиб ўтган тоғ ва даралар келди, келди-ю, бир зум имомнинг сўзига киргиси, унинг лашкарига қўшилиб, «ҳайю ҳайт», деб ўша тоғларга, султон қўшинлари, унинг машъум хуфиялари ва мушрифлари етолмайдиган чўқ-қиларга чиқиб кетгиси келди. Аммо...

— Таассуфлар бўлсинким, камина сарбоз бўлиб туғилган эмасмен...

— Сарбоз бўлиб туғилмасангиз ҳам сарбозу саркардалардан юз чандон ортиқ иззату икромда бўласиз, ҳазратим.

— Тоабад мишнатдормен. Ва лекин... Камина бутун фикри зикрим илми ҳикматдадур. Уйлаб қўйган асарларим, бошлаб қўйган китобларим бор — шуларни ниҳоясига етказсам...

— Китобми ё одил шоҳлар ҳақнида чўпчакми?— деди имом Исмоил, чандиқ қошлари асабий пирпираб.— Мен сиз алломаларга ҳайронмен! Одил шоҳларни қўмсаб ва ёмон ҳокимларни лаънатлаб ёстикдай-ёстикдай китоблар битасиз. Узларинг эса... султон Маҳмуд янглиғ мустабид шоҳлар хизматида қуллуқ қилиб юрасиз.

— Не чора?— деди ибн Сино ва имомнинг кўзлари совуқ чақнаганини кўриб, бошини эгди.— Боз устига, Исфаҳон қора ўлат исканжасида қолган. Умидим — тезроқ қайтиб бормоқ, қайтиб бориб шўрлик мардуми мўминнинг хизматида бўлмоқ...

— Бас!— Имом Ғозий соғ қўлини бир силтаб ўрнидан турди.— Сизга ижозат, ҳазратим.

— Рухсат этсалар жароҳатланган қўлларини кўрсам...

— Ташаккур!— деди имом Ғозий, худди аразлаган боладай чандиқ юзини терс буриб.— Қўлим синганми, йўқми, шуни айтиб берсангиз бас!

Ибн Сино имомнинг қўлидаги қалин бўз латтани аста ечди. Имомнинг билагини қилич кесган, узун ва

чуқур ярасига нимадир сепилган, лекин қон ҳануз тўхтамаган эди.

Ибн Сино имомнинг шишиб кетган билагини аста-аста ушлаб кўрди. Имом, ранги девор, тишини тишига қўйганича, жимгина бош эгиб турарди.

Ибн Сино ярани авайлаб артиб, қайта боғлади.

— Хайрият, суяк омон...

— Хайрият,— деди имом ҳам.

— Аммо ярангиз хавфли. Фақирга бир одам қўшиб берасиз. Уқилон заҳри билан аччиқ бодом ёғидан ясалган дору берамен. Уни ҳар куни икки маҳал суртасиз!

— Ташаккур!— деди имом Исмоил, ҳамон қовоғи очилмай.— Сизга рухсат, ҳазратим! Менинг сарбозларим сизни работга элтиб қўядилар. Ва лекин ёдингизда бўлсин: мабодо, ҳазратлари бирор ёрдамга муҳтож бўлиб қолсалар... Ғазнада Маликул шароб деган бир шоир бор. Уни доруссалтанатда танимаган одам йўқ. Ушал бандан мўминга хабар қилгайсиз. Хайр, султон сарбозлари бостириб келгунча бекатга етиб олинг. Омон бўлинг, ҳазратим!

Имом Ғозий шитоб билан юриб чодирдан чиқди.

Ибн Сино чодирда ёлғиз қолди. У имом Ғозийнинг илтимосини рад этиб, тўғри қилдими ё нотўғрими — буни ўзи ҳам билмас эди.

Йигирма бешинчи боб

Кечаси Осмон маликаси саройида ўтган тонготар базми жамшиддан сўнг маст уйқуга кетган вазир Абул Ҳасанак кимнингдир турткисидан базўр кўзини очди. Тепасида, қўлида дир-дир титраган шам, «назм бўстони» шоир Унсурий турарди.

Хона бўм-бўш, ўртада турган хонтахта четга сурилган, унда ёйилмай қолган бир лаган қовурдоқ, май тўла биллур идишлар, ёқут ва фируза пиёлалар бетартиб юмалаб ётар, ёнидаги тўшак эса бўм-бўш, кечаси «ҳазрат ибн Сино» билан бўлган майхўрликдан сўнг ёнида қолган ҳарам бекаси уни тарк этган, тўғрироғи, бека эмас, вазир жанобларининг ўзи уни беҳаё-бешарм бир сўзи учун кетига тепиб, ҳайдаб юборган эди!..

— Хўш, сабаб тун ярмида ажинадай тентираб юрибсен?— деди Абул Ҳасанак, қайта жойинга чўзилиб.— На ўзинг ухлайсен, на бошқаларга уйқу берасен!..

Шоир Унсурий, қўлидаги шам баттар титраб, тўшак ёнига чўккалади.

— Машъум хабар, валинеъмат!

— Машъум хабар?— Абул Ҳасанак устидаги шойи кўрпани отиб юбориб, қаддини ростлаб ўтирди.— Оф-тоби олам?..

— Офтоби олам, оллога шукур, саломатлар,— деди Унсурий шошиб.— Аммо... Ғазнага ҳазрат ибн Сино келмиш!

— Қочмиш?— деди Абул Ҳасанак талмовсираб.— Қаёққа қочмиш?

— Қочмиш эмас, келмиш! Исфаҳонлак чин ҳазрат ибн Сино келмиш! Шундайким, гўё саройдаги бу ибн Сино эмас, амир Масъуд йўллаган ўшал ибн Сино — чин ҳазрат ибн Сино эмиш!..

Абул Ҳасанак афтини бужмайтириб, заҳарханда қилди:

— Бул ибн Сино, ул ибн Сино! Тақсирим қайдан топдилар бу хабарни?

— Камина бу хабарни Пири Букрийдан эшитдим. Бу маккор букри эса, хабарингиз бор, билмаган сирасрори йўқдур. Пири Букрийнинг айтишича, Хатлибегим бошлиқ бир гуруҳ амирлар Исфаҳондан келган ул ибн Синони эрта-индин асъасаю дабдаба билан қарши олмаққа чоғланганлар. Чоғланганлар орасида анов мутақаббир аллома Абу Райҳон Беруний ҳам бор эмиш. Бу ишга ҳаттоким қадрдон хешингиз... вазири аъзам Али Ғариб ҳам бош қўшган эмиш!..

— Али Ғариб?— Абул Ҳасанак ўрнидан сапчиб туриб, хонтахта ёнига борди. Итоатсиз қўлларни билан ёқут ипёлани тўлдириб май қўйди-да, бир кўтаришда бўшатиб, хонани айланишга тугинди.

«Бул ибн Сино, ул ибн Сино! Чин ибн Сино, ёлғон ибн Сино!»

Ажабо! Бир-икки ҳафта муқаддам «ҳазрат ибн Сино» аталмиш бу кимса саройда пайдо бўлгандан буён бу гаплар унинг хаёлидан тамом кўтарилган эди. Анов имонсиз Али Ғариб қаердандир топиб келган бу иблис сохта ибн Сино экани, оламда ҳакими даврон аталмиш чин ибн Сино борлиги, у қаердадир йироқларда, амир Масъуд турган Исфаҳон томонларда қочиб юргани ва-зир жанобларининг хаёлидан батамом кўтарилган эди!

Ўзини «ҳазрат ибн Сино» деб атаган бу кимса до-руссалтанатга қадам қўйди ҳамки, саройда ғалати иш-лар бошланиб кетди. Ҳамма унинг ҳукми ва сеҳрига мафтун бўлиб, гўё ақли ҳушидан айрилиб қолди. Авва-

ламбор, сўнги бир неча ойдан буён саройда, напнки сарой, бутун салтанатда ҳукм сурган таваҳҳум ва таҳлика кайгадир даф бўлиб, ҳамма енгил нафас олди, мотам кайфияти тарқаб, қандайдир енгил, хушнуд, сафоли кунлар бошланди, гўё осмонни қоплаган қора булутлар тарқаб кетди-ю, ярқираб офтоб чиқди. Мотам либосини кийган ҳарам бекалари, баковуллар, хазинадорлар, хонанда ва созандаларга жон кирди, шу-шу, серлаззат базми жамшидлар, кайфи сафо, мусқа ва мушоиралар бир-бирига уланиб кетди. Бу кайфият, бу хушнудликнинг бош сабаби эса, бирламчи, оллонинг инояти, иккиламчи, «ҳаким ҳазратлари»нинг муолижаси бўлди. Шу муолижа сабаб жар ёқасига бориб қолган амирал мўъминин кундан-кунга «бери қарай» бошлади. Бир-икки ҳафтадаёқ дилига ором, белига қувват кирди, шундайким, бундан бир кеча кун муқаддам, доруссалтанат аҳлига кўришиб, мардуми мўъминларга ўз чехраи шамсларини намоён этиб, уларни бахтиёр қилиш иштиёқи туғилди. Шу бондан, Ғазнаи мунаввара кўчалари супурилиб-сидирилди, майдон ва гузарларга сув сепилиб, дарахтлардаги чанглари ювилди, ҳовузларга сув қуйилиб, фавворалар ишга туширилди, дўкон ва раста пештоқларига қимматбаҳо ипак ва шойи матолар тутилди, бозорлар ва карвонсаройларда неки шубҳали кимсалар, гадолар, қаланғи-қасанғилар, неки ипринди-сипринди йўқсиллар бўлса, ҳаммаси шаҳар ташқарисига ҳайдалди. Кеча, ниҳоят, ҳамма ишлар интиҳосига етди. Сарой олдидаги майдонда султонни салотиннинг шахсий ғуломлари бўлмиш етти юз сувори саф тортди. Уларнинг ҳаммаси эгниларига бир хилда қизил чакмон, бошларига қизил попукли мис дубулғалар кийган, ҳаммаси бирдай қилич яланғочлаб, ҳаммаси бирдай оқ бедов минган. Фақат ҳар юз суворининг бошида турган ясовулларгина эгниларига кўк бахмал тўн кийиб, ҳаммаси бир хил қора арғумоқ минган, қўллариди эса, яланғоч қилич ўрнига кўк туғ ушлашган.

Пешинга яқин Осмон маликасини қасри олдидаги кент майдонига от ўйнатган амиру умаро, кимхоб ва зарбоф тўнларга ўранган аркони давлат, ҳаммаси бир хил сафроранг жубба кийган уламои киромлар йиғилишибди. Сўнг, қаср буржларида ўнларча ноғоралар гумбурлаб, ўнларча карнайларнинг пайваст наъраси осмону фалакин зир титратди-ю, саройдан... бир ёнида имом Сайид, бир ёнида Абул Ҳасанак билан «ҳазрат ибн Сино», амирал мўъминини чиқиб келди. Султоннинг бошида...

учига инжулар қадалган қундуз телпак, эгнида тилла тасмалар билан зийнатланиб, тугма ўрнига дур ва ёқут қадалган қизил зарбоф тўн, белида беш юз мисқоллик тилла камар, оёғида пошналарига кумуш тепки қоқилган қизил чарм этик. Унинг ёноқлари туртиб чиққан, кенг, суякдор юзи ҳамон мумдай сарғиш, аммо чуқур ботган кўзлари тунги алангадай чарақлаб турар, қадам ташлашлари бардам ва шиддатли эди. Султон дарвозадан чиқиши билан унга туёқларидаги тақаларидан тортиб эгар-жабдуқларигача соф қизил тилладан ясалган, пешонасига зар попилдириқлар тақилган сеvimли қора қашқа бедовини рўпара қилишди. Бироқ амирал мўминин отга минишдан аввал, майдонда баб-баробар таъзим бажо келтириб турган мингларча, йўқ, ўн мингларча садоқати зоҳир аёну боёнларга, қилич яланғочлаганларича серрайиб қолган суворилар ва кўк туғ ушлаган ясовулларга узоқ ва синовчан тикилиб турди, кейин, қўлтиғидан олган надимларни силтаб ташлаб, узангига оёқ қўйди, қўйди-ю, ўн минг оломоннинг жўр ва ҳайрагомум хитоби остида ўзини эгарга олди!

Ноғоралар гумбури ва карнайлар садоси яна осмон фалакка чиқди. Шу музаффар садолар остида беҳисоб аркони ҳарб ва аркони давлат қуршовида, қилич яланғочлаган етти юз сувори ва кўк тугларини ҳилпиратган юзларча ясовуллар даврасида амирал мўминин доруссалтанат кўчаларидан, сув сепилиб ёғ тушса ялагудек қилиб қўйилган чорраҳа ва гузарлардан, кумуш фавворалар ўрнатилган майдонлардан, кўк, қизил, сариқ матолар билан безатилган раста ва дўконлар олди-дан қора қашқа бедовини ўйнатиб ўтди. Ҳачир миниб, хуржуларини кумуш ва тилла тангаларга тўлдириб олган хазинадорлар кўчалар ва гузарларни тўлдирган оломоннинг бошига ҳовуч-ҳовуч пул сочди. Шу йўсин, ерга сочилган тангаларнинг жаранг-журунги, бу тангаларни талашиб муштлашган оломоннинг ҳайқириғи ва отлар дупури остида султон Қўшки давлат рўпарасидаги масчитни жомега етиб борди.

Юксак пештоқлари осмони фалакка санчилган, лажувард тиллакори гумбазлари офтобда камалак рангида товланган бу муҳташам масчитнинг юз минг намозхонга мўлжалланган мрамар майдонига қизил гулдор палослар тўшалган эди. Амирал мўминин шу масчит айвонида, ҳаммаси бир хил сафроранг жубба кийган мингларча уламои забардастлар даврасида, майдонга йиғилган юз минг намозхон иштирокида пешин намози-

ни ўқиди. Намоздан кейин имом Сайид масчит меҳробидан туриб ваъз айтди, барча мўминларнинг тўккан кўз ёшлари ва қилган дуои жонлари кўкка етиб борганини, яратган эгам ўз марҳаматини дариг тутмай, «ҳазрати ибн Сино»ни етказиб, ўзи берган дардини ўзи даф этганини сўзлади ва кўзига ёш олиб, дуога қўл очди: илоё жафонг юкиши тортмоққа тоқат ва муҳаббатинг меҳнатини чекмоққа бардош ато қилгайсен. Омин!

Имомнинг ваъзи ва бутун доруссалтанатни ларзага келтирган юз минг кишининг жўр «илоҳи омин»идан кейин энг мўътабар мартабадорлар, амирлар, девон беклари Боғи Фирузга лутфан таклиф этилди.

Боғи Фирузнинг қоқ ўртасига, гумбазли шийпон ёнидаги мрамар ҳовуз теварагига ранг-баранг ҳинд гиламлари тўшалиб, беш юз кишига дастурхон тузатилган эди.

Осмон беғубор, тиниқ, офтоб сели гўдак кулгусидай ёқимтой эди. Кўм-кўк ясси қирлар бағридаги беҳудуд Боғи Фируз жаннатдай гўзал, ҳаммаёқ ям-яшил, тиниқ, мусалффо, ҳар бир дарахт, ҳар бир гул тагида булбуллар сайрар, қовурилаётган гўшт, қалампир ва пиёзнинг ўткир ҳидига ҳовуз бўйларидаги райҳон ҳиди, қир гиёҳларининг сал тахир нозик бўйлари қўшилиб, ҳавони аллақандай бетакрор хушбўй атир нафаси тўлдирган эди. Ҳовузнинг икки ёнидаги икки супани хонанда ва созандалар эгаллаган, созларнинг куйи боғдаги булбуллар овозига қўшилиб, юракларда ширин орзулар ва аллақандай хаёлий гўзал ҳислар уйғотарди.

Амирал мўъминин, бир ёнида Абул Ҳасанак, бир ёнида «ҳазрат ибн Сино», кўк гумбазли шийпонга чиқиб, суянчиқлари ёқут ва жавоҳирлар билан зийнатланган, устига шер териси ташланган юмшоқ курсига ўтирди, қолган мартабадорлар эса ҳовуз теварагидаги шойи кўрпачалардан жой олишди.

Нозик ҳаворанг кошинлар билан қопланган ҳовуз сувига бир кун аввал беш минг каллақанд ташланган, истаган киши ўтирган жойида пиёласини чўзиб, шарбатга айланган бу сувдан тўйгунича сипқариши мумкин эди!

Зиёфат яна «ҳакими даврон ҳазратлари»ни улуғлашдан бошланди. Амирал мўъминин унга ўз қўли билан оғзига сиққунча олтин ошатиб, эгнига бошдан-оёқ янги сарупо ёпди, сўнг, назм бўстонининг боғбони шоир Унсурий аввал султони салотинга, кейин «ҳазратлари»га бағишланган икки янги қасидасини ўқиб бер-

ди. Янги қасида янги куйларга, куйлар қадаҳлар жа-
рангига уланиб кетди-ю, базми жамшид авжига чиқди.
Май дарё бўлиб оқди, сомсапазлар барра қўзи гўштига
доривор гиёҳлар қўшилган иссиқ сомсаларини кўз-кўз
қилишди, кабобпазлар арча чўғларида жизғинак қи-
линган ва арча бўйи таралган думба аралаш жигар
кабобларини намоийиш этишди, кабобдан кейин ёқут ко-
саларда кийик ўти, райҳон ва қора мурч солинган шўр-
ваи шер, шўрваи шердан кейин қисик кўз нозанинлар
сурати солинган чиний лаганларда бедана гўштли қи-
зил палов тортилди.

Султон бошда хиёл хомуш эди. Уқилган қасидалар,
чалинган куйлар, дунё тургунча туришини тилаб айтил-
ган ҳамду саноларга жимгина қулоқ солиб, бирда ки-
нояли кулимсираб, бирда гўё тинимсиз ўқилаётган бу
мадҳияларни хушламагандай аллақандай маҳзун хаёл-
ларга чўмиб ўтирди.

Базм қизиб, палов тортилган маҳалда «ҳакими ҳо-
зиқ ҳазратлари» амирал мўъмининга бир пиёла май
туғди. Султон бу майни ичди-ю, гўё ичига олов кирган-
дай баногоҳ сергак тортди. Белидаги беш юз мисқол-
лик олтин камарини олиб, бир чеккага отди, тугма ўр-
нига беҳисоб жавоҳирлар қадалган зарбоф тўнини ҳам
счиб ўрнидан даст турди-да, хоодай узун, қоқсуяк
қўлларини машшоқлар томон узатиб:

— Бас!— деди қисик кўзлари чўғдай ёниб.— Бас,
бу қўшиқ, бу ҳамду санолар!

Ҳовуз бўйидаги ғала-ғовур, суналардаги машшоқ-
ларининг тинғир-тинғирини тиниб, орага совуқ, таҳдидли
сукунат чўкди. Қизарган, бўғриққан юзлар оқариб,
мастона сузилган кўзлар гумбазли шийпон томон ҳа-
дик ва қўрқув билан тикилди.

— Дунё тургунча тургайсиз! Файзи плоҳий тоабд
ёр бўлғай!— деди султон кесатиб.— Базм устида мад-
ҳия ўқимоқ осон, аммо вафодор надим бўлмоқ мушкул
бу дунёда! Ҳа, ҳамманинг ичини кўриб турибди султон
Маҳмуд! Дилларингда не ўй, кўнгиллариингда не ғараз,
каллалариингда не фисқи фужур — барини кўриб туриб-
ди султон Ғазнавий! Букун каминнага ҳамду сано ўқи-
ган аёну боёнлар... кеча унга ўлим тилаган эди дил-
ларида!— султон шундай деб, бир қадам олдинга юрди,
юриши билан пастда, дастурхон атрофида ўтирганлар
бир газ орқага тисарилишди.

— Ҳа, кимки вафо қилса вафо, жафо қилса жафо
топгусидир бу дунёда! Кимки султон Ғазнавийга чоҳ

кавланган бўлса, ўзи шу чоғга қулагусидир! Султон Маҳмуд эса, дини ислом йўлида ҳамшиша камарбаста, яқин келгусида машриқда Қашмир, мағрибда қайсарни Рум, қўйингики, пойқадамим етмаган жой қолмас!..

Шоир Унсурий пилдираб келиб, шийпон зинасига тиз чўкди-да, кўзига ёш олиб:

— Илоҳи омин!— деб хитоб қилди.

Мастана овозлар бир-биринга қовушмай заифроқ янгради:

— Илоҳи омин!

— Аммо... кимки, тили шакар, дили заҳар бўлиб ёмонлик тиласа, тоабат эсларида сақласинлар!— Султон шундай деб, шийпон устунини қучоқлади-да, пастга, емиш тўла хонтахталар орқасида гужанак бўлиб ўтирган мартабадорларга қадалиб-қадалиб қаради, гўё улар орасидан энг ашаддий душманини қидираётгандай узоқ тикилиб турди-да, тўсатдан:

— Анов иблиси лайн... вазирни аъзам қайда?— деб сўради.

Абул Ҳасанак шоша-пиша таъзим бажо келтирди.

— Олампаноҳнинг мунаввар хосираларида бўлса, ул муғамбир тулкини ҳақим ҳазратлари айтган «неъматни илоҳий»ни топиб келмоқ учун Кўҳи Сарандипга йўллаган эдик, давлатпаноҳ!

— Ҳануз қайтмадими ул маккор?

— Яқинда қайтмоғи даркор, олампаноҳ!

— Ҳмм!— деди султон кўзини юмиб.— Май!

Ҳовуз теварагидаги аъёну боёнлар нақшинкор устунни қучоқлаб турган султондан кўзларини узолмас, улар гўё илон сеҳрига илнинган бақалардай жой-жойларида серрайиб қоллишган эди.

Султон Абул Ҳасанак тутган майини аста ва узоқ смириб, пиёлани қайтариб берди-да, яна ҳовуз атрофида бақалардай кўзлари чақчайиб ўтирган аъёнларига қаради, гўё уларнинг орасидан яна бир ашаддий душманини қидирмоққа киришди.

— Ҳа, айтгандай, анов шаккок шоир... Маликул шароб қайда?— тўсатдан сўради султон. Сўраш билан ҳовуз бўйидаги сарой аҳли баб-баробар «уф», деб, енгил нафас олди.

— Ул шаккок шоир...— деди Абул Ҳасанак, нечундир талвасага тушиб.— Хабарим йўқ, давлатпаноҳ! Ип-ринди майхонасида қусуғинга беланиб ётгандир, ул бетавфқ!

— Фармон бер, дарҳол топиб келсинлар ул имон-

сизни! Узига умр тилаш ўрнига султонга ўлим тилаган галамислардан бири ўшал қузғун эди! Чақир — ҳолини кўрсин султони салотиннинг!..

Амирал мўъминин шундай деб жойига бориб ўтирди. Утириши билан нимадандир безовталаниб, аллақандай питирлаб қолган ибн Шаҳвоний ёнини кавлаштириб, зарҳал қоғозга ўралган мошдеккина сафроранг бир дори олди-да, султонга узатди.

— Бир хўплам шарбат билан ичиб юборинг, давлатпаноҳ. Белингизга қувват, дилингизга сурур бағишлайди бу дору!

Дарҳақиқат, доридан кейин чорак соат ҳам ўтмадики, султоннинг қийғоч кўзлари артилган динордай ярқираб, юпқа лабларига кулгу югурди-ю, тўсатдан амир Алитегиннинг кенжа хотинини кўриш истагини билдирди.

Абул Ҳасанак ичида «ҳаким ҳазратлари»га яна бир бор таҳсинлар ўқиб, дарҳол тахтиравонни рўбарў қилди. Сўнг, «ибн Сино ҳазратлари» билан султонни саройга элтиб, махфий гўшага киритди-да, Осмон маликаси қасрининг беҳисоб хоналаридан бирида ибн Шаҳвоний билан бирга айшни давом эттирди!..

Ё халлоқ! Ҳамма, ҳамма ишлар яхши кетаётган бир маҳалда... бу машъум хабар! Гўё султонни даволаган бу «ҳакими даврон» ибн Сино эмас, Хатлибегим билан анов баттол Али Ғариб топган ул ибн Сино— чин ибн Сино эмиш!.. Боз устига, бургага тузоқ қўйган бу вазири аъзам яқин-яқинларгача Хатлибегим билан амир Масъудни кўрарга кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Энди эса, улар билан тил топишган эмиш! Узи топган «ҳазрат ибн Сино»дан айниб, бошқа ибн Синони топган эмиш!.. Ҳай аттанг! Агар Абул Ҳасанак эски рақибининг бу қадар қабиҳлигини билганида тунов куни уни «неъмат илоҳий»ни топиб келиш учун Кўҳи-Сарандипга эмас, тўппа-тўғри асфаласофилнинг жўнатиб қўя қолар эди!

Абул Ҳасанак билар, султоннинг фармони билан Кўҳи Сарандипга жўнатилган бош вазир Гардиз тоғлари орасидаги Кўҳандиз қалъасида яшириниб ётарди. Тошга ўйилган минг пиллапоялик бу махфий қалъада энг ашаддий ғанимлар сақланар, шундай бўлса ҳам, дарғазаб султоннинг кўзидан йироқ бўлишни истаган бош вазир ўша қалъага махсус жой қилдириб, каламушдай бекиниб олган, чамаси, қаёққа яширинганини ҳеч ким билмайди, деб ўйларди. Лекин Абул Ҳасанак бунин билар, бош вазир Кўҳандиз қалъаси тугул, етти қават

ернинг тагига кириб кетса ҳам билган бўларди. У фақат фурсат пойлар, «неъматни илоҳий»ни топиб келишга кетадиган саксон кун ўтгач, уни ёқасидан ушлаб, яшириниб ётган қавагидан судраб чиқишни режалаб қўйган эди! Аммо бу режани тузаркан, Абул Ҳасанак уни Кўҳандиз қалъасида тавбасига таяниб ётибди, деб ўйлаган эди! Бургага тузоқ қўйган бу қари тулки эса тавбасига таянмоқ уёқда турсин, анов ёсуман Хатлибегим тарафига ўтипти, ўтгани ҳам майли, амир Масъуд юборган чин ибн Синони султонга рўбарў қилмоқчи бўлганлар билан тил бириктирибди! Бас, бу қузғун бош қўшган ишдан қўрқмоқ даркор! Ҳар қалай, эҳтиёт шарт. Қазрададир айш қилиб ётган «ҳакими даврон» ҳазратларини топиб, уни бу гапдан огоҳ қилиб қўймоқ лозим!

Абул Ҳасанак ҳамон рўпарасида титраб-қақшаб турган Унсурийга қараб кинояли кулимсиради:

— Йўл бошланг, назм бўстониинг боғбони! «Ибн Сино ҳазратлари»ни топиб бу хушxabарларни унга етказмоқ даркор!

Сарой маст уйқуда, бошдан-оёқ майин ипак гиламлар тўшалган узун йўлак кимсасиз эди. Токчалардаги олтин шамдонлар ва шифтга осилган чамбарак қандилларда битта-яримтагнна шам ёнар, уларнинг хира шуъласида нимқоронғи йўлак аллақандай сирли ва совуқ туюларди.

Абул Ҳасанак билан шоир Унсурий, қўлларида шам, икки ёндаги турнақатор ўймакор эшикларни битта-битта очиб, йўлакнинг охиригача боришди.

Бири катта, бири ўртамиёна, бири чоғроқ, лекин ҳаммаси бирдай қимматбаҳо жиҳозлар — фаройиб суратлар солинган ранг-баранг палослар, ҳинд ибодатхоналарининг олтин маъбудалари, сержило биллур идишлар, ёқут ва забаржад косалар, фил суягидан ясалган ҳайкалчалар, тилла баркашлар билан зийнатланган бу хоналарнинг ҳаммаси бўм-бўш; гўё кутилмаган бир офат рўй бергану, сарой аҳли ҳамма бойлик, ҳамма буюмларни ташлаб, бош олиб қочган...

Абул Ҳасанак йўлак охирига етгач, қаёққа юришни билмай, бир лаҳза ҳанг-манг бўлиб туриб қолди.

Кечаси султонни пинҳоний гўшасига элтиб қўйганларидан кейин Абул Ҳасанак «ҳазрат ибн Сино» билан бирга бояги хонага кириб, майхўрликни давом эттирган, сўнг, ҳарам бекаларидан бирини чақириб, иккита каниз келтиришни буюрган эди.

Ҳарам бекаси ёшгина бир канизни бошлаб келди-да, ўзи ҳам даврага қўшилди. Унинг мақсадига тушунган «ҳаким ҳазратлари» ёш канизни танлади, чекига ҳарам бекаси чиққан Абул Ҳасанак эса, унга ғаши келиб, қумалоқ солишни таклиф қилди. Аммо омади юришмади. Қумалоқ солинганда чекига ёш каниз чиққан «ҳакими даврон» канизни бошлаб чиқиб кетди-ю, Абул Ҳасанак ҳарам бекаси билан қолди.

Ҳарам бекаси ҳам дуркунгина, кўҳликкина жувон эди. Абул Ҳасанак тақдирдан нолимай, унга бир пиёла май тутиб қучоғига олмоқчи бўлди. Бироқ бека Абул Ҳасанакка тақлид қилиб, май тўла пиёлани бир кўтаришда бўшатди-да, оппоқ, момиқ қўллари билан вазир жанобларининг юзини силаркан:

— Вой тавба!— деб кулди.

— Хўш, нечун ажабланасиз, бекам?

— Қош-кўзларингизга!— деди каниз эркаланиб.— Худо сизга шундай қош-кўз инъом қилгану ишқ ҳунарида.

— Хўш, хўш?

— Ишқ ҳунарини... анов ҳаким ҳазратларига инъом этган!

Абул Ҳасанак қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Аввал камипани бу ишда бир синаб кўринг, кейин сўзлайсиз, бекам!

— Йўқ!— ҳарам бекаси эркаланиб унинг юзига секин шапати урди.— Уриниб юрманг, жаноблари, барибир, бу ишда ҳаким ҳазратларига тенг келолмайсиз!

Шундан кейин нима бўлди,— аввал тарсаки туширдими ёхуд олдин бир тепиб, кейин тарсаки туширдими — буни Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам билмай қолди, фақат учиб кетган беканинг дод солиб ўзини эшикка ургани эсида қолди, холос.

Мана, ҳозир ҳам беканинг масхараомуз гапи ёдига тушган вазир жанобларининг кўнглида ҳасад аралаш рақобат туйғуси аланга олди-ю, йўлак охиридаги мармар зиналардан иккинчи қаватга кўтарила бошлади.

Бу ерда ҳам икки томон турнақатор эшиклар бўлиб, султоннинг машҳур махфий гўшаси йўлакнинг энг охирида эди. Бу ердаги шамларнинг деярли ҳаммаси ўчирилган, фақат энг тупкарнда биттаю битта шам милтирар, қоронғи йўлак тубсиз ғордай сирли ва беҳудуд туюларди.

Абул Ҳасанак, ранги ўчиб, дир-дир титрай бошлаган шоирга бир қараб қўйди-да, оёқ учида одимлаб,

яна эшикларни бирин-кетин оча бoшлади. Шоир Унсурий унинг орқасида арвоҳдай эргашиб борар, мўралаб қарашга ҳам журъат этмас эди.

У аввал лаблари унсиз пичирлаб, очиб-ёпилган эшикларни санаб борди, кейин пинҳоний гўшага яқинлашган сайин кўрқув ва ҳаяжондан саноқни ҳам унутиб қўйди. Мана, махфий гўшага биттагина хона қолди. Абул Ҳасанак бу хонанинг фил суягидан жило берилган эшигини аста очиб ичкарига кирди, кирди-ю, гўё хонада мудҳиш бир нарсани кўргандай. даҳшат билан орқага тисарилди:

— Олампаноҳ!

— Олампаноҳ?— Унсурий вазир жанобларининг ваҳимали шивирлашидан даҳшатга тушиб, орқага чекинди.— Т-тирикмилар, олампаноҳ!

— Тирик! Маст уйқудалар! Аммо... анов баттол ҳақим қайда?— Абул Ҳасанак чиройли серкиприк кўзларини нирпиратиб, шонрга бир зум тикилиб турди, сўнг, шитоб билан юриб бориб, махфий гўшанинг тилла тасмалар қоқилган залварли эшигини юлқиб очди!..

Хона чароғон эди. Ундан тушган ёруғ нур Абул Ҳасанак билан Унсурийнинг кўзини қамаштириб юборди.

— Во дариғ!

Девор ва шифтларига яланғоч эркак ва аёлларнинг ишқий ҳолатларини тасвирловчи ҳаёсиз суратлар солинган ўрдадай кенг хонанинг тўрида, қават-қават шойи тўшак устида, танаси ҳаёсизларча очилиб қолган бир канизни қучоқлаб... «ҳақими даврон ҳазратлари» донг қотиб ухлаб ётарди!

Абул Ҳасанак ялт этиб Унсурийга қаради. Шоир Унсурий, бир деворлардаги беҳаё суратларга, бир тўрдаги оппоқ ипак тўшакда чирмашиб ётган «ошиқ-маъшуклар»га тикилганича, бўсағада ғалати тамшаниб турарди!

Абул Ҳасанак заҳарханда билан қўлидаги шамни «пуф» этиб ўчирди-да, қаҳр билан юриб бориб, «ҳақими ҳазратлари»нинг маймундай сертук кетига бир тепди.

«Ҳақими даврон» чўчиб кўзини очди-ю, апил-тапил ўршидан турди. Уни тепганда уйғониб кетган каниз тепасида қаққайиб турган вазир жанобларини кўриб, қичқириб юборди. Бу ўша, кечаси уни ишқ ҳунарида ожизсиз деб, масхара қилиб кулган ҳарам бекаси эди!

— Йўқол кўзимдан, беҳаё фоҳиша!

Абул Ҳасанак бекани ҳам тепишга чоғланди, бироқ яланғоч бека абжирлик билан ердаги оқ рўжага ёпишиб, ўзини эшикка урди.

Сал ҳушига келган «ҳакими даврон» ҳам шоша-пиша кенг ипак шалварини кийиб, эгнига тўнини ёпди.

Абул Ҳасанак оёқларини кериб, унинг тепасида чанг солишга ҳозир турарди.

— Ҳўш, ғаламис? Олампаноҳнинг бу табаррук гўшасини ҳаром қилмоққа ким ижозат берди сенга?

— Олампаноҳ... ўзлари ижозат этдилар, жаноби вазир!

— Олампаноҳ! Манов беҳаё ҳарам бскасини ҳам қўйнингга слампаноҳ солдими, баттол?

— Шундай, ттақсири олам, ўз... ўзлари ижозат этдилар!

— Иблис!— деди Абул Ҳасанак, яна ҳасад алағсида ёниб,— ҳаммани авраб, ногоранга ўйнатиб бўлдинг! Энди кунинг битди сен қузғуннинг! Чин ибн Синога юзма-юз бўласан шу бугун!

— Чин... чин ибн Сино?

— Ҳа, чин ҳазрат ибн Сино келмиш Ғазнага! Амир Масъуд шаҳри Исфаҳондан топиб юбормиш уни!

— Амир Масъуд юбормиш!— «Ҳакими даврон» Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳаёсиз суратлар солияган деворни пайпаслаб, аста ўрнидан турди. Дир-дир титраган қўллари билан юз-кўзларини ишқаб:— Ажабо!— деб, ёқасини ушлади.— Наҳот сиздай доно вазир бу ёлғон гапларга инонсалар?

— Ёлғон?

— Ёлғон бўлмаса... ул валлинеъмат амирал мўъмининни бу дарди бедаводан фориг қилган ким? Фақирми ёхуд... амир Масъуд топган ул сохта ибн Синоми?— Абу Шилқим ибн Шаҳвоний охириги сўзларини аллақандай ўксиб айтди-ю, бошини эгиб жим қолди.

Абул Ҳасанакнинг кўзларидаги бояги қаҳр ҳайрат ва умид билан алмашди. «Ҳаким ҳазратлари» буни пайқади чоғи:

— Майли!— деди бирдан дадилланиб.— Агар вазир жаноблари фақирдан шубҳа қилган бўлсалар... шифо топган кимса, яъники, амирал мўъминин ўзлари айтсинлар — ким чин ҳазрат ибн Сино, ким сохта?! Султонни салотин ўзлари ечсинлар бу жумбоқни!

Эшикда ҳануз тамшаниб турган Унсурий бу сўзни эшитиб:

— Офарин сизга, ҳазрат ибн Сино!— деб чапак ча-

либ юборди. Ибн Шаҳвоний эса учлари қайчиланган мош-гуруч мўйловини силаб кулимсиради:

— Ҳарам бекасини бскор ҳайдадингиз, жаноби вазир! Чақиринг уни! Мен сизга шундай бир дору берайким, ишқ ҳунарида каминадан юз чандон ўзиб кетасиз!— «Ҳакими даврон» мастона қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Йўқ, йўқ, ҳақ сўз бу, валинеъмат! Султони салоти пешингача уйқудан уйгонмайдилар! Ҳарам бекасини чақиртиринг. Сулув канизлардан келтирсинлар! Анов кекса шоир ҳам бу дунёга келибди — ноумид кетмасин! Бизга қўшилиб бу жаннатда бир даври даврон сурсин, шўрлик!

Йигирма олтинчи боб

Ғазнаи мунавварада чин ҳазрат ибн Сино пайдо бўлгани ҳақидаги хабарни шоир Унсурийга Пири Букрий етказган бўлса, Берунийга соҳиби девон Абу Наср Мишкан жаноблари етказди.

Беруний сўнгги бир-икки ҳафта расадхонада бўлиб, шом чоги шаҳар ҳовлисига қайтган эди. Қайтиши билан соҳиби девон ҳам кириб келди.

Худо бўй-бастанд уриб қолган бўлса ҳам, ақл-заковатдан бенасиб қилмаган, ўзини ҳамиша вазмин ва басавлат тутадиган бу одам ҳозир аллақандай бесабр ва бетоқат эди. У Берунийнинг илтифотларига қулоқ солмай, Сабҳуга «чиқиб тур!» деб имо қилди-да, эшикни зич ёпиб, ҳаяжон билан шивирлади:

— Дарҳол кийининг, мавлоно! Биродари азизингиз... ҳазрат ибн Сино пойтахтимизга қадам ранжида қилмишлар!

«Ибн Сино» номини эшитганда Берунийнинг юраги беихтиёр «шиғ» этди, бироқ шу заҳотиёқ бир ойдан бери бўлаётган можаролар, доруссалтанатда юрган ҳайратомуз миш-мишлар ёдига тушиб, лабига кулгу югурди.

— Олампаҳоғга қанча ибн Сино керак? Бир сохта ибн Сино етмайдими? Иккинчи сохта ибн Сино не керак, тақсирим?

Соҳиби девон рад ифодасида оппоқ салладор бошини чайқади:

— Йўқ-йўқ, бу ибн Сино сохта эмас, чин ибн Синодур, мавлоно! Исфаҳонда турган амир Масъуд ўзи йўллагандур ҳазратларини!

— Иншоолло сўзингиз рост бўлсин! Аммо... амир Масъуд йўллаган бу ибн Сино чин ибн Сино бўлса, саройдаги анов «ибн Сино»ни не қиласиз, тақсирим?

— Фош қиламиз! Ёлғиз уни эмас, анов ҳезбачча ва- зир... Абул Ҳасанакни ҳам қўшиб фош қиламиз, мавло- но!

Берунийнинг лабларидаги табассум аччиқ кулгуга айланди.

— Билмам, тақсирим, сиз айтган ул сохта ибн Си- нонинг дорулари султонга сиҳат келтириб, давосиз дардини даф этган эмиш!

— Ёлгон!

— Ёлгонми, чинми, кеча амирал мўъминини ўз кў- зингиз билан кўрдингиз. Масчитти жомеда сиз айтган ул баттол ҳакимга ўқилган ҳамду саноларни ўз қуло- гингиз билан эшитдингиз...

— Эшитдим... аммо... бари бир инонмаймен! Ул мак- кор кимса ҳаким эмас, илонинг ёғини ялаб, қонини сўрган бир фирибгардур! О, мавлоно, мавлоно!— деди соҳиби девон, оппоқ бошини алам билан тебратиб.— Шайтондан тарқаган бу шайтон саройда нелар қилиб, не ўйинлар кўрсатмоқда — ҳеч бирини билмайсиз! Ул муғамбир афсунгар жоду ва афюн билан султонни ақ- лу ҳушидан айирмиш. Давлатпаноҳнинг кўзини очмоқ- чи бўлган хешу ақраболар эса — қувғиндадур! Ҳатто бу фирибгарни топган вазири аъзам Али Ғарибнинг ўзи ҳам олампаноҳнинг қаҳрига йўлиққандур!

— Сиз эса... ул фирибгарни фош қиламен, деб чи- ранасиз!

— Мен эмас, сиз билан чин ҳазрат ибн Сино фош қилмоғи даркор ул қаллобни! Ҳамма умид сиз икков- ларингда, мавлоно! Токи, ўзини чин ибн Сино деб, олам- паноҳни ўз сеҳрига илинтирган бу ғаламиснинг сохта ҳаким эканини фош қиладурғон бошқа бир кимса йўқ- дур, мавлоно!

— Йўқ, уни биладурғон яна бир кимса бор!

— Ким ул?

— Шоир Маликул шароб! Ул шўрликнинг бирдан- бир гуноҳи — бу маккор жодугарни таниганидур! Тани- гани учун бир зиндондан иккинчи зиндонга ташланур, сиз эса...

— Ҳмм...— соҳиби девон Берунийга қарашдан уял- гандай нигоҳини четга олди, сўнг, митти жуссасига мос тушмаган бир қатъият билан:— Хўп!— деди, кичкина- гина муштини тугнб.— Маликул шаробни зиндондан

чиқармоқ чорасини кўрамиз! Аммо шу нарса ёдингизда бўлсин, мавлоно, доруссалтанатга ташриф буюрган биродарингиз чин ибн Сино ҳам ҳозир Маликул шароб каби хатар остидадур!

«Хатар» сўзи Берунийга худди сармаст одамнинг бошига қуйилган бир пақир совуқ сувдай таъсир этди. У бирдан хушёр тортиб:

— Ҳазрат ибн Сино қайда ҳозир?— деб сўради.

— Расадхонада! Ҳаким ҳазратларини анов бетавфиқ Абул Ҳасанак хуфияларидан эҳтиёг қилмоқ ниятида расадхонага туширмоқни лозим топдик. Расадхонада ўзларидан бошқа ҳеч ким бўлмас. Ҳазратлари олам-паноҳнинг чеҳраи шамсларини кўришга муяссар бўлгунларича биродарингиз билан бирга бўлурсиз, мавлоно!

Беруний соҳибни дегонинг гапига эндигина ишонди-ю, яна бояғидай юраги гурс-гурс уриб, жимгина бош эгди.

— Сукут — аломати ризо! Дарҳол кийининг, мавлоно!

Машриқ томондаги тоғлар устида қучоққа сиғмас тўлин ой гўё соф тилладан ясалган олтин жомдай ярқираб турар, олам унинг аллақандай осуда, тиниқ шуъласига фарқ бўлган, кўчалар, майдонлар, чорраҳалар ёруғ ва хиёл сирли эди.

Бир неча ой совуқ таҳлика қўйнида ётган шаҳар кечаги тантаналардан кейин сал илиганга ўхшар, тун ярмидан ошиб қолган бўлса ҳам, карвонсаройлардан мусиқа овозлари эшитилар, гузарларда гулхан ёқиб ўтирган қоровуллар кўзга чалинарди.

Берунийни қуршаб олган ўн нафар сувори шаҳардан чиққач, пастқам арчазер қирлар оша отларининг бошини мағриб томон буришди. Сутдай тиниқ ой шуъласида олисдаги қорли чўққилар элас-элас кўзга чалинарди. Чўққилар томондан ғир-ғир шабада эсар, арча ва ёввойи гиёҳларнинг арлаш-қуралаш нозик атри димоққа гуп-гуп урарди.

Берунийнинг саман йўрғасини «чуҳ-чуҳ»лашнинг ҳожати йўқ, у бошқа отлар қуршовида бир меъёрда беозор йўрғалаб борар, зотан, Беруний қандай ва қаёққа кетаётганларини ўйламас, унинг бутун фикри зикри бўлгуси учрашувда эди. Бу учрашув, ажабо, унинг хаёлида бир-бирига зид, нотинч ўйлар, дилида эса хижолат аралаш пушаймон уйғотмоқда эди.

Шак йўқ: Абу Алининг келгани яхши! Улар Гурганж

сарҳадида видолашибдики, Абу Райҳон уни бир кўришга интиқ-интизор! У билан олам ҳақида, табнат сирлари ҳақида, ўлим ва ҳаётга боғлиқ ечилмас жумбоқлар ҳақида тўйиб-тўйиб суҳбатлашиш, бошларидан ўтган яхши-ёмон гаплар, кечган кечмишлар тўғрисида ётиб дардлашиш, ораларидан ўтган низо-нифоқлар учун кечирим сўраб, кўнгил тугунларини ёзиш орзусида юрарди! Мана, орзусига ҳам егди ҳисоб! Лекин орзусига етган бир маҳалда бу машъум ишларнинг бошланиши! Ўзини ибн Сино деб эълон қилган бу фирибгарнинг пайдо бўлиши! Унинг ақл бовар қилмас найранглари-ю, бу найранглар сабаб, саройдаги фитна-фасодларнинг авж олиши!..

Бундан бир ой муқаддам, ақл бовар қилмас бу машъум ишлар бошланганда Беруний сал ўтмасданоқ уларнинг мисли чиқиб, ҳақ қарор топишига инонган эди. Йўқ, акси бўлди! Шайтонга сабоқ берган бу муғамбир қандай дорулар ишлатгани ҳаммага қоронгу, аммо ҳақиқат шуки, бир неча ойдан бери оғир дард оташида қовурилиб ётган амирал мўъминин «ҳазратлари»нинг муолижасидан шифо топиб, оёққа турди. Шаҳарда тарқалган совуқ мишмишларга барҳам бериш ниятида султон кеча биринчи марта кўчага чиқди, мисли кўрилмаган асъасаю дабдаба билан доруссалтанат гузарлари ва майдонларидан от суриб ўтди, масчити жомеда юз минг намозхон иштирокида беш ракаат намоз ўқиб, Боғи Фирузда беш юз кишига зиёфат берди!..

Бас, бу оғир, потинч вазиятда азиз биродарининг аҳволи не бўлади? Йиғирма йил бу мустабид шоҳга хизмат қилишдан бош тортиб қочиб юрган алломаи замон, наҳот энди телба тақдирнинг тескари ўйинлари сабаб, ғурурини поймол этиб, катта бошини кичик қилиб чин ибн Сино эканини исбот қилишга мажбур бўлса? Бу ҳам майли, сохта ибн Сино теварагида бошланган бу машмаша, Хатлибегим билан вазиру вузуро ва амиру умаро ўртасида тобора авж олаётган бераҳм-бешафқат кураш орасига тушиб қолса нима бўлади?

Ана, ўнгда Гардиз қалъасининг қўрғони кўринди. Қўрғондан ўтиш билан йўл бирдан ўрлаб кетди-ю, олдинда, тўлин ой шуъласида олмосдай ярқираган қорли тоғ ўрқачида расадхона биноси кўзга чалинди. Бинонинг иккинчи ошёнасидаги дўнгалак даричалари сўнаётган юлдузлардай ожиз милтирар, афтидан, кекса мунажжим мавлоно Абу Толиб Фаррухий ҳануз уйғоқ эди.

Одатдагига хилоф, расадхона қўрғони олдида... қўл-

ларида тиф ушлаган икки навкар турарди. Берунийни бошлаб келган навкарлар уни отдан тушириб, орқаларига қайтишди. Беруний увишиб қолган оёқларини уқалай-уқалай, ҳовлига кирди. Катта боғни эслатувчи сердарахт ҳовли кимсасиз, расадхона жимжит эди. Унинг қўш тавақали залварли эшиги берк эди. Беруний, гўё ибн Синони уйғотиб юборишдан қўрққандай, эшикнинг улкан мис ҳалқаларидан тутиб аста тақиллатди. Дарҳол ичкарида енгил оёқ шарпаси эшитилиб, эшик аста очилди. Бўсағада, қўлида тошфонус, ёш муаррих Абулфазл Байҳакий турарди. Оёғида кавуш, эғнида йўл-йўл бўз яктак, Абулфазл, Берунийни кўриб:

— Устод!— деб шивирлади аллақандай ваҳима билан.— Расадхонага... Ҳазрат ибн Сино ташриф буюрдилар! Сохта эмас, чин ибн Сино, устод! Ёнларида шогирдлари ҳам бор!

Беруний беихтиёр кулимсираб:

— Ҳазратлари қайдалар?— деб сўради.— Истироҳатдаларму?

— Йўқ, устод. Шогирдлари пастда, истироҳатдалар. Ўзлари юқорида, расад¹ билан машғулдурлар!

— Расад билан?

— Шундай, устод! Олатлар ёрдамида Дубби акбар буржларини ўлчаш билан банддурлар!

Беруний бир-бир босиб қаршисидаги мармар зина томон юрди, бироқ зина пиллапояларига оёқ қўяркан, негадир тўсатдан бир маҳаллар Абу Алига ёзган хатлари, тўғрироғи, хатлардаги заруратсиз густоҳликлари эсига тушиб, яна боягидай хижолат аралаш пушаймон туйғуси қуйилиб келди. Бунга доруссалтанатда бўлаётган можароларни айтиш ташвиши қўшилди-ю, Беруний, зина тутқичларига суянганича, узоқ туриб қолди.

Йўқ, на мактублардаги густоҳликлари учун узр сўрашга зарурат туғилди, на доруссалтанатда содир бўлаётган мудҳиш воқеаларни изоҳлаб ўтиришга! Тўғрироғи, узр ҳам сўради, мудҳиш воқеаларни айтиб ҳам берди, лекин бунинг ҳаммаси кейин, бир неча кун давом этган тонготар суҳбатлар чоғида, Беруний орзу қилган «ётиб дардлашншлар» вақтида айтилди. Абу Али эса гўё шундай бўлишини олдиндан билгандай бу гапларни кулиб эшитди, фақат кулгуси аллақандай маъюс ва дардли чиқди. Бироқ бу гаплар кейин бўлди. Ҳозир эса...

¹ Р а с а д — фалакни кузатиш.

Беруний кирганда хонанинг ўртасидаги ёйсимон судси фахри¹ ёнида, шифтдаги катта туйнукнинг тагида, одатда Беруний ўтирадиган суянчиғи баланд юмшоқ курсида... бошига мўрисимон кўк қалпоқ, эгнига кўк кимхоб тўн устидан енгсиз оқ ятак кийган бир мўйсафид калласини осилтириб ўтирарди!

Беруний оёқ учида юриб, курсининг ёнига борди.

Мўйсафиднинг тиззасидаги ипак қоғозда Дубби акбар юлдузларининг судси фахрида акс этган буржлари чизилган бўлиб, тагига бир неча сатр изоҳлар ёзилган, лекин бу изоҳларни ёзган қалам гилам устида юмалаб ётар, ибн Сино пинакка кетган эди!

Ёпирай! Улкан бошини ҳорғин осилтириб курсида ухлаб ётган бу мўйсафид... наҳот ўша Абу Али ибн Сино бўлса? Беруний билган Абу Алига ҳам ўхшар, ҳам ўхшамас эди! Беруний билган ибн Синонинг соқол-мўйловлари сақичдай қоп-қора ва бежирим эди, бу ҳорғин мўйсафиднинг мош-гуруч соқоли эса кўксига тушган! Беруний билган ибн Синонинг чўзинчоқ хушсурат чеҳрасида битта ҳам ажин йўқ эди, курсида беҳолгина ухлаб ётган бу мўйсафиднинг офтоб ва шамолларда қорайган юзи силлиқ бўлса ҳам, юмуқ кўзларининг теграсига, лабларининг четларига чуқур излар тушган, ҳорғин чеҳрасида қандайдир тизгинсиз аламлар муҳри босилган эди! Фақат шам шуъласида мис баркашдай ялтираган катта дўнг пешонаси-ю, узун қийғир бурни Беруний билган бурунги ибн Синони эслатарди, холос!

Беруний, юраги аллақандай ачишиб, секин орқага қайта бошлади, бироқ шу пайт, курсидаги мўйсафид уйғониб кетди-ю, аста ўрнидан турди. Унинг ҳорғин чеҳрасида, чуқур ботган тиниқ кўкимтир кўзларида таажжуб аралаш ҳайрат акс этди, сўнг бу ҳайрат ёшига мос тушмаган мулойим бир табассум билан алмашди.

— Ассалому алайкум, устод!

Ё тавба! Бу сал бўғиқ, осойишта овоз, мулойим кулимсираб турган бу кўкимтир кўзлар, бу катта дўнг пешона — ҳамма, ҳаммаси таниш, азиз, қадрдон эди!

— Ваалайкум ассалом, Абу Али!

Беруний ибн Синонинг новча, назарида, бурунгидан ҳам новчароқ, озғин қаддини бағрига босаркан:

— Во дариг!— деб «қулт» этиб ютинди.— Сени кўрадургон кун ҳам бор экан, Абу Али!

Улар, гўё дийдор кўришганларига ҳануз ишонолмай,

¹ Судси фахри — секстант.

бир-бирига қайта-қайта тикилиб қарашар ва қайта-қайта қучоқлашиб кўришишар эди. Ниҳоят, курсларини суриб, юзма-юз ўтиришаркан, ибн Сино хиёл гамгин кулимсираб:

— Тангрига шукур,— деди кўзини Берунпйдан узмай.— Ҳануз бурунгидай бардам, бурунгидай саломат кўрдим сизни, устод.

— Э воҳ! Сен билган Абу Райҳон эмасмен. Умрнинг энг нурли онлари ўтиб кетди, Абу Али!

— Не чора? Тақдири азалининг қонунини шу экан, устод!

— Наҳот сендай ҳакими даврон ҳам бу қонунни ўзгартира олмаса, Абу Али!

Ибн Сино ҳорғин кўзларини юмиб, яна маҳзун кулди:

— Ёшликда, шубҳа нелигин билмай юрган ақл заиф чоғларда наинки бу қонун, ҳатто ажални ҳам даф этишга инонар эдик! Мапа энди, кексаллик манзилга етиб, оқу қароли таниганимизда аён бўлдики, олам сирларини ечишга ожиз бир банда эканмиз, устод!

— Қариганда энди ақлимиз кирди де, Абу Али!

— Билмам, устод!.. Фақир ақлим кирдим, йўқми — буни айтолмаймен. Аммо... буюк аллома Суқрот айтганидек, шуни билдимки, ҳануз ҳеч нарсани билмас эканмен, устод!

Ибн Синонинг ўз устидан хиёл кулиб, хиёл киноя билан гапиришлари Берунийга айниқса хуш ёқди-ю, меҳр билан тикилиб:

— Каминани уялтирма, Абу Али!— деди ёлвориб.— «Ал-Қонун»дай буюк асар яратиб, «шайх ур-раис» номини олган сендай алломаи замон фақирни «устод» дейишинг ярашмас, билъакс, мен сени «устод», десам ярашадур, Абу Али!

— Камтарлик — инсон зийнатидур, биламен, Аммо... сиз ҳам мени уялтирманг, устод!

— Майли! Гап бир-биримизни улуғлашда эмас, Абу Али!

— Шундай, устод!

Улар, гўё бу лутфу илтифотлардан хижолат чеккандай, бир зум жим қолишди. Беруний юрагини чулғаб олган ҳаяжон билан ҳануз олишиб:

— Фақир сени ўйлаганимда, нечундир донм Гурганжда, видолашув кечасида айтган сўзларинг ёдимга тушарди, Абу Али.— деди.

— Ҳа, видео кечаси менинг ҳам ёдимда, устод.

Беруний мийиғида бир кулиб қўйди:

— Қалай, орзу қилган одил шоҳларни топдингму, Абу Али?

— Топдим,— ибн Сино ҳам ҳорғин кўзларини юмиб, ғамгин кулимсиради.— Қайга бормай — ҳамма жойда «одил шоҳларга» дуч келдим, устод. Шундайким, охир-пировардида улардан яширинишга жой тополмай қолдим. Журжонда Қобус ибн Вушмағирнинг «адолатидан» зўрға қочиб қутулдим. Райда ўзингиз билган маликаи Саида!..

«Маликаи Саида» номини эшитиши билан негадир Хатлибегим билан бўлган учрашув ёдига тушди-ю, Берунийнинг кўзларида шўх учқунлар чақнади:

— Эшитишимча... ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган ул маликаи гулрухсор сенга ошиқу беқарор бўлган эмнш. Бу сўз ҳақиқатму, Абу Али?

— Не чора! Тақдирнинг бу ўйинини ҳам кўрдик, устод!— кулди ибн Сино,— шундайким, ул маликаи гулрухсорнинг меҳри адолатидан сичқоннинг ини минг танга бўлди. Аммо, э воҳ, ёмғирдан қочиб дўлга, яъники, маликаи Саидадан қочиб Шамсуддавлга тутилдим. Буниси ундан ҳам меҳрибон, ундан ҳам адолатли эди, устод.

— Бир-биридан меҳрибон, бир-биридан адолатли де?

— Шундай, устод. Сиз-чи? Сиз ҳам бу томонларга адолат қидириб келган эдингиз...

— Ҳа, адолат деганда бойўғли тўғрисидаги ривоят ёдимга тушадир, Абу Али! Ғазнани кўра олдингму?

— Оз-оз кўрдим, устод. Ҳақиқатан, гўзалликда беназир бир шаҳри муаззам бўлибди! Аммо... бу гўзаллик, бу масчиту миноралар, кўшқу саройлар кимлар ва нелар ҳисобига...

— Биламен, Абу Али! Ўз юртини обод қилмоқ учун бошқа юрт, бошқа шаҳарларни зер-забар қилмоқ — гуноҳи азимдур. Ҳаммасини биламен, Абу Али. Доруссалтанатда қурилган муҳташам саройлар, кўркам қасрлар, масчиту миноралар учун ҳиндлар юртидаги ўнлаб шаҳарлар талон-торож бўлганини ўз кўзим билан кўрдим. Ва лекин... ҳозир ўзинг иқрор бўлдинг: бу одил шоҳлардан дунё кўзимга қоронғу кўринди, деддинг! Бир-биридан «одил», бири биридан «оқил» деддинг! Бас, султон Маҳмуд хизматида бўлмасам, Шамсуддавла хизматида бўлур эдим. Шамсуддавла бўлмаса, маликаи Саида хизматида бўлур эдим. Не чора, Абу Али?—

Берунийнинг товуши ногаҳон чексиз ғам-андуҳ билан янграб кетдию, ибн Сино беихтиёр юраги увишиб:

— Устод!— деди қўлини Берунийнинг тиззасига қўйиб.— Йўқ, устод, султон Маҳмуд хизматига келганингиз учун сизни айбламоққа ҳаққим йўқ. Биламен — келишдан бош тортсангиз, сизни ҳам фақир каби оёқ-қўлларингиздан боғлаб олиб келур эдилар. Илгари бўлмаса ҳам энди бир нарсага ақлим етди, устод: бу дунёда ҳамма нарса, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам нисбий экан. Қим билсин, агар сиз бу мустабид шоҳ хизматига келишдан бош тортганингизда... эҳтимол, бу муаззам расадхона бунёд бўлмас эди!

Беруний бирдан чеҳраси ёришиб, бир қуббадор шифтдаги улкан махсус туйнукка, бир пастдаги судси фаҳрига, бир деворлардаги жадвалларга қаради.

— Ҳа, бу расадхона камина учун бир таскину тасалли даргоҳи бўлди, Абу Али! Сен каби мен ҳам дунё кўзимга қоронғу кўринган онларда шу даргоҳга келиб, илм билан, мутолаа ва мушоҳада билан ўзимни овутамен. Бу туйнукдан кўринган анов ситоралар олдида бани одам умрининг ўткинчилиги ҳақида ўйлаб, тасалли оламен. Сўнг, бу олам, бу фалакиёт сирларини ўрганиш учун алланечук бир рағбат ва қувват топамен бу расадхонада! Насиб қилса яратган тақвимларим, чизган жадвалларим — ҳаммасини кўрсатамен, Абу Али!

Ибн Сино устоднинг дилидаги дардларини бутун вужуди билан ҳис этгандай унга ҳайрат ва меҳр билан термиллиб:

— Ҳиндистон-чи?— деб сўради.— Ҳиндистон ҳақида катта китоб битган эмишсиз. Уни хаттотларга бериб кўчиртиргандурсиз, устод?

Беруний секин уф тортди:

— Уни хаттотларга бермоқ учун аввал султон Маҳмудга кўрсатмоғим даркор, Абу Али!

— Нечун, устод?

— Нечун? Наҳот «одил шоҳлар» одатини билмайсен, Абу Али? «Ҳиндистон» деганда султон Маҳмуд унинг музаффар юришлари тўғрисида ёзилган бир қасида, унинг қатлу қирғинларини шарафлаб, номини башарият тарихида қолдиргувчи бир асар деб ўйлайди! «Ҳиндистон» эса бу буюк ва мазлум элга фақирнинг юрагида туғилган улуғ эҳтиромдан бир тэмчидир, Абу Али!

Ибн Сино кўзлари ёш толиби илмнинг кўзларидай ҳайрат билан порлаб:

— Лоақал бир нухаси тайёрдур, устод?— деб сўради.— Тайёр бўлса, бир неча кунга бўлса ҳам берарсиз!

Беруний кўзини қисиб кулди:

— Марҳамат, агар сен «ал-Қонун»дан бир нухса берсанг, мен ҳам «Ҳиндистон»дан бир нухса берамен!

— Бошма-бош денг?

— Бошма-бош!

Суҳбат гоҳ илми ҳикмат, ёзилган ва ёзиш орзусида кўнгилларига тугиб қўйган китоблар ҳақида бўлар, гоҳ бошдан кечган умр савдоларига ўтарди. Илм ва китоблар ҳақида гап кетганда суҳбатга қандайдир жон кирар, иккиси ҳам кўзлари чақнаб, юзларига қон югурар, умр савдосига ўтганида эса суҳбат сокин, аммо аллақандай ҳазин бир нур билан йўғрилар эди.

Иккиси ҳам бир-бирларининг дилида қат-қат бўлиб ётган дарду ҳасратларни, бошларидан ўтган мусибатларни бир-бирига айтишдан ийманар, бу ғам-андуҳларни чуқур ҳис этганлари ҳолда, юракларида чандиқ бўлиб қолган эски яраларни тирнашни истамас, тўғрироғи, тирнаш бефойда эканини яхши англаб, шунинг учун ҳам телба тақдирнинг телба ўйинлари ҳақидаги гапларни четлаб ўтишга ҳаракат қилишар, бунга илож бўлмаганида эса, гап оҳанги енгил, аммо сал мунгли ҳазил-мутойибага бурилар эди.

Суҳбат шу йўсин тонг отгунча давом этди.

Иигирма еттинчи боб

Вазири аъзам Али Ғариб Хатлибегимнинг амри билан ўз кўшкига қайтиб келганида тун яримдан ошган эди.

Хатлибегимнинг махфий мактубини вазири аъзамга Пири Букрий етказди. Мактуб билан бирга у саройда бўлаётган ҳамма можаролардан бош вазирни воқиф қилди. Бу гаплардан кейин Пири Букрий вазири аъзамга ўз дарду ҳасратлари, ўз илтимосларини изҳор қилмоқчи эди. Лекин Хатлибегимнинг мактубини ўқиб чиққан вазири аъзам шундай ҳаяжонга тушдики, Пири Букрийнинг гапларини чала-чулпа эшитди-да, илтимосларини тинглашга сабри етмай, дарҳол отга минди. Кўшкка бош вазирдан аввал етиб келган мушрифлар эшик оғасини огоҳ қилиб қўйган экан, у вазири аъзам билан Пири Букрийни дарвоза олдида кутиб олиб, тўғри кўшкка бошлади. Бироқ кўшкка киргач, одатдагидек, иккинчи қаватга эмас, пастга, биринчи қаватнинг

тагидаги ертўлага ўхшаш махфий хоналарга бошлади. Бу ерда бир-бирига туташ икки хона бўлиб, биринчисида биттаю битта эски курси турар, иккинчи хона ҳам, гарчи жиҳозлари ғарибгина бўлса-да, ҳар қалай, тагига катта қизил юмшоқ палос тўшалиб, ўртага нознеъматлар тўла хонтахта қўйилганди.

Вазири аъзам эғнидаги одмигина олача тунини ечиб қозикқа илди, бошидаги эскироқ сувсар телпагини олиб, шафтоли гулли гилам дўпписини тўғрилаб кийди-да, қўлларини орқасига қилиб, хаёл оғушида кенг, чорбурчак хонани айланишга тутинди.

Пири Букрий, мунчоқдай кўзлари садоқат ва умид билан жавдираб, пойгакда қўл қовуштириб турар, у худди хўжасидан суяк кутаётган кучукка ўхшар, бироқ хўжаси, ўз ғами, ўз ўйлари билан банд, вафодор кучуғига қарамас эди.

Вазири аъзам сўнги бир-икки ҳафтада ўзини жуда олдириб қўйган, нақш олмадай қин-қизил, лўппи юзлари сўлиб-сарғайиб, мунчоқ кўзлари ичига ботиб кетган, калта, йўғон бўйни ингичка тортиб, томоқ остлари қари тустовуқнинг томоғидай осилиб қолган эди.

Вазири аъзамнинг аҳволини кўрган Пири Букрий кўнглидаги дарду ҳасратларини айтишини ҳам, айтмаслигини ҳам билолмай ҳанг-манг бўлиб турган эди, ногаҳон ташқарида тап-тап оёқ товушлари эшитилди-да, эшик шитоб билан очилиб, хонага... Хатлибегим кириб келди.

Эғнида одатдаги қора ипак кўйлак ўрнига тўпигига тушган қизил бахмал кўйлак, ёқаси ва енглирига сариқ ипак шокилалар тикилган қизил мурсак, оёғида сақичдек ялтиллаган учи эгик бежирим қизил этикча, Хатлибегим, юзига тутилган шаффоф шойи дуррасини орқасига ташлаб, бир тўрда бош эгиб турган вазири аъзамга, бир пойгакда тош бўлиб қотиб қолган Пири Букрийга қаради-ю, юпқа лабларини ҳимариб:

— Ҳи, куёвтўра!— деб кулди.— Ғунажинни нўхта-лай олдиларми ё ҳануз нўхта сололмай овораларму?

Бегимнинг ҳазили заҳарли қамчидай тегса ҳам, Пири Букрий аллақандай қийшанглаб кулди:

— Узингиздан қолар гап йўқ, бегим. Ёш нарса...

— Чайналмай, чинини айта беринг, куёвтўрам! Агар жиловлай олмаган бўлсалар ҳарам бекаларини юборамен, ўзларни жиловлаб миндириб қўядилар!

— Тоабад миннатдормен, бегим!— Пири Букрий ҳамон ҳиринглаб кулганича қўйнига қўл солди.— Олий-

ҳиммат бегимга аталган бир совғам бор эди, фурсатдан фойдаланиб...

Хатлибегим кескин ҳаракат билан Пири Букрийни тўхтатди:

— Ҳозир совға-саломнинг фурсати эмас. Ундан юз чандон зарур гап бор! Даф бўлсинлар, куёвгўрам!

— Қуллуқ, бегим, қуллуқ!— Пири Букрий шоша-пиша орқасига тисарилиб, хонадан чиқди. У олди эшикни зич ёпмоқчи эди, кейин, хаёлига аллақандай бир фикр келиб, қия очиқ қолдирди-да, бирдан ҳолсизланиб, деворга суянди, суяниши билан ичкаридан Хатлибегимнинг одатдагидай ўктам, қаҳрли товуши эшитилди:

— Ҳамма қилгуликни қилиб қўйиб, энди нечун пис-тирмаларда пусиб юрибдилар, тақсирим? Суф сиздай вазири аъзамга!..

Али Ғариб бир нималар деб гудранди, бироқ унинг сўзларини яна Хатлибегимнинг бетоқат, дарғазаб овози бўлди:

— Бас! Нолаи фиғонингизни йиғиштиринг, жаноб вазир! Бу маккор сохта ибн Синони топган мен эмас, уни топган тақсиримнинг ўзларидур! Ҳай аттанг! Мана энди билинди Хўжа Аҳмад¹ ҳазратларининг қадри! Барча аркони ҳарб ва аркони давлатнинг қаҳрига йўлиққан бир ҳезалакни даф қилишга ақлингиз етмаса... вазири аъзам бўлиб не қиласиз, тақсирим?

— Соябони марҳамат, бегим! Деворнинг ҳам қулоғи бор!— Али Ғариб ҳадиксираб келиб эшикни зич ёнди чоғи, овозлар эшитилмай қолди.

Пири Букрий, одатда, қулоғини деворга қадаб бўлса ҳам, бундай пинҳоний гапларни билиб олишга уринар эди, ҳозир эса, кўнгли ғаш, юрагида интиҳосиз бир алам, беҳолгина судралиб бориб, четроқда турган эски курсига аста чўкди.

Ажабо: унинг кўз олдида ҳамон Хатлибегимнинг кинояли табассуми турар, қулоқлари остида заҳарли гаплари янграр эди! Бу гаплардан унинг юраги оғримасдан кимнинг юраги оғрийди?

Мана, бир ойдан ошдики, Хатлибегимнинг навкарлари кимсан Ҳоруи ар-Рашиднинг бебаҳо жавоҳири эвазига Садафбинни унинг қўлига олиб бориб топширишди.

¹ Хўжа Аҳмад Маймандий— султон Маҳмуднинг кўп йиллик бош вазири.

Бибининг шарафига Пири Букрий ўз дўконига туташ бир ҳовли-жойни сотиб олиб, гулдай ясатиб қўйган эди. Бибини вазири аъзам кўшиқдан қолтирмайдиган шу кўркем ҳовли-жойига туширди, хизматига кекса оқсоч ёллаб, ўзини ноёб заррин либосларга ўраб ташлади, ертўласидаги энг яширин сандиқларини очиб, бўйнига энг қимматбаҳо маржонлар, қулоқларига олтин сирғалар, қўлларига тилла билагузуклар, ҳатто оёқларига олтин холхоллар тақиб, бошидан лаъл ва инжулар сочди. Аммо не фойда? Садафбиби ҳануз уни кўрса бўрини кўрган қўзичоқдай қалтирайди, қалтираса ҳам майли, юмалоқ кулча юзидан қонни қочиб, кўзлари ҳазар аралаш аллақандай нафрат билан чақнайди... Кечалари эса ёнига йўлатмайди, на унинг оҳу фарёдларига қулоқ солади, на кекса оқсочнинг панду насиҳатларини дўқ-писандаларига!..

Кўп йиллардан бери Пири Букрийнинг хизматида юрган кекса оқсоч бир неча марта унга Садафбибинини ҳайдаб юборишни, энгидаги бебаҳо либосларини ечиб олиб, ўзини қулжаллобга пуллашни маслаҳат берди, агар шундай қилса, ундан минг чандон кўхлик, минг чандон мулойим, безабон канизларни топиб беришни ваъда қилди. Бироқ... не чора? Пошшонинг ишқи қурбақага тушмиш, дегандек, кўнгилга амр қилиб бўлмас экан. Пири Букрий, ҳарчанд уринмасин, ўз ҳисларини жилволлай олмади.

Пири Букрий гарчи мажруҳ бўлса ҳам, гарчи ёни пайғамбар ёшига яқинлашиб қолган бўлса ҳам, бир йигит тенги кучи бор. Ҳатлибегим айтмасданоқ Садафбибинини ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўз кучи билан нўхталаб олишга бир неча бор уришиб ҳам кўрди. Бироқ Садафбиби ҳам, жуссаси чоғроқ, нозик қиз бўлса-да, уришқоқ мушукдай олишиб, Пири Букрийга бўй бермади, шундайким, ҳар сафар у қизнинг гўшасидан соқоллари юлиниб, юзлари тирналиб чиқди!

Йўқ, агар Пири Букрий истаса, Ҳатлибегим айтганидек, уни аллақачон нўхталаб оларди. Ўзининг кучи етмаса, нтади вафодор оқсочининг ёрдамида, оёқ-қўлларини боғлаб бўлса ҳам нўхталаб оларди. Бироқ бибининг кўзларидаги бу чексиз нафрат, кулча юзларидаги бу жирканиш!.. Йўқ, кишининг нафсониятини поймол қилувчи бу нафратга тоқат қилиш қийин! Қийин, бироқ у тоқат қилиб юрибди, тишини тишига қўйиб бўлса ҳам, аламдан юраги қон-қақшаса ҳам чидаб келмоқда.

Э, яратган эгам! Бу не кўргулик? Пири Букрий умрида икки марта шундай хор бўлди. Бири Қиётда, отасининг қадрдони бўлмиш насроний савдогарнинг бева қизи Райҳонабонуга ишқи тушганида, бири энди, Садафбибига дуч бўлганида! Боз бу телба тақдирнинг телба ўйинини қарангки, ҳар икки сафар ҳам унинг муҳаббатига панд берган одам — Абу Райҳон Беруний бўлди. Тақдир нечун уларни бир-бирига рақиб қилиб қўйди? Райҳонабону сабаб Қиётда қирпичоқ бўлиб, йўллари ажрашиб кетган икки рақиб, нечун салкам қирқ йилдан кейин яна бу шаҳарда дуч келишди, нечун тақдир яна ораларига бу малакни солди? Пири Букрий бу жумбоқни ечишдан ожиз. У фақат бир нарсани билади: гар аёвсиз қисмат уни Абу Райҳонга рўбарў қилмаганида унинг ҳаёти ўзгача йўлдан кетарди! Шак йўқ — ўзгача бўларди! Ешлик чоғларида Райҳонабону висолига ета олмаса ҳам, бу сафар Садафбибининг висолига етарди! Ҳозир эса... Пири Букрий Садафбибининг гўшасига киришга ожиз, унинг бўсағасида ўз ёғига ўзи қовурилиб ётаркан, ҳар кеча унинг: «Устод! Устод!» деган нидоларини эшити-ю, қулоғига қизнинг фарёди эмас, бамисоли оғу қуйилгандай, вужуд-вужудларига ачишиб кетади!

Ё раб! Ёзуғи не унинг? Қайси гуноҳлари учун уни бу норасо дунёдаги энг катта саодат — муҳаббат саодатидан Мосуво қилдинг? Гуноҳи — майиб-мажруҳлигими? Аммо... уни майиб-мажруҳ қилган ким? Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен, ва лекин, уни мажруҳ қилиб, бандаларингга калака қилган ҳам ўзинг эмасму, парвардигори олам?

Ҳа, бундан қирқ йил муқаддам, йўқ, қирқ беш йил муқаддам, кичкинагина, қоп-қорагина Абу Райҳон Қиёт бозорларини супуриб, дўкондорлар хизматини қилиб юрган чоғларида, Пири Букрий ўн беш ёшлар чамасидаги нозиккина хушсурат бир ўспирин эди! Ўзи сал рангпар, касалманд бўлса ҳам, елкасидаги букридан асар ҳам йўқ эди! Ҳазар¹ томонлардан келиб, Қиётда катта дўкон очган отаси эса, — олло унинг гуноҳини кечиргай, — насроний динидаги машҳур савдогарнинг қизи Райҳонани унга олиб бериб, бойлигига бойлик, доврўғига доврўқ қўшмоқ орзусида юрарди.

Лекин... э воҳ! Бало қайда? Боссанг, оёғинг остида, деганлари рост экан!

¹ Ҳ а з а р — ҳозирги Қаспий денгизи.

У бир ҳафтагана бетоб бўлди. Аммо дард уни шундай исқанджга олдики, азалдан касалманд, нозик-ниҳол ўепирни, балон оташ ичида қовурилиб, бир ҳафта ҳушини билмай ётди. Ҳушига келганда эса... тепасида йиғлаб ўтирган отасини кўрди. Отасининг ёнида ҳақимлар кийимида алломанамо бир кимса ўтирарди.

Пири Букрийнинг кўкрак қафасларига совутга ўхшаш бир нарса кийдирилган, совутнинг ичи эса назарида, иссиқ лойга ўхшаш қаттиқ ва ёқимли бир нарса билан тўлдирилган эди.

Бир ойдан кейин алломанамо кимса унга кийдирилган «совут»ни ечиб, танасини қора лойдан соқит қилди-да, қўлтиғидан суяб, ўрнидан турғазди.

У ҳақим ёрдамида ўрнидан туришга турди-ю, фарёд чекиб, қайта ўзини тўшакка отди. Унинг нозик-нимжон бўлса ҳам мовчагина бўй-баста камиди бир қарич кичрайган, заиф кўкраги бўртиб чиққан, елкасида эса... каллақантдай хунук, бедаво бир ўркач пайдо бўлганди!..

Балон ногаҳон бўлиб ёпишган шу ўркач туфайли у бир йилгача одамларнинг кўзига кўринмай, ўз дўконлари тагидаги ертўлада кўксини захга бериб ётди. Дунё кўзига қоронғу кўриниб, кўкка нола қилиб ётди, ҳатто ота-онасини кўришга ҳам тоқати бўлмади. Унинг дарду аламларини тушунадиган, чексиз ҳасратларига ҳамдард бўладиган биттаю битта дўсти қолди, у ҳам бўлса... икки қаричгина қамиш най эди!

У очилмасдан хазон бўлган умри, кўнгил фарёдларини барбод бўлган севгиси — ҳамма-ҳаммасини шу ҳамдард дўстига сўзлар, юрак-бағри қол, кўзларида шашқатор ёш, туну кун тинимсиз бўзлар эди!

Лекин унинг кўнглига таскинлу тасалли бергувчи бу дўст, нимқоронғи ертўлада кечаю кундуз янграган бу юлаи фарёд ундан бурун ота-онасини адои тамом қилди. Аввал онанзори йиқилди, кейин отаси. Улимидан уч-тўрт кун аввал отаси уни ертўла тепасидаги ўз хосхонасига чақиртириб олди.

— Гуноҳкор падарингни кечир, болам,— деди шўрлик ота бошини ёстиқдан аранг кўтариб.— Биламен, сен менни гуноҳларим учун куйдинг, болам. Оллонинг хоҳиши шу экан, не чора, бўтам? Сўзимга инон, ўғлим, бир йилдан бери гуноҳкор отангни ёлғиз бир ғам, бир ташвиш қийнайдди: бу ўткинчи дунёдан кўз юмсам ногирон зурриётимнинг ҳоли не бўлур, деган қайғу кўнглим-

га ором бермайди, болам! Единигда бўлсин: бани одам оч қашқирдан ёмон — ким ожиз, ким ногирон — авваламбор шуларни ёйди! Ва лекин шунни ҳам билиб қўй, жигарим. Бани одамнинг қудрати унинг ҳусни жамолли ва бўй-бастиди эмас, орттирган бойлигида! Пошшоларнинг кучи ҳам бошидаги тожида эмас, хазинасидаги ганжиди!

Падари поки,— ояло унга равзаи ризводан жой ато қилгай!— шундай деб, унга қаршидаги тоқчанинг пастки фиштарини кўчиришни буюрди. Фишт тагида ўра бўлиб, ундан иккита катта хум чиқди. Хумларнинг бири олтин зеб-зийнатларга тўла эди, иккинчиси нодир тошларга!

— Единигда бўлсин, болам,— деди отаси, соқолини кўз ёши билан юзиб.— Фақирга бобондан бир хум ганж теккан эди, мен уни сенга якки хум қилиб топширамен. Бу бойликни кўз қорачиғингдай асрагайсен, токи, у сенинг қора куйларингга ҳам, масъуд дамларингга ҳам ярағусидир!

Хайҳот! Ота сўзларининг фақат биринчи қисмигина ҳақиқат бўлиб чиқди. Падари қолдирган ганжлар ҳақиқатан ҳам Пири Букрийнинг қора куйларига яради. Масъуд дамлар эса... э воҳ! Пири Букрий отасидан қолган икки хум ганжни ўн баробар кўнайтирди, аммо ўн баробар ошган бойлик ҳам отаси айтган бахту саодатни инъом этолмади!.. Падари покидан қолган ганжларга ишониб аввал Райҳонабонга ёпишиб кўрди, энди Садафбигга. Лекин, э воҳ, кўнглига яқин на севиқли маҳбуб топди, на бир дўст!

Пири Букрийнинг хаёлини яна Хатлибегимнинг қаҳрли овози бўлиб юборди. У дик этиб ўрнидан турди-да, оёқ учиди бўсағага бориб, қулоғини эшикка тутди.

Хатлибегим, гўё ҳар бир сўзини қилич билан кесгандай кесиб-кесиб гапирарди:

— Инонган амирларингизни ишга солинг, вазирингиз аъзам! Осмон маликаси саройига энг содиқ сарбозларингизни қўйинг! Шундайким, чин иби Сино ҳазратлари бу муборак даргоҳга қадам ранжида қилганлариди... ҳеч бир кимса йўлларини тўсмасин!

Пири Букрий тап-тап оёқ товушларини эшитиб, дарҳол ўзини четга олди. Эшик шарақлаб очилиб, ичкаридан Хатлибегим чиқди. Унинг сурма тортилган қийғоч кўзлари аллақандай чиройли чақнар, ула-элик суртилган қорамтир юзи ловиллаб ёнарди.

— Ҳа, куёвтўра!— деди Хатлибегим, бўсағада тў:

таб.— Тарки одат — амримаҳол, сўзимизни пойлаб турибсенму бу ерда?

— Йўқ-йўқ! Фақир ҳақир бегимнинг хизматларига мунтазирмен!— Пири Букрий шундай деб, қўлтиғига қўл солди-да, эски латтага ўралган юмалоқ бир нарсани олиб, бегим томон юрди:

— Бағдод заргарлари ясаган ноёб билагузук! Нодир ёқутлар билан зийнатлангандур, бегим!

Хатлибегим совғани олмоқчи бўлиб қўл чўзди-да, дарҳол қўлини тортиб олди.

— Бағдод заргарлари ясаган ноёб билагузукни ўраган латтангни қара! Одамнинг кўнгли айнийдур! Сиз олинг, вазири аъзам! Кейин элтиб берасиз!— Хатлибегим икки букилиб турган букрига ижирғаниб тикилиб қаради-да, яна заҳарханда қилди:— Куёвтўра деган сал қаддини ростлаб юради, азизим! Қаддингизни тутинг! Эрта-бурусқун ҳарам бекасини юборамен: эрка гунажингизга кучингиз етмаса, ўзи жиловлаб, устига миндириб қўяди!

Бегим шундай деди-да, ҳануз кинояли кулимсираганича, хонадан чиқди.

Йигирма саккизинчи боб

1

Хатлибегимнинг хуфиялари тўртинчи кун хуфтонда келишди. Бу пайтда ҳазрат ибн Синонинг Исфаҳондан Ғазнага нима мақсадда келтирилгани икки алломанинг ҳам эсларидан чиққан, зотан, узлуксиз ва аллақандай интиқ-интизор суҳбат билан бўлиб, бутун олам хотираларидан кўтарилган эди!

Одатда, эрталабки нонушта вақтида бошлангани бу суҳбатлар аксар ҳолларда тун ярмигача, ҳатто тонг отгунча давом этар, кунлар тунларга, тунлар эса кунларга уланиб кетар, бироқ бир-бирларининг гапини эшитиш иштиёқи, ҳаёт, олам ва табнат ҳақидаги фикрларини билиш истаги, мулоқот чанқоқлиги сўниш уёқда турсин, билъакс, тобора ортиб борарди.

Беруний, гарчи бир маҳаллар табиат муаммолари тўғрисида, хусусан офтоб нурларининг ҳаётини кучи, иссиқлик ва совуқлик таъсирида жисмларнинг кенгайиши, торайиши ва ниҳоят шаҳарлар ораллиғидаги масофаларни ўлчаш усуллари борасида ибн Сино билан анча мунозара қилган, ҳатто бу масалаларга бағиш-

ланган мактубларида аллома деган номга номунсиб густоҳликка борган бўлса ҳам, ибн Синонинг етук салоҳиятига, айниқса, тиббиёт бобидаги истеъдодига ҳеч қачон шубҳа қилган эмас. Лекин, у эндигина, расадхонанинг тинч, осуда хоналарида ўтириб, «Ал-Қонун» ва «Аш-Шифо» китобларининг мазмунини, назм, мусиқа ва фалсафага оид асарларини ўз оғзидан эшитганиданига унинг нақадар буюклиги ва оламшумул шуҳрати сабабларини англаб олгандек бўлди.

Биринчи суҳбатдаёқ негадир тиббиёт масалалари кўзгалди. Ибн Сино Берунийнинг илтимоси билан суҳбатни «Илми ташриҳ»дан бошлаб, ундан инсон аъзоларига хос касалликларга, касалликлардан даволаш усулларига, яъники, наботот оламига ўтди, сўнг, ярим ҳазил-ярим чин тарзда Берунийнинг томирини ушлаб, унинг дардларини ва ҳатто бу дардларни кўзгаган сабабларни айтиб берди ва шу ернинг ўзидаёқ дору ҳозирлашга киришди. Гарчи, суҳбат устида икковидан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам, бу гап зум ўтмай бутун расадхонага тарқалди-ю, расадхонада кимки бўлса, ёшу қари, хастаю соғ — ҳамма ҳақими давронга бир кўриниб қолиш орзу-сини изҳор эта бошлади.

Ибн Сино, одатда, «касал»нинг дардини сўраб-суриштириб ҳам ўтирмас, кўз қорачиқларини, бурун каткалари, оғзи ва томоғини кўздан кечирар, лозим бўлса ечинтириб кўрар, кейин бошини ҳам қилганича, қўлидан ушлаб, томир уришларига жимгина қулоқ соларди-да, хастанинг дардини ўзига гапириб берарди. Ҳақими давроннинг топқирлигидан лол қолган бетоб ўзини йўқотиб қўяр, ибн Сино эса, шогирди Абу Убайдни чақириб, дарҳол дору ҳозирлашини буюрарди.

Беруний улуғ донишмандларда чуқур илм ва ўткир заковатдан ташқари қандайдир нозик, илоҳий бир туйғу бўлишини биларди. Ибн Синода бу илоҳий ва ноёб туйғу айниқса кучли эканини Беруний биринчи дақиқаларданоқ сездди. Назарида, ибн Сино, кўзини юмганича, хастанинг билагини ушлаб, узоқ сукутга толаркан, фақатгина бетобнинг томир уришлари эмас, балки ўз дилидаги илоҳий туйғуларга ҳам қулоқ солар, бу туйғулар эса уни сира «алдамас» эди! Унинг гап-сўзлари, муомаласи, фикр-мулоҳазаларида ҳам худди шундай ўзгача бир салоҳият ва чуқур инсоний назокат сезилиб турарди.

Ибн Синонинг ҳар бир сўзида, чеҳрасида, ҳорғин кўкимтир кўзларининг аллақандай сокин бокнишида

ҳаётда кўп мусибатларни бошидан кечирган доно одамлардагина бўладиган хиёл маънос бир жозоба, кишини ўзига дарҳол ром қилиб олгувчи бир меҳригё бор эди!.. Шу боисдан, улар бир-бирининг дилини, гап-сўзларини, дардларини имо-ишораларданоқ илғаб олишарди. Улар энди ёшлик чоғларидагидай кўп мунозара ва мубоҳаса қилишмас, билъакс, бир-бирларининг фикр-мулоҳазаларига чуқур эътибор билан қулоқ солишар, фақат бир масаладагина кўп тортишарди: Беруний кўпроқ ибн Синони сўзлатгиси келар, унинг китоблари, олам ва табиат ҳақидаги ўйларини кўпроқ билгиси келар, ибн Сино эса аксинча, Берунийни кўпроқ гапиртиришни истарди, айниқса, Ҳиндистонни кўп суриштирар, бу юртнинг иқлим, тоғу тошлари, дарё ва кўллари, уммонлари, шаҳарлари, куй ва қўшиқлари, ўтмиш ва ҳозир, эртак ва ривоятлари — ҳамма-ҳаммасини билгиси келарди. Кечалари эса, шифтдаги махсус туйнук тагида ўтириб, судси фахри ва бошқа олатлар ёрдамида юлдузлар ҳолатини кузатишар, жадвал ва тавқимларга аниқликлар киритишар эди.

Ибн Сино ўзи ҳам бир маҳаллар Райда, маликан Саида илтимосига кўра, расадхона қурган эди. Бироқ у қурган расадхона бу расадхона олдида анча ғариб, олатлар ҳам Беруний яратган олатларга тенглаша олмас эди. Чунки Беруний бу расадхонани қуришда фақат араб ва рум мунажжимлари эмас, ҳинд алломаларининг фалакиёт бобидаги машҳур асарларидан ҳам фойдаланган, кўп олатларни ҳам Ҳиндистондан олиб келган.

Осмон тўла юлдузларнинг сирли милтираши, сайёраларнинг олатлар сатҳидаги акси икки алломанинг ҳаёлини яна ечилмас муаммолар, олам ва коинот ҳақидаги азалий ва сержумбоқ саволларга бурарди. Зотан, уларни айниқса яқинлаштирган нарса ҳам шу сержумбоқ саволлар, иккисини ҳам кўпдан бери қийнаб келаётган теран фалсафий ўйлар бўлди: олам не? Ҳаёт не? Яратгувчи не?

Ажабо: бу ечилмас фалсафий муаммоларга ёндашишда уларнинг ўйлари ҳам, дардлари ҳам жуда-жуда ўхшаш эди. Беруний бу масалада икки жавҳар¹ни тан олар, яъники, борлиқнинг ибтидоси моддий ва руҳий жавҳар, деб биларди. Ибн Сино унинг фикрига қўшилди, фақат яратгувчининг мавжудлигини ҳам тан олмоқ лозим, деб қўшиб қўйди. Зотан, у ҳам Беруний каби

¹ Субстанция.

оламни яхлит ва мураккаб борлиқ, деб тушунар, ҳамма мавжуд нарсаларни иккига, яъни, зарурий вужуд ва имконий вужудга бўлар, уларнинг ўзаро муносабати эса сабаб ва оқибат муносабатидур, деган эътиқодда эди. Беруний унинг гапларини жон қулоғи билан эшиттар, чунки бу фикрлар унинг ўз фикрлари, уни кўп қийнаб, кечаларни уйқу бермай юрган пинҳоний ўйлари ва пинҳоний дардлари билан ҳамоҳанг эди! Лекин, э воҳ, олам ҳақидаги ўйлари қанчалик ҳамоҳанг бўлмасин, бу ўйлар охир-пировардида тағин ўша маънос фикрларга, мавжуд борлиқнинг боқийлиги ва бани башар умрининг ўткинчилиги, табиатнинг мукаммаллиги ва инсон ҳаётининг мислсиз норасолиги ҳақидаги гамгин хаёллар бориб тақаларди. Хаёллар эса дилларида тош бўлиб ётган «Нечун шундай? Нечун?» деган эски ва аламли саволларни тугдирарди.

Дарҳақиқат, нечун шундай? Нечун метин зарурат асосига қурилган бу олам, бу чексиз коинот, бу сайёралар ҳаракати ва табиат ҳодисаларида буюк бир қонуният ва ақл-заковат мавжуд? Бани башар эса... тирик мавжудотлар мукаммали бўлмиш бани башар эса... хурфот, нечун зулм ва адолатсизлик тутқунидан чиқолмайди? Нечун?..

Рост, олам бино бўптики, ҳеч бир донишманд бу жумбоқни ечолмаган. Улар буни билишадди, билишганч учун ҳам бу тўғрида кам гаплашадилар, дилларида армон бўлиб ётган дарду ҳасратларини қўзғамаслик учун бу мавзунини эҳтиёткорлик билан четлаб ўтишга уринадилар, лекин қанча ҳаракат қилинмасин, бу сўнмас дард, ҳақ ва адолат ҳақидаги бу интиҳосиз армон бот-бот қайта ёпирилиб келлади-ю, мунгли куйдай кўнгилларини қайта-қайта вайрон қилади.

Ибн Сино биринчи кунини кечаси Исфаҳонда бўлган воқеаларни, ноёб кутубхонаси ёнғинга учраганини, ёлғиз иниси Абу Маҳмудни эса ҳатто дараклаш имкони ҳам бўлмаганини гапириб берган, куюниб, ёниб гапириб берган эди. Шу боисдан Беруний бу гапларни унинг кўнглидан чиқаришга, дилига озор берадиган нарсалардан уни авайлашга кўп уринди. Шу боисдан саройдаги можаролар, хусусан, ўзини ибн Сино деб, султоннинг устига миниб олган анов маккор ҳаким ҳақидаги гапларни айтгани келмади, назарида, бу гаплар азиз биродарини қаттиқ ҳақорат қилиб, дилига чуқур озор берадигандек туюлди. Бироқ пастда, хатотлар ва шоирлар даврасида истиқомат қилаётган Абу Убайд бу мишмиш-

лардан огоҳ бўлиб, устозига етказган экан, ибн Сино ўзи шу тўғрида сўз очиб қолди. Беруний эҳтиёткорлик билан бўлса ҳам, баъзи гапларни гапириб беришга мажбур бўлди. Ибн Сино сохта «ҳакими даврон» тўғрисидаги ғалати ҳангомани эшитаркан, аввал маъюс жилмайиб ўтирди, охирида эса қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Баайни кўнгилдаги иш бўлибди!— деди у кўз ёшларини артиб.— Сохта ибн Синоми, чин ибн Синоми— султонни даволабдими — марра ўшаники! Офарин ва тасанно! Энди, ижозат берсалар — камина Исфаҳонга қайтиб кетар эдим, устод!..

Беруний ич-ичидан куюниб: «О, азизим, азизим!— деди ичида.— Қани энди сенинг қайтишингга ижозат олмақ осон бўлса!.. Номи расадхона, ҳибсга тушганингдан беҳабарсен, азизим! Бу тузоқдан саломат чиқиб кетгайсен, ишқилиб!»

...Бугун расадхонада шамлар ёқилиб, одатдагидек, юлдузларни кузатишга киришишларидан олдин, Беруний, ярим ҳазил-ярим чин, зойича тузиб, ибн Синонинг тақдирини айтиб беришга аҳд қилди. Мунажжимлар қондаси бўйича у пешин чоғида қуёшнинг ҳолатини белгилаб олди, кечаси зойича сонияларини ҳисоблаб чиқди, жадвал тузди, сўнг, Миррих ва Муштарий юлдузларининг буржларини аниқлади... Зойичада шу нарса аён бўлдики, ибн Сино учун яқин кунларда саодатли онлар бошланар, унинг юлдузи ёруғ, тақдири баланд эди!...

Беруний, гарчи зойичага ишонмаса ҳам, бу гапни хушнуд кулиб гапира бошлаган эди, эшик берухсат очилиб, салласига нишон қадалган баланд бўйли, занжидек қоп-қора бир сарбоз кириб келди. Бу — сохта ҳакимни бошлаб келган ва Работи Сангин ёнида Хатлибегимнинг хуфияларини чопиб ташлаган чўтир мушриф эди! Бу сафар у нечундир саройга ибн Сино билан Берунийни чақириб келибди.

Беруний ҳаяжон ичида ибн Синога юзланди:

— Шояд ҳозир зойичада кўринган саодат юлдузи — истиқболнинг хайрли фоли бўлса, азизим?

Ибн Сино индамади. У, одатдагидек, киноя аралаш ғамгун кулимсираб, ўрнидан турди.

2

«Ҳакими даврон» Абу Шилқим ибн Шаҳвоний Ғазнага чин ибн Сино ҳазратлари келганини биринчи бор эшитганида пинагини бузмаган бўлса ҳам, кейинроқ

астойдил тараддудга туша бошлади. Тараддудга тушишининг боиси эса султоннинг саломатлигида эди.

Ибн Шаҳвоний, гарчи таваккалнинг таги тош эканини билса ҳам, ишни бошда таваккалдан бошлаган, султонни даволашга киришаркан, доруларининг қудратидан ҳам кўра умри бино бўлтики, уни ҳеч қачон тарк этмаган омадга, қолаверса, афюни аълонинг сеҳрига инонган эди! Шу боисдан ҳам султон унинг муолижаси сабаб, тез кундаёқ, шифо топиб, ўрнидан туриб кетганида, ибн Шаҳвонийнинг ўзи ҳам ҳайратдан ёқасини ушлаган эди! Зеро, султоннинг бунчалик тез сиҳат топишининг сир-синоати не? «Ҳазрат ибн Сино» деган номнинг сеҳрими ёки «Ал-Қонун»дан олинган доруларнинг кучими, ёхуд афюни аълонинг қудратими — буни ибн Шаҳвонийнинг ўзи ҳам билмас эди! Шу сабабдан биринчи кунлари бу мўъжизадан ўзи ҳам лол қолиб, толеига шукрона билдирган эди. Лекин сўнгги кунларда, хусусан, Ғазнага чин ҳазрат ибн Сино ташриф буюргани ҳақида гап тарқалгандан бери нима ҳам бўлди-ю, султоннинг сиҳати хиёл орқага кета бошлади. Бунинг сабаби не? Доруларнинг кучи кетдими ё афюни аълонинг таъсири сусайдими, ёхуд ҳазрат ибн Сино узоқдан турибоқ сеҳр қилдими — ибн Шаҳвоний бу сир-асрорнинг ҳам тагига етолмай гаранг. Боз устига, сўнгги пайтларда нечундир жуда питирлаб қолган Абул Ҳасанак бугун ҳар кунгидан ҳам нохушроқ бир хабар келтирди. Гўё султоннинг суюкли синглиси Хатлибегим Кўҳандиз қалъасида яшириниб ётган анов қари қузғун Али Ғарибни чақиртириб олган эмиш. «Бу маккор табибни ўзинг топиб, ўзинг султоннинг қаҳрига дучор бўлган эдинг, энди уни ўзинг даф этмоғинг лозим», деб ул шайтонни ҳам гижгижлаган эмиш! Хатлибегимдан мадад олган Али Ғариб эса, амиру умарони ишга солиб, Абул Ҳасанакнинг одамларини четлатаётган эмиш, ҳатто сарой дарвозаларига ҳам ўз надимлари ва ўз сардорларини қўйган эмиш. Шундайким, шу букун Хатлибегим Исфаҳондан келган ҳазрат ибн Синони султонга рўбарў қилиб, уларни фаш этмоқ ниятида эмиш!..

Абул Ҳасанак бу гапларни шундай бир совуқ ваҳима билан гапирдики, ибн Шаҳвонийнинг хаёлига келган биринчи фикр қочмоқ бўлди! Бироқ қандайдир ички бир туйғу, энг хатарли онларда уни қалтис йўллардан ҳаммиша асраб келган ички бир туйғу бу сафар ҳам ёрдамга келди-ю, тилига келган гапни ичига ютди.

— Давлатпаноҳнинг аҳволи қалай!— деди Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, юрагини чулғаб олган совуқ таҳликани жиловлашга уриниб.

— Олампаноҳ ҳануз уйқудалар. Кечаси берган дорунгиз...

— Уйқу — саломатлик гаровидир!— деди ибн Шаҳвоний вазирнинг сўзини бўлиб.— Анов ёсуман... Хатлибегим қачон келади?

— Барча хуфия ишлар саройда тунда бўлади! Кечаси, хуфтондан кейин келмоғи даркор, ҳазратим.

— Бир ўзими ё исфаҳонлик анов маккор... ўзини ибн Сино деб юрган анов маккор табибни ҳам бошлаб келурми?

«Ул ибн Сино ёлғон эмиш! Ул ёлғону, бу баттол чин ибн Сино эмиш! Офарин!»

Абул Ҳасанак алам билан бош чайқаб:

— Қани энди... ёлғон ибн Сино ёлғиз бўлса?— деди.— Ёнида гувоҳи ҳам бор!

— Гувоҳи?

— Ҳа, Ғазнада Абу Райҳон Беруний деган бир алломан бетавфиқ борким, бу кимса чин ибн Синони танир эмиш!

— Чин ибн Сино!— деди ибн Шаҳвоний, тўсатдан кўзлари чақнаб.— Чамамда, Хатлибегим топган бу маккор ҳакимнинг чин ибн Сино эканига вазир жаноблари ҳам инониб қолганга ўхшайдурлар?

— Йўқ-йўқ, камина...

Ибн Шаҳвоний бетоқат қўл силтаб, Абул Ҳасанакнинг гапини бўлди:

— Аввал таом, баъдаз калом! Шароб ва таом, жаноби вазир!— буюрди у ва эшикка бориб қолган Абул Ҳасанакни тўхтатди.— Ҳа, ёдимда борида айтиб қўяй: олампаноҳ букун намози асргача ухлайдилар. Уйғонган заҳоти мана бу доруни бергайсиз!

— Офтоби олам уйғонган заҳоти сиз ҳазратимни йўқлайдилар.

— Йўқласалар, бир баҳона топгайсиз! Камина намози асрдан кейин олампаноҳнинг ҳузурларида ҳозир бўламен. Унгача... энг яхши шароблардан топтинг! Лозим бўлса... анов имонсиз Маликул шаробга одам юборинг! Энг кўҳна, энг аъло майларидан олдинг! Ёдингизда бўлсин, жаноб вазир: букун бизнинг қисматимиз олампаноҳнинг аҳволи руҳиятига боғлиқдур! Бас! Олган доруларингизни ўз вақтида бериб, ортидан яхши май тутинг! Қолганига камина ўзим йўл топамен. Иншоолло,

ишимиз ўнгидан келур!.. Ҳа, тўхтанг, тағин бир сўз!— Ибн Шаҳвоний шундай деб, Абул Ҳасанакни яна тўхтатди.— Башарти... омад ёр бўлиб амирал мўъминин ул фирибгарни... ўзини ибн Сино деб, юртни тўнаб юрган ул баттол ҳақимни тарк этсалар... уни дарҳол йўқотмоқ даркор!

Ибн Шаҳвоний вазир жаноблари чиқиб кетгунча кутиб турди-да, ерга тўшалган майин ипак гиламларни бир-бир босиб, ўз хосхонасини бир айланиб чиқди.

У Ғазнага ҳазрат ибн Сино келганини эшитганидан бери оёғи тагидан чиққан бу «балои ногаҳон»га қарши чора қидирар, бироқ қанча қидирмасин, хаёлига бирор тузук фикр келмас эди. Ҳозир ҳам нима қилишини билмас, ўктамликда султондан қолишмайдиган унинг шаддод синглиси Хатлибегим ҳазрат ибн Синони бошлаб келганида нима тадбир кўришини тасаввур этолмас эди. Лекин баковуллар келтирган шаробдан бир коса ичиб, иссиқ бедана кабоблардан еб, кимсасиз, осуда хосхонани аста айланаркан, тўсатдан мясига ғаройиб бир фикр келди-ю, яна хонтахтадаги май тўла кўзага қўл чўзди. Унинг мясига келган бу фикр шундай ноёб ва шундай ғалати эдики, Абу Шилқим ибн Шаҳвоний уст-устига яна бир неча коса май ичиб, тўрдаги банорас кўрпачаларга ёнбошлади. У калласида юлдуздай «ярқ» этган бу фикрга сайқал бериб, хаёлида уни обдан «пишитмоқчи» эди, бироқ сўнгги кунлардаги ташвишу таҳликалар тамом ҳолдан тойдирган экан, мясда ҳамон ўша ўй, ўша ташвиш, пинакка кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

У кимнингдир турткисидан уйғонди. Токчадаги кумуш шамдонларга терилган шамлар ёқилган, хона кундузгидай ёруғ эди. Тепасида вазир жаноблари қўл қовуштириб турар, унинг ҳорғин юзидаги кундузги ташвиш, бир кундаёқ киртайиб қолган кўзларидаги кундузги қўрқув ҳануз сўнмаган эди.

— Туркиилар, ҳазратим, давлатпаноҳ йўқлайдур сизни.

— Кайфиятларни қалай, олампаноҳнинг?

— Кайфлари чоғ, аммо... ҳозир Хатлибегим анэв... ҳазрат ибн Синони бошлаб келадур...

Ибн Шаҳвоний гўё танасига илон теккандай бир сапчиб тушди, бироқ шу заҳотиёқ кундуз мясига келган ғаройиб фикр-ёдига тушди-ю, мийиғида кулимсираганича, ўрнидан турди.

Чор атрофи нарқу ёстиқлар билан ўралган султон пинҳоний ишратхона ёнидаги шабистоннинг тўрида би-

бәшлаб ётар, унинг олдидаги саккиз қиррали ўймакој хонтахта одатдагидай ноз-неъматларга тўла, май соллинган биллур идишлар, баркаш-баркаш сомсалар, лаганлаган парранда гўштлири, шинни ва шарбат қуйилган гулдор пиёла ва тақсимчалар дастурхонга сиғмас, фақат хонанда ва созандалар етишмас эди, холос.

Султон, нечундир, ёруғни кўп хушламас, шифтдаги улкан чамбарак қандилга терилган шамларнинг учдан биригина ёқилган, шабистон нимқоронғи, шунинг учун ҳам султоннинг юзи яхши кўринмас эди.

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний тавозе билан салом бериб, хонтахтанинг рўпарасига чўнқаймоқчи эди, султон кулимсираб ёнидан жой кўрсатди. Ибн Шаҳвоний итоаткорлик билан султон кўрсатган жойга ўтиб ўтираркан, ер остидан амирал мўъмининга бир қараб олди-ю, дарҳол енгил тортди. Майга қўшиб берилган афюни аъло яхши таъсир этган чоғи, султоннинг лабларида кулгу, чуқур ботган қисик кўзларида хушнуд табассум ўйнардди.

— Ажаб ҳол, ҳаким ҳазратлари букун ўз одатларига хилоф хиёл хомуш кўринадилар? Кун бўйи қайда эдилар, ҳазратим?

— Камина... кун бўйи сиз валинеъматимга дору тайёрлаш билан банд бўлдим, офтоби олам!

— Ташаккур ва тасанно!— деди султон, сийрак мошгуруч соқолини силаб.— Яратган эгамга шукур, мана, авваламбор, худованди карим, иккиламчи, сиз ҳазратимнинг дуои жонлари ва муолижалари сабаб, мен ҳам букун дилим хуш, жисмим осойиш, ўлтирибмен куй ва мусиқа ишқида!.. Аммо сиз... сиз қаттиқ чарчабсиз, ҳазратим. Олинг, бир пиёла май сипқаринг, токи чарчоқларингиз даф бўлиб, кўнглингиз яйрасин!

Ибн Шаҳвоний маҳзун бош чайқаб, секин уф тортди.

— Нечун оҳ чекасиз? Сизга не бўлди, ҳазратим?

Ибн Шаҳвоний яна овози ғамгин титраб:

— Офтоби олам!— деб хитоб қилди.— Бу бевафо дунёда неки ғам-андух бўлса биздай фақирлар ҳақирлар бошига тушгай. Сиздай офтоби олам эса...

— Йўқ!— деди султон мамнун кулимсираб.— Дилингизда не андуҳ бор — тўкинг барини!..

— Агар олампаноҳ бир қошиқ қонимдан кечсалар...

— Сўзланг, ҳазратим!

— Сўзласам...— Ибн Шаҳвоний нафаси бўғилиб, бир зум дудуқланиб қолди.— Букун кечаси... камина

ёмон туш кўрибмен, уни айтишдан ҳам кўрқамен, давлатпаноҳ!

— Ёмон туш?— султон, негадир, «ҳазратлари»дан нарироқ сурилиб ўтирди.

— Хўш? Хўш?

— Тушим шундайким, сиз валинеъмат «неъмати илоҳий»га йўллаган анов бевафо вазири аъзам Кўҳи Сарандипдан қайтиб келган эмиш.

Султон аллақандай ранги ўчиб:

— Хўш?— деди. Олиб келибдими ул «немати илоҳий»ни?

Ибн Шаҳвоний алам билан бош чайқаб:

— Сиз ҳам ул бетавфиқдан шу сўзни сўрар эмиш-сиз, олампаноҳ!

— Хўш?— деди султон бетоқат бўлиб.— Ул бетавфиқ не деди?

— Ул бетавфиқ оёқларингиз остига йиқилиб, «неъмати илоҳий»ни топмаганини арз қилар эмиш.

— Ҳмм...

— Ва лекин, дермишким, олампаноҳ бир қошиқ қонимдан кечсинлар, «неъмати илоҳий» ўринга ҳазрат ибн Синони топиб келдим!— дер эмиш ул қузғун.

— Ҳазрат ибн Сино?

— Шундай, валинеъмат! Ул қузғун ҳазрат ибн Сино деб шундай бир кимсани бошлаб келган эмиш-ким, ул кимса каминага гўё эгизак қўзидай ўхшар эмиш!

— Ажаб туш!— Султон ибн Шаҳвонийнинг сўзини охиригача эшитмай, олдиндаги май тўла ёқут пиёлани олиб аста сипқарди-да, ёшли кўзларини артди.

— Дарҳақиқат, ажаб туш? Хўш, хўш? Уёғи не бўлди?

— Уёғи... сиз олампаноҳ ул қаллобдан сўрар эмиш-сизким: сен топиб келган бу кимса ҳазрат ибн Сино бўлса, бу ким, деб каминаи камтаринга ишора қилар эмиш-сиз, давлатпаноҳ!

— Хўш, хўш?

— Ул каззоб эса... ул каззоб фақирни кўрсатиб: «Офтоби олам!— деб фарёд чекармиш.— Сиз инониб юрган бу маккор чин ибн Сино эмас, ўзини ибн Сино деб эл-улусни тўнаб юрган бир баттол, чин ҳазрат ибн Синони мен топиб келдим, олампаноҳ», деб ўзи бошлаб келган кимсани кўрсатар эмиш!

— Ё тавба, бу не туш?— султоннинг лабидаги кулгу аста сўниб, гўё юзига яна совуқ ниқоб кийиб олди.

— Бас! Охири не бўлди бу тушини? Охирини сўзланг, ҳазратим!

— Охири...— Ибн Шаҳвоний томоғи ёни бўғилиб, «қулт» этиб юттиди.— Охири... Хайҳот! Сиз олампапоҳ ҳам ул қузғуннинг сўзига инониб, фақирни жаллодлар қўлига топширдингиз!..

— Сиз эса... бу тушга инониб, андуҳ чекиб ўлтирибсиз!— Султон аллақандай бўғиқ товушда қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Ғам еманг, ҳазратим. Дўнолар айтмоқчи, сув аксига оқмайди, аммо туш аксига юрадур!

Султоннинг сўзи оғзида қолди. Погаҳон эшик берухсат очилиб, хонага... Хатлибегим кириб келди.

Ибн Шаҳвоний бу хотин тўғрисида жуда кўп эшитган бўлса ҳам, ўзини биринчи кўриши эди, бейхитёр сесканиб, аъзойи баданидан қора тер чиқиб кетди.

Эғнида одатдагидек тўпинга тушган қора шойи кўйлак, бошида зар сочилган қора шойи рўмол, юзида ҳарир қора дурра, Хатлибегим, пойгакда тўхтаб, султон билан ибн Шаҳвонийга бир зум унсиз тикилиб қолди, сўнг, қушдай талпиниб бориб, султоннинг оёғига чўккалади.

— Оғажоним! Меҳрибонни соябоним, оғажоним!..

Султон, қовоғи солиқ, қоқсуяк қўлини синглисининг йиғидан титраган өзғин елкасига қўйди.

— Туи ярмида бу не юриш? Ким чорлади сени, оллоғим?

— Оғажон!— деди Хатлибегим тўсатдан фарёд чекиб.— Беш вақт намозни қанда қилмай шукур қондасини бажо келтириб юрган сиздай ампрал мўъминин!.. Эндиликда бу май, бу риндона кайфиятлар!.. Сизни ҳидоят йўлидан урган бу фирибгар афсунгарни қайдан топдингиз, оғажон?

Султон, худди кафтига чўғ теккандай, қўлини синглисининг титроқ елкасидан тортиб олди.

— Бу не сўз, не қилиқ, Хатли? Улим тўшагида ётган оғанга сиҳат келтирган, донги оламга кетган ҳакими давронни фирибгар демоқ!..

— Сўзимга инонинг, оғажон!— Хатлибегим юзидаги дуррасини жаҳл билан елкасига отиб, ёш билан ювилган юзини очди.— Ўзини «ҳакими даврон» деб юрган бу қузғун, чин ибн Сино эмас, ёлғон ибн Сино, оғажон, ёлғон ибн Сино! Чин ҳазрат ибн Сино энди келмиш, оғажон! Сўзимга инонинг — энди келмиш!

Ибн Шаҳвоний ялт этиб султонга қаради.

— Епирай! Тушимму бу, ўнгимму?

Хатлибегим унинг сўзига эътибор бермай ўрнидан салтиб турди-да, шитоб билан юриб бориб, эшикни очди:

— Тақсирим! Ҳакими даврон... ибн Сино ҳазратлари! Марҳамат қилгайсиз!..

Ўтирган жойида ҳайкалдай қотиб қолган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, ногаҳон аллақандай питир-питир қилиб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, султон, совуқ кулимсираганича, унинг тиззасига қўлини қўйиб, тўхтатди.

Эшикда... Абу Али ибн Сино кўринди. Эгнида янги кимҳоб тўн устидан кийилган янги оқ ридо, бошида кўк тақя устидан ўралган оппоқ симобий салла, у пойгакда тўхтаб, бош эгиб салом берди, салом бераркан, аввал султонга, сўнг унинг ёнида ўтирган Абу Шилқим ибн Шаҳвонийга зимдан бир қараб олди.

«Қорадори!— ибн Сино эшикдан кириб султонга кўзи тушиши биланоқ бу фикр хаёлида чақмоқдай чақнади.— Бундан чиқди табиб кийимидаги бу одам... Ё тавба! Нимаси биландир унга ўхшаб кетадиган бу қирғийбурун, хушсурат одамни қаердадир кўрган эди у! Лекин қаерда? Қачон?..»

Уртага чўккан мудҳиш жимликда Абу Шилқим ибн Шаҳвонийнинг:

— Субҳонолло!— деб шивирлаган ҳаяжонли титроқ овози эшитилди.— Ё тавба! Тушим! Худди тушимда кўрганларим, олампаҳо!

Хатлибегим бир тўрда алланималарни пичирлаб ўтирган ибн Шаҳвонийга, бир эшикда ҳамон бош эгиб турган ибн Синога қаради-ю, яна боягидай: «Оғажон!» деб хитоб қилди. Бироқ султон қўлини кўтариб синглисини тўхтатди. У ҳам аввал пойгакда қўл қовуштириб турган ибн Синога, сўнг ўнг томонида алланималарни пичирлаб ўтирган Абу Шилқим ибн Шаҳвонийга узоқ тикилиб қаради-да, сийрак муртини силаб, кинояомуз кулимсиради.

— Ажаб ҳол! Бир жойда, бир маҳалда икки ибн Сино! Икки ҳакими даврон!.. Бу ғалати жумбоқни ким ечади?— Султон шундай деб, эшикда ҳамон жимгина бош эгиб турган ибн Синога қаради.

— Оғажон!

— Шошима, Хатли! Ҳазратлари сўзласин аввал!

Ибн Сино ер остидан тўрда ўтирган кимсага яна бир қараб олди. Кимса, ранги девор, ҳануз ақлидан озган одамдай алланималарни пичирлаб ўтирарди.

«Йўқ, ибн Сино янглишмади, у бу одамни қаердадир кўрган! Кўрган! Бироқ... қаерда? Қачон? Во дариг! Наҳот бу... бу ўша, ёшлик чоғларида Бухорон шарифда, Жуйи Мўлиён даҳасида бирга ўсган Абу Ҳалим ибн Файсал... йўқ-йўқ, Абу Ҳалим эмас, шилқимлиги ва фоҳишабозлиги учун Абу Шилқим ибн Шаҳвоний, деб чиқарган эркатой бойвачча бўлса? Ҳа, ўша! Худди ўзи! Ё тавба!»

Султон эса... май ва афюндан қисик кўзлари носоғлом чақнаб ўтирган бу сармаст, қоқсуяк одам ибн Сино тасаввур этган султон Маҳмуд Ғазнавийга, қирқ йил оламни титратиб турган фотиҳи музаффарга ҳам ўхшар, ҳам ўхшамас эди! Унинг қуриган теракдай узун, қоқсуяк гавдасида, бутун қаҳрли вазоҳатида саҳронини ҳокимларга хос пинҳоний бир куч сезилиб турар, бироқ ажал муҳри босилган ялпоқ сарғиш юзида, қисик кўзларининг носоғлом чақнашида кишини чўчитадиған телбанамо бир ваҳима бор эди!..

Ибн Синонинг хаёлини султоннинг совуқ заҳархандаси бўлди.

— Ҳа, нечун оғизларига талқон солиб олдилар? Сўзласинлар, ҳазратим!

Ибн Сино таъзим бажо келтириб:

— Олампаноҳ кечиргайлар!— деди билинар-билимас кулимсираб.— Шу бугунгача фақир Абу Али ибн Сино эканимга иштибоҳ қилмас эдим. Ва лекин энди, ҳузурларида бу ҳазратларини кўриб, ўзимга-ўзим инонмай қолдим, пошшойи олам!

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний султоннинг қулоғига эгилиб:

— Ё тавба!— деб шивирлади.— Тушим! Худди тушимда кўрганларим, олампаноҳ!

«Туш» сўзини эшитган султон тўсатдан қисик кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Сени бу даргоҳга ким йўллади, ким сени ҳақими даврон ибн Сино деб доғ таратди, эй осий банда? «Неъмат илоҳий»га кетган анов қузгун... вазири аъзам қайда?

Хатлибегим яна султоннинг ёнига тиз чўкиб, унинг катта, қоқсуяк қўлларини ўпди.

— Офтоби олам! Ибн Сино ҳазратларини топиб келган вазири аъзам эмас! Бу зоти шарифни сиз олампаноҳга садоқати боқий фарзандингиз шаҳзода Масъуд йўллагандур, оғажон!

Шаҳзода Масъуд номини эшитган султон кутилмаганда қалтироқ босиб, совуқ кулди:

— Агар амир Масъуд йўллаган бўлса, ҳазратларига инонмоқ даркор!

— Огажон!— Ҳатлибегим султоннинг қўлини қўйиб юбормай қайта-қайта ўпди.— Нечун инонмайсиз, огажон? Ҳазратларини танийдурғон одамлар бор. Мавлоно Абу Райҳон Беруний бор!

— Мавлоно Беруний не керак бу ишда? Ким чин ибн Сино, ким ёлғон — бу жумбоқни ҳозир ўзим ечамен!— Султон қўлини сингисининг қўлидан тортиб олиб қаддини ростлаб ўтирди.— Ул «неъмат илоҳий» қайда ўсади? Қимки чин ибн Сино бўлса — буни билмоғи даркор! Бу илоҳий дору унинг ёнида бўлмоғи даркор! Сўзим тўғриму, ҳазратим?

Ибн Шаҳвоний бирдан юзига қон югуриб:

— Тасанно, офтоби олам!— деб юборди.— Буюк доноликнинг нишонасидур бу сўз!

Ибн Синонинг ёдига «неъмат илоҳий» тўғрисидаги Берунийнинг ҳикояси тушди-ю, лабидаги кулгини яшириш учун бошини пастроқ эгди. У доруссалтанатда бўлаётган ғаройиб ҳангомаларнинг бир чеккасини эшитган бўлса ҳам, бундай ҳийлаю найрангга дуч келишини тасаввур этмаган эди. Уни айниқса султон лол қолдирди. У давосиз дард бани одамни ҳар қўйга солишини билса ҳам, бу қайсар ҳокими мутлақни бундай аянчли ва жунун ҳолда кўраман, деб ўйламаган эди. Султон эмши. Унинг ўзи-чи? Келиб-келиб қариган чоғида, бу бераҳм, мустабид шоҳ саройида «неъмат илоҳий» ҳақидаги жумбоқни ечолмай «сохта ибн Синога айланишини» тасаввур этганмиди? Дарҳақиқат, бу тескари дунёнинг телба ўйинларини англаб бўлмас экан!

Ибн Сино ҳамон ўйга толиб, пойгакда бош эгиб турар, унинг дилидаги ҳислар қуюндай чарх урар, алам заҳархандага, заҳарханда аччиқ аламга айланар эди.

— Хўш, нечун ҳазратлари тили лол, қулоғи кар бўлиб қолдилар? Чин ибн Сино бўлсалар, жумбоқни ечинлар, ҳазратим!

Ибн Сино лабларидаги аламли кулгунни яширишга уриниб:

— Офтоби олам бир қошиқ қонимдан кечгайлар!— деди оҳиста.— Фақир шу букунгача ўзимни ибн Сино деб юрган эдим, аммо энди ибн Сино эмаслигимга инондим, зеро, олампаноҳнинг бу саволини ечишга ожизмен!

Султон ёстиғининг тагидан олтин шақилдоғини

олиб шақиллатмоқчи бўлди. Бироқ ибн Сино кутилмаган бир қатъият билан қўлини кўтариб уни тўхтатди. Унинг кўнжа мойил катта-катта кўзларида, қалин қошларининг чимирилишида, талвасасиз, мағрур ва ваъмин турнишида кишини ўзига ром қилувчи шундай бир куч бор эдики, султон бу зоҳирий кучга беихтиёр таслим бўлиб, шақилдоғини кўтарганича қотиб қолди.

— Ҳакимлар ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳатто ўз ғанимларига ҳам, алжусус, улар бетоб бўлса — деди ибн Сино ҳар бир сўзини чертиб-чертиб.— Ёмонлик тилаган эмас. Қамила сизга ҳам сиҳат тилаймен, амирал мўминин! Ҳаким ҳазратларига эса...— ибн Сино султоннинг ёнида ҳамон питирлаб ўтирган ибн Шаҳвонийга қараб, мийида кулди.— Жаноб Абу Шилқим ибн Шаҳвонийни эса ҳазрат ибн Сино бўлганлари билан чин қалбимдан кутлаймен!

Ибн Шаҳвоний шитоб билан ўрнидан туриб:

— Фармони олий — амри худодур!— деб бақирди.— Даф қил бу муғамбирни, Абул Ҳасанак!

— Оважон!— Хатлибегим, кўзида ёш, султоннинг тиззасидан қучди, бироқ султоннинг шароб тўла идишга қўл чўзганини кўриб, ўрнидан сакраб турди-да, ўзини ташқарига урди. Зум ўтмай йўлакдан унинг:

— Ҳазратларини қўйиб юбор, ҳезбачча!— деган бўниқ, ўжтам овози эшитилди.

Йигирма тўққизинчи боб

1

Ё тавба! Ё алҳазар! «Ал-Қонун» ва «Аш-Шифо»ни яралиб, донғи бутун оламга кетган, ҳакими даврон ва ҳаттоки шайх ур-раис номини олган ҳазрат ибн Сино ёлғонга чиқиб, икки маккөр вазир фириб ниятда «ўйлаб» талган бир иблис чин ибн Сино деб толилмиш! Буюк аллома ва пок инсон ҳақоратомуз сўзлар билан саройдан ҳайдалиб, ибн Синонинг номини булғаб аҳли мўминини тўнаб юрган бир шайтони лайн бўйи баробар ганжга кўмилмиш!.. О, бу телба дунё, телба дунё!

Беруний ҳеч қачон бунчалик фиғони чиқмаган, ҳеч қачон бунчалик дарғазаб бўлмаган эди. Назарида, ибн Синони эмас, унинг ўзиши мислсиз таҳқир қилишган, Абу Алини эмас уни сохта Берунийга чиқариб, саройдан ҳайдашган эди!..

У юрагини ўртаган ички аламдан чўзинчоқ қорамағиз юзи баттар қорайиб, расадхонанинг кенг, осуда хо-

насини тинимсиз айланар, гоҳ оёқ остидаги олатлар ва курсиларга қоқилар, гоҳ расад туйнуги олдида тўхтаб, кўкдаги юлдузларга тикилганича аламли сукутга толар, бироқ зум ўтмай машъум вәқеа қайта эсига тушарди-ю, «О, малъунлар, малъунлар!» деганича яна асабий ҳолатда расадхонани айланишга киришар эди.

Ибн Сино эса, аксинча, одатдагидан ҳам вазмиш кўринар, лабларида, ҳорғин кўзларида хиёл маҳзун табасум, Берунийни тинчитишга уринар, дам-бадам кулиб:

— Куюнманг, устод!— деб ёлворарди.— Бани одам бино бўптики донолар ғурбатда, нодонлар иззатда эмасму? Нечун ажабланасиз, устод?

Беруний юришдан тўхтади, кўзини юмиб, қаттиқ уф тортди.

— Йўқ, мен ажаблапмаймен, Абу Али! Сен айтган аччиқ ҳақиқатни фақир ҳам биламен. Ва лекин билсам ҳам тоқат қилолмаймен. Ҳар сафар бу машъум ҳақиқат юрагимни тилка-пора қилади, илло мен қорнимга эмас, қадримга йиғлаймен. Сендай алломаларнинг қадрига йиғлаймен, азизим Абу Али!

— Не чора, устод? Узингиз биласиз, донолар фарёди кўкка бориб ета бермас экан! Тўғрисишни айтсам, каминна тақдирининг бу ўйинидан ҳатто миннатдормен! Менинг ёлғиз истагим—тезроқ, илож бўлса бугун-эртадан қолмай бу ердан кетмоқ!

Беруний яна юришдан тўхтаб, тасдиқ ишорасида бошини эгди.

— Ҳа, ҳа, сен кетмоғнинг даркор, азизим. Бу нотинч шаҳардан тезроқ кетганинг маъқул. Аммо... қандай кетасен? Сенга от-улов керак, озиқ-овқат керак, йўл кўрсатадиган одамлар керак!..

Ибн Сино болаларча бир самимият билан кўзини қисиб кулди:

— Сиз сарбозлар қуршовида қолган бу расадхонадан олиб чиқа олсангиз бас, уёғига каминна ўзим йўл топамен, устод.

— Йўқ, йўл топиш сен ўйлаганча осон эмас, Абу Али. Сен султон Маҳмуд айғоқчиларини тасаввур ҳам қилолмайсен!

— Тасаввур қиламен, устод. Аммо Ғазнада Маликул шароб деган бир дарвеш бўлмоғи даркор. Ушал дарвешга йўл топиб берсангиз бас...

Беруний кўзларини катта очиб:

— Маликул шароб?— деб хитоб қилди.— Сен... сен ул дарвешни қайдан биласен, Абу Али?

Ибн Сино ўзига ярашган мош-гуруч соқолини силаб, хушнуд кулди:

— Фақир билмаган сир-асрор йўқ, устод! Маликул шароб уёқда турсин, ҳатто бу юртда султон Маҳмудга қарши қилч чархлаган баҳодирларни ҳам биламен!

— Ёпирай! Қим экан ул баҳодирлар?

Ибн Сино эшикка бир қараб олди.

— Имом... Исмоил Ғозий!..

Беруний ҳам беихтиёр эшикка кўз ташлади.

— Имом Исмоил?

— Балли, устод! Аҳволимдан Маликул шароб хабар топса бас, ул имомга етказадди. Алқисса, бу тутқундан пинҳона қутулуб чиқсак, уёғи имом Исмоилга ҳавола. Фақат Маликул шаробни топиб, уни бу ишдан огоҳ қилмоқ лозим, холос!

Маликул шароб ҳибсдан озод бўлдимни, йўқми— Беруний бундан беҳабар эди. Лекин унинг хаёлига келган бу фикрни бошқа ўй, бошқа саволлар суриб чиқди: Ғазнадан уч юз фарсанг йироқда юрган Абу Али Маликул шаробни қайдан билади? Имом Исмоилни-чи? Наҳот Маликул шароб имом билан пинҳоний алоқада бўлса?

Тоғу тошлар орасига макон қуриб, бой тижорат аҳли ва ман-ман деган аъёну боёнларни зир титратиб юрган, лекин ҳеч кимга, ҳатто султон Маҳмуд лашкарларига ҳам тутқич бермай келаётган, масчитларда аллақачон лаънатланган бу исёнкор, довьорак одамни билса-ю, бу сирни ундан, қил ўтмас қадрдони Абу Райҳондан сир тутса?

Берунийнинг чуқур ўйга толганини кўрган ибн Сино аллақандай хижолат чекиб:

— Сиз кўп қайғура берманг, устод!— деди.— Агар Маликул шароб бўлмаса...

— Маликул шаробни сўраб-суриштирамен,— деди Беруний.— Аммо...— Унинг хаёлидан: «Маликул шароб ҳибсдан чиқдимни, йўқми— бунинг ўзим ҳам билмаймен!»— деган фикр ўтди-ю, бу фикрни ичига ютиб, такрорлади.— Дарҳол суриштирамен!

— Аммо расадхона султон назоратида!— деди ибн Сино, гўё унинг фикрини илғаб олиб.— Қаминани мана шу нарса ташвишга солмоқда. Чунки... имом Исмоил навкарларни бостириб келса қон тўкилиши муқаррар. Фақир эсам... қон тўкилишини истамаймен!..

— Унинг ҳам чораси топилур!— деди Беруний.— Ра-

садхонанинг остида тоғ ортига олиб чиқадиган лаҳим¹ бор! Эҳтиёт шарт деб, султон ўзи қурдирган бу лаҳимни!..

Ибн Сино ялт этиб Берунийга қаради.

— Камина бу лаҳимдан чиқиб қочсам... сизнинг аҳволингиз не бўлур? Бошингиз балога қолмасму, устод?

Беруний бетоқат бош чайқаб, унинг сўзини бўлди.

— Бу бош не мусибатларни кўрмаган бош, Абу Али! Бошга тушганини кўз кўрар, дейдилар! Каминани бу ташвиш эмас, норасо дунёнинг нопок ишлари куйдирди, Абу Али!

— Не чора, устод?

Йўқ, кўҳна оламнинг бу тескари ўйинлари иккаласи учун ҳам янгилик эмас. Иккиси ҳам бу азалий адолатсизликлардан нола қилиш бефойда эканини нозик ҳис этади, шу боисдан ҳам кўп мусибатларни бошларидан кечириб, кўникиб кетган алломаларга хос бир донолик билан дам хиёл кулимсираб гапиришар, дам маҳзун ўйларга кетишар эди. Бироқ тирик одам, гоҳо-гоҳо, аламли ўйлар хуруж қилиб келганда, хусусан Беруний, тўсатдан портлаб кетганини ўзи ҳам сезмай қоларди.

Бу сафар Беруний қўлларини кўксида қовуштирганича, осмонга тикилиб узоқ сукутга толди, сўнг, қаҳрли бўғиқ овози аллақандай самимий ва ўйчан оҳанг касб этиб, тиниқ янгради:

— Ё тавба! Бу гўзал олам, бу мусаффо осмон, бу ёруғ юлдузлар, қўйингки, бу мукамал оламини бунёд этган худованди карим, нечун ўз бандасини бундайин номукамал қилиб яратди? Агар бу фоний дунё, Абу Али, сен айтгандай буюк зарурат ва етук ақл-идрок асосига қурилган бўлса, нечун бу улуғ қонуният бани башар ҳаётига келганда ўз кучини йўқотди?

— Осий бандангни ўзинг кечиргайсен, э яратган эгам! Ва лекин... агар бандангни лойдан яратиб, унга ўз нафасингдан уфуриб жон ато қилганинг рост бўлса, нечун бу жон билан бирга унга жаҳолат ва қаллоблик, худбинлик ва разолат янглиғ тубан истакларни қўшиб бердинг? Нечун унга бошқа ҳеч бир тирик зотга ато қилмаган ўткир тафаккур ва етук ақл-заковат инъом этиб, бу ақл-заковатни тубанлик, разолат ва қабоҳат йўлида ишлатмоқни раво кўрдинг?— Беруний, гўё кўкдан садо кутгандай бир нафас сукутга чўмди. Ибн Сино гўё унинг

¹ Лаҳим — ер ости йўли.

мунгли куйдай сскин оққан овозига сеҳрлангандай бошини ссилтирганича маҳзун хаёлларга толган эди.

— Йўқ!— деди Беруний, ҳамон дард тўла ўша ўйчан овозда.— Камина бидъат ва хурофот асирлари бўлмиш уламои забардастлар ақидасига, сенинг «Иродангиз пашша ҳам бўлмайди!» деган ғариб каломларига инонмаймен, э сарвари конкот. Камина ҳам, азизим Абу Али каби бу олам зарурат қонунига қурилганига инонамен, бани одам эса сен ато қилган ақл-идрок ва инсофу адолат асосида ҳаёт кечирмоғи лозим эканига имон келтирамен! Аммо бу тубанликларни кўриб яна ўз ўтимда ўзим қовуриламэн. Не чора? Ахир ўзинг ато қилган ақл-заковат қайда-ю, бани башар ҳаётидаги бу тубанлик ва бу разолат қайда? Шу боисдан ироданг ва қудратинг олдида сажда қилган ожиз банда, сен яратган бани башар ҳаётидаги бу қабоҳат ва жаҳолатни идрок этишга ожизмен, ожизмен!..

Ибн Сино аста юриб Берунийнинг ёнига борди. Гўё унинг теран ўйларини ҳуркитиб юборишдан қўрққандай, секин унинг елкасидан кучди.

— Беҳуда изтироб чекасиз, устод! Зеро, сиз айтган бу разолат ва жаҳолат янгилик эмасдур бу кўҳна дунёда!

— Биламен, Абу Али! Ҳаммасини биламен! Аммо... «Ал-Қонун»ни яратган ибн Синони бундай хору зор қилмоқ!..

— Қўйинг, устод! Наҳот бу ҳақдаги ривоятни эшитмаган бўлсангиз?

— Не ривоят?

— Шундайким, буюк бир данишманд бани башарнинг нопок истаклари ва тубан эҳтиросларини бир уйга қамаб қўйилган уч махлуҳ — одам, тўнғиз ва арслонга ўхшатган экан. Бани одам деганда у ақл-идрокни назарда тутибди, тўнғиз деганда инсоннинг чиркин хоҳишларини, арслон деганда эса қаҳру ғазабини назарда тутибди. Бу уч махлуқнинг қайси бири зўр чиқса, қамалган уйда ўша устунлик қилар эмиш.

— Хўш, хўш?

— Бу қиссадан ҳисса шулки, тўнғиз билан шер, яъники, тубан эҳтирослар қанчалик зўр бўлмасин, бани одам, яъники, ақл-идрок **енггусидир!**

— Ҳайҳот!— деди Беруний аста бош чайқаб.

— Бу кўҳна дунёни каминадан яхши биласиз, усгод. Юз йиллар, балки минг йиллар ўтар, аммо бари бир, охир — пировардида ҳамма нарсадан ақл-идрок устун чиққусидир!

— Минг йиллар!— деди Беруний— Минг йиллар!..
Донишманд ҳақ: бани одам тўнғиз билан шерни енга-
ди! Фақир ҳам бунга ишонамен! Аммо... камина бугун-
ни ўйлаб куямен, Абу Али!

Ибн Синонинг лабларида яна ўша, кишини ўзига
ром қилувчи киноя аралаш мулойим табассум зуҳур бўл-
ди.

— Бугуннинг ташвиши ўзига етар, устод!

— Дарҳақиқат, ҳозир фалсафий ўйларнинг вақти
эмас, Абу Али!— Беруний шундай деди-да, ёш тарих-
навис Абулфазл Байҳақийни чақириб, ибн Синони унга
топширди. Ўзи эса лаҳим орқали расадхонадан чиқиб,
шаҳарга отланди.

Ҳали Маликул шаробни топиш ва унинг ёрдамида
ибн Синонинг саломини имом Исмоилга етказиш керак,
аммо бу ишдан фойда чиқадими, йўқми — буёғи қоронғу
эди.

2

Беруний шаҳар ҳовлисига кириб борганида тонг
отиб қолган, хира тортган кемтик оғ Мозори калон
ортидаги тоғлар устида заифгина милтираб турар, ос-
мон тўла юлдузлар гўё кемтик оғнинг заифлигидан
севингандай, аллақандай чарақлаб кетганди.

Тонг салқин, майин, оромбахш эди, дашт гиёҳлари,
барра кўкат ва райҳон ҳиди димоққа гуп-гуп урарди.
Ҳаммаёқ жимжит. Дарвоза негадир қулфланмаган, кат-
та сердарахт ҳовли жимжит, осуда, фақат ҳовлининг
этагида ариқ аста жилдирар, қаердадир олисда тегир-
мон новидан қуйилган сувнинг сокин гувиллаши эшити-
лар, гоҳо-гоҳо, узоқ-яқинда итлар ҳурар, ҳануз мудҳиш
тахликадан қутулмаган шаҳар энди уйғонмоқда эди.

Беруний, ҳамон ғамгин ўйлар оғушида, аста юриб
ҳовлининг этагига борди, ариқ бўйига чўнқайиб, юзини
ювди, бўйлари бир қарич бўлиб қолган митти райҳон-
ларга қўл уриб, ҳидлаб кўрди, сўнг, бир-бир босиб уй
томон олдиди.

Ажаб ҳол. Сабҳу ҳужрасининг даричаси ёруғ, афти-
дан, у уйқудан туриб, мутолаага киришган эди.

Беруний оёқ учида юриб, дарича олдида борди. Саб-
ҳу ҳужранинг қибла томонида чўккалаб ўтирар, қўли-
да қандайдир қизил мато, кўзлари юмуқ, дам бошини
ерга уриб алланималарни пичирлар, дам қўлидаги қи-
зил матони ўпар эди. Токчадаги хира фонус шуъласи-

да Сабхунинг юзи кўринмас, бироқ бутун хаёли, бутун вужуди билан кўкка илтижо этиб, ибодат қилаётгани кўриниб турарди.

Беруний, кўнгли алланечук бўлиб, даричага яқинроқ борди-ю, беихтиёр юраги «шиғ» этди. Сабхунинг қўлидаги қизил мато... Садафбининг қизил гулдор рўмоли эди!

Сабху гоҳ бу рўмолни ўпиб, гоҳ бошини ерга уриб, ўз худоларидан бирига, бахт ва смад худоси Шивагами, ё ҳаёт-мамонт худоси Бораҳимгами, ёхуд бош худо Вишнагами, кимгадир, илтижо этар, такрор-такрор сажда қилиб, нола чекарди.

Беруний юраги қаттиқ ачишиб, деворга суянди, суянган заҳоти негадир ҳибсдан аввал Садафбини билан бўлган тунги суҳбат эсига тушди. Қизнинг унинг ҳужрасига ҳуркак кийикдай аста юриб кириб келгани, қаршисига тиз чўкиб, йиғлаб айтган сўзлари, бу сўзлар кўнглида аллақандай ширин умид қўзғагани хотирасида жонланди-ю, юраги виждон азобидан баттар зирқираб кетди. Назарида гўё икки ёшнинг бошига тушган бу мусибат учун у ҳам айбдор, гўё ўша дақиқаларда ёшига номуносиб умидларга бормай, уларни қовуштириб қўйганида бу жафо содир бўлмас эди!

Беруний уйга киришга юраги дов бермай, аста кўчага чиқди. Шояд Маликул шароб шўрлик бибидан хабар топган бўлса! Шояд имом Исмоил воситасида бўлса ҳам қизни қутқариш чораси топилса!..

Сангтарошлар даҳасига кираверишда ўзига тўқроқ деҳқонлар, хорижий савдогарлар, заргар ва мисгарлар, бозори чаққон ҳунармандлар растаси саф тортган, йўқсиллар, гадолар, майда косиблар макони бўлмиш Маликул шароб маҳалласига шу расталар орқали ўтиб бориладди.

Ана, олдинда сердарахт гузар кўринди. Гузардаги илк дўкондорлар; ҳалвофуруш ва қандолатпазлар, сомсапаз ва исвойлар ўз дўконларини очилган, ҳавода димоқни қитиқловчи тандир сомса, ҳолва ва кабоб ҳиди тарала бошлаган эди.

Расталар олдида чарм камзул кийган мешкобчилар оғир мешларидан ерга сув сепар, фаррошлар узун супурчиларни билан йўлларни супурар, чап қўлдаги кагта карвонсарой ҳовлисида савдо тараддудига тушган тижорат аҳли чумолидай гимирлаб қолишган эди.

Беруний, гавжум гузардан ўтиб, атторлар ва заргарлар растаси бўйлаб кетди. Бу ерга ҳам сув сепилган,

фаррошлар ёғ томса ялагудек қилиб супуриб қўйишган эди. Лекин, қизиқ, одатда жуда барвақт очиладиган серҳашам дўконлардан бирортаси ҳам очилмаган, очилганлари қайта ёпилмоқда, нимадандир ҳаяжонга тушган дўкондорлар шивир-шивир қилишиб, раста охиридаги бозор томон шошилмоқда эди.

Агар Берунийнинг ёдидан чиқмаса, Пири Букрийнинг дўкони ҳам бозор яқинида эди. Ана, муюлишда унинг дўкони ҳам кўринди. Бироқ... бу не тўполон? Дўкон олди аросат, ҳамма ўша томонга қараб югурмоқда эди.

Беруний ҳам бенхтиёр қадамини тезлаштираркан, атрофдан келаётган ваҳимали гап-сўзлар қулоғига чалинди:

- Шўрлик Пири Букрий оламдан ўтибди!
- Худо раҳмат қилгай! Яхши одам эди!
- Туф де, гумроҳ! Яхши бўлса шундай қилурми?
- Не қилибди?
- Ўзини ўзи осиб қўйибди!
- Астаффирулло!..

— Билмай сўзлама, тентак! Пири Букрий эмас, чўриси ўзини ўзи осиб қўйипти!

- Ё алҳазар!

Одам оқими тобора тошиб, дўкон олдида катта оломонга айланган эди.

Беруний, бирдан исканжага олган совуқ туйғудан юраги сиқилиб, аридай ғувиллаган оломон орасига кирди, яккакифт бўлиб, оломонни базўр ёриб олдинга ўтди. Бировлар уни таниб, бировлар алломаларга хос сипо кийимига қараб, йўл беришди. Оломон узра ҳамон ўша ваҳимали гап, бир-бирини инкор этувчи ўша шивир-шивир ҳоким эди.

Тўсатдан, дўкон эшиги тарақлаб очилди-ю, ичкаридан боши хумдай, паканагина, чорпахил бир кимса алпанг-талпанг юриб, йўқ, юриб эмас, югуриб чиқди-да, оломонни кўриб, қоққан қозиқдай қотиб қолди.

— Ё тавба! Ичкаридан худди Азроилдан қочгандай қочиб чиққан бу ёқавайрон, яланг оёқ, яланг бош одам... Пири Букрий эди!..

Унинг соқол-мўйловлари юлинган, бўғриққан юзи, туксиз тақир боши ва ҳатто бир каллақантдай елкасида дўппайиб турган ўркачигача — ҳаммаёғи қоп-қора қон, кўзларида, гўдакнинг кўзларидай маъсум кўзларида даҳшатли бир ифода қотиб қолган эди!..

Букрийнинг важоҳати шундай қўрқинчли эдики, га-

ла-ғовур бирдан сўниб, аридай ғувиллаган оломон сув қуйгандай жим бўлиб қолди.

Пири Букрий, даҳшат муҳрланган мовий кўзларини олазарақ қилиб, бир он анграйиб турди, сўнг, хоодадай осилиб қолган узун қўлларини пахса қилиб:

— Йўқ!— деб қичқирди.— Бу қиз... бу жорияни мен осганим йўқ! Узини-ўзи осиб қўйди ул беҳаё!

Букри шундай деб, уввос тортиб йиғлашга тутинди-ю, тўсатдан, рўпарасида ҳайкалдай қотиб қолган Берунийга кўзи тушиб, йиғидан тўхтади. Худди уни таниб-таниёлмагандай, кўзларини катта очиб, бир дақиқа серрайиб турди, сўнг, ерга тиз чўкиб, унинг оёқларини қучоқлади.

— Мен бадбахтни кечиргайсен, мавлоно, кечиргайсен!

Беруний, гўё ақли ҳушидан айрилгандай, ҳануз карахт бўлиб турарди. У бир ўйида оёқлари остида юмалаб ётган букрини бир тепиб, ичкарига киргиси, шўрлик қизни кўргиси келди. Бироқ сиртмоқда чайқалиб турган қизнинг жасадини тасаввур қилди-ю, ҳамон ерда юмалаб ётган букрининг титроқ қўлларидан оёғини базўр тортиб олиб... аста орқага чекинди. Унинг юраги тинимсиз безиллаб оғрир, назарида, кимдир кўксига занглаб қолган ўтмас пичоқ қадагану қайта суғуриб олмаган эди.

Во дариг! Қариган чоғида бу не мусибат, не кўргулик? Оҳудай гўзал, мусичадай бегуноҳ бу қиз унинг чироқсиз ҳужрадай нурсиз, шуъласиз ҳаётида милт этиб ёнган бир шам эди, мана, бу шам ҳам сўнди. Ё тавба! Наҳот боя тонг чоғи қилган пок нияти, кўнглидаги худбин истаklarни жиловлаб, шўрлик қизни келин қилиш орзулари кўкка бориб етмади? Агар бориб етган бўлса бу не шафқатсизлик, не адолатсизлик, э сарвари коинот?

Беруний, гузарга чиққач, таниш мешкобчидан бир коса совуқ сув сўраб олди-да, уни ичиб, сада тағида узоқ ўйга толиб ўтирди.

3

...Ҳали барвақт бўлса ҳам, Маликул шароб майхонасининг олдида одам гавжум, бировлар майхона остида бошларини ҳам қилиб хаёлга чўмиб ўтирар, бировлар уёқдан-буёққа изғиб юрарди. «Ажабо! Бу не? Нечун кўпчиликнинг боши ҳам? Нечун ҳамма сукутда? Наҳот?»

Бўсағада ўтирган майиб-мажруҳлар жимгина чекиниб ўнга йўл беришди.

Беруний усиз ҳам безиллаб оғриган юраги баттар увишиб, эшикни журъатсизгина очди.

Одатдагидай ғира-шира майхона бўм-бўш эди. Тўрдаги токчада биттагина мойчироқ ҳорғин липиллар, токчанинг тагида эгнига олача тўн кийган нотаниш бир кимса кулоҳлик бошини осилтириб ўтирар, у уйғоқми, пинакка кетганми, билиб бўлмас эди.

«Маликул шароб! Хайрият!»

Пойгакда тўхтаган Беруний қибла томондаги бурчакда... устига оқ мато ёпилган жасадга кўзи тушди. Жасаднинг оёқ томонида кимдир бошини осилтириб ўтирар, у ҳам Маликул шаробга ўхшаб чуқур сукутда эди. Берунийнинг кўнглидан: «Нарғизабону» деган фикр ўтиб, аъзойи бадани музлаб кетди.

Маликул шароб оёқ шарпаларини эшитиб, аста бошини кўтарди, Берунийни таниб, ўрнидан туришга ҳаракат қилди, бироқ туролмади. Беруний тез етиб бориб, у билан кўришди. Кекса дарвеш туюв кунгидан ҳам озиб-тўзиб, фақат сояси қолган эди.

— Қалайсен, азизим? Ҳибс деган балон азимдан омон-эсон қутулдингму?

Маликул шароб дағал бармоқлари билан томоғини силаб, «қулт» этиб ютинди, унинг токчадаги мойчироқдай ҳорғин милтираган кўзлари тўсатдан жиққа ёшга тўлди.— Каминна омон чиқдим, аммо... Бобо Хурмо... Бобо Хурмодан айрилиб қолдик, Абу Райҳон!..

Беруний юзига фотиҳа тортди-да, бурчакка ўтиб марҳумнинг юзини очиб, кўрмоқчи бўлди, бироқ Маликул шароб:

— Қўя бер, Абу Райҳон,— деб уни тўхтатди.— Гунг дарвеш қуръон ўқиб ўлтирибди. Уқий берсин... Шўрлик Бобо Хурмо! У кўрган азобларни олло ҳеч бир бандасининг бошига солмасин! Кеча ҳибсдан чиқишда чивиндай жони ҳалқумида эди, кулбаи вайронамга етолмай жон таслим қилди, шўрлик! Пешинга чиқарамиз. Дафн маросимида бўласенму ё...

— Бўлмасам гуноҳга ботамен, аммо...

— Биламен. Ҳазнага чин ҳазрат ибн Сино ташриф буюрган эмиш.

— Бун қайдан билдинг?

— Ёдингда бўлсин, Абу Райҳон. Маликул шароб билмаган сир-асрор йўқ. Бу жоҳил султоннинг жоҳил надимлари уни ҳам устод Фирдавсий янглиғ таҳқирлаган

эмиш. Анов фирибгар Абу Шилқим ибн Шаҳвонийни чин ибн Сино деб, чин ҳакими давронни ёлғон ибн Синога чиқарган эмиш! Бу ишга куюнма, Абу Райҳон. Билъакс, бу ҳам султон Маҳмудга кўк юборган бир қасосдур!

— Филҳақиқат. Аммо ҳазрат ибн Синонинг ҳаёти хавф остида, Маликул шароб!

— Биламен. Ҳаммасини биламен, Абу Райҳон. Мен ўзим одам юбормоқчи эдим!— Маликул шароб шундай деб, Берунийнинг қулоғига шивирлади:

— Имом Исмонлдан одам келган. Бу табаррук номдан хабаринг борму?

— Бор. Сен айтмасанг ҳам эшитганмен, Маликул шароб!

— Камина бу гапни шаръий заифам Наргизабонудан ҳам сир тутаман, Абу Райҳон. Алқисса, ҳазрат ибн Синога не ёрдам керак? Дарҳол хат ёзиб бер. Имомнинг одами кутиб ўлтирибди!— Маликул шароб шундай деб, тўрдаги тоқчадан қоғоз-қалам олиб берди, сўнг, Беруний ёзган мактубни носқовоғига яшириб, ташқарига чиқиб кетди-да, дарҳол қайтиб кирди.

— Кечқурун намози асрга қолмай жавоб келади. Истасанг, кулбаи вайронамда кут, истасанг...

У сўзини тугатолмади. Тўсатдан, майхонанинг эшиги шарақлаб очилди-да, кимдир ичкарига кириб, бир нарсани «гурс» этиб ерга ташлади. Маликул шароб эшик томонга ялт этиб қаради-ю:

— Шоир Унсурий?— деб хитоб қилди.

— Хотираларига тасанно, Маликул шароб! Танидилар, азизим, танидилар! Э-э, мавлоно Беруний ҳам шу ерда эканлар-да! Боракалло, боракалло!— шоир Унсурий банорас тўннининг этаги билан ер супурганича, алпанг-талпанг юриб келиб аввал Беруний билан, кейин Маликул шароб билан кўришди, кўришаркан, гўё кўнгилсиз гапнинг олдини олмоқчи бўлгандай:

— Фақир Кўшки давлатдан, офтоби оламнинг ҳузурларидан келмоқдамен,— деди, пешона терини артиб.— Яъники, ул валинеъмат амрал мўъминининг бағоят зарур топшириғини лутфан етказгани келдим, азизлар!

Шоир ҳаяжондан энтикиб, нимқоронғи бурчакка бир қараб қўйди.

— Ул бандан ожиз Бобо Хурмо қайдадур, азизим Қутлуғқадам?

Маликул шаробнинг уйқусизликдан киртайган кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

— Агар султони салотин Бобо Хурмони йўқлаган бўлсалар... кеч йўқлабди! Бу фоний дунёни етим қолдириб, боқий дунёни мунаввар қилмиш ул бандан хокисор!

— Олло раҳмат қилғай! Қачон?

— Шу букун! Агар шўрлик Бобо Хурмо еган калтакларнинг ўндан бирини еганларида жаноблари ҳам ҳибсдан чиқмасданоқ Боғи Эрамга парвоз қилар эдилар!

Унсурий, гўё Маликул шаробнинг бу аччиқ киноясини эшитмагандай, лабларини пичирлатиб, юзига фотиҳа тортди-да, ёқасини ушлаб:

— Э, яратган эгам!— деб шивирлади.— Шу букун ул бандан ожиз Бобо Хурмо... амирал мўъмининнинг тушига кирмиш!

— Нечун ажабланасиз, назм бўстонининг боғбони?— деди Маликул шароб заҳархандалик билан.— Бобо Хурмо ҳали кўп киради султони салотиннинг тушларига!

Унсурий, ҳануз кўзлари юмуқ, лаблари аста пичирлаб, тиловат қиларди.

Султон уни кеча шом чоғи ўз шабистонига чақиртирган эди.

Унсурий кирганда қандиллардаги шамларнинг кўпчилиги ўчирилиб, шабистон аллақандай сирли руҳ касб этган эди. Султон ўрдадай кенг, аммо аллақандай хувиллаб қолган бўм-бўш хонанинг тўрида, баланд шойи тўшак устида чалқанча ётарди. Унинг чўғир қовундай сўпоқ боши оқ парқу ёстиқларга ботиб кетган, кўзлари юмуқ, осмонга қараган ялпоқ юзи яна илгаригидай униқиб, мумдай сарғайиб қолганди.

«Ҳакими даврон» билан Абул Ҳасанак қаёққадир гумдон бўлган, хонада аллақандай ваҳимали сукунат ҳоким эди.

Унсурий, вужудини совуқ тер қоплаб, бўсағада анча турди, кейин, ўзини зўрға босиб, султоннинг оёқ томонига ўтиб ўтирди.

Султон соғ пайтларида Унсурийга оёқ уқалатнишни яхши кўрарди. Амирал мўъмининнинг бу одати эсига тушган Унсурий кўрпа тагидан чиқиб турган қоқсуяк оёқларга аста қўл чўзди, чўзиши билан султон чўчиб кўзини очди.

Унсурий, баданидаги туклари тиг бўлиб, сал орқага сурилди.

— Азизим Унсурий!— деди султон, овози базўр эшитилиб.— Боя намози асрда кўзим илинган экан, анов гадо... Бобо Хурмо деган Боғи Фирузадаги хурмо-

зорнинг эгаси тушимга кирмиш. Устида кафан янглиф оқ либос, яланг оёқ, яланг бош, анов эшикдан кириб келмиш. Бир нарсаларни сўзлаб таҳдид қилмиш. Не деди, сўзини англамадим. Сендан сўраймен: хазинадордан бир хуржун олтин олиб, уни излаб топ! Шу олтинларни бериб, уни рози қил!— Султон қудуқ тагидаги сувдай милтираган мунгли кўзларини шифтга тикиб:

— Ё парвардигор!— деб хитоб қилди.— Қайси гуноҳларим учун бу интиқом, бу давосиз дардни раво кўрдинг? Осий бандангни ўз ҳифзи ҳимоятингга ол! Қимгаки ёмонлик қилган бўлсам, яхшилик қилгум бор! Муродим— фақат яхшилик қилмоқ эндиликда, фақат яхшилик!— Султон киприклари орасида тирқираб чиққан кўз ёшларини артишдан ожиз қулт-қулт ютиниб Унсурийга қаради:

— Анов ҳазрат ибн Сино билан Абул Ҳасанак қайда? Наҳот «неъматни илоҳий»дан дарак бўлмаса! Э, яратган эгам! Ёзуғим недур менинг?..

...Унсурий чўчиб кўзини очди.

— Ё қудратингдан! Амрал мўъминин Бобо Хурмонинг рози-ризолигини ол деб, бир хуржун олтин сборган эди! Бир хуржун олтин!

— Тириклигида хору зор қилиб, ўлганида иззат-икром кўрсатишдан не фойда?— деди Маликул шароб куюниб.— Ҳайҳот! Энди бу шўрлик Бобо Хурмога олтин не керак? Султоннинг ўзига буюрсин бу олтинлар!..

Шоир Унсурий тўсатдан кўзига ёш олиб:

— Шўрлик амрал мўъминин!— деб ҳиқиллади.— Билмам, неча кунлик умри қолди олампааноҳнинг!

Берунийнинг кўнглидан: «Неъматни илоҳий»ни топиб берган анов муттаҳам табиб қайда? Ё бу ҳакими даврон топган «неъматни илоҳий» олампааноҳга шифо келтирмадими, тақсирим?» деган фикр ўтди, бироқ Унсурийнинг индосидан султоннинг аҳволини тасаввур этди-ю, густоҳлик қилгиси келмай, бўғзига келган аччиқ сўзларни ичига ютди.

— Ҳаммаси оллодан!— шоир Унсурий шундай деб, эшик томон юрди. Бироқ эшикдан чиқаётганида Маликул шароб:

— Тўхтанг, жаноби Унсурий!— деб уни тўхтатди.— Агар амрал мўъминини бу беғуноҳ гадонинг руҳини шод этмоқчи бўлса... Бобо Хурмонинг ўз еридан, Боғи Фируздан бир парча жой берсин!.. Биз бу шўрликни суюккли хурмозорига дафи этайлик!

Унсурий ердаги хуржунни аранг кўтариб елкасига ташларкан:

— Офтоби оламга етказаман бу сўзингизни!— деб гудранди.

— Етказинг! Султоннинг жавобини намози асргача кутамиз!

Маликул шароб «тўғри қилдимми, йўқми? дегандай, савол назари билан Берунийга қаради. Бироқ Беруний ўз ўйлари билан банд эди. Кўнгли нотинч, у дам расадхонада қолган ибн Синони ўйлаб безовта бўлар, дам ёдига Садафбиби тушиб, тирноқларигача зирқираб кетарди.

Лекин қанча уринмасин, ибн Сино келгандан бери айниқса кўп эзаётган ўйлар, телба тақдирнинг ғалати ўйинлари, бани одам қисматининг ечиб бўлмас жумбоқлари, ўлим ва ҳаёт, инсоф ва адолат ҳақидаги аламли ўйлар миясидан чиқмас, бироқ ўйлаган сайин ўйининг таги кўринмас, билъакс, хаёли чалкашиб борарди. Ажабо: у ёшлик чоғларида «ўлим ҳақ» деган сўзни эшитганида бу сўз жуда адолатсиз бўлиб туюлар эди. Энди эса бу сўзда буюк бир адолат борлигига ишонди. Дарҳақиқат, агар амирал мўъминин аталмиш бу мустабид шоҳ яна минг йил яшаса, бани башарнинг аҳволи не бўлур эди? Бас, эндиликда бу дунё устунларидан, яъники, шерлар ва шоҳлардан йироқ юрмоқ даркор! Бу ёлғон дунёда илми ҳикматдан, мутолаа ва мушоҳададан катта бахт йўқ экан! Ишқилиб, телба тақдир уни бу сўнги бахтдан ҳам мосуво қилмагай! Ибн Синони тутқундан қутқазиб, ўзи тутқун бўлмагай ҳали!

Намози аср бўлди ҳамки, султондан хабар келмади.

Бобо Хурмони «Мозори калон» гўристонининг бир чеккасига дафн этишди.

Осмонни сийрак кулранг булутлар қоплаб, илиқ ёмғир ёға бошлади. Бироқ йиғилган оломон — юз чоғли гадолар, мулла мирқуруқ шоирлар, ҳофиз ва машшоқлар — ҳеч ким жойидан жилмади.

Гунг дарвеш қабр тепасида ўтириб, узоқ тиловат қилди. Унинг мунгли овози ҳали тинмаган ҳам эдики, қаердадир, яқинда, қабристон деворлари ортида, бошқа бир мунгли куй янгради. Во ажабо! Бу юракларни сел қилғувчи най овози эди!..

Тиловатдан кейин ўрниларидан энди турган одамлар, уст-бошлари шалаббо бўлса ҳам, бу чашмадай тиниқ, ҳазин куйни эшитиб, жой-жойларида қотиб қолишди.

- Бечора Пири Букрий!— деди кимдир.
- Ақлдан озмиш, шўрлик!— деди иккинчи биров.
- Ғалат дунё! Ақлдан озса ҳам най чалишни унутмабди!— деди учинчи биров.

Одамлар турнақатор бўлиб, Афшон сой томон жилишди. Маликул шароб билан Беруний қабристон ортидаги мунгли куй тугагунча жимгина қулоқ солиб ўтиришди, сўнг одамлар кетидан юриб, қабристондан чиқишди.

Илиқ ёмғир ҳамон майдалаб ёғар, бироқ одам ёмғирдан қочгиси келмас, аксинча, осмонга қараб, аста ёғаётган илиқ томчиларга юзини тутиб тургиси келарди.

Маликул шароб йўлда тўхтаб:

— Ҳар қалай, менинг унга раҳмим келади,— деди уф тортиб.— Пири Букрийни айтамен. Не бўлганда ҳам — бахтсиз одам!

У бошидаги кулоҳини олиб, юзидан ёмғир томчиларини артди-да, қалпоғининг йиртиғидан найча қилиб ўралган хат олиб берди. Бу — имом Исмоилдан келган жавоб бўлиб, у жуда қисқа эди. «Хуфтон чоғи сарбозларим сизларни тайинлаган жойингизда кутадилар. Фурсатни бой берманг. Шу кеча Абул Ҳасанак навкарлари расадхонани босиш эҳтимоли бор!»

Беруний бетоқат бўлиб, Маликул шаробга қаради.

— Имом не депти? Яхши сўзму?

— Йўқ. Камина дарҳол расадхонага етиб бормоғим лозим! Кўлик¹ керак, Маликул шароб!

— Ҳозир топамиз, азизим!— Маликул шароб шундай деди-да, изма-из келаётган увода тўнли бир қаландарни чақириб, қулоғига алланималарни шивирлади. Қаландар қабристон томонга югуриб кетди-ю, зум ўтмай бўлиқ бир жийрон отни бошлаб келди.

— Минг афсус!— деди Маликул шароб кулимсираб.— Шу букун бошимизга тушган бу кулфатлар қайтмасин деб, бир косадан май ичмоқ умидида эдим, Абу Райҳон.

— Насиб қилса ичармиз. Омон бўл, Маликул шароб!

— Таассуфлар бўлғайким, камина шунча йил ҳазрат ибн Синони бир кўриш орзусида юрардим, насиб этмаган экан, кўролмадим. Саломим ва яхши каломимни етказгайсен. Омад ёр бўлсин, ул зоти шарифга. Омон бўл, Абу Райҳон!

¹ От-улов маъниссида.

Уларнинг назарида, кўнгилларидаги ҳамма алам, ҳамма сўз айтилиб бўлгандай, айтиладиган дарду ҳасрат қолмагандай туюларди, бироқ видолашув онлари яқинлашган сайин, ихлоси ихлос истаги, дардлашиш тилаги тобора ортиб борар, гўё диллари тубидаги энг катта орзу-истаклар, энг ҳазин туйғулар ифодаси сўнги дақиқаларга қолган эди! Бироқ имом Исмоил айтган хатарли дақиқалар тобора яқинлашмоқда, фурсатни бой бериб бўлмас, зотан, бу хатардан чўчимаганда ҳам, айтиладиган дарду ҳасрат тугамас, буни иккови ҳам яхши англади эди.

Беруний Абу Алига ўз «Ҳиндистон»нинг Сабҳу кўчирган энг тиниқ нусхасини инъом этди, ибн Сино эса, «Ал-Қонун»нинг энг нодир қўлёмасини меҳр ва ихлос билан тутди.

Имом Исмоил сарбозлари, Беруний айтгандай, лаҳимдан чиққан жойдаги қалин арчазор орасида отларни шай қилиб туришарди.

Икки дўст, икки аллома бу онларнинг қайтиб келмаслигини, эндиликда дийдор кўришиш насиб этмаслигини бутун вужудлари билан ҳис этишар, шу боисдан ҳам, ўзларини қанчалик вазмин тутмасин, жудолик туйғулари оғушидан чиқолмас эдилар.

Беруний биринчи бўлиб Абу Алини қучиб бағрига босди.

— Алвидо, азизим. Дийдор кўришмоқ насиб этмас рози бўл, жигарим! Қимки сени хор қилган бўлса, ўзи хор бўлсин! Сени имом Исмоилга, имомни оллога топширдим, Абу Али!

Ибн Сино устозини қучиб, бенхтиёр кўзига ёш олди.

— Каминадан ҳам еманг, устод! Сўзимга инонинг: фақир, кўп жафоларни кўра бериб кўса бўлганмен, мен букун ўз тақдирим эмас, сизни ўйлаб қўрқамен! Сиз каминани бу пинҳоний лаҳимдан қочириб, ўз бошингиз балога қолмаса деб қўрқамен, устод! Эҳтимол бир-икки ой имом Исмоил ҳимоятида бўлурсиз?

— Агар сен бирга бўлсанг...

— Э воҳ! Фақир Исфаҳонга тезроқ етиб бормоғим лозим! Бирламчи, қора ўлат чангалида қолган Исфаҳон аҳлига ёрдам бермоғим даркор. Иккиламчи, ёзишни орзу қилган китобларим бор!

— Биламен. Одил шоҳлар тўғрисида китоб бошлагансен!..

— Мендан куласиз, ammo одил шоҳларни улуғлаб китоб битмадингизми, устод?

— Не чора? Мен ҳам битганмен, Абу Али!
Беруний, маъюс кулимсираб, ибн Синони сўнг бор қучоқлади. Улар гўё бу дақиқаларнинг бетакрор улғлигини ҳис этгандай, узоқ жим қолишди, сўнг, имом Исмоил сарбозларининг бетоқат ҳаракатларига бўйсуниб, қучоқларини ёздилар.

— Омон бўлинг, устод. Бу яхшилигингизни тоабад унутмаймен!

Беруний бенхтиёр кўзига ёш олди.

— Оқ йўл! Бошинг тошдан бўлғай, азизим!

Хотима

«Бугун тўрт юз саксон биринчи йил ҳижрий муҳаррам ойининг ўн саккизи кунни алломалар мажлисига кетган шайх, намози аср чоғи, қўлида аллақандай мактуб, қаттиқ ҳаяжонда кириб келди.

Ғазнаи мунавварадан қайтгандан бери камина шайхни бу аҳволда кўрмаган эдим.

Шу йил кўкламда Ғазнаи мунавварадан соғ-саломат қайтиб келганимиздан кейин сал ўтмай доруссалтанатдан, султон Маҳмуд оламдан ўтди, деган,— олло унинг қабрини юмшоқ қилгай!— совуқ хабар келган эди. Хабарни йўллаган Хатлибстимнинг ёзишича, савр ойининг охирида бу дунёни етим қилиб, у дунёни мунаввар этган султон Боғи Фирузага дафн қилиниб, салтанатда қирқ кечаю қирқ кундуз мотам бошланган эмиш.

Бу хабарни эшитган амир Масъуд ҳам бошдан-оёқ оқ либос кийиб мотам тутган ва эртасигаёқ қўшин тортиб, Ғазна томон сафарга чиққан эди. Сафарга отланаркан, амир, юзида зоҳиран қайғу, ботинан қувонч, барча аъёну боёнларни саройга таклиф қилган, ҳатто шайхчи ҳам чақириб, ҳануз зиндонда ётган Қоракўзбегимни озод этиш тўғрисида амру фармон берган эди. Амир Масъуд Исфаҳонни тарк этгандан бери шаҳарда осойишталик ҳукм сураб, қора ўлат ҳам даф бўлиб, шайх нодир кутубхонасини тиклаш юмушлари билан банд эди. Уни фақат бир нарса қаттиқ ташвишга солар— устод Берунийдан ҳануз дарак йўқ эди!.. Шу боисдан шайхнинг қўлидаги мактубни кўриб, камина қаттиқ сескандим. Оллога шукур, устод Беруний саломат эканлар. Мактуб устоднинг садоқати боқий шогирди, салоҳиятли муаррих Абулфазл Байҳақийдан бўлиб, унда

амир Масъуд бошлаган қатлу қирғинлар ҳикоя қилинган экан.

— Амир, ота фарзанди эмасму, доруссалтанатга етиб бормасданоқ минг-минг кишиларнинг бошларини олибди. Иккала вазир ҳам қатл қилинибди. Улар эгилган бошни қилч кесмас деб, барча лашкар, барча ганжни олиб, амирга пешвоз чиқсалар ҳам, унинг оёғини ўпиб йиғласалар ҳам, гуноҳларидан кечмабди. Али Фарибни Нишопурда, ўз инисининг уйида, меҳмондорчилик чоғда чавақлаб ташлабдилар. Абул Ҳасанакни эса қарматий деб (тақдирнинг ғалат ўйинидан қўрққулик!) Ҳирот бозорида тошбўрон қилдирибди! Даҳшат! Мана, ўзинг ўқиб кўр. Мана бу ерини ўқи!— Шайх шундай деб, қўлидаги мактубни менга узатди.

Камина кўп ҳуснихат хаттотларнинг дастхатини кўрганмен, аммо Абу Фазл Байҳокийнинг дастхатидай чиройли дастхатни кўрмаганмен.

Сулс усулида ёзилган бу мактубда шундай сўзларни ўқидим.

«Абул Ҳасанакни дор тагига,— бундай жазодан ўзинг асрагайсен, э, яратган эгам!— келтириб, уст-бошини ечишни амр қилдилар. Абул Ҳасанак, шалварини кўтариб, белни маҳкам боғлади, эскирган, аммо қимматбаҳо сиёҳранг жуббаси ва кўйлагини ечди ва сурмаранг салласига қўшиб бир чеккага отди. Сўнг ёлғиз иштонда, кумушдай олоқ танаси ва кўҳлик чеҳрасинч йиғилган оломонга намоён қилиб, дор тагида тўхтади. Оломон, гарчи Абул Ҳасанакдан яхшилик кўрмаган бўлса ҳам, унинг ҳолига ачиниб, юм-юм йиғлади. Жаллодлар унинг юзига тош тегмасин деб, токи калласини Бағдод халифасига инъом қилиб юбориш ниятида эдилар, бошига темир ниқоб кийдирдилар.

Шундан кейин оломонга қараб, «тошбўрон қилинлар бу имонсизни!» деб амр қилдилар. Аммо раҳмдил авом, гарчи Абул Ҳасанакни ёмон кўрса ҳам, унга тош отишни истамди. Оломон орасидан: «Дорга осиладурғон бир шўрликни тошбўрон қилишининг не ҳолати бор? Ундан кўра дорга осинглар, тезроқ!» деган хитоблар эшитилди ва катта ғалаён бошланди. Аммо бозор майдонини қуршаб олган суворилар от суриб келиб, ғалаённи босдилар. Сўнг жаллодлар Абул Ҳасанакнинг бўйнига сиртмоқ солиб, оёқлари остидаги курсини тепиб юбордилар ва яна оломонга қараб тошбўрон қилишни буюрдилар. Оломон яна сукут қилди.

Шунда гадоларга пул улашиб, Абул Ҳасанакни

тошбўрон қилишга даъват этдилар. Улар дорда питирлаб жон бераётган Абул Ҳасанакка тош отдилар, аммо Абул Ҳасанак жон таслим қилиб бўлган эди.

Жаллодлар унинг бошини танидан жудо қилиб, оёғидан дорга осиб қўйдилар¹.

Абул Ҳасанакнинг Абул Саҳл Завзоний деган эски таниши бўлғуси эди. Бу одам ўша куни кўп нуфузли бек ва бекзодаларни меҳмонга чақириб, катта зиёфат берди. Май дарёдай оқиб, зиёфат айни қизиган чоғда қопқоқлик олтин жом келтирдилар.

— Бу янги пишган мевалар,— деди Абу Саҳл Завзоний.— Мазасини татиб кўрайлик!

— Татиб кўрайлик!— дедилар меҳмонлар ҳам.

Олтин жомнинг қопқоғини олдилар. Қарасалар, жомда... Абул Ҳасанакнинг қонга бўялган боши!..

Даҳшатга тушган меҳмонлар меҳмонхонани ташлаб қочдилар...

Қасосли дунё экан. Абул Ҳасанак,— олло унинг гуноҳларини кечиргай!— аҳли мўминга кўп жабр қилган эди, жазосини тортди. Жазосини тортмаган ёлғиз аисв маккор, ўзини ҳазрат ибн Сино деб, ҳаммани, ҳатто султони салотинни ҳам тўнаб, хуржун-хуржун ганжини олиб қочган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний қолди, холос. Айтадиларки, бургага тузоқ қўйган ул фирибгар Мо-вароуннаҳр томонларда ҳануз ўзини ҳазрат ибн Сино деб, шўрлик авомни тўнаб юрган эмиш...»

Мактуб шу ерга келганда камина беихтиёр шайхга қарадим. Шайх хаёлга толиб ўтирган эди, менинг қараганимни кўриб ўрнидан турди.

— Донолар ҳақ,— деди шайх.— Бу кўҳна дунёда кимки жафо қилса, жафо, вафо қилса, вафо топғусидир.

— Абу Шилқим ибн Шаҳвоний-чи?— дедим мен.

Шайх унинг номини эшитиб, хушнуд кулди.— Ибн Шаҳвоний тақдири азалнинг ажаб жумбоғи. Бу жумбоқни донолар ҳам ечишга ожизлик қилур!— деди шайх.— Устод Беруний ҳақ. Бу дунё устунларидан йироқ юрмоқ даркор. Дарҳақиқат, бу оламда мутолаа ва мушоҳада бахтидан улкан бахт йўқ экан. Қўлингга қоғоз-қалам ол, ишга киришайлик, азизим!— шайх шундай деб, кутубхона эшигини очди».

(Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан.)

¹ Абулфазл Байҳакийнинг гувоҳ беришича, Абул Ҳасанакнинг жасади дорда етти йил осилиб турган, ҳеч ким уни дордан олиб дафн қилмаган.

МУҚАДДАС

Қисса

Мен бу йигит тўғрисида биринчи марта журналист ошнамдан эшитган эдим. Ошнам у ҳақда шундай самимият, ҳурмат билан гапирдики, у билан бир кўришиш, бир суҳбатлашиш кучли иштиёқи туғилиб қолди менда.

У билан машинасозлик заводининг катта цехида учрашдим. У универсал станокда деталь йўнмоқда эди. Қалин қора сочлари пешонасига тушиб, бир қошини тўсиб қўйган бу новча, озғин йигит қараб турганимни сезмас эди.

Бир оз ишига разм солиб турганимдан кейин, цехдаги шов-шувни босгудек баланд овоз билан исминни айтиб чақирдим-да, икки оғизгина суҳбатлашишга ижозат сўрадим.

Уша кезларда «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган гап энди чиққан бўлиб, заводни журналист ва адиблар босиб кетган пайтлар эди. Йигит мени ҳам газета ходими деб ўйлади шекилли, қошларини чимириб:

— Ишдан кейин учрашсак қандай бўлади?— деб сўради.

Йигитнинг сўзларида, қошларини чимириб, кулимсираб қарашида шундай самимий илтимос ифодаси бор эдики, йўқ деёлмадим.

Шундай кишилар ҳам бўладикки, уларнинг бутун фазилатлари юзларидан кўриниб, сўзлари, қилиқларидан билиниб туради. Бир суҳбатдаёқ сизни ўзига ром қилиб қўяди. Истараси иссиқ бу йигит ҳам худди шундай самимий кишилардан эди. Йигирма-йигирма бир ёшлардаги новча бўйли, узунчоқ юзли, қора кўзларига илиқ табассум яширинган бу йигит мени ўзининг меҳнатга бўлган муҳаббати, камтарлиги ва олимжаноблиги билан биринчи учраганимиздаёқ мафтун қилиб қўйди. Узи ҳам Коммунистик меҳнат бригадасининг энг яхши аъзоларидан бўлиб, дўстлари орасидагина эмас, бутун цех ишчилари орасида ҳам катта ҳурмати бор экан.

Иккимиз дўстлашиб қолдик. Учрашиб, суҳбатлашиб турадиган бўлдик. Аста-секин мен бу йигит ҳақида бир очерк ёзишни ўйлай бошладим. Бир кун шу ниятимни ўзига айтдим. У олдин кулимсиради, кейин қизарди ва қандайдир ғамгин бир ўйчанлик билан бир нуқтага узоқ тикилиб қолди.

— Йўқ, ҳожати йўқ,— деди у ниҳоят.

— Нега?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Чунки... мен сиз ўйлаган олижаноб йигитлардан эмасман...

Илгарилари ҳам унинг гап-сўзларида, боқишида, ҳатто кулимсираб қўйишида аллақандай бир маъюслик борлигини сезиб юрардим, лекин худди шу гап очилган куни буни қандайдир чуқурроқ ҳис этдим.

— «Нима гап ўзи? Бу ёш, соғлом, софдил йигитнинг кўнглида қандай ғам-андуҳ бўлиши мумкин? Нима учун у мен ўйлагандек яхши йигитлардан бўлмас экан?»

— Ҳозир қистаманг,— деди у,— пайти келганда ўзим айтиб бераман.

Ниҳоят, ўша «пайти» ҳам келди. Унинг илтимоси билан биз дам олиш кунни эрталаб, шаҳардан ташқарига, Бўзсув бўйига чиқдик.

Эҳтимол биларсиз: Чўпонотадан бир чақиримча ўтганда пастликда, Бўзсувнинг нақ бўйида, уч-тўрт туп жийда ўсган бир хилват жой бор.

Кеч куз эди. Жийдаларнинг япроқлари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолган, қурғоқдаги ўтлар, ҳатто Бўзсув бўйидаги қамишлар ҳам қуриб қовжираб қолган, лекин кун илиқ, қуёш нурлари майин ва ёқимли эди.

Шу ерда, жийдазор ёнидаги хилват жойда, у менга ўз ўтмишини, тўғрироғи, шу ёзда бошидан кечирган ва қалбида чуқур из қолдирган бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Бу ҳам маъюс, ҳам аллақандай нурли оҳангларга тўла бир куй, ажойиб бир севги дostonи эди. Мен унинг дам мулойим кулимсираб, дам кўзларини бир нуқтага ўйчан тикиб ҳикоя қилаётган севги дostonини эшитарканман, инсон ҳаётининг нақадар чигал ва мураккаб эканини тағин ҳам чуқурроқ ҳис этдим.

Мана йигитнинг менга гапириб берган қиссаси.

* * *

Бу воқеаларга бир қиз сабаб бўлди. Қизнинг исми Муқаддас эди... Мен у билан биринчи марта институтда, кириш имтиҳонлари бўйича химиядан ўтказилаётган

сўнгги консултация пайтида танишдим, йўқ, танишдим десам нотўғри бўларди, шунчаки икки оғизгина гаплашиш бахтига муяссар бўлдим...

Уша воқеадан бир кун олдин мен заводдан отпус-кага чиққандим. Отпускам имтиҳон пайтига тўғри келишини билган ойим билан ўгай отам: «Институтга имтиҳон топшириб кўр, кира олсанг, яхши, кира олмасанг сендан нима кетади?» деб анчадан бери қистаб юришарди. Мен имтиҳон топшириб толеимни синаб кўришга қарши бўлмасам ҳам: «Бу гап заводдаги дўстларимнинг қулоғига чалинса: «Бир йил ишламасдан туёғини шиқиллатиб қолди-я!» деб кулишмасмикин?» деган андишаларга бориб, иккиланиб юрардим. Уша кунини нонушта вақтида бу гап яна қўзғалди-ю, розилик бермай иложим қолмади. Лекин қизиқ: шу ишга ўзим розилик берган бўлсам ҳам, уйдан чиққанымдан кейин: «Ишдан қочди, деган гапга қолмасмикинман?» деган ўйлар яна эсимга тушиб, кўнглимни ғаш қилди, шунинг учун ҳам қабул комиссиясига кирмасдан аввал, бу ёғини ҳам бир кўриб қўяй, деган фикр билан консултация ўтказилаётган аудиторияга кирдим.

Мен кирганда деразалари ҳовлига қараган узун, ярим қоронғи аудитория қиз-йигитларга лиқ тўлган эди. Қоп-қора ялтироқ сочларини силлиқ қилиб тараб олган ўрта бўйли ёшгина домла қўлидаги бўр билан доскани тақ-тақ уриб, уни тушуниш мушкул бўлган мураккаб формулаларга тўлдирмоқда эди.

Бахтимга эшикдан кирган жойда, ярим очиқ турган катта деразанинг тагида, ўриндиғи ўпирилиб тушган бўш стул, унинг ёнида кимдир туртиб қулатиб кетган узун пачоқ скамейка ётарди.

Мен домла кўриб қолмасин учун тез бориб скамейкани турғизиб қўйдим-да, четига ўтира қолдим.

Аудитория дим, иссиқ ва аллақандай ёқимсиз тер ҳидига тўла эди. Домланинг «цинкум», «водород», «валентлик», «сульфат кислотаси» каби кимёвий терминларга тўлиб-тошган лекцияси қулоққа кирмас, бир меъёрдаги гаплардан мудроқ босарди кишини. Атрофимдаги қиз-йигитларнинг қисилган кўзларидан улар ҳам домланинг лекциясига зор бўлганларидан эмас, балки имтиҳон олдидан кўнгиллари тинчитиш учунгина келиб ўтирганларини пайқадим. Бироқ кириб қолгандан кейин дарров индамай чиқиб кетиш одобдан бўлмайди, деган андишага бориб, мен ҳам ўтириб қолдим.

Лекцияга бир нафас қулоқ солиб ўтирдим, сўнгра

гап оддий кимёвий реакциялар устида кетаётганини тушундим-да, ундан бадтар зеркиб, деразадан ташқарига қарай бошладим.

Деразадан кенг, чор бурчак ҳовлининг фақат бир чети, фонтани бор катта цемент ҳовуз билан унинг атрофидаги гулзор ва уч-тўрт туп кекса сада кўринарди. Ҳовузда баданлари қуёшда чўяндек қорайиб кетган бир тўда болалар чўмилишарди. Саданинг тепасига чиқиб олган бир бола уларга тош отар, пастдагилар эса унга сув сепишар, лекин сепган сувлари етмагани учун сададаги бола кулар, пастдагилари эса ғазабланинар, тош қидирардилар.

Бу манзарага жуда қизиқиб кетган эканман, тўсатдан: «Мумкинми озгина сурилсангиз?» деган овозни эшитиб ҳушимга келдим. Овоз шундай майин ва ёқимли эдики, гўё юзимга тоғ шабадаси теккандек, тез бурилиб қарадим.

Ёнгинамда оқ шойи кўйлак кийган ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги бир қиз турарди. У кечикиб келганимни домла кўриб ранжимасин деб қўрқаётган бўлса керак, катта-катта қора кўзларини домладан узмасдан, қаддини сал букиб турар, ўзи ҳам шошиб, югуриб келган бўлса керак, икки ўрим майин, кўнғир сочларининг учлари ечиллиб, кўйлагининг этагини бутун қоплаб олганди.

Бундай қизни биринчи кўришим эди. Унинг чеҳрасида, ҳатто бутун қиёфасида ҳали гард юкмаган ёшлик ва беғубор қизлик ифати барқ уриб турардики, ўзимни йўқотиб қўйиб унга жой беришни ҳам унутибман.

Қиз кўзларини домладан узиб менга қаради ва қошларини сал чимириб ўпкалангансимон:

— Озгина сурилиш шунча қийинми?— деди секин.

Шундагина ўзимга келдим, ёнимга ўтирмақчи эканини тушуниб, шоша-пиша сурилиб ёнимдан жой бердим.

Қиз ўтирди. Юрагим нимагадир дук-дук урар, нафасим бўғиларди. Бир лаҳза шу аҳволда унга қарашга журъат этолмай иккиланиб ўтирдим, кейин секин кўз қиримни ташладим.

Қиз кўзларини дам домлага, дам олдидаги дафтарига тикиб, доскадаги формулаларни кўчирмоқда, ўзинча пичирлаб, нима-ларнидир такрарламоқда эди.

Мен ён томондан унинг узун киприкларининг пирпирашини, нимагадир чимирилган бахмалдек қоп-қора қошларини кўрдим-у, юрагим яна гуп-гуп уриб, кўзларимни олиб қочдим. Назаримда ҳамма бизга ти-

килиб қараётганга ўхшарди. Тўсатдан қиз мен томонга энгашиб:

— Кечирасиз, домла ўчириб қўйдилар, мана бу формуланинг ёзилиши тўғрими?— деб сўради секин.

Мен ҳам унга томон энгашарканман, пешонамга майин соч толаларининг тегаётганини сездим, лекин кўзларимга ҳеч нарса кўринмас эди.

— Тўғри,— дедим шошиб.

— Қизик. Нимага бўлмаса бу ёғи чатоқ чиқяпти?

Мен зўр куч билан ҳушимни тўплаб, дафтарини олдимга тортдим-да, ҳарфлар ва рақамлардан тизилган узун, мураккаб формулага тикилдим.

Шу топда мен шундай бир аҳволда эдимки, бу формуланинг хатосини топиш у ёқда турсин, миямга ҳеч бир фикр келмасди, лекин... (бу ҳам бир бахтдир-да!) тўсатдан гўё миямда бир нур «ярқ» этиб, қизнинг «валентлик» билан «атом» тушунчаларини чалкаштириб юборганини сезиб қолдим.

— Қачондан бери водород икки валентли бўлиб қолди?— дедим мен унга қараб.— Кислородни тўрт валентли қилиб қўйибсиз-ку

— Мен атомлар сонини кўрсатган эдим,— деди қиз ва мени гапиршига ҳам қўймасдан бошини тез-тез силкитиб кулди.

— Ҳа, ҳа, тушундим, тушундим!..

Сўнгра дафтарини олдиға тортиб формулани қайта ёзди-да, аллақандай порлаб турган миннатдор кўзлари билан менга бир қараб қўйди.

— Раҳмат сизга!— деди у ва секин кулди:— чарчаса шунақа бўлар экан...

Ёшликда муҳаббат нималигини ҳали яхши англаб етмаган, лекин кўнгил севгини қўмсай бошлаган бир даврда шунақа пайтлар бўлар эканки, бундай чоғларда чиройлигина эмас, истараси иссиқ қиз бўлса ҳам бир жилмайиб боқишидан, бир оғиз илиқ сўзиданоқ маст бўлиб қолар экан киши.

Мен ҳам у маҳалда шундай даврни бошимдан кечираётганим учун бўлса керак, юлдузи иссиқ бу қизнинг ширин муомаласи жуда эритиб юборди.

Чиндан ҳам маст эдим. Қулоқларим тагида гўё унинг майин овози қайта-қайта такрорланар, «Раҳмат сизга» деган сўзларни руҳимни эркаларди.

Консултация тамом бўлди. Аудиториядаги қиз-йигитлар шов-шув билан эшикка томон ёпирилди. Мен дафтар-китобларимни йиғиштирдим-у, нимагадир чи-

қиб кетолмасдан тўхтадим. Мен қизни кутардим. Лекин фақат шунинг учун тўхтаб қолганимни ҳали ўзим ҳам сезмас эдим. Шу маҳал тўсатдан биз томон жилмайиб келаётган силлиқ сочли ёш домлани кўриб қолдим. Даставвал мен унинг нимага илжаяётганини фаҳмлай олмасдан ҳайрон бўлдим, лекин кўзим қизга тушди-ю, дарҳол тушундим: домла қизга қараб жилмайиб келар, қиз эса нима учундир, гоҳ дафтар-китобларини тахлар, гоҳ яна столга ташлар, қулоқлари ловиллаб ёнар, ҳаяжонланаётгани чехрасида акс этиб турарди.

Хаёлимга: «Нега бундай ҳаяжонланади?» деган фикр келди, ўзимни болалар орасига уриб, ташқарига чиқаётганларга қўшилиб кетдим, лекин эшикка яқинлашгач, беихтиёр тўхтадим. Ўз ихтиёримдан кучлироқ бир нарса мени тўхташга мажбур этди. Шу пайт домланинг: «Салом, Муқаддасхон!» деган мулойим овозини, сўнгра қизнинг секингина: «Салом!» деб жавоб берганини эшитиб, бурилиб қарадим. Улар бояги жойда ёнма-ён туришарди. Қиз кўзларини ерга тикиб, столда ётган дафтарларини дам очиб, дам ёнар, йигит эса унинг юзига, уялганидан бўлса керак, сал чимчилган майин қошларига термилиб қолган эди. Унинг қизга бундай тикилиб туриши негадир гашимни келтирарди. Лекин нега?

— Бугун кечикдингиз?— деди домла кулимсираб.

Қиз индамади, фақат бошини силкитиб тасдиқлаб қўя қолди.

— Ҳамма саволларга тушундингизми?

— Ҳа,— деди Муқаддас.

— Агар тушунмаган саволларингиз бўлса...

— Йўқ, ҳаммасига тушундим!— деди қиз ва бирдан дафтар-китобларини тез йиғиштириб, йигитнинг ёнидан ўтди-да, эшикка қараб юрди.

Мен унга йўл бериш учун тисарилаётим кўзим яна домлага тушди. У бошини сал эгиб, Муқаддасга ер тагидан тикилиб қолган, қизнинг жавоби уни саросимага тушириб қўйгани кўриниб турарди.

Йўлакка чиққанымда, Муқаддас унинг охирига етиб зинапоядан пастга туша бошлаган эди. Мен жадалладим ва йўлакда у ёқдан-бу ёққа юрган қиз-йигитларни туртиб-суртиб, Муқаддас билан кетма-кет кўчага чиқдим. Муқаддас ўнг қўлга бурилган ва эндигина бешолти қадам юрган эди. Мен ҳам у бурилган томонга бурилдим. Яна худди боягидек ўз ихтиёримдан устун

бўлган бир куч мени унинг кетидан юришга мажбур қилди. Лекин унга яқинлашишга журъат этолмас эдим. Мен унинг ўримлари ечилиб, кўйлагининг этагини қоплаб олган ва гоҳ ўннга, гоҳ чапга тўлғанаётган қўнғир сочларидан кўзларимни узолмасдан борарканман, Муқаддаснинг тўсатдан ўгирилиб қарашидан ҳадиксирардим, назаримда ўгирилиб қараса, менинг нима учун эргашиб келаётганимни пайқаб қоладигандек туюларди.

Муқаддас муюлишга етганда рўпарадан тўладан келган, ўнг қошининг четида катта қора холи бор бир қиз чиқди-ю, иккинчи тўхтаб гаплаша бошлади. Мен ҳам тўхтадим. Нима қилишимни билмаганимдан, худди осмонда бир нарса бордек, кўкка тикила бошладим. Бахтимга сал ўтмасдан иккови ажрашди. Муқаддас муюлишдан ўнг томонга бурилиб кетди, қиз эса менга қараб юрди. У ерга тикилганича ёнимдан тез юриб ўтаркан, ўзича нимагадир илжайиб қўйди: «Нимага кулимсиради? Наҳотки сезиб қолган бўлса?»

Муқаддас бурилган кўчада, муюлишдан юз эллик-икки юз қадам нарида, институтнинг қизлар ётоғи бор эди. Мен бу ётоқxonани яхши билардим, чунки ўтган йили ҳам институтга имтиҳон топшириб юрганымда Муқаддасга ўхшаган бир қизни яхши кўриб қолган эдим, у қиз ҳам шу ётоқда турарди. Мен ҳар куни эрталаб уни бир кўриш умидида ётоқxonанинг ёнига бир келиб кетардим. Кўчанинг нариги юзидан ётоқxonанинг деразаларига тикилиб ўтарканман, биров кўрса бу ерда нима қилиб юргангани сезиб қоладигандай, юрагим пўкиллаб турарди. Кейин у қиз институтга кирди, мен эсам киролмай қолдим-у, аста-секин эсимдан чиқариб юбордим... Наҳотки Муқаддас ҳам шу ётоқхонада турса?

Муқаддас тўхтади. Ётоқxonанинг олдида турган қизлар тўпига қўшилиб бир зум кўринмай қолди, сўнгра унинг хипча келишган қомати зинапоя устида бир кўриниди-ю, яна ғойиб бўлди. Икки ўрим узун қўнғир сочларининг сўнги марта нафис тўлганганини кўриб қолдим.

Муқаддас ётоқхонага кириб кетиши билан мен ҳам ҳушимга келдим. Унинг менга кулиб қараган қоп-қора маъсум кўзлари эсимга тушиб, «Раҳмат сизга!» деган мулойим овози қулоқларим остида қайта жаранглагандек туюлди-ю, аъзойи баданимдан иссиқ чиқиб кетди...

Орқамга қайтдим. Муюлишга етганимда тўсатдан ҳужжатларимни ҳали топширмаганим эсимга тушиб

қолди... Секин юриб институт рўпарасидаги дарахтзор майдонга бордим. Шохлари бир-бирига чирмашиб кетган садалар, нозик акациялар, уларни қучоқлаб, бошларини силаб турган қудратли эманларнинг қуюқ соясидаги қатор скамейкаларнинг ҳаммасини қиз-йигитлар эгаллаб олган. Ҳаммасининг қўлида китоб. Лекин менга шундай туюлдики, худди улар бу ерга дарс тайёрлаш учун эмас, чақчақлашиб ўтириш учун келганлар. Узун хиёбоннинг ўртасига борганимда, чап томондаги скамейкаларнинг бирида ўтирган иккита қиз билан ингичка мўйлов қўйган бир йигитча ўринларидан турдилар. Йигитча дарҳол иккита қизнинг ўртасига кириб уларни қўлтиқлаб олди, бир нимани айтиб уларни кулдирди ва учови хохолашиб, институтга қараб кетдилар. Уларнинг ўрнига ўтирарканман, «Наҳотки шулар кирганда мен киролмасам?» деган фикр кўнглимдан ўтди ва негадир яна Муқаддас эсимга тушиб кетди... Эрта-индин мана шунақа олифталардан биттаси шу хиёбонларда уни ҳам қўлтиқлаб юрмасмикин? Ё мен бу олифтадан камманми? Нимага бу ўқиғанда мен ўқимас эканман? Ўқишга киришнинг нима айби бор? Ҳеч айби йўқ!..

Фақат буни цех бошлиғимиз Сулаймон Акрамсувчига бир оғиз айтиб қўйиш керак эди. Лекин шуниси борки, айтсанг яна гап чўзилиб кетади...

Тўсатдан хаёлимда ғалати бир фикр чақнади: «Ҳужжатларимни топширавераман. Лекин... агар ўша қиз билан бирга ўқишимга кўзим етса имтиҳон топшириб ўқишга киришга ҳаракат қиламан, бўлмаса — ҳужжатларимни қайтиб оламан!..»

Бу фикр ўзимга шундай маъқул тушдики, бояги иккиланишларнинг ҳаммасини бир зумда ҳал қилиб, кўнглимни чарақлатиб юборди.

Эҳтимол менинг бу гапларим жуда ғалати туюлар, эҳтимол менинг бундай қарорга келишимга бошқа кўп нарсалар сабаб бўлгандир, лекин ўша кун худди шу гапларни хаёлимдан ўтказганим ва бу ўйлар кўнглимдаги ғулғулани босиб, менга тасалли бергани сира-сира эсимдан чиқмайди.

* * *

Шундан кейин уч-тўрт кунгача Муқаддасни кўролмадим. Лекин у ширин бир туш каби сира хаёлимдан кўтарилмас эди. Кечқурунлари китобдан чарчаб,

уйқум келмасдан юлдузларга тикилиб ётган чоғларимда, доим уни эслардим. Консультация куни энгашиб савол берганимда пешонамга теккан майин соч толалари, мулойим табассуми кўз олдимда бир зум гавдаланар, қулоқларимга «Раҳмат сизга» деган майин овози эшитилиб кетарди-ю, тотли ва ҳароратли бир туйғу қалбимни тўлдирарди... Шу алфозда икки кун ўтди, учинчи куни биринчи имтиҳон эди... Менинг келажгим, ўқиш ё ўқимаслигим шу имтиҳонга, тўғрироғи, ўша ажойиб қизни учратиш-учратмаслигимга боғлиқ эди. Шундай деб ўйлаганим учун бўлса керак, ўша куни жуда эрта турдим. Ойим дамлаб қўйган чойни наридан-бери ичдим-да, йўлга тушдим. Ойим кетимдан кўчага чиқди. Индамасам институтгача борадиган. Қаттиқ койиб бердим.

Институтда одамнинг кўплигидан эшикка яқинлашиб бўлмас эди. Мен ўтган йилиёқ имтиҳон пайтида, ўқишга сира алоқаси бўлмаган одамларнинг ҳам институт остонасида санқиб юришини кўп кўрган эдим, лекин назаримда бу йил одам ўтган йилгидан ҳам кўп эди. Бир минутга уларнинг ҳаммаси кўзимга меҳнатдан қочиб юрган эркатойларга ўхшаб кўринди-ю, газабим қўзғади, лекин шу пайт хаёлимга: «Ўзинг-чи, ўзинг нима қилиб юрибсан?» деган фикр келиб, кўнглим ғаш бўлди. Хижолат бўлиб ўзимни оломонга урдим. Тургиб-турткиланиб юриб эшикка зўрға етиб олдим-да, ўша ерда навбатчилик қилиб турган юқори курс студентларига имтиҳон қоғозимни кўрсатиб, юз машаққат билан ичкарига кириб олдим.

Ичкарида ҳам одам кўп эди. Қатор эшикларнинг олдида, ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп бўлиб ёшлар турар, уларнинг шивирлашган ҳаяжонли овозлари эшитилар, асабий ҳаракатлари кўзга ташланарди. Бу ерда ҳукм сурган аллақандай ваҳима менинг ҳам вужудимга сингиб, гўё қон томирларимдан юрагимга бориб етди-ю, тўсатдан оёқларим мадори қуригандай бўлди. Муқаддас кўринмас эди. Наҳотки бошқа факультетга кирган бўлса? Зинапоядан секин юриб иккинчи қаватга чиқдим-да, юрагим гуп-гуп уриб чап қўлга бурлдим.

Тор йўлакнинг нариги бошига яқин жойда, мен имтиҳон топширадиган ўттиз бешинчи аудиториянинг олдида бир гуруҳ абитуриентлар тўпланганди. Имтиҳон бошланишига уч-тўрт минут қолган. Уларга қараб бешолти қадам босганимда юрагим бирдан «шиғ» этиб,

аъзойи баданим жимирлаб кетди: қизларнинг орасида Муқаддас ҳам бор эди!

Муқаддас тескари қараб турган бўлса ҳам мен уни дарров танидим; оқ шойи кўйлагининг этакларига тушиб турган икки ўрим қўнғир сочидан ва айтиб бериш жуда қийин бўлган яна алланималаридан танидим. Муқаддас бошини тез-тез ирғатиб, ёнидаги дугоналарига нима тўғрисидадир куйиб-пишиб гапирмоқда эди, яқинлашиб қолганимда қизлардан бири унга мени кўрсатиб бир нима деди. Муқаддас «ялт» этиб қаради ва юрагимни оловли ҳаяжонга тўлдириб, менга томон бир қадам босди-да, яна тўхтади. Унинг жовдираган қуралай кўзларидан, тортиниб, уялиб қарашидан бир нимани сўрашдан ийманаётгани кўриниб турарди.

— Вой айтавер, нимаси уят?— деди шу вақт қизлардан бири. Бу ўша тунов куни муюлишда учраган ва ёнимдан ерга қараб кулиб ўтиб кетган қора холлик қиз эди.

Тўхтадим. Муқаддас менга томон яна бир қадам ташлади-да, у ҳам тўхтади:

— Кечирасиз,— деди у ва негандир қизариб тирноқларига тикилди,— кечирасиз, мен Абдуллаева бўлганим учун биринчи беш киши қаторида киришим керак эди. Шунга... шундан жуда қўрқаяпман. Меннинг ўрнимга киролмайсизми? Бошқаларга айтсам ҳеч ким унамаяпти.— Муқаддас бошини кўтариб юзимга қаради. Унинг кўзлари айни вақтнинг ўзида ҳам умид, ҳам илтимос ва тасвир этиш қийин бўлган аллақандай ҳисларни ифода этиб, порлаб, жовдираб турарди.

Олдин шошиб қолдим. Муқаддаснинг бу илтимоси уч-тўрт кундан бери чизиб юрган ҳамма режаларимдан ҳам аъло чиққани учун бўлса керак, ўзимни йўқотиб қўйдим. Фақат Муқаддас бошини кўтариб, аллақандай кўрқиб қараганидагина ҳушимга келдим ва «хўп» деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Одатда имтиҳонга биринчи бўлиб кириш, кузда совуқ сувга шўнғишдан ҳам қийин туюлади, ҳатто ўз билимига ишонган киши ҳам нимадандир ҳадиксираб, эти жунжикиб туради. Бу жиҳатдан мен ҳам ўзимни довиюраклар қаторига қўшолмайман, лекин бу сафар мен «ҳа» деб жавоб берганимда, Муқаддаснинг қопқора кўзларида чақнаган миннатдорлик ифодаси кўнглимга далда берди чамаси, имтиҳонга жуда дадил кирдим, одатдагидек иккиланиб турмасдан билетни ҳам дадил олдим...

Мен «омад» деган сўзга ишонмайман, лекин «омад келиши» рост бўлса, шу сафар менинг омадим юришган экан! Менга айни ўзим тилаб юрган саволлар тушган эди: биринчи савол — саккизинчи синф программасидан Ньютон қонуни, иккинчиси қаршилиқ кучи, учинчиси осонгина бир мисол!..

Мен бу саволларни шунчалик яхши билар эдимки, ҳатто: «Тайёрлик кўриб ўтирмасданоқ жавоб бериб қўя қолсаммикин?» деган фикрга ҳам бордим, фақат хаёлимни йиғиштириб, ўзимни босиб олиш учунгина ўтириб ҳозирлик кўра бошладим.

Имтиҳон олувчи комиссия икки кишидан иборат эди: биттаси олтмиш ёшлар чамасидаги, туксиз юма-лоқ боши қуёшда чўғдек қизариб, жигарранг тусга кирган бир чол эди, иккинчиси тунов кунни консультация вақтида Муқаддаснинг ёнига келиб ҳол-аҳвол сўраган силлиқ сочли таниш ёш домла эди. Мен ўтиришим билан у қўлида бир варақ қоғоз ушлагани ҳолда эшикка борди ва у ерда навбатчилик қилиб турган студент йигитчадан:

— Абдуллаева қани? Нимага кирмади?— деб сўради секин.

Муқаддаснинг ўрнига мен киришимга навбатчи йигитнинг ўзи рухсат берганди (эҳтимол у ҳам Муқаддаснинг ялиниб қараган кўзларига топ беролмай «хўп» деб юборгандир!) шунинг учунми, ё шошиб қолиб бошқа сўз тополмай қолдим, билмадим, ишқилиб:

— Абдуллаева бошим оғрияпти, деб ташқарига чиқиб кетди,— деди у ва тез қўшимча қилди:— ҳозир келади!

Домладан: «Абдуллаеванинг ўрнига ким киради?» деган саволни кутиб, юрагим пўкиллаб турувди, лекин у индамасдан жойига бориб ўтирди. У негадир ғамгин эди. Катта аудитория бўм-бўш бўлгани учун биринчи кирган беш бола алоҳида-алоҳида ўтирган бўлса ҳам, ёш домла улардан кўзини узмас, нимадандир шубҳаланаётганга ўхшарди. Кекса домла эса юпқа оқ шойи рўмолча билан ялтироқ дўнг пешонасини тез-тез артганича чуқур ўйга чўмган, гўё имтиҳонни ҳам унутиб юборган эди.

Таваккал қилиб биринчи бўлиб чиқдим. Даставвал ёш домла Муқаддасни сўраганини эшитганимда бир оз ҳадиксираган, савол ёғдириб йиқитишга ҳаракат қилмаса деб хавотирланган эдим. Лекин у фақат битта қўшимча савол берди. У ҳам бўлса атом ядроси тўғри-

сида эди. Мен бўлсам бу мураккаб ҳодиса билан шунчалик қизиқар эдимки, ҳатто ўрта мактаб дарслигидаги маълумотларгина эмас, атом тўғрисида босилиб чиққан ва кўзим тушган оммабоп мақола ва брошюраларни ҳам қидириб топиб, ўқиб юрар эдим. Кекса домла буни жавобимнинг бошидан оқ сезиб қолди шекилли, гапим тугамасданоқ:

— Бўлди, ўғлим, бўлди, балли,— деди ва имтиҳон қоғозимни олиб, қўл қўя бошлади.

Мен имтиҳон қоғозимни олиб қарамасданоқ беш олганимни тушундим ва тўсатдан ўзимни қушдек енгил ҳис этиб ташқарига отилдим.

Йўлакда мени Муқаддас кутиб турарди! У рўпарадаги чанг босган ёпиқ деразанинг олдида, физика дарсликларини кўкрагига босиб, иккита қиз билан гаплашиб турарди. Лекин эшик очилган ҳамон «ялт» этиб қаради. Шу қарашидан, катта-катта қора кўзларида бирдан чақнаган аллақандай ифодадан у мени кутиб, мен учун қайғуриб, ҳатто хавфсираб турганини билдим-да, кўнглим яна ҳам чарақлаб кетди.

Муқаддас жилмайганича олдимга келди.

— Нима бўлди?— деди у кўлимдан ушлаб. Менинг «беш» деган жавобимни эшитиши билан чеҳрасидаги гуноҳкор ифода чуқур ички бир шодлик билан алмашди-ю, юзига гўё ёруғ бир нур қуюлди.

— Вой, мен сизни йиқилиб қолмасангиз деб шундай қўрқдим, шундай қўрқдимки!— деди Муқаддас кулиб.

У яна бир нима демоқчи эди, лекин шу маҳал эшикда турган йигитча:

— Уртоқ Абдуллаева!— деб чақириб қолди. Муқаддас сесканиб кетди-да, дарҳол эшикка томон юрди, йўл-йўлакай бурилиб қаради:

— Энди менинг ҳам беш олишимни тилаб туринг!— деди у ҳаяжонли, титроқ овоз билан.

— «Тилаб туринг...» Бу нима дегани? Мен чиққунча кетиб қолмасдан кутиб туринг, дегани эмасми?.. Қандай ажойиб қиз!..

Узун йўлакда секин юра бошладим. Боя даставвал кириб келганимда йўлакда ҳукм сурган овозлар, ваҳимали гаплар энди тағин ҳам кучайган эди. Қимдир йиғлар, кимдир уни юпатар эди. Лекин ажабо: бу гапларнинг маъноси менинг хаёлимга бориб етмас, мен фақат битта овозни — Муқаддаснинг мулойим овозини эшитар эдим. Қулоқларим тагида унинг: «Вой, мен

сизни йиқилиб қолмасангиз деб шундай қўрқдим, шундай қўрқдимки!» деган сўзлари тинимсиз такрорланар, ажиб бир мусиқа каби руҳимни эркалар, хаёлимни кўкларга кўтарарди.

Ярим соатча шу аҳволда юрдим. Сўнгра эшикка тикила бошладим. Мен билан баравар кирганларнинг ҳаммаси қайтиб чиқишди, улардан кейин кирганлардан яна битта қиз ҳам чиқди. Муқаддаснинг эса ҳамон дараги йўқ. Аста-секин юрагимда тўлиб-тошган шодлик аллақандай тараддуд ва қўрқув билан алмаша бошлади...

Қизиқ, Муқаддас кечиккан сайин менинг ҳам ҳушим ўзимга кела бошлади. Мен энди атрофимдаги қиз-йигитларни таний бошладим, уларнинг гап-сўзларига, яхши топшириб чиққанларнинг шодлигига, йиқилиб чиққанларнинг қайғусига тушунадиган бўлиб қолдим. Боя йиғлаётган қизга эътибор бермаган бўлсам, энди унинг худди Муқаддасга ўхшаган ёшгина бир қиз эканини кўриб, раҳмим келиб кетди.

Қизнинг атрофини қуршаб олган уч-тўртта дугоналари уни ҳамон юпатишар, у бўлса ҳеч кимга қулоқ солмасдан куюниб-куюниб йиғлар эди. Мен уни кўрдим-у, негадир ёш домланинг тунов куни Муқаддаснинг кетидан жимгина ғамгин тикилиб қолгани эсимга тушиб кетди... Кўнглимдаги бояги шодлик энди қандайдир оғир ваҳима билан алмашди. Лекин худди шу маҳал эшикдан Муқаддас кўринди. Унинг аллақандай чарақлаб кетган кўзларига, худди гулханнинг таптида тоблангандек гул-гул ёнган юзига кўзим тушиши биланоқ имтиҳонни муваффақиятли топширганини англадим. Унга қараб интилдим, қўлини сиқиб табриклаш учун шошилдим, лекин йўлакда турган қиз-йигитлар уни мenden олдин қуршаб олдилар... Қизлар у билан ўпишиб кетишди, йигитлар эса қўлини қисиб табриклай бошладилар. Сўнгра Муқаддас йиғлаётган қизни қучоқлаб ниманидир қизгин тушунтиришга киришди. Мен эсам... «наҳотки, мени эсидан чиқариб юборган бўлса...»

У атрофига аланглаб, кимнидир қидира бошлади, тўсатдан кўзларимиз тўқнашди, юзидаги табассумдан мени излаганини тушундим!

У менга қараб юрди, мен унга.

— Табриклайман, Муқаддасхон!

Муқаддас бутун вужуди билан кулиб, қувнаб жавоб берди:

— Раҳмат! Кўрдингизми, навбат алмашганимиз қандай яхши бўлди? Сиз ҳам беш олдингиз, мен ҳам! Энди доим шунақа қилайлик! Бўптими?— деди у.

— Бўпти,— дедим чин юракдан қувониб.

У юзимга бир секунд тикилди, гўё мени биринчи марта кўраётгандек аллақандай синовчан назар билан тикилди, сўнгра ерга қаради. Унинг нимадандир хижолат чекиб қулоқлари бирдан ловиллаб ёнганини кўрдим-у, ўзим қизариб кетдим. Муқаддас дилимдаги ҳисларни сезган эди!..

Уртамизда қандайдир бир ўнғайсизлик вужудга келди. Бу ўнғайсизликдан бизни йўлақда юрган навбатчи йигитнинг: «Имтиҳон топшириб бўлганлар бу ерда турмасин!» деган буйруғи қутқазди.

Секин юриб биринчи қаватга тушдик, сўнгра кўчага чиқдик ва остонани қуршаб олган оломонни зўрға ёриб, ётоқхона томонга ўтиб олдик. Лекин энди нима қилиш керак? Буни иккимиз ҳам билмас эдик. Мен Муқаддаснинг тўсатдан тумтайиб, индамай қолганидан бирга юришимиздан сиқилаётганини, уни уялтирмаслик учун хайрлашим кераклигини сезиб турардим, лекин оёқларим ўз ихтиёримга қарши мени илгари судраб борар, орқада қолмоқчи бўлсам ҳам қололмас эдим.

Қуёш баланд кўтарилиб, ҳаммаёқни иссиқ алангага кўмиб юборганди. Ҳарорат шунчали зўр эдики, тротуарнинг соя тушмай қолган жойларига оёқ қўйиб бўлмас, иссиғи туфлидан ўтиб товонни куйдирарди.

Ҳавода гир этган шабада йўқ, дарахтлар ҳам одамлардек иссиқдан толиб, мудраб турарди. Қани энди шундай пайтда Муқаддас «хўп» деса-ю, бирорта серсоя паркка кириб дам олсак, ё бирга дарс тайёрласак!

Бирдан нима ҳам бўлди-ю, кўзим иккинчи қаватнинг тепасига тушди. Биз имтиҳон топширган аудиториянинг энг четги деразаси олдида иккимизга қандайдир маънос тикилиб... бояги ёш домла турарди! «У нима қилиб турибди? Нега бундай тикилиб қарайди»— деб ўйладим. Бир зумда қалбимни тўлдирган ёруғ ҳисларга ҳам аллақандай соя ташлагандек туюлди.

Домланинг кузатиб турганини Муқаддас ҳам кўриб қолдим, ё уялганидан шундай қилдими, ишқилиб, муюлишга етмасданоқ тўхтади ва ерга тикилиб:

— Сиз қаёққа кетяпсиз?— деб сўради. Мен шошиб қолдим. Азбаройи нима деб жавоб беришимни билмаганимдан:

— Мен... агар бўш бўлсангиз дарс тайёрлардик!— деб юбордим. Муқаддас бошини яна ҳам пастроқ тусириди.

— Кечирасиз, мен боролмайман.

— Нега?

— Негаки... мен ўзим шунақаман,— деди Муқаддас,— беш олган куним ҳеч дарс тайёрлай олмайман.

— Бўлмаса... кинога борайлик!— дедим мен, дедиму, шу сўзни айтишга журъат этганимдан ўзим ҳам ҳайрон қолиб, қизариб кетдим. Муқаддас «ялт» этиб юзимга қаради. Таклифим унинг қулоғига ёмон эшитилганини кўзларидан пайқадим. Лекин ўзимнинг ҳам қизариб кетганимни кўриб, уялиб қолганимни сезди чамаси, кўзларидаги совуқ нфода дарҳол юмшади.

— Раҳмат. Олдин имтиҳонларни топшириб олайлик,— деди у туфлисининг учи билан ер чизиб, кейин қўшимча қилди:

— Энди... Хайр...

Йўқ, Муқаддас буйруқ бермас, у фақат илтимос қилар, дугоналарнинг кўриб қолишидан уялгани учунгина ажрашишни истар эди!

— Кўришгунча,— дедим мен.

— Хайр,— деди Муқаддас ва юзимга бир қараб олгач:— химияни ҳам шунақа қилиб топшираимизми?— деб сўради.

— Албатта,— дедим кулиб.

Биз ажрашдик.

Биласизми, илк баҳор пайтида ёмғирдан кейин осмон бошқача бир тиниқ мовийлик кашф этади. Ёмғирда чўмилган дарахтлар худди тўйга ясанган қизлардек очилиб, ҳаво хушбўй ҳидларга, қушларнинг чуғурчуғурига тўлиб, олам яшнаб кетади.

Муқаддас билан хайрлашиб орқамга қайтарканман, менинг кўнглим ҳам худди ёмғирдан кейинги осмондек чарақлаб кетганди. Гўё ҳамма менга кулиб боқар, гўё ёлғиз мен эмас, ҳамма бахтиёр, гўё одамларнинг ҳаммаси бирдан бир-бирига меҳрибон, жуда мулоим, жуда яхши, жуда ғамхўр бўлиб қолган эдилар.

* * *

Уйга кечроқ қайтдим. Биз Комсомол кўлининг орқасида, Бўзсувнинг бўйида янги участкада турардик. Ҳовлига киришим билан кўзим жигарранг йўл-йўл пи-

жамасини кийиб, ишкомнинг тагидаги сўрида ёнбош-лаб газета ўқиб ётган дадамга тушди, ойим ҳовли супурмоқда эди. Эшикни очишим билан дадам қўлидаги газетасини, ойим супургисини ташлаб менга қаради. Афтидан кўнглимдаги шодлик юзимда шундоқ акс этиб турган бўлса керак, иккиси ҳам бирдан:

— Бешми?— деб сўрашди.

— Шунақага ўхшайдими?— дедим мен.

Ойим пешонамдан ўпди. Дадам эса ёстиққа қайта ёнбошларкан:

— Ана, кўрдингми, кеча ўртоқлар билан гаплашиб қўйганман, десам ишонмовдинг,— деди қўлига газетасини олиб.

— Сиз бултур ҳам шунақа деган эдингиз,— деди ойим.

Дадам бирдан қўлидаги газетани четга отиб юборди, унинг оқ оралаган сийрак сочларининг тагидан бошининг қизариб кетгани, лабларининг пирпираб уча бошлагани кўринди.

— Хўп, мен ҳеч ким билан гаплашмадим. Бултур ҳам гаплашган эмасман, бу йил ҳам!— деди у титроқ, аянчли овоз билан.

Уларнинг жанжалини, айниқса ўгай дадамнинг худди бир нимадан аразлаган ёш боланинг овозидай аянчли овозини эшитмаслик учун уйга кириб кетдим. Бир йилдан бери давом этиб келаётган бу кўнгилсиз жанжал менга жуда оғир ботарди. Биринчидан, ойимнинг институтга киролмаганим учун ҳамма айбни дадамга тўнкаши қаттиқ тегса (Салим Қаримович институтда ўқитувчи эди), иккинчидан, бултур бўлиб ўтган катта бир жанжал устида мен Салим Қаримовичнинг ўз дадам эмаслигини, у менга фақат ўгай ота эканлигини билиб қолгандим. Ўшанда ойим, афтидан, менинг борлигимни унутиб қўйиб: «Шариф ўз болангиз эмас-да, ўз болангиз бўлганда-ку...» деб юборган, кейин кўзи менга тушиб гапи оғзида қолган, лекин шу бир гапнинг ўзиданоқ менга ҳамма нарса аён бўлиб қолган эди. Бу гап менга жуда қаттиқ таъсир этган, шунчалик қаттиқ таъсир этган эдики, уйдан чиқиб кетиб, бир-икки кун бошқа ёқларда юриб келгандим... Шундан кейин ойим ўз дадамнинг фронтда ҳалок бўлганини, урушдан олдин эса машинасозлик заводида конструктор бўлиб ишлаганини гапириб берганди. Мен ойимдан Салим Қаримовичга қандай турмушга чиққанини сўрамадим, албатта, лекин ўша воқеадан бери

уни негадир «дада» деб эмас, «Салим Каримович» деб чақиргим келадиган бўлиб қолди. Бунинг сабабини ўзим ҳам яхши тушунмайман, чунки Салим Каримович ёмон одам эмас, у мени жуда яхши кўради, ўғлим деб чақиради, эҳтимол ўз боласи бўлмагани учундир, жуда яхши муомала қилади. Салим Каримович институтда кўп йиллардан бери оддий ўқитувчи бўлиб ишлар, демак унинг қўлидан келадиган ёрдами ҳам жуда чамали эди. Лекин ойим буни тушунгани келмас, бултурдан бери уни қийнаб келарди. Мен даданиннг бултур яхшигина ҳаракат қилганини, ўқишга киролмай қолганимда мендан ҳам кўпроқ изтироб чекиб юрганини билардим. У ҳатто мени институтга лаборантлик ишига жойлаштириб қўйишга ҳам ҳаракат қилиб кўрганди, лекин бунга мен ўзим кўнмагандим. Ойимдан ўз дадам тўғрисидаги гапларни эшитганимдан кейин, айниқса дадам машинасозлик заводида конструктор бўлиб ишлаганини билганимдан кейин, нимадир мени шу заводга торта бошлаган, назаримда у ерга бормасдан бошқа жойга бориб ишласам, отамнинг хотирасига ҳурматсизлик бўладигандек туюлганди менга. Олдин ойим билан Салим Каримовичнинг бу гапларимни эшитдилари ҳам келмаган эди, бироқ бир куни нима ҳам бўлди-ю, ойим эрталаб чиқиб кетиб, уйга узун бўйли, қотма, сочлари оппоқ оқарган, лекин шоп мўйловли қоп-қора одамни бошлаб келди. Бу одам Сулаймон Акрамович эди.

Сулаймон Акрамович даданиннг энг яқин дўсти бўлганини, улар бирга ўқиб, бирга ишлаганларини, ўзи ҳам содагина бир одам эканини кейинчалик билдим, бироқ биринчи учрашганимизда у менда ғалати таассурот қолдирган, шоп мўйлови ҳам, йўғон дўриллаган овози ҳам аллақандай ясама туюлганди.

Сулаймон Акрамович мени заводга ўзи бошлаб борган, ҳужжатларимни ўзи тўғрилатиб, ўз цехига олиб кирган ва кейинчалик қадрдон бўлиб кетган мана шу универсал токарлик станогимда биринчи детални ўзи ясаб кўрсатган эди.

Отамнинг хотираси ҳурматидами, ё мени чиндан ҳам яхши кўриб қолганданми, билмадим, ишқилиб, Сулаймон Акрамович менга донм хушмуомала қилар, баъзан уйига, баъзан цехнинг бир четидаги кичик, тор кабинетига бошлаб кириб суҳбатлашиб турарди. Мен унга жуда ўрганиб қолгандим. Умуман шу бир йил ичидан мен заводга, моторларнинг гув-гувига тўлган катта,

улуғвор цехимизга, ўзимнинг универсал станогимга, дўстларимга жуда ўрганиб, яхши кўриб қолгандим.

Ойим билан дадам ўртасида бўлиб ўтган жанжал таъсир этди чамаси, бунинг ҳаммасини яна бир эсладим. Лекин қизиқ, бу сафар институтга ҳужжат топшираётганимдагидек кўнглим хира бўлмади. Муқаддас билан учрашув қувончи кўнглимнинг бир четида уйгонган шубҳани енгиб кетганди...

Муқаддасни эслашим билан иссиқ бир туйғу яна аъзойи баданимни жимирлатиб ўтди. Ўзим ҳам беихтиёр жилмайиб ўтирган эканман шекилли, уйга ойим кириб:

— Супага чиқ болам, овқат тайёр, нимага кулсан!— деб сўрагандагина ҳушимга келдим. Ойим кулгимши бошқа нарсага йўйиб:

— Илоҳим бошқаларидан ҳам беш бўлсин!— деб кўйди.

Овқат вақтида ойим билан Салим Қаримовичнинг орасида яна ўша эски гап қўзғалиб кетармикин, деган хавотирда эдим. Яхши ҳам бу гап қўзғалмади. Бояги сўзларнинг ўзигами, ё мен уйга кириб кетгандан кейин ҳам жанжал давом этгани, билмадим, ишқилиб, дадамнинг қовоғи солиқ эди. У ҳатто вазиятини ҳам ўзгартирмаган: ўнг қўлиғига иккита пар ёстиқни босиб, ҳамон газета ўқиб ётарди. Ёши элликларга бориб қолган, институтда ўқитувчилик қилаётган бу салобатли одам баъзан ёш болага ўхшаб кетар, арзимаган нарсадан ҳам хафа бўлаверарди.

Шундай пайтларда менинг унга раҳмим келарди. Бугун вақтим чоғ бўлгани учунми, билмадим, ҳар қалай унга бирон яхшилик қилгим келди. Тўсатдан хаёлимга: «Булар менинг Муқаддасни севиб қолганимни билиб қолишса нима қилишар экан?» деган фикр келди. Бир дақиқа кўзимга супанинг четида ўтириб, дадамга уялибгина пиёлада чой узатаётган Муқаддас кўриниб кетди.

Бу орзу шунчали ширин эдики, унинг давомини ўйлаш истагида овқатдан бир-икки қошиқ едим-да, жойимга бориб ётдим... Мен ҳовлининг кун ботиш томонидаги хилват бурчакка, ўзим эккан икки туп олманинг тагига каравот қўйиб олгандим. Каравотнинг остидан ариқча ўтар, тун-кун тинимсиз оққан сув кечалари руҳимни аллалар, китобдан чарчаган чоғларимда ором берарди.

Бугун бу хилват жой кўзимга яна ҳам жозибали

кўриниб кетди. Узимни каравотга ташлаб, олманинг қуюқ япроқлари орасидан осмонга тикилдим.

Қуёш ботган, боғни фақат ёз оқшомларидагина бўладиган майин ва сокин бир қоронгилик чулғамоқда эди. Жимжит, фақат қўшни ҳовлида чақалоқнинг йиғиси-ю, каравотнинг тагидан ўтаётган сувнинг майин шилдираши эшитилади, япроқлар орасида битта-яримта олтин нуқталар жимирлайди. Ана қаердандир узоқдан, афтидан кўлдан бўлса керак, қандайдир маъюс, лекин ёруғ эсдаликлар уйғотувчи бир куйнинг овози кела бошлади. Хаёлим кузда илиқ мамлакатларга қараб учган қуш каби яна Муқаддасга қараб учди... Орзунинг чегараси йўқ. Мен унинг шу уйда, шу ҳовлида юришини, шу ариқнинг бўйида, супанинг ёнидаги краннинг тагида ўтириб, ажойиб қўнғир сочларини ювишини кўз олдимга келтирдим...

Узоқдан, кўлдан эшитилаётган маъюс куй секин авжига чиқмоқда эди. Куй авжига чиққан сайин менинг ширип хаёлларим ҳам чуқурлашиб борарди.. Биз албатта бирга ўқиймиз, ҳар кунни ярим кечагача бирга ўтириб дарс тайёрлаймиз, сўнгра... Сўнгра уйдан чиқиб, бу ерга келамиз... Йўқ, мен бир ўзим чиқаман ва каравотга ётиб уни кута бошлайман. У бўлса... Уй йиғиштирган бўлиб яна анчагача чиқмай ўтириб олади. Ниҳоят, уйнинг чироғи ўчади ва қоронгида унинг шипшип этган оёқ товушлари, «қаёқда қолдингиз, Шариф ака?» деган майин овози эшитилади. Мен ўрнимдан сакраб тураман ва уни қўлларимга кўтариб, кулган лабларидан, кўзларидан ўпаман...

Дарвоза томондан эшитилган «Шариф, ҳо Шариф!» деган овоз хаёлимни бўлиб юборди. Ўрнимдан туриб ўтирдим.

— Биров чақиряпти, чиқиб қара!— деди ойим. Шу вақт «Шариф, ҳо Шариф!» деган овоз қайта такрорланди. Бу — Тўлаганнинг овози эди.

— Тўлаганга ўхшайдими?— деди ойим ҳам.

Тўлаган иккимиз бир цехда ишлардик. У мендан икки йил олдин заводга кирган «тажрибалик» токарлардан. Бултур ишга кирганимда Сулаймон Акрамович мени унга «шогирд» қилиб тайинлаган эди. Шундан бери Тўлаган ўзини менга яқин олиб юрар, мен ҳам уни ҳурмат қилардим. Лекин ҳозир унинг келиши менга негадир ёқмади, ҳатто кўнглимда аллақандай бир қўрқув уйғотди: «Кечаси нима қилиб юрибди?»

Сўрининг ёнидан ўтаётганимда Салим Қаримович:

«Заводдаги ошнанг бўлса бояги гапни айтиб юрма яна!» деб огоҳлантирди. У ёрдам масаласини айтмоқчи эди. Гарчи мен унинг ким билан гаплашганини билмасам, ёрдамини сезмасам ҳам, дадам деярли ҳар кун бир марта мени огоҳлантириб қўяр, афтидан «бу гап»ни бировлар эшитиб қолишини истамас эди.

Тўлаган дарвозанинг олдида, ариқнинг бўйидаги толга суяниб, папирос чекиб турарди. Қоронғида юзи кўринмас эди. Лекин чап қўлини шимининг киссасига суқиб, оёқларини чалиштириб, гавдасини бир оз олдинга эгиб туришидан кўзимга худди уриш учун пайт пойлаб турган безорига ўхшаб кетди. Мени кўргач, у папиросини ғижимлаб оёғининг остига ташлади ва қўлини чўзаркан:

— Хўш, жаноблари, нима қилиб юрибдилар?— деб сўради. Унинг бу гапи менга гўё: «Хўш, бизга билдирмасдан ишдан қочиб қолибсан-да!» дегандай эшитилди.

— Ҳа, нима қилибман?— дедим шошиб, «гап очиб қолса, ишинг бўлмасин дейман. Ростдан ҳам, ўқийманми, йўқми — нима ишлари бор?» деган фикрни кўнглимдан кечириб, ўзимга ўзим далда бериб қўйдим.

Тўлаган кўкрагимга бир уриб кулди.

— Тағин нима қилибман, дейди-я, бу акам! Отпусмага чиққан одам шунақа қиладим, ўн кундан бери бир бормабсан-а? Наҳотки дўстларингни кўргинг келмаса?

Бу гапни эшитиб бирдан кўнглим жойига тушди. Севиниб кетиб, мен ҳам унинг кўкрагига бир мушт туширдим.

— Қўл тегмаяпти, дўстим, қани уйга кир, бирпас гаплашиб ўтирамин, — дедим қандайдир енгил тортиб, лекин Тўлаган кирмади. Уни менга Сулаймон Акрамович юборган экан. Эртага заводга бориб учрашар эмишман. Юрагим яна «шув» этиб кетди.

— Нима ишлари бор экан? Айтмадиларми?

— Йўқ, — деди Тўлаган. У яна папирос олиб тутатди. Гугуртнинг ярқ этган шуъласида лабларидаги табассум кўриниб кетди.

— Нега куласан?

— Узим...

— Отпусмага маҳалидаям тинч қўйишмайдилар-да!

— Оббо сени-эй! — Тўлаган қаҳ-қаҳ уриб кулди ва елкамдан қучоқлаб ўзига тортди: — Сулаймон Акрамовичнинг сенга айтадиган гапи бор экан, шунга чақирди.

— Қанақа гап?— дедим шубҳаланиб,— нимага яширасан?

— Ие, қизиқмисан?— деди Тўлаган,— унинг нима дейишини қаёқдан билай? Эртага ўзингга айтар ахир!..

Тўлаган кетди. Мен дарвозанинг олдида анча туриб қолдим. Кўнглим ғаш, бояги қувончли, ширин, аммо таги йўқ хаёллардан асар ҳам қолмаган эди.

«Нимага чақириши мумкин? Яна қанақа гап чиқиб қолдйкин? Ё институтга кирмоқчи бўлганимни эшитиб қолдимикин? Эшитиб қолган бўлса нима дейман? Умуман... шундай яхши коллективдан, бир йил ишлаб орттирган дўстларимдан ажраб тўғри қилияманми, йўқми?» бир ҳафтадан бери унутишга ҳаракат қилиб юрганим бу ўйлар хаёлимни яна чулғаб олди.

* * *

Эрталаб туриб мундоқ ўйлаб қарасам, кечаси чекан ташвишларим ўзимга бачкана туюлди.

— Бориб тўғрисини айтаман! Бир қизни яхши кўриб қолдим дейман, вассалом!

Шу фикрни кўнглимга қаттиқ тугиб, соат ўн бирлар чамасида уйдан чиқдим. Соат ўн иккида ишчилар овқатга чиқади. Мен худди ўша пайтга етиб боришни кўзлаган эдим, лекин нима ҳам бўлиб автобус кела қолмади-ю, мўлжаллаган вақтимга етиб боролмадим.

Автобус пропуск бюросининг рўпарасида тўхтади. Соат ўн иккидан чорак ўтган, ишчилар овқатга чиқиб кетишган эди. Ичкарига, цехлар жойлашган катта кўрғонга киришни ҳам, ошхонага боришни ҳам билмасдан ҳайрон бўлиб тургандим, кўчанинг ўнг юзидаги завод бошқармаси жойлашган, чап ва қурумдан кулранг тусга кирган кўримсиз бинонинг эшигида Кулоянц деган армани йигит кўриниб қолди. Кулоянц иккимиз бир бригадада ишлар эдик. У бошқарма буфетидан чиққан бўлса керак, бир қўлида нон, бир қўлида бир қарич келадиган йўғон колбаса ушлаб, иштаҳа билан чайнаб турарди. Мени кўриб қолиб, колбаса ушлаган ўнг қўлини кўтарди-да, оппоқ тишларини ярқиратиб, кулди:

— Ээ... академик! Нима қилиб турибсан? Ут бу ёққа!

Кулоянцнинг мени «Академик» дейиши бежиз эмас эди. Утган йили кузда, дастлаб заводга ишга кириб қийналиб юрган чоғларимда, бир куни нима ҳам бў-

либ бригадамизда ўқиш ва иш тўғрисида қизғин баҳс чиқиб қолди. Ушанда мен Кулоянцга қарши гапириб (унинг нима дегани ҳозир эсимда ҳам йўқ), «Суворов генерал бўлишни орзу қилмаган солдат эмас, деган, катта инженер, ё олим бўлишни орзу қилмаган ишчини ҳам яхши ишчи деб бўлмайди!» деб юборган эдим. Бу гапим баъзиларга маъқул тушиб, баъзиларга маъқул тушмаган бўлса ҳам кўпчилик эсидан чиқариб юборган эди. Фақат Кулоянц ўшандан бери мени «Академик» деб чақирадиган бўлганди. Унинг бу лақаби олдин ғашимга тегиб, жаҳлимни чиқарган, кейинчалик нимагадир, эҳтимол ҳазил эканини тушунганим учунми, ўрганиб кетгандим. Лекин қизиқ, бу сафар Кулоянцнинг «Академик» деб чақириши нима учундир жуда қаттиқ ботди. Кўчадан ўтиб, унинг ёнига борарканман, бутун вужудимни титроқ босганди.

— Хўш? Академик бўлсам нима бўпти?— дедим унинг қоп-қора соқол босган юзига, ярқираб турган оппоқ тишларига қадалиб,— нега бу гапингни қўймайсан?

Кулоянц нон чайнашдан тўхтаб, юзимга таажжуб билан тикилиб қолди. Бир-бирига туташган йўғон қошлари олдин чимирилди, учи эгилган узун катта бурни керилиб, қуёшда куйган қоп-қора юзига кескин ва аллақандай совуқ ифода бағишлади, кейин қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ие, қачондан бери бунақа ҳазил кўтармайдиган тегма нозик бўлиб қолдинг? Заводдан кетиб яна ўша интеллигентлигинга борибсан-да, қадрдон?

— Интеллигент бўлсам нима қипти? Интеллигент сендан...

— Ие, ақли ҳушинг жойидами? Олдин кўришайлик!— деди Кулоянц, бироқ қўлини беришдан олдин кўкрагимга бир мушт туширди, сўнгра кулганича елкамдан қучоқлаб, бошқарма жойлашган бинога етаклади.

— Қани, юр, сени кутиб ўтирибмиз!.. Аммо-лекин бунақа одатингиз йўқ эди-ю, ўртоқ академик! Тинчликми ўзи?

Кейинчалик бир-икки ой ўтиб, кўнглимдаги ғалаёнлар босилгандан сўнг, ўша куни Кулоянцга айтган гапларим, қилган муомалам эсимга тушиб кетса, уялганимдан юзимга қон тепар, астойдил изтироб чекардим. Уша куни эса унинг ҳазилига нақадар дағал жавоб бераётганимни ҳатто сезмас ҳам эдим.

Уттизинчи йилларнинг бошида завод билан бирга қурилган бинонинг ичи хийла қоронғи, тор ва кўрим-

сиз эди. Лампочка ёқиб қўйилган тор йўлакнинг икки томонидаги баъзиларига оқ тунука, баъзиларига чарм қопланган ва тез-тез очилиб ёпилаётган қатор эшикларнинг ёнидан ўтиб, йўлакнинг охирига етдик ва чап қўлдаги учбурчак хонага кирдик. Бу — завод комсомол комитетининг хонаси эди.

Хонада секретарнинг ўзи йўқ, тўрда, рамкага солинган фахрий ёрлиқлар қўйиб қўйилган шкафга суяниб Тўлаган ўтирарди, унинг олдида ҳам бир-икки тўғрам колбаса билан бир бурда нон бор эди.

— Ээ... яхши келдинг!— деди у, ўридан туриб,— биз сени цехда кутдик — келмадинг. Сулаймон Акрамович парткомнинг олдига кириб кетдилар. Ҳозир келиб қоладилар. Ўтир!

Ўйдан чиқишда кўнглимдаги бор гапни айтишга қаттиқ аҳд қилиб, зарур бўлса ҳатто ҳужумга ўтишни ўйлаб келган бўлсам ҳам, Тўлаганнинг гаплари дилимда яна шубҳа аралаш қўрқув уйғотди. Тўлагандан: «Нимага чақирибди, сўрадингми?» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, Кулояни сўзимни бўлди.

— Бу академиямиз отпуссага чиққандан бери жа айнаиб, ийжиқлашиб қолибдилар! Бир нима десанг, яна ўша бултурги гапдан келадилар!

Тўлаган пешонасини бекитиб, ўнг қошини тўсиб олган қалин, типпа-тик сочларини бармоқлари билан орқага тараркан:

— Қайси гапларни айтасан?— деб сўради.

— Ҳа, ўша гаплар-да! Эсингдами?..

Ҳужумга ўтиш пайти келган эди. Ё ўз фикрларимни исбот қилишим, ё таслим бўлишим керак эди.

— Менга қара, Кулояни?— дедим.— академик деб бир мазах қиласан! Интеллигент деб бир куласан... Нима демоқчисан ўзи? Ишчилар синфини интеллигенцияга қарши қўймоқчимисан?

Эшикдан кираверишдаги диванга ўтириб нон билан колбасани тушираётган Кулояни оғзидагини юта туриб ғалати жилмайиб қўйди, кейин:

— Хўш, яна қанақа тухматларнинг бор?— деди-да, бирдан чаққон сапчиб туриб олдимга келди. У ҳамон кулимсирар, бироқ бурун катаклари кенгайган, кўзлари қисилган эди. — Баҳсдаям мард бўлиш керак, дўстим, тушундингми?.. «Интеллигенцияга қарши эмишман»... Чепуха!.. Мен меҳнатдан қочадиган, меҳнатдан ўлимдан қўрққандек қўрқадиган, турмушда фақат осон йўллари қндирадиган ҳозирги замон бойваччаларига

қаршинман. Тушунгдингми? Мен ўшанақа бойваччаларни айтаяпман сенга! Билдингми? Ё унақаларини ҳам ҳурмат қилайликми?..

Тўлаган юзини тириштирди:

— Э... қўйсаларинг-чи, шу эски гапни!— деди у қўлини силтаб.

Лекин Кулоянц бир қизишиб кетса, уни босиш қийин эди.

— Мен аминманки, меҳнатнинг қадрини билмасдан туриб, меҳнаткаш одамни ҳурмат қилишни ўрганмасдан туриб, киши яхши олим ҳам, яхши инженер ҳам бўлолмайди!— дерди у, бурун катаklarини кёриб.— Бу қуруқ, дабдабали ган эмас. Мен ўзим ўшанақа бойвачча эдим. Шу заводга келиб одам бўлдим. Шу завод мени турмушга ўргатиб одам қилди.

Шу маҳал орқамда:

— Бунинг ўзи-чи, ўзи?— деган йўғон, дўрилдоқ овоз эшитилди.

Бўсағада кенг елкалари билан бутун эшикни тўсиб Сулаймон Акрамович турарди. У хийла олдин келиб, баҳсимизни эшитиб турган бўлса керак, шоп мўйловининг тагида табассум яширинганди, Кулоянцга яна жон кирди.

— Мен ҳам шунини айтаяпман-да, ўзиям шу ерга келиб одам бўлди-ку!

Ўрнидан туриб, Сулаймон Акрамович билан кўришдим. Унинг катта ялпоқ кафтини икки қўллаб сиқарканман, тўсатдан, уйдан чиқишда ўйлаб қўйганимдек, унга бор гапни тўкиб сололмаслигимни сездим.

Ундан қўрққанам учун эмас, аксинча, у менга, заводга келиб одам бўлганимга астойдил ишонгани, мени яхши кўриб, ҳурмат қилгани учун ҳам бор гапни айтолмаслигимни сездим.

Уни алдаш қанчалик оғир бўлмасин, ҳақиқатни очиб, унинг ишончини емириш ундан ҳам оғир эди.

— Қандай, яхши дам оляпсанми?— деди Сулаймон Акрамович.

— Ёмон эмас,— деб ғудрандим.

Иккимиз ёнма-ён ўтирдик. Сулаймон Акрамович киссасидан рўмолчасини олиб, оппоқ оқарган қалин сочларини, мунчоқ-мунчоқ тер оқаётган юзини артиб, нимагадир «уф»лаб қўйди. Бугун менга унинг пешонасидаги ажинлар кўпайгандек, яна ҳам чуқурлашгандек, ҳатто шоп мўйлови ҳам қандайдир осилиб, бу-

рунги улуғвор кўринишини йўқотиб қўйгандек кўринди. Қаттиқ чарчагани қисилган кўзларидан ҳам билиниб турарди.

— Хўш, мен сенларни бир масалада чақирдим,— деди Сулаймон Акрамович ва кулимсираб қўйди,— аммо... ҳали ҳозир сир тутасанлар...

Тўлаган билан Кулоянц баравар стулларини суриб, яқинроқ ўтиришди.

— Ўзларингга маълум,— деди Сулаймон Акрамович,— ҳозир ҳар бир завод, ҳар бир корхонада ишчилар Коммунистик меҳнат бригадаси деган ном олиш учун кураш бошлаб юбордилар. Завод партия ташкилоти ҳамма цехлар ва бригадаларнинг иши, интизоми, бригада аъзоларининг ахлоқи ва ҳоказолар билан танишиб чиқиб, бригадаларинг келажакда шу номни олишга лойиқ, деб топди...

Сулаймон Акрамович бу хабар бизларга қандай таъсир қилганини билмоқчи бўлгандек, ҳар биримизга бир-бир тикилиб олди.

— Энди бу ёғи ўзларингга боғлиқ,— деди у,— биттанг бригадир, биттанг комсомол раҳбари, биттанг яхши ишчисан. Яна бир яхши жойи — учовларингни ҳам ўрта маълумотларинг бор...

— Жудаям ерга уриб юбордингиз-ку, кишини!— Кулоянц қалин қоп-қора соқолини кафти билан қаттиқ ишқалаб кулди.— Политехника институтининг иккинчи курс студенти бўламиз, Сулаймон Акрамович!.. Унақа деманг-да!

— Э, кечирасан, эсимдан чиқибди.

— Биз ҳам сиртқи бўлимга ҳужжат топшириб қўйганмиз!— деди Тўлаган, пешонасига тушиб турган қалин сочларини жаҳл билан орқага силаб,— яқинда имтиҳон топшираамиз...

— У ёқда келаси йили техникумни битирадиганлардан Цой Борис бор,— деди Кулоянц.

— Биладан, биладан... Шундай қилиш керакки, қўлга киритилган ютуқлар кундан-кунга ортиб борсину сира пасаймасин! Сенлардан илтимос шуки, шу ишга ўзларинг бош бўлинглар!— деди Сулаймон Акрамович ва тўсатдан менга юзланди.— Сени бу ерга чақиришдан мақсад шуки, аввало бу гаплардан хабардор бўлиб қўйгин. Иккинчидан... сиртдан ўқиш масаласини тезроқ ҳал қилгин. Истаган институтга киришинг мумкин, лекин заводдан кетишни маслаҳат бермайман... Нима дейсан?

— Нима ҳам дерди? Бизни ташлаб кетиб кўрсинчи!— деди Тўлаган. Унинг узунчоқ буғдойранг юзи ҳаяжондан ловиллаб ёнар, кўзлари қувончдан чақнардн.

Коммунистик меҳнат бригадасида ишлаш! Сиртдан ўқиш!.. Тўсатдан иккилашиб қолдим. Тарозининг Муқаддас турган палласи қанчали оғир бўлмасин, бу ёғининг ҳам салмоғи оз эмаслигини сезардим... Нима қилиш керак?

Кўз олдимга негадир имтиҳондан кейин Муқаддаснинг жилмайиб туриб: «Энди ҳамма имтиҳонларни ҳам шунақа қилиб топширайлик-а?» дегани келди...

Секин Сулаймон Акрамовичга қарадим. У рўмолчаси билан елпиниб, кулимсираб ўтирарди. Унинг юзидаги бояги чарчоқлик йўқолган, пешонасидаги ажинларни гўё камайганди, лекин унинг чеҳрасида ҳам ўз муваффақиятларидан хурсанд одамларда бўладиган аллақандай совуқ, ёқимсиз бир мамнунлик бордек туюлди менга.

— Хўп, уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўрай,— дедим ва ерга қарадим.

Кулоянц шартта ўрнидан туриб кетди.

— Сен ёш боламисанки, ойинг билан маслаҳатлашсанг!

Мен катта жанжал бўлишини кутгандим, бироқ Сулаймон Акрамович Кулоянцнинг сўзини бўлди:

— Майли, маслаҳатлашсин, маслаҳатли тўй тарқамас деган гап бор, Серёжа,— деди ва иккала қўлини столга тираб, ўрнидан турди.

— Соат бир бўлди. Ишга чиқайлик. Гап шу, дўстларим. Бу ёғи энди сенларга боғлиқ. Башарти бу ёғини ҳам ўрнига қўйсаларинг ойинг охиридами, ўрталаридами — масалани ишчиларнинг ўртасига ташлаймиз...

Заводга кирмадим. Пропуск бюросининг ёнида хайрлашдик.

— Ойингга салом айт,— деди Сулаймон Акрамович,— яхшилаб тушунтир!

Кулоянц елкамдан кучоқлаб:

— Бояги гапларга хафа бўлма!— деди кулиб,— ҳазилга тушунасан-ку, дўстим!

Автобус келмаган эди. Худди бир нарсасини йўқотган одамдек, остановкада туrolмасдан, пиёда кетдим. У маҳалда қанчали катта хато қилганимни астойдил тушунмасам ҳам, ҳар қалай келажагим учун

муҳим бўлган бир нарсани тарк этганим кўнглимда турарди. Бу ажойиб таклифни Муқаддасни деб рад этдим, албатта. Лекин Муқаддаснинг ўзи ким? Қанақа қиз? У кўнглимга умид бағишлайдиган бир гап айтди-микин, шунчаликка борсам? Умуман лоақал бирга дарс тайёрлашни ҳам хоҳламаган нотаниш бир қизни деб, оғир бўлса ҳам шарафли йўлдан юрмасдан бошқа ёқларга бурилиб кетишим тўғрими?

Автобусга тушмасдан пиёда кетарканман, шу ҳақда ўйладим. Бу ўйларимга кўнглимдан аниқ жавоб тополмасдим. Фақат бир нарсга равшан эди: бундан кейин қайси йўлдан кетишим ўша нотаниш қизга, Муқаддасга боғлиқ эди!

* * *

Аҳволимнинг чатоқлиги шунда эдики, Муқаддас иккимизни бир-биримизга яқинлаштира оладиган яқкаю ягона восита ҳозирча имтиҳон эди. Шунинг учун ҳам имтиҳондан қўрқиш у ёқда турсин, унинг тезроқ келишини истардим.

Имтиҳон кунин яна жуда эрта уйғондим. Бу сафар чойга ҳам қарамасдан апил-тапил кийиндим-да, институтга чопдим. Имтиҳонга кечикиб қолишимдан эмас, Муқаддаснинг бошқа биров билан келишиб қўйишидан қўрқардим. Лекин институтга етиб, таниш академияларга кўзим тушиши билан беҳудага қўрққанганимни, умуман тўрт кундан бери чекиб келган изтиробларим, умидсизликдан қийналиб юрганларим — ҳаммаси бекор эканини тушундим: Муқаддас мени кутиб турарди! Аввалги сафаргидек ичкарида, аудиториянинг эшигида ҳам эмас, кўчада, институтнинг олдидаги академиянинг тагида кутиб турарди!..

Бу сафар унинг эгнида ҳаворанг крепдешин кўйлак, бошида тагдўзи дўппи, оёғида енгил босоножка эди. Ҳаворанг кўйлак чеҳрасини очиб юборгандани, ё тагдўзи дўппи жуда ярашиб тушганиданми, билмадим, ишқилиб Муқаддас кўзимга тунов кунгидан ҳам латофатли бўлиб кўринди. У шундай жозибали ва маъсум эдики, илк гуллаган бодом ниҳолини эслатарди. Мени кўриши билан олдимга қараб юрди. Кўзларида бирдан чақнаган қувончдан, лабларида ўйнаган табассумдан Муқаддаснинг мени, ёлғиз мени кутиб турганини билдим-у, юрагим яна баҳор куйларига,

баҳор қуёшидек илиқ ва ёруғ ҳисларига тўлиб яйраб кетди.

Биз қўл беришиб кўришдик. Муқаддас қошларини ўпкалагансимон чимириб:

— Вой, мен сизни кечикиб қолармикансиз деб, жонимни ҳовучлаб турибман-а?— деб кулди. Менга унинг кулгисида ҳам аллақандай эркалик аралаш бир гинахонлик бордек туюлди.

— Мен кечикар эканманми?— дедим,— сиз билмайсиз Муқаддас, мен сизни ҳар кунн...

— Юринг,— деди Муқаддас сўзимни бўлиб, гўё гапимнинг охирини эшитишдан қўрқиб,— ичкарига кирайлик...

Худди тунов кунгидек менга яна шундай туюлдики, гўё у юрагимдаги туйғуларни сезар, севиб қолганимни ҳис этар ва буни гапириб қолишимдан қўрқар эди.

«Қандай ажойиб қиз!»— Муқаддаснинг ўрнига имтиҳонга кирарканман, кўнглимдаги ҳамма ғалаён босилган, хаёлим равшан эди.

Лекин турмуш шунақа нарса эканки, у ўнг қўли билан бошингизни силаса, чап қўли билан юзингизга тарсаки тушириб тураркан. Уша кунни имтиҳондан йиқилишимга оз қолди. Қизиги шундаки, бунга дадам сабаб бўлган экан. Бунни мен имтиҳон олган озғин, нимжон домланинг аудиторияга киришим билан бир имтиҳон қоғозимга, бир юзимга тикилиб: «Салим Каримович сизнинг кимингиз бўлади?» деган саволиданоқ тушундим. Бир дақиқа ҳушимни йўқотиб, довдираб қолдим, лекин шу заҳотиёқ миямда бир нарса «ярқ» этиб, чолнинг мақсадини ҳам, истеҳзоли жилмайишини ҳам — ҳаммасини ёритиб юборди. Айни замонда юрагимдаги қўрқув ҳам қаёққадир йўқолди. Хаёлимдан: «қулатса қулатар!» деган фикр ўтди, бу фикр кўнглимда қандайдир шўхлик аралаш бир жасорат уйғотдию, дадиллик билан:

— Ҳеч кимим!— деб жавоб бердим чолга.

— Нима?— деди у пастдан юқорига қараб.

— Ҳеч кимим!— такрорладим мен,— умуман... жавобимга қараб баҳо қўяверасиз, домла, мен сиздан енгиллик сўрамайман!..

Чолнинг ажин қоплаган узунчоқ юзига бирдан мулойим нур тушиб, кўзларида илиқ табассум жилваланди.

— Марҳамат, олинг!— деди у, ўйинчоқ, ёғоч курак-

чага ўхшаган кичкина кафтини столдаги билетларга чўзиб.

Мен қўлимга теккан биринчи билетни олдим ва одатдагидек саволларни ўқиб ҳам турмасдан, деразанинг ёнига ўтиб ўтирдим. Ўтиришим билан комиссиянинг иккинчи аъзоси ҳам кирди. Бу — қишлоқ аёлларига ўхшаб кетган, соддагина кийинган новча, семиз бир хотин эди.

— Хўш, нечанчи билет?— деди чол, аллақандай хушчақчақ овоз билан.

— Ўн тўртинчи.

Менга учта савол — Ньютон биномининг ечилмаси, кесик конуснинг ҳажми (ечими билан) ва битта мисол чиққан эди.

Билганда қийин савол ҳам осон бўлиб кўринади кишига. Бу учта савол, аслида хийла мураккаб бўлса ҳам, жуда осон туюлди. Бунинг устига чол ҳам бояги гаплардан кейин менга тез-тез қараб жилмайиб қўяр, гўё кўнглимга далда берарди. Бу ҳам сабаб бўлди-ю, биринчи бўлиб қўл кўтардим.

— Марҳамат!— деди чол ва кафти билан столни «шап» этиб уриб, рўпарасидан жой кўрсатди.— Қулогим сизда, яхши йигит.

У худди ёқимли куйни эшитишга ҳозирлангандек, кичкина нимжон гавдасини орқага, креслонинг суянчигига ташлаб, кўзларини шифтга тикди. Сўнгра то мен жавоб бериб бўлгунимча вазиятини ўзгартирмади, фақат баъзи баъзидагина қўлини столга ташлаб, узун ингичка бармоқлари билан уни чертиб қўяр, лекин шунда ҳам жавобим унга ёқяптими, йўқми — билиб бўлмас эди.

Имтиҳон топшираётганда ўз жавобининг домлага қандай таъсир этаётганини билмаса жуда қийналиб кетади киши. Бир-икки марта ер остидан чолнинг ёнидаги аёлга кўз ташладим, лекин унинг гўё ярми чўрт кесиб ташлагандек калта бурунли семиз юзидан бир нимани билиб олиш қийин эди. Ниҳоят бор гапимни айтиб бўлдим. Чол вазиятини ўзгартирмасдан:

— Саволингиз йўқми?— деди афтидан аёлга мурожаат этиб.

Аёл истар-истамас лабини қимирлатди:

— Йўқ.

— Уч!— деди чол, бирдан ўзини олдинга ташлаб ва кўкраги билан столга суяниб. Унинг сал қисилган

кичкина кўзларида, юпқа лабларида табассум ўйнагани учунми, билмадим, ҳеч чўчимасдан:

— Нега энди уч бўлар экан?— деб сўрадим.

— Негаки, молига қараб пул тўлаймиз-да, яхши йигит!— деди чол бармоқлари билан столни асабий тақиллатиб. Бу сафар совуқ бир титроқ аъзойи баданимни жимирлатиб ўтди.

— Қўшимча савол беринг!— дедим, дедим-у, овозимнинг бирдан қандайдир ўзгариб бўғиқ эшитилганини пайқаб қолдим.

— Қўшимча савол денг? Ҳм...— деди чол,— хўш... Ҳмм... қани арифметик прогрессиянинг формуласини ёзиб беринг-чи!..

Қўлларим негадир титрар эди.. Нега? Ахир арифметик прогрессия формуласи эсимда турибди-ку! Мен қинғир-қийшиқ рақамларни тез ёзиб кўрсатдим:

$$S_n = \frac{a_1(qn-1)}{q-1}$$

Чол тўсатдан қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Икки!— деди у ва рўмолчаси билан кўзларини артаркан, қўшимча қилди:

— Қани, бўлмаса геометрик прогрессиянинг формуласини ёзинг-чи, кўрайлик!

Қоғозни олдимга сурдим ва чолнинг кулгисига дарҳол тушундим: боя ҳаяжон устида арифметик прогрессия формуласи ўрнига геометрик прогрессия формуласини ёзиб юборган эканман.

— Кечирасиз,— дедим,— бу...

— Икки!— деди чол. У ҳамон кўкрагини столга тираб, кўзларимга жилмайиб боқарди...

Йўлақда мени Муқаддас кутиб турарди. Ҳозир у билан ажрашишимга, қайта кўришмайдиган бўлиб, бир умр ажрашишимга ақлим етиб турарди. Лекин кўзларимга тикилиб, нимагадир жилмайиб ўтирган бу чол... Шартта ўрнимдан турдим:

— Истаган баҳонгизни қўйинг!

Чол яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Яша! Ўғил бола экансан!— деди у ва имтиҳон қоғозига тез қўл қўйиб, ёнидаги аёлга берди, аёл ҳам кулимсираганича қўл қўйди-да, менга узатди. Бирдан аъзойи баданимда кучли чарчоқ ҳис этиб, бўшашиб, ташқарига томон юрдим. Эшикка яқинлашиб қолганимда аудиторняга Муқаддас кирди. Афтидан, рангим ўчиб, алланечук бир ҳолатда бўлсам керак, унинг кўз-

лари катта-катта очилиб: «Сизга нима бўлди?» деган ифода пайдо бўлди, лекин тўхтаб унга жавоб берадиган пайт эмас эди. У кўзларида шу савол билан ёнимдан ўтиб кетди. Мен ташқарига чиқдим.

Домла мен ўйлагандек «икки» эмас, «уч» қўйганини йўлакка чиққанимдагина билдим. Лекин олдинги «беш» олдида бу «уч» кўзимга жуда хунук кўринди шекли, кўнглимни ғаш қилди...

Муқаддас ярим соатларда чиқди. У эшикда кўриниши биланоқ кўзлари билан мени излаб топди, атрофини қуршаб олган дугоналарига аллақандай асабий овоз билан «тўрт-тўрт!» деб жавоб берганича тўппа-тўғри олдимга келди. Қошлари сал чимирилган, кўзлари нимадандир қўрққан кийикнинг кўзларига ўхшарди.

— Вой, сизга нима бўлди?

— Нима бўларди, уч олдим!— дедим мен. Муқаддасга биров мени «икки» олди деган бўлса керак, «хайрият» дегандек чуқур нафас олиб энтикди, юзига қон югурди. — Хафамисиз?— деди у, кўзларимга тикилиб, деди-ю, бошини эгиб секин қўшимча қилди. — Мен сизга жавр қилдим...

Рўпарамда бошини қуйи солиб туришидан, овозидан, жовдиреган кўзларидан мени деб изтироб чекаётганини билишнинг ўзи бир олам қувонч, бир олам бахт эди.

— Нимага хафа бўлар эканман! Битта учнинг зарари йўқ...

Муқаддас «ялт» этиб юзимга қаради, бошини тез-тез силкитиб тасдиқлади:

— Рост, рост, битта учдан қўрқмасангиз ҳам бўлади. Лекин бу ёнига эҳтиёт бўлинг. Энди мен ҳам сизга жавр қилмайман,— деди у яна гуноҳқорона жилмайиб.

Кўчага чиқиб хайрлашаётганимизда Муқаддасдан яна бирга дарс тайёрлашни илтимос қилдим. Муқаддас бу сафар ҳам кўнмади. Лекин шунга қарамасдан кўнглим негадир тинч эди. Уша кун менга Муқаддаснинг қалбида ҳам яхши бир ҳис уйғонаётганга ўхшаб кўринганди.

— «Бу ҳақиқатми, ё амалга ошмайдиган бир ширин хаёлми?»

Бунинг хаёл эмас, ҳақиқатга яқин бир нарса эканига иншодан имтиҳон берган кунимиз ишондим.

Иншони биринчи қаватдаги ўн олтинчи аудиторияда бир неча группа бирлашиб ёзиши керак эди. Мен кирганда, аудитория одамга тўлиб қолган, фақат энг олдинда, домлалар ўтирадиган жойнинг қаршисидagina,

Биринчи столда бир-иккита бўш жой қолганди. Лекин аудиторияга одам ҳамон ёпирилиб кирмоқда, жадалламасам ўша жойдан ҳам қуруқ қолишим муқаррар эди. Мен Муқаддасни йўқлашга ҳам сабрим чидамасдан, ўртадаги тор йўлакдан биринчи қатордаги бўш столга интилдим. Аудиториянинг ярмига бориб қолган эдим, орқамдан:

— Шариф ака!— деган таниш мулойим овозни эшитдим. Юрагим «жиз» этиб орқамга бурилдим. Муқаддас мендан икки қадам нарида, аудиториянинг кўча томонидаги столнинг четида ўтирарди. Имтиҳон деган нарсанинг нақадар даҳшатли эканини шунинг ўзидан ҳам билса бўлади: жонимдан ортиқ кўрган қизнинг ёнидан ўтибман-у, уни кўрмабман!

У қўлини бермасдан фақат кўзлари билан саломлашди.

-- Битта бўш жой бор, хоҳласангиз ўтиринг, — деди у секин, гўё ёнидаги қизларнинг эшитиб қолишидан қўрққандек. Ўзи эса менинг «хўп» дейишимни кутмасданоқ сурилиб ёнидан жой берди.

Бутун вужудим билан ловиллаб ёнига ўтирдим, бошқаларга билдирмасдан қўлини олиб секин сиқдим.

— Сиз қайси темани ёзмоқчисиз?— деди Муқаддас.

— Қайси тема тушишини биласизми?

Муқаддас кулди.

— Қўрқмайсизми?

— Йўқ, — дедим, «Сиз ёнимда экансиз ҳеч нарсадан қўрқмайман» деган фикр кўнглимдан ўтди, буни унга айтмоқчи ҳам бўлиб оғиз жуфтладим-у, журъат этмадим. Унинг чеҳрасидаги поклик, беғубор қизлик иффати, ҳам тортиниб, ҳам севиниб гапиришлари кишини қандайдир софликка, самимийликка ундарди.

Қалбимда яна баҳор эди. Кўнглимдаги бояги ваҳима у ёқда турсин, имтиҳон топширгани келганимни ҳам унутасизган эдим. Шу топда фақат бир нарсани — Муқаддаснинг яқинлигини, гоҳо-гоҳо мулойим қараб қўйишларини, уялганидан сочларини ўйнаб, жилмайиб гапиришларини сезардим, бунинг ҳаммасидан бошим айланарди.

— Вой, туринг, домлалар келишяпти!— деди Муқаддас.

Шошиб ўрнимдан турдим. Аудиторияга бир эмас, бирдан уч домла кирган эди. Ари уясидек гувиллаб турган аудитория бирдан сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Атрофимга қараб қиз-йигитларнинг ҳаяжонлан-

ган юзларини кўрдим. Ҳамма бирдан худди буйруқ ку-таётган солдатлардек жим бўлиб, серрайиб қолган эди.

Икки ассистент аудиторияни оралаб «хужжатлар»-имизни текшириб чиққанларидан кейин, уларни бошлаб кирган ўрта бўйли, узун дўнг бурнига олтин кўзойнак кўндириб олган мўйсафид домла бутун деворни қоплаган катта доскага темаларни ёзишга киришди. Биринчи тема Йўлчи билан Гулнор образлари эди. «Образ» деган сўзни ёқтирмасам ҳам домла бошқа темаларни ёзиб тамом қилмасданоқ биринчисини танлаб олдим.

«Қутлуғ қон»ни ёшлигимдан севар эдим, менга Йўлчи ҳам, Гулнор ҳам жуда ёқар, Гулнордай бир қизни севишни орзу қилиб юардим. Ҳозир эса менинг Гулнорим ёнимда ўтирарди. Мен ёзганларимнинг дарслик талабларига қанчалик жавоб беришини билмайман, лекин Йўлчи билан Гулнорга бўлган самимий муносабатимни, ҳурмат ва муҳаббатимни қоғозга туширишга астойдил ҳаракат қилдим. Қоғозга Гулнор билан Йўлчининг номларини ёзардим, аслида эса ўз муҳаббатимни ҳикоя қилардим.

Иншони шундай самимий, шундай зўр ҳаяжон билан ёзар эдимки, ҳамма нарсани, ҳатто ўтирган жойимни ҳам эсимдан чиқараёзган эдим. Фақат бир марта хаёлим бўлинди — аудиторияга таниш ёш домланинг кириб келганини кўриб қолдим. У биринчи столнинг орқасида олтин кўзойнагини чақнатиб ўтирган кекса домланинг қулоғига ниманидир шивирлади. Ўзи домлага гап уқтирар эди-ю, кўзлари Муқаддасда эди... Аудиториядан қайтиб чиқиб кетаркан, назаримда менга ҳам бир қараб қўйгандек бўлди. Кўнглимдан: «Ўзи тилчи эмас-ку, бу ерда нима қилиб юрибди?» деган гап ўтди ва яна тунов кунгидек юрагим «шув» этиб кетди. Унинг кирганини Муқаддас ҳам пайқадимикин, деб ер остидан кўз ташладим. У пайқамаган бўлса керак, бошини чап томонга эгиб, ёзиш билан банд эди...

Муқаддас «Шоҳи сўзана»ни танлаган эди... Биз иккимиз «чурқ» этиб оғиз очмас, ҳар биримиз ўз ишимиз билан банд эдик. Фақат бир марта — ёзганларимни оққа кўчиришга киришганимда, унинг «севгисини» эмас, «севгисининг» деб ёзинг, «ни» эмас «нинг» деб шипшиганини эшитиб қолдим...

Биз иккимиз барабар ёзиб тугатдик, лекин Муқаддас ёзганларини қайта-қайта ўқир, ниманидир тузатар эди. У ҳамма қизлардек энг сўнгги минутгача топширмаслигини билдим-да, сабрим чидамасдан, олдинроқ топшириб чиқиб кетдим.

Муқаддас мендан анча кейин чиқди. У одатдагидек ййраб-қувнаб эмас, аллақандай бўшашиб чиқди, гуё мен олдиндан билишим мумкиндек:

— Беш оламузми, йўқми? Сиз нима дейсиз?— деб сўради юзимга тикилиб.

Каромат қилишни билмаслигимни айтиб кулдим.

— Мен энди то баҳомизни эшитмагунимча сира тинчимайман, уйқум ҳам келмайди,— деди Муқаддас ва қошларини сал чимириб ўйчан овоз билан қўшимча қилди:

— Энди энг қийини қолди. Нима бўлса ҳам тезроқ тамом бўлиб қўя қолса эди!

— Қўрқсангиз бирга тайёрлай қолайлик!— дедим унинг кўзларига тикилиб.

— Сиз химияни яхши биласизми? — сўради у.

— Яхши биламан. Ишонмасангиз бирга тайёрланайлик. Ўзингиз...

— Йўқ, ишонаман,— деди Муқаддас ва бир секунд иккиланиб тургач:

— Қаерда тайёрланамиз?— деб сўради.

— Сиз қаерни хоҳласангиз ўша ерда.. Агар хоҳласангиз...

Муқаддас юзимга савол назари билан тикилиб турарди.

— Агар хоҳласангиз биз томонларга борамиз,— дедим мен ва шошиб қўшимча қилдим: уйда эмас, биз томонларда жуда яхши жойлар бор. Жуда ажойиб салқин...

— Сиз қаерда турасиз?

— Комсомол кўлининг орқасида. Майда-чуйда олиб чиқиб кетсак... Эрталабдан кечқурунгача ўқиб келамиз. Ҳеч ким халақит бермайди.

Муқаддас ерга тикилиб турарди. Бу сафар у йўлакда юрган қиз-йигитлардан тортинмас, ё хаёли бошқа ёқда бўлиб, уларни пайқамас эди. У яна бармоқларига тикилиб ўйланиб қолди. Унинг қаттиқ иккиланаётганини яна бир нафас кутсам:

«Йўқ, боролмайман», деб жавоб беришини пайқадим ва тўсатдан кутилмаган бир журъат билан қўлини ушладим:

— Нимага бунақа қиласиз? Ё менга ишонмайсизми?— дедим.

Овозим титраб кетди.

Муқаддас ҳайрон бўлиб юзимга қаради.

— Ишонмасам шундай қилармидим?— деди у секин.

— Ишонсангиз нега...

— Хўп, майли, бораман,— деди Муқаддас, тўсатдан бошини кескин силкитиб,— лекин эртароқ чиқиб кетайлик!

Биз эртасига эрталаб соат саккизда Комсомол кўлининг олдида, почтанинг ёнида учрашадиган бўлдик.

«Эртага кўнглимда бор гапни унга очиқ айтаман! Пайти келди!» — шу қарор билан уйга кетдим.

* * *

Эртасига учрашмоқчи бўлган жойимизга жуда барвақт бормоқчи эдим, лекин уйдан энди чиқаман, деб турганимда тўсатдан дадам чақириб қолди, кеча иншо-ни қандай ёзганим тўғрисида сўроқ қила бошлади.

Салим Каримовичнинг мақсадига тушуниб турардим. У ишнинг олдини олмоқчи эди, чунки физикани учга топширганимдан буён уйда яна жанжал ва ташвиш кўпайиб кетганди. Лекин шунга қарамасдан, унинг саволлари гашимга тегарди. Назаримда, у қаёққа шошаётганимни билар ва жўрттага ушлаб тургандек туюларди. Ниҳоят сабр косам тўлиб кетди. «Мен ҳозир...» — дедим-у, Салим Каримовичнинг бир нима деб чақирганига ҳам қулоқ солмасдан ташқарига отилдим, дарвозадан чиқишим билан худди қафасдан қутулган қушдек автобусга қараб югурдим.

Аҳдлашган жойимизга ўз вақтида етиб бордим, Муқаддас эса чорак соат кечикиб келди. У маҳалда ҳамма қизлар ҳам бунақа учрашувларга кечикиб келишларини, жиндек куттириб қўйишни яхши кўришларини билмас эдим, шунинг учун ҳам бу чорак соат менга чорак асрга ўхшаб кўринди. Гап Муқаддасни кутиб қолишимда эмас, албатта, ҳамма даҳшат шунда эдики, мен уни келиб кегиб қолган, деб хавфсирардим. Энди уни кўра олмас эканман-да, деб ичимда дадамдан астойдил хафа бўлиб турганимда, орқамдан кимнингдир:

— Шарифжонмисан? — деган дўрилдоқ овозини эшитиб, чўчиб ўгирилдим.

Олдимда айланасига гишт терилган чор бурчак гулзорнинг ёнида, Сулаймон Акрамович турарди. Уни бу ерда учратишни сира кутмаганимдан бўлса керак, ўғирлик устида тутилган одамдек довдираб қолдим, ҳатто қўл бериб кўришишни ҳам эсимдан чиқариб қўйдим. Ўзим ҳам қизариб-бўзариб, терлаб кетдим шекилли, Сулаймон Акрамович қоп-қора шоп мўйлови остидан ку-

лимсиради-да, томирлари бўртиб чиққан катта суюқдор кафтини узатиб:

— Ясан-тусанлар жойида-ю, кимни кутиб турибсан, ўғлим,— деб сўради.

Унинг «ўғлим» дейиши ҳар вақтдагидек қулоғимга жуда иссиқ эшитилди-ю, бу одамдан яшириб юрган ва уч-тўрт кундан бери ёдимдан кўтарилган бутун ишим эсимга тушиб кетди...

— Тунов кунги саволимизга жавоб бермадинг-ку?— деди Сулаймон Акрамович. — Сиртдан ўқиганинг тузук эмасми? Ё заводдан кетгинг борми?

Мен кўзимни унинг юзидан узиб трамвай келадиган томонга қарадим: Муқаддас ўша ёқдан келиши керак эди.

— Ойинг хоҳламадими?— деди Сулаймон Акрамович.

Унинг юзига қарай олмадим, ерга тикилдим. Юрагим гуп-гуп урарди, юзим, қулоқларим ловиллаб ёнаётганини сезардим, лекин нима деб жавоб беришимни билмас эдим. Зотан отамнинг энг қадрдон дўсти бўлган, мени ўз бағрига олиб, яхшигина ҳунар ўргатган, ниҳоят ўз ўғлидек яхши кўрган бу мўйсафидга нима ҳам дердим? Унга фақат ҳақиқатни айтишим мумкин эди. Лекин бўлиб ўтган шунча воқеадан сўнг, ҳозир Муқаддасни кутиб турганимда, унга ҳақиқатни айтишим мумкинми-ди?..

Сулаймон Акрамович менинг сукутимни тасдиқ аломати деб билди шекилли, бир зум тургач:

— Ҳмм... Шунақа дегин?.. Мабодо характеристика учун ишлаб юрилгани йўқми ўзи?— деб кулди.

Оқкўнгил одам! У менинг нақадар муғамбир эканлигини қаёқдан билсин? Мен унинг яна саволлар беришидан, айниқса жим туриб жавоб кутишидан қўрққан эдим, лекин у:

— Майли, ўзинг биласан, ўғлим,— деди ва нимадандир чарчаган одамдек уф тортиб қўйди, — ўқиган яхши. Мен ўқишингга қарши эмасман. Лекин сиртдан ўқиганингда ҳам ёмон бўлмас эди... Хўп, майли, отпусканг қачон тамом бўлади?

— Яна ўн кунларда...

— Уйга бир бор. Тунов кунги иш энди пишиб қолди. Бир гаплашайлик. Хўпми?

— Хўп,— дедим унинг юзига қарамасдан. Шу маҳал автобус келиб қолди, Сулаймон Акрамович шошиб хайрлашди.

У тушган автобус юриб кетгунча тикилиб қолдим. Бир неча дақиқага Муқаддас ҳам эсимдан чиққан эди.

«Уни яна нега чалғитдим? Нимага ростини айтиб қўя қолмасдан уни алдадим?» Бунинг сабабини ўзим ҳам билмас эдим. Фақат бир нарсани — бу ёлгон гапларим билан Сулаймон Акрамовичдан, дўстларимдан, заводдан тағин ҳам узоқлашганимни, уларга бир оғиз айтмасдан институтга ҳужжат топширган куним ўртамизда пайдо бўлган гов ҳозирги гапларимдан кейин тағин ҳам ўсиб кетганини сезардим. Яна тунов кунгидек юрагимдан мустаҳкам жой олган азиз, қимматбаҳо бир нарсани йўқотганимни ҳис этдим ва биринчи марта чин кўнглимдан ачиндим... Бу ўйлар хаёлимни шундай чулғаб олган эканки, Муқаддаснинг қачон ва қайси томондан келганини ҳам пайқамай қолибман, фақат унинг:

— Ҳа, сизга нима бўлди?— деган тапиш овозини эшитганимдагина ҳушимга келдим.

— А?— дедим томирларимга иссиқ қон югуриб. Назаримда бирдан кўз олдимни тўсиб келган қора булут тарқаб, ҳаммаёқ нурга чўмилгандек туюлди.

— Чақирсам ҳам қарамайсиз?— деди Муқаддас. У аллақандай маъюс қоп-қора кўзлари билан юзимга ўйчан тикилиб турарди.

Бу сафар унинг эғнида биринчи марта кўрганимдаги оқ шойи кўйлак, бошида ўша тагдўзи дўппи эди, лекин ўзи кўзимга қандайдир ғамгин кўринди.

— Юринг, нариги томонга ўтайлик, автобусга чиқамиз,— дедим мен.

— Автобусда бориладими?— деди Муқаддас ва яна юзимга тикилиб, — узоқ эмасми?— деб сўради.

Менга шундай туюлдики, гўё у автобусга чиққиси келмас, нимадандир тортинар эди.

— Йўқ-йўқ,— дедим, — узоқ эмас, бирпасда етиб борамиз. Бўзсувнинг бўйида. Шундай салқин, шундай яхши жойларки... Юринг.

Нимагадир шошар эдим, шошаётганимни, Муқаддаснинг олдида ўзимни худди ёш боладек тутаётганимни сезиб турардим-у, лекин барибир, ўзимни босиб ололмас эдим. Қизиғи шундаки, ҳозиргина Сулаймон Акрамовични кўрганда кўнглимни ғаш қилган нотинч ўйлар ҳам ҳар сафаргидек Муқаддасни кўришим билан дарров йўқолган, ҳаммаси қувончли ҳаяжон билан алмашган эди.

Биз катта кўчадан ғизиллаб учиб ўтаётган енгил машиналарга йўл бера-бера, рўпарадаги автобус тўхтайдиган жойга ўтиб олдик.

Кун чиқиш томондаги тўрт қаватли бино устидан кўтарилган қуёш кўчаларни нур селига кўмиб юборган, одамлар ўзларини дарахтларнинг соясига ура бошлаган эдилар.

Муқаддас бугун нимагадир маъюс ва камгап, у қандайдир ўз ўйлари билан банд эди. У билан гаплашгим келар, лекин гапни нимадан бошлашимни билмасдим, сукутнинг чўзилиб кетганидан хижолат чекардим. Бунинг устига автобус ҳам кечикмоқда эди. Назаримда, Муқаддас автобус кутишдан зернкиб, тўсатдан айниб қоладигандек туюлар, автобус чиқиб келадиган муюлишдан кўзимни узоқмас эдим.

Ниҳоят автобус ҳам келди. Одам кўп бўлишига қарамай, бир амаллаб чиқиб олдик. Муқаддас орқадаги бир жойга илинди, мен унинг ёнида типпа-тик турардим. Биз ҳамон гаплашмас эдик, машина юриб, кўлнинг орқасидаги биринчи кўприкка етгандагина, Муқаддас:

— Ҳали узоқми?— деб секин сўради.

— Йўқ, узоқ эмас,— дедим унга.

Муқаддас индамасдан ўйчанлик чўккан аллақандай гамгин кўзларини яна деразага тикди. Асфальт йўлнинг ёнгинасида, чуқур жарликнинг тагида, кўм-кўк шишадек тишиқ Бўзсув оқарди, жарликнинг иккинчи томонида, баландликда, бир-бирига қўшилиб кетган ям-яшил боғлар туташ бир ўрмонзор кашф этарди.

Автобус иккинчи кўприкдан ўтиб тўхтаганда Муқаддас: «Ҳалиям келмадикми?» деган маънода менга бир қараб қўйди. Мен ўзимни кўриб кўрмаганликка солдим, Муқаддаснинг ёнида ўтирган чол ўрнидан турган эди, унинг жойига ўтирдим.

— Нимага бундай хафа кўринасиз? Тинчликми?— дедим секин.

— Йўқ, ўзим...— деди Муқаддас ва тўсатдан ўридан туриб, автобуснинг олдига ўта бошлади.

Бир дақиқа ўзимни йўқотиб қўйдим, сўнг, секин юриб орқасидан бордим.

— Мен тушаман,— деди Муқаддас. У юзимга қармас эди.

— Нега? Яна бир остановка...

— Керакмас!.. — Бу сафар Муқаддаснинг овози қаттиқроқ эшитилди.

Ундан «нимага бундай қиялпсиз?» деб сўрамоқчи бўлдим-у, тўсатдан автобустагиларнинг ҳаммаси бизга тикилиб турганлигини, ҳамманинг диққат-эътибори бизда эканини кўриб, гапим оғзимда қолди.

Машина тўхташи билан Муқаддас гўё уни биров ушлаб қоладигандек, автобусдан биринчи бўлиб сакраб тушиб кетди.

Мен олдин унга аччиқ қилиб тушмай ўтиб кетавермоқчи бўлдим-у, лекин чидаб туролмай автобусдан секин тушдим — ўз иродадан зўр бир куч унинг орқасидан мени ҳам машинадан судраб туширди.

Муқаддас жарликнинг бўйида, секин оқаётган Бўзсувга ўйчан тикилиб турарди. Унинг ёнига келиб тўхтадим.

— Нимага бундай қилдингиз?— дедим ҳаяжонимни зўрға босиб.

— Бормайман,— деди Муқаддас.

— Нега? Сабаби...

— Сабабини нима қиласиз? Бормайман дедимми-бормайман!

Бу сафар унинг овози қандайдир жуда кескин жангилди. Бу кескинлик кўнглимга жуда қаттиқ тегди-ю, кутилмаган жойда мендаги журъатсизликка барҳам берди.

— Сиз... ёмон жойларга бошлаб кетяпти деб ўйладингиз чамаси!— дедим, қаттиқ гапираётганимни сезиб ва нимагадир бундан севиниб,— мени ёмон мақсадда бошлаб кетяпти, деб ўйлаганга ўхшайсиз! Сиз мени ким деб ўйладингиз? Наҳотки мен шунчаликка борсам?

Шундай самимий гапирганим учунми, ё айтган сўзларим қаттиқ таъсир қилди, билмадим. Муқаддас қандайдир тез ўзгарди, юзидаги совуқ ифода бир зумда мулойим табассум билан алмашди.

— Йўқ, унақа эмас, унақа деб ўйлаганим йўқ,— деди у ерга қараб, — шунчаки... Юринг, сквердаги паркка бора қолайлик!— тўсатдан таклиф қилди Муқаддас ва қандайдир шўх порлаган қора кўзларини ўйнатиб кулиб қаради. — Ана, машина ҳам келяпти! Хўп дея қолинг, Шариф ака!

Муқаддас мендан куларди, албатта! У меннинг «хўп» демасдан иложим йўқлигини, унинг ҳар қанақа талабини бажаришимлигини биларди-ю, тагин мендан нажот сўрарди!.. Шўх кўзларини ўйнатиб, оқ кўнгил ва пок қизлардагина бўладиган беғубор бир ноз билан жилмайиб, ўзининг «ғолиб» келишини билиб туриб, яна ижозат сўрарди!

«Бу қиз олдида ўзимни жуда ерга уриб юбордим чамаси. Менда на йигитлик иззат-нафси, на ғурур, на

прода қолди»— деб ўйладим ичимда. Буни ўзим ҳам сеза бошлаган эдим. Лекин унга қарши чиқишга кучим етмас эди. Бу сафар ҳам яна таслим бўлдим.

Кўнглимда уйғонган газаб ва алам унинг «хўп дея қолинг», деб бир кулиб боқишидаёқ тарқаб кетди, лекин унинг яна шундай кулиб боқиши ва шундай илиқ сўзларини эшитгим келгани учун бўлса керак, автобусда кетаётганимизда атайин қовоғимни солиб олдим. Муқаддас бир-икки марта ер остидан менга кулимсираб қараб кўйди. Лекин буни кўриб кўрмаганликка солдим.

Муқаддас мени астойдил хафа бўлди деб ўйлади шекилли, паркиннг ёнига келиб автобусдан тушганимизда юзимга аллақандай гуноҳқорона тикилиб:

— Мен сизга ишонмаганим учун эмас, шунчаки... ўзингиз бир ўйлаб кўринг: яхши эмас-да,— деди ва қизариб кўшимча қилди:

— Кўйинг энди, шунақа қилманг!

Соя жойга нур тушгандек кўнглим бирдан ёришиб кетди:

— Нима қилдим?

— Шунақа... Бирам қовоғингизни солиб олдингизки!..

Иккимиз барабар кулиб юбордик, орамизда ғов бўлиб турган номаълум тўсиқ ҳам кўтарилди-да, гўё бир-биримизга яна ҳам яқинроқ бўлиб қолдик.

Паркда одам кўп эди, институтга кириш имтиҳонларини топшираётган ёш-ялангларнинг ҳаммаси гўё бошқа ердан жой тополмагандек шу ерга келган, улар паркиннг энг хилват бурчакларигача эгаллаб олган эдилар. Қизил қум сепилган аллеяларнинг ўртасидан ўтарканмиз, скамейкаларда ўтирган йигитларнинг бизга тикилиб қараб қолаётганларини кўрдим, бир вақтнинг ўзида ҳам газабим кўзғар, ҳам нимагадир фахрланардим. Муқаддас эса уялганидан юзлари гул-гул ёниб, яна ҳам жозибали кўринар, у кўзларини ерга тикиб борган сайин жадаллаб борар ва текис ерда ҳам ҳадеб қоқилар эди. Ниҳоят паркни бир айланиб, қайтиб чиқаётганимизда, эшикка яқин жойдаги эстрада театрининг орқасида битта бўш скамейкани кўриб қолдик.

Муқаддас худди уни биздан бурун бошқалар эгаллаб олишидан кўрққандек, чопиб бориб ўтириб олди.

Скамейканинг икки ёнида икки туп кўк терак қад кўтарган, лекин унинг сояси қуюқ эмас, япроқлари орасидан сирғаниб ўтган нурлар худди шойн қуроқлардек

парча-парча бўлиб ерга тушиб турарди. Скамейканинг олдига сепилган қизил қум ҳам қўғирмочдек қизиб кетган эди. Лекин Муқаддас ўтирган ҳамон:

— Яхши жой экан-а? Ҳеч ким халақит бермайди!— деди-да, нимагадир ўз-ўзидан қувониб теварак-атрофга бир қараб қўйди.

— Тўғрими?

— Тўғри,— дедим. Унинг «Ҳеч ким халақит бермайди» деган сўзлари қулоғимга жуда иссиқ эшитилган, ўртамизни бўлиб турган масофа гўё яна бир-икки қадам қисқарганди.

Муқаддас қўлига химия дарслигини олди.

— Бўлди! Энди ким гапирса ҳам...

— Кинога билет олсин!— дедим мен.

Муқаддас «жуда муғамбирсиз-а?» деган маънода бир қараб қўйди-ю, индамасдан ўқишга киришди. Мен унинг нимадан бошлашни сўраб ҳам ўтирмасдан китобнинг тўғри келган жойидан шариллатиб ўқиб кетганидан сал ўтмасданоқ тўхташени сезиб, ён томондан қараганда жуда нафис кўринган майин қошига, жимир-жимир терлаган пешонасидаги соч толаларига тикилиб, кўнглим аллақандай нурга, бахтга тўлиб ўтирдим, лекин қулоғимга ҳеч нарса кирмас эди.

Тўсатдан, худди мен ўйлагандай Муқаддас ўқишдан тўхтади гўё бу китобни сира қўлига қайтиб олмайдигандек, четга отиб:

— Сиз қўрқяпсизми?— деб сўради.

— Йўқ, — дедим, — нимадан қўрқаман?

— Мен шундай қўрқяпман, қўрқяпман, шундай қўрқяпманки, қўлимга китоб олгим келмай қолди!— деди Муқаддас ва ҳар сафаргидек бирдан ўйчанлик чўкиб, маъюс бўлиб қолган кўзларини бир нуқтага тикиб, кейин қўшимча қилди:

— Ўқишга киролмай қолишимдан эмас, шарманда бўлиб уйга қайтиб боришдан қўрқаман... Ростини айтсам дадамни хафа қилишдан қўрқаман,— деди Муқаддас, сўнгра гап ўз-ўзидан Беговогга, уларнинг оиласига ўтиб кетиб қолди...

Муқаддаснинг онаси ўзини болаларига фидо қилиб, фақат уларнинг бахтини ўйлаб, уйда ўтириб қолган содда аёллардан экан, отаси заводда мастер бўлиб ишларкан. Лекин у киши мастерликка ўқиш, илм орқали эмас, пешона тери тўкиб, меҳнат билан эришган одамлардан экан. Уларнинг жуда кўп фарзандлари бўлган, лекин ҳозир фақат Муқаддас билан унинг укаси қолган,

Иккита акаси урушда ҳалок бўлган, ҳозир Муқаддас бу оиланинг энг катта фарзанди экан. Шунинг учунми, ёки отаси ўзи ўқий олмасдан кўп заҳмат чеккани учунми, ишқилиб, кўпдан бери Муқаддасни ўқитиб, инженер қилиш орзуси кўнглига қаттиқ ўрнашиб қолган экан. Уйларига меҳмонлар келганда, дўстлари билан чақчақлашиб ўтирган чоғларида دادаси ҳамиша қизини чақириб, уларга кўрсатар, яхши ўқишни айтиб мақтар ва қизим албатта инженер бўлади, деб ўзи ҳам фахрланиб кўяркан.

Бизнинг тақдиримиздаги бу кутилмаган ўхшашлик мени ҳам таажжубга солиб қўйган, ҳам қаттиқ қувонтирган эди.

Муқаддаснинг ота-онаси тўғрисидаги қизларга хос бошқача бир меҳр-муҳаббат билан қилган ҳикоясини тингларканман, уларни ҳеч қачон кўрмаган бўлсам ҳам, назаримда қаердадир учратгандек, биладигандек туюлар, гўё уларни кўпдан бери танийман, яхши кўраман. Кўнглимда ҳалитданоқ уларга нисбатан қандайдир бир фарзандлик туйғуси уйғонган, уларга бир яхшилик қилиш истаги туғилган эди. Менга негадир айниқса унинг دادаси ёқиб қолган эди. Кўнглимда гўё у менга меҳрибон бир ота бўлишига, мен эсам фронтда ҳалок бўлиб кетган ўз падаримни топиб олишимга ишонч уйғонган эди...

Муқаддаснинг ота-онаси, ўртоқлари, она шаҳри ҳақида гоҳ маъюс, гоҳ қувончга тўлиб айтаётган ҳикоясини эшитарканман кўнглимдаги бу истак-орзулар ҳам гуркираб ўсиб борар, яна хаёл дарёсида сузардим. Мен ҳалитданоқ бир кун эмас, бир кун Муқаддас билан бирга чамадон кўтариб Беговотга боришимизни кўз олдимга келтира бошлаган эдим... Биз шаҳарнинг бир четидagi шафтоли, ўрик ва олчаларнинг қуюқ соясига кўмилган шинамгина ҳовлиларига кириб борамиз... Бизни эшикда чол-кампир кутиб олади. Кўзларидаги ёшларини артиб, пешоналаримиздан ўпадилар, узоқ умр тилаб, дуо қиладилар...

— Ие, доим шунақа қиласиз-а? Ҳушингиз жойидами ўзи? Юринг!

Уйқудан уйғонгандек чўчиб кетдим Китоб-дафтарларини қўлтиқлаб олган Муқаддас скамейканинг олдида менга таажжуб билан қараб турарди.

— Қаёққа?— дедим.

— Кетамиз...

Муқаддаснинг қошлари чимирилган, кўзларида аллақандай бир қатъиятлик бор эди.

— Нега энди?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Қўйинг, бирга дарс тайёрлай олмас эканмиз...

Мен унга бошқа савол бермадим.

Шу топда менинг кўнглимда нималар бўлса, унинг кўнглида ҳам шунга ўхшаш бир нарса бўлаётганини пайқаган эдим. Фақат уни бир-икки кун кўролмай қолишдан қўрқиб:

— Агар эрта-индин бир учрашсак...— деб гап бошлаган эдим, Муқаддас:

— Йўқ, энди имтиҳонда учрашамиз,— деди оғзимдан сўзимни олиб.

Биз индамасдан паркдан чиқдик ва хайрлашиб, иккимиз икки томонга кетдик. Уч-тўрт қадам босмасданоқ орқамга ўгирилиб қарадим, худди шу пайт Муқаддас ҳам қаради-да, садаф тишларини чақнатиб бир кулди.

Қандай ажойиб қиз!

Тўсатдан кечаги қароримни унутиб қўйганимни, Муқаддасга севгим тўғрисида бир оғиз айтмаганимни эсладим. Эсладиму беихтиёр кулиб юбордим: унга бу ҳақда гапириб ўтиришга ҳожат қолмаган, чунки у ҳам мени севишига энди ишонаверсам бўларди. Энди олдимда бошқа мақсад турарди. Қандай бўлмасин ўқишга киришим керак эди!

* * *

Ниҳоят, бизнинг тақдиримизни ечадиган сўнги имтиҳон ҳам келди. Бу сафар унинг қандай ўтганини, қандай саволлар тушганини ҳикоя қилиб ўтирмайман. Бунинг кераги ҳам йўқ, фақат шуни айтишим мумкинки, сўнги имтиҳондан яна Муқаддас тўрт олди, мен беш олиб чиқдим. Бунга Муқаддаснинг ўзи сабаб бўлди. Ўтган имтиҳонда унинг ўрнига кириб уч олганим унга жуда қаттиқ тўккан экан, бу сафар менинг хоҳиш билдиришимга қарамасдан ўз навбатида кирди ва худди олдиндан кутгандек, тўрт олиб чиқди.

У шундай руҳи тушиб, лаблари титраб чиқдики, йиқилибди деган хаёлга бориб шошиб қолдим. Лекин «тўрт» олганини эшитиб койиб бердим. Югуришиб келиб, қуршаб олган қиз-йигитлар ҳам уни уриша бошладилар:

— Иккита тўртга шунча хафа бўласизми?

— Сиз қўрқмасангиз ҳам бўлади, ўн саккиз у ёқда турсин, ўн етти бал олганларни ҳам қабул қилишади!

— Сизни қаранг, мен тўрт олсам дўппимни осмонга отган бўлардим!

Бу самимий гаплар Муқаддаснинг кўнглига таскин берди шекилли, мен имтиҳонни топшириб чиққанамда хийла ўзига келиб қолган эди.

— Ана, мен нима деган эдим?— деди қошларини чимириб ва ҳаяжонли овозда давом этди:

— Деканатга чиқдим. Қизларнинг гапи рост экан. Ўн саккиз бал олганларни қабул қилишимиз аниқ дейишди!

— Энди кўнглингиз жойига тушдими?

Муқаддас кулди.

— Ҳали иншо нима бўлишини айтинг! Домла оғриб қолган эканлар. Бугун келибдилар. Натижасини тушдан кейин эшиттиришар эмиш,— деди у ва қўлидаги кичкина соатига кўз ташлаб қўшимча қилди:

— Нима бўлса ҳам тезроқ эшиттириша қолишса бўларди.

Кўчага чиқиб бир айланиб келишни таклиф қилдим.

Муқаддас бу сафар одатдагидек ийманиб, тортиниб турмади. Аксинча севиниб кетиб: «Лимонад ичиб келамиз!» деди.

Биз кўчага чиқдик-да, қуюқ соя тушган хиёбонлардан паркка қараб кетдик. Кўчада одам кўп эди. Ҳар қачонгидек улар бизга қараб ўтар, айниқса ёш йигитлар менинг рашкимни келтириб Муқаддасга суқланиб тикиларди. Шу рашкданми, ё Муқаддаснинг яқинлигиданми, билмадим, ўзимни худди ловиллаб ёнаётган гулханнинг таптида тобланаётгандек ҳис қилардим, аъзойи баданимдан ловиллаб ўт чиқиб борарди. Муқаддас эса (ажабоб!) гўё ҳеч нарсани сезмас, у нимагадир севинаяр, ҳадеб кулар, юзлари гул-гул яшнаб, ўткинчиларнинг диққат-эътиборини яна ҳам ўзига тортар эди. Аста-секин ундаги бу сабабсиз шодлик менга ҳам ўтди-ю, кўнглимдаги ғашликни тарқатиб юборди.

Иншонинг натижасини бир соатча айланиб қайтиб боришимиз биланоқ эълон қилишди. Биз борганда абитуриентлар аудиторияга тўпланиб бўлган эдилар. Ҳамманинг юзида ҳаяжон, аудитория сув сепгандек жим. Биз эшикдан кирган жойда, орқада тўхтадик. Аудиториянинг тўрида, кўндаланг қўйилган катта столнинг орқасида, иншо ёзадиган ўша катта, дўнг бурнига олтин сопли кўзойнак қўндириб олган мўйсафид домла ту-

рарди. У худди бизнинг кириб келишимизни кутиб тургандек, кўзойнагини тўғрилаб қўйди-да, қўлига рўйхатни олди.

Тўсатдан юрагим уришдан тўхтаб, нафасим қисилганини сездим, лекин домланинг: «Абдуллаева «беш» деган овози билан бирга гўё кўкрагимга оромбахш, хушбўй ҳаво қўйилиб энгил тортдим-у, ялт этиб қарадим; худди оқ дастурхонга қизил бўёқ тўкилгандек Муқаддаснинг бирдан оқариб кетган юзига қирмизи ранг тарқалиб, қулоқларигача ловиллаб ёнди. Қўлини қидириб топиб, секин қисдим, у миннатдор бўлиб бошини силкитди, сўнг, «жим» деган маънода қўлимни қисди-да, домланинг оғзига тикилди: энди у менинг тақдиримни кутарди!..

Менинг фамилиям рўйхатнинг ўртасида, балки ундан ҳам олдинроқда бўлиши керак эди. Лекин бу масофа менга негадир жуда узоқ туюлди, гўё чумоли карвонидай тизилган рақамлар ва баҳоларнинг охири кўринмас эди.

— Содиқов... уч!

Мен ёмон бир ҳодиса рўй берганини «уч» сўзининг маъносини англашдан ҳам олдин «ялт» этиб қараган Муқаддаснинг кўзларидаги қўрқувдан билдим... Бир нафас хаёлим тўс-тўполон бўлиб кетди, кескин бурилиб аудиториядан чиқдим. Кетимдан Муқаддас ҳам чиқди. Мен нимага ва қаёққа кетаётганимни ўзим ҳам билмасдан узун йўлакнинг тўрига томон юргандим, Муқаддас қўлимдан ушлаб тўхтатди.

— Шошманг, қаёққа кетяпсиз?

— Қўйинг, нима қиласиз?— дедим тўсатдан, менга ачинишига қарамасдан қоп-қора ажойиб кўзларида бахт ва шодлик порлаб турган бу қизга кўнглимда қандайдир бир душманлик сезиб.

— Унақа деманг, балки ўн олти бал олганларни ҳам...

— Майли! Юпатмай қўя қолинг! Мен институтга киролмайдиган бўлганимдан хафа эмасман! Нима қиласиз мени...

— Бўлмаса нимага бундай қияпсиз?— деди Муқаддас.

— Нимага эканини билмайсизми?— дедим унинг юзига газаб билан тикилиб. Мен шунчалик тўлиб-тошиб кетган эдимки, аудиториядаги қиз-йигитлар бирдан ёпирилиб чиқиб қолмаганда, кўнглимдаги бор гапни тўкиб ташлашдан ҳам тортинмаган бўлардим.

— Муқаддас! Сиз билан гаплашишим керак. Шу бугун, ҳозир гаплашишим керак...

Муқаддаснинг нимагадир сал ранги ўчди. У қандайдир таажжуб чўккан кўзларини юзимдан узиб четга қаради.

— Мен бугун... соат тўртда Беговотга кетмоқчи эдим.

— Шунақами?— дедим, — майли, йўлингиздан қолманг...

Овозим титраб кетди. Муқаддас юзимга бир қаради-ю, бошини кескин силкитди:

— Юринг!

Биз ўша паркка, атиги ярим соат олдин хушвақт бўлиб, ўйнаб-кулиб чиқиб кетган паркка қайтиб келдик. Паркда одам сийрак эди. Одатда бўш ётмайдиган хилват жойлардаги скамейкаларнинг кўпчилиги бутунлай бугун кимсасиз бўлиб, институтларда имтиҳон тугаб қолганлигини кўрсатиб турарди. Биз нимагадир бу хилват жойларда тўхтамас, тўхташни на у, на мен таклиф қилардик. Умуман мендаги бояги қатъийлик қаёққадир йўқолган, Муқаддаснинг «юринг» деган кескин гапидан кейин бирдан паст тушиб, журъатсиз бўлиб қолган эдим. Муқаддас эса менинг нима демоқчи эканимни яхши сезса керак, институтдан ўзи бошлаб чиққан бўлса ҳам, энди гап очолмас, оғзинга сўк солгандек, чурқ этмасдан ерга тикилиб борарди.

Паркнинг энг охирига борганда, ўнг қўлдаги қизил қум сепилган торгина йўлнинг бўйида чирмовиқ билан қопланган кичик бир соябон кўринди. Биз унга кўзимиз тушиши билан худди олдиндан аҳдлашиб қўйгандек индамасдан баравар бурилдик...

Соябон тагида уч бурчак қилиб қўйилган иккита скамейка турарди. Муқаддас биринчи скамейканинг четига омонатгина ўтирмоқчи эди, қўлидан ушлаб, бурчакка ўтқаздим-да, ўзим унинг рўпарасига ўтирдим. Бирпас жим қолдик. Сўнгра Муқаддас юзимга бир қараб олди-да:

— Мен сиздан буни сира кутмагандим, — деди кескин, бўёғи кетиб, оқариб қолган босоножқасининг учи билан қумни ковлаб.

— Нимани кутмагандингиз?— дедим гапига тушунмасдан.

— Мен сизни... бунчалик... бўшанг деб ўйламовдим. Биладан, осон эмас. Бироқ... сиз ўғил боласиз ахир!..

Муқаддас биринчи марта иззат-нафсимга теккан эди.

Наҳот менинг нимага озор чекаётганимни ҳалиям тушунмаса?

— Сиз мени институтга киролмайдиган бўлганим учун алам қияпти деб ўйлаяпсизми? Агар билсангиз... Менга институтингиз керак эмас!..

«Бўлмаса нимага бунча хафа бўляпсиз?»— деган саволни кутиб тўхтадим. Лекин Муқаддас «чурқ» этиб оғиз очмас, ҳамон босоножқасининг учи билан қумки чизиб ўтирарди. Мен унинг қўнғир соч толалари орасидан қулоқларининг яна ловиллаб кетганини кўрдим: у нима демоқчи эканимга яхши тушунган эди! Бироқ тушунган бўлса ҳам бор гапни айтмасдан иложим йўқ эди, унинг мақсадимга тушунгани ҳолда гапимни жим ўтириб эшитиши эса кўнглимга далда берарди.

— Мен сизни деб... ёлғиз сиз учун!— дедим ниҳоят.

Муқаддаснинг боши яна ҳам пастроқ эгилди.

— Қўйинг, унақа деманг!— деди у секин титроқ овоз билан.

— Нимага демас эканман? Ахир мен сизни шунчали...

Муқаддас секин бошини қўтариб пастдан юқорига қаради. Унинг учлари эгилган узун киприклари орасида гўё гул чаноқларига қўнган шудрингдек тиниқ ёш томчилари ялтираб, аллақандай титраб турарди.

— Менга ишонмайсизми?— деди у, деди-ю, лаблари худди ўксиган боланинг лабларидек пирпираб уча бошлади, киприклари орасидаги тиниқ томчилар кўпайиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Муқаддас!— дедим унинг қўлларидан ушлаб.

— Агар ишонсангиз... бунақа деманг!..

Мен индамасдан уни ўзимга тортдим, ҳали ўзимга, бахтимга, унинг бўса беришга рози эканига ишонмасдан бағримга босдим. Муқаддас жиндек ҳам қаршилиқ қилмади, у гўё боғбонга бўйин эгган ёш ниҳолдек итоаткорлик билан кўкрагимга бошини қўйди...

Бир минутга бу олам, оёқларим остидаги мен туғилиб катта бўлган бу ер, тепамдаги бу зангори осмон... ҳаммаси қаёққадир йўқолди-ю, Муқаддас билан икковимизгина танҳо қолдик, холос...

Унинг лаблари худди баҳор қуёшини эмган лолани эслатар, лола япроқларидек майин ва илиқ эди, уларда тоғ шабадаси тегиб япроқ ёзган чечакларнинг ажиб тароватли иси бор эди. Сочларидан, ажойиб қўнғир сочларидан райҳон ҳиди келарди...

Мана, бир ой бўптики, мен шу масъуд дамни, шу бўсани орзу қилардим, лекин уни қўмсаб кечалари уйқу кўрмай тонг оттирган чоғларимда ҳам мен бу лабларнинг бунчалик тотли бўлишини билмаган эдим, мен битта бўса худди чанқоқни қондирадиган бир пиёла булоқ суви каби қалбимдаги бутун алам ва изтиробларни боса олади деб ўйламаган эдим!.. Ажабо: битта бўса кўнглимдаги ҳамма чигалларни ечиб ташлаган эди.

Паркдан чиқиб Муқаддас билан бирга яна институтга томон борарканман, ўзимни асфальт устида эмас, гўё пат гилам устида юриб кетаётгандек ҳис қилардим, лабларимда ҳамон лабларининг бахмал майинлигини сезардим, димоғимга ураётган райҳон ҳидидан бошим айланарди... Фақат институтга кирганимизда ва мен эшикда қолиб, Муқаддас «бир минутга» қабул комиссияси жойлашган хонага чиқиб кетганидагина энди мен учун бу бинонинг эшиги ёпилгани ёсимга тушиб, яна юрагим бир қисилиб қўйди. Сўнг ойимга телефон қилмаганимни эслаб, эшикдан кирган жойдаги телефон-автоматга бордим.

Ойимнинг кўрққан, титроқ овози узоқдан жуда ғалати эшитилди.

— Нима дединг? Нимага уч бўлади?

— Нимага бўларди? Ёмон ёзганим учун-да!— дедим мен энсам қотиб.

— Даданга айтдингни?

— Нима дейман?

— Дарров айт! Тентак бўлдингни? Сенга айтяпман, эшитяпсанми — дарров топиб айт!

— Хўп!

Юқоридан Муқаддаснинг тушиб келаётганини кўриб трубкани илиб қўйдим.

«Энди бир қилмаган ишим имтиҳондан йиқилдим, деб Салим Каримовичга йиғлаб боришми?»

Мен унинг қандай қилиб уч олганимни синчиклаб узоқ суриштиришини, аччиғи чиқиб пўнғиллашларини кўз олдимга келтирдим.

— «Йўқ, ўлсам ҳам бормайман!»

Муқаддас кулгисини, қувончини яширишга ҳаракат қилар, лекин қирғоққа сапчиган тошқиндек, шодлик юзига тепиб, кўзларида жилваниб турарди.

— Ун саккиз бал олганларнинг кириши шак-шубҳасиз эмиш!— деди-да, кўнглимни кўтариш учун бўлса керак:— Ақалли ўн етти балга ҳам етолмадингиз-да!— дея қўшимча қилди.

Бояги игна юрагимга яна бир қадалди.

У дарҳол Беговотга жўнамоқчи эканини айтди, шундай айтдики, гўё мендан ижозат сўради. Мен уни кузатиб қўймоқчи бўлдим. У қаршилиқ билдирмади. Умуман илгарги кинога боришга кўнмай юрган бу қиз, бугун битта ҳам илтимосимни рад этмас, гўё бу билан қалбимдаги ярага малҳам берарди. Менинг эса бунга ҳам кўнглим тўлмас эди. Кейинчалик мен, Муқаддаснинг муваффақияти ва ўз муваффақиятсизлигим ўша куни мени қандайдир инжиқ ва эгоист қилиб қўйганини, умуман мен ўзимни ўнгил болаларча тутмаганимни кўп марта уят билан эслардим. Аммо ўша вақтда мен бунга сезмасдим. Афтидан, худди шундай инжиқликнинг таъсирида бўлса керак, вокзалда поезд кутиб ўтирганимизда, мен чидай олмадим-да, бизнинг муносабатимиз келажакда қандай бўлишини билмоқчи бўлдим...

— Кейин. Мен қайтиб келай, кейин гаплашамиз!— деди Муқаддас ва энди боягидек йиглаб эмас, кулиб туриб сўради:

— Бир нимадан шубҳа қиляпсизми?

— Йўқ, нега?— дедим дудуқланиб.

Муқаддас бир зум жим қолгач:

— Энди нима қилмоқчисиз?— деб сўради.

— Нима қилардим, ишлаيمان,— дедим ва бу сўзларим Муқаддаснинг юзида қандайдир илиқ ва шод табассум уйғотганини кўриб қолдим.

— Агар йиқилганимда мен ҳам ишлардим, — деди Муқаддас нимагадир ҳаяжонланиб,— ўзимизнинг металл заводимизга кириб ишлардим. Сиз ҳам заводга кириб. Бунақа юришдан ҳеч бир фойда йўқ...

Мен машинасозлик заводининг бир йиллик стажибор ишчиси эканимни айтмоқчи эдим, поезд жўнайди-ган бўлиб қолди. Шошиб хайрлашдик. Муқаддас вагоннинг зинапоясига чиқаётиб қулоғимга шипшиди:

— Икки-уч кунда қайтиб келаман. Ётоқхонага келинг, кутаман. Хўпми?

Поезд узоқлашиб, унинг шамолда ҳилпираган оқ шойи кўйлаги кўздан йўқолгунча қараб турдим.

Кўнглим энди мутлақо тинчиган эди. Қулоқларим тагида «Ётоқхонага келинг. Кутаман...» деган сўзлари такрорланар ва юрагимга аллақандай осойишта ва сўнмас бир шодлик бағишлар эди.

Кўчада, қаёққа боришимни ўйлаб, бир нафас турдим, сўнг бирдан қандайдир енгил тортиб, қувонч билан қарор қилдим — заводга!

Заводни эслашим билан бўлиб ўтган ҳамма воқеа қайта эсимга тушиб, ўзимдан ўзим уялиб кетдим.

Лекин шу заҳотиёқ «шунчалик хижолат бўладиган Ёрон жиноят қилдимми?»— деб ўзимни юпатиб қўйдим, кўнглим ўша осойишта, ёруғ қувончга тўлиб, автобус билан заводга жўнадим.

* * *

Заводга биринчи смена ишини тугатиб, навбатдаги смена ишга тушадиган пайтда етиб бордим. Автобусдан тушиб заводнинг қизил ёиштдан қурилган баланд қўрғонига қараб юрганымда, дарвозадан ишчилар ҳам тўп-тўп бўлиб чиқа бошладилар. Ўртоқларимни кўчада кутсам ҳам бўларди-ю, цехни, станогимни бир кўриб кетиш ниятида ичкарига кирдим.

Дарвозадан кираверишда ярим гектар келар-келмас гулзор бор эди. Гулзорнинг ўртасида заводнинг ҳурмат тахтаси, баъзи стендларга завод физкультурачилари олган кубок ва фахрий ёрлиқлари қўйилганди. Гулзорнинг орқасида, то кўз илғамас жойларгача, бир-бирга параллель қурилган баланд ойнаванд цехлар қад кўтарганди. Улар худди катта парникларни эслатарди.

Бизнинг механика цехимиз гулзорнинг орқасидаги учинчи бинога жойлашган.

Ўовлига киришим билан гулзорнинг ўртасидан ўтган йўлнинг чап томонида, кичкина цемент ҳовузчанинг ёнида тўпланиб турган бригадамиз йигитларига кўзим тушди. Менинг тўғримда қандайдир гап кетаётган бўлса керак, дарвозадан киришим билан йигитлардан бири:

— Ана, ўзи ҳам келди!— деб юборди.

Ўовузнинг ёнига тиз чўкиб, соқол қиртишлаётган Қулоянц:

— Оламда бормисан, академик?— деди кўпик чап-лашган юзини буриб. — Изламаган жойимиз қолмади-ку? Қаёқларда юрибсан?

— Нима гап ўзи?— дедим, йигитлар билан кўришарканман, лекин говур-ғувур бўлганиданми, билмадим, ҳеч ким менга жавоб бермади.

Белигача қип-яланғоч бўлиб, краннинг сувига ювинаётган Тўлаган дабдурустан:

— Ўртоқлар, тунов куни мен бунга битта жонон билан бошлашиб юганини кўрувдим!— деди итотсиз сочларини артаркан. — Аммо жонони жа зўр экан!

— Шунинг учун ўқишга кирмасдан қочиб юрган экан-да, деб кимдир орқамдан гап отган эди, ҳаммаси бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

— Нима гап ўзи? Нимага қидирдиларинг?— дедим юрагим пўкиллаб.

Соқолини олиб бўлиб ёнимга келган Кулоянц елкамга битта туширди:

— Жононга ошиқ бўламан деб ақлу ҳушингдан айрилибсан-да! Тунов кунги гаплар эсингдан чиқдимми?

— Бригадамиз Қоммунистик меҳнат бригадаси, деган ном олмоқчи-ю, сен бўлсанг лақиллаб юрибсан. Қойилман сендақа академикка!

— Одамларни чалғитма!— деди Тўлаган, пахмоқ сочиқ билан мускуллари бўртиб турган баданини қизартириб артаркан,— ном олиш учун курашга бел боғламоқчимиз дегин! Ҳали пойгада ўзиб келсанг оласан бу номни!

— Пойгага тушгандан кейин ўзамиз-да!

Мен болаларнинг ҳаммаси бирдек яхши кийинганларини, баъзилари эса бўйинларига галстук тақиб олганларини эндигина пайқадим.

Демак ҳозир тунов кун Сулаймон Акрамович айтган мажлис бўлади. Бригадамиз Қоммунистик меҳнат бригадаси деган ном олиш учун кураш бошлаб юборган бригадалар қаторига қўшилади!.. Бунни чиндан ҳам эсимдан чиқариб юборган эканман! Бирдан кўнглим гаш бўлди-ю, станогимни кўриб чиқаман, деган баҳона билан тезроқ цехга қараб кетдим. Тўлаган орқамдан «тўғри клубга боравер, ҳозир мажлис бошланади», деб қичқариб қолди.

Сиртдан қараганда парникни эслатадиган цех ичига кирганда, уни тўлдирган оғир машиналарнинг салобатидан, станокларнинг гуриллаши, йўнилаётган деталларнинг учқун сачратиб гувиллаши, темир-терсақларнинг чарс-чурси ва яна аллақандай овозлардан улуғворлик кашф этиб, биринчи бор кирган одамнинг ҳушини қочиради, бир вақтнинг ўзида ҳам чўчитади, ҳам жўшқин кучи билан қандайдир ўзига тортади. Лекин аста-секин киши бунга ўрганиб кетади-ю, ҳамма нарса оддий ва табиий бўлиб қолади. Қизиқ, мен бир ойга яқин келмаганим учунми, билмадим, кўзимга цех худди биринчи марта кирганимдагидек жуда улуғвор, ҳайбатли ва айни маҳалда жуда иссиқ кўриниб кетди.

Иш жойим цехнинг ўртасида эди. Икки томонида қатор станоклар саф тортган кенг йўлакдан юриб, ўз

станогимга бордим. Станогимда пакана, лекин зуваласи пишиқ корейс йигит Борис Цой ишламоқда эди. У сеялканинг бир деталини йўнмоқда, станокнинг ўткир пўлат пичоқлари орасидан темир қириндилар худди ранда остидан чиқаётган юлқа пайраҳалардек буралиб-буралиб чиқмоқда эди.

Цой мени кўрмади, мен ҳам унинг ишига анча вақт индамасдан разм солиб турдим.

Аста-секин станокнинг бу ажойиб иши, Цойнинг эпчиллиги, ерга буралиб тушаётган ғалати шаклдаги темир қириндилари, бир четга қаланаётган деталлар кўзимни қиздириб институт ҳам, имтиҳон ғовлари ҳам, ҳатто Муқаддас ҳам кўзимга аллақандай узоқ ва аҳамиятсиз бўлиб кўринди. Бирдан енгил тортиб, Цойнинг елкасига қўлимни қўйдим.

— Ҳорма, дўстим!

Цой бурилиб қаради:

— Ҳа, сенмисан?— деди ва у чап қўлининг орқаси билан пешона терларини артаркан, ўнг қўлини чўзиб кўришди:

— Нима қилиб юрибсан?

— Шу... ўзим... — дедим.

— Ҳа-а!.. — деди Цой ва яна ўз ишига киришди.

Цой азалдан камгап эди. Буни яхши билардим, лекин кишининг кўнглида бир шубҳа бўлса ҳамма нарса бошқача тус олиб, бошқа маъно кашф эта бошлайди. Ҳозир мен ҳам худди шундай бўлдим. Цойнинг мен билан ёзилиб гаплашмагани жуда қаттиқ ботди, энг муҳими менга шундай туюлдики, гўё у ишдан қочиш ниятида бўлганимни билгани учун бундай совуқ муомала қилди. Мажлисга боришга ҳам негадир журъат этолмай қолдим. Ҳозир бригадамиз Коммунистик меҳнат бригадаси деган ном олиш учун бел боғлашаётган азамат коллективлар сафига ўтадиган бўлса, демак, мажлисда фақат яхши ишлашгина эмас, шу билан бирга ҳаққонийлик, софдиллик, камтарлик ва яна кўп нарсалар тўғрисида гап боради, албатта. Шундай пайтда мен нима дейман? Бўлган воқеани очиқ айтсам бригадада қолдиришармикин? Қолдиришмаса нима қиламан? Муқаддас эшитса нима дейди?

Шу вақт орқамдан:

— Шарифжонмисан?— деган таниш овоз эшитилди.

Бу Сулаймон Акрамович эди. У бирорта станокни тузатганми, ё одатдагидек ишлаб чиқарилган деталларни текшириб юрганми, ишқилиб қўллари билакларига-

ча қоп-қора мой эди. Ҳизга ярашиб тушган кўкраги очиқ комбинезон уни худди спортчиларга ўхшатиб кўрсатарди.

— Мажлисга келдингми? Нимага клубга бормасдан бу ерда турибсан?— деди у, қўлларини эски латта билан артаркан.

Станогимни кўргани кирганимни айтдим, Сулаймон Акрамовичнинг кўзларидаги ифода қандайдир юмшаб, жилмайди.

— Соғиниб қолдим дегин? Унақа бўлса — яхши!— деди у.— Станогингга мана Цой қараб турибди. Жойида. Қани юр, мажлисга борайлик.

Цехдан чиқиб клубга қараб кетдик. Мен Сулаймон Акрамовични кўрган заҳотиёқ унга бор гапни айтиб берсаммикин, деган фикрни кўнглимдан ўтказгандим, лекин гапириб бериш учун уни тўхтатиш керак бўлади, мен эсам ҳаяжонланганимдан гапни нимадан бошлашимни билмас эдим. Бунинг устига Сулаймон Акрамович ойим билан ўзим тўғримда тўхтовсиз саволлар бериб борардики, унинг гапини бўлиш ҳам ноқулай эди, клубга ҳам етиб бордик.

«Агар сўз беришса нима дейман? — хаёлимга келган бу фикрдан юрагим шувиллаб кетди. — Ҳаммасини очиқ айтаман!»

Заводнинг худди қутига ўхшаган узун, энсиз клуби одамга лиқ тўлган, кўпчилиги ёшлар, кекса ишчилар эса олдинги икки-уч қаторда ўтиришарди.

Бригада аъзоларимизнинг ҳаммаси президиумда ўтирар, кириб борганимизда саҳнада Тўлаган гапирмоқда эди.

Сулаймон Акрамович, худди мажлис раиси кўриб қолиб президиумга таклиф этишидан қўрққандек, эшикдан кирган жойдаги бўш скамейкага секин ўтира қолди, мен орқароққа ўтирдим.

Тўлаган ўнг қўли билан итоатсиз қалин сочларини тинимсиз қайириб, қандайдир хушчақчақ, жарангли овозда гапирмоқда эди:

— Яхши ишлаб, планни бажариш яхши! Аммо, бу билан иш битмайди. Биз чиндан Коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олмоқчи бўлсак, ҳар жиҳатдан илғор бўлишимиз керак. Хўш, илғор бўлиш осонми? Йўқ! Осон эмас! Масалан, ўқиш масаласини олайлик. Коммунистик жамиятнинг ҳар бир аъзоси чуқур илмни бўлиши шарт. Тўғрими? Тўғри! Лекин орамизда шу оддий нарсани тушунмайдиган ишчилар ҳам бор. Маса-

лан, Шарифжонни олайлик. Урта маълумотли бўла туриб, сиртдан ўқишни хоҳламайди. Қийинчиликлардан қўрқади чамаси...

Пастдан:

— Ўзи борми? Ўзи жавоб берсин!— деган овозлар эшитилди. Юрагим гурс-гурс уриб ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим ҳамки, Тўлаган қўлини кўтариб овозларни босди:

— Шарифжонни ёмонламоқчи эмасман! — деди у,— Шариф яхши йигит, яхши ишчи. Биз уни барибир ўқитамиз! Фақат демоқчиманки, Коммунистик бригада деган номни олмақчи бўлсак, қийинчиликлардан қўрқмаслигимиз керак! Бу ном биздан кўп нарсани талаб қилади. Биз софдил, камтар, ишда зарбдор, турмушда ҳаққоний бўлишимиз керак. Ароқ деган ифлос нарсанинг ёнига ҳам йўламаслигимиз керак. Қизлар масаласида ҳам...— Тўлаган негадир дудуқланиб, гап тоғолмай қолди, шу вақт яна кимдир пастдан:

— Қизларнинг ҳам ёнига йўламаслигинг керак! — деб юборди-ю, зўр қаҳқаҳа клубни ларзага келтирди.

Тўлаган бошини кескин силкитди:

— Йўқ, бекорларни айтибсиз! Биз турганда қизларнинг ўзи сенинг ёнингга йўламайдиган бўлишади! Биз улар билан шундай хушмуомалада бўлиб, уларни шундай ҳурмат қиламизки, қизлар биз турганда сенинг ёнингдан ҳам ўтмайдиган бўлишади! Тушундингми? — деди-да, зўр қарсақлар остида жойига бориб ўтирди.

Тўлагандан кейин минбарга соч-соқоли оппоқ оқарган, узун бўйли, қотма бир чол чиқди. Бу заводнинг энг кекса ишчиси, кекса большевик эди. У гапни жуда узоқдан, революция йилларидан бошлади, лекин унинг эсдалиги мажлисга бирдан қандайдир руҳ киргизиб, тантанали бир вазият вужудга келтирди. Ҳамма гўё бу мажлиснинг қанчали жиддий эканини эндигина тушунгандек, зал бирдан сув сепгандай жимжит бўлиб қолди.

— Ўғлимнинг гапни эшитиб астойдил қувондим,— деди у ва боши сал қалтираб, Тўлаганга қараб қўйдди,— биз кексалар ёшларнинг камчилигини кўрсатишни, уларни танқид қилишни яхши кўрамыз. Аммо шу бугун мен бундай ёшларни, бундай йигитни бағримга босиб ўпгим келди. Балли ўғлим!..

Чол боши сал қалтираб президиумга борди ва Тўлаганнинг бошини ушлаб, пешонасидан ўпди.

Залдагилар бирдан ўрнларидан туриб кетдилар ва мен худди боя цехга кирганимдагидек Муқаддас

ҳам, институт бўсағасида чеккан ташвишларим ҳам — ҳаммаси қандайдир узоқ, аҳамиятсиз, кераксиз бўлиб қолганини ҳис этдим. Қўллари, юзлари, кийимлари мой бўлган бу меҳнаткаш одамларнинг вазмин, босиқ, самимий гаплари ва қандайдир олижаноб муносабатлари олдида чеккан ташвишларимнинг ҳаммаси арзимайдиган бир нарса бўлиб кўринди. Уша пайтда президиумда бўлмаганим учун, чол мени ҳам ўпмагани учун чин кўнглимдан афеусланардим, ўз дўстларимга ҳасад билан тикилардим.

Минбарга Сулаймон Акрамович чиқиб қўлини кўтарди. Унинг йўғон, дўрилдоқ овози зални тўлдириб шов-шувни босиб қўйди.

— Ҳурматли отахонимиз тўғри айтадилар. Биз кексалар ўзимизни кўп мақтаб, ёшларни кўп уришамиз. Аммо бир томондан мақтанмасдан илож йўқ! — деди Сулаймон Акрамович ва залда кўтарилган кулги босилгунча қўлини кўтариб кулимсираб кутиб турди.

— Масалан, ҳозир қийинчилик тўғрисида гап кетди. Шу гап тўғрими? Менимча унча тўғри эмас. Аввало ўқиш масаласини олайлик. Айтсам мақтаняпти дейишларинг мумкин, аммо... масалан биз қай аҳволда ўқиганмиз: рус тилини билмас эдик, ўрта мактаб ҳажмида мустақкам илмга эга эмас эдик. У маҳалда турмуш ҳам ҳозиргидан ўн баравар оғир эди. Шунга қарамасдан ўқидик, олий маълумот учун ётиб тортишдик! Мақтансак арзийдими? Арзийди! Шунинг учун арзийдики, ҳозир баъзи ишчи ёшларимиз, Тўлаган айтгандек, қийинчиликдан қочадилар!

Сулаймон Акрамович, ҳозир менинг номимни тилга оладиёв деб аъзойи баданимни совуқ тер босди, лекин у мени уялтиргиси келмади шекилли, бирдан гапни буриб юборди. Бугундан бошлаб бригадамиз зиммасига зўр масъулият тушганлигини айтди, бу масъулиятни оқлашимизга ишонч билдирди ва ҳаммамизга муваффақиятлар тилади. Ундан кейин завод парторги гапириб, гулдурос қарсақлар остида Коммунистик меҳнат бригадаси деган ном олиш учун курашаётган бригадалар сафига ўтганимизни эълон қилди...

Залда тўпланганлар тарқалиша бошлади, ёлғиз мен пастда, залда ўтирар ва нима қилишимни билмас эдим.

Мажлисга кеч келганим учун шундай бўлаётганини, акс ҳолда мени ҳам президиумга чақиришларини билар эдим, лекин худди боягидек кўнглимдаги шубҳа бунинг ҳаммасига бошқа тус бермоқда эди.

«Йўқ, ҳозир айтаман, ҳаммасини ўзим айтиб бераман!» деган фикр хаёлимда ҳануз такрорланарди, лекин кимга айтишимни ўзим ҳам билмас эдим.

Шу вақт, президиумдан тушиб келаётган Сулаймон Акрамовични кўриб қолдим. Кейин билсам, у менинг бир четда қолиб кетганимни кўриб, атайин ёнимга келган экан.

— Қани, табриклар қўяй, ўғлим!— деди у, узоқдан қўлини чўзиб ва кулимсираб.

Шу топда ўзим жуда тўлиб турган экалманми, ё Сулаймон Акрамовичнинг илиқ муомаласи сабаб бўлдим, ишқилиб шу залнинг ўзидаёқ у «ўғлим» деб гап бошлаши биланоқ, оғздан сўзини олиб, бўлган воқеани сўзлай кетдим. Ҳаяжонланиб, дудуқланиб гапира бошладим. Сулаймон Акрамович пала-партиш ҳикоямни типпа-тик турганича олдин кулимсираб (афтидан, менинг самимийлигимдан севиниб), сўнгра қошларини чимириб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикиб, илдасдан эшитди. Гапириб бўлганимда клубда битта ҳам одам қолмаган, бўш залда фақат иккимиз турардик. Ниҳоят Сулаймон Акрамович кўзларини бир нуқтадан узиб, юзимга тикилди.

— Агар сўнги имтиҳондан ҳам яхши ўтганимда... бу ерга қайтиб келмас экансан-да, шунақами?— деб сўради.

— Ҳа,— дея бош ирғатдим.

Унинг юзига қарашга журъат этмасдим, гапни ўсим бошлаган бўлсам ҳам юрагимда бор гапни айтиб бўлганимдан кейин бирдан ўзимни йўқотиб қўйдим.

Жуда узоқ туюлган жимликдан кейин Сулаймон Акрамович:

— Эрталаб оинг уйда бўладими?— деб сўради.

— Бўлсалар керак.

— Айтиб қўй: эрталаб соат саккизларда бораман, йўлдан кириб ўтаман.

Ялт этиб унинг юзига қарадим. Сулаймон Акрамович ўсиқ қошларини чимириб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикиб, узун, дағал бармоғи билан учлари сарғайиб қолган мўйловини силаб турарди. Бошимни кўтаришим билан у ҳам қаради, томирлари бўртиб чиққан катта, ялпоқ кафтини чўзди:

— Хўп, гап шу!— деди у,— эртага учрашамиз!

«Нима демоқчи? Ойим билан нима тўғрисида гаплашмоқчи?» хаёлимда шу нотинч ўйлар билан уйга кетдим...

Уйга кун ботиб, қош қорайиб қолганда кириб бордим. Ойим гулзорнинг ўртасидаги супада икки қўлини тиззасига қўйиб, аллақандай ўйчан, гамгин бир вазиятда ўтирар, оқ шойи кўйлагининг устидан попукли нпак камар тақиб олган Салим Қаримович эса супа билан гулзор ўртасидаги бир парча ерда у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турарди. У камарининг бир учини ўнг қўлига ушлаб олган ва унинг попуги билан чап қўлини ҳадеб савалар, бу эса унинг нимадандир безовта бўлаётганини кўрсатарди. Эшик «ғийқ» этиб очилиши билан Салим Қаримович тўхтади, кўзойнаклари устидан тикилиб қаради. Ойим чўчиб бошини кўтарди.

— Хайрнят!— деди Салим Қаримович ва нимагадир бошини чайқаб уф тортиб қўйди.— Биз сени деб қаёқларга бориб, эрталабдан бери чоп-чоп қилиб юрибмиз-у, сен бўлсанг... ўз ҳолингга юрибсан. Одам деган ҳам шунақа бепарво бўладими, ўғлим?

Ойим индамасдан ўрнидан туриб олдимга келди ва аллақандай ҳолсиз, чарчоқ овозда:

— Қаёқларда юрибсан, болам?— деди секин. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлганини кўриб, шошиб қолдим.

— Қани юр, уйга кирайлик,— деди Салим Қаримович, қатъий овозда,— бир соат вақт қолди!

Ҳайрон бўлиб бир ойимга, бир Салим Қаримовичга кўз ташладим. Салим Қаримович менга қараб мамнун кулди:

— Бир бало қилиб ишингни тўғриладик, ўғлим... Уртоқлар илтимосимизни қайтармадилар. Қани бўла қол, иншонгни тўғрилатиб келганман, тезроқ кўчириб бер!..

Шошганимдан:

— А?!— деб юбордим. Салим Қаримовичнинг бу хабаридан қувониш керакми, йўқми, буни ҳали ўзим ҳам яхши тушуниб етмасданоқ, ёдимга Сулаймон Акрамович тушди. Тушди-ю, кўнглимнинг бир четиде «ярқ» этган шодликка совуқ сув сепилгандек бўлди.

— Йўқ, фойдаси йўқ,— дедим.— Энди фойдаси йўқ...

Бу сўзларни секин айтдим, лекин қизиқ, шундай дейишим билан Муқаддасни эсладим!

«Наҳотки тўғрилаш мумкин бўлса? Наҳотки биз бир институтда, бир аудиторияда, бир жойда ўтириб беш йил ўқишимиз мумкин бўлса? Наҳотки у билан доим бирга бўлиш бахтига муяссар бўлолсам?»

— А?— деди Салим Каримович,— қайта айт: нима дединг?

— Уйга кирайлик, уйга кириб гаплашайлик,— деди ойим. Унинг овозида қандайдир қўрқув бор эди.

— Бу қандоқ бўлди?— деди Салим Каримович. У бунақа жавобни сира кутмаганидан бўлса керак, кўзойнагини дам қўлига олар, дам қайта тақиб, бир ойимга, бир менга қарарди,— ўқишга хоҳишинг йўқ бўлса, яъни умрбод шу заводда оддий ишчи бўлиб ўтаман десанг... тагин ўзинг биласан. Аммо бундай қулай пайт турмушда бир келади, ўғлим. Сенинг ўрнингда бўлсам, уни қўлдан бермас эдим, тагин ўзинг биласан!

Ойим қўлимдан ушлади:

— Юр, ўғлим, уйга кирайлик...

Индамасдан ойимнинг кетидан уйга кирдим. Салим Каримович нимагадир кирмади.

Хаёлим бирдан тўс-тўполон бўлиб кетган, кўнглимда бир-бирига зид ҳислар олишмоқда эди. Ҳақиқатан ҳам ғалати аҳволга тушиб қолгандим. Муқаддасни десам, бояги ажойиб одамлардан, дўстларимдан айирилишимни сезардим, лекин уларни десам... Муқаддас нима бўлади?..

Ойим айвондан уйга кираётиб эшик тепасидаги тугмачани босди. Уйни чарақлатиб юборган лампочка нурида столда турган катта сопол товоқ тўла ошни кўрдим. Ошга ҳеч ким қўл урмаган, афтидан, ойим уни менга сузган-у, келмаганимдан кейин ўчоққа қўйишни унутган, ош совиб қолган эди.

— Овқатингни иситиб берайми?— деди ойим. «Йўқ» деб бош чайқагандим, юзимга тикилди.

— Қани ўтир, нима гап ўзи, тузукроқ тушунтир-чи?

Ойим қўлимдан тортиб стулга ўтқизди-да, ўзи ҳам четда турган стулни рўпарамга суриб ўтирди. Лампочканинг кўзни қамаштирувчи ўткир ёруғлигида унинг пешонасидаги, кўзлари ва лабларининг четларидаги ажинлари аниқроқ кўриндими, ё бутун қиёфасидаги аллақандай мунгли, маъюс ифода таъсир этдими, билмадим, ишқилиб, биринчи марта унинг хийла қариб, чарқаб қолганини аниқ кўрдим. Назаримда унинг дилида мендан, ўз фарзандидан яшириб юрган бир дарди, нидоси бордек туюлди-ю, бир секундга оёғига чўккалаб, унинг тиззасига бош қўйгим, ювилавериб ранги ўчиб қолган чит қўйлагига юзимни яшириб, ором олгим, ҳамма нарсани унутгим келди... Лекин худди шу пайт ойимнинг кўзларидаги маъюслик аллақандай совуқ бир ифода билан алмашди.

— Нимага индамайсан? Қаёқларда тентираб юрибсан?

Бу совуқ ифодани кўрмаслик учун ерга қарадим, шу вазиятда бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб бердим, заводга борганимни, дўстларимнинг қандай қарши олганларини, Сулаймон Акрамовичга сиримни очганимни ва унинг эртага келмоқчи бўлганини — ҳаммасини гапириб бердим, фақат Муқаддас тўғрисида ҳеч нима демадим.

Ойимнинг кўзларига ўйчанлик чўккан эди. У юзимга тикилиб ўтирар, лекин хаёли бошқа ёқларда эди. Аста-секин қалбимга тағин бояги туйғулар қуйилиб кела бошлади: тағин боягидек унинг муштипар бир аёл эканини, кўнглининг бир бурчида мenden яшириб юрган сирлари борлигини ўйлай бошладим, бироқ худди боягидек тағин кўнглим эриб кетаётганда ойим гап бошлади:

— Сулаймон ака билан ўзим гаплашаман,— деди у босиқ, маънос овозда,— унга ҳаммасини ўзим тушунтираман. Нечук сени ўқишга киритишга бунчалик уринаётганимни ўзингга ҳам айтиб бераман, болам. Эҳтимол мен нотўғри қилаётгандирман. Бироқ бошқа иложим йўқ. Бунинг сабабини кейин тушунтириб бераман, болам. Лекин... Сен ҳозир дадангнинг айтганини қил: иншонгни унга кўчириб бер. Бўлмаса кеч қоламиз...

Йўқ, ёш бўлишига қарамасдан юзини ажин тўри қоплаган бу аёл ўғлининг заводга кириб ишлашидан кўрқадиган хотинлардан эмас. Буни мен яхши билардим. Демак, уни бу ишга мажбур этаётган қандайдир бошқа сабаблар бор!

Ойим менинг кўнмасдан ўжарлик қилишимни кутган бўлса керак: «Сен олдин ишони ёзиб бер, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман, ҳаммасини айтиб бераман» деган сўзларни бир неча марта такрорлади. Мен эсам... Ойим бу сўзларни ҳар такрорлаганида елкамни босиб турган оғир тошларнинг биридан қутулаётгандек бўлардим, ўзимни тобора енгил сезардим... Ахир менинг ўқишим шунчали шарт экан, бунга ҳозирча мен учун номаълум бўлган жуда муҳим сабаблар бор экан, ниҳоят Сулаймон Акрамовичга ҳам ойимнинг ўзи жавоб берар экан, нимага унинг талабини адо этмас эканман? Зотан унинг талабини рад этишга қандай ҳақим бор?

Тўғриси айтсам, кўнглимнинг бир четида қандайдир шубҳа бор эди. Ойим келтирган, тўғрироғи, ишони

ёзиб берганимдан сўнг айтадиган далиллари қанчалик салмоқли бўлмасин, дўстларим олдида ўзимни оқлай олмаслигимни сезардим, лекин... кўз олдимда кулиб турган Муқаддас, у билан беш йил бирга бўлиш истаги бу ўйлардан зўр чиқди-ю, қандай қилиб: «хўп» деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Ойим ташқарига чиқиб бирпасдан кейин дадамни бошлаб кирди. Нимагадир кулимсраган, афтидан, ўз ишидан мамнун бўлган Салим Қаримович, қўлимга ўроғлик қоғозни бераркан:

— Қанақа ёзганингни бир кўриб қўйгин-у, қалақа ёзиш кераклигини ҳам ўрганиб олгин,— деди жилмайиб,— келажагингни шу қоғоз ҳал қилади. Эҳтиёт бўл, ўғлим!

Бу ўша — Гулнор билан Йўлчи тўғрисида ўз қўлим билан ёзган иншо эди. У қизил қалам билан шундай тузатилган, шундай чизиб ташланган эдики, худди қуроқ кўрпани эслатар, қалам тегмаган битта ҳам жумла қолмаган эди. Мен бунчалик тузатишларнинг сабабларига тушунмоқчи бўлиб, иншони ўқий бошлаган эдим, дадам қўлини елкамга қўйиб:

— Олдин кўчириб бер! Кейин ўқийсан!— деди.

Ойим бу гаплар менинг иззат-нафсимга тегиб кетишидан қўрқса керак:

— Бўлақол, болам, тезроқ кўчириб берақол,— деди секин.

Ойим қўрқмаса ҳам бўларди: Салим Қаримовичдан хафа бўладиган жойим ҳам йўқ, ҳақим ҳам йўқ эди.

Кейинчалик ҳамма нарса ҳал бўлгандан кейин мен ҳар сафар ўша дақиқаларни эслаганимда шундай уялар, юрагимни шундай қаттиқ бир оғриқ чангаллаб олардики, инграб юборардим. Лекин у маҳалда бироянининг қўли билан тузатилган иншони кўчириб нақадар катта хато қилаётганимни сезмас эдим, чунки хаёлим қувончли бир фикр билан банд эди:— Энди Муқаддас иккимизни ҳеч нарса ажрата олмайди!

Менинг ўрнимда ҳамма ҳам шу аҳволга тушиб қоллармикин, ё мен ўзим шунчалик беқарор эканманми, билмадим, ишқилиб, ўшандан атиги бир соат олдин, мажлис вақтида қилган афсусларимни унутиб, иншони қайта кўчирар эдим. Мажлис маҳалида, у ерда жўш урган меҳнат руҳига мафтун бўлиб, Муқаддасни унутган бўлсам, энди ўша дўстларимни, ўша ажойиб руҳни унутиб, ёлғиз Муқаддасни ўйлардим...

Ниҳоят ёзиб бўлдим. Салим Қаримович ёзганларим-

ни ўзи бир марта ўқиб чиққач, бирор соатда қайтиб келишни ваъда қилиб, ошнасининг олдига жўнади. У чиқиб кетиши билан ойимга қарадим: унинг қўлида бу нотўғри, ифлос кирдикорни оқлайдиган қандайдир бир ҳужжат бор эди. Мен бу ҳужжатни кўришни, виждоним олдида ўзимни оқлашни истардим! Ойим ҳам менинг мақсадимни сўзсизоқ тушунди шекилли, уйнинг тўрига бориб, бутун деворни қоплаб олган гулдор чойшабни кўтариб миҳга илди ва тахмонда турган катта эски сандиқнинг устидаги кўрпаларни битта-битта олиб столга қўя бошлади.

Мен индамасдан унинг ишини кузатиб ўтирардим. Кўрпаларни олиб бўлгач, ойим сандиқни очди-да, унинг ичидан четлари қирқилган эски бир чамадон олиб, олдимга қўйди. Чамадонни очаётганида қўллари секин титраётганини пайқаб қолдим.

«Нега?! Мен ҳамма балони ўзим қилиб, яна айбни унга тўнкаб, дилига озор бераётганим йўқмикин?..»

Чамадондаги нарсалар оқ шойи билан ўралган эди. Ойим шойини кўтарди ва мен эҳтиёткорлик билан тахланган бир чамадон хатларни, эски конвертларни кўрдим. Уларнинг кўпчилиги уч бурчак хатлар бўлиб, сарғайиб, четлари йиртилиб кетган, кўк қалам билан битилган устидаги ёзувлари ҳам ўча бошлаган эди.

— Бу... отангнинг хатлари,— деди ойим, деди-ю, кўзлари жикқа ёшга тўлди,— мана, ўзиниям бир кўриб қўй...

Ойим хатларнинг тагидан катта бир конверт топиб ундан иккита сурат олди ва биттасини менга узатди.

— Фронгда тушган сурати...

Бу — узун бўйли, чакка суяклари туртиб чиққан, лунжлари ичига ботиб кетган қоп-қора бир одамнинг сурати эди. У жилмайиб турар, лекин негадир, афтидан, жуда озиб-тўзиб кетгани учун бўлса керак, йиғлаб турганга ўхшарди. Унинг бошида эски пилотка, эгнида ғижимланган эски гимнастёрка, оёғида катта рабочий этик, суратнинг тагига эса қалам билан «Ленинград, 1941» деган ёзув битилган эди. Кўзим шу ёзувга тушди-ю, йиғлаб турганга ўхшаган бу қоп-қора новча одам юрагимга яқин, меҳрибон, гўё мард ва довюрак бир кишига айланди, гўё «Ленинград, 1941» деган сўзлар тўсатдан ярқ этиб нур сочди-ю, бу нур пилотка кийган нотаниш одамнинг қалбини, ички дунёсини, руҳини ёритиб юборгандек бўлди...

«Отам!» мен бу сўзни фақат хаёлимда тилга олсам

ҳам, у тўсатдан кўнглимни эритиб юборди. Ажабо: мен бу сўзни биринчи марта чин қалбимдан, самимий тилга олишим эди...

— Мана, буни ҳам бир кўриб қўй...— Ойим иккинчи суратни чўзди, чўзаркан, билинар-билинимас қизаргандек ва кулимсирагандек бўлди.

Бу дадам иккисининг урушдан олдин олдирган суратлари эди. Иккиси ҳам ёш ва бахтиёр эдилар.

— Мана шу одам сенинг отанг, ўғлим,— деди ойим секин.— Мен отанг олдида гуноҳкор эмасман, ўғлим. Хоҳласанг, мана хатларини ҳам ўқиб кўр. Мен жуда ёш бўлганим учун... турмуш қилдим. Бироқ мен ҳанузгача...— Ойим энтикди, бир секунд сўзидан тўхтаб, рўмолча билан кўзларини артди, сўнгра ўзгарган, босиқ овозда давом этди:— Мен уни ҳанузгача унутганим йўқ, ўғлим. Шунинг учун унинг биттаю битта васиятини бажармасам виждоним олдида тинчий олмайман. Унинг биттаю битта васияти — сени ўқитиш эди, ўғлим, ўқитиб инженер қилиш эди. У ўзи инженер эди, яхши инженер эди, ўғлим. Сенинг ҳам инженер бўлишингни орзу қиларди. Мана, унинг ўлим олдида госпиталдан ёзган хати. Ишонмасанг, ўзинг ўқиб кўр.

Ойим бир чамадон хатларнинг орасидан уч бурчак қилиниб букланган ва устига кўк қалам билан адрес ёзилган сарғиш конвертни олиб, менга чўзди.

— Госпиталдан, ўлим олдида ёзган хати,— такрорлади ойим, кейин юзимга қарамасдан секин қўшимча қилди:

— Отанг қорнидан яраланган эди...

Хатни олмадим. Отам тўғрисида яна бир оғиз сўз эшитадиган бўлсам, ўзимни тутолмай қолишимни сездим-да. ўрнимдан туриб эшикка томон юрдим. Ойим тўхтатмади: у менинг қалбимдаги ҳисларни тушунган эди...

Ташқарида ҳаво бирдан ўзгариб, шамол кўтарилган, ҳовлидаги олча ва ўриклар совуқ куз келаётганини эслатиб қаттиқ гувиллар, шовиллар эди. Тиниқ, бахмалдек майин осмонни тўлдирган юлдузлар ҳам бугун одатдагидан бошқачароқ кўринар, муз парчаларини эслатиб совуқ чақнарди...

Айвоннинг устунига суяниб бир нафас турдим. Дарахтларни эгиб, гувиллатиб эсаётган шамол юзимга уриб, кўнглимдаги гулғулани тагин ҳам кучайтириб юборди.

Деразадан ойимнинг сояси кўринди: у кўрпаларни

жойнга йнга бошлаган эди. Секин бориб жойимга, олчалар орасидаги ёгоч каравотга ўзимни ташладим... Шамол ҳамон гувиллар, дарахтлар куздагидек қаттиқ шовиллар эди.

Ойимнинг гапларидан кейин мен унинг ўзича ҳақ эканлигини тушундим, лекин қизиқ, дадамнинг хатлари, сурати, ойимнинг ҳикояси кўнглимни тинчитиш у ёқда турсин, ўйларимни тўс-тўполон қилиб юборган эди. Бу хатлар эҳтимол ойимни оқлар, лекин мени-чи? Мени оқлармикин?

Бу ўйлардан қутулиш ниятида бошимни кўрпага ўрадим.

* * *

Эрталаб кун чиқар-чиқмас уйғондим. Тундаги шамол тинган, осмон кўм-кўк, тиниқ эди. Қуёшнинг илк нурлари ҳовлидаги икки туп мирзатеракнинг учларида жилваланар, ҳаммаёққа қандайдир осойишталик чўккан, ҳовли сув сепгандек жимжит эди.

Тўсатдан уй томондан Салим Қаримовичнинг овози эшитилди. Ҳайрон бўлиб муздек олча шохларини эгиб мўраладим, чунки Салим Қаримовичнинг бунақа эрта турадиган одати йўқ эди. Уйдан ойим билан катта чарм папкасини қўлтиқлаб олган Салим Қаримович чиқди. Норози овоз билан секин гапирмоқда эди:

— Мен у одам билан гаплашишни истамайман. Аммо эҳтиёт бўлинг. Бир чатоқ чиқса мен ҳам, ўртоқлар ҳам уятга қоламиз.

— Сулаймон ака гапга тушунадиган одам,— деди ойим, ўзим ётиғи билан тушунтириб қўяман.

— Хўп. Ишқилиб уятга қолмайлик. Ҳозирги пайтда бу ниҳоятда нозик масала...

«Иншо тўғриланибди!» Миямда «ярқ» этган бу фикр нимагадир дилимни равшан қилолмади. Бирдан Сулаймон Акрамович келадиган вақт яқинлашиб қолганини эслаб, ўрнимдан турдим. Қизиқ, хаёлимга келган биринчи фикр уйдан тезроқ чиқиб кетиш, у билан учрашмаслик, уни кўрмаслик бўлди. Кранга бориб муздек сувга бошимни ювдим. Қийиниб энди чиқаман деб турганимда дарвоза томондан ойим кўринди.

— Иншонг тўғриланибди, табриклайман, ўғлим!— деди у кулимсраб. Лекин кўзлари худди кечагидек маъюс эди.

— Йўқ, йўқ, сен кетмагин,— деди ойим Сулаймон Акрамович билан учрашмаслик ниятида кетмоқчи бўлаётганимни эшитиб.— Сўраб қолса уят бўлади.

Ойимнинг ҳаяжонланаётганини тушундим-да, қайтиб жойимга бориб ётдим.

Кўнглим ғаш эди, ҳатто нимадандир қўрқардим, бу қўрқув дилимга озор берар, иззат-нафсимга тегар, лекин ундан қутулишга ожизлик қилардим.

Дарвоза тақиллади. Ойим шошиб, тез-тез юриб ўтиб кетди. Бир оздан кейин Сулаймон Акрамовичнинг ясамага ўхшаган дўрилдоқ овози гўё ҳовлини тўлдириб, жараңлатиб юборди:

— Чой-пойга овора бўлманг. Ҳаммаси бўлиб беш минутга келдим, холос. Қани, шу сўрида ўтира қолайлик.

— Уйга кирайлик, ҳали сизга айтадиган анча гапларим бор,— деди ойим.

Сулаймон Акрамович уйга кириш-кирмаслигини билмасдан иккиланди шекилли, бир зум жим қолди.

— Мен сиз билан гаплашаман, деб келсам, ҳали сиз мен билан гаплашиб қўяман денг! Оббо сиз-э... Шарифжон қани? Чақиринг уни!

Юрагим «шув» этиб ўрнимдан туриб кетдим. Лекин шу вақт ойимнинг:

— «Шарифжон шу ерда, олдин ўзимиз бир гаплашиб олайлик, кейин уни ҳам чақирамиз»,— деган сўзлари билан кўнглим бир оз ўрнига тушгандек бўлди.

— Ҳай, майли, гапингиз бўлса эшитайлик,— деди Сулаймон Акрамович.— Аммо бошқа нарсага овора бўла кўрманг. Шошиб турибман.

Сулаймон Акрамович катта, оғир этиклари билан ерни гурс-гурс босиб айвонга чиқди, кейин иккиси ҳам уйга кириб кетдилар-у, овозлари эштилмай қолди.

Ўрнимдан туриб ўтирдим. Юрагим пўкиллаб урар, бир ўйим чопиб бориб суҳбатларини бўлгим, «ўқишни ҳам, ишни ҳам йиғиштириб қўйдим!»— деб бақиргим келарди...

«Беш минут ўтираман», деган Сулаймон Акрамовичнинг уйга кириб кетганига чорак соатдан ошиқроқ вақт ўтди-ю, лекин ундан дарак йўқ эди.

«Нега буларнинг гапи жуда чўзилиб кетди? Ёки ойим менга кўрсатган хатларини унга ҳам кўрсатяпти-микин?» тоқатим тоқ бўлди. Деразадан кўришиб қолмаслик учун кранни айланиб ўтиб, айвонга яқинлашдим. Ичкаридан Сулаймон Акрамовичнинг овози эшичилиб турарди. Устуннинг ёнига борганимда сўзлари қулоғимга аниқ-аниқ кира бошлади:

— Хўп, тагин ўзингиз биласиз, лекин қаттиқ янглишаётганингизга шубҳам йўқ!— дерди Сулаймон Акрамович.— Бунга менинг имоним комил, Раҳимахон! Шундай ажойиб ишчи, ажойиб одам бўлиб етишаётган ўсмирни йўлдан урибсиз-а? Бай-бай-бай!

Ойим бир нима деяётган бўлса керак (унинг овози эшитилмас эди), Сулаймон Акрамович бир неча дақиқа сукут қилди, сўнгра, илгаригидан кўра асабий ва қаттиқроқ овозда:

— Мен Содиқни сиздан кам билмайман!— деди,— биз бирга ўқиганмиз, фронтда ҳам бирга бўлганмиз! У Шарифнинг инженер бўлишини орзу қиларди. Бу — тўғри! Лекин Содик ҳаёт бўлганида сира бу йўлга бошламас эди. Сиз уни бойваччага айлантирмоқчи бўляпсиз! Аммо гап уни бойвачча инженер қилиб етиштиришда эмас, гап уни одам қилиб етиштиришда!

Тўсатдан миямда исёнкор бир фикр чақнади:

«Нима демоқчи? Мени одам бўлмайди демоқчимми? Йўқ!» Ичкарига кирмоқчи бўлиб интилдим-у, уйдан Сулаймон Акрамовичнинг:

— Хўп, майли, билганингизни қилинг!— деган гапини эшитиб киришга журъат қилолмасдан яна тўхтадим.— Шарифнинг ўқишига қарши эмасман. Ўқисин, инженер бўлсин, фақат бу йўлдан бормасин, деяпман! холос!— дерди Сулаймон Акрамович.— Инженер бўладими, олим бўладими, тўғриликча бўлсин деяпман, холос! Хўп, бошқа гапингиз йўқми? Хайр!

Айвон билан олчазорнинг ораси ўн-ўн беш қадам келарди. Унга етиб бориш... Бу тўғрида ўйлаб улгурмаган эдим ҳамки, эшик очилиб остонада Сулаймон Акрамович кўринди. Унинг юзи ҳаммомдан чиққандай қизарган, қошлари тутатиб, қовоғи солинган, оппоқ қалин сочлари тўзғинган эди. Мен уни кўрдим дегунча юрагимдаги бояги исёнкор туйғулардан асар ҳам қолмади. Аксинча, ўз ихтиёримга қарши унга томон юрдим. Сулаймон Акрамович мени кўриб тўхтади. Лекин кўришмади.

— Ўз фикримни ойингга айтдим!— деди у, афтидан, мени ҳам гаплашмоқчи деб ўйлаб.— энди билганларингни қилинглар. Лекин институтга хат ёзиб, сиримни очади деб қўрқмасаларинг ҳам бўларди...

Сулаймон Акрамович, қошларини чимриб бир зум жим қолди.

— Ниятим бошқа эди... Минг афсус, мақсадимга тушунмабсан!..

У шартта бурилиб, зинадан тез-тез юриб пастга тушди-да, дарвозага қараб кетди...

«Наҳотки, шу кетишда чиқиб кетса? Наҳотки тўхта-маса?..»

Йўқ, тўхтади. Ҳовлининг ўртасига борганда тўхтади, ўнг қўлидаги ғижимланган шапкасини бошига қўнди-раркан, чақирди:

— Бери кел!

Мен чопиб бордим.

— Мабодо... кейин, турмушда қийналиб қолсанг... аҳмоқлик қилиб юрма, олдимга бор. Тўғри боравер, тушундингми?

— Сулаймон Акрамович!..

— Тушундингми?— юзимга қарамасдан деди у ва жавобимни ҳам кутмасдан вазмин, оғир қадамлар билан ҳовлидан чиқиб кетди.

Тишимни тишимга босиб, муштимни тугдим.

«Йўқ, бормайман, ҳеч қачон бормайман!»

У менга бир оғиз илиқ сўз айтмади, нимага шундай қилипсан, деб бир оғиз сўрамади ҳам, менинг дилимда ҳам ўзимга яраша бир дардим борлигини билишни истамасди!..

«Йўқ, раҳмат, бормайман!»

Бу одамнинг оталарча муомаласига ўрганиб қолганим учунми, билмадим, унинг бу қадар совуқ муомала қилиши шунчалик қаттиқ теккан эдики, алам ва хўрликдан кўз ёшларимни зўрға тийиб турардим.

Бир оздан кейин уйдан ойим чиққанда, биз бир-биримизнинг юзимизга қарай олмадик. У мендан кўзларини олиб қочар эди, мен ундан... лекин иш битган эди! Мен ҳатто чой ҳам ичмасдан уйдан чиқиб кетдим. Институтга бордим, паркларни айланиб кечқурунгача юрдим. Аста-секин кўнглимдаги ғубор тарқаб, унинг ўрнини аллақандай ёруғ, дилни равшан қиладиган ўйлар, орзулар эгаллади: энди институтга киришим, Муқаддас билан бирга бўлишим муқаррар эди!

* * *

Шу кундан бошлаб мен учун ҳар соати бир йил туюлган кутуш даври бошланди. Мен икки нарсани кутардим. Бири институтга қабул қилинганлигимиз тўғрисида чиқадиган буйруқ бўлса, иккинчиси Муқаддас эди. Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонар-уйғонмас институтга қараб чопардим, юрагимни ҳовучлаб фойедаги эълон-

лар ёпиштириладиган досканинг олдига борардим, буйруқнинг чиқмаганини кўргач, ҳафсалам пир бўлиб, қайтиб кетардим-у, кун бўйи шаҳарни кезиб, кечқурун яна борардим...

Шу тахлитда икки кун ўтди. Унгача Муқаддас ҳам қайтиб келмади. Учинчи куни эрталаб, эндигина уйқудан уйғониб, кўзларимни очгандим, ёнимга ойим келди, каравотнинг четига омонатгина ўтириб пешонамдан ўпди.

— Табриклайман, ўғлим!— деди у, маъюс жилмайиб,— буйруқ чиққан эмнш. Салим Каримович кечаси келиб айтди...

Юрагим бирдан қаттиқ уриб, юзим ловиллаб ўрнимдан сакраб турдим.

Дадам ҳовлида яланг оёқ, пижамасининг почаларини тиззасигача шимариб, гулларга сув қуйиб юрарди. У мени кўриб ёнимга келди, ҳўл, муздек кафти билан қўлимни сиқди

— Энди табриклаймиз, ўртоқ студент!

Апил-тапил ювишиб, институтга чопдим.

Уша куни қувончга қувонч улашиб кетадиган бахтли бир кун экан: яқиндагина ювилган асфальт кўчалар салқин ва ойнадек чарақлаб, сув пуркалган дарахтлар қуёш нурларига чўмилиб, гўё байрамда ясанган қизлардек очилиб, яшнаб кетганди. Гавжум кўчалардаги одамлар ҳам ҳар кунгидан яхшироқ кийинган ва нима учундир одатдагидан мулойимроқ ва ёқимлироқ кўринарди. Ҳамма бир-бирига йўл берар, бир-бирини иззат қиларди. Трамвайга чиққанимда ўзимдан ёшроқ бир қиз ўрнидан туриб менга жой берди ва «Марҳамат, ўтиринг», деб жилмайиб қўйди, трамвайдан тушиб институтга қараб чопиб кетаётганимда, орқамдан биров «йигитча!» деб чақирди-да, чўнтагимдан авторучкам тушиб қолган экан, бояги қиздек мулойим кулимсираб қўлимга тутқазди.

Институт эшиги олдида, имтиҳон чоғидагидек бўлмаса ҳам ҳар қалай хийла одам тўпланган эди. Назаримда қизларнинг орасида Муқаддас кўрингандек бўлиб юрагим ўйнаб кетди. «Қўрққанга қўша кўрнани», деган гап рост экан-да, институтга етиб қолганимда тўпланган ёшлар орасида бирга имтиҳон топширган таниш қиз-йигитларга кўзим тушиб, тўсатдан юрагим «шув» этди-ю, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ўзимни кўриб-кўрмасликка солиб, жадаллаб ўтдим-да, худди сувга шўнғигандек фойега уриб кетдим.

Фойеда ҳам одам кўп эди. Бу ерга келувчиларнинг кўпчилиги қабул қилинишига умиди борлар, ҳатто ишонганлар бўлгани учундир, албатта, кўпчиликнинг юзида шодлик аралаш ҳаяжон жилва қилар, кўзлари чақнарди.

Эълонлар осилган катта қора досканинг олдидаги оломоннинг орасига суқилиб кириб, туртиб-турткиланиб олдинга ўтиб олдим. Лекин ҳаяжонланганимдан гўё доска чайқалар, қоғозлардаги ёзувлар бир-бирига чаплашиб кетганга ўхшар, мен қидирган буйруқ ҳеч топилмас эди...

Ҳа, мана бизнинг факультет!.. Кўзларим узун рўйхатга қадалди. Ўз исмим ва фамилиямни қидира бошладим. Ана, топдим. Юрагим гупиллаб, рўйхатнинг бошига тикилдим. Аббосов, Акрамова, Алимов, Аҳмедова, Бобожонов... йўқ! Юрагим шув этиб, рўйхатни яна бошидан охиригача ўқиб чиқдим: Муқаддас ростдан ҳам рўйхатда йўқ эди!.. Кўзларимга ишонмасдан рўйхатни қайта бошдан ўқишга киришдим... Наҳотки, қабул қилинмаган бўлса?

Унинг рўйхатга кирмай қолганига, демак институтга ҳам қабул қилинмаганига ақлим етиб турарди, лекин бунга ишонгим келмас, ишонишдан қўрқар эдим. Шунинг учун худди бошқа рўйхатларда бўлиши мумкиндек, уларни ҳам бир-бир ўқиб чиқдим, сўнгра яна биринчи рўйхатга қайтдим. Лекин аста-секин орқадан келганлар туртиб-сиқиб, худди тошқин қирғоққа чиқариб ташлаган бир чўпдек, мени четга чиқариб қўйдди. Шундан кейингина бир оз ҳушимга келиб, бу ҳолисанинг сабабини қидира бошладим. Лекин ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келолмадим. Умуман, бунинг ҳеч қанақа сабаби йўқ, сабаби бўлиши мумкин эмас эди! Афтидан, бир англашилмовчилик юз берганди, эҳтимол рўйхат кўчирилаётганда хато бўлиб, унинг фамилияси тушиб қолган бўлса! Бу хатони тезроқ тузатиш, Муқаддас келмасдан олдин тузатиб қўйиш керак эди!

Қабул комиссиясига борсаммикан, ё деканатгами, деган ўй билан бир нафас иккиланиб турганимдан кейин, деканатга боришга қарор қилдим, чунки буйруқ чиққандан кейин бунақа масалалар билан деканат ҳам шуғулланишини бултуроқ билиб олган эдим.

Ўнг қўлга бўрилиб, тор ёғоч зиналардан учинчи қаватга чиқа бошладим. Афтидан, менга ўхшаб хато «қидириб» юрганлар озмунча бўлмаса керак, юқорига чиқиб-тушаётганлар сон-саноқсиз, ҳамма ерда ғовур-

гувур, тўполон эди. Лекин қатновчиларнинг кўпчилиги иккинчи қаватдаги институт директорининг кабинетига бурилиб кетар, учинчи қаватга чиқувчиларнинг сони хийла оз эди.

Директорнинг кабинетига бурилмасдан, учинчи қаватга кўтарила бошлаганимда кўнглимдан: «Улар мендан сиз у қизнинг кими бўласиз, деб сўраб қолишса нима дейман», деган фикр ўтди.

Беихтиёр қадамим секинлашиб қолди. Худди шу вақт тепада, учинчи қаватнинг йўлагиди, зинага томон бир-бир босиб келаётган Муқаддасни кўриб қолдим... У ҳам мени кўрди-ю, юришдан тўхтаб, чиқиб боришимни кута бошлади.

Худди катта бир бахтсизлик рўй беришини олдиндан билган одамдек, аллақандай мадорсизланиб учинчи қаватга зўрға чиқдим. Биз қўл бериб кўришдик. Муқаддас тўсатдан пирпираб уча бошлаган лабини тишлаб ерга қаради.

— Кирдингизми? Нима дейинди?— деб сўрадим секки.

Муқаддас жавоб бермади, у фақат кўзларини ердан узиб аста юзимга қаради, унинг узун эгилган киприклари орасидан юмалаб чиққан икки томчи кўз ёшини кўрдим. Бу томчилар бир-бирини қувиб, юзидан юмалаб тушди-да, лабининг четидаги чуқурчага сингиб кетди...

Сўнгра бир-бирини қувган ёш томчилари кўпайиб кетди...

— Кўйинг,— дедим унинг қўлини қўйиб юбормасдан,— бу ерда бир хато ўтганга ўхшайди. Мени қабул қилганда, сизни қабул қилмайдиларми?

Муқаддас ёш тўла кўзлари билан менга «ялт» этиб қаради:

— Сизни қабул қилишдими? Қандай гўлиб?— деди у ва мен эндигина Муқаддас исминини рўйхатдан қидириб ҳам ўтирмаганини, чунки менинг институтга киришлигимни мутлақо кутмаганини англадим. Айни замонда энди унга ҳақиқатни айтишим ҳам осон эмаслигини, бу гап кеча ва аввалги кунлари ўйлаганимдек, Муқаддас учун хушxabар бўлиши қийин эканлигини тушуниб қўрқиб кетдим. У эса ҳамон менга тикилиб, жавоб кутиб турар, ҳатто катта очилган маъюс қора кўзларида ҳам таажжуб, ҳам савол, ҳам аллақандай бир шубҳа бор эди! Уша дақиқада мен ҳали унинг кнролмаслигига ўзим сабаб бўлганимни билмаган, ҳатто

хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Лекин бир нарсани аниқ сезардим: мен ё бу даҳшатли хатони тўғрилашим, ёки бу ажойиб бахтдан, мўлтираб турган бу масъум кўзлардан, ҳаётимни нурга тўлдириб юборган унинг муҳаббатидан бир умрга жудо бўлишим керак эди!..

— Деканнинг олдига кирдингизми?— дедим кўзларига тикилиб,— нима дейишди? Нега индамайсиз, Муқаддас?..

— Декан банд экан. Барибир фойдасиз, дейишди...— деди Муқаддас ва қаёққадир четга, қоронғи йўлакка қараб қўшимча қилди:

— Сиз... Мен сизнинг кирганингизни билмагандим...

Муқаддас бу сафар «қандай қилиб кирдингиз?» демади, лекин кўнглида ёмон бир шубҳа туғила бошлагани аниқ эди!— «Наҳот менга ишонмаса?!»

— Балки рўйхат хато кўчирилгандир, юринг, кириб гаплашамиз!— овозим негадир титраб кетди.— Деканнинг олдига кирамиз, юринг!

Муқаддас кўзларини бир нуқтадан узиб, юзимга бир қараб қўйди-да:

— Майли, юринг,— деди секин.

Ҳа, катта бир хатога йўл қўйганим энди аниқ эди. Мен бунга албатта айбдор эмасман, лекин хато қилганимга шубҳа йўқ! Энди бу хатони ё тузатишим керак, ё Муқаддасдан жудо бўлишим!

Кўнглимдаги ҳаяжонли тараддуд кутилмаганда қатъий журъатга айланди.

Йўлакнинг охирида, деканатнинг эшиги олдида, бир-иккита яхши кийинган аёллар турар, четроқда ҳасса ушлаган бир чол ўтирарди. Биз боришимиз билан бошига шляпа кийган юм-юмалоқ бир хотин қўлида ўйнаб турган ҳашаматли хитой зонтиги билан олдимни тўсди.

— Сиз декангами, яхши йигит? Биз ҳам...

Мен унинг зонтигини жаҳл билан итариб ташладим.

— Биз сизга ўхшаб бу ерга тиланчилик қилиб келганимиз йўқ! Юринг, Муқаддас!

Аёл буни сира кутмаган бўлса керак, шошиб бир қадам орқага чекинди, оғзи очилганича бақрайиб қолди. Мен ичкарига кириб эшикни ёпаётганимда аёллардан бирининг:

— Ҳозирги ёшларимиздан ҳар нарсани кутса бўлади!— деб пўнғиллагани қулоғимга чалинди.

Деканнинг қабулхонасида одам ғуж-ғуж эди. Икки жойда иккита ёзув машинаси тақирлар, кимдир телефонда қичқириб гапирар, важоҳатларидан домлаларга ўхшаган беш-олтита салобатли кишилар нима тўғрисидадир қизгин баҳслашардилар. Лекин бу одамларнинг ҳеч қайсиси бизга қайрилиб ҳам қарамади, фақат «декан» деб ёзиб қўйилган ва қора чарм билан қопланган салобатли эшикнинг ўнг томонида ўтирган сочлари оппоқ кампир бизга қараб бирдан ўшқириб берди:

— Нимага рухсат сўрамасдан кирдиларинг? Декан банд!

Бир дақиқа ўзимни йўқотиб, довдираб қолдим, лекин кўзим Муқаддасга тушди-ю (у лаблари титраб, ёнимда турарди), дарров сўз топдим:

— Ҳеч ким рухсатсиз киргани йўқ! Ушқирришдан олдин сўранг бундоқ! Бизни директор юборди!

— Нимага келганларингни сўрамасданоқ билиб турибман!— дўб пўнғиллади кампир.

— Биласизми, йўқми, аммо бизни директорнинг ўзи юборди!— дедим қатъий.

Кампир жаҳл билан столдаги қоғозларни титкилай бошлади.

— Декан йўқ. Муовини қабул қиламан деса марҳамат! Мен билмайман! Узидан сўранглар!

Эшикни куч билан юлқиб очдим. Кўнглимдан: «ни-ма бўлса бўлар!» деган фикр ўтди.

— Мумкинми?

Жавобни эшитмасданоқ ичкарига кириб олдик. Лекин ичкарига кириб, энсизгина узун хонанинг тўрида, қора мовут ёпилган столнинг ёнида ёшгина бир жувон билан кулишиб, гаплашиб турган ўрта бўйли олифта кийинган йигитни кўришим билан юрагимдаги борлик, журъат ва қатъият худди сув пуркалган алангадек ўчди-қолди. Бу олифта йигит ўша Муқаддас иккимизни дом кузатиб юрган, бир неча марта Муқаддасга сўз отиб, танишишга ҳаракат қилиб кўрган ёш олим Пўлат Азизов эди!.. У бизга бир қараб қўйди-ю, сочларини калта қилиб қирқтирган ёш жувонга қўлини чўзди.

— Бизларни унутиб юбормасдан келиб туринг, Гулчеҳраҳон!— деди у ва гўё шундай чиройли жувон билан яқин муносабатда эканини бизга кўрсатиб қўймоқчи бўлгандек, жўрттага қўлини қўйиб юбормасдан:

— Демак... шу қарорга келдикми?— деб сўради. Жувон калта, қуюқ сочларини силкитиб кулди:

— Яхши йнгит келиб туринг демайди, вақти-соати-ни ва учрашадиган жойини аниғроқ айтади.

— Оббў сиз-е!— қизариб деди Пўлат Азизов, лекин жувон «Хўш, боладимми?» деган маънода қўлларини силтаб қийшанглаб кулди ва эшикка томон юрди.

Ер тагидан Муқаддасга бир қараб олдим. У бошини қуйи солиб, тирноқларига тикилиб турарди. Узун-узун эгилган киприклари гўё титраётгандек пирпираб учар, ловиллаб ёнган узунчоқ юзи, бутун қиёфаси дилидаги пушаймон, уят ва ҳақорат ҳисларини худди кўзгудек акс эттириб турарди. Мен ҳам ичкарига кириб Азизовни кўрган заҳотимоқ бу ерга келиб яна бир хато қилганимизни тушунган эдим. Лекин энг ёмони шунда эдики, энди чиқиб кетиб бўлмас эди.

Жувон эшикни ёпиши билан Азизов ўзини четлари қирилган катта юмшоқ креслога ташлаб:

— Хўш, эшитаман?— деди ва гўё бизга қарашдан уялгандек, столдаги қоғозларни титкилашга киришди.

Бир неча секундга чўзилган, лекин менга жуда узоқ туюлган жимликдан кейин ўзимни зўрға босиб мақсадимизни тушунтира бошладим. Муқаддаснинг исмини тилга олишим билан Азизов сўзимни бўлди:

— Конкурседан ўтмаган сизми, ё Муқаддасхонми?

Бирдан юрагимдан зўр бир тўлқин қайнаб чиқди-ю, бутун вужудимни ловиллатиб юборди.

— Муқаддасхон,— дедим секин.

— Ие! Бўлмаса Муқаддасхоннинг ўзлари гапирсинлар-да, сиз нима қилиб бу ишга аралашиб юрибсиз?

Унинг кўзлари бирдан ялтиллаб кетганини кўриб қолдим. Умримда ҳеч қачон ўзимни бунчалик ожиз ва аянчли ҳис этмаган эдим. У кўз олдимда гўё ўсиб, улгайиб, олижаноб бир одамга айланиб борар, мен эсам, аксинча, аллақандай кичрайиб, ерга кириб борардим. Ҳозир бу одам мени истаганча ҳақорат қилиши мумкин эканини, мен эсам унга жавоб қайтара олмаслигимни сезардим, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқа бошлаган эди.

— Хўш, нега индамайсиз, гапиринг!— деди Азизов, кейин кўзларини столдаги қоғозлардан узиб, юзимга тикилди. Нима деб жавоб беришимни ўйлаб улгурмаган ҳам эдимки, Муқаддас тўсатдан, бошини кескин силкитди:

— Юринг, Шариф ака, кетайлик!— деди у секин, лекин аллақандай титроқ овозда. Узи ҳам гўё осмонга парвоз қилишга ҳозирланган чиройли ва мағрур

қушга ўхшаб турарди, бошини сал орқага ташлаган, оқ шойи кўйлагини туртиб чиққан чиройли кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, ҳаяжондан гул-гул ёнган юзи, Азизовга қадалган катта-катта чиройли кўзлари қандайдир олижаноб нафратга тўла эди. Муқаддас бир нафас шу вазиятда Азизовга тикилиб турди, сўнгра менга юзланди:

— Юринг, кетайлик!— такрорлади у, бир қадам босди ҳам, лекин худди шу пайт Азизов икки қўлини креслонинг икки томонига шартта қўйиб, кутилмаган бир чаққонлик билан ўрнидан сакраб турди.

— Тўхтаг, Муқаддасхон, ҳар қалай ҳақиқатни билиб кетганингиз маъқул!— деди у паст, қандайдир бўғиқ овоз билан. Сўнгра столи тез айланиб ўтди-да, худди қулаб кетишидан қўрққандек, қўлларини орқага чўзиб, унинг четларини ушлаб олди. Унинг ҳаракатлари кескин, ўзи ҳам титраб-қақшаб турарди. Бироқ мени унинг гапи, ҳаракатларидан ҳам кўра овозидаги чуқур титроқ сескантириб юборган эди. Бу титроқ қандайдир бир дардга, нидога, аламга тўла эди. Буни Муқаддас ҳам сездими, ё Азизовнинг ҳаракатларидаги кутилмаган кескинлик таъсир этдими, билмадим, ишқилиб, икки қадам босмасданоқ тўхтади, гўё чақмоқ чақишини кутган одамдек, турган жойида қотиб қолди.

Бу «ҳақиқат» нимадан иборат эканини ҳали аниқ билмасам ҳам, ҳозир даҳшатли бир нарса рўй беришини сеза бошлаганимдан, мен ҳам серрайиб қолдим.

— Сиз неча бал олдингиз?— деди Азизов, Муқаддасга ер остидан тикилиб.

Бир неча секунд чўзилган жимликдан сўнг:

— Ун саккиз,— деди Муқаддас кескин.

— Яхши,— деди Азизов,— лекин сиз ўн саккиз бал билан киролмаган ҳолда бу чиройли йигитча ўн олти бал билан қандай қилиб кирганини бир ўйлаб кўрдигизми,— деди у ва бир зум жавоб кутиб тургач:

— Бу йигитча сизнинг ўрнингизга кирганини биласизми?— деб сўради.— Бу йигитча ишини тўғриламаганда сиз бунақа хафа бўлиб, йинглаб юрмасдингиз, билдингизми?..

Кўнглимнинг бир четида боядан бери худди шу саволни кутиб турган бўлсам ҳам қаттиқ сесканиб кетдим, «ялт» этиб Муқаддасга қарадим. У ҳам менга қаради. Аллақандай кўрқиб, нимадандир чўчиб қаради. Изтироб чўккан катта қора кўзлари гўё ёрдам сўраётгандек жовдираб, милтираб турар, қошлари аламли

чимирилган эди. Бу кўзлар мендан Азизов айтган даҳшатли ҳақиқатни инкор этишимни сўрар, ялиниб-ёлворар эди. Мен эсам... мен эсам жонимдан, ҳаётимдан ҳам ортиқ кўрган севгилимнинг чехрасида акс этиб турган бу изтиробига, бу нидосиз саволига нима ҳам дердим? Секин бошимни эгдим...

— Афсуски, мен буни шу бугун, ҳозир билиб қолдим. Буйруқ чиққандан кейин билиб қолдим!— деди Азизов ва яна боягидек унинг овозидаги аламли титроқ этимни жунжиктириб юборди.— Суриштириб билсам, бу йигитча иншосини тўғрилатиб олган экан... Сиз хафа бўлманг, Муқаддасхон, мен ҳалиям бўлса ҳаракат қилиб кўраман. Лекин мени бир нарса таажжубга соляпти: бу йигитча ўрнингизга жойлашиб олиб, тагин нимага сизга меҳрибончилик қилиб юрибди?..

Мен унга бир нима дейишим, бир жавоб қилишим керак эди. Буни ўзим ҳам сезардим. Лекин нима дейман? Мен ғаразгўй деб, мансабидан фойдаланиб, Муқаддаснинг бошини айлантирмоқчи бўлаётган бир фирибгар деб юрганим бу одам, аслида менинг ўзимдан яхши, соф ва олижаноб бўлиб чиқса нима ҳам қилардим, нима ҳам дердим? Мен фақат бир нарсани — бошим билан қоронги, тубсиз жарликка қулаётганимни ҳис этардим, холос.

Кимдир секин ииграб юборгандек бўлди.

Зўр куч билан бошимни кўтардим, кўзим Муқаддаснинг жиққа ёшга тўлган катта-катта кўзларига тушди. У афтидан, хўнграб йиғлаб юбормаслик учун лабларини қаттиқ тишлаб олган, кўз ёшлари эса, худди менинг қарашимни кутиб тургандек, бир-бирини қувиб юмалаб туша бошлади.

Мен эсам унга тикилиб турардим, бутун вужудим билаг изтироб чекардим, лекин уни юпатишдан, унга тасалли беришдан қоронж эдим, ажабо: мен унинг кўнглини олишга ҳақим йўқ эди!..

Азизов бир қадам олдинга юрди.

— Йиғламанг, Муқаддасхон, ҳалиям ҳаракат қилиб кўраминг,— деди у.— Ҳали вақт бор...

Лекин Муқаддас унинг гапига қулоқ солмасдан тескари бурилди.

— Қўйинг! Кераги йўқ!— деди Муқаддас секин,— кераги йўқ!— у кўзларини қўллари билан қуёшдан тўсгандек тўсиб, эшикка томон юрди.

Мен уни тўхтатмадим, тўхтатишга журъат этмадим, лекин Муқаддас чиқиб кетгач, тўсатдан рўй берган ҳо-

дисанинг бутун даҳшатини тушуниб Азизовга юзландим:

— Инсофсиз!— дедим кўз ёшимни ютиниб. Фақат шу бир сўзни айтиб чиқиб кетмоқчи эдим, бироқ Азизов қўлимни шап ушлади-да, юлқиб тўхтатди:

— Инсофсиз ким? Сенми ё менми?— деди у кўзларини нафрат билан чақнатиб.— Инсофсиз деб сени айтадилар! Тушундингми?

Нима дейишимни билмай лол бўлиб қолдим, чунки у ҳақ эди! Қўлимни унинг қўлидан юлқиб чиқариб олдим-у, ташқарига отилдим...

Муқаддас билан иккимизнинг ўртамизда пайдо бўлган кўприк қулаб тушганига, энди бу кўприкни тиклаб бўлмаслигига ақлим етарди, албатта, бироқ шунга қарамасдан ҳалиям бўлса у билан гаплашишни, бўлган воқеани унга тушунтиришни истардим, афтидан, бўлиб ўтган ишнинг бутун даҳшатини ҳалиям англаб етмаган эдим. Менга бу иш ҳалиям бўлса бир англашилмовчилик бўлиб кўринарди, чунки шуни яхши билардимки, агар Муқаддаснинг ўрнига киришимни сезганимда ҳеч қачон бу ишга розилик бермаган бўлардим!..

Қабулхонада ўтирганларни ҳайратда қолдириб ичкаридан жинниларча югуриб чиққанимда, Муқаддас тор ва ярим қоронғи йўлакнинг охиридаги зинапоёга яқинлашиб қолган эди, У оёқ товушларимни эшитиб ўгирилиб қаради-да, қадамларини яна ҳам тезлаштирди.

— Муқаддас!— деб чақирдим, йўлакдагиларнинг таажжуб билан бақрайиб қолганларига эътибор ҳам бермасдан.— Муқаддас, тўхтаг!

Муқаддас тўхтамади, лекин зинадан пастга тушмасдан нари кетди ва йўлакнинг энг охиридаги катта деразанинг олдига бориб ўхтади. Тез юриб унинг ёнига бордим.

У худди бир нарсадан аразлаган одамдек тескари ўгирилиб, узун қўнғир сочларининг учларини бармоқларига ўраб турарди.

— Муқаддас, — дедим, — Муқаддас, менга бир қаранг, мен...

Муқаддас вазиятни ўзгартирмасдан:

— Домланинг айтганлари ростми?— деб сўради.

— Муқаддас, — дедим ёлвориб, — менга бир қаранг...

— Ростми деяпман?— такрорлади Муқаддас.

Тўсатдан томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлиб, бир нафас жим қолдим.

— Рост, Муқаддас, лекин гапимга ишонинг, мен бу нарса сизнинг ўқишга киролмай қолишингизга сабаб бўлади деб сира ўйламаган эдим. Бўлмаса... наҳотки, мен сизни... Ахир мен...

Муқаддас шарт бурилиб юзимга тикилди. Ҳеч қачон унинг чеҳрасида бундай ифодани кўрмаган эдим: қоп-қора кўзлари чақнаб тагин ҳам чиройли кўринар, юзи ловиллаб ёнар, нам лаблари пирпираб учарди.

— Сенинг киролмаслигингга сабаб бўламан, деб ўйламагандим дейсиз, мендан бошқа бир кишининг ўрнига кирганингизда-чи, унда нима бўларди?— деди Муқаддас, деди-ю, кўзлари яна жикқа ёшга тўлди.— Мен аҳмоқ бўлсам... сизга шундай ишонган, шундай ишонган эдимки!

У тескари ўгирилди-да, кафтлари билан юзини босиб секин йиғлай бошлади...

Яна боягидек миямда гўё бир нарса «ялт» этиб ёнди-ю, назаримда зўр бир ҳақиқатни тўсиб турган парданинг чети кўтарилгандек туюлди. Бунга жуда аниқ ҳис этдим, лекин... лекин мен масаланинг бу томонини ўйламаганим ҳам рост-ку ахир! Мен катта бир адолатсизлик ва инсофсизлик қилиб қўйганимни бўйнимга оламан, аммо, биринчидан, бунинг оқибатини яхши ўйламаган бўлсам, иккинчидан, мени бунга мажбур этган нарса... Муқаддас эди-ку, себгимиз эди-ку!

— Муқаддас,— дедим кўзларини учратишга ҳаракат қилиб,— менинг ҳам гапимга бир қулоқ солдинг. Мен ёмон, разил иш қилиб қўйганимни бўйнимга оламан. Лекин мен бунга билмасдан қилдим. Энди мен ўзим тузатаман, ўзим ҳаракат қиламан...

— Раҳмат,— Муқаддас рўмолчаси билан кўзларини артди,— Раҳмат, мен энди ўқиб бўлдим!

— Муқаддас?..

— Мен энди ўқимайман!— деди Муқаддас,— наҳот сиз мени бу ерга меҳнатдан қочиб келган деб ўйласангиз? Мен ишчининг қизиман! Мен шунчалик сизга... сизни,— у гапининг охирини айтмади, ёш тўла кўзлари билан юзимга яна бир қаради-да, зинапояга томон бурилиб кетди.

— Муқаддас!— дедим уни тўхтатишга ҳаракат қилиб,— Муқаддас...

— Қўйинг, бўлди! Орқамдан юрманг! Шунча берган ёрдамнингиз ҳам етади!— деди Муқаддас ва йиғлагани-

ча зинапоядан югуриб тушиб кетди... Иккинчи қаватга бўриладиган жойда шамолда учгандек майин тўлганган икки ўрим сочлари тагин бир кўринди-ю, гойиб бўлди...

— «Қўйинг! Бўлди! Шунча берган ёрдамингиз ҳам етади!»— Унинг йиглаб айтган бу сўзларида аллақандай бир дард, муҳаббат дарди бор эди, лекин айти маҳалда бу унинг: «умидингни уз» ҳам дегани, «тамом» дегани, «битди» дегани эди...

Назаримда шу топда кимдир менга қон ва жон бериб турган ҳаёт манбасини шартта кесиб ташлагандек эди: хаёлимга ҳеч бир фикр келмас, гўё миям ҳам, қалбим ҳам бўм-бўш эди. Ҳатто ҳозир мен учун нақадар катта фожиа рўй бергани ҳам онгимга бориб етмаган, қаерда ва нима учун турганимни ҳам яхши билмас эдим, фақат юрагимнинг бир чети қаттиқ оғрир, худди заҳарли тикан қадалиб турганга ўхшарди.

Тўсатдан турган жойимдан пастда, кўчанинг нариги юзида Муқаддасни кўриб қолдим. У ҳамон рўмолчаси билан кўзларини тез-тез артиб бир-бир қадам ташлаб борар, худди нотаниш шаҳарда адашиб кетиб, қаёққа боришини билмай қолган бир бечорага ўхшарди.

Уни кўришим билан хаёлимга:

— Бу ерда нима қилиб турибман?— деган фикр келди.— Бу даҳшатли хатони тузатиш учун бир ҳаракат қилиб кўришим керакми, ё Муқаддас айтмоқчи ҳеч нарсани билмагандек бўлиб, унинг ўрнига кириб олиб ўқиб кетавераманми?

Йўқ, мен энди ўқимаслигимга, ўқийман десам ҳам ўқий олмаслигимга ақлим етиб турарди. Демак, рўй берган адолатсизликни тўғрилашим керак, тўғрилаб Муқаддасга айтишим керак, кейин у ўқийдими-йўқми, ўзи билади, аммо адолатни тиклаш менинг вазифам, менинг виждон бурчим!..

Пастга қараб югурдим. Иккинчи қаватда директорнинг кабинети олдида турган бояги одамлар йўқ, йўлак ҳам бўшаб қолган эди. Катта, қўш деразали ёруғ қабулхонанинг тўрида ўтириб, машинка чиқиллатаётган ёш қиз менинг «директор борми?» деган саволимга юзимга ҳам қарамасдан:

— Кўзингизнинг олдида чиқиб кетди-ку, кўрмадингизми?— деб жавоб берди.

Унга бошқа савол бериб турмасдан яна пастга отилдим. Директорни танимас эдим, йўлакда ва биринчи қаватда учраган одамлар мен тасаввур этган дирек-

торлик салобати бўлмаганлиги учун, уларга мурожаат ҳам қилиб турмасдан кўчага чиқдим.

Ташқарида, эшикнинг рўпарасида, акациянинг соясида турган «Победа»нинг ёнида, икки киши хайрлашмоқда, иккаласи ҳам яхши кийинган, қорин сола бошлаган салобатли одамлар эди. Эшикдан югуриб чиққанымда уларнинг бири — папка қўлтиқлаб олган, сочларига оқ оралаган, ўрта бўйли, оқ шойи кителли одам «Победа»нинг эшигини оча бошлади. Машинанинг юриб кетишидан қўрқиб чопиб бордим:

— Институт директори сиз бўласизми?— дедим ҳансираб.

Машинанинг эшигига қўл чўзган одам бундай одобсизликни кутмагани учунми, ё мен жудаям ҳовлиқиб кетган эканманми, юзимга таажжуб билан тикилиб:

— Мен бўламан, хўш?— деб сўради.

— Сизга жуда зарур бир гапим бөр эди.

— Шунақами? Эртага келсангиз қанақа бўларкин,— деди у кулимсираб.

— Кечирасиз, эртага қолдириб бўладиган иш эмас!— дедим, унинг яна машинага ўтирмақчи бўлаётганини кўриб, беихтиёр қўлимни чўздим.

Директор менга яна диққат билан қараб қўйди, сал қисилган кўзларида яна таажжуб ифодаси жилваланди.

У кескин ҳаракат билан енгини кўтариб қўл соатига тез кўз ташлади ва лабини тишлаб бошини чайқалди:

— Кечирасиз, ука. Сира иложим йўқ. Кечикипман. Бир зарур иш билан чақиршган эди, етиб бормасам бўлмайди!— деди ва юзимга яна бир кўз ташлаб, қўшимча қилди:

— Эртага эртароқ келинг. Биринчи навбатда қабул қиламан.

Унинг кескин ҳаракат билан «Победа»нинг эшигини очганини кўриб, яна тўхтатмоқчи бўлгандим, директор билан хайрлашиб турган одам «шап» этиб қўлимдан ушлади:

— Менга қаранг, яхши йигит, одобсизлик ҳам эви билан-да! Сиз ким бўласиз ўзи?

Директор машинадан бошини чиқариб менга юзланди:

— Тўғри, тўғри, арзингизни бу кишига айтсангиз ҳам бўлади... мумкин бўлса ёрдам беринг...— деди у ва шофёрга қараб имо қилди: «ҳайда!»

— Менга қаранг,— деди директорнинг шериги,— мен сизни бир ерда кўргандек бўлаётибман. Сиз... Салим Каримовичнинг ўгли эмасмисиз?..

Кўчани тўлдирган «Зим» ва «Победа»ларга аралашиб муюлишдан бурилиб кетаётган директорнинг маъшинаси орқасидан тикилганимча қотиб қолдим, энг сўнгги умидим ҳам пучга чиққани мени огир ўйга толдирган эди.

Енимдаги одам кўлимдан ушлади:

— Сизга нима бўлди, йигитча? Сизнинг масалангиз ҳал бўлувди шекилли. Тагин нима қилиб юрибсиз?

Кескин бурилиб қараган эдим, у кишини танир эканман.

Бу ўша, иншо ёздирган олтин кўзойнакли чиройли мўйсафид домла эди!

— Ҳа, менинг масалам ҳал бўлди!— дедим унинг силлиқ қирилган қип-қизил юмалоқ юзига, олтин кўзойнаги тагида чақнаб турган чағир кўзларига ғазаб билан тикилиб.— Аммо мен масалани ҳал қилган одамлар билан гаплашмоқчи бўлиб келгандим! Мен уларни фош қилгани келдим! Фош қиламан! Энди тушундингизми мақсадимга?..

Домланинг юмалоқ юзи ғалати чўзилиб, кўзларида: «Бу жинними ўзи» деган ифода жилваланарди. У елкасини бир қисиб қўйди-да, худди уни шу топнинг ўзидаёқ фош қиладиган жойга судраб кетишимдан қўрққандек, жадаллаб институтга кириб кетди.

Яна боягидек хийла вақтгача нима қилишимни билмасдан туриб қолдим: хаёлимга тузукроқ бир фикр келмас, ҳушимни йиғиб ололмас эдим. Ниҳоят, анчадан кейин миямга:

«Директор эртага келасан!— деди-ку, унгача Муқаддас кетиб қолмасин!» деган фикр келди.

Муқаддаснинг кетиб қолишидан қўрқиб муюлишгача шошиб, жадаллаб бордим, лекин муюлишдан ўтиб, кекса қайрағочлар соя ташлаган таниш икки қаватли уйни кўришим билан қадамим ўз-ўзидан секинлашиб қолди.

...Сўнгги бир ой ичида бу кўримсизгина бино мен учун дунёда энг кўркем, энг зийнатли, энг оромбахш бир жойга айланган эди. Мен унинг олдидан юрагимни ҳовучлаб, Муқаддасим, севгилим яшаган иккинчи қаватдаги балконли хонадан, хонанинг деразаларига тутилган ҳарир тўр пардасидан кўзларимни узолмас-

дан, уни кўрмасам ҳам ҳар сафар қалбим нафис ва тотли туйғуларга тўлиб ўтардим. Мен уни неча марта қувончдан бошим арш-аълога етиб шу уйга кузатиб қўйган, неча марта уни кўролмасдан изтироб чеккан эдим, лекин ҳеч қачон унинг олдига ҳозиргидек қўрқиб, юрагимни тўлдирган қоронғи ва огир ҳислардан кўнглим ғаш бўлиб бораман деб ўйламагандим.

Ҳамиша одам кўп бўладиган ётоқхонанинг олдида бахтга қарши бу сафар ҳеч ким йўқ эди. Бир-икки минут саданинг тагида битта-яримта таниш-билиш чиқиб қолишини кутиб турдим, сўнгра секин эшикка бордим.

Йўлакда, иссиқ сув тўлдирилган катта бакнинг ёнида кўзойнак таққан бир кампир пайпоқ тўқиб ўтирарди.

Муқаддасни чақириб беришини илтимос қилгандим, бошини чайқаб уфлаб олди.

— Сира тинчлик бермадиларинг-бермадиларинг-да!— деди-да, ўнг қўли билан белини ушлаганча иккинчи қаватга чиқиб кетди.

Ташқарига қайтиб чиқиб ариқ бўйидаги саданинг соясида кута бошладим. Юрагим тез-тез урар, хаёлимда фақат битта фикр айланарди: «Борми, йўқми, чиқадими, чиқмайдимми?»

Боя ҳеч ким бўлмаган ётоқхонанинг олдида, энди гўё мени кутиб тургандек, қиз-йигитлар тўплана бошлади. Назаримда улар ҳадеб менга қараётгандек, нақадар хунук иш қилиб қўйганимни билиб, мендан нафратланишаётгандек туюларди.

Тўсатдан тепамдаги балконнинг эшиги очилгандек бўлди. Мен тез қарадим ва балконда турган Муқаддасни кўрдим.

У бояги шойи кўйлаги ўрнига оддий чит кўйлак кийган, сочларини орқасига турмаклаб олган, афтидан, кетишга аҳд қилгани чин эди. Кўзларимиз бир секундга учрашди. Унинг кўзлари яна жиққа ёшга тўлдими, ё менга шундай туюлдими, билмадим, у бошини қуйи солиб индамасдан яна ичкарига кириб кетди...

Бирпасдан кейин эшикда имтиҳон топшириб юрган кезларимизда бир-икки кўзим тушган ўша юзида қора холи бор қиз кўринди. У секин юриб ёнимга келди-да, гўё мени энди кўраётгандек юзимга қадалиб, тўрт букланган бир парча қоғозни чўзди:

— Муқаддасхон чиқмайман дедилар...— Шундай деди-ю, жавобимни кутмасданоқ ётоқхонага кириб

кетди. Мен ҳам соядан чиқиб бошим оққан томонга қараб кетдим.

Муқаддаснинг жавоби тахминан қанақа бўлишини сезсам ҳам, кўнглимнинг бир четида ҳануз сўнмаган бир умид милтираб турарди. Тўрт букланган қоғозни очдим. «Шариф ака! Менга кўп яхшиликлар қилдингиз. Бу яхшиликларингиз учун раҳмат. Бироқ энди ўзингизни қийнаманг. Ҳозир менинг институтга қабул қилинишим тўғрисида буйруқ олиб келган бўлсангиз ҳам мен қолмас эдим. Гапимга ишонинг: энди бир-икки йил ишламасдан сира ўқимайман. Бу бир ой менга катта сабоқ бўлди. Ақлим кирди. Ниҳоят шуни ҳам тушундимки, олдин ишлаб кейин ўқиш фақат меҳнатни ҳурмат қилиш ва чиқиши учунгина эмас, одам таниш учун ҳам зарур экан. Агар билсангиз... Мен сизга шундай ишонгандим, шундай ишонгандимки!..

Хайр. Муқаддас».

Тамом. Битди. Муқаддасдан айрилганимга, бахт-саодатимдан, баҳоримдан, кутилмаган жойда топиб олган дурдонамдан айрилганимга энди ишонсам бўларди!

Хат йиғлаб ёзилганлиги кўриниб турарди, лекин йиғлаб бўлса ҳам шафқатсиз ёзилган бу бир парча қоғоз қўлимни, қўлимнигина эмас, юрагимни ўртамоқда эди. Мен бутун қалбимни чангаллаб олган қаттиқ оғриқдан бошқа ҳеч нарсани сезмас эдим. Гоҳо-гоҳодагина бир дақиқа хат ҳам, Муқаддасдан айрилганим ҳам эсимдан чиқар, ҳамма нарсани унутиб қўярдим. Шундай пайтларда бир оз бўлса ҳам ором олардим, лекин тўсатдан яна хат эсимга тушиб кетиб, Муқаддасдан айрилганлигим электр токидек бирдан миямга бориб етарди-ю, аччиқ алам бутун вужудимни гўё заҳарга тўлдириб юборарди.

Психология китобларидамикин, эсимда йўқ, киши бир нарсасини йўқотган жойидан кетолмайди, кетса ҳам айланиб қайтиб келаверади, деган фикрни ўқиган эдим. Мен ҳам шунга ўхшаган бир нарсанинг таъсиридами, билмадим, бир маҳал ўзимни паркда, Муқаддасни биринчи марта ўпганим соябон ёнида кўрдим...

Парк аввалги латофатини йўқотган, дарахт япроқларини қуюқ чанг босиб, кулранг тусга кирган, қум сепилган йўлларда ғижимланиб ташланган қоғозлар, папирос қутилари ётар, соябоннинг ичида ҳам чирмовуқнинг хазонлари уйилиб қолган эди. Лекин атиги бир ҳафтадаёқ ташландиқ жойга айланган бу соябон ме-

нинг кўзимга жуда иссиқ кўринди, гўё Муқаддаснинг ўзини кўргандек юрагим бирдан ширин сиқилиб, ҳаётимдаги энг қисқа лекин энг масъуд онлар эсимга тушиб кетди. Мен соябоннинг ичига кириб, ўша таниш, қисқа, аммо ширин хотиралар гувоҳи бўлган скамейка олдига келдим. Муқаддаснинг қаршисида ўтириб унинг ёшларини артгандим, унинг қизлик иффати, иззат-нафсини енгиб айтган «севаман» деган сўзларини эшитгандим, уни биринчи марта ўпгандим. Севги хотираларини ўз бағрига яширган скамейкага суяндим, суяндим-у, ўзимни туюлмайдан бирдан йиғлаб юбордим.

— «Бу қандоқ бўлди? Мен нималар қилиб қўйдим? Қандай қилиб ўзимга ўзим пичоқ урдим? Қандай қилиб ўз бахтимдан ўзим айрилдим?»

Биринчи дақиқада бу саволлар юрагимда тутаб турган изтиробни бирдан ловиллатиб юборди-да, ҳаётимда бошқа айбдорларни қидиришга киришдим.

Шу топда бу нарсада ўзимни эмас, ойим билан Салим Қаримовични айблашга, ҳамма гуноҳни ўша икки-сига тўнкашга тайёр эдим.

Лекин ажабо: мен уларни айблашга ҳақим борми? Уларга бир нарса дейишга тилим борадими? Мен ўзим эмасми тунов куни бу ишга розилик берган? Ушанда розилик бермаганимда, иродасизлик қилмаганимда улар мени мажбур қила олишармиди?»

Аччиқ алам билан иқроор бўлдим: йўқ!..

Менинг ҳеч кимни айблашга ҳақим йўқ эди. Ҳаммасига ёлғиз ўзим айбдор эдим, Бу нарсага ўз инсофсизлигим, сабрсизлигим, иродасизлигим сабаб бўлди! Бўлмаса бир йил ишлаб шунча ҳурмат орттирган, ҳунар ўрганган заводни шундай ташлаб кетармидим? У ерда орттирган шунча дўстларимдан шундай осонгина юз ўғирармидим? Мен тенги йиғитлар ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, қийинчиликлар билан олишиб, улар устидан ғалаба қозониб юрган бир пайтда, мен севгилимнинг жойини тортиб олиб бундай шарманда бўлиб қолармидим?..

Ҳа, энди ақлим кирган, энди ҳамма нарсага тушунган эдим. Муҳаббат — муқаддас туйғу. У софликни талаб этади. Муқаддас менинг ўзимни ҳам, севгимни ҳам тарк этиб, кўзимни очган эди. Халқнинг «Инсофли одам ошиши ер, инсофсиз бошнини» деган мақолида мужассамланган ҳаётнинг энг улуғ қонунларидан бири менга ўзининг шафқатсиз, лекин адолатли кучини кўрсатган эди.

Чирмовуқ соябон тагида қанча ўтирганимни ўзим ҳам билмайман. Паркни тўлдира бошлаган одамларнинг ғовур-ғувурларидан ўзимга келганимда қуёш ғарбга ёнбошлаган, боя мен кирганда иссиқдан қақраб ётган хиёбонларга дарахтларнинг қуюқ сояси тушган эди.

Парк жонланмоқда, ҳаёт ўз изига тушмоқда эди. Юрагимдаги ғам-ғусса нақадар оғир бўлмасин, мен ҳам яшашим, кун кечиришим, ҳаётни давом эттиришим керак эди, ўрнимдан туриб соябон тагидан чиқдим...

Энди нима қилишимни, бундан кейин қайси йўлдан кетишимни ҳали ўзим ҳам яхши тасаввур этмас эдим. Фақат бир нарсани яхши билардим — бу йил қайтиб институтга қадам босмайман!

Паркдан чиққач, қаёққа боришимни ўйлаб бир зум туриб қолдим. Негадир уйга оёғим тортмас эди.

Шундай пайтларда ҳаммада ҳам бўладигандек, мен ҳам кўнглимдаги дардимни дўстимга, кўнглимга яқин бир одамга айтгим, ҳасратлашгим, ўртоқлашгим келарди.

Лекин кимга бораман? Кимга айтаман?

Йўқ, мен Сулаймон Акрамовични ҳам, Тўлаганни ҳам, бир йилда заводда орттирган бошқа дўстларимни ҳам унутмаган эдим, уларнинг ҳаммаси эсимда турарди, ҳатто Сулаймон Акрамовичнинг бир ҳафта олдин айтган сўзлари ҳам ёдимда эди, лекин уларнинг олди-га энди қайси юз билан бораман, нима дейман?

Рост, кўнглимнинг бир четида агар самимий кечирим сўраб борсам улар кўкрагимдан итармасликларига ишонардим, лекин журъатсизликданми ё йигитлик иззат-нафси йўл қўймадими, ишқилиб заводга бормасдан, уйга қараб йўл олдим. Эҳтимол уйда институт билан заводга олиб борадиган иккита йўлдан бошқа учинчи бир йўл топилиб қолар!..

Шу хаёл билан уйга кетдим, лекин ажабо: хаёлим дўстларимда, заводда эди. Мен қандайдир уларни қўмсар эдим. Қани энди шу топда Тўлаган билан одам сийрак кўчаларни кезиб, кўнглимдагиларни унга гапириб берсам, бир ой ичида тўпланган ҳасратларимни тўкиб юрагимни бўшатсам?..

Дарвозадан ҳовлига кирдим-у, ҳайрон бўлиб тўхтадим, рўпарадаги супада сийрак сочларини чангаллаб

Салим Каримович ўтирар, ёнида қўлида бир пиёла сув тутиб ойим турарди.

Мен Салим Каримовичнинг:

— Шарманда қилди! Шарманда!— деган сўзларини эшитиб қолдим.

Дарвоза очилганини эшитиб, ойим ўгирилиб қаради, Салим Каримович эса секин ўрнидан турди. Унинг лаблари титрар, кўриниши жуда аянчли эди.

— Бу қандоқ бўлди?— деди у, қандайдир йиғлам-сираган, титроқ товуш билан.— Сен кимни фош этмоқчи бўлиб юрибсан? Мен сени ўғлим деб, жигар-бандим деб ўртоқларга елиб-югуриб ишингни тўғрилаб берсам-у, сен бунақа қилсанг? Мени ўртоқларим олдида қай аҳволга солиб қўйганингни биласанми ўзинг? Шарманда қилдинг, шарманда!

Шу топда менинг ҳам дардим ўзимга етарли бўлиб тургани учунми, билмадим, қаттиқ бир нарса дейишга оғиз жуфладим-у, лекин унинг йиғлашдан бери бўлиб турганини кўриб ҳушимга келдим: унга қаттиқ гапирришга нима ҳақим бор? Ахир айб унда эмас, ўзимда-ку! Бу иродасиз, шўрлик одам ойимнинг қистовлари билан шу ишга мажбур бўлганини кўра-била туриб индамаган эдим-ку! Дадамни айблаш ҳам виждонсизлик бўлади-ку!

— Кечирасиз, болалик қилибман. Директорга кираман деб жаҳл устида айтгандим. Кўнглингиз тўқ бўлсин... Ҳеч қачон кирмайман!— дедим ва уйга бурилдим. Тўсатдан хаёлимдан: «Агар ўз дадам тирик бўлганда эҳтимол бу ишлар бўлмас эди, эҳтимол мен бу аҳволга тушмас эдим!» деган фикр ўтди-ю, кўзимга ёш келди...

Уйга киришим билан орқамдан ойим ҳам кирди. У тўппа-тўғри олдимга келди, иккала қўли билан бошимни ушлаб, кўзларимга тикилди:

— Сенга нима бўлди, болам? Кўнглингдаги дардингни онангдан нега яширасан? Нега бундай қиласан?

Йўқ, сочларига оқ оралаган, пешонасига чуқур ажинлар тушган бу она ўз фарзандининг дардини тунунмайдиған оналардан эмас эди! Мен бир ой ичида бошимдан ўтган ҳодисаларни ундан яширмасам ҳам бўларди!..

Бошимни унинг қўллари орасидан секин чиқариб ерга қарадим. Айни маҳалда уйга келаётганимда йўлда ўйлаганим учинчи йўлнинг йўқлигига ҳам амин бўлдим.

— Мен бу йил ўқимайман,— дедим,— яхшиям,
заводга қайтиб бораман.

— Нега?— секин сўради ойим, унинг овози жу-
да мулойим эди.— Сир эмасми?

— Йўқ, сир эмас, бироқ бу тўғрида ҳозир айтол-
майман. Мен сизга фақат шуни айтишим мумкинки,
тунов куни шу ишга розилик бериб жуда катта хато
қилибман, чунки бир одамга... бир қизга жуда жавр
бўлди... Йўқ демасангиз, Сулаймон Акрамовичнинг
олдига бораман.

Ойим узоқ вақт жим қолди.

— Майли, болам, ўзинг биласан,— деди ниҳоят
у ва яна бошимдан ушлаб, пешонамдан ўпди. Унинг
кўзлари нам эди:

— Йўқ, болам, сен эмас, мен янглишдим. Ўқи деб
зўрлаб сени қийнаб қўйганга ўхшайман. Бора қол, бо-
лам, майли, бора қол.

У яна пешонамдан ўпди. Уйдан чиқиб Сулаймон
Акрамовичнинг олдига кетдим.

Хатони тузатиш учун, ҳаётни қайтадан бошлаш
керак эди.

* * *

Йигит ҳикоясини тугатганда, қуёш жийдазор ор-
қасига ёнбошлаган, ҳаво эрталабки файзини йўқотиб,
совуқ шамол кўтарилган эди. Лекин бу совуқни сез-
мас эдим. Қўлларимни бошимнинг орқасига қўйиб
чалқанча ётардим, баланд тубсиз осмонда у ёқдан-бу
ёққа санқиб юрган қора булутларнинг бир-бирига қў-
шилиб, каттайиб боришини томоша қилиб хаёл сурар-
дим.

Мен йигитнинг қалбини ўзи билан олиб кетган
ажойиб қиз ҳақида, турмушнинг мураккаблиги ва
йигитнинг эндиги тақдири тўғрисида ўйлардим.

— Муқаддас нима қилибди? Хабарингиз бўлма-
димми?— ниҳоят сўрадим ундан.

— Эшитишимча заводда лаборант бўлиб ишлаёт-
ган эмиш,— деди йигит.

— Хат-пат ёздингизми?

— Нима дейман?— деди йигит, кейин қандайдир
ўзгарган овозда қўшимча қилди:

— Йўқ, ака, энди хат ёзишнинг фойдаси йўқ. У
мени кечирмайди. Кейин... тўғрисиини айтсам, мен
унга муносиб эмасман...

Йигит бирдан ўрнидан туриб кетди, баланд жарликнинг ёқасига бориб, Бўзсувга тикилди, ўйга чўмди.

— Кулоянц айтмоқчи меҳнатдан қўрқадиган бой-вачча шу ишни қилганда-ку, тушуниш мумкин эди,— деди йигит, анчадан кейин. Унинг ўйчан овози ифода этиш қийин бўлган ички бир дардга тўла эди.— Ахир мен меҳнатнинг қадрини билла бошлаган эдим-ку! Яна бир йил ишлаб соф виждон билан ўқишга кира олишимни, ҳеч бир институтнинг эшиги мен учун ёпиқ бўлмаслигини яхши билардим-ку!.. Бунинг ҳаммаси нотўғри тарбиянинг натижаси, ака!— деди йигит ва яна хаёлга берилди.

— «У мени кечирмайди»...— Мен бу сўзлар устида жуда кўп ўйландим.

Муқаддас кўп жиҳатдан ҳақ, албатта, лекин у йигитнинг тарихини, оиласидаги чигал муносабатларни билладими, унинг кейинчалик ўз ҳаётида шундай кескин буррилиш ясаганидан хабари борми?

Мен олдин унга бир хат ёзмоқчи бўлдим, ҳатто ўзим бориб бир гаплашиб келсаммикин, деган фикрларга ҳам бордим. Лекин борганда ёш бир қизга мен нима ҳам дейман?

Ўйлаб-ўйлаб мен бу воқеани китоб қилиб ёзишга қарор қилдим. Эҳтимол бу қисса икки ажойиб ёшнинг қайта топилмишига бир восита бўлади, «севмоқ ва севилмоқ» бахтига муяссар бўлган бошқа ёшларга ҳам бир ибрат бўлар. Ҳар қалай, мен бу китобни ҳаммадан олдин Муқаддаснинг ўқиб чиқишини истардим. Шариф қанчалик айбдор бўлмасин, Муқаддас уни кечиришини хоҳлардим.

1960 йил.

ТИЛЛА УЗУК

Ҳикоя

Поезд манзилга эрталаб соат бешлар чамасида етиб келди. Воҳид уйқули кўзларини арта-арта перронга чиққанида, тонг нафаси сезилиб қолган, лекин рўпарадаги чорбоғнинг ичи ҳалиям қоронғи, у ер-бу ерда лампочкалар чарақлаб турарди.

Ҳаво салқин эди. Димоққа атиргул ҳиди урар, гўё рўпарадаги боғда мевали дарахтлар гулламоқда эди.

Воҳид зинапойдан тушаётиб бир зум тўхтади, тоғдан эсаётган енгил шабадага юзини бериб бир нафас турди ва беихтиёр жилмайди: борлиқни тўлдирган гул ҳиди, пастдаги боғдан эмас, қаердандир олисдан, афтидан, тоғ этагидаги ўзининг қишлоғидан келарди. Ҳар йили шу маҳалда у ерда чиллаки ўрик ва бодом гулларди.

Вокзалнинг ўнг қанотидаги такси тўхтайдиган жойда битта ҳам енгил машина кўринмас, поезддан тушган йўловчилар билан автобус одамга тўлган эди.

Воҳид такси келгунча боғ теварагида айланиб юрмоқчи бўлиб пастга туша бошлади-ю, тўсатдан совуқдан эти жулжиб, вужудини титроқ босаётганини сезиб, тўхтади. Кеча уйдан чиқиш олдида Машҳура: «Иссиқроқ кийиниб олинг», деб бир неча марта эслатса ҳам қулоқ солмаган, ҳатто қайта айтганида жеркиб ташлаган эди. Нега?

Бунинг эслаши билан кўз олдида перрондаги сиймоғча суянганча йиғлаб қолган Машҳура келди... Кеча Воҳид бунга эътибор бермаган ва хотинларнинг одатдаги кўз ёши деб ўйлаган эди. Поездга чиққандан кейин эса бу нарса ёдидан ҳам чиқиб кетганди. Лекин ҳозир кетаётганида уни юпатмагани, хаёли онасидан келган ваҳимали телеграммада бўлиб, Машҳура билан совуққина хайрлашиб жўнаб қолгани эсига тушиб, кўнгли негадир хижил тортди. Қизиқ, унинг шунақа ғалати одати бор: Машҳура билан совуқ муо-

мала қилганини, бир сабаб билан кўнглига озор берганларини доим мана шунақа пайтларда, вўндан узоқда бир иш билан бошқа шаҳарларга кетган вақтлариди эслайди, баъзан пушаймон бўлади, ҳатто: «Энди бундай қилмайман», деган маънода ўзига-ўзи сўз ҳам беради, лекин қайтганидан кейин бунинг ҳаммаси яна эсидан чиқиб кетади. Лекин бу сафар, уни узатиб қоларкан, Машҳура негадир одатдагидан ҳам ғамгин эди. Воҳид поездга чиқаётганида озгинлигидан бўлса керак, жуда катта кўринган маънос кўзлари жиққа ёшга тўлиб:

— Кўп турманг, тезроқ қайтинг!— деди-ю, тўсатдан унинг бўйнидан кучоқлаб йиғлаб юборди. Воҳиднинг у билан совуққина хайрлашишига ҳам худди шу кўз ёши сабаб бўлди, чунки ҳомилдор бўлгандан бери Машҳура жуда инжиқлашиб кетган, сал нарсагаёқ кўз ёши тўкаверадиган бўлиб қолганди. Бунинг ҳаммаси сўнги пайтларда Воҳиднинг ғашига тега бошлаган эди. Лекин ҳозир бу тўғрида ўйларкан, Воҳиднинг хаёлидан: «Ҳар қалай илгари бунчалик эмас эди-ю, нега бундай қилди?»— деган фикр ўтди.

— «Нега бундай қилди?»— ўйларди Воҳид ва тўсатдан хаёлига келган фикрдан бенхтиёр кулимсиради: — Ҳа-а... Эски дард! Рашк қилган! Розияга рашк қилган!»

Воҳид ўзинча яна бир жилмайиб қўйди-да, баттар совқотганини ҳис этиб, вокзалга бурилди.

У Машҳуранинг Розияга рашк қилишини яқин биларди, лекин бу сафар унинг хайрлашаётгандаги кўз ёшларига қарамасдан бу нарса хаёлига ҳам кириб чиқмаган, чунки Розия уни қаттиқ хақорат қилганидан бери ўтган бир ярим йил ичида, Воҳид уни аллақачон кўнглидан чиқариб ташлаганди.

Залда одам сийрак эди. Гир айлана қўйилган скамейкаларда беш-ўнта йўловчилар бошларига қопларини қўйиб ухламоқда, тўрдаги буртикда сочлари тўзғиган лўли хотин уйқу аралаш бола эмизмоқда эди. Газета-журнал сотиладиган киоска бэрк, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит, фақат эшигига «дежур» деб ёзиб қўйилган хонадан эркак кишининг телефонида қаттиқ-қаттиқ гаплашаётган бўғиқ овози эшитилиб турарди.

Залнинг тўридаги қатор эшикларнинг бирига қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан «буфет» деб ёзиб қўйил-

ганди. Буфет ҳам берк эди, лекин унга кўзи тушиши билан Воҳид яна Розияни эслади. Бундан бир ярим йил олдин Розия билан алоқани узиб келган кун, тўртинчи январь кечаси, Воҳид шу буфетга кириб, поездга чиқишдан олдин икки стакан лим-лим шампанни бирин-кетин ичиб юборганди. Лекин, ажабо, ўшанда ҳатто шампань ҳам унга таъсир этмаган, кечаси мижджа қоқмасдан вагоннинг тамбурида папирос чекиб тонг оттирган эди! Эсида бор, бир неча марта тамбурнинг қоронғи, мудҳиш ўпқонига тикилиб: «Энди бу ҳаёт нимага керак?» деган фикрни кўнглидан кечирганди...

Ҳозир бунинг ҳаммаси жудаям ғалати, бемаъни аҳмоқона бир нарса бўлиб кўринади, лекин ўша пайтларда турмуш, келажак кўзига қоронғи бўлиб кўрингани, ажабо, ҳақиқат эди!..

Ҳатто Машҳурага тўсатдан уйланиб олишига ҳам ўша алам, ўша дард сабаб бўлган эди. Рост, улар бирга ўқиб, институтни бирга битирган эдилар. Лекин Воҳид Розия воқеаси содир бўлгунча унга эътибор бермаган, тўғриси, яхши танимас эди. Розия билан алоқани узиб борган кунлари улар бир жойда учрашиб, гаплашиб қолдилар. Машҳура унга жуда мулоим қиз бўлиб кўринди. Эҳтимол, ўша чоғларда Воҳид илиқ, дўстона муомалага муҳтож бўлиб юргани учун бўлса керак, шартга уйланиб қўя қолди.

Ёшлик ғалати бўлар экан. Ўшанда, мана шу буфетнинг ўртасида типпа-тик туриб, бир-икки қадаҳ шампань ичганида, Воҳид кўнглида Розия қолдирган алам ҳеч қачон сўнмас, деб ўйлаганди. Мана, икки йил ўтмасданоқ ҳаммаси эсдан чиқиб кетди! Энди фарзанд кўриш, ота бўлиш арафасида турибди. Агар онасидан телеграмма бориб, бу ерга келишга мажбур бўлмаганида, эҳтимол бунинг ҳаммасини эслаб ҳам ўтирмасди!..

Воҳид аъзойи баданида кучли чарчоқ ҳис этиб, четроқдаги скамейкага ўтирди. Ҳа... телеграмма сабаб бўлмаганда у келмас ҳам эди, албатта. Лекин... «Тез етиб кел, келмасанг чатоқ бўлади!»— деган бундай ваҳимали телеграммага нима сабаб бўлдийкин? Кампирнинг тоби қочиб қолдимикин деса, телеграмма унинг номидан ёзилганди. Бошқа нима сабаб бўлиши мумкин? Ҳа, айтмоқчи, Розия воқеаси рўй берганда ҳам Воҳид онасидан худди мана шундай ваҳимали телеграма олганди! Тағин қандай фалокат юз бердийкин?

Е акасининг онласида кўнгилсиз бир воқеа содир бўлди-микин? Ишқилиб тинчлик бўлсин-да!

Воҳид ўрнидан туриб кетди...

Тонг отган, чироқлар ўчган, ўчмаганлари нурсиз хира нуқталарга айланган, лекин атрофни аллақандай енгил оқиш туман чулғаб олган, боғлар, уйлар гўё ҳарир тўр парда орасида қолганга ўхшарди. Олисдаги тоғларнинг тепасига, худди биров бўёқ чаплагандек, нафис пуштиранг чизиқлар билан қопланганди.

Такси тўхтайдиган жойда энди автобус ҳам кўринмас, оғиз-бурнини рўмол билан ўраб олган бир хотин ҳаммаёқни чангга белаб кўча супурмоқда эди.

Воҳид орқага қайтиш-қайтмаслигини билмасдан ҳайрон бўлиб турганида, қанотлари майнишиб қолган пачоқ бир победа пастдаги боғ орқасидан «ғиз этиб чиқди-да, рўпарасига келиб тўхтади. Қирқ беш-эллик ёшлар чамасидаги олифтанамо, ингичка мўйлов қўйган шофёр «Шакар булоқ» сўзини эшитганида олдин бошини чайқаб «боролмайман, машина йўлда қолиб кетади» деди-ю, бир оз ўйланиб тургандан сўнг:

— Ҳай, майли, юз сўлкавой берасиз, олиб бориб кўямиз, акажон!— деб кулимсиради.

— Ингирма чақирим жойга-я!— деди Воҳид.

— Ингирма эмас, қирқ чақирим денг, у ёқдан қуруқ аравани шалдиратгандай қилиб бўш қайтамиз-у, акаси айлансин!— деди шофёр гўё: «Шу савлатинг билан беш-ўн сўмнинг юзига бориб ўтирибсанми?» деган маънода Воҳидга бошдан-оёқ разм солиб, яна кулимсиради.

Воҳид қўлини силтади:

— Майли, кетдик бўлмаса!

Машина эндигина уйқудан уйғонаётган шаҳарчани оралаб, борлиқни қуюқ тўзонга кўмиб, учиб кетди.

Шофёр сергап одам экан, бир лаҳзада анча янгиликларини — шаҳар ўсиб, обод бўлиб бораётганини, лекин машина ҳам кўпайиб кетганидан, таксичиларнинг аҳволи оғир эканини ва яна хийла нарсаларни гапириб ташлади. У Воҳидни ҳам гапга солишга уришиб кўрди, лекин Воҳид суҳбатга тоби йўқ, чарчаган эди. Зотан Воҳид бундай олис йўлга чиққанида, айниқса машинада сафар қилганида, жим ўтириб хаёл

суришни яхши кўрарди. Узоқ йўл, бир-бирини тез ал-
маштириб турадиган янги манзаралар ҳамиша унинг
руҳини эркалар, хаёлида ғамгинлик аралаш ёруғ ўй-
лар, ширин орзулар уйғотарди.

Чорак соат ўтар-ўтмас шаҳарча орқада қолди.
Олдинда, то олисдаги тоғларга қадар ям-яшил барра
майса билан тўшалган текис дашт чексиз-чегарасиз
ястаниб ётарди. Йўлнинг ўнг томони узоқдаги тепа-
ликларгача бўм-бўш, на уй, на бир дарахт кўринар,
чап томонда эса хийла олдинда, таниш қишлоқлар
кўзга чалинар, кўм-кўк толзорлар, оппоқ гуллаган
боғлар бир-бирига тутшиб кетарди.

Ҳар сафар ёзги дам олиш пайтларида қишлоққа
келаётиб, болалигидан таниш бу даштни, йўл бўйидаги
тўп-тўп боғларни кўрганида, Воҳиднинг кўнгли ажо-
йиб бир нурга, бошқача бир шодликка тўлиб, яйраб
ёзилиб кетарди. Бу сафар эса, бу қувончли ҳисларга
қандайдир маъюслик, сабаби ҳали ўзига ҳам маълум
бўлмаган бир ғамгинлик қўшилганди. Гўё кўз олди-
да ястаниб ётган бу даштда ҳеч нарса ўзгармаган,
ҳамма нарса жой-жойида қолган, айни маҳалда ни-
мадир ўзгарган эди! Нимадир умр ўтиб бораётгани-
дан, беғам, беташвиш болалик чоғлари, бахтиёр ёш-
лик даври энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини ти-
нимсиз ёдига туширмоқда, нимадир буни узлуксиз
эслатмоқда эди...

Машина боя хийла узоқ кўринган боғларга етиб,
гўё оппоқ гулдаста орасига шўнғиди. Урик шохлари
снлкиниб, бир зум уйлар, кўчалар, узоқдаги тоғ-
лар — ҳаммаси гўё кўркам оқ ва пуштиранг ёғдуга
чўмлгандай туюлди Воҳидга. Машина кўча бўйи-
даги паҳса деворлардан осилиб тушган шохларга
тегиб, ўрик гулларини дув тўкиб ўтди. Воҳид буни
завқ билан томоша қиларкан, Розия билан биринчи
марта ўз боғларида олма тераётиб танишгани эсига
тушиб кетди... «Яна Розия! Менга бир нима бўлдим
ўзи?»

Воҳид ўзини машинанинг суюнчиғига ташлаб кў-
зини юмди. У эндигина боядан бери кўнглида дам
сўниб, дам қайга уйғонаётган ғамгинлик ҳам Розия-
га боғлиқ эканини тўшунди. Бу эсдаликлардан қуту-
лиш ниятида бошқа нарсалар тўғрисида ўйлашга ти-
ришиб ҳам кўрди, лекин хаёли яна Розияга қараб уч-
ганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Розия қўшнининг қизи эди. Уларнинг боғи билан Воҳидларнинг боғи бир-бирига туташиб кетар, Розиянинг укаси Собир билан Воҳид ёнгоқ ўйнаб катта бўлганди, Воҳид Собирдан уч-тўрт ёш улкан эди. Розия эса олти-етти ёш фарқ қилса керак, чунки Воҳиднинг синглиси Зарифадан кўп бўлса икки ёш катта эди.

Воҳид ўрта мактабни битириб армияга хизматга кетганида, Розия бешинчи ё олтинчи синфда ўқиётган юрадиган, қорачадан келган озғингина бир қиз эди. Шундан кейин у Розияни армия хизматидан қайтиб келган йили кўрди. Унинг бўйи хийла чўзилиб қолган, бироқ жуда нозик, ҳатто нимжон кўринар, фақат доим кулиб турадиган қоп-қора юмалоқ кўзлари эсида қолганди. Ҳатто ўшандан икки йил кейин, институтнинг иккинчи курсини тамомлаб келганида ҳам Розия унинг диққат-эътиборини ўзига тортмаган эди. Учинчи курсни тамомлаган йили Воҳид бошқа ёқларга практикага кетиб, қишлоққа келолмаганди. Тўртинчи курсни тугатиб, дам олишга келганида эса тўсатдан Розияни кўриб лол бўлиб қолганди. Икки йил ичида Розия бўйига етиб, тўлишиб, шундай очилиб кетган эдики, гўё тўсатдан тупроқ орасидан топилган тилла узукдек, Воҳиднинг кўзини қамаштириб юборганди!

Айни олма пишган пайт эди. Воҳидларнинг қишлоғида бошқа ерларда жуда кам учрайдиган ҳали ва ширин олма бор. Халқ уни нимагадир «Қозин дастор» деб атайдди. Қозин дастор олманинг бозори ҳам жуда чаққон бўларди.

Воҳид борган кун Рузвон хола ҳам олмаларни тердириб, дўконга топшироқчи бўлиб турган экан. Воҳид келиши муносабати билан бу иш эртасига қолдирилди. Воҳиднинг олма териш нияти йўқ эди, лекин эрталаб уни Зарифа уйғотиб юборди:

— Туринг, олма терамиз!— деди у ва кўзини муғамбирона қисиб кулди:

— Тезроқ бўлинг, Розия опам кутиб турибдилар!

Кун энди чиққан, икки боғ ўртасидаги осмон билан ўпишган теракларнинг шоҳларига гўё зар ёрилган, лекин бўйи паст олча ва шафтолилар, бутун боғ ҳали қуюқ сояда эди.

Воҳид ўрнидан туриб, айвондаги бир челак совуқ сувни бошига қуйди-да, ҳўл сочларини тарай-тарай боққа шўнғиди.

Кечаси шудринг тушмаган бўлса ҳам, оёқ остидаги майсалар, дарахт япроқлари нам ва муздек эди.

Зарифа қаёққадир кетган, олмазорда ҳеч ким кўринмас, фақат қушларнинг чуғур-чуғури эшитилар, қаердадир яқинда тинмай булбул сайрарди. Воҳид ҳар бири пиёладек оппоқ олмаларнинг оғирлигидан ерга тегиб қолган дарахт шохларини эҳтиёткорлик билан четга сура-сура боғнинг ичкарисига қараб кетди.

Тўсатдан дарахтлардан бири қаттиқ силкинди, ёмғирдек дув тўкилган олмалар Воҳиднинг бошига, елкасига тушди. Сўнгра нимадир «чарс» этиб сингандек бўлди, кимдир қулагандек туюлди ва бошини қўллари орасига олиб, букилиб қолган Воҳиднинг олдида оқ кўйлакли, нозиккина, узун бўйли бир қиз пайдо бўлди.

Қизнинг юзи, бўйни, енглари билакларигача шимарилган яланғоч қўллари қуёшда куйиб, жигарранг тусга кирганди. У катта бир олмани карсиллатиб тишлаб, кулимсираб турар, сал қисилган катта қора кўзларида: «Танидингизми, йўқми?»— деган бир ифода жилва қиларди.

— Кечирасиз, пайқамай қолдим,— деди қиз, лекин кўзларидаги табассумдан у атайин шундай қилгани кўриниб турарди.

— Розиямисан?— деди Воҳид, кўзларига ишонмасдан.

— Ухшайманми ўзи?

— Сираям!

— Нега?— деди Розия ва яна кулди.

— Чунки... жудаям очилиб кетибсан!

Розия ярим ўпкалаб, ярим эркаланиб бир қаради-ю, ўзини дарахтлар орасига уриб ғойиб бўлди. Бир зумдан кейин боғнинг бошқа бир бурчидан унинг қувноқ шўхлик аралаш ички шодликка тўла овози жаранглаб эшитилди.

— Қаёқда қолдинг, Зарифа?

— Ҳа, мен бу ёқдаман, бу ёққа келинг!

Зарифанинг овози мутлақо бошқа томондан эшитилди.

Тушгача икки қоп, бир сандиқ олма тердилар. Тушдан кейин Розияларнинг боғига ўтиб, кечқурунгача ҳар бирига уч-тўрт пуд олма кетадиган беш қутини тўлдирдилар.

У маҳалда Собир армияда бўлгани учун уй-рўзгор ишлари Розиянинг зиммасида экан. Шунинг учунми ё бошқа бир сабаби бормиди, ишқилиб Розиянинг онаси Гулсин хола ҳашарчиларни жуда самимий кутиб олди, кечқурун яхшилаб меҳмон қилди. Розиянинг ўзи эса эрталабгидан ҳам очилиб-сочилиб кетганди. У гоҳ ошхонага югуриб овқат устига овқат ташир, гоҳ ҳашарчи акани (ўша кунн Воҳидни негадир шундай деб чақирганди) овқат емагани учун койир, унинг устидан ойисига арзҳол қиларди.

У бир минут ҳам бир жойда тинч ўлтиролмас, гўё аллақандай жўшқин бир куч, юрагида мавж урган бир қувонч нчига сиғмасдан тошиб бораётганга ўхшар, гапирганда ҳам ҳадеб садафдек ялтираган тишларини кўрсатиб кулар, икки ўрим йўғон сочларини дам бошига чамбарак қилиб ўрар, дам ечиб елкасига ташларди. Баъзан Зарифа иккиси нима тўғрисидадир қизғин шивирлашиб қолишар, сўнгра барабар қаҳқаҳа уриб кулишардилар. Воҳид гапларини эшитмагани учун кулгининг сабабига тушунмас, лекин унга оид бир гап бўлаётганини кўнглининг бир четида сезиб турар, бу унга ёқар, умуман Розия билан ўз синглиси ўртасидаги яқинлик уни фавқулодда қувонтирар, ҳаяжонга соларди.

Уша кунн улар ярим кечагача суҳбатлашиб ўтирди-лар. Воҳид сўнги икки йил давомида бўлиб ўтган воқеанинг ҳаммасини билиб олди: Розия саккизинчи синфни тугатгандан кейин, мактабни ташлаб, шаҳардаги фельдшерлик билим юртига ўқишга кирган экан. Воҳид келишидан сал олдин билим юртини тугатиб, қишлоқ касалхонасига ҳамшира бўлиб тайинланган экан.

Ярим кечага яқин Воҳид билан Зарифа хайрлашиб кетаётганларида, Розия тўсатдан:

— Театрни яхши кўрасизми, Воҳид ака?— деб сўраб қолди.

— Йўқ,— деди Воҳид,— нима эди?

— Ўзим...

Зарифа секин акасининг қўлидан тортиб шивирлади:

— Шаҳарга Тошкентдан артистлар келишган эмиш. Ўшанга... Бориб келайлик, акажон!

Воҳид кейинчалик эслаганда ўзига ҳам эриш туюлган бир шошқалоқлик билан:

— Ҳа, ҳа,— деди дудуқланиб,— борамиз! Ҳар қалай мен ҳам жуда қизиқман.

Розия бирдан шўх овозда қийқириб кулди.

— Бўпти! Ўзингиз олиб тушадиган бўлдингиз!

— Бўпти!

Алланимага севиниб кетган Воҳид, эртасига тушга яқин катта йўлга чиқиб, машина топиб келди. Зарифа билан Розия ҳам кутиб ўтирган эканлар, дарҳол йўлга чиқдилар.

Шаҳарга жуда барвақт етиб бордилар. Кечқурун-гача кирмаган жойлари қолмади. Паркларни, сайил қиладиган жойларнинг ҳаммасини айланиб чиққанларидан кейин Розия Воҳид билан Зарифани ўзи ўқиган билим юртига бошлаб борди. Ремонт қилинаётган бўш хоналарни айлантириб, имтиҳон пайтларида бўлган қизик-қизик воқеаларни, шпаргалка ишлатиб қўлга тушиб қолаётганларини кула-кула гапириб берди. Кейин торгина клубга бошлаб кирди ва кўзлари чарақлаб Жамилла ролини ижро этганларини эслаб кетди.

Бу гап Воҳидга нимагадир ёқмади.

— Ҳали артистка ҳам бўлганман денг?— деди у, кулгига олишга тиришиб.

— Бўлганда қандоқ!— деди Розия,— бизни ўйин-мизга бутун шаҳар бир соат типпатик туриб қарсақ чалган-а!

Кечқурун спектакль жуда чўзилди. Оқибат шу бўлдики, Воҳид тўсатдан учраб қолган таксичига ялиниб ёлвориб, ярим кечада қишлоққа зўрға етиб боришди.

Зарифа машина тўхташи билан сакраб тушиб кетди. Воҳид билан Розия йўл ҳақини ким тўлаши устида таллашиб бир оз кечикиб қолишганида, Зарифа машинадан тушиб боққа кириб кетганди. Розия ҳам кетмоқчи бўлиб: «Хайр бўлмаса, раҳмат...»— деб оғиз очган эди, Воҳид:

— Розия!— деди ялиниб,— нега мунча шошасиз?

— Тун ярмидан ошди-ю!— Розия кулди ва секин:

— Бир гапингиз борми?— деб сўради.

— Розия!— деди Воҳид,— Розия, қандай яхши қиз бўлибсиз!

— Ростданми?

— Розия!— Воҳид қоронғиликда унинг қўлини ушлаб секин сиқди,— Розия!..

Қиз худди бир нарсадан сескангандек, қўлини шартта тортиб олди.

— Агар... иккинчи марта бунақа қиладиган бўлсангиз...

Воҳид шошиб қолди.

— Кечирасиз,— деди у дудуқланиб.

— Билиб кўйинг!— деди Розия ва шип-шип юриб дарвозагача борди, кейин бир зум тўхтаб:

— Яхши тушлар кўринг!— деди-ю, ғойиб бўлди.

Кечаси Воҳид алламаҳалгача ухлай олмади. Кўзи юмилган заҳоти хаёлида Розия гавдаланар, дам нозик қомати, дам бурун катаklarини кериб, оппоқ тишларини ялтиратиб кулишлари эсига тушиб, бутун вужуди ловиллаб кетарди... Унга хуш келмаган фақат битта нарса бор, у ҳам бўлса қиз жудаям шўх эди! Лекин айни маҳалда Воҳид қизнинг бу шўхлигида ҳам ажойиб бир самимийлик, поклик, беғуборлик борлигини, бу шўхлик ҳаёт кучи, ишонч, муҳаббат ва бахт истагига тўла эканини ҳис этарди.

Ушандан кейин Воҳид яна уч-тўрт марта Розияларникига ҳашарга чиқди. Ниҳоят олма хазон ченак бўлди, лекин олма сабаб бўлиб бошланган бу муносабат олма хазон ченак бўлгандан кейин ҳам узилиб қолмади. Гоҳ Воҳид бир баҳона топиб, кўпинча китоб сўраб Розияларникига чиқар, гоҳ Розия китоб тўғрисида унинг фикрини билиш учун кирарди. Лекин энг қизини шунда эдики, одатда бундай пайтларда бошқаларнинг қизларини гап-сўз қиладиган Рузвон хола билан Гулсин хола бу сафар ҳеч нарса бўлмагандек, ўзларини кўриб-кўрмаганликка олар, гўё оқибати нима бўлишини кутар, тўғрироғи, иккисининг муносабатларига жимгина хайрихоҳлик билдирардилар.

Бир кун Воҳид яна бир баҳона топиб Розияларникига чиқмоқчи бўлиб турганида, уйга катта акаси кириб келди ва уни тўхтатиб, меҳмонхонага таклиф қилди. Кетма-кет Рузвон хола ҳам кириб келди.

Улар гапни узоқдан, ҳар бир инсон учун ўз жуфтини топиб оила қуриш, фарзанд кўриш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигидан бошладилар ва охири Розияга келиб етдилар. Оила қуриш масаласи осон эмаслигини, токи «Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотин» эканлигини обдан уқтирдилар. Ниҳоят шу жиҳатдан қараганда Розия ёмон қиз эмаслигини, негаки онаси Гулсин хола жуда мўмин аёл эканини, халқда эса: «Онасини кўриб қизини ол», деган ҳикматли сўз борлигини гапириб кетдилар.

Воҳид онаси ҳадеб уни мақтаб, Розияга келганда қайта-қайта: «Ҳар қалай ёмон қиз эмас»;— деб бир поғона пастга олаверганидан кейин ўнғайсизланиб: «Ҳадеб мени мақтаб, уни ерга ураверманг, ҳали у рози

бўладими-йўқми? Буни қаёқдан биласиз?»— деди-ю, онасидан балага қолди:

— Мен уни келин қилмоқчи бўлибман-у, унинг тегмагани қолибди!— деди Рузвон хола овозини кўтариб, — худога шукур, қишлоқда ўзимга яраша обрўйим бор! Бу келгинди тугул, бундан бадавлат, бундан яхши хонадонлар ҳам оғзимга тикилиб ўтирибди, болам. Бунақа ўз қадрингни ўзинг ерга урмасдан билиб гапиргин, ҳа!

Воҳиднинг эсида бор: онасининг бу сўзлари бир вақтнинг ўзида унга ҳам ғалати туюлган, ҳам кўнглига ёқиб тушганди. Лекин онасининг гапларига қарамасдан, у ўртага одам қўйишдан олдин, Розия билан ўзи бир оғиз гаплашишга хоҳиш билдирди.

— Гаплашсанг, гаплашавер,— деди Рузвон хола, — «маслаҳатли иш бузилмас», деган эскилар. Бироқ ўз қадрингни билиб гаплашгин, болам. Мен келин қилмоқчи бўламан-у, у тегмай бўпти. Онаси жон-жон деб ўтирганда қизи қаёққа борарди!

Акаси эса: «Кампир зўр, кампир маладес!» деган маънода мийиғида кулиб қўйди.

Рузвон холанинг бундай баланддан туриб гапириши бежиз эмас эди. Воҳидларнинг оиласи бурундан қишлоқдаги бадавлат, обрўли оилалардан ҳисобланиб келарди. Унинг катта акаси ҳам, ўртагача акаси ҳам тузук жойларда ишлашар, Рузвон холанинг ўзи эса, ҳеч жойда ишламаса ҳам, қишлоқ хотинлари ўртасида бурундан гапини ўтказиб келарди. Айни маҳалда ишбилармон, удабурон хотин деб юритилар, усиз тўй ўтмас, маърака тарқамас эди. Воҳид буни яхши билар ва онасидан фахрланиб юрарди.

Афтидан Рузвон хола Воҳидга айтган гапларни Гулсин хола ҳам ўз қизига айтган бўлса керак, ўша кунн Розия аҳдлашган жойларига ранги ўзгариб келди. Воҳид буни дарров пайқади. Воҳид унинг тўсатдан ўзгариб қолганидан, одатдаги шўхлигидан асар ҳам қолмаганидан, сабабсиз қизариши ва кўзларини олиб қочишларидан Розияга ҳамма нарса аён эканини тушунди-ю, бирдан бутун вужуди жимирлаб қўлидан ушлади.

— Эшитдингми? Розимсан?

Розия қўлини тортиб олмади, лекин жавоб ҳам бермасдан бошини пастроқ эгди.

— Нега индамайсан, бир нима дегин, Розия!— Воҳиднинг овози титраб кетди.

... Розиянинг майин, жингалак сочларидан гул ва

райҳон ҳиди келар, титроқ лабларида асал тамн бор, ёшли кўзларида бахтиёр табассум жилваланар эди.

Хайрлашаётганларида Розия Воҳиддан бир нарсани сўради:

— Унаштириш деган гаплар бўлмасин. Институтни битириб келгунингизча кутаман. Биратўла тўй қила-миз!..

Лекин Рузвон хола бу гапни эшитгисиям келмади.

— Яхшими, ёмонми, ота-боболаримиздан қолган урф-одатимиз бор. Лоақал уч-тўртта хотинни йиғиб, унаштириб қўяман. Хоҳласа— шу, хоҳламаса бошқага келин бўла қолсин!

Воҳид олдин эътироз билдиришга уриниб кўрди-ю, кейин онасини кўндира олишига кўзи етмагач, қўл силтаб кулиб қўяқолди. У шунинг учун ҳам кулиб қўяқолдики, кўнглининг бир четида онанинг гапи унга ёқар, чунки унаштириб қўйилса, Розия унга яна ҳам яқинроқ, муҳаббатлари тағин ҳам мустаҳкам-роқ бўлиб қоладигандек туюларди назарида.

Рузвон хола ахир ўз айтганини қилдирди, эртасигаёқ ўзига яқин хотинларни тўплаб қудасиникига савлат тўкиб чиқди, лекин шунда ҳам келинидан кўнгли тўлмай кирди, чунки Розия хотинларнинг йиғилишига қаршилиқ билдирмаса ҳам бошқа маросимларни қилдирмабди.

Кечаси Рузвон хола Воҳидни олдига чақириб олиб, узоқ насиҳат қилди.

— Мен бошда билмай қолган эканман, келини тушмагур жуда эркатой бўлиб кетган экан!— деди у астойдил ранжиб,— энди бу ёғи ўзингга боғлиқ, ўғлим... Нега жилмаясан? Тўғрисиям шу — болани ёшидан, хотинни бошдан деган бурунгилар. Унгаям мана шунақа тиржаявермасдан ўзингни босиб муомала қил! Йилит деган бунақа бўлмайди, болам!

Ҳамма гапни айтиб тамом қилгандан кейин Рузвон хола киссасидан рўмолчага тугилган битта узук олиб Воҳидга узатди.

— Парпи заргарга атайин буюртирувдим, тоза тилладан ясалган,— деди у ва негадир кўзига ёш олди,— ўз қўлинг билан бармоғига солиб қўй... Илоҳим ўзига инсоф берсин!

Воҳид онасининг бу топшириғини ўқишга кетишидан бир кун олдин, хайрлашув кечаси бажо келтирди.

Улар боғнинг хилват бурчагида учрашдилар. Яқинлашаётган кузнинг илк нафаси сезилиб турган салқин, сокин бир оқшом эди.

Икки боғ чегарасидаги теракларнинг учида илиниб қолган кўкимтир ярим ой бутун дарахтзорни, узоқдаги қирларни қандайдир галати яшилнамо нурга чуллаган, борлиқ кишига тасалли берувчи оромбахш сукутга чўмган эди.

Розия ўзига жуда ярашадиган, чеҳрасини очиб юборадиган оқ шоҳи кўйлагини кийиб олган эди.

Воҳид қўлидаги газетани ариқ бўйидаги майсаларга ёзиб Розияни ўтқазди. Сўнгра ўзи ҳам унинг ёнига тиз чўкиб:

— Сенга кичкинагина совғам бор!— деди.

— Қани!— Розия узукни бармоғига солишга кўймади, Воҳиднинг қўлидан юлиб олиб, ўрнидан туриб кетди.

Узук унга жуда ёққан эди.

— Қандай нозик, қандай чиройли!— дерди узукни ойга солиб.

Воҳид ойдинда бурунгидан ҳам нозик ва қандайдир афсонавий гўзал кўринган бу қиздан кўзини узолмас, крагини тўлдирган бахт туйғусидан боши айланарди. Розия ёнига келиб ўтириши билан уни бағрига босиб кулган лабларидан, кўзларидан ўпмоқчи бўлди, лекин Розия юзига бир шапати урди-да, қучоғидан чиқиб кетди.

— Сиз жудаям ҳаддингиздан ошиб кетяпсиз!— деди у секин кулиб,— ҳаддингиздан ошманг! Боринг, бўлди, институтингизга жўнанг!

Уша кеча, қалбида мавж урган шодликдан уйқуси келмай, боғ орқасидаги қирга ошиб, саҳаргача юлдузларга тикилиб ётганида, бу бахт атиги бир неча ой давом этишини тасаввур қилганмиди? Уша кечада шундай пок ва маъсум кўринган бу қиз бунчалик беҳаё бўлиб чиқишини, унинг энг азиз туйғуларини шунчалик ҳақорат қилишини ўйлаганмиди?

Кўнглини нурга тўлдириб юборган у кечада бахт чексиз-чегарасиз, муҳаббат абадий кўринмаганмиди, Воҳидга? Эҳтимол, шунинг учун ҳам орадан уч-тўрт ой ўтмасданоқ рўй берган воқеа ўша кезларда умрбод эсдан чиқмайдиган бир фожиа, унутилмайдиган бир ҳақорат бўлиб туюлгандир унга!..

Ҳали-ҳали эсида бор; Рувзон холанинг «тез етиб кел!» деган телеграммаси иккинчи январь куни кеча-

си қўлига бориб текканди. У эртасигаёқ йўлга чиққан ва кечқурун қош қорайиб қолганда қишлоққа етиб келганди.

Совуқ шамол қумга ўхшаш майда қорни кишининг юзига минг тикан қилиб санчган бўронли, ёқимсиз бир оқшом эди.

Воҳид телеграммани олганда акаларидан бирими, Зарифами ё кампирнинг ўзими, ишқилиб, биров бетоб бўлиб қолдимикин, деган хаёлга борган эди. Йўлда фақат шу тўғрида ўйлаб, кўнгли ғаш бўлиб келганди. Лекин у ҳеч қачон Розиянинг шундай қилишини, тўрт ойдан бери ширин бир туш каби дилини эркалаб келаётган илк севгиси, ҳамма орзу-умидлари поймол бўлишини тасаввур этмаган эди!

У маҳалда Воҳид жуда содда ва оқ кўнгли эканки, Розияга шунчалик ишонибди. Аслида эса унга шундай пок ва беғубор кўринган бу қиз, Воҳид кетиши биланоқ қилиқ чиқара бошлаган — томоша қўйиш баҳонасида, амбулаториянинг бош врач Тошқора билан юришни одат қилиб олган экан! Сўнгра Янги йил кечасида, спектакль баҳонаси билан юзларча одамларнинг кўз олдида у билан қучоқлашиб ўпишганлари-чи? Бу ҳам етмагандай, ўйиндан кейин Тошқоранинг уйдаги ўтиришда бўлиб, саҳар пайтида уйига маст ҳолда Тошқоранинг қучоғидан қайтиб келганлари-чи? Бунинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрган акасининг катта ўғли билан келинчисининг унинг жиловидан тортиб қўймоқчи бўлганларида, уларнинг ўзларини жеркиб ташлаганлари-чи! Лекин энг даҳшатлиси, Воҳид қишлоққа келган кечаси, дежурлик қилаётган Розияни амбулаториянинг боғига чақириб олиб, бевафолигининг сабабини сўраганида афсусланиш ва кечирим сўраш ўрнига, титраб-қақшаб туриб: «Ҳа, рост, Тоштемир ака билан юрганларим ҳам, ўпишганларим ҳам — ҳаммаси рост! Чунки... чунки у сиздан минг марта яхши», деб унинг ўзига чанг солган эди. Воҳидга ҳаммасидан ҳам Розиянинг мана шу охириги сўзлари қаттиқ текканди!

Воҳид Тошқорани яхши биларди. Аслида унинг исми Тошқора эмас, Тоштемир эди. Лекин ёшлигидаёқ унга негандир, эҳтимол, мўридан чиққандай қоп-қора ва бақувват, барзангидай бир йигит бўлгани учундир — Тошқора лақабини тақишган, шу-шу кўплар уни Тошқора демагунча танимас эдилар. У Воҳиддан бир-икки синф паст ўқирди, лекин армияга бормагани учун, институтни ундан олдин битириб, қишлоқ амбулатория-

сига бош врач бўлиб келганди. Воҳид Розияни севиб қолган йили ҳам уни бир неча марта кўрган — у бурунидан ҳам қорайиб, паҳлавон жусса бир одам бўлганди. Эҳтимол шунинг учундир ҳар сафар Воҳид Розиянинг бевафолигини эслаганда, кўз олдига негадир Тошқоранинг қадди-қомати келар ва хаёлида уйғонган ёмон, даҳшатли ўйлардан эти жимирлаб кетарди... Мана ҳозир ҳам худди шундай бўлди: Розиянинг гапини эслаши билан бутун вужуди худди тикан қадалгандай ачишиб кетди...

У худди ёмон туш кўриб босинқирагандек, кўзларини очиб чуқур нафас олди. Хаёлидан яна бояғидай:

— Менга нима бўлди?— деган фикр ўтди. Лабларнинг четида пичоқ теккандай чуқур ажин тушган жойда маъюс табассум жилваланди.— Ё Машҳуранинг кўз ёшлари бежиз эмасмикин?— деди у, лекин шу заҳотиёқ хаёлида яна ўзини-ўзи койиб берди:

— Муҳаббатнинг қадрига етмаган бундай қизнинг падарига минг лаънат! Унга ўша Тошқорадай зўри керак эди! Бир-бирига жуда мос тушгандир!..

Воҳид бу фикрни кўнглидан бир неча марта ўтказди, лекин ажабо: машина қишлоққа яқинлашган сайин юрак уриши тезлашиб борар, кўнглининг бир четида ётган ёруғ ва маъюс эсдаликлар беихтиёр қайта уйғонмоқда эди.

Қишлоқ, унутилмас болалик чоғлари ўтган, илк муҳаббатининг гувоҳи, ҳаётидаги энг масъуд дамларнинг шоҳиди бўлган меҳрибон қишлоқ минут сайин яқинлашмоқда эди... Ана худди денгиз устини қоплаб олган нафис пуштиранг ва олоқ булутларни эслатиб, қийғос гуллаган биринчи боғлар кўринди, узоқда икки қир ўртасидаги тепаликда қад кўтарган клуб устида гулхандай товланган қизил байроқ кўзга чалинди...

Воҳиднинг юраги гурс-гурс урар, гўё бу қишлоқда уни севгилиси кутаётгандай ҳаяжонланар, нафаси бўғилар эди.

Нега? Яхлит бир боққа ўхшаган бу кўркам қишлоқда уни нима кутиши мумкин?

— Ишқилиб тинчлик бўлсин-да!— деди у, телеграммани эслаб, сўнгра яна ўзини машинанинг суянциғига ташлади-да, кўзини юмди...

Воҳидларнинг боғи қишлоқнинг энг чеккасида, қирнинг этагида эди.

Машина тўхташи биланоқ қаёқдандир бир зумда ёпирилиб келган яланг оёқ, яланг бош болалар Воҳидни шовқин-сурон билан қуршаб олдилар. Бу — маҳалланинг, қариндош-уруғларнинг болалари эди. Улардан бир қанчаси дарҳол орқага қайтган машинани қувиб кетди, қолганлари Воҳидга қўшилиб, қий-чув билан ҳовлига ёпирилиб кирди.

Дарвозадан кирган ерда, ота-боболардан қолган кекса кавак тутнинг тагида, Воҳидни Рузвон хола қарши олди.

Кампир ҳар маҳалдагидай яхши кийиниб олган — эғнида кўкимтир гулдор штапель кўйлак, бошида оҳори тўкилмаган оппоқ шоҳи рўмол, оёғида чиройли амиркон кавуш эди. Лекин бунга қарамасдан кампир сўнгги бир-икки йил ичида ўзини хийла олдириб қўйгани сезилиб турар, кўзларининг, ингичка уч бурчак нягининг икки четидаги ажинлари қуюқлашиб, ўзи ҳам қандайдир чўқиб қолган эди. У Воҳидни бўйнидан қучоқлаб ўпаркан, тўсатдан негадир йиғлаб юборди, сўнгра четроқда, айвоннинг устунига суяниб, кўкрагига тушиб турган бир ўрим йўғон сочларининг учини ўйнаб турган Зарифага ўгирилди:

— Сен нега безрайиб қолдинг, ҳай юзсиз, аканг билан кўришмайсанми?

Ажабо, кампирнинг овози бурунгидай йўғон, қатъий, ўктам эди.

Воҳид синглисига кулимсираб қараб қўйди. Унинг олдида илгариги шўх, қувноқ, эрка Зарифа эмас, бўйи етиб, қадди-қомати тўлишган, оппоқ юмалоқ юзи уятдан ловиллаб ёнган чиройли бир қиз турарди!

Онанинг гапига у «ялт» этиб қаради. Лекин Воҳидга шундай туюлдики, синглисининг чақнаб турган катта қора кўзларида шодлик эмас, аллақандай қўрқув аралаш бир ғазаб ифодаси бор эди. Умуман унинг бутун қиёфасида худди тасодифан қафасга тушган бўри боласида бўладиган бир ҳадиксираш, тараддуд ва ётсирашлик бор эди.

Воҳид кулиб юборди:

— Сенга нима бўлди, Зарифа, нега бунақа хурпайиб турибсан?

— Бунга гапирма, бу ўзи шунақа, ҳеч кимни та-
нимайдиган бир бевош бўлган!— деди Рузвон хола ва
рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди.

Зарифа онасига ҳам ёқтирмаган кўз билан «ялт»
этиб бир қараб қўйди, сўнгра бир-бир босиб Воҳиднинг
олдига келди.

— Салом!— деди секин, деди-ю, нимагадир қулоқ-
ларигача қизариб чопганича уйнинг орқасига ўтиб
кетди.

Воҳид ҳайрон бўлиб онасига қаради.

— Нима гап? Тинчликми ўзи?

— Тинчлик, болам, худога шукур.

— Телеграммангизни олиб жуда шошиб қолдим-у!
Бир гап борми?

— Буни мендан сўрама, болам, аканг келсин, ке-
линойинг келсин, ўшалар гапириб берар!— кампир-
нинг овози титраб кетди,— қариган чоғимда адоий
тамом бўлдим!— деди у ва йиғламсираганича айвонга
кўрпача ёза бошлади.

Воҳид айланасига райҳон ўтқазилган сўрига омо-
натгина ўтирди.

Ҳовлидаги олча ниҳоллари, рўпарадаги Воҳидлар-
никига нисбатан баландроқ бўлган Розияларнинг бо-
ғидаги қийғос гуллаган олмалар ажиб бир гулдаста
кашф этган, дарахт шохларини силаб-сийпаб эсаётган
майин тоғ шабадаси шундай салқин ва муаттар гул
ҳидига тўла эдики, гўё бол тотийётгандай туюларди ки-
шига. Воҳид худди бошқа бир жойга келиб қолгандай
сезарди ўзини.

Розияларнинг боғида, ерга теккан олма шохлари-
нинг орасида, кенг яғринли, новча, қоп-қора сочлари-
нинг қуюқлигидан бошига ағдарма телпак кийиб ол-
ганга ўхшаган бир йигит бир зум кўринди-ю, ғойиб
бўлди.

«Қим экан бу йигит, наҳотки Собиржон бўлса? Жў-
да ўзгариб кетибди-ку!»

Воҳиднинг кўнглида яна боя йўлда, шаҳардан чи-
қиб биринчи боғларни кўрганда уйғонган маъюс, ал-
лақандайдир ёруғ ҳислар уйғонди. Бу ерда ҳам гўё
ҳеч нарса ўзгармаган, айни маҳалда нимадир ўзгарган
эди, нимадир умр ўтиб кетаётганини, бахтиёр ёшлик
йиллари энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини эсга
солиб турарди.

Рузвон ўғлининг олдига бир коса қаймоқ қўйиб
келинининг ҳол-аҳволини сўраб улгурмаган эди ҳамки,

катта акаси билан келинойиси кириб келди. Воҳиднинг кўзига улар ҳам сўнгги бир-икки йил ичида жуда ўзгариб кетганга ўхшаб кўринди. Акасининг калта, тўрт бурчак соқолидаги оқ туқлар кўпайиб, ялтираб кўзга ташланиб турар, лаб-лунжлари пуфлаб шиширилганга ўхшар, қип-қизил юзи ажинсиз бўлса ҳам, ўзи ҳорғин эди, энтикиб нафас олар, афтидан, касалманд эди. Келинойиси эса бурунгидай қошларини туташтириб, йўғон қилиб ўсма қўйган, киприкларини сурма билан қорайтириб олганди. Лекин у ҳам ёшлигидагидай чиройли кўринмас, қарилик ўзига зеб беришни яхши кўрган бу сатангнамо хотинни ҳам енга бошлаган эди. Келинойиси фақат бир жиҳатдан ўзгармаган — бурунгидай сўзамол ва билағон эди. У лаби лабига тегмасдан дам Машҳурахоннинг ҳол-аҳволини суриштирар, дам ўз ҳаётидан нолиб кетар, дам келинпошшони олиб келмагани учун Воҳиддан гина қиларди. Телеграммага сабаб бўлган воқеани ҳам келинойиси бошлаб берди. Лекин боя «мени қўй, бу ёғини аканг билан келинойинг айтиб берсин!» деган Рузвон хола, келинойиси гап очиши билан ўзини тугиб туролмади, рўмолининг учи билан кўз ёшларини арта-арта, ўзи сўзлаб кетди.

Воҳид Зарифаннинг бояги қилиқларига, худди қопқонга тушиб қолган бўри боласидек ҳурпайиб турншларига, ҳадиксираб қарашлари ва кўзларидаги нафрат алангасига эндигина тушунди.

У Собирни яхши кўриб қолганмиш!

Демак, Собирнинг олма шохлари орасидан мўралаб юриши ҳам бежиз эмас экан!

Воҳид кеча телеграммани олганда қанчалик ташвишга тушмасин, бунчалик бемаъни ва аҳмоқона бир муаммога дуч келишини тасаввур этмаган эди.

Рузвон хола қўллари билан тиззасини муштлаб куюниб гапирарди:

— Ахир, юзимга оёқ қўйиб, элу юрт олдида шундай беҳурмат қилган бу хонадон билан қанақа қилиб қудачилик қиламан? Қандоқ қилиб сстонасига қадам босаман!

Воҳид ўрнидан туриб кетди. Боя келинойиси гапнинг учини чиқарган пайтда, фақат беъмани бир нарса бўлиб туюлган бу янгилик, Рузвон холанинг ноласидан кейин бошқа бир маъно кашф этиб, дилига озор бера бошлади. Гапнинг тагида кишининг иззат-нафсига тегадиган, кишини ҳақорат қиладиган бир нарса

бор эди. Наҳотки Зарифа, Воҳид шундай яхши кўрган, қўлида кўтариб катта қилган, синглим, деб эркалаб юрган Зарифа, бунчалик беандишалikka борса? Розия уни, Воҳидни қанчалик ҳақорат қилганини, унинг энг азиз ҳисларини поймол этганини кўра туриб, унинг укасига муҳаббат қўйса? Собирни деб ўз оиласидан юз ўгирса?.. Севги қанчалик нозик туйғу бўлмасин, наҳотки унинг синглиси шунчалikka борса? Наҳотки Воҳиднинг ҳис-туйғулари билан мутлақо ҳисоблашгиси келмаса?.. Эҳтимол, Рузвон холанинг гап-сўзларида эскиликнинг, юз йиллар давомида қонига сингиб кетган урф-одатларнинг таъсири бордир, эҳтимол, лекин чуқурроқ ўйлаб қараган ҳар бир киши шу тобда онанинг «қорнига эмас, қадрига йиғлаётганини тушуниш қийин эмас-ку!» Ахир унинг, Воҳиднинг ҳам ўзига яраша обрўси, йигитлик ғурури, иззат-нафси бор-ку! Наҳотки Зарифа буни тушунмаса?

— Билмадим, бу сурбет лўливачча қизимнинг бошини қандай айлантириб қўйдийкин?— дерди Рузвон хола бўғилиб. Тағин тузукроқ бўлса ҳам майли эди, шунча йил армияда юриб орттириб келган ҳунари шопирлик бўпти!

— Қайсинглимни йўлдан урган Собиржон дейсизми, ойижон, ўша шаллақи эгачиси!— деди келинояиси,— ўзи шопирга тегиб олгандан кейин катайса қилиш ёқиб қолгандир-да!

Гап Розия устида борарди. Воҳид юришдан тўхтади.

— «Қайси шофёр?— хаёлидан ўтди унинг.— Нега шофёрга тегади? Тошқора қаёқда қолди?»

Воҳид сўрамоқчи эди, бироқ шу маҳал боядан бери индамасдан қаймоққа нон тўғраб ўтирган акаси бирдан ўшқириб берди:

— Бас! Бўлди! Бу қишлоқда ё у турсин, ё биз! Халқ ўртасида бошимизни кўтариб юролмайдиган бўлдик. Чақир ўзини!

У гапини айтиб тамом қилмаган эди ҳамки, тўсатдан ўнг томондаги олчалар шитирлаб, оппоқ гуллари «дув» тўкилди-ю, Зарифанинг ўзи чиқиб келди.

Унинг кўзлари йиғидан қизариб кетган, бурун каткалари пирпираб учар, лекин ловиллаб ёнган юмалоқ юзида, қисилган лабларида, бутун важоҳатидан ажойиб бир қатъийлик, журъат, ҳеч нарсадан қайтмасликка қарор қилган одамларда бўладиган бошқача бир жасорат жилваланиб турарди.

— Мана, мен келдим!— деди у Воҳиднинг олдида тўхтаб ва нафаси етмагандек, энтикди.— Менга нима дейсизлар? Менинг гуноҳим нима ўзи?

— Вой тавба! Шарми ҳаё қолмади деганлари мана шу-да! Вой тавба!— деди келинойиси.

У хина қўйилган калта йўғон бармоқлари билан кўйлагининг ёқасини маҳкам тутамлаб олган, лекин сурма қўйилган кўзларида истехзо аралаш шодлик ифодаси бор, у гўё: «Мана, мақтанган авлодларнинг қанақа бўлиб чиқди! Кўриб қўйинглар!»— деяётгандай эди.

— Сизга қолса ўзингиздан бошқа ҳамма беҳаё!— деди Зарифа ва яна энтикди.— Мана шунақа гаплар билан у бечоранинг бошига етувдиларинг! Энди... Энди менинг ҳам...— Зарифа гапира олмасдан юзини четга бурди.

— Ҳой, менга қаранг, Зарифахон?— деди келинойиси,— биз кимнинг бошига етибмиз? Нималар деясиз ўзингиз?

Зарифа йиғидан тўхтаб, шартта ўгирилиб қаради.

— Бошига етганларнинг ёлгонми? Қани унинг Тошқорага теккани?— деди Зарифа ва тагин боягидай тескари бурилди-да, юзини кафти билан босиб йиглаб юборди.

«Розияни айтяпти!»— хаёлидан ўтди Воҳиднинг. Тўсатдан Рузвон хола ҳам Зарифага қўшилиб йиглаб юборди.

— Сен бевош кимга ўхшадингки, бунчалик безбет, маҳмадона бўлдинг!— деди у йиғи аралаш.— Сен ҳали шошмай тур! У шаллақига Тошқора чўтми? У ҳали ўнтасига тегиб чиқади! Худога минг карра шукурки, ўғлимни у юзсиздан соқит қилди! Худога шукурки, ундан юз марта ақлли, юз марта кўҳлик келиним бор. Биз эмас, ўзи аҳмоқ бўлиб қолди!

Воҳид гаранг бўлиб қолди. Бу жанжал, бу гапларда кишини ҳақорат қиладиган қандайдир бир нарса бор эди. Воҳид бунни бутун вужуди билан ҳис этар, жанжалга барҳам бериш кераклигини тушунар, лекин негадир журъат этмас, нимадир уни тўхтатиб турарди. Зарифа эса худди кўнглидаги бор гапни айтиб бўлгандек индамас, жимгина йиғлар эди.

— Бас, бўлди!— деди ниҳоят акаси ва катта, гўштор мушти билан хонтахтани бир урди.— Бўлди деяман сенга! Бу қишлоқда ё сен тургин, ё биз!

У оғир кўзғалиб ўрнидан турди ва айвоннинг устунини қучоқлаб, гурс этиб пастга тушди. Шунда Воҳид ҳам бирдан ўзига келди:

— Қўйинг, ака кераги йўқ!— деди у секин. Сўнгра, акаси унинг гапига эътибор бермасдан Зарифага томон юрганини кўриб олдини тўсди:

— Кераги йўқ деяпман сизга!

Зарифа йиғидан тўхтаб «ялт» этиб Воҳидга қаради. Унинг ёш билан ювилган юмалоқ юзида олдин таажжуб ифодаси кўринди, сўнгра кўзлари пирпираб, умид аралаш қувонч билан алмашди.

— Бор, ўзимиз гаплашамиз!— деди Воҳид.

— Акажон!— деди Зарифа секин титроқ овозда. У Воҳидга қараб интилди ҳам, лекин унинг ерга қараганини кўриб, ўзини олчазорга урди. Олча гуллари, худди супра қоқилгандай ҳавони тўзғитиб юборди.

Акаси ҳовлининг ўртасида ҳайрон бўлиб тўхтаб қолган, келинойисининг юзида ҳақорат ва ғурур ифодаси бор, онаси ҳамон ер чизиб йиғлаб ўтирарди.

— Хўш, нима қилмоқчисан? Рухсат бермоқчимисан?— деди ниҳоят акаси.

Воҳид ҳануз олчазорга тикилиб турарди.

— Билмасам,— деди у хиёл ўйланиб,— агар кўндира олсаларинг... Умуман... Бу ишга мени аралаштирманглар. Мен унга бир нима деёлмайман. Билганини қилсин!

Воҳид бир-бир босиб олмазорга қараб кетди. Гулларни тўкиб юбормаслик учун олма шоҳларини секин четга суриб боққа шўйғиркан, орқадан акасининг:

— Қаёққа йўқолди? Бор, топиб кел уни! Ўзим гаплашаман!— деган овозини эшитиб беихтиёр тўхтади.

— Бошда сизга айтувдим, эҳтиёт бўлинг девдим!— дерди акаси, афтидан, Рузвон холага мурожаат қилиб.

— Ойимда гуноҳ йўқ,— деди келинойиси,— ҳаммасига ўша шаллақни сабабчи. Қиз бечоранинг бошини айлантириб қўйган. Унингчида ўқиб юрган чоғларидаёқ иккиси оғиз-бурун ўпишиб юрарди!

Воҳид бир зум орқасига қайтгиси келиб иккилашиб турди, кейин қўлини бир силтади-да, илгарилаб кетди.

Ҳозирги жанжал Воҳиднинг дилида жуда оғир таассурот қолдирган эди. У Зарифа ҳақ эканини тан олаётган бўлса ҳам, ҳатто ҳозир унинг ёнини олгани учун ўзидан мамнун бўлса ҳам, сингисининг гаплари, ўзини бу даража кескин тутиши қалбида қандайдир

ёқимсиз асорат қолдирган эди. Кечагина мактабни битирган ёш қиз на унинг, на онаси ва на қариндош-уруғларининг истак-орзулари билан ҳисоблашмаса, бу қилиғи унга, Воҳидга қанчалик озор беришини тушунмаса... Бунда ўчи борми?! Лекин шу топда унинг хаёлидан чиқмасдан кўнглига озор бераётган нарса бу ҳам эмас, унинг кўнглини ғаш қилаётган нарса Розиянинг Тошқорага тегмасдан, бошқа бир «шопир болага» текканлиги тўғрисидаги янгилик эди!

Воҳид ўшанда Розия билан алоқани узиб кетган пайтларида онасига ҳам, синглисига ҳам хат-хабарларида унинг исмини тилга олишларини ман қилиб қўйган. Чунки у маҳалда Розиянинг исмини эшитишнинг ўзи оғир эди. Шунинг учун ҳам бу хабар Воҳидни айниқса таажжубда қолдирган эди.

«Нега Тошқорага тегмадийкин? Ўзи тегмадимикин ё Тошқора аблаҳлик қилиб, алдаб кетдимикин?» ўйларди Воҳид. Бу ўйлардан қутулиш ниятида атрофига аланглар, хаёлини бошқа ёққа буриб юборгиси келар, лекин бу ўйларга яна қайтганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Бу муаммо, агар масаланинг тагига етмаса, фақат ҳозиргина эмас, балки бутун умр унга азоб беришига имони комил эди.

Мана, танаси ковак таниш олма!.. Розия унинг тепасида туриб, Воҳиднинг бошига олма ёғдирган, сўнгра сакраб тушиб, бутун гўзаллигини намоён қилган, гўё тўсатдан топилган тилла узукдек кўзларини қамаштириб юборган жой худди мана шу эди! Афсуски, бу узук тилла эмас, мис чиқди!

Воҳид қадамини жадаллатиб, олмазордан чиқиб олди. Боғнинг охиридан бошланган ва майин бўлиқ майсалар билан қопланган қир, худди баланд, ямшил ғарамни эслатарди...

Чап томонда, қирнинг этагида чигит экишга ҳозирланиб қўйилган катта майдон қорайиб ётар, узоқда, даланинг этагида ўрмалаб юрган тракторлар дўнсаиб кўринар, берироқда кетмон чопаетган қизлар саф тортган эди.

Ўнг қўлда, қирнинг ён бағрида, яккам-дуккам боғлар худди ерга қўнаётган оқ парашютларга ўхшаб кетар, боғларга олиб чиқадиган илонизи йўлдан бир йигит билан бир қиз Воҳидларникига томон тушиб келарди. Қизнинг эгнидаги хонатлас кўйлаги қуёш нурларида минг тусга кириб товланарди...

— Ясан-тусан жойида-ку, ким бўлдийкин?— деди

Воҳид. У бир озгача кўзини узмай тикилиб турди, сўнгра бирдан юраги бехосдан қафасга тушган қушдек питирлаб қолди!

Атлас кўйлакли қиз.. Розия эди!..

Воҳид кутилмаганда ғалати бир шошқалоқлик билан ўзини олмаларнинг панасига олди. Юраги ҳамон гупиллаб урар, ўпкаси қисилган, худди ҳаво етишмай қолгандай, ҳансираб нафас оларди.

Қир билан боғ ўртасидан катта ариқ ўтар, пахтазор томонда омонатгина бир кўприк бўларди. Гулсин холанинг боғига ўша кўприкдан ўтиларди. Улар афтидан шу кўприкка қараб келардилар.

Воҳиднинг назарида ҳар бир минут бир соатга чўзилаётгандай эди. Ниҳоят шип-шип этган оёқ товушлари, кулган овозлар эшитилди. Эри ўрта бўйли, узунчоқ юзли, ўспиринга ўхшаган ёшгина йигитча эди. У ўнг қўлидаги калтагина тол чивиқ билан Розиянинг бўйинини, юзини қитиқлар, Розия хипчинни юлиб олишга ҳаракат қилар, лекин тутиб ололмасдан гоҳ жаҳли чиқар, гоҳ эрига қўшилиб кулар эди.

У боя Воҳидга кўзи тушганми, йўқми, ишқилиб, рўпарага келганда, бир озгача боққа тикилиб борди... Ажабо: у ҳеч ўзгармаган эди! Юзи, бўйни, қўллари ўша унутилмас ёз кунларидагидай қуёшда қорайган, соғлом, кулганда оқ тишлари бурунгидай ялтирайди, билинар-билинемас қирғий бурнининг четларида, ёноқларида, ёқимтой табассум жилваланади... Қадди-қомати ҳам бурун қандай бўлса шундай нозик новдани эслатади, фақат кўзлари... кўзлари бир оз маъюс кўринади!..

Розия ўтиб кетиши билан Воҳид бирдан ҳолсизлангандай бўлиб, ариқ бўйига ёнбошлади.

Йўқ, эрталабдан бери ўйлаган ўйларининг ҳаммаси бекор эди! У Розияни ҳеч қачон унутган эмас, зотан унутиши мумкин ҳам эмас эди. У эндигина Машҳуранинг кўз ёшлари бежиз эмаслигини, бу севги энди бутун умр унинг дилида оғир бир дард, давосиз бир жароҳат бўлиб қолишини тушунган эди!..

Воҳид шу аҳволда узоқ ўтирди. У қанча вақт ўтганини билмас, афтидан бир-икки соат ўтган бўлса керак, чунки қаёқдандир эшитилган оёқ шарпаси қулоғига чалиниб бошини кўтарганида, қуёш терак бўйи баландлаб қолган эди.

Унинг ёнбошида, ариқнинг нариги юзида, сал қи-

силган қўй кўзлари билан Воҳидга синовчан тикилиб, бўлажак куёви Собир турарди!

Эғнида ҳарбий гимнастёрка, оёғида ойнадай ялтираган хром этик, қўлида қалин гуллаган олма шохчаси.

— Салом, Воҳид ака!— деди у ва бир сакрашда ариқдан ўтиб қўлини чўзди,— кечирасиз, сиз билан бир гаплашмоқчи эдим!

Овози кутилмаганда йўғон, дўрилдоқ эди.

— Хўш?— деди Воҳид.

У кулимсираб турган бу чиройли йигитга нисбатан бир вақтнинг ўзида қалбида ҳам дўстона бир туйғу, ҳам аллақандай душманлик ҳис этарди. Воҳидга айниқса, унинг кулимсираши ёқмас, бу табассумда қандайдир куч, ирода, ғолиблик сезилиб турарди.

— Шу дейман, ўзингиз тушунадиган, ўқиган одамсиз... Мана шу майда-чуйда, бемаъни гапларнинг нима кераги бор?— деди Собир.

— Қайси гапларни айтасиз?— деди Воҳид ва тушуниб туриб шундай деганидан ёнжиниб қўйди.

— Мен ҳайронман,— деди Собир,— тўғриси айтсам... қанчалик қаршилик қилманглар... Мен бари бир Зарифага уйланаман! Шундоқ бўлгандан кейин бу машмашанинг нима кераги бор?

У яна кулимсиради. Бу кулгидан, худди бошига биров тўсатдан бир челак совуқ сув қуйиб юборгандек, Воҳиднинг аъзойи баданини жимирлатиб юборди.

«Розиянинг шунча ҳақорат қилгани етмагандек, бу сурбет нима қилмоқчи яна?»

— Бари бир уйланар экансиз, мен билан гаплашиб нима қиласиз?— деди у ва нафаси тиқилиб энтикди.— Уйланаверинг!..

Собир ҳануз унинг юзига тикилиб, жилмайиб турарди.

— Энди... бир томондан қўшничилик, иккинчи томондан... Мен сизни... ҳар ҳолда... тушунадиган йигитлардан, деб ўйловдим.

— Йўқ, мен тушунмайдиган йигитларданман!

— Шунақами?— деди Собир,— майли, энди... ўзингиз биласиз, аммо...

— Боринг, ишингизни қилинг!— деди Воҳид ва унинг кулиб турган чиройли кўзларини, мўйловчасининг четидаги истеҳзоли табассумини кўрмаслик учун шартта бурнлиб, олмazorга кириб кетди. Бир-икки қадам юргандан кейин орқасидан Собирнинг:

— Қойилман!— деган овозини эшитиб қолди.

«Уят-андиша деганни билмаган сурбет!»— деди Воҳид хаёлида. У титрар эди.

Ғазаб ва ҳақорат туйғуси шунчалик кучли эдики, қаёққа кетаётганини билмас, юзига олма шохлари урилиб қаттиқ огритаётганини сезмас эди. Тўсатдан қаердандир ён томонидан, оёқларининг остига четига тўрт бурчак қогоз боғланган бир тош келиб тушди.

Воҳид олдин сесканиб кетди, сўнгра тошни қўлига олиб, ипини ечди.

«Сизга икки огиз гапим бор, Мумкин бўлса кечқурун, пода қайтгандан кейин боғнинг охиридаги мирза теракнинг ёнига келсангиз... жуда миннатдор бўлардим. Розия!»

Воҳид шошиб ён-верига қаради. Узоқда, олма шохлари орасида Зарифанинг кўйлагини милт этгандек бўлди. Воҳиднинг юраги гуп-гуп урарди...

* * *

«Бир огиз зарур гапим бор!.. Қанақа гап! Нима демоқчи! Турмушга чиққан ёшгина бир жувоннинг бир маҳаллари уни севган ёш йигитга нима гапи бўлиши мумкин?»

Воҳиднинг боши қотиб қолди.

Тушга яқин унинг қишлоққа келганини эшитиб ёрдўстлари, мактабдошлари йўқлаб келишди. Уларнинг кўпчилиги ўзи битирган ўрта мактабда ўқитувчилик қилишар, баъзилари колхоз бухгалтериясида ишлашар эди.

Эҳтимол Розия бундай қилмаганида Воҳид ҳам ўз қишлоғига келиб ишлаган бўларди, чунки молня институтини битириши олдидан колхоз раиси унга экономистлик лавозимини ваъда қилган эди. Воҳид бунга розилик ҳам берганди, лекин кейин ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетди-ю, Воҳид Фарғонадаги йирик колхозларнинг бирига кетиб қолганди... У ҳатто ўқишини битирганидан кейин келмаган ҳам эди, ҳолбуки, дўстларининг айтишича икки йил ичида қишлоқ жуда бошқача бўлиб кетганмиш... Воҳид уларга қўшилиб, қишлоқни бир айланиб келди. У йўқ вақтида рўй берган бу ўзгарिशларни томоша қилди. Қишлоқ ўртасидаги катта тепалик текисланиб, кўркем паркка айлантирилган, эски уйларни емириб ўқдай тўғри кўча тушганди. Воҳид бунинг ҳаммасини қизиқиб томоша қиларди-ю, бироқ қаерга бормасин, кимлар билан гаплашмасин, хаёлидан Розия-

нинг хати кетмас, ҳар сафар уни эслаганда, юраги ўйнаб, аъзойи бадани жимирлаб кетарди. Унинг хаёлини аллақандай нотинч ўйлар банд этар, дам бутун вужудини иссиқ бир ҳаяжон чулғаб оларди. Қўнглининг бир четида Воҳид бу учрашувда гап Зарифа билан Собир тўғрисида боришини сезиб турар, лекин Розиянинг у билан хилват жойда, эридан яширин учрашмоқчи бўлиши... Уни бир ҳаяжонлантирар, бир юрагига ғулғула соларди. Бунинг ҳаммаси қўшилиб, миясида яна ўша нотинч саволни туғдиради: «Менга қанақа гапи бўлиши мумкин? Нима дейиши мумкин?»

Кечқурун, учрашув вақти яқинлашиб қолганда, акаси билан келинойиси яна келишди. Боя кундуз Зарифани қидириб топа олмаганлари учун ҳал қилувчи суҳбат кечқурунга қолдирилган эди. Лекин Воҳид «кенгашнинг очилиши»ни кутиб ўтиролмади, вақт яқинлашган сайин юраги ўйнаб, теракзорга қараб кетди.

Қуёш ботган, бироқ атрофидаги боғлар, сарвқомаг тераклар, узоқда оқариб турган тоғ чўққилари ҳамон майин нур пардаси билан ўралган, гўё қуёш бутун борлиқни нафис бўёқлар билан бўяган-у, бу бўёқ ҳали қурмаган эди... Теварак-атрофдаги боғлардан қўй-қўзиларнинг маъраши, бола-чақанинг қий-чуви эшитилиб турарди. Бу ғалати овозлар кишига узоқ болалик йилларини эслатар, ҳазин мусиқадай таскин берар, осойишталикка ундарди.

Аста-секин осмонга чаплаган нафис пуштиранг бўёқлар сўниб, кулранг тусга кирди, терак япроқларини шитирлатиб тоғ шабадаси елиб ўтди... Воҳид Розиянинг йўлига қанчалик тикилмасин, хаёлга толиб, қаёқдан келганини пайқамай қолди.

У оёқ шарпасидан сесканиб кетганида Розия ундан уч қадам нарида, олдини тўсган олма шохини эгиб, узун нозик бармоқлари билан гул япроқларини силаб турарди. Унинг бошида юнқа оқ дока рўмол, эгнида оқ шойи кўйлак, оёғида оқ босоножка эди. Бу оқ кийим уни қандайдир ёш келинга ўхшатиб юборган, ҳаяжонланганидан бўлса керак, олма гулларини силаб, қошларини чимириб, уялинқираб туришида ҳам ёш келинларда бўлади-ган бошқача бир назокат бор эди.

Воҳид ўгирилиб қараши билан Розия, худди бирдан ҳушига келгандай, олма шохини четга суриб, кескин ҳаракат билан олдинга ўтди ва унга бир-икки қадам етмасдан тўхтади.

— Салом, Воҳид ака!

Қошлари боягидан ҳам кескин чимирилган, бурун катаклари сал керилган, кўзларида, юриш-туришида аллақандай бир кескинлик бор, фақат овози сал бўғиқ, ўзини қанчалик дадил тутишга ҳаракат қилмасин, ҳаяжонланаётгани сезилиб турибди.

Воҳид ундан кўзини узолмас эди.

Икки йилдан бери дилига озор бериб келган алам ва ҳақорат ҳислари негадир бирдан сўниб, маънос ва мулойим бир туйғу билан алмашган эди.

— Салом, Розия!— деди у ва қўлини чўзди.

Розия тортиниброқ кўришди. Бир нафас, бир дақиқа бир-бирига тикилиб қолдилар, гўё дилларда жўш ураётган тўс-тўполон ҳисларни бир-бирларининг кўзларидан уқиб олишга уриниб кўрдилар. Сўнгра иккиси ҳам баравар кўзларини четга олиб қочдилар. Розия кўкрагидан пастга тушган рўмолининг учларини бармоғига ўраб ўйнай бошлади.

Воҳид нима қилишини билмас эди. Зотан ҳаётидаги бахтиёр дақиқаларга, жуда оғир, даҳшатли дамларга сабаб бўлган бу қизга нима дейиши мумкин? Айтгани фойдаси нима? Фақат... уни бу ерга келишга нима мажбур этдийкин? Нима демоқчи? Ҳақиқатан ҳам укаси билан Зарифа тўғрисида гаплашмоқчимиз? Ёки шу баҳона билан уни, Воҳидни тарк этиб, қанчалик бахтли турмуш кечириётганини кўрсатиб қўймоқчимизкин? Ёки, аксинча, ўз турмушидан унга нолимоқчимизкин?

— Овора қилганим учун кечирасиз...— деди Розия энтикиб,— мен сиз билан икки ёш тўғрисида бир оғиз гаплашсам девдим... Энди... Буларнинг тақдири қандоқ бўларкин? Нима қилмоқчисизлар ўзи?

Воҳид хийлагача нима дейишини билмай туриб қолди.

— Сизнингча, нима қилсак бўлади,— ниҳоят деди у,— нима қилсак тўғри бўлади?

Розия кўзини ердан узиб, секин қаради. Воҳид унинг юзидан қони қочиб, бурун катаклари пирпираб уча бошлаганини кўриб турарди.

— Кечирасиз, мен сизга қандоқ қилсангиз тўғри бўлишини тушунтириб қўйгани келганим йўқ бу ерга!— деди у. Овози тўсатдан ўзгарган, бояги ҳаяжон йўқолиб, қандайдир ғазаб аралаш бир кескинлик пайдо бўлганди.

— Мен сизга ақл ўргатишга ожизлик қиламан,— деди у ва хиёл жим қолди.— Сиз олий маълумотли, оқу қорани биздан яхшироқ танитган бир интеллигентсиз!

Лекин... қачонгача бу... ярамас эски урф-одатлар ҳаёти-мизни заҳарлайди? Қачонгача бахтимизга ғов бўлади? Қачонгача энг яхши ҳисларимизни ҳақорат қилади? Наҳотки энди шу эски урф-одатни деб, бу иккисини ҳам бахтсиз қилсак?— Розия яна боягидай, нафаси сиқилиб энтикди.— Мен ҳайронман,— деди у бирдан овози ўзгариб,— буни ҳамма ўйламаганда ҳам сиз ўйлашингиз керак эди-ку? Наҳотки сиз ҳам ўйламасангиз?

Воҳид эндигина Розиянинг гап-сўзларида, хатти-ҳаракатларида, ўзини тутишида худди Собирнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларида бўлгандай бир ҳурматсизлик, кишини ҳақорат қилувчи, иззат-нафсига тегувчи бир андишасизлик, ўзига ишонч, кибр борлигини пайқаб қолди. У ўз гуноҳини мутлақо инкор этиши, ҳамма айбни аллақачон унга, Воҳидга, қолаверса эски урф-одатларга тўнкаб қўйгани кўриниб турарди. Афтидан у Воҳидни қанчалик ҳақорат қилганини тасаввур ҳам этмас, Рузвон холанинг Зарифа билан Собирнинг қўшилишига қарши чиқишини ҳам фақат эскилик таъсири деб билар, бу қаршиликни туғдирган асл сабабларни нақадар чигал эканини тушунмас, зотан тушунмасдан ожиз эди!..

Воҳид бутун вужудини майда, асабий титроқ босиб бораётганини сезиб турарди. Титроқ кучайиб борарди.

— Ҳамма айбни эскиликка ағдаришдан осони йўқ,— ниҳоят деди Воҳид. Унинг овози асабий, бўғиқ эди,— умуман... Нега энди бу тўғрида ҳамма ўйламаганда ҳам мен ўйлашим керак экан? Инма демоқчисиз? Очигроқ айтнинг!

Розия олма гулларини силашдан тўхтаб, катта, ўйчан кўзлари билан Воҳидга бир қараб қўйди, сўнгра гулларни битта-битта юла бошлади.

— Кечирасиз!— деди у анчадан кейин секин, титроқ овозда,— мен ўша маҳалдаги... ҳамма сўзларингизга, севгингизга, тақдим этган тилла узукларингизга, ҳаммасига ишонган эдим!

— Ишонган эдим!— деди Воҳид.— Ишонмасликка қамаққа далилларингиз бор?

Розия худди бир нарсадан тўчиб тушгандай, бошини кескин кўтариб қаради. Унинг кўзларидаги бояги маъюс ифода ўзгариб, унинг ўрнини ҳайрат эгаллаганди.

— Агар бу сўзингиз чин бўлса... агар ўша маҳалда айтган гапларингиз рост бўлса,— деди у лаблари титраб,— мен нимага Тошқорага турмушга чиқмасдан... бошқа бировга турмушга чиққанганимни бир ўйладингиз-

ми? Бунинг сабабини бир суриштириб кўрдингизми?..— деди Розия ва нафаси етмагандай сўзида тўхтади.— Унинг чақнаб турган катта кўзлари тўсатдан жиққа ёшга тўлди.— Ё бўлмаса... келинойингиз айтгандек мен ҳали ўнта эрга тегиб чиқадиган бир... шаллақи эканимга ишонасизми?

Воҳид ёнидаги олмага суянди ва четга қаради. Ажабо: бир неча йилдан бери дилида тўпланган алам ва изтироблар акс этиб «ишонасизми?» деб порлаб турган бу мусаффо кўзларга тўғри қараш, сўз топиб жавоб бериш осонми?

— Албатта, ишонсангиз керак!— деди ниҳоят Розия ва юзини рўмолча билан ўраб бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди. У худди бировдан дакки еган ёш боладай куюниб, елкалари титраб йиғлар, бояги ғурур, ишонч, Воҳидга манманлик бўлиб туюлган хатти-ҳаракатлардан нишона ҳам қолмаган эди. Унинг йиғиси фақат чинакам бахтсизлик рўй берганда бўладиган бўлакча бир изтиробга, чуқур нидога тўла эди!

Воҳид эрталаб, Розия Тошқорага турмушга чиқмасдан, бошқага текканини биринчи марта эшитганидаёқ ҳайрон бўлган эди, лекин аччиқ ҳақиқатга қанчалик тайёрланаётган бўлмасин, бунчалик бўлишини хаёлига келтирмаган, Розиянинг бу гаплари унга бунчалик таъсир этишини, бутун хаёлини ост-уст қилиб юборишини кутмаган эди!.. У Розиянинг йиғиси юрагига игнадай санчилиб, бутун вужудини тимдалаб юбораётганини ҳис этар, лекин гапирай! деса тилга сўз келмас, гапиришга ожиз эди! У фақат бир нарсани — энди ҳеч қачон ўрнига келмайдиган бир хатога йўл қўйганини, эҳтимол умрбод эсидан чиқмас, лекин тузатиб бўлмайдиган даҳшатли бир воқеа рўй берганини биларди, холос!.. Бироқ бунга ишониш, буни тан олнш оғир, ҳатто мумкин ҳам эмас эди!

— Шундоқ экан... Нега бошда тузукроқ тушунтирмадингиз? Нега яхшироқ гаплашишни ҳам хоҳламадингиз?— алам билан деди Воҳид ва секин, қандайдир қўрқинқираб, Розиянинг билегидан ушлади,— эсингиздами?..

Розия қўлини унинг қўлидан секин чиқариб олди.

— Сиз-чи? Сиз ўшанда қай аҳволда борганингиз, нималар деганингиз эсингиздами?

..Ҳа, қандай боргани эсида бор. Уйда эшитган гаплардан аламига чидай олмасдан, жўшиб борганди! Розияни кўрганда журъатини йўқотиб қўймаслик учун, бор

гапни бир йўла айтиб, ҳақорат қилиб бўлса ҳамки, аламинни олиш учун ширакайф бўлиб борганди!.. Бунинг ҳаммаси тўғри, лекин...

— Сиз уларнинг ярамас, ифлос гапларига ишониб турганингизда мен нима ҳам дердим? Наҳотки, сиз ёш бир қиз учун севимли йигитига ўзининг бегуноҳ эканини исбот қилиб гапириш, бировлар билан ўйнашмаганлигини далиллаб бериш... нақадар оғир эканини тушунмасангиз!—деди Розия энтикиб.— Сиз ўшанда нималар бўлганини одамлардан бир сўраб кўринг-чи: келинойингиз билан акангизнинг ўғли босган ҳар бир қадамимни ўлчаганларидан хабарингиз борми? Спектаклга бормайсан, деб неча марта тўполон кўтарганларини, ҳатто кинога бормайсан деб орқамдан пойлаб юрганларини биласизми? Ахийри Янги йил кечаси Тоштемир ака уйга узатиб қўяман, деб бирга келаётганларида катта йўлда олдимизни тўсиб қандай ҳақорат қилганларини бир суриштириб кўрдингизми?

Иўқ, Воҳид буни суриштириб кўрган эмас, чунки ўз севгисига вафодор қиз бундай қилишга, Янги йил кечасида ўлтиришларга боришга, бошқа бир эркакнинг кузатиб қўйишига розилик беришига ҳақи йўқ деб биларди, чунки фақат бевафо ва беҳаё қизларгина шундай қилади деб ўйларди, чунки акасининг ўғли, онаси ва қариндош-уруғларининг Розия тўғрисидаги ҳар бир сўзига ишонган эди!.. Шунинг учун ҳам ўша кеча амбулаторияга фақат битта мақсадда, Розияни ҳақорат қилиш мақсадида борганди!

Ҳа, бунинг ҳаммаси эсида бор, ҳаммаси худди Розия айтгандай бўлганди... Лекин... Ахир, Воҳид бунчалигини билмаган эди-ку! Бунчаликка борган экан, нега Розия эртасига унинг олдига келмади? Нега бу гапларини ўшанда айтмади!

— Нега?— деди Розия, овози титраб,— чунки, мен севгимизга ишонган эдим! Сизни бунақа қилади деб, ҳали тўй бўлмасдан туриб севган қиздан шубҳа қилади, деб сира ўйламаган эдим. Эсингиздами, ўша йили ёзда биринчи марта учрашганимизда, мен сизни бутунлай... бутунлай бошқача тасаввур этгандим! Розия гапиролмасдан яна йиғлаб юборди...

— Бутунлай бошқача тасаввур этгандим!.. Бу... Бу қандоқ бўлди?

Алам ва афсусланиш ҳисси шунчалик кучли эдики, Воҳид оғриққа чидай олмаган одамдай секин инграб юборди.

— Кечиринг!

Розия худди ёмон бир хаёлдан қутулмоқчи бўлган одамдай бошини силкитди ва тўсатдан қандайдир ўзгарган босиқ овозда:

— Майли энди, бу гапларни бир четга йиғиштириб қўяйлик,— деди секин,— мен бу ерга ҳамма айбни сизга тўнкаб, ўзимнинг бегуноҳ эканимни исбот қилгани келганим йўқ. Сизга фақат битта илтимосим бор... Бу икки ёшнинг тақдирини нима қилмоқчисизлар? Булар ҳам менга ўхшаб бегуноҳ-беёзиқ эски урф-одатларнинг дастидан қурбон бўладиларми ё ўзингиз бир иложини қиласизми?— Розия бир нафас жавоб кутиб жим қолди, сўнгра секин қўшимча қилди:

— Мен сизга ишонаман, жабр қилмаслигингизга, ёрдам беришингизга ишонаман.

«Сизга ишонаман!» Ажабо, боя йўлда келаётиб Розия тўғрисида алам аралаш ғазаб билан ўйлаган пайтлариди, Воҳид секин айтилган бу икки сўздан титраб кетишини тасаввур этганмиди? Ҳамон кўз ёши аралаш маънос тикилиб турган бу маъсум ва гўзал жувон ҳалиям бўлса унинг кўнглини нурга тўлдириб, ғамгин ва ёруғ ҳислар уйғотишга қодир эканини билганмиди? Бу нарсани хаёлига келтирганмиди?

— Хайр, менга рухсат, вақтингизни олганим учун кечирасиз,— деди Розия, мен сизга ишонаман.

— Тўхтанг, Розия,— деди Воҳид ва унинг қўлидан ушлади,— бир минутга тўхтанг!

— Йўқ, қўйинг, хўжайин кутиб ўтирибди,— Розия қўлини секин унинг қўлидан чиқариб олди, лекин бир-икки қадам юриб яна тўхтади.

— Ҳа, эсимдан чиқибди,— деди у ва кўкрагидан бир нарса чиқариб, Воҳидга чўзди, омонатингизни олиб қўйинг... Олдинги сафар эсимдан чиқиб, қолиб кетган экан...

Унинг кичкина узунчоқ кафтида бир нарса «ярқ» этиб чақнади. Бу — ўша масъуд кунларда, худди шу ерда, ойдин кечада, Воҳид унга тақдим этган... тилла узук эди!

Воҳиднинг томоғини бир нима ғип бўққандай, боши айланаётгандай бўлиб, яна Розиянинг қўлидан ушлади.

— Рози, қаёққа? Наҳотки...

— Қўйиб юборинг,— деди Розия босиқ, секин овозда,— қўйиб юборинг!..

Сўнгра аллақандай титроқ овозда қўшимча қилди:

— Қўйиб юборинг деяпман сизга! Қўйиб юборинг,

ё... «Наҳотки тўхтамаса? Наҳотки орқасига қайтмаса? Наҳотки, у бу ерда фақат аччиқ ҳақиқатни айтганлигина келган бўлса? Наҳотки унинг кўзини очиб, кўнглида бутун умр сўнмайдиган бир дард, бир алам қолдириб кетиш учун келган бўлса бу ерга?»

Розиянинг оқ кўйлакли нозик қомати олма гуллари-га сингиб кетгандай бўлди...

Воҳид олмага суюнганича қотиб қолди.

— Розия!— деди у секин,— тўхтанг, Розия!

Ҳеч ким жавоб бермади. Қаердадир узоқда нимадир «чирс» этиб синди.

* * *

Зарифа ёстиқни қучоқлаб товушсиз йиғлар, акаси калта мош-гуруч соқолини тутамлаганича хаёлга толган, келинойиси худди Зарифага гапириш тугул қарашдан ҳам ҳазар қилаётгандек, оғзини оқ дока рўмолининг учи билан ўраб, тескари қараб олган, Рузвон хола ҳам ерга тикилганича жим ўтирарди.

Афтидан, айтиладиган гапнинг ҳаммаси айтилиб бўлган, насиҳат, дўқ, таҳдид — ҳеч нарса кор қилмаган, ҳаммаси чарчаган, нима қилишни, нима дейишни ҳеч ким билмаган бир вазият ҳукм сурарди.

Воҳид олманинг панасида бир неча дақиқа уларга қараб турди. Тўртовиннинг бу ўтиришида қайси бир классик пьесадаги вазиятни эслатадиган аллақандай бир нарса бор эди, ҳатто айвоннинг ўзи, ундаги буюмлар ҳам саҳнани эслатарди кишига. Фарқи фақат шунда бўлиши мумкин эдики, Зарифани ўртага олган бу учовининг кўзлаган ёмон бир нияти йўқ, уларнинг ҳар бири шу тобда Зарифага яхшилик қилаётганларига, оила номуси учун, Воҳиднинг обрўси учун жон куйдириб, ҳасрат чекаётганларига амин эдилар. Афтидан, улар ўшанда ҳам, Розиянинг ҳар бир қадамини ўлчаб, унинг «уят-андишани билмаган бир беҳаё» эканлигини фош этиш учун жонбозлик қилган пайтларида ҳам Воҳидга яхшилик қилганларига, унинг обрўси, йигитлик-шаънига доғ туширмаслик учун курашганларига имонлари комил эди. Лекин энг даҳшатлиси шунда эдики, агар бугунги учрашув бўлмаганда, Розия билан гаплаша олмаганда, Воҳиднинг ўзи ҳам бунга шубҳа қилмаган бўларди!..

Воҳид худди заҳарланган одамдай тўлғаниб, олманинг панасидан чиқди. Уни кўриши билан Рузвон! хола овозини чиқариб йиғлаб юборди:

— Бизни ҳурмат қилмасанг, ақалли акангни ҳурматини қилсанг бўлмасмиди, ер юткур!— деди у куюниб,— бу лўливаччага тегиб олиб, эрта-индин акангга қайси юз билан қарайсан, нима дейсан, тирмизак?

Зарифа вазиятини ўзгартмади, фақат ёстиқни қучоқлаб олган қўллари қаттиқроқ титрай бошлади, бошқалар эса Воҳиднинг бир нима дейишини кутиб унга тикилиб қолдилар.

Воҳиднинг кўнглидан:

«Бу жанжал, бу ғавғо кимга керак?— деган фикр ўтди.— Айниқса қариган чоғингизда сиз нима қиласиз шу сохта обрў, манманлик учун курашиб, ойижон?» деди у хаёлида, лекин бу гапни айтиш ўрнига:

— Мен жўнамоқчиман,— деди Воҳид секин.

У аъзойи баданини зўр бир титроқ эгаллаб олаётганини, ҳозир бир портлаш рўй беришини сезар ва ўзини қўлга олишга уринарди.

Рузвон хола шошиб ўрнидан турди.

— Ярим кечада қаёққа борасан? Сенга нима бўлди, болагинам?

Акаси ҳам ўрнида бир қўзғалиб қўйди.

— Кетадиган бўлсанг, бу ишни бир ёқлама қилиб кет!— деди у.— Ё биз билан бўлсин, ё ўша лўливачча билан!

Воҳид унинг бирдан туртиб чиққан бўйин томирларига, қон қуйилган семиз юмалоқ юзига қараб, тўсатдан ўшанда, Розия устида бўлган оилавий мажлис пайтида ҳам акаси худди мана шундай кўзларига қон қуйилиб, титраб гапирганлари, муштини тугиб писанда қилганлари эсига тушиб кетди. Лекин қизиқ, ўша пайтда, ҳатто бугун эрталаб ҳам Воҳид буни сезмаган эди!

Юрагининг тагида нимадир гўё ўт ола бошлаган алангадан ловиллаб, бутун вужудини куйдириб юбораётгандай бўлиб энтикди.

— Буни тинч қўйинглар,— деди у паст бўғиқ товушда,— уни ўз ихтиёрига қўяйлик!

Воҳид ортиқча гапирмоқчи эмас эди, шу икки оғиз сўзни айтиб уйга кириб кетмоқчи эди, лекин бутун вужудини эгаллаб олаётган титроқ сингди-ю, ўзини тутолмай қолди.

— Бас! Бўлди!— деди у бўғилиб,— буни зўрламанглар! Умуман... бу гапларининг нима қараги бор? Беш-ўнта эси паст ва нодонлар сўз қилади, деб буни бахтсиз қилмоқчимисизлар? Зотан... Бу сохта обрў, манманликни йиғиштириб қўядиган пайт келмадимики?

У титраб, нафаси сиқилганидан гапиролмай дудуқланиб қолди.

— Мен... биз сен учун, сенинг обрўйинг учун деб жон куйдирапмиз!— деди акаси.— Қорнимизга эмас, қадримизга йиғлаяпмиз.

— Раҳмат!— деди Воҳид,— раҳмат. Менга жон куйдираман деб бир бечорага шунча тухмат ёғдирганларинг ҳам етади! Менга жон куйдираман деб, ундан — Розиядан жудо қилганларинг ҳам етади!

Бир зум фавқулодда чуқур жимлик чўкди, гўё ҳамма Воҳиднинг гапларининг мағзини чақолмай лол бўлиб қолганди. Биринчи бўлиб келинойиси ҳушига келди, у худди чаён чаққан одамдай, сапчиб тушди.

— Вой, вой нималар деяпсиз, Воҳиджон?— деди у ўрнидан қўзғалиб,— оғзингизга қараб гапиринг!

— Мен эмас, сиз оғзингизга қараб гапиринг! Сиз ҳам мени ўз тарозингиз билан ўлчаманг! Тушундингизми?! Тушундингизми деяпман сизга?

Қаердандир узоқдан, қир томондан, Воҳиднинг овозининг акс-садоси эшитилди:

— «Тушундингизми деяпман сизга?»

Воҳид бирдан ўзига келиб, кўзларини юмди: «Менга нима бўлди?— хаёлидан ўтди унинг,— нима бўлди менга?»

Тўрда ўтирган акаси қўлтиғидаги ёстиқларини четга суриб, ўрнидан тура бошлади, лекин шу вақт келинойиси унга қараб ўшқириб берди:

— Қўйинг, билганларини қилсин! Сизга нима!— деди у ва ўрнидан туриб кетди,— яхшиликка ёмонлик деб мана бунни айтадилар. Ҳа, билиб қўйинг: бир нарса бўлса булар ҳали ҳамма айбни сизга тўнкашдан ҳам тоймайди! Тушундингизми?

Воҳид яна бир дақиқа турса катта бир жанжал, кутилмаган бир портлаш рўй беришини сезиб қолди. Бунни бирдан пайқаб қолди ва зўр куч билан ўзини босиб, шартта бурилиб уйга кириб кетди.

Келинойиси ҳамон гапирмоқда эди. Унинг қандайдир заҳарга тўла товуши яна бир неча минут эшитилиб турди. Сўнгра ҳамма овозлар пасайиб, жимлик чўкди.

Воҳид қайтиб чиққанида акаси билан келинойиси кетиб қолишган, Зарифа ҳам кўринмас, ёлғиз Рузвон хола бир нуқтага тикилиб, боягидай ғамгин ўйга чўмиб ўтирарди. У ўрнидан туриб, ўғлининг бўйнидан қучоқлади:

— Ярим тунда қаёққа борасан, сенга нима бўлди, болам?

— Хафа бўлманг, ёзда яна келаман!— деди Воҳид ва негадир қўшимча қилди:

— Машҳура билан бирга келамиз.

У нега шундай деганига ўзи ҳам тушунмади, лекин бу сўзни айтиши билан кўзига ёш келди.

— Келинимдан ўргилай. Неварамга майда-чуйдалар тикиб қўювдим. Олиб кетсанг бўларди!— деди Рузвон хола, шундай деди-ю, у ҳам йиғлаб юборди.

Ажабо: шундай содда, меҳрибон онани айблаб бўлармиди? Унинг самимийлигидан шубҳаланиш, унга бир нарса дейиш мумкинмиди?

Йўқ, онанинг самимийлигига шубҳа қилиб бўлмас эди. Лекин бутун даҳшат, бутун фожиа шунда эдики, у ўғлига яхшилик қиламан деб, энг катта бахтидан жудо қилиб қўйганини ўзи ҳам билмас эди!

Воҳид уни секин қучоқлади.

— Сиздан фақат битта илтимос... Зарифани қийнаманг. Чунки... бояги гапларим рост, ойна, ҳаммаси рост...

— Нималар деяпсан, болам?— деди Рузвон хола.

— Зарифани ўз ихтиёрига қўйиб беринг, ойна!— Воҳид бошқа гапиролмади.

Кеча ойсиз, ҳаммаёқ зим-зиё, ҳатто атрофдаги оппоқ гуллаган олмалар ҳам негадир қоп-қора бўлиб кўринадди.

Воҳид боғдан чиқиб, эндигина катта кўчага бурилан деб турганида, ариқ бўйидаги толларнинг орасида икки кишининг сояси кўринди.

Воҳид тўхташи билан уларнинг бири юмшоқ тупроқни шип-шип босиб югуриб келди:

— Акажон!

Зарифа ўзини Воҳиднинг қучоғига ташлади, бўйнидан қучоқлаб олди:

— Акажон! Кечиринг мени! Кечиринг!

Воҳиднинг томоғини бир нима ғип бўғиб, кўзига ёш олди.

— У ким? Собирми?— деди, у синглисининг бошини силаб.

Собир бир нарсадан тортингандай, секин яқинлашиб келарди.

— Кечирасиз, Воҳид ака, боя бир оз... аҳмоқона гап қилибман...

Воҳид синглисини четга суриб, унинг катта, дағал қўлини сиқди.

— Сенга бахт тилайман, Собир! Икковларингга ҳам бахт тилайман.

— Раҳмат сизга!— деди Собир.

Зарифа яна уни қучоқлади. У секин, товушсиз йиғларди. Воҳид унинг бошини кўтариб, пешонасидан ўпди:

— Йиғлама, синглим! Бахтли бўлгайсан!

Унинг дилидаги бояги дард, алам, оғриқ — ҳаммаси қаёққадир йўқолган, унинг ўрнини аллақандай мулойим, илиқ ҳислар эгаллаб олганди. Фақат хаёлининг бир четида: «Қандай қилиб мен ўз бахтимни ўзим бой бериб қўйдим?» деган бир фикр қайта-қайта такрорларди.

— Нега шошдингиз? Ўзим олиб бориб қўярдим!— деди Собир.

— Раҳмат. Ўзим... бир пнеда юргим келди...

Хайрлашиб, катта йўлга чиққанида, лабида аллақандай шўр таъм сезиб, тўхтади: Бу — кўз ёши эди!

Воҳид худди унинг йиғлаётганини биров кўраётгандай, шошқалоқлик билан кўзини артиб, йўлга тушди.

Узоқда, юлдузларга тегиб турган уфқда, қатор чироқлар ипга терилган маржондай ялтираб кўринарди. Бу — шаҳар эди.

1962 йил.

МАТЛУБА

Ҳикоя

Матлуба синглисининг хатини эрталаб олган бўлса ҳам, ўқиб чиқиб столининг тортмасига ташлаб қўя қолди. Чунки унинг илтимосини адо этолмаслигини тушунган эди. Кейин кун бўйи санаторий врачининг зиммасидаги минг хил майда-чўйда ишлар билан бўлиб, синглисининг хати ёдидан ҳам кўтарилди. Кечқурун ниманидир қидириб столнинг тортмасини очди-ю, кўзи хатга тушиб, кўнгли яна бир хил бўлиб кетди.

Синглиси санаторийнинг шофёридан бериб юборган хатида шундай деган эди:

«Опажон!

Институтга энг kami ўн тўрт балл билан қабул қилишар экан. Мен ўн икки балл олдим. Бироқ одамлар: ҳар нечук қишлоқдан келгансан-ку, шошмай тур, дейишяпти. Кеча қабул комиссиясининг маъсул секретари Самигжон Матқобилов деган кишининг олдига кирувдим. У киши сизни яхши танир экан, салом айтди, кейин кетмай тур, бир иложи топилиб қолар, деди.

Опажон! Индинга мандат комиссияси бўлади. Шунгача бир келиб, ўша йигитга учрашиб кетсангиз қандоқ бўлар экан? Санаторийнинг машинасида икки соатда келасиз-ку! Жон опажон! Шундоқ қилинг. Чунки бу йигит сизни жуда... жуда... ҳурмат қилар экан...»

Мастура «жуда, жуда ҳурмат қилар экан», деган сўзларнинг тагига чизиб қўйган эди.

Эрталаб бу сўзлар фақат гашини келтирган эди, ҳозир ҳам юрагини жиз эттиролмади, лекин Мастуранинг «Опажон!» деб бошлаган хатини қайта ўқиркан, нигоҳи олдига унинг озғин маъсум чеҳраси ва мўлтираб турган кўзлари келди...

Матлуба юраги «шиғ» этиб, очиқ деразанинг олдига борди.

Кун ботган, икки тоғ оралиғидаги чуқур дарага соя

тушган, лекин ўнг қўлдаги осмон ўпган чўққилар олмосдай чарақлаб турарди. Чўққи этагидаги санаторий боғидан жаз ва саксофон овозлари келар, пастдан шөвиллаб оққан сой бўйидаги ёнғоқзор орасидан гоҳ ширакайф хиргойи, гоҳ зўр қаҳқаҳа эшитиларди.

Кеча кечқурун сой бўйига бир гуруқ «ёввойи» дам олувчилар келган. Улар орасида бир маҳаллар Матлуба ишлаган шаҳар поликлиникасининг бош врач Асқар Аминович ҳам бор эди. Асқар Аминович Матлубани кўриб: «Ие, шўттамисиз ҳали? Тўй бўлдимми? Чақирмадингиз-а?» деб ҳазиллашди. Унинг бу ҳазили Матлубанинг қалбидаги эски ярани тирнаб, кечаси билан тўлғаниб чиқди.

Самиғжон ҳам ўшанда дадаси билан бирга «ёввойи»-ларга қўшилиб келган эди. Улар сой бўйига чодир тикиб, бир-икки ҳафта туришган эди. У маҳалда бу санаторий ҳали қурилмаган, Матлуба эса эндигина саккизинчини битирган, кийикдай ҳуркак бир қизча эди. Кагта шаҳардан келишган бу одамлар жуда ғалати туюлар, дам ҳуркак қишлоқ қизларини суратга олиб, дам «Тарзан» бўлиб дарахт шохларидан учиб юрадиган хушсураг «посон» йигитча эса бир юрагини жижиллатар, бир чўчитар эди. Самиғжон ҳам бошқа қишлоқ қизлари орасидан ёлғиз Матлубани хушласа керак, уни кўпроқ суратга олишга тиришарди. Баъзан у Матлубанинг қалбида ажиб ҳислар уйғотувчи олис шаҳарларнинг, аллақандай сирли қалъаларнинг суратларини ҳадя қилар, баъзан гўё Матлуба мевага зордай, этак-этак ёнғоқ қоқиб ҳадя қилар, қиз уялиб қочганда эса, қувиб бориб, сочидан тортқилаб ўйнашар эди...

Лекин қизиқ: Матлуба ҳар сафар Самиғжонни ўйларкан, негадир кўнглини ёруғ нурга тўлдирган бу ёз оқшомлари эмас, ҳаммадан бурун ёмғир челақлаб қуйиб турган илиқ баҳор кунни эсига тушарди.

Унда Матлуба саккиз йиллик мактабни битириб, медтехникумнинг биринчи курсида ўқир эди.

Уша кунни уст-боши ёмғирдан шалаббо бўлса ҳам ўзи ёш боладай қувнаб кулган Матлуба автобус тўхтайдиган жойга чопиб бораркан, уни янги «Москвич» қувиб ўтиб, беш-олти қадам нарида тўхтади, сўнг машинанинг эшиги очилиб ёш бир йигитчанинг боши кўринди:

— Чопинг, Матлубахон!

Матлуба дарров таниди: «Самиғжон!..» Таниди-ю, шошганидан машинанинг ёнидан ўтиб қочмоқчи бўл-

ди: Лекин Самигҗон «газ» бериб уни қувиб ўтди ва яна машинасини йўлига кўндаланг қилди.

— Ие, мени танимадингизми, Матлубахон? Мен ўша... «Тарзан» бўламан... Эсингиздами?

Матлуба беихтиёр илжайди.

— Ҳа, эсимда...

— Бўлмаса нега қочяпсиз? Шаҳарга келиб, ҳалиям шаҳарли бўлолмадингизми? Қани чиқинг. Мен бўри эмасман-ку, еб қўяди деб қўрқсангиз!— деди Самигҗон кулиб:— Ўзингиз айта қолинг, Матлубахон, сиздай қиз ёмғирда пишиб турса-ю, мен машинада ўтиб кетсам қандоқ бўлади, а?

Матлуба нима дейишини билмай:

— Машина ўзингизникими?— деб сўради, сўради-ю, лабини тишлади: шуниям сўрайдими?

— Машина поччамларники, лекин ўзимники ҳисоб. Нега десангиз поччамлар ҳайдашни билмайдилар!— деди Самигҗон ва Матлубага қараб кўзини қисди:

— Хоҳласангиз ҳар куни катайса қилдираман!

— Раҳмат!— Матлуба аччиғланган бўлиб, юзини четга бурди; лекин бу ҳазилкаш, хушчақчақ йиғитдан аччиғланолмаслигини, ҳатто қовоғини солишга ҳам қурби етмаслигини сезиб, беихтиёр жилмайди.

— Шунақа бўлсин!— деди Самигҗон.— Сал қовоғингизни очиб ўтиринг. Одамнинг капалагини учириб юбордингиз-ку, Матлубахон!

Самигҗон Матлубани ётоқхоналарига олиб бориб қўйгунча бир лаҳза тинмай ҳазиллашиб, уни кулдириб борди, хайрлашаркан:

— Эртага Темирйўлчилар паркида техникумлараро волейбол мусобақаси бўлади,— деди.— Бизнинг команда соат бешда ўйнайди. Келасиз, а, Матлуба?

Матлуба:

— Билмадим энди...— деб баҳона қидира бошлаган эди. Самигҗон, қўлини оғритиб сиқди:

— Йўқ деманг, Матлуб! Қутаман. Бормасангиз хафа бўламан!

Матлуба спорт билан кўп қизиқмас эди, мусобақага йиғилган оломонни кўриб ҳайратда қолди: одамнинг кўплигидан кенг майдонга танга ташласа ерга тушмас эди.

Ҳаворанг майка кийган Самигҗон узун, бақувват оёқларига гўё пружина ўрнатилгандай, дик-дик сакраб келиб, Матлубани қўлтиқлаб олди ва волейбол майдончасининг четида турган бир тўп қизларнинг ёнига бош-

лаб борди. Қизларнинг шивирлашиб қолганларини кўрган Матлуба дарров сизди: рашк қилишяпти!

Қизларнинг рашк қилиши бежиз эмас: хушқад, келишган Самиғжон ўйинда ҳам устаси фаранг эди. Ҳар сафар Самиғжон осмонга сакраб тўпни қарши томонга қарата урганида парк хушнуд қичқириқлардан ларзага келар, қизлар эса, кўзлари чақнаб: «Қойил, Самиғжон, қойил!» деб қичқиришар эди. Матлубанинг ўзи ҳам шунчалик қизишиб кетдики, ўйиннинг охирида ғалаба ва табриклардан оғзи қулоғига етган Самиғжон қизларнинг қуршовидан зўрға чиқиб Матлубанинг олдига келганда ўпич берганини ўзи ҳам билмай қолди!..

Кейин... кейин Самиғжон хизматга кетди. Матлуба уни икки йил кутди. Қишлоқ йигитларининг хатлари ва юборган совчиларини, курсдошларининг ишқ-муҳаббати, ҳаммасини рад этиб кутди. Бу ўртада техникумни ҳам битириб, поликлиникага ишга кирди...

— Опажон...

Матлуба бир сапчиб «ялт» этиб бурилиб қаради. Остонада... Мастура турарди. Уст-боши чанг-чунг, бошидаги нафис ҳаворанг дурраси бир томонга оғиб кетган, кўзлари ҳорғин.

— Йиқилиб қолдингми?

Мастура ерга қаради.

— Йўқ... Сизни тушгача кутдим — бормадингиз. Кейин такси олиб келдим. Эртага мандат комиссиясининг мажлиси...

— Бекор қипсан келиб,— деди Матлуба.— Мен бари бир боролмайман.

Мастура кўзлари мўлтиллаб опасига тикилди.

— Нега?

— Чунки... мен техникумга ҳам, институтга ҳам бировга ёлвориб кирган эмасман!

Мастура опасига билдирмай «қилт» юттинди.

— Ахир у киши... Сизни жуда-жуда...

Матлуба тоқатсизланиб, бошини чайқади.

— Биламан. Бироқ, бормайман. Юр, дамингни ол. Энди нима бўлса ҳам... толенгдагини кўрасан!— деди у, сўнг синглиси йиғлаб юборишга тайёр эканини кўриб, яна кўнгли эриб:

— Мени кечир, Мастур,— деди ёлвориб.— Мен сен айтган... йигитнинг олдига боролмайман, жоним. Сабабини кейин... бир кун айтиб бераман. Юр, дамингни ол...

Мастура индамади, фақат пастки лабини қаттиқ тишлаб олди. Опа-сингил амбулаториядан чиқиб, дар-

возага яқинлашиб қолганларида боғдан Асқар Аминовичнинг ширакайф овози эшитилди:

— Матлубахон! Шошманг, мана буни олиб кетинг!..

Асқар Аминович, эгнида пижама, қўлида дастурхонга ўралган товоқ, олчазордан чиқиб келди.

— Умрингизда бунақа ош емагансиз. Ўзим дамладим...— Асқар Аминович тўхтаб бир Матлубага, бир Мастурага қаради.

— Бу қиз...

— Бу қиз менинг синглим,— деди Матлуба.— Ўхшаймизми?

— Ўхшаш ҳам гапми? Худди ҳозиргина тухумдан чиққан жўжалардай!— деб кулди Асқар Аминович.— Сизни биринчи марта кўрганим эсимга тушди. Техникумни битирган чоғингиз... эсингиздами?

— Эсимда,— деди Матлуба, негадир қизариб.

— Синглим ҳам институтга кирмоқчи эди... бали етмабди...

— Қайси институт?— деди Асқар Аминович.

Мастура қизариб:

— Физкультура институти,— деди истар-истамас.

Асқар Аминович Матлубага юзланди:

— Илгарироқ айтмабсиз-да, Матлубахон. Ошна-оғайнилар топилар эди. Аттанг!

Асқар Аминович гапини тугатмаган ҳам эди, Мастура тўсатдан кўзлари ёниб:

— Опамлар ўзлари шунақа! Бошқага қайишса қайишадиларки, ўз жигарига раҳм-шафқат қилмайдилар!— деди-ю, текис йўлда қоқиниб дарвоза томонга чопиб кетди.

Матлуба ранги ўчиб, унинг кетидан тикилиб қолди. Асқар Аминович ўнғайсизланиб томоқ қирди.

— Аттанг, олдинроқ билганимда...

— Майли,— деди Матлуба.— Ўз йўлини ўзи топгани яхши.

Асқар Аминович кулди.

— Аммо-лекин... Худди ўзингиз! Хулқ атвори ҳам сизга ўхшар экан. Ўша... техникумда айтган гапларингиз эсимга тушиб кетди... Эсингиздами?..

Матлуба «ҳа» деб бош ирғади-да, Асқар Аминович билан совуққина хайрлашди. У уйларига боргиси келмай, дарага, шовиллаб оқаётган сойга бурилди. Асқар Аминовичнинг гаплари кўнглининг энг чуқурида ётган эсдаликларини яна қўзғаб, хаёлини ағдар-тўнтар қилиб юборган эди.

Ожирги давлат имтиҳонини «беш»га топшириб чиққан Матлуба дугоналарининг табрик ва ўпичларига ҳали тўйганча ҳам йўқ эди, йўлакда секретарь қизнинг овози янгради:

— Матлубахон, комиссияга кирармишсиз!

Матлуба қуршаб олган қиз-йигитларнинг даврасини зўрға ёриб ўтиб, ҳозиргина чиққан аудиторияга кирди.

— Келинг, яқинроқ келинг, қизим!—...— комиссия раиси, юмалоқдан келган химия домласи уни очиқ чеҳра билан қарши олди, сўнг ёнида ўтирган тўладан келган хушсурат одамга юзланди:

— Ҳали айтган қизимиз Матлубахон Иброҳимова шу киши бўладилар...

Тўладан келган хушсурат одам оқ оралаб қолган қалин сочларини силаб, Матлубага синовчан тикилиб ўтирарди. Боя Матлуба имтиҳон топширганида бу одам йўқ эди, шунинг учунми, бошқами, Матлуба ийманиб кўз қирини ташлар экан, оқ сочли одам химия домласига: «маъқул» деган маънода бош ирғаганини кўриб қолди.

— Сизни ҳурматли доцентимиз Асқар Аминович чақирдилар, Матлубахон,— деди домла.

Асқар Аминович унинг гапини таъкидлаб бош ирғади.

— Бизнинг поликлиникамизга сизга ўхшаган... ёш, қўл-оёғи чаққонгина ҳамшира қизча керак эди, борасизми, Матлубахон?

Матлуба елкасини учирди.

— Тақсимотда мени Сурхондарёга ёзинган.

— Сизга Тошкент яхшими, ё Сурхондарё даштларими?— деди Асқар Аминович кулимсираб.

— Мен шугчаки... ўшанда ойимлар бетоб десам ҳам қолдиришмовди...

— Унда қолдиришмаган бўлса, энди қолдиришади. У ёғини бизга қўйиб берасиз. Келишдикми?

— Менга бари бир,— деди Матлуба ва бу гапи Асқар Аминовичга ёқмаганини пайқаб қолди. Доцентнинг кенг пешанаси тиришиб, катта қўй кўзлари қисилди.

— Хўп, яхши,— деди у.— Эртага министрликнинг кадрлар бўлимига боринг. Мен айтиб қўяман.

Шундай қилиб, Матлуба Асқар Аминовичнинг раҳбарлигида ҳамшира бўлиб ишлай бошлади. Поликлиникада ундан бошқа яна ўн чоғлик ҳамширалар ишлар, шундай бўлса ҳам одам етишмас эди. Матлуба укол

қилар, жароҳатларни боғлар, дори-дармон берар, юз хил асбоб-ускуналарни ишга солиб, беморларни даволар, хуллас эрталабдан кечгача нафас олишга ҳам вақт тополмас эди. У бош врачни деярли кўрмас, гоҳо-гоҳо йўлакда дуч келиб қолса, Асқар Аминович мулойим кулимсираб:

— Ҳа, қора қиз, ишлар қалай?— деб сўраб қўярди. Бош врачнинг қўйган лақаби тезда бутун поликлиникага тарқаб, бошқалар ҳам Матлубани «қора қиз» деб чақирадиган бўлишди. Лекин бу лақаб Матлубани унча ранжитмас, чунки қорачадан келган бўлса ҳам юлдузи иссиқ эканини яхши билар, буни ёш врачларнинг муомаласидан ҳам сезар эди.

Матлуба бошида нафис қизил дурра, эгнида нозик қоматига ярашиб тушган ва қорача чеҳрасини аллақандай очиб юборган оппоқ халат, икки ўрим майин сочи белида, тор йўлакдан дик-дик юриб ўтганида суқланиб қарамаган одам бўлмас, ҳатто даволанишга келган кекса беморлар ҳам Матлуба укол қилаётганида: «қўлингиз энгил экан, дард кўрманг, қизим», деб дуо қилишар, ёшлар эса тиржайишиб, йўлини пойлашар эди.

Бир куни уни Асқар Аминович чақириб қолди.

Матлуба кирганда Асқар Аминович, олдида бир ликочча новвот, дўнг пешанасида маржон-маржон тер, фамиличой ичиб ўтирарди. У Матлуба билан ўрнидан туриб, қўл бериб кўришди, столнинг олдида чуқур креслога ўтқазиб, бежирим хитой пиёласида чой узатди.

— Ишлар қалай, қизим, ҳеч ким хафа қилаётгани йўқми?

Матлуба унинг синовчан кўзларидан кўзини узиб ерга қаради.

— Йўқ, раҳмат...

— Шикоят йўқ денг? Яхши-яхши...— Асқар Аминович дўнг пешанасини силаб анча ўтирди, бир-икки марта томоқ кириб олди, кейин ясама хушнуд кулиб:

— Сиздан битта илтимосим бор, Матлубахон,— деди.—Лекин кўнглингизга ҳеч нарса келмасин... хўпми?

Матлуба чарақлаб турган қоп-қора кўзларини ердан узиб, бош врачга қаради. Асқар Аминович қошлари чимирилиб, яна томоқ кирди.

— Менинг бир жияним бор. Ўзи жуда яхши, камтар, культурний йигит, Матлубахон. Лекин ҳалигидақа... сал тортинчоқроқ. Илтимосим шуки, иккаловинг бир учрашиб танишсаларинг...

Матлуба Асқар Аминовичдай салобатли одам шу гапни қўзгаганидан уялиб, яна кўзини олиб қочди.

— Жияним сизни қаердадир кўрган экан. У сизни ҳалигидақа... қандай тушунтирсам бўлади, ёқтириб қопти... Уйларингизга совчи юбормоқчи экан, уришиб бердим. Ҳозирги ёшлар аввал танишадилар-билишадилар, яъни маданий йўл тутиш керак, дедим...

«Маданий йўл!.. Ойимлар касал деб, йиғлаб борганимда қолдиришмаган одамлар, сизнинг бир оғиз гапингиз билан Сурхондарёдан олиб қолишди. Бундан чиқди, гап тагида гап бор экан-да!..»

Матлубанинг ўйлари қуюндай чархпалак бўлиб кетди. Бу қуюн орасидан Самиғжоннинг вокзалда хайрлашаётганларидаги хафақон чеҳраси, гамгин қўй кўзлари намоён бўлди.

— Яна таъкидлайман, кўнглингизга ҳеч нарса келмасин, Матлубахон,— деди Асқар Аминович.— Албатта, ҳозирги ёшларга, яъни сизга, менинг бу гапларим ғалати туюлиши мумкин. Лекин мен аминманки, танишсаларингиз... тил топишиб кетасизлар. Жияним ҳам ҳалигидақа... жа замонавий, . культурний йиғит, Матлубахон!..

«Замонавий йиғит!..» Матлубанинг кўз олдига яна Самиғжон келди. Лекин бу сафар унинг хафақон чеҳраси тез хиралашиб, эсига сўнгги хати тушди:

«Белорус қизлари жа дуркун бўлар экан, ўзлариям жа қуриб кетмагурлар!..»

— Менинг «Волгам» ихтиёрларингда. Бир ўйнаб келинлар... хўпми, Матлубахон?

Матлуба тўсатдан юраги увишиб, бошини пастроқ эгди.

— Нусратжон!— деди Асқар Аминович.

Матлуба эшик очилганини сезса ҳам қарамоқчи эмас эди, ихтиёридан зўр бир куч оҳиста боқишга мажбур этди.

Остонада ҳақиқатан замонавий кийинган, қоп-қора сочлари силлиқ, узунчоқ бугдойранг юзи қип-қизил бўлиб кетган бир йиғит ўнғайсизликдан кўзлари сузилиб, нишайиб турарди. Йиғит новчагина, лекин яғриндор бўлгани учунми, бақалоқроқ кўринар эди.

— Қани, ёшлар, танишиб қўйинглар... «Волга»ми олиб, бир катайса қилиб келинлар!

Асқар Аминович шундай деди-да, гўё Матлуба эътироз билдиришидан қўрққандай, шоша-пиша хонадан чиқди. Нусратжон қошлари чимирилиб, аллақандай сод-

да юзидаги жимир-жимир томчиларни дастрўмолчаси билан артиб, Матлубанинг рўпарасидаги креслога чўкди.

— Ман Сизни... кўрганман, жуда кўп кўрганман, Матлубахон...

— Шунақами?— деди Матлуба. Тўсатдан унинг ди-лида болаларга хос бир шўхлик уйғониб, кулгисини аранг босди.

— Биз дўстлар билан чоллар чойхонасида ош қили-шиб... гурунглашиб ўтирганимизда ўтиб қолардингиз. Ҳамма сизнинг йўлингизга тикиларди...

— Ҳаммами ё сизми?

Нусратжон «қовун тушир»ганини пайқаб, дудуқ-ланди.

— Мен... Менги-ку, ўзингиз кўриб турибсиз...

— Ҳа, кўриб турибман...— Матлуба кўнглидаги шўх туйғуни яна ичига ютиб:

— Утираверамизми шўтта?— деб сўради.

— Юринг бўлмаса айланамиз, «Волга»ни ташлаб кетдилару тоғамлар...

— Тоғангизнинг «Волга»си бўлмаса, ўн биринчи трамвай ҳам бор,— деб кулди Матлуба.

— Келинг, бир катайса қилайлик,— деди Нусратжон кўчага чиққанларидан сўнг.— Ноумид шайтон, биз ҳам «Волга»лик бўлиб қолармиз...

Матлубага Нусратжон бу гапни бўлакча маънода гапиргандай туюлди, машинага чиқаркан, жўрттага:

— Қачон оласиз, «Волга»ни?— деб сўради.

Нусрат ҳам бўш келмай:

— Лотерея олиб қўйибман. Биттаси бўлмаса битта-сига чиқиб қолар,— деб кулди.

Матлуба ҳам беихтиёр кулимсиради. У ўздан ҳай-рон эди: боя Асқар Аминович жиянидан гап очганида энсаси қотган бўлса, энди Нусратжоннинг гап-сўзлари ёқиб, юрагининг аллақаси жазиллай бошлаган эди. Нусратжон унга неча бор ишқ-муҳаббат изҳор этган қишлоқ йигитларини эслатарди. Матлуба бу йигитлар-нинг севгисини рад этса ҳам, уларни қаттиқ ранжита-ётганини сезиб, ич-ичидан зил кетарди.

Қизнинг индамай қолишини бошқача тушунган Нус-ратжон:

— Гап пулда эмас, пул топилади,— деди.— Машина топилмайди, Матлубахон. Айниқса янгисини топиш қи-йин.

— Пулингиз шунча кўпми?

— Ҳар қалай, бир машинага топилади.

Матлуба:

«Пулингиз машинага кетса қалинни қандай тўлайсиз?» деб ҳазиллашмоқчи бўлди-ю, қуйишқондан чиқиб кетишдан ийманиб:

— Олганга яраша янгисини олинг-да!— деб кулди.

— Илойим, айтганингиз келсин!— деди Нусрат.— Ҳўш, нима қиламиз, далага чиқамизми ё кафе-мафега кирамизми, Матлубахон?

— Йўқ, бирорта парк-маркка кира қолайлик Яхши-си, Скверга туша қолайлик.

Скверда одам гавжум эди. Илиқ мусаффо ҳавони жийда ва акация гулининг хушбўй ҳиди тутган, хиёбондаги қиз-йигитларнинг қўлларида ҳам даста-даста гул, шунинг учунми, ё ёшларнинг шўх кулгилариданми, ҳаммаёқ аллақандай очилиб, яшнаб кетган эди.

Нусратжон ҳам гул олмоқчи бўлиб, гулчиларнинг олдида тўхтаган эди, Матлуба «рахмат, керак эмас», деб қўлидан тортди.

Матлуба дуч келган биринчи бўш скамейкага ўзини ташлаб, атрофга тикиларкан, Самигжон хизматга жўнашидан бир кун олдин худди шу ерга келганлари эсига тушди...

Улар Скверга кечқурун кун ботмасдан олдин келишган, лекин гаплари тугамай, юракларни лиммо-лим тўлдирган ҳис-туйғулардан энтикиб, қайноқ бўсалар оғушида тонг отганини ҳам пайқамай қолишган эди.

Бу эсдаликлар тошқиндай ёпирилиб келди-ю, Матлуба ўзидан ижирғаниб, Нусратжонга юзланди:

— Менга айтадиган гапингиз бор эди шекилли? Айтнинг...

Унинг дабдурустан бундай дейишини кутмаган Нусратжон шошиб қолди.

— Энди... ўзингиздан қолар гап йўқ. Бор гапни тоғамлар айтгандир...

Матлуба кулгисини яшириш учун ерга қаради.

— Хайрият тоғангиз бор экан. У киши бўлмаса нима қилардингиз?

— Йўқ-йўқ, гап унда эмас! Шунчаки... ўзингиз билиб турибсиз-ку, демоқчи эдим... Қисқаси, бирга турмуш қурсак дейман!— деди Нусратжон ва қулоқларигача ловиллаб, худди тоғасиникига ўхшаган дўнг пешанаси ялтиллаб кетди. Бунни кўрган Матлуба гапни чўзмаслиги кераклигини, гап қанча чўзилса бу содда йигит шунча қаттиқ ранжинчини тушунди.

— Мени кечирасиз, Нусратжон ака,— деди у, мулойимлик билан,— мен ҳали турмушга чиқмоқчи эмасман. Ҳақимқочиман.

— Майли, ҳақсангиз бош устига...

— Йўқ-йўқ, гапни чўзмайлик. Фойдаси йўқ. Мени кечирасиз, Нусратжон ака...

Йигит аллақандай сўниб, нурсизланиб қолган кўзларини осмонга тикиб:

— Майли, нима ҳам деймиз,— деди секин.— Суймаганга суйканмаймиз, Матлубахон...

— Ҳўп, хайр бўлмаса...— Матлуба ўрнидан турди. Нусратжон кўзғалмади. У осмондаги сийрак пуштиранг булутларга тикилиб ўтирар, оқариб кетган юзида, сал қисилган қўй кўзларида аллақандай сокин бир мунг жилва қиларди. Матлуба юраги «шиғ» этиб, бир-икки оғиз ширин гап айтгиси келди, лекин йигитнинг кўнглини баттар оғритишидан қўрқиб, оҳиста узоқлашди...

* * *

...Эрталаб Матлуба энди ишга борган эди, Асқар Аминович чақиртириб қолди. Матлуба худди ҳозир совуқ сувга шўнғийдиган одамдай, вужуд-вужуди жимирлаб кетди. Лекин бош врач уни кулиб қарши олди.

— О, ёшлар, ёшлар!— деди у бошини чайқаб.— Тузукроқ гаплашишни ҳам билмайсизлар. Арзимаган нарсага аразлашиб қоласизлар! Қани, ўтиринг-чи, Матлубахон? Ҳўш, кеча нима бўлди ўзи?

Матлуба диваннинг четига омонатгина ўтирди, ҳозир бошланадиган савол-жавоблардан ўнғайсизланиб, рўпарасида ўтирган бу салобатли ва хушмуомала одамни ранжитишини билиб ғужанак бўлиб олди.

— Мабодо... қўполлик қилмадимми у тентак?

— Йўқ, йўқ...

— Ё жияним ёқмадимми сизга?

Матлуба уяланидан совқотаётгандай титраб:

— Кечирасиз, Асқар Аминович, мен... ҳали турмуш қурмоқчи эмасман!— деди.

— Ҳмм...— Бош врач бармоқлари билан столни чертиб жим қолди, сўнг ўрнидан туриб, кабинетини бир айланиб чиқди. Матлуба унга қарамаса ҳам, бош врачнинг юзидаги мулойим табассум сўнганини, қошлари чимирилиб, қовоғи солинганини сезиб ўтирарди.

Ниҳоят Асқар Аминович тўхтаб:

— Турмушга чиқишни хоҳламасангиз... бир нима дейишим қийин,— деди хўрсиниб.— Лекин назаримда, сиз хато қиляпсиз, Матлубахон. Биз кексалар кўпни кўрганмиз. Ишқ-муҳаббат деган баландпарвоз гапларга учиб, гулдай қизлар бебахт бўлганини биламиз. Шунинг учун... мен сизни ўз қизимдай кўриб, шу ишга аралашган эдим. Чунки жияним, кўрсроқ бўлса кўрероқдир, бироқ... кўнглида кири йўқ, пок йиғит, Матлубахон. Ҳалиям бўлса ўйлаб кўриңг!

Матлуба бошини кўтармасдан:

— Майли,— деди оҳиста.— Мен ўйлаб бўлдим, Асқар Аминович.

— Шунақами? Хўп, нима ҳам деймиз? Аммо-лекин кечирасиз, Матлубахон, мен сизни бунчалик енгилтак деб ўйламовдим. Умуман мен сиздан буни кутмаган эдим! Ҳа, кутмаган эдим!

Матлуба ялт этиб қаради. Бош врачнинг: «Мен сиздан буни кутмаган эдим» деган сўзлари унга: «Мен сизни Сурхондарёдан олиб қолганимда илтимосимни ерда қолдиради деб ўйламаган эдим», деган маънода эшитилди-да, бу гап жуда қаттиқ тегди.

— Қилган гамхўрлигингиз учун... раҳмат. Бироқ мен ҳам сиздан буни кутмаган эдим.

— Нимани кутмаган эдингиз?— деди Асқар Аминович юришдан тўхтаб.

— Агар Сурхондарёдан олиб қолишдан мақсаднингиз, жиянингиз... Мени жиянингизга олиб бериш бўлса... раҳмат! Ҳалиям кетишим мумкин.

Асқар Аминович, ияги ғалати қалтираб, кўзлари қисилди.

— Агар мен шунча яхшилик қилиб эшитган гапим шу бўлса... Сизга ҳам раҳмат. Лекин Тошкентда қолганингиз учун пушаймон қилаётган бўлсангиз, марҳамат, ҳалиям йўлингиздан қолманг!

— Майли, кетаман!— деди Матлуба.

— Жуда соз. Оқ йўл. Эртага министрликка бординг. Кадрлар бўлимига телефон қилиб қўяман. Хайр. Муваффақият тиламан.

— Раҳмат!— Матлуба бошини мағрур кўтариб хонадан чиқди, лекин лабораторияга кирди-ю, ўзини диванга ташлаб йиғлаб юборди. Еер зумда ҳамшира қизлар йиғилишди, бир-бирига гап беришмай суриштира кетишди, бироқ Матлуба лом-мим демади, халатини ечиб, ўз кийимларини кийди-да, поликлиникадан чиқди.

...Министрликнинг кадрлар бўлимида одам кўп эди. Матлуба навбат олиб, ташқарига чиқди. У чорбурчак гулзорнинг четидаги скамейкага ўтириб, кўчадан физилаб ўтаётган машиналарга, трамвай ва троллейбусларга пашшадай ёпишиб олган болаларга тикилди.

Матлубанинг кўнгли хуфтон, кўчада узоқ ўтирди. Ҳар сафар Асқар Аминовичнинг муомаласи эсига тушса, кўзига милт-милт ёш келарди. Кеча бу гапларни писанд қилмаган бўлса ҳам, кечаси жуда алам қилди. Йўқ, гап унинг Сурхондарёга кетишида эмас. У олис жойларга бориб ишлашдан қўрқмайди. Лекин Асқар Аминович... У бундай қилишга нима ҳақи бор? Жиянимга эрга тегмадинг деб ҳақорат қилишга, ишдан ҳайдашга ким ҳуқуқ берди унга?..

Матлуба буни ҳар ўйлаганида бир тўлғаниб, тонг отгунча хаёлида Асқар Аминович билан олишиб чиқди.

У бир ўйи министрга кириб бўлган воқеани айтиб бергиси ҳам келди, лекин бу фикридан дарҳол қайтди, чунки министр уни Сурхондарёга боришдан қўрқяпти, деб ўйлаши мумкин!

Матлуба навбати ўтиб кетишидан қўрқиб ўрнидан турган эди, гулзорнинг рўпарасига таниш қора «Волга» келиб тўхтади-да, ундан Асқар Аминович тушди.

Матлуба кўриб-кўрмаганликка олиб, тескари бурилди. Асқар Аминович қўлида катта чарм папка Матлубанинг ёнидан ўтиб эшиккача борди, борди-ю, худди бир нарса эсидан чиққандай тўхтаб:

— Сен... бу ерда нима қилиб юрибсан?— деб сўради.

Матлуба ҳайрон бўлиб Асқар Аминовичнинг юзига тикилди:

— Нима қилардим? Сурхондарёга кетмоқчи бўлиб келдим.

— Тентак!— деди Асқар Аминович, қовоғини солиб.— Бор, ишингга бор, ҳеч қаёққа кетмайсан!

— Ўзингиз-ку, кеча...

— Ўзингиз, ўзингиз! Бир оғиз гапириб бўлмайди сенларга!— деди Асқар Аминович, юзини буриштириб.— Ҳайронман ҳозирги ёшларга. Бунча тегма-нозик бўлмасаларинг? Бор ишингга, кеч қоласан!

Матлуба эътироз билдиролмади, томоғига бир нарса тиқилгандай туюлиб, «қилт» ютинди-да, Асқар Аминовичнинг ёнидан ўтиб, трамвайга қараб чопиб кетди.

Июннинг охирларида Самигжондан телеграмма келди: «Йўлга чиқяпман. Рейс 421. Кутиб ол. *Матқобулов*».

Қасдига олиб, Самигжон келадиган куни поликлиниканинг уч-тўртта ходими бир ҳафтага Мирзачўлга ёрдамга борадиган бўлиб қолди. Улар орасида Матлуба ҳам бор эди.

Матлуба узоқ ўйлади. Асқар Аминовичнинг олдига киришга оёғи тортмас, кирганда нима баҳона кўрсатишни тасаввур этолмас эди. Лекин ўйлай-ўйлай бошқа илож тополмагач, охири киришга мажбур бўлди.

Уша воқеадан кейин Матлуба бош врач билан гаплашган эмас, Асқар Аминович ҳам у ер-бу ерда учрашиб қолганларида совуққина бош ирғаб қўя қоларди.

Матлуба кирганида Асқар Аминович халатини ечиб, қозиққа илмоқда эди. У Матлубага қарамай:

— Хўш, хизмат?— деб сўради.

Матлуба дудуғлана-дудуғлана илтимосини тушунтира бошлаган эди, Асқар Аминович худди у кутган саволни берди:

— Сабаб, боролмайсиз? Сизни Мирзачўлга командировка қилаётган бўлсак, ёш деб, бола-чақаси йўқ деб юборяпмиз, ахир.— Асқар Аминович жойига бориб ўтираркан, кинояли жилмайди.— Ё... бирор муҳим сабаби бўлса — бунни айтинг.

— Сабаби...— Матлуба довдираб қолгани учун ўзидан гижиниб, сумкасидан телеграммани олиб, столга қўйди.— Сабаби шу!

Асқар Аминович телеграммани ўқиркан, пешанасини ишқаб:

— Матқобулов... Бу ким?— деб сўради.

— Солдат... хизматини битириб келяпти...— Матлуба кўзларини қаёққа яширшини билмай, терлаб кетди.

— Хўп. Солдат бўлса, хизматдан келадиган бўлса... илож йўқ,— деди Асқар Аминович.— Муовинимга айтинг: ўрингизга бошқа бировни тайинласин!

Матлуба севинганидан стулга қоқилиб эшикка отилган эди, Асқар Аминович тўхтатди:

— Яхши йигитми? Тўйга чақириш эсингиздан чиқмасин-а, қора қиз?

...Самолёт бир соатча кечикиб келди. Бошида дўппи, эгнида атлас кўйлак, қўлида бир даста гул, юрагини чуллаган ҳаяжондан бир жойда туролмай, аэропорт олдидаги хиёбонларда айланиб юрган Матлуба, гулзор-

нинг четидаги скамейкада ўтирган бир гуруҳ эркак-аёллар уни зимдан кузатишаётганини, бир-бирларига қараб имо-ишоралар қилишаётганини пайқаб қолди:

«Самиғжоннинг қариндош-уруғлари!»

Улар орасида ўн саккиз-ўн тўққиз яшар иккита қиз бор, иккалови ҳам жуда келишган, чиройли эди. Бири сочини қирқтириб сарғиш рангга бўйган, иккинчиси баланд қилиб турмаклаб олган. Ўтган-кетган ҳамманинг кўзи шуларда эди. Даврада худди Самиғжонга ўхшаган дуркунгина ёш жувон ҳам бор эди. Матлуба гулзорнинг ёнидан ўтаётиб, ёш жувон чиройли бурнини жийириб кулаётганини кўриб қолди, кўриб қолди-ю, қаддини ростлаб олислаб кетди.

Матлуба Самиғжонни дарров таниди. Самолётдан чиққанлар орасида беш-олти солдат бўлса ҳам, уни кўрган заҳотиёқ таниб, юраги ўйнаб кетди: ўша!

Чап қўлида шинель, ўнг қўлида чамадон кўтариб олган Самиғжон трапдан чопқиллаб тушиб, илдам юриб, темир панжарага яқинлаша бошлади.

Самиғжоннинг бўй-басти яна ҳам чўзилиб, кучга тўлиб, бақувват йигитга айланган, узунчоқ қорамағиз юзида, кўз қарашлари, ҳатто одимлашида ҳам аллақандай шиддатли бир нарса пайдо бўлган эди.

Панжарадан чиқиши билан уни қариндош-уруғлари қуршаб олишди.

Чиройли ёш жувон унинг бошини эгиб икки юзидан чўлп-чўлп ўпди, қизлар кулишиб қўл узатишди, қизлардан кейин шляпа кийган серсавлат йўғон одамлар ва хипчиндай хушқомат йигитчалар навбатма-навбат қучоқлашиб, ўпишишиб узоқ кўришишди, ниҳоят, ҳаммаси катта оломон бўлиб, аэропорт биносига қараб йўл олишди. «Мени чақиргани эсида ҳам йўқ! Аҳмоқ бўлиб югуриб келибман!..»

Худди шу пайт, Самиғжон, гўё Матлубанинг кўнгил фарёдини эшитгандай, атрофга аланглаб қаради ва мунғайиб турган қизни кўриб, унга томон интилди. Лекин ёш жувон уни тўхтатиб, қулоғига бир нима деб шивирлади. Самиғжон «хўп» деб бош ирғади-да, Матлубага қараб югурди. Матлуба ҳам кўнгли бирдан равшан тортиб унга томон интилди. Самиғжон қадоқдай оғир катта қўли билан унинг майин кафтини оғритиб сиқаркан:

— Яхшимисан, Матлуба?— деди кулимсираб.— Битта ўпсам бўладими?

Матлуба қўлини тортиб олиб, орқага тисарилди.

— Ҳалиям ўшанақамсан?— деди Самигжон.
— Қанақаман?
— Қишлоқи!
— Боринг. Қариндош-уруғларингиз безовта бўлиш-
япти!— деди Матлуба.

Самигжон яна унинг қўлидан ушлади:

— Юр, бизникага!

— Йўқ, йўқ!— Матлуба чўчиб орқага тисарилди.

— Кимдан уяласан? Жа ғалати одатларинг бор-да!—
деди Самигжон, пешанаси тиришиб.— Хўп, бўлмаса...
Эртага учрашсак... Қаерда учрашамиз? Ҳа, Темирйўл-
чилар паркида! Темирйўлчилар парки. Эсингдами? Во-
лейбол ўйнаган жой. Соат бешда. Эсингдан чиқмайди-
ми?— Самигжон кўзини қисиб кулди-да, кутиб турган
қариндосларига қараб чопиб кетди. У чопиб бориб қиз-
ларни қўлтиқлаб олди. Буни кўриб турган Матлуба,
бирдан ўпкаси тўлиб.

«Бормайман!— деди ўзинча.— Агар ўлиб қолсам ҳам
бормайман!»

Самигжон гўё уни дарров эсидан чиқаргандай қиз-
ларни қўлтиқлаб, аэропортга кириб кетгани, қариндош-
уруғларининг уни менсимай кинояли боқишлари Мат-
лубани шундай ўкситдики, дакки еган содда қишлоқ
қизларидай кўз ёшини тиёлмай пиқ-пиқ йиғлаб юбор-
ди, сўнг қизарган кўзлари билан автобусга чиқишга
ийманиб камқатнов тротуардан пиёда кетди...

Кун ботган, лекин дарахтларнинг учлари, кўп қа-
ватли баланд иморатларнинг пештоқлари чарақлаб кўз-
ни олар, офтобда эриб, кигиздай майинлашиб қолган
асфальтдан қўланса ҳид кўтариларди.

Матлуба кўзига ҳеч нарса кўринмай, туфлиснинг
пошнаси билан юмшоқ асфальтга «мих қоқиб» борар-
кан, шу маҳалгача Самигжоннинг қариндош-уруғлари
билан қизиқмаганини эслади. Қариндош-уруғлари у ёқ-
да турсин, энди ўйлаб қараса, Самигжоннинг ўзини ҳам
яхши билмас экан. Яхши биладиган ўрталарида нима
ҳам бўлди? Қишлоқда танишишди, кейин бир-икки марта
у ер-бу ерда учрашишди, хизматга жўнаётганида ўпишиб
хайрлашишди, ниҳоят, хат ёзишиб туришди. Шу!

Бунақа танишлар ҳозирги ёшлар орасида озмунча
бўладими? Уч йилдан бери келган ҳамма совчиларни
қайтарганида, танишмоқчи бўлган ҳамма йигитларга
рад жавоби берганида... нимага умид қилган эди?

Йўқ, у эртага учрашувга бормайди. Самигжон уни
севмас экан, у ҳам Самигжонга суйканмайди!.. Майли,

қариндошлари унга танлаганларини олиб беришин! Самигжон уни «қишлоқи» деди, Матлуба қишлоқи бўлса, ҳалиги қизлардан биттасини ола қолсин!

Матлуба учрашувга бормасликка астойдил қасд қилса ҳам, эртасига соат бешга яқинлашган сайин юраги ўйнаб, бир жойда туролмай қолди. Қизнинг ихтиёрига бўйсунмаган бир куч уни паркка судрар, жойида ўтиришга қўймас эди. У ўзи билан ўзи олишиб, шундай чарчадики, соат бешга занг урганда ҳолсизланиб диванга йиқилди. Шу пайт уни телефонга чақириб қолишди.

— Матлуба, сенмисан? Хайрият кетмаган экансан!

Матлуба Самигжоннинг гапларига эмас, телефонда баралла эшитилиб турган чинқироқ музыкага қулоқ солиб, сукут сақлар эди.

— Гап шундаки, мен боролмайдиган бўлиб қолдим. Эшитяпсанми, Матлуба?

— Эшитяпман,— деди Матлуба.— Жуда яхши бўпти. Мен ҳам боролмас эдим.

— Нега?— деди Самигжон кулиб.— Мендан хафа бўляпсанми? Биласан-ку ахир: бунақа пайтда келди-кетди кўп бўлади. Уйдан зўрға қутулиб чиқувдим, опам билан поччамлар судраб кетишди. Бу ерда... яна ўтириш. Зиёфат!..— Самигжон ширакайф одамларга хос хушнудлик билан кулди.— Кўриб турибсан-ку, ахир!

— Ҳа, кўриб турибман. Майли, опангизнинг қайинсингиллари билан бўлаверинг...— Матлуба бу гапни айтишга айтиб қўйиб ўзидан ғижинди: «Мунча бачкана бўлмасам!»

— Ие, ҳа?— деди Самигжон.— Кошки опамларнинг сендақа ажойиб қайинсингиллари бўлса? Мана, опам ҳам куляптилар, сени айтиптилар, содда қиз экан деяптилар!.. Эшитяпсанми, Матлуба! Нега индамаяпсан?

— Нима дейман?..

— Эртага соат бешда. Ушатта. Эшитяпсанми — соат бешу ноль-нолда. Кеч қолмагин тагин. Кўзим тўрт бўлиб кутаман. Эшитяпсанми, Матлуба?

Матлуба дили равшан тортиб жилмайди.

— Агар чиндан кўзингиз тўрт бўлиб кутсангиз!..

* * *

Матлуба ишдан чиқиб, ательега борди. Унинг бундан бир ой муқаддам заказ қилган, лекин кеча Самигжоннинг келишига тайёр бўлмаган кўйлаги тайёр бўлган экан. Эрталаб у янги кўйлаги билан янги туфлиси-

ни кийиб, икки ўрим сочини баланд қилиб турмаклар, поликлиникага кириб келганида, ҳамма ҳайратда қолди. Ҳамшира қизлар эса:

— Вой, мунча очилиб кетибсан, Матлуба!..— деган хитоблар билан қарши олишди.

Матлуба бу хитоблар, ёш врачларнинг хушомадлари ва кутаётган учрашувдан босши гангиб, тушгача қушдай учиб юрди. Тушки овқат маҳалида халатини ечиб, буфетга кираётган эди, кимдир мулойим овозда: «мумкинми, яхши қиз?» деб чақириб қолди. Матлуба бурилиб қаради-ю, юраги алланечук бўлиб кетди.

Йўлкада аэропортдаги чиройли ёш жувон турарди! Жувон қоп-қора ингичка қошларини чимириб, Матлубага разм солди, кейин:— Кечирасиз, яхши қиз,— деди.— Малол келмаса бир минут вақтингизни берсангиз. Ташқарига чиқа қолайлик. Бу ерда гаплашадиган холироқ жой йўқ экан.

Улар олдинма-кейин юриб, поликлиникадан чиқишди. Кўчанинг у юзидаги кичик гулзорга ўтиб, чинор тагидаги скамейкага ўтиришди.

— Матлубахон,— деди жувон.— Сиз балки «бу нотаниш жувон нима қилиб юрибди», деб ҳайрон бўлаётгандирсиз?

Матлуба индамади. Унинг юрагидаги қўрқув сўнган, унинг ўрнини аллақандай совуқ бир туйғу эгаллаган, чунки жувон нима мақсадда келганини пайқаган эди.

— Мен... Самиғжоннинг опалари бўламан,— деди жувон жилмайиб, жилмайганда оппоқ тишларининг орасига қўйилган нафис тилла қоплама ялтиллаб кетди.

— Мен сизни... ўзимга синглимдай яқин олганим учун келдим, Матлубахон. Сиз жуда... содда, яхши қиз экансиз...

— Раҳмат.

— Йўқ, ўлай агар ёлғон гапирсам! Сиз менга жуда ёқдингиз. Агар ёқмаганингизда, оқ кўнгил бир қиз экангизни билмаганимда бу ерга келиб юрмас эдим...

«Гапинг бўлса резинкадай чўзавермай айтиб қўя қолмайсанми?» Матлуба ранги ўчиб, кўзларини олиб қочди. Жувон хўрсинди.

— Кўриб турибман, мени хушламаяпсиз. Сиз Самиғжонни жуда яхши кўрсангиз керак... Бироқ оқибатини нима бўлади? Яхшироқ ўйлаб кўрдингизми бунини? Матлуба энтикди.

— Оқибат... нима бўлишини укангиздан сўранг!

— Укамни қўйиб туринг, Матлубахон!

— Нега энди қўйиб турар эканман?

— Чунки... ҳозирги йигитларни биласиз. Айниқса Самигҗон. Шон-шуҳратдан маст бўлиб, қизларнинг хушомадларидан боши айланиб қолган. Ҳали кўришсаларингиз айтиб берар: армияда бир кун ҳам хизмат қилмабди. Икки йил Округ офицерлар уйининг физкультура командасида волейбол ўйнаб ўтказибди. Шаҳарма-шаҳар кезиб юрибди. Чет элларга чиқиб, бир даста диплом олиб, спорт мастери бўлиб қайтибди! Энди институтга кирмоқчи... Беш йил ўқиса, шаҳарма-шаҳар айланиб юрса! Яна чемпионатлар, чет элга чиқишлар, шон-шуҳрат, йўлини пойлаган жононлар!.. Сиз... Сиз соддагина бир қиз экансиз...

Матлуба кўнглининг бир четида унинг ҳақ эканига иқрор эди, лекин иқрор бўлгани учун ҳам баттар ёнди.

— Ундан кўра... сен укамга муносиб эмассан деб қўя қолинг!— деди у лаблари титраб.

Жувон бошидаги дуррасини тўғрилаб кулди.

— О, Матлубахон, Матлубахон! Ёшсиз-да, ёш! Мен сизнинг келажагингизни ўйлаяпман!

— Боя айтдим-ку, келажагим нима бўлишини укангиздан сўранг, деб!

— Мен ҳам айтдим-ку, укам ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган тантиқ бир йигит деб. У ҳозир ақл билан иш тутадиган аҳволда эмас!

«Ҳа-а... коса тагида ним коса бор экан-да!— Матлубанинг қалбида шўх туйғу жавлон урди.— Бундан чиқди Самигҗон билан гаплашган. Самигҗон мени деган!..»

— Майли-да!— деди у кескин.— Нима қилса ҳам ўзи қилсин! Сиз аралашманг!

Жувон бошини чайқаб хўрсинди-да:

— Нечага кирдингиз, Матлубахон?— деб сўради.

— Ҳар нечук, сиз ўйлагандек қариб қолганим йўқ!

— Мен ҳам шунинг учун сўрадим-да, ёшингизни!— деди жувон.— Самигҗон энди йигирма бирга кирди. Сиз кўп бўлса йигирмага боргандирсиз... Ҳозир қайси қиз ўз тенгдошига турмушга чиқади, Матлубахон?

— Бундан чиқди, сизнингча ҳозирги қизлар чолларга тегар экан-да!

— Чолга бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, ўзидан ўн-ўн беш ёш катта одамга тегади. Мен ҳаммани эмас, ақлли қизларни айтяпман!

Матлуба бурнини жийирди.

— Ақлли қизлар, а? Аҳмогингиз бордир бу ерда!

Уйлайсизки, ниятингизни билмайди деб? Бу насихатингизни ўша укангизга олиб бермоқчи бўлган қайсингилларингизга беринг! Тушундингизми?

— Тушундим!— жувон ранги ўчиб ўрнидан турди, кўзлари аллақандай совуқ чақнаб:

— Кеча сизни кўрганимда соддагина қиз экан деб ўйловдим. Энди қарасам... ичидан пишган экансиз! Ҳа, сиз укамга муносиб эмассиз! Унинг келажаги порлоқ! Ҳали донғи бутун дунёга кетади. Сиз укамга тегиб, унинг бошига дардисар бўлмоқчимисиз? Тегиб бўпсиз!

Жувон бунинг ҳаммасини тин олмасдан тез гапирди-да, Матлуба оғиз жуфтлаганича бўлмай, кўчадаги оломонга қўшилиб кетди. Матлуба ҳушига келганда жувоннинг аллақачон қораси ўчган эди.

Матлуба аввал ўқсиб, кўзига милт-милт ёш олди, кейин ўпкасини босиб, ўзидан ғижинди, дилини чулғаб олган алам қишлоқ қизларига хос бўлакча бир ўжарлик билан алмашди:

«Йўқ, мен укангга дардисар бўлмоқчи эмасман. Бошда мен эмас, уканг менга ёпишган. Йўқ, чучварани хом санабсан! Самигжондан айириб бўпсан мени!»

Матлуба сумкасидан миттигина ойнасини олиб, тўзғиган сочларини тузатди, юзлари ловуллаб ёнган мулойим қизчанинг аксига қараб, кўз ёши аралаш жилмайди: «Чолга тег дейди-я! Ҳаммани ўзингдек кўрасанда!.. Қерак бўлса... ўша қайсингилларингни чолга бер!.. Аҳмоғнинг йўқ бу ерда!..»

* * *

Самигжон айтган жойида, бир маҳаллар волейбол майдони бўлган, ҳозир эса ўртасига катта фонтан ўрнатилган гулзорнинг атрофида айланиб юрарди.

Эғнида енгсиз гулдор финка, оёғида кўзгудек ялтилаган учи бигиз туфли, тўзғиган қалин сочлари ўзига ярашиб тушган. Самигжон Матлубага аэропортдагидан ҳам хушсурат кўрннди-ю, негадир яна кўзига ёш келди.

Самигжон уни кўриб, тез юриб келди-да, қўлтиғидан олиб, четроқдаги скамейкага бошлади. Скамейкада муштдеккина бир кампир коляскада неварасини ўйнатиб ўтирар эди.

Самигжон Матлубани қўлтиқлаб олганича кампирнинг ёнига ўтирди.

— Ярим соат куттирдинг. Бурун бунақа одатинг йўқ эди-ку?

— Биз икки йил кутганда сиз ярим соат кутсангиз нима бўпти?

— Ҳа-а? Балосан-ку! Биру ноль!— Самигжон шундай деб кулди-да, тўсатдан қизни қучоқлаб юзидан, лабларидан, бўйнидан ўпа бошлади.

Унинг оловли бўсасидан нафаси қайтиб вужудидан ўт чиқиб кетган Матлуба, кампир ўрнидан турганини кўриб, ҳушига келди, қаттиқ талпиниб, Самигжоннинг қучоғидан чиқди.

— Вой, нима қиялпсиз? Уялмайсизми одамлардан?— деди ҳансираб.

— Бе! Қимдан? Ана у кампирдан уяламизми? У ҳам роса ўпишгандир ёшлигида!— Самигжон кўзлари ўт чақнаб, Матлубага яқинроқ сурилиб ўтирди. Матлуба унинг яна ўпишта чоғланаётганини кўриб, скамейканинг четига сурилди. Самигжон хиёбондаги қиз-йигитлар кулимсираб қарашаётганини кўриб қовоғини солди.

— Ана холос! Одамлар менинг ўпичларимдан эмас, сенинг мана шу қилиғингдан кулишяпти!— деди у.— Шу одатларинг сира қолмади-қолмади-да!

— Одатимга нима бўпти? Бўлмаса сизга... учраган жойда ўпиб кетаверадиган текин қизни топибсиз-да!

— Ие, бу нима деганинг?— деди Самигжон.

— Ўзингизни гўлликка солманг!— деди Матлуба кескин.— Агар мени десангиз олдин... олдин ЗАГСдан ўтинг, кейин билганингизни қилинг!

— ЗАГСдан ўтинг!— Самигжон кўзларини лўқ қилди, кейин бирдан хохолаб кулиб юборди.

«Бундан чиқди... опохонларининг гапи тўғри экан-да!»— Матлуба рангида қони қочиб, энтикди.

— Нега куласиз?

— Ўзи куладиган гап қиялпсан-да!

«Яхши кўрса нега уйлангиси келмайди? Нега?»— деди Матлуба ичида. У бунга сира тушунолмас, Самигжон эса ҳамон хохолаб куларди.

— Сичқонга ўлим, мушукка ўйин. Сиз мени қўғирчоқдай ўйнатиб, бир кун ташлаб кетмоқчисиз!

— Қизиқсан-а! Ҳозирги замонда ким ЗАГСни ўйлайди? Бир-бирини яхши кўргандан кейин...

— Яхши кўрсангиз...— Матлуба «тўй қилинг, уйланинг!» демоқчи бўлди-ю, ийманди.

— Яхши кўрсангиз... нега ЗАГСдан ўтишдан қўрқасиз?

— Тўхта! Ахир сен... ахир биз...

Самигжон: «ахир биз бир-биримизни севамингиз-ку!»

демоқчи эди, лекин «севги» сўзи унга чучмал кўриниб, дудуғланиб қолди, сўнг юзи буришиб:— Ахир сен мени... яхши кўрасан-ку!— деб хитоб қилди.

— Сиз-чи?— деди Матлуба.

Самиғжон асабийлашиб елкасини учирди.

— Менга нима бўпти? Ахир... бир-биримизни яхши кўрсак бўлди-да! Уйнаб қолайлик... Бошқаси бўлаверар ахир!.. Наҳот шаҳарга келиб ҳеч нарсани ўрганмаган бўлсанг? Мен сени... туппа-тузук бўлиб қолгандирсан, деб ўйловдим!

— Мен сиз айтган туппа-тузуклардан эмасман!— деди Матлуба.— Бўлмайман. Бўлолмайман ҳам.

— Агар мен ўргатсам-чи?

— Раҳмат!

Тўсатдан Самиғжон қизнинг қўлидан «шап» ушлаб ўрнидан тургазди.

— Бўлди! Юр, бир жойга борамиз!

Матлуба унга ҳадиксираб қаради:

— Қаёққа?

— Бир ўртоғим чақирган. Жиндай зиёфат кўлади. Менинг ёр-биродарларим билан танишасанми, йуқми?— деди Самиғжон кулиб:— Ё ЗАГСдан ўтмагунча таниш-майсанми?

Матлуба индамай парк дарвозасига томон йўналди. Самиғжон паркдан чиқиши биланоқ беш панжасини кўрсатиб, (бу унинг «беш сўм бераман» дегани эди) дуч келган биринчи машинани тўхтатди.

— Чилонзорга.

— Ўтиринглар!

Машина «газик» эди. Самиғжон Матлубани орқа ўриндиққа чиқариб, ўзи ёнига ўтирди-ю, машина қўзғалиши билан яна бояғидай маҳкам қучоқлаб олди. Матлуба унинг иссиқ лабларидан лабини олиб қочаркан, гоҳ ўзини кўриб кўрмаганликка олиб ўтирган шэфёрдан уялар, гоҳ борадиган жойларини ўйлаб ваҳима босар, лекин шундай бўлса ҳам Самиғжонни силтаб ташлашга журъат этолмас, чунки унинг «қишлоқи» деб кулишидан қўрқар эди.

Машина узоқ юрди. Матлуба Чилонзорга борган бўлса ҳам ҳеч қачон савдо марказидан нарига ўтмаган эди, шунинг учун ҳам назарида, дунёнинг бир четига бориб қолгандай туюлди. Ниҳоят Самиғжон «келдик» деб машинани тўхтатди-да, сакраб тушиб Матлубага қўлини чўзди.

Улар катта кўчанинг муюлишига тушган, кўчанинг

икки юзида эгизак болалардай бир-бирига ўхшаган тўрт қаватли бинолар солдатлардай саф тортиб турарди.

Самиғжон Матлубани қўлтиқлаб, кўчанинг чап юзидаги ҳовлига бошларкан:

— Сал қовоғингни оч, Матлуб!— деди ёлвориб.— Худди мендан қўрқаётганга ўхшайсан, а?

— Йўқ, ўзим...

— Шундай чиройли қиз!.. Ҳайронман: кийинишинг, юриш-туришинг жойида-ю, қилиқларинг... Ке, қўй, замонавий қизларга ўхшагин, Матлуб!

— Ўхшай олмасам-чи?

— Жуда ўхшаб турибсан-да! Фақат... қовоғингни оч! Қани бир жилмайгин. Яна!..

Самиғжоннинг мулойим кулиб гапириши, айниқса «Матлуб», деб эркалаб чақирishi қизга у билан илк бор учрашган чоғларини, йигитнинг аллақандай беғубор шўхликлари, қизларни кулдириш учун ёнғоқ тегасида «Тарзан» бўлиб шохдан-шоҳга сакраб учишларини эслатди. Кўз олдига суюкли қишлоғи, тоғ этагидаги қалин ёнғоқзорлар келди-ю, юраги илиқ меҳрга тўлиб, беихтиёр жилмайди.

— Ҳа, бормисан? Мана энди мен яхши кўрган Матлубга ўхшадинг!— деди Самиғжон.

Улар арийнинг уясидай ғуж-ғуж болаларга тўла ҳовлидан ўтиб, қаршидаги уйнинг иккинчи қаватига чиқишди. Самиғжон «34» деб ёзиб қўйилган эшикнинг тугмасини босди. Эшик очилиб, остонада бўйнидаги галстуги бир томонга қийшайиб, сийрак малла сочлари тўзғиб кетган пакана хомсемизгина бир йигит пайдо бўлди. У ширакайф кўзларини Матлубага тикиб ишшайди:

— Э, бормисанлар, оламда? Қани, хоним, марҳамат қилсинлар!— Йигит Матлубанинг қўлтиғидан олмоқчи бўлиб қўлини чўзди, Матлуба худди ёш боладай хуркиб, Самиғжоннинг орқасига яширинди. Уни хомсемиз йигитнинг мастона ҳаракатигина эмас, ичкаридан эшитилаётган чинқироқ музика билан қизларнинг қаҳқаҳаси, айниқса йўлакни тўлдирган паға-паға тамаши тутуню, аллақандай қўланса ҳид сескантириб юборган эди.

Пакана йигитнинг худди бўялгандай қип-қизил, қалин лабларида ғалати табассум жилва қилди:

— Ие, ҳа, намунча чўчийсиз, хоним? Бўри эмасмиз-ки, еб қўйсақ!— Йигит гапини тугатмаган ҳам эди, йўлакда у кунни Самиғжонни кутгани аэропортга чиққан

ижки қиз кўринди. Қизлар Матлубага «салом» деган маънода бош иргашди-да, Самигъжонни қўлтиқлашиб ичкарига бошлашди.

— Сиздақа кавалердан ўргилдик! Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку, ўртоқ Матқобулов?

Самигъжон қизларни кўрганда Матлуба эсидан чиққандай, хушнуд кулиб ичкарига кириб кетди.

— Қани, хоним!— пакана йигит, қийшайиб қолган галстугини тўғрилаб, Матлубанинг билагидан ушлади.

Матлуба тўсатдан қишлоқда эшитган ваҳимали гаплари, мана шунақа зиёфатлару бу зиёфатларда бўладиган беҳаёликлар ҳақидаги «миш-миш»лар эсига тушиб:

— Йўқ, йўқ, кирмайман!— деб бақирди-да, қўлини тортиб олиб, зинадан пастга отилди. У биринчи қаватга тушганида орқадан ҳалиги йигитнинг:

— «Ҳой, Самигъжон! Тутиб келган кийининг қочиб кетди, оғайни!» деган овозини эшитди. Самигъжон уни катта кўчага чиққанида қувиб етиб, қўлидан ушлади:

— Тўхта? Қаёққа қочяпсан? Нима бўлди сенга?

— Ҳеч нима!— Матлуба қўлини тортиб олиб, унинг юзига ғазаб билан тикилди.— Қаёққа олиб келдингиз?

— Қаёққа бўларди? Оғайнимникига келдик.

— Ўргилдим бунақа оғайнингиздан. Мен копток эмасманки, оғайнингизга оширсангиз!— Матлуба шартта бурилиб кетмоқчи эди, Самигъжон ушлаб қолди.

— Шошма-шошма, нималар деяпсан ўзи? Наҳот ҳазилни тушунмасанг?! Ахир оғайнимнинг хотини бор-ку!.. Бу жувонларнинг биттаси ўшанинг хотини-ку!..

Матлуба яна кўзларни чарақлаб кетди.

— Хотини бўлса... нега менга осилади? Сиз ҳам яхшисиз! Мени хомсемиз оғайнингизга ташлаб, унинг хотини билан... қўлтиқлашиб...

Матлуба гапиролмай юзини кафтлари орасига яширди. Самигъжон уни елкасидан қучоқлаб, кулди.

— Шу ҳам гап бўлди-ю! Булар жуда яхши, жуда оқ кўнгил одамлар, ахир!.. Сен... қанақасан ўзи?

— Майли, мен шунақаман!— деди Матлуба изтироб билан.— Улардақа бўлолмайман! Бўлишни хоҳламайман. Тушундингизми?

Самигъжон йўловчилар қизиқсиниб қараётганини кўриб, Матлубани четга тортди.

Қизнинг хатти-ҳаракатлари боя унинг кулгисини қистатган бўлса, энди ғашига тега бошлади. Ўйни замонда қизнинг сўзларида, аллақандай ички бир дард

акс этиб турган маъсум чеҳрасида, ёш билан пардаланган катта қора кўзларида бўлакча бир поклик ва самимият бор эди. Самигҗон бу самимиятни сезар, сезгани учун ҳазилга буришга уринарди.

— Бундан чиқди... тўй бўлмагунча кўришмас эканмиз-да!

— Нега куласиз? Яхши кўрсангиз... нега қўрқасиз? Самигҗоннинг юзида изтироб акс этди.

— Ҳалиям қўрқаётганим йўқ. Лекин... кимга керак шу иш? Мен ҳали ўқийман, ахир!

— Уқисангиз нима қипти?— деди Матлуба.— Сиз ўқийсиз, мен ишлайман. Сизга ёрдам бераман.

Матлуба: «Жоним билан хизматларингизни қиламан!» демоқчи бўлди-ю, Самигҗон ғалати кулимсираганини кўриб, лабини тишлади. Кўнглида эса унинг «хўп» дейишини илтижо қилар, агар у «хўп» деса чиндан ҳам унинг вафодор ёри, содиқ дўсти бўлишга камсамёд қиларди...

Самигҗон афтини бужмайтириб:

— Тўй, уй-рўзғор, қозон-товоқ, бола-чақа! Войдод!— деб кулди.

Матлуба бошини эгди, қўрқиб бўлса ҳам ўжарлик билан:— Войдод бўлса... мен ҳам бундай юролмайман,— деди.

— Бўлмаса кутар экансан-да!— деди Самигҗон.— Беш йилга чидайсанми?

— Майли, кутаман!

— Қариб қоласан-ку!— Самигҗон бу гапни айтишга айтиб қўйиб, дарров тилини тишлади. Чунки Матлуба тўсатдан ранги ўчиб, лаблари пирпираб кетди.

— Қариб қолишимдан қўрқсангиз.. атрофингизда парвона бўлиб юрганлар билан бўлаверинг! Институтни битириб, машҳур бўлганингизда уйланасиз!

Матлуба шундай деди-да, ўзини катта кўчага отди. У ёқдан бу ёққа ғизиллаб ўтаётган машиналарнинг бири тормозини ғичирлатиб тўхтади, иккинчиси четга буриламан, деб ариқча қийшайиб қолди. Матлуба эса кўзига ҳеч нарса кўринмай, кўчадан ўтди-да, тротуардаги оломонга қўшилиб кетди...

Самигҗон бир лаҳза қизнинг кетидан тикилиб турди, кейин қўлини бир силтаб, орқасига қайтди.

* * *

Ҳозир олти йилдан кейин, ўшанда Самигҗонга айтган гаплари, дарҳол «ЗАГСдан ўтасан» деб, оёқ тираб

туриб олганлари Матлубанинг ўзига ҳам ғалати туюлади, буни ҳар эслаганида уятдан юзлари буришиб кетади. Лекин содда қишлоқ қизи, у ўша кеча Самифжон билан алоқани узиб, тўғри қилганига амин эди. Тонг отгунча мижжа қоқмай, қоронғида шифтга тикилиб ётаркан, Матлуба ўшанда яна бир нарсани кўнглига қаттиқ тугди: ўқиши керак! Чунки наздида, Самифжон ҳам, опаси ҳам уни шунчаки бир ҳамшира деб ўйлаганлари учун назарга илишмагандай туюлди. Агар у институтда ўқиганида улар ҳам бошқача муомала қилиша, эди!.. Шунинг учун ҳам қишлоқи бир ўжарлик билан: «Агар бошимга тош ёғса ҳам ўқийман, кириш имтиҳонларидан сурункасига ўн йил йиқилсам ҳам ўқийман!» деб ўзига ўзи сўз берди.

Самифжон бу воқеадан кейин ҳам бир-икки марта Матлубахонни излаб поликлиникага келди. Лекин Матлуба унинг олдига чиқмади. У чиқмасликка чиқмас эди-ю кейин бир неча кунгача ҳеч қаёққа сизмай, пушаймон чекиб юрарди. Умуман Самифжондан кўнглини узишга қаттиқ аҳд қилса ҳам уни зимдан кузатишда давом этар, газеталарда суратлари чиқса қирқиб олар, у ҳақдаги мақолаларни қайта-қайта ўқир, шундай пайтларда дугоналарига билдирмай хилватда йиғлаб кўнглини бўшатар эди.

Бир кун — унда Матлуба ТошМИнинг иккинчи курсида ўқир эди,— медиклар билан физкультурачиларнинг волейбол бўйича ўртоқлик учрашуви бўлди. Учрашувда Самифжон ҳам қатнашди.

Матлуба Самифжон кўриб қолишидан қўрқиб, ҳам шуни истаб, ўйинни бошдан охиригача томоша қилди.

Физкультурачилар учрашувни учу бир ҳисоби билан ютдилар. Ўйиннинг охирида физкультурачилар Самифжонни осмонга отиб, табриклашди. Уни табриклашиб, атрофида гиргиттон бўлганлар орасида қизлар кўп эди. Буни кўрган Матлуба майдондан секин чиқиб кетди.

Негадир кўнгли вайрон бўлган Матлуба, катта кўчада маъюс бораркан, тўсатдан унинг ёнига «Волга» келиб тўхтади-да, Самифжоннинг «Матлуб» деган таъниш овози эшитилди.

Матлуба юраги шиф этиб, ялт этиб қаради, қаради-ю, машина тўла қизларни кўриб, ўзини яна оломон орасига урди.

Охирги сафар Матлуба Самифжонни бешинчи курс имтиҳонларини топшириб, практикага кетаётганида кўди. Бир кун кечқурун сўнгги имтиҳондан қутулган Мат-

луба хуррам кулиб, ётоқхонасига кирган эди, қўшни хонада турадиган бир қиз югуриб кирди:

— Сизни бир йигит чақиряпти! Жа кетворган йигит!

Матлуба дарров сизди: Самигжон!

Самигжон ҳовлида папирос чекиб турарди.

Матлубани кўрганда офтобда қорайган шиддатли юзида кинояли табассум жилва қилди.

— Мана, бир қошиқ қонимиздан кечармикансиз, деб келдик, Матлубахон!

Матлуба унга яқинроқ борди-ю, сесканиб кетди: Самигжон оёқда зўрға турарди!.. Галстуги бир томонга қийшайиб қолган, кўзлари қизариб кетган, лаб-лунжи осилган...

Матлуба вужуди зир титраб орқага тисарилди.

— Тўхта, нега қочяпсан, Матлуб!— деди Самигжон.— Мана, хоҳласанг ЗАГС дан ўтамиз. Агар сен учун менинг юрагимдан ЗАГС қоғози ортиқ бўлса, марҳамат, унга ҳам тайёрмиз!

У Матлубага яқинлашмоқчи бўлиб бир-икки қадам ташлаганди, қоқилиб кетиб, акацияни ушлаб қолди.

Матлуба қайрилиб ҳам қарамади. У ётоққа кирди-да, ўзини каравотга ташлаб йиғлаб юборди.

Шу-шу Самигжон қайтиб келмади. Эҳтимол ўшанда маст бўлса ҳам Матлубадан ранжигандир. Ундан ранжимаган, кўнгли қолмаган ким бор ўзи? Биттаю битта синглиси Мастура бўлса... уни ҳам йиғлатди! Бултур институтни битириб, қишлоққа келгандан бери қанча жойдан совчи келди — ҳаммасини қайтарди, ҳаммасини ранжитди. Йигитлар уни кибор дейишади, баъзилар ҳатто бемехр, тошбағир қиз деб ўйлайди. Балки Самигжон ҳам шу хаёлга боргандир? Матлуба бўлса... Кошкийди Самигжон яна бир марта қидириб келса, келиб бир оғизгина илиқ сўз айтса... нималар қилмас эди Матлуба?.. Ҳижрон дудида лахча чўғ бўлган юраги ёшлик эҳтироси, қизлик меҳр-муҳаббати — ҳамма-ҳаммасини унга икки қўллаб тутмасмиди! Унинг садоқатли ёри, ҳамдарад дўсти, сирдош ўртоғи бўлмасмиди? Бу ғурур, бу аламларни эсидан чиқариб, бир умр «чўриси» бўлмасмиди?..

Кошкийди одамлар буни билишса! У ҳам тирик жон эканини, ёшликда қўмсаган беғубор, пок муҳаббат орзусида ёниб битганини, қонида кўпирган эҳтиросни жиловлай-жиловлай чарчаганини, олдин Самигжонни пушаймон қилдириб, кейин унинг мисоли бир чўриси бўлиш ниятида адоин-тамом бўлганини тушунишса!..

Йўқ, ҳеч ким буни билмайди, ҳамма уни «димогдор» бир қиз деб ўйлайди.

Матлуба чуқур хўрсиниб ўрнидан турди, пасгда, қоронғи жарликда шовиллаб оқаётган дарёга қулоқ солганича, бир-бир босиб орқага қайтди.

Мастура бошига будильникни қўйиб, диванда ғужанак бўлиб ухлаб ётар, йиғлаган бўлса керак, қовоқлари шишган, сочлари ёстиққа ёпишиб қолган эди. Матлуба юрагига қуюлиб келган опалик меҳридан кўнгли эриб, синглисининг маъсум чеҳрасига, нам киприкларига тикилиб, бирпас турди, сўнг алламаҳал бўлиб қолса ҳам, машина сўрагани санаторий директорининг уйига кетди.

Опа-сингил санаторийнинг алмисоқдан қолган тарақ-туруқ «газиги»да йўлга чиққанларида қорли чўққилари усти эндигина оқара бошлаган, лекин дара ҳали зим-зиё, тоғ бағридаги боғлар қорайиб кўринар, сойнинг шовуллаши аллақандай ваҳимали туюларди.

Улар барвақт йўлга чиқиб яхши қилишган экан, пачоқ машина гоҳ радиатори қайнаб, гоҳ мотори ўчиб, шаҳарга соат тўққиздан ошганда кириб боришди.

Қишлоқдан иккиланмай чиққан Матлуба шаҳарга яқинлашган сари ҳаяжонни ортиб, талмовсирай бошлади. Агар ёнида Мастура гуноҳкор боладай мунғайиб ўтирмаганда, балки ярим йўлдан қайтиб кетар эди.

У институт биноси кўриниши биланоқ машинани тўхтатиб, шофёрга жавоб берди, сочини, кийимларики тузатаркан, ҳаяжонини яшириш учун жўрттага дағал овозда:

— Қани, бошла!— деди синглисига.— Мен билмасам, қабул комиссияларинг қаёқда-ю, ўртоқ Матқобулов қаёқдалар?

Мастура олдинга ўтди. Унинг кетидан бораётган Матлуба институт олдидаги хиёбонларда юрган тўп-тўп қиз-йиғитларни кўриб, бенхтиёр тўхтади.

— Қаёққа чопасан? Матқобулов келадиган вақт бўлдимиз ўзи?

— Келган бўлишлари керак. Соат иккида мандат комиссияси. Ҳамма иш ўша кишининг қўлларидан ўтади-ку, ахир!— Мастура кўзлари жовдираб бир опасига, бир институт томонга қаради-ю, бирдан чеҳраси ёришиб кетди.

— Ана, кептилар! У ёққа эмас, бу ёққа қаранг. Кўрдингизми, қизлар билан гаплашиб турибдилар-ку!..

Матлуба ранги ўчиб, сингиси кўрсатган томонга қаради. Самигжон қўлида шляпа, теракка суяниб, бир

гуруҳ қизлар билан чақчақлашиб турарди. Узоқдан унинг чеҳраси аниқ кўринмас, фақат оппоқ тишлари йилтирар, лекин Матлубанинг назарида у ҳеч ўзгармаган, аксинча, яна ҳам яшариб кетгандай туюлди. Кутилмаганда Матлубанинг эсига Самигжоннинг бир маҳаллар кулиб айтган гаплари тушди:

— Кутсанг майли-ю, лекин, қариб қолсангда!...»

— Уша киши,— деди Мастура.— Танимадингизми?

— Танидим,— Матлуба қуруқшаб қолган лабларини ялади.— Танидиму бироқ... мени кечир, Мастур, мен бу одам билан учрашолмайман! Кейин... бир кун ҳаммасини айтиб бераман. Кечир, жонгинам!— Матлуба синглисини қучоқлаб юзидан ўпган бўлди-да, Самигжон кўриб қолишидан қўрқиб, ариқ бўйидаги дарахтларни паналаганича чолиб кетди.

Мастура қулт этиб ютиниб институтга қараб кетди. У Самигжонга учрашмасдан секин ўтиб кетмоқчи эди, лекин эшикка борганида Матқобулов кўриб қолиб, қизлар даврасидан чиқди.

— Ҳа, пучуқ, қаёқларда юрибсан?— деди у кулиб.— Кеча излаб тополмадим.

Мастура бошини ҳам қилиб, туфлисининг учи билан ер чиза бошлади.

— Мен кеча... қишлоққа борувдим.

— Шунақами?— деди Самигжон.— Қалай, опангни кўрдингми?

— Кўрдим. Опамлар... ҳозир шўтта эдилар...

Самигжон бирдан ранги ўзгариб, атрофига олазрак бўлиб қаради.

— Қани? Қаёқда?

Самигжоннинг юзида акс этган ҳаяжон, овозидаги титроқ мисоли бир нур бўлди-ю, Мастуранинг кўнглини қоронғи қилиб турган аллақандай шубҳаларни тўзғитиб юборди. У тўсатдан ҳамма нарсага тушуниб, секин хўрсинди.

— Опам... кетиб қолдилар. Сизни кўрдилару кетиб қолдилар...

— Нега?— деди Самигжон.— Нега келди-ю, кетди?

— Билмасам...

— Тавба!— Самигжон бўғилиб кетаётгандай бўлиб томоғини силади, сўнг:

— Эҳ, Матлуб! Матлуб!— деб бош чайқади-да, мийиғида кулимсиради.— Опанг... Ҳалиям ўша-ўша экан-да, а?

...Матлуба эса, бу пайт институтдан узоқда, ша-
ҳар паркининг энг хилват жойида бир ўзи ўтирарди.
У ўзи билан ўзи олишар эди: «Ҳозир қилган иши тўғри
бўлдими, йўқми? Мастурага нисбатан, биттаю-битта
синглисига нисбатан яхши қилмади, албатта. Лекин ҳо-
зир Самиғжон билан учрашганда нима дерди? Ушанда
гапингизга кирмай аҳмоқлик қилган эканман, мана энди
пушаймон бўлиб келдим, дейдими?»

— Йўқ, учрашмаганим яхши бўлди!— дерди Мат-
луба. Лекин кўзларини парк дарвозасидан узолмас, қа-
ёққа кетганини синглисига айтмаганини унутиб, Самиғ-
жон излаб келишини орзиқиб кутар, олисда унга ўхша-
ган йигит кўринса юраги ўйнаб кетарди. Келаётган
йигит Самиғжон эмаслигига ишонгач, кўзига милт-милт
ёш оларди.

Тошкент, 1966 йил

ВИДО

Ҳикоя

Уста Қобилнинг аҳволи оғирлашганига бир ҳафтадан ошди. У катта меҳмонхонанинг тўрида, боққа қараган очиқ деразанинг олдидаги ёғоч каравотда бошига қўш ёстиқ қўйиб чалқанча ётарди. Катта қирқилган оппоқ соқоли шифтга қараган, икки чаккаси худди ўйиб олингандай чуқур ботган, узун қирра бурни сўррайиб қолган. Фақат кўкрагида ётган қўллари, айниқса томирлари бўртиб чиққан катта суякдор кафтлари, гарчанд тарашадай қотиб кетган ва дағал бўлса ҳам, бурунгидай бақувват ва гўзал кўринади.

Устанинг дарди ошқозонида. Назарида, ичига очкўз бир типратикан киргану, бир ойдан бери гоҳ ичакларини тирнаб тимдалайди, гоҳ чангаллаб ёғжимлайди, гоҳ усиз ҳам безиллаб турган жойига мисоли чўғ босгандай қовуриб-куйдиради...

Мана бир ҳафта бўлдики, уста овқатдан қолди. Фақат ичи ёниб кетган маҳалда сопол кўзада турган муздай қатикдан бир қултум ютиб қўяди, холос.

Хасталик енга бошлаганидан кейин уста шаҳардаги кенжа ўғли Нодирга хабар бердирган эди. Бурноғи кунни келинни олиб у ҳам етиб келди.

Устанинг дарди оғирлашиб қолганидан буён уйдан одам аримас эди. Нодир келгандан бери келди-кетди яна ҳам авж олди, шунчалик авж олдики, катта келини Гулжаҳоннинг қозон-ўчоқдан қўли бўшамай қолди. Йўқлаб келувчиларнинг аксарияти бир-икки соатсиз тарқашмас эди. Одатда улар меҳмонхонага ғамгин бир қиёфада кириб келишар, хусусан, ҳол-аҳвол сўрашаётда кўзларида, овозларида чуқур ачиниш, ҳатто изтироб акс этиб турар, аммо эҳтимол уста озор чекаётганини сира билдирмагани учундир, эҳтимол, ҳамманинг саволига бир хилда «Худога шукур!» деб жавоб бергани учундир, хиёл ўтмасдан уни унутиб қўядилару суҳбат қизиби, ҳазил-мутолиба, кулги бошланиб кетарди. Мана

ҳозир ҳам катта деразанинг олдидаги сўрида уч-тўрт киши пешиндан бери чақчақлашиб ўтиришибди.

Тўрда сочлари оппоқ оқарган бўлса ҳам ўзи хийла ёш кўринадиган Азиз домла ўтирибди. Унинг ёнидан Нодир жой олган. У ҳаворанг ипак бриджа кийган, эгнидаги нафис ипак майканинг орасидан думбадай сплоқ юмалоқ қорни кўриниб турибди. У шундай ғалати семирганки, тарам-тарам қип-қизил юзи, қовоқлари шишиб, кўзлари қисилиб қолган. Ўзиям қандайдир салобатли, вазмин кўринади, шоҳи рўмолчаси билан бўйнини, мунчоқ-мунчоқ терлаган узун қирғий бурнини тез-тез артиб, сукут сақлайди, саволларга кўпроқ бошнини қи-мирлатиб жавоб беради ёки жилмайиб қўя қолади.

Эҳтимол уч-тўрт йилдан бери кўрмагани учундир, ўғлининг бунчалик ўзгариб кетиши устага қандайдир ғалати туюлади.

Нодир охириги марта, бундан тўрт йил муқаддам, раҳматли кампир вафот этганида келин билан бирга келиб, бир ҳафта-ўн кун туриб кетганди. Шундан кейин иши оғирлашиб кетди чамаси, чақиртирса ҳам келмаган, фақат бултур кузда «илмий асаримни тугатиб олгунимча қишлоқда туриб турсин», деб тўнғич қизлари Фирузани бериб юборганди. Мана ниҳоят ўзи ҳам келди, келди-ю устани ҳайратда қолдирди: тўрт йил ичида тамоман бошқа одам бўлган-қолган. Ё уста азалдан семизликни хуш кўрмаганидан шундай туюляпти-микин?.. Нодирнинг рўпараеида чордона қуриб колхоз бухгалтери Икром деган йигит ўтирибди. У ҳам шунчалик семирганки, боши билан бўйни қўшилиб кетганга ўхшайди, катта юмалоқ қорни чордона қурган оёқларининг ўртасида ҳўппайиб турибди, фақат раисликка яқинда сайланган Самад деган йигитгина қотма, новча, ўзиям юзлари кунда куйиб қорайиб кетган.

Уларнинг суҳбатиям ғалати. Мана, бир соат бўптики, гап ҳозирги ёшларнинг ахлоқи устида кетяпти. Бу гапни одатдагидай Азиз домла бошлаган. Узун, нимжон бармоқлари билан лабларини тез-тез силаб, ҳозирги ёшларда одоб қолмаганидан, ўқишга, илмга қизиқиш сўниб бораётганидан шикоят қилади, куюниб-тутақиб гапиради:

— Тўғри айтасиз, домла!— дейди Икром бутун гавдаси билан қўзғалиб.— Ҳозирги ёшлар на урф-одатни билишади, на иззат-икромни!

Самад пешанасини тириштириб:

— Сен ҳам жа...— дейди. Унинг овозида, чўзиқ, қо-

рамағиз юзида қандайдир ўнғайсизлик ифодаси жил-ва қилади. Аммо Икром буни сезмайди.

— Нима, ёлғонми?— дейди у калта, семиз қўлини силкитиб.— Бизлар ўқиган маҳалда қанақа эди! Мана, домла ўзлари айтсинлар!

Домла лабларини тез-тез силайди:

— Ҳа, у чоғлар бошқача эди!— дейди у ва ғалати жилмайиб қўяди.

«Эски ҳаммом — эски тос!— ўйлайди уста.— Ёшларни камситишгани камситишган...»

Икром яна бир қўзғалиб:

— Яшанг, домла!— дейди мароқ билан ва Самадга юзланади.— Нафсиламрига бизлар бошқача эдик! Орамиздан тузук-тузук одамлар чиқиши ҳам бежиз эмас!..

— Масалан, машҳур бухгалтерлар,— дейди Самад кулиб.

— Мен ўзимни айтаяпганим йўқ... Мана, масалан, Нодирни олайлик. Олим бўлди. Диссертация ёқлаяпти.

Ҳамма Нодирга тикилди. У бир қўзғалиб, кулимсираб қўяди, аммо юзи ҳамниша қип-қизил бўлгани учун Икромнинг сўзларидан ўнғайсизландими, йўқми, буни билиб бўлмайди.

«Ҳа, олим!— дейди уста хаёлида.— Улуғ сўз, табаррук сўз!»

Азиз домла қандайдир бўлакча ҳурмат билан жилмайиб қарайди. У Нодирни ёшлигидан севади, уни ўзининг энг яхши шогирди деб билади, ҳамниша ундан фخرланиб юради.

— Бизни қўявер,— дейди у қўлини Нодирнинг тиззасига қўйиб.— Қани, ўзингдан гапир. Қалай, диссертация битдими?

Нодир рўмолчаси билан бўйнини, юзларини артади, қошларини чимириб, хиёл сукут сақлайди.

— Битди,— дейди у ниҳоят.— Авторефератниям ёзиб тарқатганмиз. Башарти бобой бунақа бўлмаганларнда эди...— У кўз қири билан уста ётган томонга бир қараб қўяди,— келаси ҳафталарда ёқлаган бўлардим. Энди кузга қолиш хавфи бор, аммо бобой бунақа бўлганларидан кейин... илож қанча?

Уртага жимлик чўқади.

«Ҳа, бобой,— дейди уста.— Бобой...»

Бу сўз, эҳтимол, Нодир уни шу маҳалгача «дада» деб чақиргани учундир, қулоғига ғалати эшитилади, негадир дилни оғритади.

Бир ойдан бери ёпишиб олган бу дард асабларни қақшатиб қўйган эканми, ё Нодирни азалдан яхши кўргани учунми, ишқилиб, бурноғи кун эрталаб келин иккиси кириб келганларида, устанинг кўнгли бирдан эриб, қўлларини ёғоч каравотнинг қирраларига тираб, ўрнидан тура бошлади. Лекин шу пайт, худди уни биринчи марта кўргандай тикилиб қолган Нодир шошиб қўлларини чўзди:

— Қўзғалманг, қўзғалманг!— деди у энтикиб. Сўнгра каравотнинг четига ўтираркан:

— Ҳа, бу қандай бўлди, бобой?— деб сўради.

Қизиқ, уста шу сўзни эшитди-ю, Нодирни кўрганида тарқагандай туюлган дармонсизлик аъзойи баданини қайта чулғаб олди. У остонада ранги ўчиб турган келинига: «Омонмисан, болам?»— деди-да, ўзини ёстиққа ташлади...

Шундан бери уста «бобой» сўзини Нодирнинг оғзидан ҳар куни бир неча марта эшитади, бироқ ажабо: унга ҳеч ўргана олмайди...

Уртага чўккан сукутда Икромнинг гўлдираган овози эшитилади:

— Ҳа, бобой... бобой молодец, шифо берса ҳали отдай ўйнаб кетадилар.

Нодир оёқларини йиғиштириб чордона қуриб ўтирди, бир-икки марта йўталиб қўйди.

— Ҳа, албатта,— деди у,— диссертацияни олдинроқ ёқлаш ҳам мумкин эди. Аммо ўзларингдан қолар гап йўқ. Оила қурдик. Янги уй, янги рўзғорнинг ташвиши ҳам осон бўлмас экан...— у кўпроқ домлага мурожат қилар, домла эса бошини тез-тез ирғаб, кулимсираб қўяди.— Илгари бошимизга тушмагунча билмас эканмиз,— дейди Нодир кулиб.— Ипидан-игнасиғача деганларидек, қозон-товоғу чўмичгача муҳтож бўларкансиз, киши. Тўғри, бобой ёрдам бериб турдилар. Буни инкор этиш адолатдан бўлмайди. Лекин оила бўлгач, моддий ва маънавий эҳтиёж ҳам минут сайин ўсиб бораркан... Аммо...— Нодир қийғир бурнининг учларидаги терларни бармоғи билан сидириб ташлаб илжайди.— Аммо бу ташвишлардан қутулиб олдик. Борсаларингиз кўрасиз, ҳеч нарсадан муҳтожлигимиз йўқ. Ҳаммасини саранжом-саришталаб олдик...

«Саранжом-саришта,— дейди уста.— Қозон-товоқ...»

Самад секин йўталади:

— Диссертациянгизнинг темаси?...— дейди у қошларини чимириб.

— Темаси...— Нодир бир қўзғалиб қўяди, пешанасини артади.— Шу соҳада мўътабар бўлмаган кишиларга бир қадар ғалати туюлиши мумкин. «Бақанинг асаб системаси...»

— Йўқ, йўқ, нега?— дейди Самад.

— Гап шундаки, бақа билан одамнинг асаб системаси ўртасида маълум яқинлик бор. Мана, домла билдилар.— Нодир Азиз домлага юзланади, домла шошқалоқлик билан бош ирғайди:

— Албатта, албатта,— деди у лабларини силаб.

«Бақа,— ўйлайди уста,— одам, асаб...»

Тўсатдан у бу гаплардан боши оғрий бошлаганини сезади, бор кучини тўплаб ёнига ёнбошлаб ётади. Ётган заҳоти юзини майин тоғ шабадаси силаб ўтади, димоғига райҳон ҳиди уради. Уста бошини кўтариб олманинг соясига қарайди. Соя у мўлжаллаган жойга борибди: демак, Абдуллажоннинг қайтиш маҳали яқинлашибди.

Мана, бир ой бўптики, Абдуллажон қурилаётган шифохонада унинг ўрнига усталик қиляпти. Ҳар куни кечқурун ишдан қайтганидан кейин устага ҳисобот беради.

Уста кўнглининг бир четида бу бино ундан қоладиган сўнги ёдгорлик бўлишини сезгани учунми, ё бу ишни савоб деб билиб, тўшак ёзиб ётиб қолгунгача унга бор кучи, ҳунари, меҳр-муҳаббатини бериб келгани учунми, ишқилиб, ҳар куни Абдуллажоннинг йўлига интизорлик билан тикилар, унинг қурилиш тўғрисидаги гапларини эшитаётганда эса ҳатто оғриқ ҳам эсидан чиқиб кетарди.

Шифохона ярми район ҳисобига, ярми колхоз ҳисобига қурилмоқда эди. Ўзи унча каттаям эмас, саккиз хоналик оддийгина бир бино эди. Лекин ўтган йил район катталари айни иш қизиган бир маҳалда, шаҳардан копток тепадиган майдон қуриш баҳонаси билан ўз улушларини олиб қўйдилару (копток тепадиган майдон қаёқда-ю, шифохона қаёқда?), колхознинг қуввати етмасдан, қурилиш тўхтаб қолди. Башарти уста масалани йиллик-ҳисобот мажлисида кўтариб чиқмаганида, эҳтимол, бу йил ҳам битмас эди. Мана энди раис ҳам хурсанд, аҳли қишлоқ ҳам.

Уста шу бинони битказсам бас, кейин кампирнинг ёнига жўнасам ҳам розиман деб ўйлаганди, аммо ниятига етолмади — унинг тўрт деворини тиклаб, энди устини ёпаман деб турганида тўшак ёзиб, ётиб қолди.

Устанинг хаёлини рўпарадаги шафтолизорда пайдо бўлган бир тўп болалар бўлиб юборди. Болалар орасида Абдуллажоннинг иккита ўғли билан Нодирнинг қизи Фируза ҳам бор эди. Қизиқ: уста шу неварасига бўлакча меҳр қўйганди. Айниқса, унинг кўзларини яхши кўрар, унинг ҳамиша кулиб турадиган чарос кўзлари устага негадир кампирни, тўғрироғи, унинг ёшлик чоғидаги кўзларини эслатарди... Нодирлар келгунча Фируза ҳам Абдуллажоннинг болаларидай кийим-боши лой бўлиб, яланг оёқ, яланг бош чопқиллаб юрарди, онаси келгач, қизига калта оқ кўйлак кийгизиб, сочларига оқ лента боғлаб қўйди. Мана энди дарахтлар орасида бир қарашда шохдан шохга учиб қўнган ниначига, бир қарашда капалакка ўхшаб яйраб-яшнаб юрибди.

«Ишқилиб умри узоқ бўлсин...»

Уста унинг шўх қилиқларини суқланиб кузатаркан, хаёлига фавқулудда бир фикр келди, у Нодирни ҳам бошқа фарзандларидан кўра кўпроқ севган, болалигинданок унга муҳаббат қўйганди.

Эсида бор: урушдан олдин уста йигирма тўрт хоналик янги мактаб солган, тўғрироғи, ҳамма усталарнинг тепасида туриб, қурилишга бошчилик қилганди. У маҳалда умуман қурилиш кам экан чамаси, унинг бошланиши қишлоқда катта воқеага айланган, фақат колхозчилар эмас, ўқитувчилар ҳам ишга енг шимариб киришгандилар. Ушанда баъзан тушда, баъзан кечқурун Нодир устага овқат олиб келарди. У пайтда Нодир ё иккинчи, ё учинчи синфда ўқир, ўзиям устага ўхшаган новча, озғин, аммо юлдузи нессиққина, ниҳоятда озода бир бола эди. Уста уни ҳамиша ёнига ўтқазиб бағрига босарди. Уни бошқалар ҳам очиқ чеҳра билан қарши олишар, эркалашар, ўқитувчилар эса Сири биридан ошириб мақтаб кетишарди. Айниқса, Азиз домла кўп мақтар, «ўзи иккинчида-ю, аммо эҳ-ни бешинчи синф боласининг зеҳнидан ўткир буни!» дерди қайта-қайта таъкидлаб ва бу билан даврадагиларга: «Сенларнинг фарзандларинг ҳам шундоқ бўлсин» демоқчи бўларди.

Дастлабки пайтларда Нодир бу гаплардан жуда ийманар, юзини устанинг елкасига яширар, уста эса кулиб қўя қоларди. Лекин Нодир бу гапларга ўрганиб қолди, ҳатто мақтов кутиб одамларнинг оғзига қарайдиган бўлди.

Сўнгра уруш бошланди-ю, ҳар ким ўз гами, ўз ташвиши билан бўлиб қолди. Аммо уруш тамом бўлгач, бу гаплар қайта бошланди. Бу сафар Нодирнинг шуҳрати тонг юлдузидай чарақлаб кетди, бир-икки марта газетада сурати босилиб чиқди, ёш бўлса ҳам баланд минбарлардан гапирадиган, чет элдан келган меҳмонларни табриклайдиган одат чиқарди, ўқитувчиларни эса катта олим бўлишини каромат қила бошладилар. Аста-секин уста ҳам унга бошқача қарайдиган, у билан фахрланадиган бўлди. Узиям китоб мутолаа қилишдан бошқа ҳамма рўзгор ишларидан озод бўлди. Бир жиҳатдан шундай қилганлари ҳам чакки бўлмаган экан, мактабни юксак баҳо билан тугатди. Кейин шаҳарга кетди. Уста ундан топганини аямади. Абдуллажон ҳам ойма-ой қарашиб турди. Нодир бу сафар ҳам яхши ўқиди, яхши ўқигани учун бўлса керакки, шаҳарда олиб қолишди... Бу жиҳатдан уста ўғлидан мамнун, ҳатто узоқ вақт жимиб кетганида ҳам ранжимаган, негаки, улуғ мақсад йўлида юрганини тушунар, бу тўғрида домлалар, айниқса, Азиз домла гапирганда, кўнгли тоғдай ўсарди. Ҳалиям бўлса уста ундан ранжимас эди, фақат бир нарса унга ғалати туюлади: шунчалик ўзгариб кетган, илгариги Нодирга, устанинг ўзиндай новча, қадди-қомати келишган ўғли Нодирга сира ўхшамайди.

Тўсатдан уста ичидаги типратикан бир ағлаб, юрганининг тагига қаттиқ қадалганини, оғзи, томоқлари қуруқшаб қолганини сезди.

Бош томонида сопол кўза, кўзада муздай қаттиқ. Уста ичини аланга олганда қаттиқдан бир-икки қошиқ ичади. Лекин ҳозир буни ўзи олиши керак, токи улар сезиб қолишса, ҳаммаси сапчиб туришади, яна ўша жонга теккан бир хил савол-жавоблар бошланади...

Уста бор кучини тўплаб, ўнг ёнига секин ағдарила бошлади, бироқ қанчалик эҳтиёт бўлмасин, Самад пайқаб қолди чамаси, ўрнидан сакраб турди.

— Уста ака!

Самаддан кейин Нодир ҳам оғир қўзғалди:

— Ҳа, бобой, нима гап?

— Йўқ-йўқ,— деди уста,— ўзим, бир қошиқ қаттиқ...

У Самад тутган қаттиқдан икки-уч қошиқ ичди. Муздай қаттиқ, назарида, худди жиз-жиз куйиб турган жойинга бориб тегди-ю, ором берди. У ўзини ёстиққа ташлаб кўзларини юмганди, Самад энгашганини сезиб, қайта очди.

— Хўп бўлмаса, уста ака,— деди Самад,— яхши ётиб туринг...

— Барака топ, болам.

— Рангингиз анча яхши. Умуман... у ёққа кўп шашверманг, уста ака. Ҳали қиладиган иш кўп-а, ўзингиз биласиз-ку?

Самаднинг кулимсираганини кўриб уста ҳам жилмайди. Сўнгра яна кўзини юмди.

«Кўп бамаъни йигит. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин! Шу раис бўптики, колхознинг иши юришиб, турмуш пича тузалди. Ташвиши бошидан ортиб ётибди-ю, ҳар кун, жилла бўлмаса, кун ора бир келиб хабар олиб кетади...»

Уста ўз ўйлари билан бўлиб, кўзи илинганини пайқамай қолган экан, бир маҳал Абдуллажоннинг овози қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди.

Ўрнидан қўзғала бошлаганди, остонада Абдуллажон кўринди.

Устанинг ўзидай, балки ундан ҳам озғин, новча, шунчалик новчаки, ягриндор бўлишига қарамасдан, хипча, ҳатто нозик кўринади. Қалта қирқилган, аммо қалин қора соқоли, учлари сағал олифталик билан буралган мўйлови юзининг чўзиқлигини билинтирмайди.

— Уйғоқмисиз, дада?— овози бўғиқ, аммо мулоийм.

Уста бошини қимирлатди. Абдуллажон четроқдаги стулни каравотнинг ёнига суриб ўтирди, энгашиб сўради:

— Қалай, тузукмисиз, дада?

— Шукур...

— Оғриқ босилай дедими?

— Оғриқ...— деди уста.— Шу гап кимга керак, болам?

Абдуллажон тирноқлари синиб, ёрилиб кетган узун бармоқлари билан мўйловининг учини тўғрилаб, кулимсиради. Шунда худди раҳматли онасиникига ўхшаган қуралай кўзлари ҳам кулди-ю, чеҳраси ёришиб кетгандай туюлди. Шу сабабданми ё бошқами, уста унинг ниҳоятда кўҳлик, хушбичим эканини, қирқдан ошганига қарамасдан ҳали жуда ёш кўринишини кўнглидан кечирди. Уста ўзи ҳам шундай бўлган — эллик ёшида уни ўттиз беш-қирқ яшар деб ҳисоблашарди.

Абдуллажон ҳисобот бера бошлади.

— Бугун, ниҳоят, бинонинг устини ёпиб бўлишди. Аммо на шифер, на тунука топилмагани учун қора қоғоз билан ёпишди. Эрталаб эҳтимол ганч сувоққа киришсалар.

Бунинг ҳаммаси деярли маълум гаплар эди. Лекин уста одатда унинг бу гапларини зўр эътибор билан эшитар, маслаҳатлар берар, гоҳ койинса, гоҳ қувонарди. Бугун эса гарчи Абдуллажонни ҳар кунгидай сабрсизлик билан кутган бўлса ҳам, унинг гапларига одатдагидай эътибор қилмас, гапидан ҳам кўра кўпроқ нигоҳини, худди кампирниқига ўхшаш қуралай кўзларидаги илиқ, майин табассумни кузатиш билан банд эди.

Улар йигирма беш йилдан бери ёнма-ён меҳнат қиладилар, аммо уста шу бугунгача унинг нақадар хушбичим, мўмин-мулойим бир йигит бўлганини сезмабди. Бирор марта унинг чеҳрасига суқланиб қарамабди, ишидан, гап-сўзларидан миннатдор бўлиб: балли болам, демабди!..

Йўқ, бу фикр ҳозир устанинг дилига азоб бераётгани йўқ, у шунчаки, буни пайқамаганига ажабланипти, ҳатто бу кашфиётдан қувоняпти...

Абдуллажон гапириб бўлдим, йўқми — уста буни англай олмай қолди: уйга катта келин Гулжаҳон кирди.

Уста унга кўзи тушган ҳамон қандайдир қимтиниб, безовталаниб қолди. У бир ойдан бери ҳаммадан кўра шу келинидан тортинар, ҳатто виждонан эзиларди. Ёш аёл унинг қуриб-қовжираб қолган суякларини кўриб, таъби хира бўлишидан қўрқар ва иложи борича уни ташвишлантирмасликка ҳаракат қиларди. Буни Гулжаҳоннинг ўзи ҳам сезса керак, эшикдан кирган жойида тўхтади: бўйи новча бўлса ҳам эрига ўхшаган яғриндор, ҳатто қўллари ҳам Абдуллажоннинг қўлларидай катта-катта, меҳнатдан дағаллашиб, қотиб кетган. Фақат чакка суяклари туртиб чиққан озғин, юмалоқ юзи мулойим, аллақандай тиниқ, қўй кўзларидан меҳр ёғилиб турибди.

— Келди-кетди билан бўлиб, сизга қарай олмадим, тузукмисиз, дада?

Уста сийрак, оппоқ қошларини чимиради, бошини чайқайди.

— Раҳмат, болам, ишингни қилавер, сенгаям қўйин бўлди...

Гулжаҳон рӯмолининг учини узун бармоқларига ўрайди, секин энтиқади.

— Менга нимага ҳам қийин бўларди, дадажон, иш-қилиб, сиз... сизга шифо берсин...— у нажот сўраган назар билан Абдуллажонга қарайди:

— Ақалли бир-икки қошиқ ош ичинг, дада, қатиқ-лаб берай, мадад бўлади.

— Майли,— дейди уста,— кўп эмас...

Унинг овқатга тоби йўқ, аммо Гулжаҳоннинг кўнглини қолдиргиси келмайди...

Эр-хотин секин уйдан чиқишади.

Гулжаҳоннинг келин бўлиб тушганига йигирма йил бўлди. Аммо уста унинг лоақал бир кун тиниб-тинчиганини билмайди. Йигирма йилдан бери ҳам уйнинг, ҳам даланинг ишини ўтайди. Ҳар куни эрта наҳорда туриб, ярим кечада ётади. Кампир раҳматли кўзини юмибдики, бутун рўзғор, ҳатто Нодиржоннинг қизи ҳам унинг зиммасида. Шундай бўлса ҳам уста на бир марта унинг турмушдан полиганини эшитди, на бирор муносабат билан қовоғини солганини кўрди. Аммо уста энди ўйлаб қараса, унга жабр бўлибди! Абдуллажонга айтиш керак: жонига ора кирсин, у ёқ-бу ёққа олиб борсин...

Уста Абдуллажон келтирган угра ошдан икки-уч қошиқ ичиб, қайтариб берди. Абдуллажон косани четга суриб, сўнгра қўлини устанинг қўлига қўйди.

— Нима бўляпти ўзи, дада? Шаҳардан тунов кунги докторни чақиртирсаммикин?

Уста бошини чайқади:

— Бор,— деди у,— дамнингчи ол, бугун анча тузукман, дармоним йўқ, холос.

Йўқ, уста Абдуллажонни авраётгани йўқ, дард, оғриқ чиндан ҳам деярли тўхтаган, фақат беҳол эди.

Ниҳоят, у уйқуга кетган бўлса керак, туш кўрди. Гўё меҳмонхонанинг ёнида яна бир ҳужра қура бошлаган эмиш. Уни уста гўё кампир иккисига мўлжаллаган, қариган чоғимизда осойиштароқ кун кечирайлик, деб ўйлармиш. Шунинг учун ҳам кечаю кундуз ҳордиқсиз ишлар, ўзиям жуда чарчаган эмиш.

Бир маҳал қўлида тугун, ҳужрага кампир кириб келганмиш. Эғнида кўк кўйлак, бошида кўк рўмол, кўзларига ҳам ғалати кўк сурма қўйганмиш.

— Шу ҳужрага жуда шошилдингиз-да, дадаси,— дермиш у бошини ғамгин чайқаб.— Олдин болаларни уй-жойлик қилиб, кўнглини олсангиз девдим.

Уста мўйловани силаб кулармиш:

— Қачонгача бола-чақани деймиз? Узимизниям бир ўйлайлик-да. Сенга яқинроқ бўлай деб қуряпман бун!

Уста бу гапни ҳазил қилиб, кўзларини ғалати қисиб айтармиш. Шундан кейин кампир ёшлигидаги истараси иссиққина келинчак қиёфасига кирганмиш ва устандан уялган бўлиб юзини ўгирармиш:

— Қўйинг, ҳар нимани гапираверманг,— дермиш у ва ташқарига шошилармиш.

Уста уни тўхтатмоқчи бўлиб интилармишу аммо ўрнидан қўзғалолмас эмиш... Уста уйғониб кетди.

Кун чиқмаган бўлса ҳам меҳмонхона ёп-ёруғ, қўчадан подачининг: «Ҳей, ҳайда!» деган овози эшитилиб турарди.

Устанинг нафаси бўғилган, дармонсизланган эди. У бир дақиқа қўй-қўзиларнинг маърашига қулоқ солиб тушини ўйлаб ётди. Шу пайт рўпарадаги деразанинг орқасидан икки кишининг паст, аммо асабий товуши қулоғига чалинди.

— Сиз масалага тушунмадингиз!

«Нодир!»— хаёлидан ўтди устанинг.

— Узи тушунмайдиган гап бўляпти-да, ука, ахир кўриб турибсан-ку!

Бу Абдуллажоннинг овози эди.

— Кўриб турибман. Аммо сиз ҳам бир мулоҳаза қилиб кўринг, ахир: башарти шу сафар ёқлаб олмасам, олти-етти ойга сурилиб кетади бу савил.

— Сурилса нима бўпти? Дадамиз бу аҳволда ётганда..

— У киши яна бир йил шу кўйда ётишлари мумкин. Биладан бу дардни.

— Ҳар қанақа олим бўлсанг ҳам шу сафар пайғамбарлик қилма, ука.

— Майли.

Нодирнинг овози бирдан ўзгарди, худди кўнгли озор чеккан ёш боланинг овозидай титраб кетди...

Уста кўзини секин юмди... Қани энди бу овозни эшитмаса, билагида қуввати бўлса-ю, тескари ўгирилиб ётса. Аммо ўгирилиш у ёқда турсин, қимир этишга мажоли йўқ, асабий овоз эса тобора баланд дардаларга кўтарилмоқда эди.

— Майли, танаси бошқа дард билмас, деб бекор айтмабдилар. Аксинча, наҳотки, менинг бутун келажагим, ҳаёт-мамотим шунга, фақат шу нарсага боғлиқ эканини тушунмасаларнинг? Бу ишнинг юзага чиқиши

фақат мен учун эмас, ҳаммамиз учун катта бир обрў бўлишини айтмай қўя қолай (бунга бари бир тушунмайсиз!), пул деган савил ҳам бир печа марга ошадикуну: сшса зарар бўлмас дейман? Сизларгаям нафимиз тегармиди дейман?

— Раҳмат. Шу кунимизга ҳам шукур.

— Ана! Тагин пичинг отадилар.

— Хўп,— тўсатдан Абдуллажон бўғиқ йўталди.—

Аммо шуни билиб қўйгинки... ўзинг уягга қоласан,— деди у,— одамларнинг гап-сўзи...

— Мен мешчанлик ботқоғига ботиб қолган чиркин одамларнинг гап-сўзини сариқ чақага ҳам олмайман, ҳа!

Бир дақиқа ғалати жимлик чўкди, сўнгра Абдуллажон:

— Шунақами?— деди секин.— Майли бўлмаса, ўзинг биласан...

Овозлар тинди, вазмин қадамларнинг «гурс-гурс»и эшитилди...

Устанинг кўзи секин очилди. Назарида, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит, ҳовлида тирик бир жон қолмаган эди.

«Нодирмиди у ё уста янглишдимиз? Наҳот Нодир, унинг кенжатоғи, эркаси, фахри — Нодир шу гапларни айтса?..»

Уста нимадир томоғидан қаттиқ бўғганини, икки томчи илиқ кўз ёши чуқур ботган ёноқларига юмалаб тушиб, соқолига сингиб кетганини ҳис этди...

«Бу... сенга нима бўлди, қария?»— деди уста, лекин худди шу саволни кутиб тургандай, кўз ёшлари соқолига оқиб туша бошлади. Назарида бошига оғир мушкул тушган маҳалда ҳам бунчалик эзилмаган, хўрланмагандай эди. У умрида биринчи марта шундай йиғлаши эди, айни маҳалда кўз ёши оғирган кўнгилга тасалли беришини ҳам биринчи дафъа ҳис қилиши эди...

Ҳар ҳолда бир оздан кейин Абдуллажон қариб келганида, уста уни одатдаги қиёфада қарши олди, сўнгра ишга боришга ижозат этди-да, Нодирни чақириб юборишини илтимос қилди.

Абдуллажон бир дақиқа қошларини чимириб, савол назари билан тикилиб қолди, кейин индамай чиқиб кетди-да, хиёл ўтмасдан Нодирни бошлаб кирди.

Нодирнинг эғнида ипак пижама, оёғида ўша шиппак, фақат кечаси яхши ухламаганми ё кечқурун ич-

килик қилишганми, ишқилиб қовоқлари шишинқираган, кўзлари ҳам кичрайганга ўхшар, ранг-рўйи ҳам қандайдир тунд эди.

— Қани, ўтир, ўтирларинг-чи,— деди уста,— бир оғиз гапим бор...

Нодир Абдуллажоннинг ёнидаги стулга ўтираркан, унга ер тагидан бир қараб қўйди.

Уста бир оз сукут сақлаб, ўзини босиб олди.

— Мен бугун анча тузукман,— деди у ниҳоят,— уйқум тинч бўлди, оғриқ ҳам қўйди ҳисоб... Сен долзарб маҳалда келганга ўхшайсан,— уста кўзларини секин очиб, Нодирга тикилди. Нодирнинг узун, қийғир бурни бирдан ялтиллаб кетди, у шошиб рўмолчасини қидира бошлади.

— Йўқ, гап унда эмас...

— Мен... иккаловингдан ҳам розиман. Сен ҳам рози бўл, болам...— уста кўзини юмди. Ўртага оғир сукут чўкди, сўнгра Нодирнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Иш бўлса, бир гап бўлар.. Сиз бу аҳволда ётганда...

Уста кўзини қаттиқроқ юмди, ҳаво етишмаётгандай бўлиб, чуқур тин олди.

— Аҳволим... Аҳволимга нима бўпти?— деди у.— Бу дард ўзи шунақа: бир йилга чўзилса ҳам ажаб эмас..

Нодир кўзларини отасининг юзидан узиб, очиқ деразадан боққа қаради.

«Бу бобой нима демоқчилар ўзи? Ё унга пичинг отмаган энди шу киши қолганмиди?»— Нодирнинг юзига қуйилган қирмизи бўёқ секин тарқади.— Ҳа, булар учун, бутун қишлоқ учун у катта олим, турмушда кам-кўсти йўқ. Мана, тўрт йил бўптики, бир кун тиниб-тинчимади. Кундуз диссертация устида тер тўкса, кечалари чакана иш олди: мақолалар ёзди, кечки мактабларда дарс берди. Фақат тирикчилик тебратиш, инсонга ўхшаб кун кечирриш учунгина қилди бу ишларни.

Рост, бобой ҳам ёрдамлашиб турди унга. Буни Нодир инкор этмайди, инкор этиш адолатдан эмасди, аммо унинг ёрдами Нодир учун, ёш оила учун мисоли, дарёдан томчи эди, холос! Буни на ота тушунди, на ака, Нодир ўз ёғида ўзи қовурилди. Ниҳоят иши юришиб, эрта-индин ёқлаб мен ҳам ёруғликка чиқаман деб турганда бундай бўлди!..

Албатта, бобой жўрттага касал бўлгани йўқ. Лекин...

Майли, нима дейишса ҳам ихтиёр ўзларида. Фақат... кўнглида уйғонган тугёнга йўл бермаслик керак, холос... Жаҳл чиққанда ақл қочади дейдилар. Ўйламай энгиш керак буларни!»

Уста бошини секин ирғатди:

— Бас. Гап шу. Рози бўл, болам!— деди у эшитилар-эшитилмас, кейин бошини қуйи солиб ўтирган Абдуллажонга юзланди:

— Келинга айт, меннинг яктагим билан ҳассамни берсин...

Уста бир неча дақиқа кўзларини юмиб қамир этмай ётди: у Нодир чиқиб кетишиниям-кетмаслигиниям билмай ўтирганини сезди, аммо чурқ этмади, зотан чурқ этишга мажолни ҳам йўқ, дилида уйғонган зўр ғалаён билан олишмоқда эди.

Ниҳоят Абдуллажон, унинг кетидан Нодир ҳам қўзғалди.

— Майли, ишқилиб, омон бўл!— деди уста энтикиб.

Бир оздан кейин «шип-шип» этган овоз эшитилди. Уста Гулжаҳонмикин деб ўйлади, бирсқ оёқ товуши ниҳоятда энгил эди. Шу пайт кўзи яктагини стул сунчиғига илаётган қўлларга тушди: бу қўллар, тилла занжир чуқур ботган юм-юмалоқ билаклар оппоқ пуфакка ўхшарди.

Уста кўзини юмди. У ўрнидан туришга аҳд қилганди. Туришга мадори етармикин? Аммо турмаса Нодир кетмайди; негаки боя уста қанча уринмасин, гапи хиёл илмоқли чиқди чамаси, довдираб қолди.

Довдирамасин! Ишни шунчалик зарур экан, бораверсин. Унинг тобути устида бир одам ортиқ бўлди нима-ю, кам бўлди нима?

Уста оёқларини қимирлатиб кўрди, худди чўян! Гўё белидан юқори томонида жон бору пастида жон йўқ!

Аммо туради, чўян тугул симобдан ясалган бўлса ҳам туради у.

Уста қўлларига бутун кучини тўплаб, тирсақларини каравотнинг четларига тиради, сўнгра тишини тишига қўйиб, қаддини тутиб ўтирди. Нафасини ростлагач, чойшабни очиб, оёқларига қаради, қаради-ю, кўзларида илиқ табассум пайдо бўлди: ахир, наҳотки унинг оёқлари шунчалик узун, бесўнақай, хунук бўлса-ю, у ҳеч қачон бунни сезмаган бўлса!

Ниҳоят уста қўлларини каравотга тираб секин ту-

ра бошлади, аммо энди қаддини ростлаб олганида, тўсатдан, кечадан бери тинчиб қолган типратикан, назарида, уйғониб кетди-ю, бир ағдарилди.

Уста кўзларини юганича қотиб қолди. Хайрият, типратикан фақат бир ағанаб тинчиди...

Эгнида узун ятак, қўлида ҳасса — уста тўсатдан ҳовлида пайдо бўлганида ҳамма, ҳатто ёш болалар ҳам бирдан жим бўлиб қолишди.

Уста ҳассага суюганича кўзларини юмиб айвонда анча турди.

Ҳовли гарчанд қуюқ сояга чўмган бўлса ҳам жуда ёруғ кўринди унга. Дарахт япроқлари гўё гард юқмагандай тиниқ, ям-яшил эди. Айвоннинг олдидаги, сўрининг теварагидаги ҳар бири пиёладай атиргуллар эса шундай очиқ қизил рангга бўялган, хиналар шундай нафис пуштирангга чўмилган эдики, дилини равшан қилиб юборди унинг!

Ҳаммадан олдин болалар шов-шув кўтаришди. Улар еб ўтирган қаймоқларини ташлаб чопиб келишди. Фируза устанинг оёғини қучоқлаб, тиззасига юзини ишқалади. Ошхонадан икки коса овқат кўтариб чиққан Гулжаҳон севинганидан, овқатни қаёққа қўйишини билмасдан қолди.

— Вой ўлмасам, нима бўлди, дадажон, ё ҳовлига жой солиб берайми? — деди у устага гирдикапалак бўлиб.

Ниҳоят, сўрида кичик келин билан нонушта қилиб ўтирган Нодир ҳам етиб келди:

— Ие, бу қандоқ бўлди, бобой? Туриш ман қилниган эди-ку сизга?

— Сен қачон кетмоқчисан? — деди уста унинг сўзини бўлиб.

Нодир елкасини қисди, ўнғайсизлангандай жилмайди.

— Билмадим энди, сиз бу аҳволда..

— Аҳволимга нима бўпти? Айтдим-ку, тузукман деб! Мана... Шифохонага боряпман... бир хабар олиб келмоқчиман...

Нодир яна ўнғайсизланиб кулимсиради.

— Қайдам. Боя рансдан машина сўрагандик. Аммо тўғриси айтинг: мабодо ҳалигидақа... Сиз турганда ҳар қанақа иш бўлсаям!..

Нодир сўзидан адашиб, дудуқланиб қолди. Уста секин ерга қаради:

«Машина сўраб қўйиб, тағни бу гапни айтасанми, болам?»

— Хўп, мен кетдим, мендан хавотир олма,— деди уста.— Кўриб турибсан, тузалиб қолдим.

У бошини кўтарди, назарида, тўсатдан иликларига қандайдир бир куч қўйилиб келгандай, ҳатто чўяндай оёқлари ҳам енгиллашгандай туюлди унга.

Қуёш терак бўйи кўтарилган бўлса ҳам кўча салқин, деворлардан осилиб тушиб, чирмашиб кетган олча ва гилослар ажойиб бир чодир ҳосил қилган.

Олчалар териб олинган, ўриклар ҳам хазон бўлган, фақат чанг япроқлар орасида чуғурчуқ чўқиган ва туршак бўлиб қорайиб қолган мевалар кўзга чалинади.

Уста гузарга буриладиган жойга етганида, чап қўлдаги боғ эшикдан катта саватда олма кўтарган бир кампир чиқди. Устани кўрди-ю, саватини ерга қўйиб йиғлаб юборди:

— Вой, айланай, уста акажон, тузалиб кетдингизми?

Уста аёлнинг ажини босган озғин, қорамағиз юзига, ёш билан пардаланган нурсиз кўзларига хиёл тикилиб турди-ю, тўсатдан, уруш тамом бўлган йили кузда, биринчи ёмғирдан кейин бу жувон эрталаб унинг олди-га йиғлаб келганини, ёмғирда уйининг бир томон девори қулаб тушиб, тўрт боласи билан кўчада қолганини гапириб бергани эсига тушди.

Уста ўшанда, гарчи совуқ тушган бўлса ҳам, пахса девор олиб уйини тузатган, томини ҳам суваб берганди.

«Ушанда хўп бамаъни иш бўлган экан, савоб иш...»— ўйлади уста аёлнинг фронтда дом-дараксиз кетган эри ҳам ёдига тушиб...

Шу бўлди-ю, уста йўл-йўлакай ўзи қурган уйларни кўздан кечириб кетди. Санаб қараса, гузарга етгунча ўн олтита уйни ўз қўли билан қурган экан.

Бу уйлар сал илгарироқ солинган бўлиб, кўпчилиги қамиш билан ёпилган, аммо шундай бўлса ҳам мустақкам, яна юз йил турадиган, ихчам, хушбичим бинолар эди! Ҳозир одамлар қамишни менсимамай қўйишди, томини шифер, ҳатто тунука билан ёпишадди, эликдан ортиқ хонадон шунақа янги уйларга кўчиб ўтишди. Бу уйларни ҳам, ярмини деса лоф урган бўлар, учдан бирини Абдуллажон билан бирга уста қурган!

Ҳа, уста қурилишни севарди! Бундан беш йил муқаддам бир кунда беш минг ғишт терган пайтлари бўлган!.. Гоҳо йигитлардан иккитаси унга ғишт ташлаб етказа олмас, уста эса уларни шундоқ илиб оларди-ю, териб кетаверарди. Ғишти ҳам айни кўзлаган жойига бориб тушаверар, унинг бу ишини томоша қилгани ман-ман деган усталар келишарди...

Гузардаги анҳорнинг бўйида, мажнунтоллар орасига яширинган шиннамгина чойхонадан йигитларнинг хушчақчақ қаҳқаҳаси эшитиларди. Улар устани узоқдан кўриб қолиб, «гур» қўзғалиб, пешвоз чиқишди. Таниш чойхоначи, шошганидан бўлса керак, чойнагини ҳам қўймасдан югуриб келди.

— Э, вой, уста акамларми? Бормисиз? Балли сизга, балли!..

Уста бутун оғирлигини ҳассага ташлаб мажнунтолнинг тагида (бу толнинг соясида не-не гулгун суҳбатлар ўтганди) бир нафас турди, кўнгли, бутун вужуди билан сўрига ёнбошлаб дам олгиси келади, лекин ўтирса қайта тура олармикин, туришга мадори (етармикин)?

— Раҳмат!— уста бошини чайқади.— Мен шифохонани бир кўрай девдим...

Қурилаётган шифохона гузардан атиги юз эллик қадам нарида эди. Бу масофа устага Маккадан ҳам узоқ туюлди. Аммо кўча юзида қад кўтарган баланд пештоқли бинога кўзи тушиши билан бу чарчоқнинг ҳиссаси чиқиб кетди!

Шифохонанинг лойиҳасини уста ўзи чизганди. Бошда шаҳардан келган лойиҳа бўйича хоналарнинг ҳаммаси қуёшга тескари эди, сабаби — бетоблар учун соя-салқин лозим эмиш! Бўлмаган гап! Авваламбор, оламда тирик бир жон йўқки, унга офтоб ёқмаса, қолаверса, дард деган нарса кўпроқ қари-қуриларга ёпишади, қари одамга эса, дори-дармондан кўра ҳам кўпроқ иссиқ керак!

Ҳа, уста лойиҳани тузатиб тўғри қилган экан. Шифохона жуда серқуёш, ихчам бир бино бўлибди! Лекин устани бир нарса салгина ранжитди: қурилиш тугаган бўлса ҳам, атроф ахлатга тўлиб ётарди!

Уста буни Абдуллажонга айтишга аҳд қилди, аммо кириб бориши билан қурилишда шундай шов-шув кўтарилдики, уста ўйлаган гапларини ҳам унутди.

Илк таажжуб ва шодлик хиёл босилиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан кейин, уста ичкарига кирди.

Одамларнинг самимий қувончи сабаб бўлдим ё бинони кўриб кўнгли кўтарилиб кетдим, ишқилиб, чарчоқ тарқаб оёқларига қувват киргандай туюлди-ю, хоналарни битта-битта айланиб чиқди. Иш кеча Абдуллажон айтгандек борар — ҳамма хоналар сомон сувоқдан чиқарилиб, ганч сувоққа киришилган эди.

Сомон сувоқ чакки бўлмаган: фақат бир-икки хонанинг бурчаклари нотекисроқ чиққанди. Бунинг сабаби — газчўп ишлатишни яхши билмасликда эди. Уста бунни айтмоқчи ҳам бўлди-ю, кейин бу ўйндан қайтди, чунки нотекис жойларни ганч сувоқда тўғрилаб юбориш қийин эмас эди, қолаверса, уста умуман камчилик қидиришни ёқтирмас, бунни «қарилик касали» деб биларди.

Уста хоналарни айланиб бўлиб, ташқарига чиққач, ҳамма унга жимгина тикилиб қолганини кўриб, шогирди Комилжонга юзланди:

— Раҳмат!— деди секин, сўнгра чуқур нафас олиб қўшимча қилди:— Кўп яхши иш бўпти, балли, азаматларим!

Уста азалдан шогирдларини кўп мақтамас, мақтагиси келганда: «Балли, азаматлар!» деб қўярди. Аммо бу икки оғиз сўз шогирдларига гўё қанот боғларди. Бу сафар ҳеч ким чурқ этмади. Уста одамларнинг юзига яна бир қаради-ю, дарҳол тушунди: афтидан, унинг аҳволи яна ҳам оғирлашганга ўхшайди...

— Машина чақиртирайми, дада?— деди Абдуллажон. Уста бошини чайқади.

— Йўқ, асло!

— Бўлмаса ўтиринг, бир өз дамингизни олинг, устоз.

Бу гапни Комилжон айтди, аммо уста яна бошини чайқади.

— Йўқ, ўзим аста-аста...— деди у, кейин атрофини ўраб олган одамларга тикилди.

— Мен розиман, чироқларим,— уста энтикди.— Розини бўлинглар...

— Розимиз, минг марта розимиз; устоз...

Бурилаётиб бир неча киши ганч юқи юқи бўлиб билан кўзларини артаётганларини кўриб қолди. Абдуллажон билан Комилжон орқасидан баравар эргашганларини сезиб, тўхтади:

— Хотиржам ишлайверинглар, мен ўзим аста-секин етиб оламан...

...Уста ҳовлига етганида, ҳолдан тойган, зўрға турар-

ди. Эшик олдида раиснинг «Волга»си кўринар, афтидан. Нодирлар жўнаб кетаётган бўлса керак, қўни-қўшни, хотин-халаж йиғилган эди.

Уста етиб борганида, ичкаридан нимагадир қизариб кулган келини билан Нодир, уларнинг кетидан катта тугун кўтарган Гулжаҳон чиқди.

Устани кўриб ҳамма, ҳатто «Волга» теварагида қий-чув қилишаётган болалар ҳам бирдан жимиб қолишди.

Нодир «бобой» юзма-юз келишини кутмаган эканми, уни кўриб довдираб қолди.

— Қалай, бобой... чарчаганга ўхшайсизми?

Тўладан келган қип-қизил юзини тер босиб, чуқур ботган кўзларида изтиробга ўхшаш бир ифода жилва қилди.

Йўқ, устанинг ундан ранжиши адолатдан эмас! У ҳам одам! Афтидан у ёқдаги иш ниҳоятда зарур бўлса керакки, ўзиям хижолат чекапти!

— Ҳа, чарчадим... Чарчадим, холос.— Уста четроқда турган ва энди қандайдир жимиб, бошини эгиб қолган келинга бир қараб қўйди.— Хайр, омон бўл, болам, омон бўлинглар..

Ҳовлининг сатҳи кўчага қараганда бир оз баланд. Ишқилиб йиқилиб тушмаса бўлгани. Йўқ, хайрият йиқилмади. Мана сўри. Яна олти-етти қадам босса — айвон. Устунга суяниб хиёл дам олиш мумкин... Ажабо: худди оёқлари йўққа ўхшайди. Аммо оёқлари бўлмаса ҳам босиб ўтади шу масофани! Ҳеч кимнинг ёрдамисиз, фақат ҳассага таяниб ўтади бу масофани!

Ҳа, ҳаракатда баракат деб бежиз айтмаганлар! Мана, уста каравотининг олдида турибди. Барака топкур Гулжаҳон тўшагини янгилаб, ёстиқларини тўғрилаб қўйибди.

Уста бир амаллаб яктагини ечди, ҳассасини четга суяб қўйди. Сўнгра худди жазирама ёз куни сувга шўнғи-ган одамдай, роҳат билан, бўлакча бир лаззат билан тўшакка секин чўзилди..

...У вақт ҳисобини билмай қолди, бир ўйида кўзи илингандай, бир ўйида ҳушидан кетгандай туюлди унга, ўзига келиб кўзини очганда эса, назарида, қўл-оёғидан айрилгандай эди! У тўсатдан умри тугаганини, эҳтимол, шу кечадан ўтмаслигини, балки ундан ҳам олдин жон таслим қилишини тушунди. Аммо бу фикр унинг дилида на қўрқув, на бир афсус уйғотди! Аксинча кўнгли осойишта, дили равшан эди. Унинг қалбидаги бу туйғу кун бўйи қаттиқ ишлаган ва ўз ишидан мамнун

бўлган одамнинг уйқуга кетиш олдида ҳис этадиган кечирмаларига ўхшарди!..

Хаёли худди қўқон араванинг филдирагидай вазмин ва секин айланарди: ҳа, у энди кампирнинг қошига боради! Уста унинг қабри ёнидан аллақачон ўзига жой танлаб қўйган...

Бу ўй, кампирнинг ёнига бориш фикри, кўнглига бўлакча ором бергани учунми, уста бу ҳақда узоқ ўйлади, сўнгра, ўзиям сезмасдан хаёли яна қурилишга кетди...

У эсини танибдики, усталик қилади. Аммо ҳеч қачон, ҳатто донғи узоқларга кетганда ҳам нафсга берилган эмас, бир кунлик иш ҳақини эски пул ҳисобида етмиш беш, янги пул ҳисобида етти сўм эллик тийиндан оширмади. Ҳатто турмуш анча яхшиланиб, қурилиш авж олиб номига уста одамлар кунига юз-юз эллик сўмга чиққан маҳалда ҳам уста ўз аҳдидан қайтмаган, фақат ўзи эмас, Абдуллажон, ҳатто шогирдларининг нарҳини ҳам шундан оширмаган эди

Бунинг учун кўплар устани «ғалати одамга» чиқаришган, аммо уста ўз йўлидан сира қайтмаганди. Негаки, у бир нарсага амин эди: бурунги замонда, энг яхши устанинг нарҳи бир пуд бугдойдан ошмас эди, ҳозир етти ярим сўмга қанча бугдой беради — тўрт ярим пудми? Ҳа, балли, инсоф қани, азизим? — дерди уста ўзинча...

Ҳа, уста буни жуда тўғри қилган экан, мана, ўлим тўшагида ётиб бияпти — жуда тўғри қилган экан...

Уста ўз хаёллари билан банд бўлиб, унча пайқаманган бўлса керак, кеч кирганиги Абдуллажон кириб келганидагина билди.

Устанинг унга кўзи тушди-ю, назарида, ичига яна чироқ ёқилгандай бўлиб, дили ёришиб кетди! Ҳа, Абдуллажон унинг ўзига ўхшайди, худди ўзгинаси!..

Абдуллажон стулни суриб ўтирди-да, олатлагидай эгилиб сўради:

— Қалай, тузукми-сиз, дада?

Уста бошини қимирлатди, ўзича жилмайган бўлди: «Раҳмат, болам, тузукман...» Сўнгра:

— Болаларни олиб кир, кўрай, — деди секин.

— Дада, — деди Абдуллажон. Бироқ кўзи отасининг кўзи билан учрашди-ю, индамай чиқиб кетди.

Бир оздан кейин Фирузани кўтариб қайтиб кирди, кетма-кет иккита ўғлини етаклаб олган Гулжаҳон кў-

ринди. Унинг киприклари орасида дўланадай-дўланадай ёш томчиларини кўриб, устанинг кўнгли эриди:

«Умрингдан барака топ, болам!»— деди ўзича.

Уста невараларига бир нафасгина тикилиб ётди, кейин кўзи билан имо қилди: «Бўлди».

У невараларидан мамнун эди. Фақат бир нарсадан рози бўлмади: Нодирнинг қизи ниҳоятда озода кийинган, ўзиям Абдуллажоннинг тиззасидан тушмас, афтидан, жуда эркатой эди. Гулжаҳоннинг икки ўғли эса, юпунроқ кийинган, яланг оёқ, яланг бош эди.

Абдуллажон қайтиб киргач, уста ўзига имо қилди:

— Болалар...— деди энтикиб,— ҳаммасига бирдай қаранглар. Баравар кўринглар уларни... Уқдингми?

— Тушундим, дада.

— Кейин ҳалиги... Гулжаҳонни ҳам қадрини бил... Унга жабр.

Абдуллажон бошини эгиб маъқуллади.

— Домла келдилар, Азиз ака,— деди у,— кирсалар майлими?

— Майли.

Уста бу кекса ўқитувчини яхши кўрарди. У жуда содда, ниҳоятда оқ кўнгил бир одам эканини биларди.

Азиз домла кириб Абдуллажоннинг ўрнига ўтирди. Лабларини тез-тез артиб, устага энгашди.

— Қалай, тузукмисиз, уста ака?

Уста кўзлари билан ташаккур билдирди: «раҳмат».

Домла бошини секин чайқади.

— Нодиржон... кетиб қолибди-да!— Унинг овози қалтираб кетди.

— Ҳа, кетди,— деди уста эшитилар-эшитилмас бир овозда. Уста бу сўзни астойдил, чин кўнгилдан айтди, аммо шундай бўлса ҳам, тўсатдан нимадир томоғини гип бўғди-ю, кўзлари жиққа ёшга тўлди, сўнгра Азиз домла ҳам рўмолча қидириб қолганини кўриб, ўзини босишга ҳаракат қилди:

— Майли, омон бўлсин...

Шу гапдан кейин уста, назарида, бир зум кўзи илиниб кетгандай туюлди. Кўзини очганида домланинг ўрнида Самад ўтирар, унинг ёнида соқолини тутамлаб Абдуллажон турарди.

Уста кўзини очганини кўриши билан Самад унга томон талпинди, қўлини қўлига қўйди:

— Сизга нима бўлди, уста ака? — деди у.— Мен правлениенинг қарорини олиб келдим. Шифохона-

ни сизнинг номингизга қўядиган бўлдик. Тўйингизни қиламиз ҳали, қаёққа шошасиз, уста ака?..

«Номингизга қўйдик... Кимга керак бу?»

Уста Самаднинг кўзлари ялтиллаб кетганини кўриб бор кучини тўплади, ўнг қўлини кўтариб елкасига қўйди:

— Сен мени қўявер,— деди титроқ бир товушда.— Халқни ўйла, болам. Ёш бўлсанг ҳам шу халққа ота бўлдинг, халқни ўйла. Бева-бечоралар бор, ўшаларни ўйла, болам, ўшаларни...

У ҳолдан кетиб, индамай қолди, ёнига тиз чўккан Абдуллажонга сўнгги марта қаради:

«Раҳмат, болам, рози бўл!»— деди заиф овоз билан.

...Устани кампирнинг қабри ёнига, ўзи ҳаёт вақтида белгилаб қўйган жойга кўмдилар. Кўмиш маросими-га бутун қишлоқ кўчиб чиқди, атроф қишлоқлардан ҳам жуда кўп одам келди, фақат бир киши — Нодир бўлмади, лекин унинг йўқлигини ҳеч ким сезмади ҳам.

1963 йил.

НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

Этюд

Мен Наманганни яхши кўраман. Ҳар сафар бу сўлим осойишта шаҳарга борсам кўнглим сув ичгандай бўлиб, баҳри дилим очилиб қайтаман. Ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос бир хусусияти бўлади. Наманган ҳақида ўйлаганимда хаёлимга негадир «мулойим» сўзи келади. У чиндан ҳам мулойим шаҳар. Салқин, серсоя кўчаларининг саришталиги, одамларининг хушфеъл, хушмуомалалиги, тилларининг ёқимтойлиги, ҳар бир дарахт, ҳар бир ниҳоли меҳр билан парвариш қилинган, тиниқ хиёбон ва чаман очилган гулзорларининг нафосати, қизларнинг ўзгача назокати... ҳамма-ҳаммасида қандайдир ажиб бир майинлик, мулойимлик бор...

Мен биринчи марта Наманганга бундан ўн беш-ўн олти йил аввал бир гуруҳ ёзувчилар билан кимнингдир юбилейини ўтказгани боргандим. Борган кунимиз эрта-лаб шўх бир танқидчи оғайним:

— Юр, Наманган қизларининг гапини эшитамиз. Тиллари ғалати бўлади буларнинг!— деди.

— Яхши бўлармикан?

— Э, қизиқмисан? Мен сенга қизларга шилқимлик қиламиз деяганим йўқ-ку! Тилларини ўрганамиз деяман. Ёзувчимсан ўзинг? Қани, юр!

Бозорга кирдик. Қаймоқхўрлик баҳона, иссиқ нон, қатиқ, қаймоқ сотадиган «раста»ларни айландик. У маҳалда, эллигинчи йилларнинг охирида, Наманган қизжувонлари бошларига узун оқ шойи рўмол ташлаб, оғизларини ўраб юришар, фақат бурунлари-ю, кўзлари, кулиб турувчи серкиприк кўзлари очиқ бўлар, ҳазил-ҳузул гапларга кўпам рўйхушлик билдираверишмас эди... Ҳар қалай, «тил ўрганадиган» танқидчи дўстим, кўп гапга сололмади уларни. Шундай бўлса ҳам, «қату ичиб кетинг, қату эмас, қаймо егандай бўласиз, акажон», деган майин хитобларидан яйраб, катта бозорни эринмай айланиб чиқдик. Ҳозир борми, йўқми, билмадим, ўша маҳалларда бозор ёнида, мева-чева сотадиган

машҳур сельпо дўконининг рўпарасида икки қаватли универмаг бўларди. Ёзордан кейин, қўлтиқда бир даста иссиқ нон, универмагга кирдик. Сотувчиларнинг аксарияти қизлар, ёш жувонлар. Ниҳоятда хушфеъл, ҳозиржавоб. Истаган молни дарҳол олиб кўрсатишади, таърифини келтириб мақташади. Очик чеҳра билан қарши олиб, очиқ чеҳра билан кузатиб кўйишади...

Нимасини яширайлик, ўз шаҳримиздаги баъзи савдо ходимларининг кўрс муомалалари, тунд чеҳраларидан кейин Наманган қизларининг хушмуомаласию ширинсуханлиги аллақандай яйратиб юборди кишини. Мабодо наманганликлар нотўғри хаёлларга бормасин, кўнглимизда ҳеч нарса йўқ (танқидчи дўстим шўхроқ, уни билмадим, ҳар ҳолда мен камбағалнинг кўнглимда ҳеч нарса йўқ!) бу мулойим чеҳралар, илиқ муомалалардан дилимизга офтоб тушгандай бўлиб, улкан магазинни бошдан-оёқ айланиб чиқдик.

Тил ўрганадиган оғайним, гоҳо тўхтаб, хиёл илмоқли саволлар беради, атир-упа сотаётган қизчадан жўрттага ёғоч қошиқ сўрайди. Қиз қошини чимириб:

— Вой, ману кишини,— деб кулади.— Ёғоч қошиқ хозмада бўлади, акажон.

— Хозма деганингиз нима, синглим?

Сотувчи қиз яна ўша ғализроқ эшитиладиган «г»сиз чучук талаффузда:

— Вой, хозмани билмайсизми?— дейди кўзларини катта қилиб.— Хозма-да, хозма!— такрорлайди у. Сўнг, «бошқа юртдан келган мусофир» эканимизни сезиб қолиб, илжаяди:

— Ёғоч қошиқ хозмада бўлади-да, акажон. Кенноиймла айтмаганла эканла-да!..

— Кенноийнгиз ўзи шунақароқ. Бунақа гаплар эсларида бўлмайди...

— Қўйинг акажон, пуссатим йўла!— дейди қиз, мулойимлик билан.

Ажойиб нарса-да тил! Унинг ўз шоирона руҳи, такрорланмас гўзаллиги, ўз мусиқаси бўлади. Ҳар қалай, ўшанда қалбимда Наманган ҳақида туғилган шоирона тасаввурларга шу ширин тил ҳам сабаб бўлган, ёқимли чучук талаффузда, қулоққа дағалроқ эшитиладиган «г» ва «р» ундошларисиз айтилган «хозма» билан «пуссатим йўла», деган оддийгина сўзлар ҳам сабаб бўлган эди!

Бу сафар Наманган кўзимга яна ҳам иссиқроқ кўринди.

Ўзи авжи баҳор, ҳаммаёқ кўм-кўк эмасми, бунинг

устига биз боришдан сал олдин ёмғир савалаб ўтган экан, шаҳар ёш келинчакдай очилиб, яшнаб кетибди. Боғлар, митти япроқчалар чиқарган қип-қизил анорзорлар, баланд ишкомларга кўтарилган тоқлар, дарахт ва гул япроқчаларига қўнган шаффоф томчилар ажиб жило сочади, гўё бутун шаҳар, бутун олам денгизга бир шўнғиб чиққану, энди ўзини офтобга солиб, исиниб ётибди...

Айниқса бедазорлар гўзал! Мен ёмғирда чўмилиб, аллақандай яшнаб кетган бу мусаффо бедазорларга қараб тўймайман. Назаримда, ўзбек деҳқони аз-рўзи азалдан бу хушбўй, гўзал ўсимликка ўзгача меҳр қўйганини энди, шудрингда ювиниб, эркаланиб ётган Наманган бедазорларини кўргандагина тушунгандай бўламан!..

Менинг она юртим Қарноқда «Қизил Сангир», деган баланд қир бор. Шу қирнинг этагида, боғимизга туташиб кетган чексиз-чегарасиз улкан бедазор бўларди. Ёзда ва эрта кузда бедазор беданага тўлиб кетарди. Эрта тонг сигирларни ҳайдаб қирга чиқсангиз оламни нозик хушбўй ҳавою, бедананинг битбилдиги тутган!..

Марҳум севикли амаким, қишин-ёзин қўлидан кетмон тушмайдиган меҳнаткаш, заҳматкаш одам, шу бедазорга ёндош пахтазорда сувчилик қилар, уст-боши шалаббо, кечаю кундуз сувдан чиқмас эди. Биз у кишига гўжа, айрон-қатиқ ташиб, овқат олиб борган пайтларимизда «бедана тутиб беринг» деб тихирлик қилардик. Шунда, мусичага озор бермайдиган мўмин одам, пўнғиллай-пўнғиллай баъзан лойдан битта-яримта тузоқ ясаб берар, биз эса, тузоққа тушадиган бедана пайида бедазордан чиқмас, гоҳо беда ғарамларига кириб, тунаб қолардик...

Ўрилган беданинг тилларда дoston бўлган нозик ҳиди ўшандан бери димоғимда. Сўна бошлаган гулларнинг чучук бўйига ёввойи гиёҳлар, шувоқ ва какраларнинг тахирлиги қўшилиб ҳосил бўлган қандайдир таърифсиз, аччиқ, хушбўй таъми ҳамон тилимда, ҳамон димоғимда тургандай! Тузоққа тушган беданаларнинг завқи-чи?..

Назаримда, беданадай беозор, беданадай ёқимтой қуш бўлмаса керак оламда! Тузоққа тушганда ҳам питирламай, гўё тақдирга тан бергандай бирдан жимиб, чиройли кўзлари мўлтираб, қўйнингизда ё енгингиз ччида ёвошгина ўтиришлари-чи?..

Надоматлар бўлғайким, кейинроқ «Қизил Сангир»

этагидаги бу сўлим бедазор бузилиб, ўрнига маккажў-хори экилди-ю, беданалар ҳам қишлоқни тарк этди.

Мен маккага қарши эмасман, керакли ўсимлик, яхши озуқа, лекин дўппи деса бош олиш қабилида иш тутиб, макка «мода» бўлгани учун асрлар давомида ўзбек деҳқонининг синовидан ўтган бу серҳосил, сердаромад, сервитами, хушбўй ўсимликни ўгай қилиш керакмиди? Яхшиям партиямиз қарорларида волонтеризм деб аталган ва қаттиқ қораланган бу воқеаларга барҳам берилиб, илгариги табиий ҳолатга қайтилди. Бунини Наманган теварагидаги сўлим бедазорлар ҳам таъкидлаб турибди...

Дарҳақиқат, ҳозир бутун жаҳонда табиатга эҳтиёт бўлиш, минг йиллар давомида вужудга келган мувозанатни бузмасликка ҳаракат қилиш ҳар бир ўсимлик, парранда ва дарранда, яъни ҳайвонлар, наинки ҳайвон, ҳатто қурт-қумурсқаю чивинларни ҳам авайлаш масаласи кўтариляпти. Чунки шу қурт-қумурсқаю чақавериб безорижон қилган чивинлар ҳам табиат учун муҳим экан!

Машҳур олимлар, жаҳон афкори оммасининг диққат марказида турган бу муаммолар озми-кўпми бизда ҳам бор. Тоғлардаги табиий ўрмонзорларни эҳтиёт қилиш, табиат ўзи инъом этган мусаффо булоқларни лойқалатмаслик, қушлар ва ҳайвонларни авайлаб асраш муҳим долзарб масалага айланмоқда.

Бундан беш-олти йил муқаддам «Литературная газета» овчилик масаласини кўтарганда, зотан милтиқ билан ов қилиш керакми, йўқми, деган муаммони жамоатчилик муҳокамасига қўйганида, хоразмлик ёзувчимиз Раҳим Бекниёз, «Йўқ, овчилик керак!» деб наъра тортиб чиққанди. Мен бу наърани эшитиб, ниҳоятда ранжиган эдим. Билмадим. Бугун дала ва қирлардаги парранда ва даррандадан милтиқ кўтарган «овчи» кўпайиб кетган бир маҳалда овчилик шунчалик зарурми, йўқми бунини айтилмайман. Агар овчилик тарафдорлари айтгандек зарур бўлса... бир маҳаллар боғларни тўлдирган қушлар қани? Ёввойи каптарлар, каккулар, зарғалдоқлар, дарахт шохларни орасида бир парча чўгдек ял-ял ёниб юрадиган қизилиштонлар, тўғон ва сой бўйларида жавлон ургувчи митти ва гўзал балиқчи қушлар қани? Ҳар бир терак, ҳар бир қайрағоч тепасига уя қўядиган ва қишлоқ болаларига олам-олам қувонч келтирадиган лайлаклар қайда? Қир ва адирларда, шувоқ ва ёвшан орасида йўрғалғаб юрадиган ва

семизлигидан зўрға учадиган қирғозуллар, булдуриқлар, тустовуқлар, тўқайлардаги ёғроғи ғозлар қайда? Қишда, тоғларни қор босганда пастга, қишлоқларга учиб тушадиган гала-гала какликлар қаёққа кетди? Мен тоғ оралиғида, арчазорлар ичида сурув-сурув бўлиб юрадиган архарлар, оҳуларни айтмай қўя қолай!..

Албатта бу тилсиз бечораларнинг камайиб кетишига фақат овчилар айбдор эмасдир, бунинг бошқа объектив сабаблари ҳам бордир. Лекин осмондаги қушдан ерда милтиқ кўтарган овчининг кўпайиб кетгани ҳам рост. Овга рухсат берилган (аксарият рухсат берилмаган пайтларда ҳам) тоғларга, дараларга чиқсангиз ел-каларида милтиқ, тағларида мотоцикл, ҳар бир сўқмоқ, ҳар бир ўзанда изғиб юрган «овчини» кўрасиз!..

Эшитишимча, овчи учун осмонда учиб бораётган қушни отиб туширишдан катта завқ йўқ эмиш. Эҳтимол. Лекин миллионлардан иборат жамият овчи аталмиш бир гуруҳ кишиларнинг завқи учун ўзини табиатнинг инг улкан инъомидан, қушлар ва ҳайвонларни кўриш, ларнинг овозларини эшитиш бахтидан маҳрум бўлолмайди! Мен жамоатчилик бу масалага яқин орада яна айтишига аминман. Агар республикамызда ташкил тилган табиатни муҳофаза қилиш жамияти бу масалага тезроқ кўтариб чиқса, айни муддао бўларди!

Наманган атрофидаги ёмғирда чўмилган бедазорларни кўрганимда уйғонган бу ўйлар то шаҳарга кирганимча таъқиб этди мени...

МУНДАРИЖА

Кўҳна дунё	3
Муқаддас	333
Тилла узук	419
Матлуба	456
Видо	485
Наманган томонларда	507

На узбекском языке

ЯКУБОВ АДЫЛ

Избранные произведения в трех томах

Том I

ЭТОТ СТАРЫЙ, СТАРЫЙ МИР.

роман
повесть
рассказы

Редактор *Норов Т.*

Рассом *Федоров П.*

Расмлар редактори *Карпузас М.*

Техн. редактор *Саидов Э.*

Корректорлар *Муҳитдинова Ш. ва Ганцев З.*

ИБ № 3191

Босмахонага берилди 14.08.85. Босишга рухсат этилди 10. 01. 85. Формати 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура- Юқори Босма Шартли босма л. 26,88+0,21 вкл. Шартли л. кр.-оттиск. 27,14. Нашр л. 29,25+0,17 вкл. Тиражи 60000. Заказ. 1991/1829. Баҳоси 2 с. 20 т. Ғафур Ғулом номидаг Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Наприётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Боғ қорхонасида тайёрланган матрицадан I-босмахонада босилди. Тошкент, Хамз кўчаси, 21.